Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети

«АЛИШЕР НАВОИЙ ВА XXI АСР»

мавзуидаги Республика илмий-назарий
анжумани материаллари

«TAMADDUN»
Тошкент – 2017

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(Ў)7

“Алишер Навоий ва XXI аср”: мақолалар тўплами; / масъул муҳаррир Ш. Сирожиддинов. – Т.: Tamaddun, 2017. – 316 б.

М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:
Шуҳрат Сирожиддинов,
филология фанлари доктори, профессор

Л о й и ҳ а р а ҳ б а р и:
Рашид Зоҳидов,
филология фанлари номзоди, доцент

Т а қ р и з ч и л а р:
Муслиҳиддин Муҳиддинов,
филология фанлари доктори, профессор

Каромат Муллахўжаева,
филология фанлари номзоди, доцент

Тўплаб, нашрга тайёрловчилар:
Афтондил Эркинов,
филология фанлари доктори

Дилнавоз Юсупова,
филология фанлари номзоди, доцент

Ушбу тўпламда “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги Республика илмий-назарий анжуманига юборилган илмий мақолалар жамланган. Тўпламда Алишер Навоий адабий-илмий меросининг мумтоз адабиётимиздаги ўрни ва бугунги аҳамияти, шунингдек, шоир ижодига боғлиқ ҳолда матншунослик масалалари, тилшунослик муаммолари ҳақида сўз юритилади. Ўзбек навоийшунослигининг бугунги ҳолати ва истиқболи борасида муайян тасаввур бериши унинг аҳамиятини белгилайдиган омиллардан биридир. Китоб филолог мутахассислар, илмий тадқиқотчилар, магистр ва бакалавр талабалар ҳамда кенг ўқувчилар оммасига мўлжалланган.

Муаллифлар қарашлари ва асарлар номларидаги имло таҳририят нуқтаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

УЎК: 821.512.133-1
КБК: 84(Ў)7

ISBN 978-9943-4845-5-9

© «Tamaddun» нашриёти, 2017.

НАВОИЙНИ АНГЛАШ – ЎЗЛИККА ҚАЙТИШ ДЕМАКДИР

Алишер Навоий ўзбек халқининг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум этган сўз санъаткори эканлигини теран англаган давлатимизнинг Биринчи Президенти ўз асарлари ва чиқишларида Навоийнинг бебаҳо меросидан халқимиз, айниқса, ёш авлод қанчалик баҳраманд этилса, миллий маънавиятимизни юксалтиришда, жамиятимизда эзгу инсоний фазилатларни камол топтиришда шунчалик қудратли маърифий қуролга эга бўлишимизга даъват этганлар. Ана шундай эзгу мақсадлар билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетини ташкил этиш тўғрисида 2016 йил 13 майда № ПФ-4797 рақами билан эълон қилинган Фармонида акс этганидек, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий умумбашарият маданий хазинасидан муносиб ўрин олган ўлмас асарларини айнан она тилимизда яратиб, унинг шуҳратини бутун дунёга тараннум этди. Ҳам адабий ва илмий асарлари, ҳам гўзал инсоний фазилатлари билан барчага ўрнак бўлиб келаётган Алишер Навоийнинг ранг-баранг ижоди барча сиёсату раёсатлардан устун келиб, Вақт аталмиш олий ҳакамни ҳам ўз измига бўйсундирганлиги, дунёдаги энг олий мўъжиза – Сўз қудрати ва унинг гўзал ўзбекона ифодаси сифатида умумбашарият мулкига айланганлиги рад этиб бўлмас ҳақиқатлардан ҳисобланади. Шу боис, маънавиятнинг умрбоқий сарчашмаларига доимий эҳтиёж сезадиган башарият фарзандлари бугунги кунда ҳам Навоийнинг ўлмас сатрларида тажассум топган ҳаётий ҳикматлардан кўпроқ баҳраманд бўлишга ҳаракат қилади.

Бу муаззам ижодни ўрганиш, тадқиқ ва талқин этиш Навоийнинг ҳаётлиги даврларидаёқ бошланган бўлиб, ўтган беш аср давомида сўз санъати билан шуғулланадиган кўплаб олим ва ижодкорлар турли шаклда Навоий меросини ўқиб-ўрганиш ва бошқаларни ҳам баҳраманд қилишга ҳаракат қилганлар. Мамнуният билан айтиш керакки, Навоий ижодини бор бўй-басти билан, холислик ва илмийлик мезонларига мос ҳолатда ўрганиш ва ўргатиш имконияти истиқлол шарофати билан янада кенгайди.

Ёшлар маънавий дунёсининг миллийлик ва инсонпарварлик заминида шаклланишига ғоят кучли ва самарали таъсир кўрсатадиган, айни пайтда, ўзбек мумтоз адабиёти ва ўзбек миллий маънавиятининг шакланиш ва ривожланиш қонуниятларини англаш йўлида очқич – калит вазифасини бажарадиган Навоий ижодини ўрганиш орқали ёшларда соғлом тафаккур тарзини шакллантириш, ўзбек адабиёти тарихининг энг муҳим даври ҳақида ҳар томонлама билим ҳосил қилиш, маънавий дунёси мукаммал бўлишига кўмаклашиш бугунги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган масалалардан ҳисобланади. Шу сабабли, Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университетида иккита янги ўқув фани – “Навоийшунослик” ва “Таълим босқичларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш” жорий этилди.

Собиқ шўро замонида шоир ижоди ўша давр сиёсий қолипларига солиб ўрганилди. Ўзбекистоннинг мустақилликка эришиши, жамият ҳаётидаги туб ўзгариш ва эркинлик туфайли Навоий асарлари ўзининг асл талқинини топа бошлади, шоир меросини ўрганишнинг янги уфқлари очилди. XXI аср навоийшунослиги қуйидаги вазифаларни ҳал қилишни асосий мақсад қилиб белгилаб олди:

– Алишер Навоий асарларини матншунослик ва манбашунослик мезонлари бўйича тадқиқ этиш, янги манбаларни излаб топиш ва амалиётга жорий этиш, Навоий асарларининг турли нашрлари (илмий-танқидий, йиғма-қиёсий, академик, факсимил, оммабоп ва ҳ.к.)ни тайёрлаш ва чоп этишни изчил давом эттириш;

– Алишер Навоий даври, ҳаёти ва фаолиятига оид адабий, тарихий манбаларни танқидий ўрганиб, таҳлил қилиш ва илмий асосланган хулосалар асосида унинг тўлиқ биографиясини тиклаш;

– Алишер Навоий асарлари тилини лингвистик ва лингвопоэтик мезонлар асосида тадқиқ этиш ва шу орқали ўзбек адабий тилининг тарихий тадрижи ҳақида аниқ хулосалар бериш;

– Алишер Навоий асарлари мисолида ўзбек мумтоз адабиётининг назарий масалаларини ўрганиш;

– Мусулмон шарқи минтақасида бақамти ривожланиб келган араб ва форс-тожик адабиётининг анъаналарини ижодий ўзлаштириб, янги мазмун ва моҳият билан бойитганАлишер Навоий ижоди туфайли учинчи кучли адабий жараён – туркий халқлар адабиётининг пайдо бўлиши ва ривожланиш тенденцияларини илмий ўрганиш ҳамда бу эврилишларда Навоий ижодининг роли ва аҳамиятини кўрсатиш;

– таржимашунослик мезон ва меъёрлари асосида Алишер Навоий асарларининг жаҳондаги турли тилларга қилинган таржималарини ўрганиш, шоир асарларининг янги таржималарини амалга ошириш;

– ўзбек тасаввуф шеъриятида Алишер Навоий асарлари роли ва аҳамиятини комплекс равишда ўрганиш, шеърияти ва насрий асарларида илоҳиёт ва диний маърифат масалаларини тадқиқ этиш;

– Алишер Навоий ва адабий алоқалар масалаларини компаративистик нуқтаи назаодан ўрганиш, анъана ва новаторлик масалаларини таҳлил этиш;

– достонларнинг насрий баёнини яратиш, лирик асарларга шарҳ ёзиш, насрий асарларни ҳозирги ўзбек адабий тили меъёрларига мувофиқлаштириш каби усул ва воситалар орқали Навоийнинг синоатларга тўла ижод оламига яқинлашиш ва ёш авлоднинг маънавий оламини бойитиш йўлларини излаб топиш ва амалда татбиқ этиш;

– зуллисонайн шоирнинг “Девони Фоний” ҳамда бошқа форсий меросини таржима ва тадқиқ қилиш, Навоийнинг форс-тожик мумтоз шеърияти ривожига кўрсатган таъсирини ўрганиш, анъана ва новаторлик, татаббуъ, тавр ва мухтараъ ғазаллар ўртасидаги муштарак ва тафовутли жиҳатларини аниқлаш.

Шу маънода Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ўзбек филологияси факультети томонидан ташкил қилинган 2-анъанавий “Алишер Навоий

ва XXI аср” Республика илмий назарий анжумани бу борада муҳим қадамлардан бўлаётганига шубҳа йўқ. Бу йил анжуман қуйидаги йўналишларда иш олиб боради:

1. Алишер Навоий ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш масалалари.
2. Навоий шеъриятини тадқиқ қилиш муаммолари, матншунослик масалалари.
3. Алишер Навоий “Хамса”си: матн ва талқин муаммоси.
4. Алишер Навоий насри: услуб ва ғоя масалалари.
5. Алишер Навоий ва тилшунослик.
6. Алишер Навоий ижодининг жаҳон тамаддунидаги ўрни.
7. Алишер Навоий асарларини хорижий тилларга таржима қилиш масалалари.
8. Таълим тизимида Навоий ижодини ўқитиш: услубий-методик масалалар.

Анжуманга юборилган маърузалар орасида мамлакатимизга таниқли навоийшунослар билан бир қаторда Республикамиздаги деярли барча олий ўқув юртлари тадқиқотчилари, магистр ва талабаларнинг ҳам борлиги кишини қувонтиради. Уларнинг тадқиқотларида Алишер Навоий ижодига жаҳон адабиётшунослиги методологиялари асосида турли ёндашувларнинг учраши кишини мамнун қилади.

Навоийнинг беназир шахсияти ва шу шахсиятга муносиб бетакрор ижоди ҳақида кўп ва хўб ёзилди ва бундан кейин ҳам ёзилади. Бу – фақат ифтихор ва ҳайратга сабаб бўладиган далиллар эмас, балки ҳар бир инсонни эзгулик сари ҳидоят этгувчи даъват ва ибрат мактаби ҳамдир. Миллий мафкурамизнинг асоси бўлмиш комил инсон ғояси деймизми, Ватан равнақи, юрт тинчлиги, халқ фаровонлиги ғоялари деймизми – барча-барчаси улуғ мутафаккир шоиримизнинг ижодида баланд пардаларда тараннум этилган ҳамда тирикликнинг мазмуни-маслагига айланган. Шундан келиб чиққан ҳолда, ушбу эзгу ғояларни амалда татбиқ этиб, ўзининг маънавий оламини шу асосда қураётган ҳар бир ватандошимизни Навоийнинг ҳақиқий вориси деб, бемалол айта оламиз. Зотан, Навоийни англаш – ўзликка қайтиш демакдир.

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети ректори,
филология фанлари доктори, профессор

I. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА МАТНШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

АЛИШЕР НАВОИЙ ЛИРИК МЕРОСИ МАТНШУНОСЛИГИНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

Муҳаммаджон Имомназаров,
(ТДШИ)

2015 йил навоийшунослигида бир қувонарли ҳодиса бўлди. Ўтган асрнинг атоқли навоийшунос олими Абдуқодир Ҳайитметовнинг машҳур монографик асари – “Навоий лирикаси” китобининг тўлдирилган ва тузатилган иккинчи нашри домланинг содиқ шогирди, филология фанлари доктори Нусратулло Жумахўжа томонидан тайёрланиб, мухлислар қўлига етиб борди. Янги нашрни варақлар эканман, яна бир бор амин бўлдимки, устоз, дарҳақиқат, буюк навоийшунос, дақиқназар бадииятшунос эканлар.

Аммо дастлаб 1961 йилда нашр этилган бу асар биргина қўлёзма – ЎзР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар махзанида сақланувчи “Хазоин ул-маоний”нинг 677-рақамли қўлёзмаси материалларига таянган ҳолда ёзилган бўлиб, 1955 –1961 йилларда олиб борилган профессор Ҳамид Сулаймоннинг тадқиқотлари ҳам фақат қисман инобатга олинган экан.

1961 йили заҳматкаш матншунос Ҳамид Сулаймон ҳам улуғ бир ишни ниҳоясига етказди – Алишер Навоий лирик меросининг илк матншунослик тадқиқини амалга оширди. Ишнинг самараси сифатида “Хазоин ул-маоний” таркибига кирган 4 девон 1959–1960 йиллари кирилл алифбосида тўлиқ нашр этилди. Кейинчалик 15 жилдлик таркибида “Девони Фоний” ҳам босилиб чиқди. Ҳамид Сулаймон тадқиқотининг энг катта ютуғи ва янгилиги, бизнинг назаримизда, Алишер Навоий лирик меросининг даврлаштирилиши эди.

Маълумки, нафақат ўзбек адабиёти, балки аксарият Шарқ халқлари мумтоз шеърияти намояндаларининг лирик меросини тадрижий ўрганиш имконияти йўқ, чунки улар ижодидаги кичик лирик жанрларнинг яратилган йиллари маълум эмас. Бу жиҳатдан Алишер Навоий ижодий меросининг тақдири бизга ўта ноёб имконият ато этган. Улуғ шоирнинг беш аср илгари яратилган 9 та алоҳида девонидан 8 тасининг (“Девони Фоний”дан ташқари) шоир ҳаётлик пайтида турли йилларда кўчирилган мўътабар нусхалари бизгача етиб келган. Шуларга таянган ҳолда шоир ижодининг тарихий ва тадрижий такомилини кузатиш имконига эгамиз.

Ҳамид Сулаймон ушбу мўътабар қўлёзмалар матнига таянган ҳолда шоир лирик меросини яратилиш даврига кўра 4 босқичга ажратди: 1) Ёшлик лирикаси – 1465 йилда, шоир 24 ёшга тўлган пайтда даврнинг машҳур хушнависи Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган “Илк девон”даги шеърлар асосида; 2) Йигитлик даври лирикаси – Ҳусайн Бойқаро тавсияси билан шоир ўзи тузган “Бадойиъ ул-бидоя” девони асосида; 3) Ўрта ёш лирикаси – шоир ўзи тузган иккинчи девон – “Наводир ун-ниҳоя” асосида; 4) Қарилик даври лирикаси – “Хазоин ул-маоний” девонлари таркибидаги олдинги девонларга кирмаган шеърлар асосида яратилган.

Матншунос олим кейинроқ – 1968 йили Санкт-Петербургда Салтиков-Щедрин номидаги Давлат халқ кутубхонасида сақланувчи “Илк девон”нинг факсимил нусхасини нашр эттирди. 1963 йили шу қўлёзма асосида Ё.Исҳоқов “Алишер Навоийнинг илк лирикаси” мавзуида номзодлик

тадқиқотини амалга оширган эди. Мустақилликгача шоирнинг лирик ижодини тадрижий ўрганиш бўйича бошқа бирор иш қилинмади.

Мустақиллик йилларида бу соҳада кўзга кўринарли янгилик юз берди. Самарқандлик олима Дилором Салоҳий 2001 йили "Алишер Навоий поэтик услубининг тадрижий такомили (ғазаллар матнларининг қиёсий таҳлили асосида)" деб номланган докторлик ишини ҳимоя қилди ва шу асосда 2005 йили "Навоий шеърий услуби масалалари" номли монографик тадқиқотини нашр эттирди. Олима бу тадқиқотида биринчи марта Ҳамид Сулаймон жадвалларига таянган ҳолда Навоий лирик ижодидаги даврий ўзгаришларни батафсил таҳлилига киришганини навоийшунослик илмидаги жиддий олға силжиш деб баҳолаш мумкин. Аммо Дилором Салоҳий ўз тадқиқотини Навоий "Мукаммал асарлар тўплами"нинг 1-6-жилдларига таяниб ёзган. (Манбалар рўйхатида "Илк девон" факсимил нусхасидан бошқа бирор қўлёзма нусха кўрсатилмаган).

Алишер Навоий "Мукаммал асарлар тўплами"нинг нашр этилиши навоийшуносликнинг улкан ютуғидир. Аммо ушбу нашр шоир асарларининг илмий академик нашри эмас. Жумладан, 1987 йилда нашр этилган биринчи жилд – "Бадойиъ ул-бидоя" девони илмий нашр талабларига мутлақо жавоб бермайди. Унда йўл қўйилган кўплаб матний хатолар хусусида ўз вақтида матбуотда чиқишлар бўлган эди. Биз бошқа жиҳатига эътибор қаратмоқчимиз.

"Мукаммал асарлар тўплами" 1-жилди кириш сўзида таҳрир ҳайъати номидан "Бу нашрга ЎЗР ФА Ҳ.С.Сулаймонов номили Қўлёзмалар институтидаги "Бадойиъ ул-бидоя" девонининг қўлёзма нусхаси (инв. №216) асос қилиб олинди", деб қайд этилган. Бу қўлёзма эса 1486 йилда, яъни шоир 45 ёшга кирган пайтида кўчирилган. Ҳамид Сулаймон шоирнинг **йигитлик даври лирикаси**ни 1466–1476 йиллар, яъни шоирнинг 25–35 ёшлиги орасидаги даврга оид деб ҳисоблаган. 36–45 ёш орасида яратилган асарлар эса унинг **ўрта ёш лирикаси** – "Наводир ун-ниҳоя" девони яратилган давр деб олинади.

Ҳамид Сулаймон ўз тадқиқотида "Бадойиъ ул-бидоя" девонининг шоир ҳаёт пайтида шакллантирилган 4 нусхаси – 1) 1480 йилда кўчирилган қўлёзма (Париж нусхаси, Миллий кутубхона, инв. № 746), 2) 1482 йилга оид қўлёзма (Лондон нусхаси, Британия музейи, инв. № 401, 887 ҳижрий, 231 варақ), 3) 1484 йилги қўлёзма (Боку нусхаси) ва 4) 1486 йилда кўчирилган қўлёзма (Тошкент нусхаси) ҳақида маълумот берган. Агар жиддий илмий асосда девон матни тузиладиган бўлса, унга энг қадимги мавжуд қўлёзма, яъни 1480 йилда кўчирилган Париж нусхаси асос қилиб олиниб, унга кейин кўчирилган қўлёзмалардаги янги ғазаллар тартиб билан (йили кўрсатилиб) илова қилиниши лозим эди. Шунда шоир ижодининг биринчи даври – Навоий лирик шоир сифатида ўзлигини намоён қилган даврда кўчирилган 1480–1482 йилларга оид девон қўлёзмалари, "Хамса" яратилган даврда кўчирилган 1484–1486 йилларга оид нусхалар билан қоришиб кетмаган бўлур эди.

Бу нусхалар орасида жиддий фарқлар мавжудлиги биргина мисолда очиқ кўринади: агар профессор Ҳамид Сулаймон 1959 йилда Британия музейидаги нусхага асосланиб девонда 585 ғазал, 4 мухаммас, 78 рубоий, 46 фард мавжудлигини тасдиқлаган бўлса, 216-рақамли Тошкент қўлёзмаси асосида нашр этилган шоир "Мукаммал асарлар тўплами" 1-жилдида 777 ғазал, 5 мухаммас, 85 рубоий, 53 фард қайд этилган. Орадаги фарқ 192 ғазал, 1 мухаммас, 7 рубоий, 7 фардни ташкил этади. 1982 йилда кўчирилган Британия нусхасида 585 ғазал бўлса, 20 жилдликнинг 1-жилдидаги 192 ғазал қайси нусхалар асосида тўлдирилган? Шоир ўз қўли билан тузган "Бадойиъ ул-бидоя" девони таркибида даставвал нечта ғазал бўлган? Бу саволларга ҳанузгача аниқ жавоб йўқ. 1480 йилда кўчирилган Париж нусхасида (инв. №746) нечта ғазал бўлганлиги ҳақида Ҳамид Сулаймон бир-бирига мутлақо зид икки хил маълумот келтиради. Докторлик диссертациясининг 1-боби 4-фасли 68-саҳифасида 634 та ғазал деб кўрсатилган бўлса, "*Хазоин ул-маоний*" 4-жилдининг 1960 йилги нашрига илова қилинган жадвалларда ушбу нусхада жами 735та ғазал мавжудлиги қайд этилган. Биз масалага аниқлик киритиш мақсадида Алишер Навоий номидаги Адабиёт музейи фондларидан Ҳамид Сулаймон фойдаланган 746-рақамли Париж нусхасининг ҳам, 401-рақамли Лондон нусхасининг ҳам фотокопияларини қидириб топа олмадик. Биз топган ягона 76-рақамли "Бадойиъ ул-бидоя" девонининг йили кўрсатилмаган Париж нусхасида **629 та ғазал** рақамлаб чиқилган экан. Шу музейдан топилган 650 ғазалдан иборат Лондон қўлёзмаси эса «Хазоин ул-маоний» таркибидаги 4-девон – "Фавоид ул-кибар"нинг фотонусхаси бўлиб чиқди.

1987 йилда нашр этилган “Мукаммал асарлар тўплами” 1-жилдидаги таҳрир ҳайъатининг кириш сўзида 216-рақамли қўлёзма матни “Бадойиъ ул-бидоя”нинг қадимий нусхалари, жумладан, Париж миллий кутубхонасида инв.№ 746 билан сақланувчи 1480 йилда кўчирилган қўлёзма ҳамда Британия музейдаги №401 инвентарига эга бўлган 1482 йилда кўчирилган қўлёзмалар фотонусхалари билан солиштириб чиқилди», дейилган (с.7). Қани ўша фотонусхалар?

216-рақамли 1486 йили кўчирилган қўлёзмада (бу қўлёзманинг инвентар рақамини Ҳамид Сулаймон ҳамма жойда №84 деб кўрсатади) бизнинг ҳисобимизга кўра 649 та (Ҳамид Сулаймон бир жойда 669 та, бошқа ўринда 670 та деб кўрсатади) ғазал бўлиб, нашрда унга яна 109 та (ёки кўпроқ) ғазал юқорида санаб ўтилган бошқа девонлардан олиб қўшилган.

Шундай қилиб тилга олинган ишлар ўз даври имкониятлари даражасида бўлиб, ҳозиргача Алишер Навоий лирик мероси матншунослик нуқтаи назаридан бугунги кун талаблари ва имкониятлари даражасида мукаммал ўрганилмаган эканлигини эътироф этишга тўғри келади.

“Бадойиъ ул-бидоя” девонининг турли йилларда кўчирилган қўлёзмалари таркиби ўзаро кескин фарқ қилишининг сабаби нимада? Биз буни ҳам билмаймиз. Бу девон таркибини шоирнинг ўзи ёки котиблар йилдан йилга янги шеърлар билан бойитиб борганми ёки “Илк девон” билан “Бадойиъ ул-бидоя” орасидаги фарқ каби кейинги нусхаларда олдингилардаги баъзи шеърлар бизга номаълум сабабларга кўра тушириб қолдирилганми? Айниқса, 1480-82 йилларда кўчирилган Париж ва Лондон нусхалари билан 1484-86 йилларда кўчирилган Боку ва Тошкент нусхалари орасидаги фарқларга жиддий эътибор қаратиш лозим, чунки булар шоир ижодий такомилидаги турли босқичларга мувофиқ келмоқда. Буларни ҳисобга олмаслик ва қориштириб юбориш бугунги кунда навоийшунослик илмидаги жиддий камчилик сифатида қаралиши керак.

Яқингача навоийшуносларимиз “Хазоин ул-маоний”гача Навоий ҳаётлигида кўчирилган девонларнинг 6 тасидан хабардор эдилар. Аммо шартли равишда “Оққуюнли мухлислар девони” деб номланган ва филология фанлари доктори, навоийшунос Афтондил Эркинов томонидан Японияда факсимиле нусхаси нашр этилган, 1471 йилда Оққуюнлилар давлати ҳудудида, Шерозда хаттот ва шоир Абдураҳим Анисий кўчирган девон яқин кунларгача навоийшуносларга маълум бўлмаган. Агарчи 1935 йилда рус шарқшуноси Иван Чуйкин бу девонни қисқача тавсифлаб ўтган бўлса ҳам, ушбу муҳим манба яқин йилларгача навоийшунослар назаридан четда қолиб келган. Навоий 30 ёшлик чоғида унинг ўғиз шевалик мухлислари ташаббуси билан тузилган бу девон жами 229 шеърни ўз ичига олиб, бу шеърларнинг баъзилари “Илк девон”да, асосий кўпчилиги шоир ўз қўли билан тузган биринчи девон “Бадойиъ ул-бидоя”да такрорланган. Бу девоннинг аҳамияти шундаки, агар биз шу кунгача шоир 24 ёшигача ёзган ғазалларини 1465 йили кўчирилган “Илк девон” асосида (бизгача етиб келган илк қўлёзмаси 1480 йили кўчирилган) биринчи девон “Бадойиъ ул-бидоя”даги шеърлар билан қиёслаб ўрганиш имкониятига эга бўлган бўлсак, энди (шоир 39 ёшида кўчирилган) биринчи девондаги шеърлар ичидан шоир 30 ёшигача ижод этганларини ажратиб олиш имкониятига эгамиз. Бу дегани шоир лирик меросини ўрганишда Афтондил Эркинов ўринли қайд этганидек, шоир ижодий эволюциясини илгаргидек 4 босқичда эмас, балки 5 босқичда (24 ёшигача, 30 ёшигача, 39 ёшигача, 45 ёшигача ва 45 ёшидан умрининг охиригача) тадрижий ўрганиш имкониятига эгамиз. Иккинчидан, янги топилган девон шоир асарларини ҳали унинг 30 ёшли навқирон пайтидан нафақат туркий тилли халқлар, балки туркмоанлар ҳам ҳавас билан ўрганганликлари, ўз шоиридек қабул қилганларини кўрсатадики, шоир –

Кўнгил бермиш сўзимга турк, жон ҳам,
На ёлғиз турк, балким туркмон ҳам –

деганда мутлақо муболаға қилмагани, балки соф ҳақиқатни таъкид этгани маълум бўлади. Янги топилган девонда ўша давр ўғиз шевасининг таъсири мавжудлиги ўша давр туркий адабий тилнинг икки вариантини ўзаро қиёслаш имконияти тарихий тилшунослик жиҳатидан жиддий тадқиқотларга замин яратади.

“Илк девон”нинг факсимил нашри билан “Оққуюнли мухлислар девони”ни дастлабки қиёслашлар шуни кўрсатмоқдаки, ҳар икки қўлёзмада ҳам қўлимизда мавжуд матнларга нисбатан айрим ўзгаришлар ва котиблар йўл қўйган анча-мунча орфографик хатолар мавжуд. Турли нашрлардаги шундай ўзгаришларни жиддий қиёсий ўрганиш ва аниқ хулосаларга келиш лозим. Бундан ташқари араб ёзувидаги бу матнларни ягона халқаро транскипцияда тиклаш жаҳон навоийшунослик илми ривожига сезиларли таъсир кўрсатиши шубҳасиз.

Юқорида санаб ўтилган шоир ҳаёт даврининг турли йилларида кўчирилган ва турлича таркибга эга бўлган 6 қўлёзмага яна атоқли навоийшунос олима, Ўзбекистон Қаҳрамони профессор Суюма Ғаниева Эрон қўлёзма хазиналаридан топиб 1991 йилда нашр эттирган шоирнинг ўз қўли билан тартиб берилган “Наводир ун-ниҳоя” девонининг мусаввадаси (*коф* ҳарфигача 550 дан ортиқ ғазал), ушбу девоннинг 1487 йилда тартиб берилган Абдужамил котиб нусхаси (840 ғазал), б) яна ушбу девоннинг кейинроқ кўчирилган Султонали Машҳадий қаламига мансуб бошқа нусхаси (628 ғазал), в) 1492 йилда Султонали Машҳадий кўчирган терма девон (337 ғазал) ва г) 1498-99 йилларда кўчирилган “*Хазоин ул-маоний*” қўлёзмаси (Санкт Петербург нусхаси) ҳам қўшиладиган бўлса, энди шоир лирик ижоди эволюциясидаги 11 босқич ҳақида илмий хулоса бериш имконияти пайдо бўлмоқдаки, минтақадаги бирор ижодкор мероси бундай имконият бермайди.

Навоий ҳам туркий, ҳам форсий шеърият анъаналарини чуқур ўзлаштириб, бундай бақувват заминга таянган ҳолда улардан олға кетиб ўз мустақил маънавий дунёсини яратган. Бугунги кун учун ҳам ўта долзарб аҳамиятга эга бўлган бу мустақил маънавий оламни тўғри ва дақиқ тушуниб етиш учун, аввало, унга асос бўлган кўп асрлик арабий ва форсий меросни жиддий ўзлаштирган бўлиш талаб этилади. Шу сабабли ҳам ўтган асрнинг бақувват навоийшунослари ё мадраса кўрган кекса авлод вакиллари, ё шарқшунос олимлардан иборат бўлган эди. 1970–80 йилларда ўзбек филологиясини битириб чиққан ёшлар, аччиқ бўлса ҳам, тўғрисини тан олиб айтиш керакки, янги давр рус тилшунослик ва адабиётшунослик анъаналаридан кўп ҳам узоқ кетган эмаслар. Демак, XXI аср навоийшунослигининг юқорида тилга олинган улкан ва масъулиятли вазифаларини қониқарли даражада амалга ошириш учун шарқшунослар ва ўзбек филологларининг яқин ҳамкорлиги ўта зарурий эҳтиёждир. Бугунги кунда Тошкент давлат шарқшунослик институтида бундай ҳамкорлик изчил йўлга қўйилган ва унинг қатор ютуқлари ҳам илм аҳлига маълум. Жумладан, шу даргоҳда давлат гранти асосида 2012–2016 йиллари профессорлар А.Маннонов, А.Қуронбеков, М.Имомназаров ва уларнинг шогирдлари томонидан тайёрлаб нашр этилган “Хамса” достонларининг конкордансларини эслаб ўтиш мумкин. Бугунги кунда қатор хорижий мамлакатлар (жумладан, АҚШ, Япония, Франция, Германия, Эрон, Покистон, Ҳиндистон, Афғонистон кабилар) илмий доираларида ҳам буюк ўзбек аллома шоири ижодига қизиқиш кучайиб бормоқда. Демак, улар билан ҳам яқин ва самарали ҳамкорлик алоқаларини изчил йўлга қўйиш, уларнинг қизиқишларини ҳам инобатга олиш, ютуқларини ўрганиш лозим бўлади. Айниқса, замонавий ахборот технологияларининг энг охирги ютуқларини ўзлаштириш, ижтимоий фанлар йўналишидаги янги назарий қарашлардан хабардор бўлиш ҳам катта аҳамиятга эга.

Алишер Навоий лирик меросини тадрижий ўрганиш масаласини жаҳон миқёсига кўтариш учун девонларнинг факсимил нашрларини амалга ошириш зарур, аммо бу етарли эмас, бунинг учун навбатдаги қадам девонларнинг халқаро транскрипциядаги илмий матнини яратиш бўлмоғи керак. Илмий асосда яратилган бундай матнлар келгусида замонавий технологиялардан фойдаланиб шоир девонларининг конкордансларини тузиш имконини беради. Улар эса турли йўналишдаги филологик тадқиқотларга кенг йўл очади.

Бундан бир неча йил бурун ёш навоийшунос олималардан бири Навоий ижодига оид бир суҳбатда “Навоий ижодида тадрижий такомиллашувни кўриш қийин. У шеърдан – шеърга, асардан асарга ўсиб, такомиллашиб борган ижодкор эмас. Балки илк шеърларидаёқ мукаммалликни намоён этган сўз санъаткори”[1], деган мулоҳазани билдирди. Бундай қарашга жавобан бир мисол билан жавоб берадиган бўлсак, “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасининг 2009 йил 4 декабрь сонида ЎзФА Алишер Навоий номидаги Тил ва адабиёт институти илмий ходими Аъзам Қозихўжа-

1. “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетаси, 2010 йил, 5 февраль, № 6, с.3. “Навоийнинг ҳудудсиз олами” (Давра суҳбати).

нинг “Ғазалнинг серовоз олами” сарлавҳаси билан каттагина бир мақоласи эълон қилинган эди. Мақолада асосан шеърий нутқда ички диалог масаласи қўйилган бўлиб, Алишер Навоийнинг

Эй кўнгул, ер-кўк асосин асру бебунёд бил,
Ул кесакни сувда кўр, бу сафҳани бар бод бил -

матлаъли ғазали тўлиқ таҳлил қилинган. Мақолада Шайх Абдулқоҳир Журжонийнинг (ваф.1078) “Далойил ул-иъжоз”[1], Абдураҳмон Қазвинийнинг – “Талхис ул-мифтоҳ” асарларида маоний илми бўйича билдирилган фикрларга таянган ҳолда анча қизиқарли мулоҳазалар баён қилинган. Аммо хулосага эътибор қилайлик: “Шариатдан чиқмасдан тариқатда яшаш, шариат ва тариқатни бир-биридан айро кўрмаслик, айнан Навоий мансуб бўлган нақшбандийлик тариқатининг йўли, аҳли сунна вал-жамоа эътиқоди, ҳанафийлик мазҳабидир”. Шу биргина ғазал таҳлили билан буюк аллома шоирнинг дунёқараши торгина бир қолипга жойлаб қўйилмоқда. Ваҳоланки, бу ғазал “Илк девон” таркибидаги 240-ғазал бўлиб, шоирнинг ёшлик лирикасига мансубдир. Биз масалани жиддий ўрганмай туриб, бундай енгил хулосалар билан қаноатланадиган бўлсак, навоийшунослик илми шу бўладими?

Шоирнинг бир ғазалини тўғри таҳлил қилиб, ҳақиқий баҳо бериш учун унинг бутун ижодини мукаммал билиш керак. Бунинг учун эса бутун минтақа маънавиятини билиш керак. Фақат адабиётини эмас, бутун маънавиятини. Бунинг учун жаҳон аҳволини билиш талаб этилади. Бу билимларни эгаллаш учун эса бутун умрни бағишлаганимизда ҳам, агар Аллоҳ ўзи қўлламаса, бирор-бир салмоқли натижага эришиш осон эмас.

1941–2011 йиллар орасида Ўзбекистонда навоийшуносликка оид 100 дан ортиқ номзодлик ва докторлик диссертациялари ёқланган, 200 га яқин катта-кичик китоблар нашр этилган. Албатта, уларнинг савияси ҳар хил. Енгил-елпи ёзилганлари ҳам, жиддий ва салмоқли тадқиқотлар ҳам йўқ эмас. Аммо ўзаро илмий изчиллик етишмайди. Ҳар ким ўзича излаб, ўз савиясига яраша хулосалар чиқаради. Натижада уларнинг аксариятининг мундарижаси билан танишган одам “Лисон ут-тайр”даги кўрлар ва фил ҳақида келтирилган ҳикоятни (с.200-202) эслайди. Масалан, 1993 йилда Дилором Салахутдинова “Бадойиъ ул-бидоя” девони ва бадиий санъаткорлик масалалари” мавзусида номзодлик диссертацияси ёқлаган. Тадқиқотчи фойдаланган “Бадойиъ ул-бидоя” девонининг котиби ва кўчирилган санаси маълум эмас, “айрим белгиларига асосланиб, 19-асрда тартиб берилган бўлса керак, деб тахмин қилинган”. Жиддий илмий ишни атиги 349 ғазал жой олган мазкур қўлёзма асосида амалга оширишда қандай мантиқ борлигини биз сира англай олмадик. Яна тадқиқотчи мазкур девон таркибини “Илк девон” билан муқояса қилганлигига нима дейсиз. Ишнинг илмий раҳбари самарқандлик ҳурматли олим марҳум Б.Валихўжаев ҳам негадир манба танлаш масаласига жиддийроқ эътибор бермагани бизни ажаблантирди. Адабиётшунослик соҳасида нега олимларимиз бу даражада беписандликка берилиб кетишган, бу илмнинг муайян қонун-қоидалари, тартиб-интизоми борми ўзи деган саволлар одамни қийнайди.

Шундай қилиб, Алишер Навоийнинг лирик мероси матншунослиги кўп жиҳатдан жаҳон илмида ўзига хос ноёб хусусиятларга эга эканлиги ва шу кунгача бу мавзуда комплекс асосда жиддий изланишлар олиб борилмаганлиги муаммони ниҳоятда долзарблаштиради ҳамда масалага алоҳида назарий аҳамият қаратишни тақозо қилади.

Алишер Навоий ижоди Яқин ва Ўрта Шарқ минтақа маданиятининг кўп асрлик ривожи ҳосиласидир. Ўз навбатида бу минтақа маданияти жаҳон маданиятининг муҳим ва салмоқли узвий қисмларидан бири ҳисобланади. Бу минтақа маданиятининг ўзига хос қарашлар тизими, Борлиқни идрок этишнинг мустақил йўналиши мавжуд. Шоир ижодини жиддий, изчил ва мукаммал тадқиқ этиш бизга дунёни, инсониятнинг маънавий тараққиёти қонунларини, Борлиқнинг асл ҳақиқатини, ўзлигимизни тушуниб етишимизга яқиндан ёрдам беради. Бу олийқадр маънавий мерос ўтмишга эмас, келажакка тааллуқлидир.

1. Мақола матнида асар муаллифининг номи “Абдулқодир Жузжоний” деб хато берилган. Бу қўпол хато тадқиқотчиникими, ёки мақолани нашрга тайёрлаган газета ходими адашганми, билолмадик.

“МУҲОКАМАТУ-Л-ЛУҒАТАЙН” АСАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИНИ ЧОҒИШТИРМА ЎРГАНИШ МАСАЛАСИ

Қосимжон Содиқов
(ТДШИ)

“Муҳокамату-л-луғатайн” (“Икки тил муҳокамаси”) Алишер Навоийнинг тилшуносликдаги улуғ кашфиётидир. Асар тилшуносликда янги-янги соҳаларни, тилларни қиёсий-типологик ўрганишнинг янги йўл ва усулларини очиб берганлиги билан ҳам аҳамиятлидир. Навоий ушбу асари билан шарқ тилшунослигидагина эмас, дунё тилшунослигида биринчи бўлиб типология соҳасини, тилларни ўзаро чоғиштириб ўрганиш ишини бошлаб берди. Тўғри, бундан бурун яратилган айрим луғатлар, грамматик асарларда тилдаги бирон бир ҳодисани очиб бериш учун ўрни билан муайян тилга чоғиштириб кетилган жойлари ҳам бор. Лекин улар турли оилага мансуб тилларни чоғиштирма ўрганишга бағишланмаган эди. Навоий ўз асарида тилшуносликдаги ана шу бўшлиқни тўлдирди. У турли оилага кирувчи икки тил – туркий ва форсийни ўзаро чоғиштириб, типологиянинг лексик-семантик, фонологик, морфологик аспектларини ишлаб чиқди. Асар бошдан-охир типологияга, тилларни чоғиштириш йўриғига, метод ва усулларига таянади. Навоий икки тилни ўзаро қиёслар экан, тил бирликларининг стилистик жиҳатларига, унинг матндаги ўрни, тингловчига таъсири, матн лингво-поэтикаси масалаларига кенг тўхталади. Шу йўл билан у икки тилнинг лексик-стилистик, фоно-стилистик, морфо-стилистик жиҳатларини, қолаверса, ушбу тилларнинг лингво-культурологик белгиларини ёритиб берди.

Навоий икки тилни ўзаро чоғиштиришда уларнинг таянч нуқталарини топа олган. Улар тасодифий эмас, тилнинг бадиий имкониятлари кенглиги ҳамда бойлигини илмий асосда очиб берувчи белгилардир. Жумладан, фонетикада туркийнинг бошқа тилларда, хусусан, форсчада учрамайдиган ўзига яраша товушлари, семантикада нозик маъноли ҳаракат-ҳолатларни билдирувчи феъллар ва уларнинг стилистикаси, синонимларнинг поэтикадаги ўрни, сўзларнинг кўпмаънолилиги, шунингдек, туркий атамалар тизимининг ўта бойлиги сингари муҳим лингвистик белгиларига эътибор қаратади. Навоийнинг тилшунослик тарихидаги хизматлари ниҳоятда улуғ.

Навоий ўз асарини *risāla* деб атаган. Фан тарихида илмий асарлар шу ном билан юритилар эди. “Муҳокамату-л-луғатайн” – тилшунослик асари. У кенг омма тушуниши учун ўнғай бир кўринишда ёзилган эмас. Матн услуби ниҳоятда мураккаб ва оғир, илм аҳлининг теран билимини кўзда тутган ҳолда, замонасининг етук ўқимишли кишилари, шоиру адиблар учун мўлжаллаб ёзилган рисоладир. Шунга қарамай, асарда муаллиф ўз илмий қарашларини аниқ ва лўнда тил билан баён этади, матн услуби ўта кўтаринки. Илмий услубда ёзилаётган ҳозирги рисолаларимиздан анча фарқ қилади. Бу жиҳатдан ўтмишда яратилган тарих китобларининг услубига ўхшаб кетади. Жумлалар бадиий услубда, муаллиф турли бадиий воситалардан унумли фойдаланган. Шу белгиларини кўзда тутиб, “Муҳокамату-л-луғатайн”ни илмий асаргина эмас, бадиий асар сифатида ҳам ўрганса бўлади.

“Муҳокамату-л-луғатайн” асарининг тўртта қўлёзмаси маълум:

A. Нусхалардан биринчиси Истанбулдаги Тўпқопи саройи музейи Реван кутубхонасида 808-кўрсаткичи остида сақланувчи Навоий куллиётининг 774а–781б-бетларидан ўрин олган. Ушбу қўлёзма, тахминларга қараганда, мавжуд нусхаларнинг энг эскисидир. Хати ўта тартибли, ҳар бетига 27 қатордан матн битилиб, тевараги зарҳал ҳошия билан ўралган. Орадаги оятлар ва айрим арабча жумлалар қирмизи рангда.

B. Асарнинг яна бир нусхаси Истанбулдаги Сулаймония кутубхонасининг Фотиҳ бўлимида сақланаётган 4056-кўрсаткичли Навоий куллиётига кирган (қўлёзманинг 773б–781а-бетларда).

Асар безакли унвон (варақнинг тўртдан бир бўлагига ишланган нақш) билан бошланиб, ичига “Kitāb-i Mu□ākamatu-l-luġatayn” деб ёзилган (773б). Мажмуага кирган бошқа асарлар ҳам безакли унвон билан бошланиб, сарлавҳалари ана шундай тартибда берилган: “Kitāb-i Munājatnāma”, “Kitāb-i Čehil xadiṯ”, “Kitāb-i Na□mu-l-javāhir” сингари.

Матн бошдан-охир уч чизиқли жадвалга ўроғлиқ. 775a, 776б-бетларда матндан тушиб қолган жойлар ҳошияга ёзилиб, улар ҳам жадвалга ўралган.

Хати қорада, орадаги оятлар, ўрнак сифатида берилган сўзларни ажратиб турувчи нуқталар қирмизи рангда. Хати текис, лекин майда. Ниҳоятда чиройли қўлёзма.

C. Париж нусхаси. Ушбу нусха Миллий кутубхонада сақланаётган Навоий куллиёти таркибида (Suppl. Turc. 317/1513- кўрсаткичли қўлёзма). "Муҳокамату-л-луғатайн" қўлёзманинг 277б–285б-бетларидадир.

Қўлёзма 1526–1527 йилларда кўчирилган, ўта тартибли. Ҳар бетига 25 қатордан матн битилган бўлиб, орадаги оятлар, арабча жумлалар, шунингдек, *bayt, rubā'ī* сингари бошламалар қирмизи, зарҳал рангларда.

Яна бир жиҳати, Тўпқопи қўлёзмасида шеърий мисоллар: байтлар, тўртликлардан аввал *bayt, rubā'ī, qit'a* сингари сарлавҳалар қўйилмаган, лекин бўш жой ташлаб кетилган (котиб уларни ёзиб чиқишга улгурмаган чоғи). Париж қўлёзмасида эса ана шу сарлавҳалар ҳам бор.

"Муҳокамату-л-луғатайн"нинг Тўпқопи ва Париж нусхалари матний жиҳатдан бир-бирига жуда яқин.

D. Асарнинг яна бир қўлёзмаси Будапештда сақланмоқда.

Биз қўлёзмалардан учтасини (*A, B, C* нусхаларни) ўрганиб чиқдик. "Муҳокамату-л-луғатайн"нинг биз ўрганиб чиққан қўлёзмалари орасида Тўпқопи ва Париж нусхалари матний жиҳатдан бир-бирига жуда яқин: Тўпқопида қайси жойлари тушиб қолган бўлса, Париж қўлёзмасида ҳам айтарли шундай.

Асарнинг Фотиҳ кутубхонасида сақланаётган қўлёзмаси бошқа нусхалардан бирмунча фарқ қилади. Муҳими шундаки, юқоридаги икки қўлёзмада учрамайдиган сўз ва жумлалар ушбу нусхада тўлдирилган; текстологик жиҳатдан бу нусханинг ўзига яраша афзаллиги ҳам бор.

Қуйида асарнинг қўлёзма нусхалари ўртасидаги ана шундай текстологик фарқларга тўхталамиз.

Навоий ўз асарида туркий тилнинг сўз бойлигини кўрсатиш мақсадида форсийда муқобили бўлмаган юзта феълни келтирган. Уларнинг юзта сўз (*yüz laf*□) эканлигини муаллифнинг ўзи ҳам икки-уч ўринда таъкидлайди. Қизиғи шундаки, асарнинг Тошкент нашрида ушбу феъллар тўқсон тўққизта. Бунинг боиси, асарнинг бизга етиб келган қўлёзмаларида уларнинг сони турлича: Тўпқопи ва Париж нусхаларида тўқсон тўққиз, Фотиҳ ва Будапешт нусхаларида юзтадир. Ушбу икки нусхада бошқа қўлёзмада тушиб қолган юзинчи феъл ҳам бор. У *čïmdïlamaq* феъли бўлиб, кетма-кетликда *qïčïğlamaq* сўзидан кейин келади. Бундан кўринадики, ҳалиги нусхани кўчираётган котиб бу сўзни тасодифан тушириб қолдирган. Тошкент нашрида ушбу феълнинг учрамаслигининг сабаби ҳам шунда, нашр учун Париж қўлёзмаси асос бўлган. Йиғма матн тайёрлаш жараёнида Анқара нашрида матнга ана шу феъл ҳам киритилибди [1].

Яни бир жиҳати, юзта феълнинг баъзилари қўлёзмаларда бироз фарқ қилади: масалан, Тўпқопи қўлёзмасида – *oxranmäk,* Фотиҳ нусхасида – *oxranmaq;* кейингиси тўғри, биринчи нусхада котиб тасодифан янглишиб кетган кўринади; Тўрқопида – *suqlatmaq,* Фотиҳ нусхасида – *suqlanmaq* ва б.

Навоий келтирган юзта феъл ичида қўлёзмаларда бир-биридан фарқли бўлганлари қуйидагилардир:

Тўпқопи қўлёзмасида (775b–776a)	Париж қўлёзмасида (278b–279a)	Фотиҳ қўлёзмасида (774b)
umunmaq	*umunmaq*	*umsunmaq*
oxranmäk	*oxranmäk*	*oxranmaq*
qïlïmaq	*qïlïmaq*	*qïlïnmaq*
yašqamaq	*yašqamaq*	*yasqamaq*
ïšqarmaq	*ïsqarmaq*	*ïsqarmaq*
tančqamaq	*tančqamaq*	*yančqamaq*
qaxamaq	*qahamaq*	*qahamaq*
čuprutmaq	*čuprutmaq*	*čuprumaq*

-	-	*čïmdïlamaq*
Suqlatmaq	*suqlatmaq*	*Suqlanmaq*

Баъзи ўринларда жумлаларнинг тузилишида ҳам фарқли жиҳатлари бор. Масалан, Тўпқопи ва Париж қўлёзмаларидаги айрим жумлалар Фотиҳ қўлёзмасида таҳрир қилинган ёки аввалги икки қўлёзмада учрамайдиган жумлалар Фотиҳ қўлёзмасида тўлдирилган. Бир-иккитасини кўчириш чоғида тушириб қолдирилган, дейиш мумкиндир, лекин орада муҳим маълумотлар ҳам киритилган бўлиб, улар тил ва услуб жиҳатидан Навоийнинг жумлалари, буларни асарга муаллифдан бошқа киши киритуви мумкин эмас.

Қуйидаги мисолларга эътибор қаратинг:

Тўпқопи қўлёзмасида	**Фотиҳ қўлёзмасида**
Fārsīgoy türk beglär-ü mirzādalar *boxsamaq* nï fārsī til bilä tiläsälär-ki, adā qïlğaylar <… …> (776a).	Fārsīgoy türk beglär-ü mirzādalar *boxsamaq* nï fārsī til bilä tiläsälär-ki, adā qïlğaylar, āyā ne nav’ qïlğaylar? (775a)
Va agar bir-biridin mutamayyiz qïlsa, türkčä at bilä-oq aytur. <… …> Yana at anvā’īda-ki, *tabučaq-u arğumaq va yäkä-vü yabu va tatu* yosunluq barïnï türkčä-oq ayturlar (777a–777b).	Va agar bir-biridin mutamayyiz qïlsa, türkčä at bilä-oq aytur. Yana yazï qušlarïdïn *toğdaq-u toğdarï, čağruq, qïlquyruğ, qulapurğa, yapalağ, quladu, lägläk, čaylaq, qaraquš, telbäquš, čïqčïğ*-deg qušlarnï atlarï yoqtur, köpin türkčä ayturlar. Va tağ-u tüzdä *čïlğa, soqmağ, döš, arğadal, qïrašma, burtağ-u sekritmä, sïrt, učma, ešmä, burmağ, ïlat, taqïralaŋ, toqay, kölküläk, saŋ, sayaŋ, čaqïl, say, šortaŋ*-deg nimälärniŋ köpigä at ta’yīn qïlmaydurlar. Va jānvārlarnïŋ ünidin bir at *kišnämäg*igä *šiha* at qoyupturlar. Tewä *bozlamağ*ïğa-vu uy *müŋrämäg*igä va ešäk *ïŋramağ*ïğa va it *mïŋašmağïğa*-vu *ulumağ*ïğa laf□ yoqtur. Yana at anvā’īda-ki, *tabučaq-u arğumaq va yäkä-vü yabu va tatu* yosunluq barïnï türkčä-oq ayturlar (776b).
andaq-ki, *qahal-u yasal va qabal-u tunqal va tarqal-u tosqal va soyurğal*. <… …> Bu alfā□-u ’ibāratda bu nav’ daqāyīq köpdür-kim, bu küngä degincä heč kiši munuŋ □aqīqïğa mulā□a□a qïlmağan jihatdïn bu yašurun qalïpdur (778a).	andaq-ki, *qahal-u yasal va qabal-u tunqal va tarqal-u tosqal va soyurğal*. “Qïlïč bilä čapmağ”nï, “suğlumağ”nï va “nayza bilä sančmağ”nï-vu “ïlmağ”nï – barïsïn *zad* laf□ï bilä adā qïlurlar. Yana ba’□i ma□al va makānğa bir “qāf” il□āq qïlïp, bir fa□l yā bir amrğa mansūb qïlurlar, andaq-ki, *qïšlaq-u yaylaq va awlaq-u qušlaq*. Va bu ham ğarībdur va fārsīda ham ba’□inï türk tili bilä ayturlar. Bu alfā□-u ’ibāratqa bu nav’ daqāyīq köptür-kim, bu küngä degincä heč kiši munuŋ □aqīqïğa mulā□a□a qïlmağan jihatdïn bu yašurun qalïpdur (777a).
Tā mulk ’arab-u sart salā□īnïdïn türk xanlarïğa intiqāl taptï, Hülägüxan zamānïdïn sul□ān-i □ā□ibqirān Temür Kürägän <… …> zamānïdïn farzand-i xalīq Šāhrux sul□ānnïŋ zamānïnïŋ āxirïğača türk tili bilä šu’arā paydā boldïlar (780b-781a).	Tā mulk ’arab-u sart salā□īnïdïn türk xanlarïğa intiqāl taptï, Hülägüxan zamānïdïn sul□ān-i □ā□ibqirān Temür Kürägän davrānïğača türk tili bilä andaq ša’ir paydā bolmadï-kim, andïn ta’rīf qïlğuča, varaqqa yazïlğuča aşar □āhir bolmïš bolğay. Va salā□īnïdïn ham andaq nimä manqūl emäs-ki, biräw qašïda aytsa bolğay. Ammā sul□ān-i □ā□ibqirān Temür Kürägän zamānïdïn farzand-i xalīq Šāhrux sul□ānnïŋ zamānïnïŋ āxirïğača türk tili bilä šu’arā paydā boldïlar (780a).

Жадвалда кечган биринчи мисолда кейинги қўлёзмадаги шакли тўғри. Муаллиф вариантида ҳам шундай бўлганлиги аниқ: *Fārsīgoy türk beglär-ü mirzādalar boxsamaqnï fārsī til bilä tiläsälär-ki,*

adā qïlğaylar, āyā ne nav' qïlğaylar? Тўпқопи қўлёзмасида эса жумла тасодифан тугалланмай қолган, деса бўлади.

Кейинги мисолларда бундай камчилик йўқ; уларда матн бутунлай янги бир жумлалар билан тўлдирилган. Масалан, қушлар тўғрисида сўз борганда, Тўпқопи қўлёзмасидаги маълумотлар анча қисқа, Фотиҳ нусхасида эса матннинг бу ери анча тўлдирилган. Унда дашт қушларининг отлари (*toğdaq, toğdarï, čağruq, qïlquyruğ, qulapurğa, yapalağ, quladu, läglăk, čaylaq, qaraquš, telbäquš, čïqčïğ*), тоғу тузда бўлувчи қушларнинг отлари (*čïlğa, soqmağ, döš, arğadal, qïrašma, burtağ-u sekritmä, sïrt, učma, ešmä, burmağ, ïlat, taqïralaŋ, toqay, kölküläk, saŋ, sayaŋ, čaqïl, say, šortaŋ*) ҳам берилган. Шунингдек, туркий тилда жониворларнинг ҳаракати билан боғлиқ: *at kišnämägi, tewä bozlamağï, uy müŋrämägi, ešäk ïŋramağï, it mïŋašmağï* ва *ulumağ*ï сингари сўзларнинг ишлатилуви, форсийда эса буларга тенг келадиган сўзларнинг йўқлиги таъкидланган.

Жадвалдаги бошқа мисоллар ҳам шундай, аввалги қўлёзмадаги маълумотни тўлдиради, унга аниқлик киритади.

Навоий асарлари тилида сингармонизм (товушлар уйғунлиги) "темир қонун" сифатида амал қилган. Бу нарса товушлар тизимини англашга ҳам имкон беради. Масалан, муаллиф келтирган мисолларда "йўғон" ўзак-негизли сўзларга масдар кўрсаткичининг *-maq* варианти қўшилади: *quruqšamaq, aldamaq, qïstamaq, yalïnmaq* сингари; "ингичка" талаффузли сўзларга эса *-mäk* варианти қўшилади: *igirmäk, indämäk, sürkänmäk, örtänmäk* сингари. Кўринадики, Навоий тилида орқа қатор, "йўғон" [*a*] билан олд қатор, "ингичка" [*ä*] нинг ҳар иккови мустақил фонемалар сифатида амал қилган.

"Муҳокамату-л-луғатайн"да жониворларнинг ҳаракатини англатувчи феъллар билан боғлиқ қизиқ бир мисол бор. Асарнинг Анқара нашрида бу мисол шундай берилган: *uy müŋremegige ve išek ïŋramağïğa ve it tegišmağïğa ve ulumağïğa lafz yoqtur* [2]. Муҳими шундаки, ушбу жумла асарнинг Тўпқопи қўлёзмасида йўқ, Фотиҳ қўлёзмасида эса бор, нашрга ўша қўлёзмадан олинган.

Ушбу жумладаги келишик қўшимчаларининг қўшилиш тартибига эътибор қаратилса, қуйидаги ҳолатга дуч келамиз: *tegišmäk* сўзи "ингичка" ўзакли бўлишига қарамай, унга қўшимчанинг "йўғон" варианти қўшилмоқда: *tegiš**mağïğa***. Англашиладики, нашрда бу ўринда хатога йўл қўйилибди. Бунинг сабабини кейинчалик Фотиҳ қўлёзмаси билан танишиб чиққанда билдим.

Ҳақиқатан, матндаги бу жумлани ўқиш қийин, сабаби у ҳошияга ёзилиб, матнда эса киритилиши керак бўлган жойи белгилаб қўйилган. Анқара нашрида хатога йўл қўйилганлигининг сабаби ҳам шундан бўлса керак.

Компьютерда матннинг электрон вариантини йириклаштириб кўрганимда, сўзнинг маъносини англадим: қўлёзмада *tegišmağïğa* эмас, *mïŋašmağïğa* деб ёзилган экан. *Mïŋašmaq* "йўғон" ўзакли сўз, шунинг учун унга қўшимчанинг ҳам "йўғон" варианти қўшилмоқда.

Қўлёзмада ёзилгани шундай:

اوی مونکراماکی کا و ایشک اینکراماغی غه و ایت مینکشماغی غه و اولوماغی غه لفظ یوقتور

Транскрипциясини шундай берамиз: *uy **müŋrämägigä** va ešäk **ïŋramağïğa** va it **mïŋašmağïğa**-vu **ulumağïğa** laf□ yoqtur*.

Уй (яъни сигир) мунграйди, эшак инграйди, ит эса тишисига мингашади; яна "ит улиди" деймиз, бўрига ҳам шундай. Навоий ана шуни назарда тутмоқда. Кейинги ўқиганимиз тўғри.

Бу жумлада кечган *müŋrämägi* сўзи "ингичка" ўзакли бўлгани учун унга жўналиш келишигининг "ингичка" *-gä* варианти, *ïŋramağï, mïŋašmağï, ulumağï* сўзлари эса "йўғон" талаффузли сўзлар бўлгани учун эса қўшимчанинг ҳам "йўғон" талаффузли *-ğa* варианти қўшилмоқда. Агар эски ўзбек тилида "темир қонун" бўлмиш товушлар уйғунлигига эътибор берилмаганда, юқоридаги нашрда унинг хато ўқилганини сезмай ҳам қолардик.

Ушбу қонун қўлёзмаларни ўқиётганда сўзларни тўғри ўқишимизда, ҳатто уларнинг маъносини билиб олишимизда очқич вазифасини бажаради.

Қўлёзмалар орасидаги ушбу текстологик фарқлар қуйидаги хулосаларга олиб келади:

Афтидан, "Муҳокамату-л-луғатайн" асарининг икки хил варианти бўлган: Навоий асарни ёзиб тугатгач, уни котибга топширган, котиб ана шу вариант асосида матнни кўчирган. Кейинчалик,

чамаси, бирор ойлардан сўнг, муаллиф асарни қайта кўриб чиқиб, унга баъзи бир қўшимчалар ҳам киритган. Айтиш мумкинки, асар Навоийнинг ўз қўли билан таҳрирдан ўтказилган. Шундай қилиб, "Муҳокамату-л-луғатайн" асари, муаллифнинг кўзи тириклигидаёқ, икки хил вариантда ёйилган эди.

Кунимизгача етиб келган нусхалар асарнинг у ёки бу вариантидан кўчирилган, чамаси. Масалан, Тўпқопи ва Париж нусхалари асарнинг илк вариантидан, Фотиҳ қўлёзмаси эса асарнинг кейинги, Навоийнинг қайта таҳриридан ўтган вариантидан кўчирилган кўринади. Шунинг учун ҳам, Тўпқопи ва Париж нусхалари текстологик жиҳатдан, айрим жузъий фарқларни айтмаганда, бир-бирига жуда яқин. Фотиҳ қўлёзмаси эса улардан фарқ қилиб туради.

Асарнинг илмий ва илмий-танқидий матнларини яратишда қўлёзмалардаги ушбу текстологик фарқлар инобатга олинмоғи керак.

Фойдаланилган адабиётлар:

[1] *Содиқов Қ.* "Муҳокамату-л-луғатайн"ни ўқиб ўрганиш. Тошкент, 2011. 12, 30- б.

[2] *'Ali Şir Nevayi.* Muhakemetü'l-luğateyn (İki Dilin Muhakemesi). Hazırlayan F. Sema Barutçu Özönder. Ankara, 1996. S.175.

НАВОИЙ ВАСФИДА ҚАЛАМ

Иброҳим Йўлдошев
(Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети)

Мақоламизнинг асосий мавзусига ўтишдан аввал қалам тарихига қисқа бир назар ташлашни маъқул кўрдик. Чунки ҳозирда чоп этилаётган кўпгина китоблар муқовасида ёки шеърият билан боғлиқ ёзувлар ибтидосида патқалам тасвирини бериш одатий тус ола бошлади. Бу эса ўзбек халқи ёзув тарихидан унчалик бехабар эканлигимиздан далолат беради. Чунки сўнгги минг йиллик тарихимизда юртимизда қўлёзма китоб яратишда энг асосий ёзув қуроли сифатида қамишқаламдан фойдаланилган ва у арабча *қалам* (قلم) деб аталган. Ёзув ишида қўлланилган қаламнинг бир неча турлари бўлган. Масалан, улардан бири *чўпқалам* деб аталган ва у ёғочни ишлаш натижасида тайёрланган. *Чўпқалам* махсус ёзув ишларини бажаришда кенг қўлланган. Ғоз патидан тайёрланган қалам турига нисбатан тилимизда *патқалам* термини қўлланган. Патқаламнинг Шарқ дунёсида, нафақат Шарқда, балки Европа ёзув маданиятида қўлланилганлиги ҳақида турли фикрлар мавжуд. Тарихдан маълумки, дунё тараққиётининг турли босқичларида турли ўлкаларда турли хилдаги ёзув қуролларидан фойдаланилган. Улар хусусида кўплаб илмий-тадқиқот ишлари олиб борилган. Хусусан, рус тадқиқотчиси А.П.Каждан ўзининг «Книга и писатель в Византии» номли китобида бу борада жуда қимматли маълумотларни келтиради. Унинг ёзишича, Миср котиблари эрамиздан олдинги учинчи асрда ҳам қамишқаламдан фойдаланишганини, унинг уч қисми қийшиқ ҳолда кесилган бўлиб, ёзувнинг янада нафис ёзиш имконини берганлигини таъкидлайди (1.27). Қадимда котиблар қамишқалам билан бирга суяк ёки металлдан ишланган қалам турларидан ҳам фойдаланишган. Ғарб дунёсида бу қалам турлари ўрнини аста-секинлик билан паррандалар патидан тайёрланган патқаламлар эгаллай бошлаган. А.П.Кажданнинг фикрича, антик давр котиблари, катта эҳтимолда, патқаламдан фойдаланишмаган; ҳар ҳолда, у даврларга оид юнон ёки рим ёдгорликларининг биронтасида ҳам патқаламдан фойдаланилганлиги қайд этилмаган, аксинча, барча матнларда қамишқалам ёдга олинган, рассом суратларида ҳам, асосан, қамишқалам тасвирланган. Ғарбда XI асрга қадар яратилган диний миниатюраларда евангелист(инжилчи)лар сурати қўлларида қамишқалам билан тасвирланган. XII асрдан эътиборан яратилган диний миниатюраларда қамишқалам тасвири акс этмаган. Бундан хулоса қилиб айтиш мумкинки, Ғарбда қамишқалам ўрнини патқалам эгаллаши XI асрда ўз ниҳоясига етган. Бундай хулосага келишимизга XII асрда

яратилган Ғарб қўлёзма асарларида фақат ғоз, оққуш ёки товус патларидан тайёрланган қаламлар ҳақида баҳс этилганлиги асос бўла олади (1.28). Лекин Византияда патқалам турларининг ишлатилганлиги ҳануз номаълум, аммо қамишқаламнинг узоқ вақтларгача асосий ёзув қуроли сифатида ишлатилиб келинганлиги маълум. Масалан, XIII асрда яратилган ва бугунги кунда Париж кутубхоналаридан бирида сақланаётган Инжилда стол устида ётган бир нечта қамишқалам тасвири берилган. Ёки ундан анча кейин, аниқроғи, XIV аср ўрталарида яратилган ва ҳозирда Москва тарихий музейида сақланаётган қўлёзмаларда тасвирланган 407 та евангелист (инжилчи)нинг сурати қўлларида қамишқалам билан тасвирланган (1.29). Мазкур суратлар Ўрта аср Европа ёзув маданиятида асосан қамишқалам қўлланганидан далолат беради. Поляк олими Л. Винничук ўзининг «Люди, нравы и обычаи Древней Греции и Рима» номли китобида А.П.Кажданнинг юқоридаги фикрларини тасдиқловчи далилларни келтиради. Унинг фикрича, юнонлар қадимда папирус ва пергаментга, асосан, қамишқалам билан ёзганлар (2.219). Рус китобатчилигида, А.П.Кажданнинг ёзишича, қамишқалам деярли қўлланмаган (1.28). Ушбу фикрни рус китобшунос олими И.Е.Баренбаум ҳам тасдиқлайди. И.Е.Баренбаум қадимги рус котиблари ёзув ишларида, асосан, *патқалам* ишлатганлигини, унинг ғоз, оққуш, ҳатто, товус патларидан тайёрланганлигини ёзади (3.19). Тўғри, қадимги Русда яратилган инжилларга ишланган миниатюраларда евангелист(инжилчи)лар қўлларида қамишқалам тутган ҳолда тасвирланган. А.П.Кажданнинг фикрича, бу қадимги анъаналарга уйғун шаклда ишланган, холос. Бу анъана Русга Византиядан ўтган бўлиши мумкин. Рус тадқиқотчиси В.Л.Янин қадимги Русда папируснинг ишлатилмагани, унинг ўрнида эса қайин пўстлоғи (береста) қўлланилганини ҳамда ёзув қуроли сифатида суяк, металл, тахта каби ашёлардан тайёрланган қаламлардан фойдаланилганини далиллар асосида ёритиб беради. Унинг ёзишича, қадимги Русда бундай ёзув қуроллари *писала* деб аталган (4.18).

Арабшунос олим А.Б.Халидовнинг фикрича, қалам, асосан, қамишдан тайёрланган, унинг уч қисми қиялатиб кесилган ва тарашланиб, ўртасидан ёриб қўйилган. Араб адабиётида қаламга ижод ва гўзаллик илҳомчиси сифатида нисбат берилиб, мадҳ этилган. Сифатли қалам бебаҳо бойлик ҳисобланган, унинг сифати қамишнинг қаерда ўсганлиги, сақланиши, қалинлиги, ранги, хуллас, танлаб олинишига кўп жиҳатдан боғлиқ бўлган (5.298). Қамиш қалам ёзиладиган ёзув турига ҳамда хаттот дидига уйғун бўлиши керак бўлган. Масалан, *сулс хатини* ёзишда қалам учи қалинроқ, унинг ўнг тарафи тўрт данггa[1], чап томони икки данггa тенг бўлиши керак бўлган. Бу қаламнинг тили ботиқ қилиб кесилганки, бу ҳол ундан сиёҳнинг бир маромда оқиб туришини ҳамда ҳарф қайрилмаларининг нозик ва нафис чиқишини таъминлаган. *Сулс хати* таълимотида қаламнинг учдан бир ҳиссаси кўпроқ ишга солинади. *Насх хати* учун мўлжалланган қалам ҳам сулс хати қаламига ўхшаш бўлган, лекин унинг тили ботиқ қилиб кесилмаган. *Муҳаққақ хати* ёзиладиган қалам учи *сулс хати* қаламидан кўра ингичкароқ, аммо ёриғи очиқроқ, учининг кесилиши эса, қинғирроқ бўлган. *Райҳоний хатининг* қалами *муҳаққақ хати* қаламига ўхшаш бўлган ва ҳ.з. (6.38). Баъзи ҳолларда қаламга ўриндош сифатида учи ўткирланган палма шохи ёки ёғочдан ишланган қаламчалардан фойдаланилган (5.292).

Албатта, араб китобатчилиги билан ўзбек китобатчилиги ўртасида тарихий муштараклик мавжуд. Ўрта Осиёга муқаддас Ислом дини билан бирга араб тили ва у орқали кўплаб арабча сўзлар кириб келди. Шундай сўзлардан бири – қаламдир. *Қалам* лексемаси асли юнонча *(qalamos)* бўлиб, юнон тилида *«қамиш»ни* ифодалаган. Араб тилида *қалам* лексемасининг маъно англатиш кўлами анча кенг бўлган. Унинг асосий маъноларидан бири ёзув қуроли маъносидаги қаламдир. Қалам лексемаси «ёзма адабиётнинг турли стилларида ифодасини топган ва бадиий тасвирнинг ранг-баранглигини таъминловчи муҳим воситаларидан бирига айланган» (7.71). Араб тилида *қалам* лек-

1. Данг – бирор нарсанинг 1/6 қисми.

семасининг яна бир луғавий маъноси *«кесилган, тарашланган, кесик»дир*[1]. Шу маънода *қалам* ёзма адабиётда кўплаб учрайди. *Қалам* лексемасининг ушбу маъно ифодасидан Алишер Навоий ўз асарларидаги бадиийликда усталик билан фойдаланади: *«Раиятқа қилса қаламзан ситам, Қаламзаннинг илгини қилсун қалам.*Яъни: Халққа ситам қилган котибнинг қўлини кессин (ёки кесилсин)»(8.26). Ёки: *«Муфтиким, ишига музд олиб қилса рақам, Музд ортуқ эса, майл керак қилғай кам, Фатвода чу бўлди музд учун «ло» ву «наам», Қилмоқ керак ул қаламзан илгини қалам*. Яъни: Муфти агар иши учун ҳақ олиб қалам сурса, Ҳақ ортиқ бўлса, камайтирмоғи керак. Йўл кўрсатишда пул учун «ҳа» ё «йўқ» деган ҳукмни берса, У қалам тебратувчи қўлини қаламдек кесмоқ керак» (9.18-19).

Қаламнинг таърифини Навоий ўзининг деярли ҳар бир асарида келтириб ўтади. Навоий ёзади:

Қаламким раҳнаварди тез такдур,
Азалдин манзили фавқул-фалакдур.
Магар ваҳм адҳамидур тез рафтор,
Не адҳам, жардаи шабдез рафтор.
Чиқиб устига бармоқ шаҳсувори,
Бўғун белбоғию тирноқ узори.
Чопарда қуйруғин айлаб алам ул,
Қулоғидек аёғдин-бош қалам ул.

Яъни: Тез суръатлар билан кезувчи қаламнинг манзили азалдан фалак устидадир. Балки у ваҳмнинг тез юрар қора отидир, қора от эмас, (Хисравнинг) Шабдез деган қора тўриғ отидир. Бармоқ чавандози унинг устига минган, бўғини белбоғию, тирноқ чеҳрасидир. У от чопганда қуйруғини тик байроқ қилади, унинг бошдан-оёғи қуйруғидек тиликдир»(10.5).

Қалам ҳақида ёзиш ва уни таърифлаш ўрта аср ижодкорлари орасида анъанага айланган эди. Шу юздан ҳар бир муаллиф асарида бу ҳақдаги фикрларни топиш мумкин бўлади. Албатта, буюк сўз устаси Алишер Навоий бобомиз асарлари бундан мустасно эмас. У қаламнинг фақат эзгу ишларга хизмат қилишини, ҳар кимнинг қаламидан доимо шакар томиб туришини орзу қилади. Навоийнинг ҳам, ҳар бир қалам аҳли сингари, асосий йўлдоши қалам бўлган. Шоир ўзининг бутун ички ҳиссиёти, орзу-умидлари, тафаккури маънисини ана шу қалам билан ўртоқлашган ва қоғозга туширган. Навоий қаламни таърифлашда ўзига хос йўл тутади. У асарлари бадиийлигини таъминлаш мақсадида қаламнинг форс-тожик тилидан ўзлашган *хома* (**خامه**) ва *килк* (**کلک**) шаклларидан, яъни синонимик вариантларидан моҳирлик билан фойдаланади: *"Чу мушкафшон бўлуб хомам қароси, Бўлуб ул мушклар номам қароси*" (10.415).

Хомаи гавҳарнигор – «чуқур маъноли хатларни ёзадиган қалам, нома, хат» (11.193);

хомаимушкбез- «яхши маъноли сўзлар ниёзадиган қалам»: «Ки чун торттим *хомаи мушкбез*, Санинг васфингга айладим нуктарез» (12.237);

хомаидур бор - «қийматли, нозик ва нафис сўзлар битувчи қалам»: «Яъни, ул кишики манинг *хомаидур бори*б у номани гавҳар нигор ғилибдурур ва ул кимсаким, бу номаи гавҳар нигор дурларианинг *хомаидур боридин* сочилибдурур» (13.129);

хомаи тақдир - «тақдир қалами, бандалар тақдири ёзилади деб фараз этилган илоҳий қалам; тағдир, ёзиғ»: «Ихтиёр есанг аҳам йўқ эди, не ёзғурайин, бўйла чун ёзған эмиш *хомаи тақдир* санга» (13.410);

хомаи хуш хиром – *«тезкор қалам»:* «Ки, яъни чекиб *хомаи хуш хиром,* Скандар ишиға қилай эҳтиром» (14.39). *Хомаи хуш хиром* термини филология фанлари доктори Мавжуда Ҳамидова

1. Кесилган новдани қ*аламча* дейиш ҳам «қ*алам»нинг* дастлабки маъноси билан боғланган.

томонидан *«тезкор қалам»* тарзида изоҳланади (15.530). «Навоий асарлари луғати»да ҳам форсча *хуш хиром* лексемасининг икки маъноси берилган: *«1. Юришли, юрумол, йўрға. 2. Чаққон»* (16.671). Бизнингча, *хушхиром* лексемасининг ҳар икки изоҳи ҳам М.Ҳамидова таърифига уйғун келади. Шунингдек, Алишер Навоий асарларида қўлланган арабча *сариъул-қалам* (**سريع القلم**) терминининг ҳам маъно англатиш кўлами маълум маънода *хомаи хушхиром* терминига анча яқин бўлиб, у *«тез ёзувчи, қалами чаққон»* маъносини ифодалайди: *«Мавлоно Сойилий - қаршиликдур. Анингдек сариъ ул-қалам котиб ўз замонида йўқтур»*(11.160).

Килк термини Ўрта асрларга оид қўлёзмаларнинг барчасида ҳам учрамайди. У ҳам кўпроқ Навоий ижодига хосдир: *«То шафағнинг рангин сафҳаси қуёш муҳрасидин жило топғай – ул сафҳа сунъкотиблари килкидин шоҳ мадҳи шоҳбайтлари била зевар ва зийнат топсун»* (9.141). Алишер Навоий зарур ҳолларда *қалам, хома, килк* терминларини бир асарнинг ўзида аралаш қўллайди: *«Сархат этиб бирга бешу ўн рақам, Ким ҳақ анинг илгини қилғай қалам»* (9.144)*; «Кимки безар сафҳани бу номадек, Бўйнин анинг узса бўлур хомадек»* (17.143). Шунингдек, Навоий *«қамишқалам»ни* ифодалашда форсча-тожикча *найи килк*сўз бирикмасидан ҳам истифода этади:*«Хуросон демаким, Шерозу, Табрез, Ки қилмишдур найи килким шаккарез.* Яъни: Хуросонгина эмас, балки Шерозу Табризга ҳам қамишқаламим шакар тўкмоқда» (10.414).

Кўриниб турибдики, Навоий қаламни олий даражага кўтариб таърифлайди. Демак, қамишқалам котибнинг асосий қуроли бўлган. Яна айтиш мумкинки, ўтмиш мумтоз адабиётида қаламнинг таърифи учун турли стилистик бўёқдорликка эга бўлган *хизрсифат қалам, икки тилли қалам, гавҳаррақам қалам, мушкинрақам қалам, хушбўй қалам, нозик нақш сўзловчи қалам, таҳрир қалами*каби бирикмалар ҳам муомалада бўлганлигини (18.27), бундан эса, қаламни таърифлаш ўша давр учун анъанага айланганлигини кўриш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Қаранг: Каждан А.П. Книга и писатель в Византии. – М.: Наука, 1973. -152 с.
2. Винничук Л. Люди, нравы и обычаи Древней Греции и Рима. – М.: Высш. шк.,1988. -496 с.
3. Қаранг: Баренбаум И.Е. История книги. -М.: Книга, 1984. – 248 с.
4. Қаранг: Янин В.Л. Я послал тебе бересту. – М.: Изд. МГУ, 1975. -237 с.
5. Қаранг: Халидов А.Б.Книжная культура // Очерки истории арабской культуры V-XV вв. -Москва, 1982. –С. 215-305.
6. Қаранг: Казиев А.Ю. Художественно-технические материалы и терминология средневековой книжной живописи, каллиграфии и переплётного искусства. – Баку, 1966. – 132 с.
7. Жуманиёзов Р. «Қалам» сўзи ва унинг ёзма адабиётда қўлланилиши // Ўзбек тили ва адабиёти масалалари. 1958, -N 3. -Б. 71-75.
8. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 10-ж. Садди Искандарий. –Т., 1965. – 479 б.
9. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 13-ж. Маҳбубул-қулуб. – Т., 1966. –243 б.
10. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 7-ж. Фарҳодва Ширин. – Т., 1964. – 430 б.
11. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик.12-ж. Мажолисун-нафоис. – Т., 1966. – 215 б.
12. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик.14-ж. Тарихи мулуки ажам. – Т., 1967. – 269 б.
13. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 15-ж. Назмул-жавоҳир. -Т.: Фан, 1999. – 236 б.
14. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 11-ж. СаддиИскандарий. –Т.: Фан, 1993. – 640 б.
15. Алишер Навоий. Садди Искандарий. – Т.: F. Гулом ном.нашриёт-матб.бирл. 1991. – 580 б.
16. Навоий асарлари луғати. – Т.: F. Гулом ном.нашриёт-матб.бирл., 1972. – 783 б.
17. Алишер Навоий. Асарлар. Ўн беш жилдлик. 6-ж. Хамса. Ҳайратул-аброр. –Т., 1965. – 268 б.
18. Қаранг: Ҳофиз Таниш Ал-Бухорий. Абдулланома. –Т.: Шарқ, 1999. – 414 б.

АЛИШЕР НАВОИЙ “ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”СИ ВА УНИНГ ПРОТОДЕВОНИ МАСАЛАСИ (МАШҲАДИЙ ҚЎЛЁЗМАСИ АСОСИДА, 898/1492-93 ЙИЛ)

Афтондил Эркинов
(ТошДЎТАУ)

Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” девони илмий-танқидий матнини филология фанлари доктори Ҳамид Сулаймон (1910–1979) тайёрлаб нашр этганидан буён салкам олтмиш йил вақт ўтди[1]. Ўшандан бери мазкур нашр “Хазойин ул-маоний”ни ўрганишда барча тадқиқотчилар учун асос бўлиб келмоқда.“Хазойин ул-маоний”нинг яратилиши, унгача бўлган Навоий девонлари ва бу тўрт девоннинг вужудга келиш жараёни, Навоий шеърий ижодхонасига оид бирмунча тадқиқотларда ўрганилган. Булар жумласига С.Л.Волин, М.Шайҳзода, Ҳ.Сулаймонов, А.Ҳайитметов, А.Абдуғафуров, Ё.Исҳоқов, Б.Акрамов, Д.Салоҳий, Н.Рамазонов ва бошқаларни киритиш мумкин[2]. Айни тадқиқотларда масалага нисбатан манбашунослик йўналишида ёндашиш ҳам мавжуд. Навоий шеърларига эга баъзи шоир ҳаётлиги даврида кўчирилган янги қўлёзма ҳам топилиб борилмоқда[3].

Шуларга қарамай, “Хазойин ул-маоний” ва Алишер Навоий ҳаётлиги давридаги девонлари ҳамда уларнинг қўлёзмаларини манбашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш масаласи ҳали ҳар жиҳатдан тўлиқ ҳал этилганича йўқ. Масалан, 898/1492-93 йили Султонали Машҳадий (1432–1520) Навоийнинг 337 ғазалидан таркиб топган бир қўлёзмани кўчирган[4]. Ҳамид Сулаймон “Хазойин ул-маоний”ни нашрга тайёрлашда ундан фойдаланганлигини таъкидлаб, таркибини тавсифлаб чиққан[5]. Бироқ бу қўлёзманинг таркибидаги шеърларнинг Навоийнинг ундан аввалги (“Бадоеъ ул-бидоя”, “Наводир ун-ниҳоя”) ва кейинги –“Хазойин ул-маоний” билан муносабатлари махсус ўрганилмаган. Мазкур мақоламизда биз айни қўлёзманинг Навоий девонлари, хусусан, “Хазойин ул-маоний” вужудга келиш жараёнидаги ўрни масаласига доир айрим кузатишларимизни илгари сурамиз. Бунда айни қўлёзманинг протодевон (девонинг вужудга келишидан аввалги ҳолат) хусусиятлари таҳлили диққат марказимизда туради[6]. Бизнинг қарашимизга кўра, кўриб ўтаётганимиз Машҳадий кўчирган девони “Хазойин ул-маоний”нинг протодевонларидан бири бўла олади. Қуйида шу ҳақда гап кетади ва бизнинг мақсадимиз протодевон масаласини кун тартибига қўйишдан иборат.

---

1. Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. В трех томах. Диссертация доктора филологических наук. Ташкент-Москва, 1955-1961 (бундан кейин – СХ-текст).

2. Волин С.Л. Описание рукописей произведений Навои в ленинградских собраниях // Алишер Наваи. под редакцией А. К. Боровкова. М.-Л.: Издательство АН СССР, 1946. С. 203-235; Шайҳзода М. Ғазал мулкининг султони. Асарлар. 6 томлик, 4 том. Нашрга тайёрловчи Н. Маллаев. Т., 1972; Ҳайитметов А. Навоий лирикаси. Т., 2015; Абдуғафуров А. “Хазойин ул-маоний”дан четда қолган ғазаллар // Навоийнинг ижод олами (мақолалар тўплами). Т.: Фан, 2001, 104-123; Абдуғафуров А.“Хазойин ул-маоний” жумбоқлари // Ўзбек тили ва адабиёти. 1994. № 4-5-6, 9-16-б.; 1995. №1, 10-18-б.; 1998. № 6, 3-10-б; 2000. № 5, 3-11-б; Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. Т.: Фан, 1965; Салоҳий Д. «Бадоеъ ул-бидоя» малоҳати. Т., 2004; Салоҳий Д. Навоийнинг шеърий услуби масалалари. Т., 2005; Салоҳий Д. «Таҳлил ва талқин масъулияти». Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. №1, 74-78-б.; Рамазонов Н. «Алишер Навоийда «таҳрирни таҳрир» // Ўзбек тили ва адабиёти. 2006. 1-сон, 17-23-б.; Рамазонов Н. «Яна «таҳрирни таҳрир» масаласи хусусида // Ўзбек тили ва адабиёти. 2007. №1, 78-89-б.; Рамазонов Н. “Илк девон”даги расмий деволарга кирмаган ёки ўзгаришлар билан киритилган мисра ва байтлар” // Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 20-том, Тошкент: Фан, 2003, 427-508-б.

3. Навоий дастхати (Наводир ун-ниҳоя). Нашрга тайёрловчи С.Ғаниева. Тошкент: Фан, 1991; ‘Alī Shīr Navā’ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.).Tokyo: ILCAA, 2015; Эркинов А. «Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони». Ўзбек тили ва адабиёти. 2012, 1-сон, 10-18-б.; Эркинов А.“Навоий мухлислари томонидан тузилган девонлар ҳақида”// Ўзбек тили ва адабиёти. 2016 йил, 1-сон, 19-25-б.

4. Алишер Навоий. Ғазалиёт девони. Тошкент давлат шарқшунослик институти ҳузуридаги шарқ қўлёзмалари маркази (бундан кейин – ТошДШИШҚМ). 1-фонд, 790-рақамли қўлёзма.

5. СХ-текст, том I, стр.144, 220-222; том II.

6. Бу ҳақда қуйида батафсил гап кетади.

Машҳадий кўчирган Навоий асарлари

Султонали Машҳадий (1432–1520) кўчирган Навоий асарларига эга қўлёзмалар масаласи фанда ҳали етарлича ўрганилмаган. Ваҳоланки, айни улар муҳим манба бўлиб, Навоий шеърияти ижодхонаси учун қайсидир маънода калит вазифасини ўйнаши мумкин. Маълумки, Султонали Машҳадий кўп вақт темурийлар саройига яқин алоқада бўлиб, фаолият кўрсатган. У айни даврда ҳушнавис хаттот сифатида анча машҳур эди. Султонали Машҳадий ижодий фаолиятининг энг барқ урган даври Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлиги (1469 –1506) ва Навоий ижод этган пайтларга тўғри келади. Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” ва қитъаларидан бирида ҳам Султонали Машҳадийни таърифлаб ўтган[1].Заҳириддин Муҳаммад Бобур (1483–1530) қайд этиб ўтганидек: «Чиройли хат битувчилардан ҳам анча киши бор эди. Лекин барчасининг пешқадами настаълиқ ёзувида Султонали Машҳадий эди. У Султон Ҳусайн мирзо ва Алишербекнинг кўплаб матнларини кўчирди. Ҳар куни ўттиз байт Мирзо учун ва йигирма байт Алишербек учун ёзарди»[2].

Султонали Машҳадий Навоийнинг шеърларига эга қуйидаги тўпламларни кўчирган:

1. “Илк девон” (870/1465-1466 йили кўчирган).
2. “Наводир ун-ниҳоя”.
3. “Ғазалиёт девони” (898/1492-93 й.).
4. Терма девон (905/1499-1500 й.).

Улар ҳақида батафсилроқ маълумот берамиз.

1. “Илк девон”. Дастлаб Навоийнинг «Илк девон»ини 870/1465-1466 йили кўчирган[3]. Бу даврда Алишер Навоий ўз шеърларидан иборат мажмуа тартиб бермаган эди. Шу боис айни девон Навоий шеърияти ихлосмандлари тарафидан тузилган деб ҳисобланади[4].
2. “Наводир ун-ниҳоя”[5].Навоийнинг ўзи томонидан тузилган иккинчи девони.
3. “Ғазалиёт девони”. 898/1492-93 й[6].

---

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 13-том, Тошкент: Фан, 1987, 132-б; Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 3-том, Тошкент: Фан, 1987, 558-б.; Алишер Навоий: қомусий луғат. II жилдлик. Масъул муҳаррир Ш.Сирожиддинов. I жилд. Тошкент: Sharq, 2016, 525-526-б.

2. Бобурнома. Нашрга тайёрловчилар В.Раҳмонов, К.Муллахўжаева. Тошкент: O`qituvchi, 2008, 140-б.

3. Санкт-Петербург, Россия миллий кутубхонаси, № Дорн 564; ХС-текст, том I , стр.156. Биз айни қўлёзма таркиби билан танишдик. 1а саҳифада мазкур қўлёзманинг Эрон ҳукмдори Фатҳалишиҳ Қожар (1772– 1834) кутубхонаси учун 1232/1816-17 йили олинганлиги қайд этилган. “Илк девон” қўлёзмаси билан танишиш учун у сақланаётган папкани очганимизда, алоҳида қоғозга бу қўлёзма билан танишганлар ўз исмлари ва танишиш санасини ёзиб қўйганларини кўриш мумкин. Бунда 1952 йилдан бошлаб турли олимлар исмлари келтирилган. Булар қаторига Г.И.Костыгова (Машҳадий кўчирган қўлёзмалар бўйича диссертация ҳимоя қилган олима – А.Э.), Ҳамид Сулаймонов, Иванов, Камол Айни, Ёқубжон Исҳоқов, Хасанов, Вахиди, Абдумажид Мадраимов, Мария Сабтельний, Феруза Мелвил ва бошқалар кирган. Бир ўринда шундай ёзув бор: «11 декабрь 1994 йили қўлёзма Россия миллий кутубхонасидан ўғирланган. 15 декабрь 1994 йили топилган. 21 февраль 1995 йилгача Россия Федерал ҳавфсизлик хизматида (ФСБ) сақланган. Россия ички ишлар бош бошқармаси томонидан кутубхонага тантанали равишда қайтариб берилган». Мен қўлёзманинг ўғирланишига оид тафсилотларни билишга уриниб кўрдим: кутубхонанинг “Илк девон” қўлёзмаси сақланувчи “Нодир китоблар бўлими” илмий ходимлари фан номзодлари Ольга Василева ва Ольга Ястребова маълумотига кўра мазкур қўлёзма ҳақиқатан ҳам 1994 йили деразадан ичкарига кирган ўғрилар томонидан ноқонуний тарзда олиб кетилиб, ўзлаштириш учун ҳаракат қилинган. Ўғрилар айни уринишда умумий миқдори 150 кг тенг келувчи бир неча қўлёзма китобларни ўғирлаб кетишган. Аммо бунинг уддасидан чиқа олмаганлар. Айни китобларни ўғрилаганлар ичида амалдорлар ҳам бўлган. Ўғирланган китобларни сотишга уриниш жараёнида қўлга тушишган. Бу ҳақда Россия матбуотида ҳам ёзган (Баконина М. “Рукописи не горят. Но их “заказывают”. Коммерсант. 24.11.1996 г.).

4. Мазкур девон нашри: Алишер Навоий. Илк девон. 1466 й. кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрл. Ҳ.Сулаймон. Т.,1968.

5. ТошДШИШҚМ, 1-фонд, №1995.

6 ТошДШИШҚМ, 1-фонд, №790. Ҳамид Сулаймонов Навоий шеърлари мажмуаларидан бирини (ТошДШИШҚМ, 1-фонд, №3984) ҳам палеографик хусусиятларига кўра Машҳадий кўчирган деб

4. Терма девон. 905/1499-1500 й. кўчирилган. Машҳадий кўчирган мазкур қўлёзма “Хазойин ул-маоний”дан териб олинган 863та шеърга эга[1]. Машҳадий томонидан XV охирида кўчирилган Навоий шеъриятининг яна икки қўлёзмаси мавжудлиги тўғрисида ғам фикрлар бор[2]. Ҳозирча Машҳадий кўчирган ва бизга маълум бўлган қўлёзмалар шулардан иборат [3].

“Ғазалиёт девони” таркиби ва хусусиятлари

Мазкур тадқиқотимиз объекти бўлган Султонали Машҳадий томонидан 898/1492-93 йили кўчирилган “Ғазалиёт девони”нинг катта қисми “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя”лардаги ғазаллар сайланмасидир. Мазкур қўлёзма замонавий нашрларда турли номларда келтирилган. Ҳамид Сулаймонов уни терма девон деб атаган[4]. Ўзбекистон Фанлар академиясининг собиқ шарқшунослик институти каталогида у хато тарзда “Ғаройиб ус-сиғар” номи остида берилган[5]. Мазкур қўлёзма фақат Навоий ғазалларидан иборат бўлгани учун бу мажмуани шартли равишда “Ғазалиёт девони” деб аташ мумкин. Бу мажмуада 337 ғазал алифбо тартибида берилган. Қўлёзма 340х225 мм ҳажмга эга. Матн икки устанда, ҳар саҳифада 14 қатордан қилиб берилган. Султонали Машҳадий ёзуви – йирик насталиқ. Ҳамид Сулаймонов бу қўлёзма варақларининг айримлари узилган ва шу муносбат билан юзта ғазал тушиб қолган, деб ҳисоблайди. Дарҳақиқат, баъзи ўринларда узилишлар бор[6]. Аммо улар жуда кўп эмас. “Ғазалиёт девони” Қўқон хони Амир Умархон (1822–1842) кутубхонасида сақланган. Буни қўлёзманинг айрим варақларига қўйилган Умархоннинг икки хил муҳри тасдиқлайди[7].

Айни қўлёзмадаги 337 ғазалдан 200таси “Бадоеъ ул-бидоя”дан, 126 таси “Наводир ун-ниҳоя”-дан олинган. 11 ғазал бу икки девонда мавжуд эмас, икки ғазал эса бу икки девондан “Хазойин ул-маоний”га ўтмаган. Кейинчалик кўрилаётган девондаги 335 ғазал “Хазойин ул-маоний” таркибига киритилганлигини ҳисобга олсак, бу 11 ғазал узоғи билан “Наводир ун-ниҳоя”дан кейин ва “Хазойин ул-маоний” яратилишидан аввал, яъни, тахминан, 1480/87–1492 йиллар орасида яратилган бўлиб чиқади.

таъкидлаган (ХС-текст, том I, стр.220-222). У яна 790-рақамли қўлёзма (ТошДШИШҚМ, 1-фонд) 3984-рақамли қўлёзмадан кўчирилган дейди. Аммо олим бу фикр асоси учун етарлича далил келтирмаган.

1. ХС-текст, том I, стр.222-223.

2. Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар: XV-XIX асрлар. Нашрга тайёрловчи Ҳ.Сулаймонов, Ф.Сулаймонова. Тошкент: Фан, 1982, 89-99-б.

3. Ҳ.Сулаймонов Машҳадий кўчирган Навоий асарларига эга яна икки қўлёзма ҳақида ҳам маълумот бериб, уларнинг Туркия ва Эронда сақланиши ҳамда улар такриби билан танишиш имкониятига эга бўла олмаганини қайд этади (ХС-текст, том I, стр.154).

4. Ҳ.Сулаймонов айни девонга нисбатан “Терма девон” номини қўллаган. Бизнингча, “Терма девон” номини “Хазойин ул-маоний”дан кейин унинг ичидан танлаб олинган шеърий мажмуаларга нисбатан қўллаш ўринли

5. Собрание восточных рукописей АН УзССР. Под.ред. А.А. Семенова. Том 2, Ташкент: Фан, 1954, №1281. Биз ҳам айни эътиборли феҳрест маълумотига ишонган ҳолда бу қўлёзмани “Ғаройиб ус-сиғар” асари деб келтирган эдик: ‘Alī Shīr Navā’ī. Dīvān of the Aq qoyunlu Admirers (1471). A.Erkinov (ed.).Tokyo: ILCAA, 2015, 43, 62-б.

6. Масалан, 47б ва 48а варақлар ва 49б ва 50а варақлар ўртаси ва бошқалар.

7. ТошДШИШҚМ, 1-фонд, №790, 2а, 18а, 49а, 102а. Айни қўлёзмадаги муҳрлар ҳақида қаранг: Erkinov A. «Fabrication of Legitimation in the Khoqand Khanate under the Reign of‘Umar-khān (1225–1237/1810–1822): Palace Manuscript of “Bakhtiyār-nāma” Daqāyiqī Samarqandī as Source for the Legend of Āltūn Bīshīk» //. Manuscripta Orientalia. International Journal for Oriental Manuscript Research. 19/2 (Helsinki-Saint-Petersburg, 2013). 7, 10-11, 18; Эркинов А. “Қўқон ҳукмдори Умархоннинг (1810–1822) шахсий уч муҳри”// Мерос. 2015, №2-3, 131-137-бет.

Протодевон нима?

“Прото-” (proto) сўзи “биринчи”, “дастлабки”, “бошланғич” деган маъноларни бериб, бирор нарсанинг дастлабки, ҳали пишиб етилмаган, энди-энди шаклланаётган босқичини билдиради.

Ҳар қандай ижод намунаси бўлган бадиий ёки илмий асарни бир ўтиришда ёки асарга жуда киришиб кетган дамларда, тезда ўқиб битиришимиз мумкин. Лекин ҳар қандай асар бир ўтиришда ёки тез муддат ичида яратилмайди. У ижодкор хаёлоти, уринишлари меваси бўлиб, муайян муддат ичида шаклланиб, сўнг вужудга келади. Матнни яратиш жараёнида ижодкор чеккан машаққатни фақат унинг ўзигина билади ва ҳис қилади. Ижод намунаси бўлган асар яратилиши жараёнида унинг дастлабки варианти, хомаки нусхаси вужудга келади. Ана шу хомаки асар, асарнинг энг биринчи, ҳали пишиб етилмаган кўриниши асосида кейинчалик комил асар вужудга келади. Буни, айниқса, бадиий ижод намунасида кузатиш мумкин. Асарнинг мана шундай дастлабки хомаки, кейинчалик асл асар матнига асос бўлувчи асар “прото-“ номи билан аталади. Масалан, роман жанридаги асарнинг яратилиши жараёнидаги ҳомаки нусхаси протороман бўлади, ҳикояники протоҳикоя ва ҳоказо. Асарларнинг “прото” вариантларига оид маълумотларни XX аср жаҳон адабиётидан ёки ўзбек адиблари асарлари баъзи нашрларидан топиш мумкин. Асарнинг “прото” нусхаси ижодкорнинг асар қораламаси, архив матнларида бор бўлиши мумкин. Ўзбек мумтоз адабиёт намуналарига нисбатан “прото” атамасини қўллаш масаласи анча мураккаб. Айни вақтда, баъзида мана шу атамани қўллаш учун асос бўлувчи матн мавжуд ҳам бўлиши мумкин.

Девоннинг дастлабки нусхаси, аниқроғи, шоир маълум бир давр учун сўнги деб ҳисобланган нусхаси мавжуд бўлиши мумкин. Шоир уни ўз девонининг энг охирги кўриниш деб ўйлаши, кейинчалик эса бу нусхани янги шеърлари билан тўлдириб, ўз девонининг янги босқичдаги кўринишини ҳосил қилиши мумкин. Мана шунда шоирнинг дастлабки кўринишдаги девони иккинчи девонига нисбатан протодевон бўлади.

Навоий шеърияти мажмуалари ва протодевон масаласи

Айни йўналишда Ҳ.Сулаймонов диссертациясида гап кетган, аммо у киши масалага протодевон нуқтаи назаридан ёндашмаган. Навоийнинг “Илк девон”и ва “Оққуюнли мухлислар девони”га нисбатан протодевон атамасини қўллаб бўлмайди. Чунки уларни Навоийнинг ўзи эмас, ихлосмандлар тузган. Масалан, “Оққуюнли мухлислар девони”даги деярли барча шеърлар “Бадоеъ ул-бидоя” таркибига ўтган бўлса ҳам, бу девонни протодевон деб атай олмаймиз. Протодевон бўлиши учун бирор бир девоннинг дастлабки ҳолати – илк кўринишини тузишда бошқа одамлар, масалан, мухлислар эмас, муаллифнинг ўзи иштирок этиши керак.“Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” Навоийнинг 1470-1490 йиллар оралиғида тузилган алоҳида девонлари бўлиб, улар ичида фақат “Бадоеъ ул-бидоя”нинг протодевонлари ҳақидагина гапириш мумкин. Шуниси муҳимки, бизгача мазкур девоннинг ҳозиргача тўрт қўлёзмаси етиб келган бўлиб, уларнинг барчасида кўчирилиш даври кўрсатилган. Илмда “Бадоеъ ул-бидоя” 1470–1480 йиллар орасида кўчирилган деган фикр мавжуд. Лекин қуйида берилган жадвалда мазкур достон тўрт қўлёзмаси 1480–1486 йиллар ўртасида, яратилишидан кейинроқ даврда кўчирилган бўлиб чиқади. Илм учун энг аҳамиятли жиҳати шундаки, уларнинг барчаси Алишер Навоий барҳаёт бўлган даврда, балки, Навоий назорати остида кўчирилган. Қуйидаги жадвалда айни девон қўлёзмлари ҳақидаги маълумотлар ифодаланган:

“Бадоеъ ул-бидоя” қўлёзмаларига оид маълумотлар жадвали

№	Сақланиш жойи	Инв. рақами	Кўчирилиш даври	Нусхадаги шеърлар миқдори
1.	Париж	Франциция Миллий кутуб. №746	885/1480-81 й.	831
2.	Лондон	Британия музейи, №401	887/1482-83 й.	843
3.	Боку	Озарбойжон Респ. қўлёзма фонди, №3010	889/1484 й.	855
4.	Тошкент	№216	891/1486 й.	916

Бизга ҳозиргача маълум бўлган маълумотлар асосида шуни таъкидлаш лозимки, қўлёзманинг Тошкент нусхаси қолган учтасига нисбатан ҳажман энг каттаси ва нисбатан мукаммали бўлиб чиқмоқда[1]. Айни шу қўлёзма асосидаги нашр “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг илмий ишларда суяниладиган матни бўлиб қолмоқда[2]. Мана шу нисбатан мукаммал Тошкент нусхасини агарда “Бадоеъ ул-бидоя” девонининг биз учун таянч матни деб қарайдиган бўлсак, у ҳолда, моҳиятан бу девон қўлёзмасидан аввалиги 3 нусха – девоннинг Париж, Лондон, Баку қўлёзмалари Тошкент “Бадоеъ ул-бидоя”си учун протодевон саналиши мумкин. Бунда аввалги уч девоннинг Тошкент нусхасидан ҳажм жиҳатидан кичиклиги уларга нисбатан протодевон атамасини қўллашимиз учун шартли тарзда асос сифатида хизмат қила олади. Айни вақтда, Тошкент нусхасида энг кўп ғазалларнинг келтирилишининг ўзиёқ бу нусха мукаммал ҳисобланиши учун асос бўла олмайди. Чунки “Бадоеъ ул-бидоя” юқоридаги тўрт нусхаси кўчирилган даврда бу девон тартиб берилиб, тугалланиб бўлган эди. Ҳамма гап шундаки, Навоий бу нусхаларнинг барчаси тайёрланиши жараёнида улар билан таниш бўлган бўлиши эҳтимоли катта. Энг сўнги Тошкент нусхаси кўринишида ўз девони “Бадоеъ ул-бидоя”ни тақдим қилмоқчи бўлган бўлиши мумкин. “Бадоеъ ул-бидоя”нинг мазкур тўрт нусхасидан кўра янада кўпроқ шеърга эга бўлган, мукаммалроқ нусхаси топилса, унда у тўрт девон бу янги қўлёзмага нисбатан протодевонга айланиши эҳтимоли ҳам йўқ эмас.

“Ғазалиёт девони” “Хазойин ул-маоний”нинг протодевони бўла оладими?

Шу жиҳатдан олиб қараганда, “Хазойин ул-маоний” девони масаласида нисбатан енгиллик бор. Бу айни тўплам матнининг Ҳ.Сулаймонов томонидан амалга оширилган нисбатан стабил нашри мавжудлиги билан боғланади. Алишер Навоий лирикасини дастлаб даврлаштирган тадқиқотчи – Сергей Львовоич Волин[3] “Хазойин ул-маоний” 1492–1498 йиллар орасида яратилган, деган фикрни айтган. Унинг тахминича, “Хазойин ул-маоний” таркибини тайёрлаш Абдураҳмон Жомий (1414–1492) ҳаётлиги давридаёқ бошланган ҳамда тўрт девон номи ҳам танлана бошланган[4].

Айни фикр асоси сифатида яна бир қатор фикрларни келтириш мумкин:

1. Ҳ.Сулаймонов “Ғазалиёт девони” “Хазойин ул-маоний”ни тайёрлаш даврида тузилган, буни

1. ТДШИШҚМ, 1-фонд, №216.

2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 20 томлик. 1-том, Тошкент: Фан, 1987.

3. Семён Львовоч Волин – (1909–?). Россиялик шарқшунос. Араб, форс ва туркий тиллар, жумладан, эски ўзбек тилини билган. Туркий тиллардаги манбалар билан шуғулланган. 1941 йили репрессия қилинган ва ундан кейинги тақдири номаълум. 23 та илмий иш муаллифи. Уларнинг бир қисми нашр этилган (Люди и судьбы. Биобиблиографический словарь востоковедов – жертв политического террора в советский период (1917-1991). Сост. Я. В.Васильков, М.Ю.Сорокина. С-Петербург: Петербургское Востоковедение, 2003).

4. Волин С.Л. Описание рукописей ... С. 216.

унинг қўлёзмасидаги ғазалларнинг “Хазойин ул-маоний”дагидек кетма-кетмаликда берилиши кўрсатиб турибди, деб таъкидлаган[1]. Шу жиҳатдан олиб қараганда “Ғазалиёт девони” “Хазойин ул-маоний”нинг протодевони деган номга нисбатан тўғри келади. Айни вақтда яна шуни ҳам таъкидлаш керакки, “Ғазалиёт девони” учун “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя”дан олинган 226 ғазал девонлардан бир хил тартибда, кетма-кетликда олинмаганлиги кузатилади[2]. Улардан фарқли равишда, “Ғазалиёт девони”даги ғазаллар “Хазойин ул-маоний”га киритилар экан, улар тартиб билан ўринли тарзда қўйиб чиқилганки, бу ҳам “Ғазалиёт девони” протодевон эканлиги асоси учун хизмат қилади.

2. “Ғазалиёт девони”да келтирилган 337 ғазалнинг 200 таси “Бадоеъ ул-бидоя”дан, 126 таси “Наводир ун-ниҳоя”дан “Хазойин ул-маоний”га ўтган[3]. Уларни умумлаштирган ҳолда қуйидагича бериш мумкин:

ББ	НН	**“Ғазалиёт девони”**	ҒС	НШ	БВ	ФК
200	**126**	**Жами: 337 та ғазал**	**155**	**84**	**44**	**52**

Яъни “Ғазалиёт девони”даги 155 ғазал “Ғаройиб ус-сиғар”га, 84 ғазал “Наводир уш-шабоб”га, 44 ғазал “Бадоеъ ул-васат”га ва 52 ғазал “Фавойид ул-кибар”га ўтган экан. Демак, Навоий “Хазойин ул-маоний” тартиб бериш мобайнида “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” таркибидаги аввалдан ёзилган шеърларини тўрттанинг дастлабки иккитаси бўлган “Ғаройиб ус-сиғар” ва “Наводир уш-шабоб” девонларига киритган экан. Ҳ.Сулаймонов тадқиқотларига кўра, “Бадоеъ ул-бидоя”даги шеърларнинг катта қисми “Ғаройиб ус-сиғар”га ўтган. “Наводир ун-ниҳоя”даги шеърларнинг катта қисми эса “Наводир уш-шабоб” таркибига киритилган[4].

3. “Ғазалиёт девони”даги 337 ғазалдан 11 таси“Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя”да учрамайди, лекин “Хазойин ул-маоний” таркибида мавжуд. Улар бу икки девондан кейин яратилган бўлиб, тахминан 1487 йилдан бошлаб[5], “Ғазалиёт девони” яратилган 898/1492-93 йилгача ёзилган бўлиб чиқади. Бу икки девондан кейинги даврдаги, масалан, тахминан 1487–1492 йилларда ёзган шеърларининг катта қисмини Навоий “Бадоеъ ул-васат” девонига ўтказган бўлиш эҳтимоли кучаяди. Буни “Ғазалиёт девони”даги 11 ғазал “тақдири” билан боғлиқ қуйидаги жадвал ҳам кўрсатиб турибди:

Машҳадий кўчирган “Ғазалиёт девони”га кирган ва “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя”да мавжуд бўлмаган ғазаллар[6]

№	Қўлёз. тартиб рақам.	Ғазал матласи	ҒС	НШ	БВ	ФК
1	235	Боғладим афғонға бел найдек, сени кўрган замон, Заъфдин қилдинг мени охир бели боғлиқ сомон.	–	–	442	–
2	236	Маҳвашеким чеҳра давринда қирон этмиш аён, Даврнинг маҳвашларида улдурур соҳибқирон.	–	–	443	–

1. ХС-текст, том I, стр.220.
2. Мазкур мақоламизга илова қилинган жадвалига қаранг.
3. Айни маълумотларнинг батафсил изоҳи мақоламиз иловасидаги жадвалда келтирилган.
4. ХС-текст, том I, стр.158-171.
5. Ҳозиргача “Наводир ун-ниҳоя”нинг (ТошДШИ ШҚМ, 1-фонд, №11675) 1487 йили Абдужамил котиб томонидан кўчирилган, санаси бор ягона қўлёзмасига эгамиз. Лекин бу қўлёзмада кўрсатилган муддат айни девоннинг тугалланиш муддати деб аниқ айта олмаймиз. Бу девон шу муддатдан кейин ҳам яна тўлдирилган ва кўчирилган бўлиши ҳам мумкин.
6. ҒС, НШ, БВ, ФК – “Хазойин ул маоний” таркибига кирган тўрт девонда ўн бир ғазалнинг келтирилиши.

3	239	Ончаким Ширину Лайлидин сенинг ҳуснунг фузун, Менда ҳам Фарҳоду Мажнундин фузун ишқу жунун.	–	439	–	–
4	240	Еткуруб эрдим фироқинг тунлари гардунға ун, Шукрким, васлинг куни эмди не ул ундур, не тун.	–	–	–	439
5	241	Субҳ чун борғунг, келиб кулбамға пинҳон кечқурун, Ҳажр ўқин жонимға сен отма тонг отмасдин бурун.	–	–	441	–
6	242	Бизга ул ой ҳажридин бир йилчадур ҳар тийра тун, Кундузин англа бу тундин ҳам қоронғу, ҳам узун.	–	–	439	–
7	244	Ғунчаи хандон уза холингмудур, эй маҳжабин, Ё магар шаҳд истайул гулбарг уза қўнмиш чибин.	–	–	444	–
8	249	Демангиз келмиш алам сиҳҳат кетиб, ёр илгидин Ким, манга ҳам юз аламдур ул жафокор илгидин.	–	–	–	477
9	251	Йўқтурур бир дамки ўлмон фурқатинг бедодидин, Оҳ агар жон топмасам ҳар лаҳза васлинг ёдидин.	–	463	–	–
10	256	Ваҳ, не хуштур шаҳсуворимкелса майдон соридин. Кирпиким бирла оритсам гардни рухсоридин.	–	461	–	–
11	258	Кўзгу ҳар дам судурул рухсори олам сўздин, Муз анингдекким эрир меҳри жаҳон афрўздин.	–	–	466	–

Мазкур жадвалдан яна бир хулоса чиқариш мумкин: Алишер Навоий икки дастлабки девонидан кейин ёзган янги шеърларини бир гуруҳ, масалан, бир хил ҳарф билан тугалланувчи ҳолида яратиб, сўнг уларни “Хазойин ул-маоний” таркибидаги девонларга сочиб юборган бўлиши мумкин. Масалан, жадвалдан кўринб турибдики, “Ғазалиёт девони”даги 11 та янги шеърнинг барчаси “нун” ҳарфига битилган. Бу тасодифий ҳолат эмас. Демак, “Ғазалиёт девони” “Хазойин ул-маоний” вужудга келишининг энг дастлабки босқичи бўла олиши, шу маънода “Ғазалиёт девони”ни протодевон деб тахмин этиш мумкин экан.

Мақоламиз сўнгида яна бир жиҳатига диққат қаратиш лозим бўлади. Машҳадий “Ғазалиёт девони”ни кўчирган айни йилда (897/1491–92 й.), Навоий “Хамса”сини ҳам кўчирган[1]. Яна бир йил ўтиб (898/1492–93 й.), Навоий “Хамса”сини яна бир бор кўчирган[2]. Орадан яна икки йил кечгач, Машҳадий Навоий “Хамса”сини кейинги тўрт йил ичида учинчи марта 900/1494-95 й. кўчирган[3]. Демак, 1491–1495 йиллар мобайнида Машҳадий Алишер Навоий “Ғазалиёт девони”ни ҳамда “Хамса”сини уч марта кўчирган бўлиб чиқяпти. “Хамса” ҳажмини катта эканлигини ҳисобга оладиган бўлсак, Машҳадий мазкур тўрт йил ичида катта кўламдаги масъулиятли ишни амалга оширган бўлиб чиқади. Булардан ташқари, Султонали Машҳадий XV аср охирида (бу ҳам 1490-йилларга тўғри келади) Навоий шеърлари мажмуасининг яна бошқа иккита қўлёзмасини ҳам кўчирган[4]. Аммо айни шу даврда (1492–1498 й.) тартиб берилган “Хазойин ул-маоний” мажмуасининг Султонали Машҳадий томонидан кўчирилган қўлёзмаси ҳозиргача қўлга киритилмаган[5]. Демак, айнан “Хазойин ул-маоний” тузилаётган 1490-йиллари Машҳадий жуда қаттиқ ишлаган бўлиб чиқади .

Юқорида келтирилган фикрлар “Хазойин ул-маоний” девони учун “Ғазалиёт девони”ни протодевон ролини бажарган бўлиши мумкин, деган қарашга олиб келиши мумкин. Айни пайтда, “Хазойин ул-маоний” учун протодевон вазифасини ўйнаган бошқа қўлёзма девонлар мавжуд бўлиши ёки топилиши эҳтимоли ҳам мавжуд эканлигини қайд этиб ўтиш керак. Мазкур мақоламиздан кўзлаган бош мақсадимиз “Хазойин ул-маоний” вужудга келиши жараёнини ўрганиш учун про-

1. Виндзор (Англия), қирол кутубхонаси , № Ms.65; Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар..., 77-88-б.

2. Санкт-Петербург, Россия миллий кутубхонаси, № Дорн 560; Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар..., 44-58-б.

3. Истанбул, Тўпқопи-Реван кутубхонаси, №810.

4. Алишер Навоий асарларига ишланган расмлар, 89-99-б.

5. Султонали Машҳадий Ҳусайн Бойқаро учун ҳам айни шу пайтларда (900/1495-96 й.) унинг девонини кўчирган. Истанбул Университети кутубхонаси, tur.1977.; Жўраева Ҳ. Ҳусайнийнинг ҳаёти ва ижодий мероси. Тошкент: Kamalak, 2014, 25-26-бетлар.

тодевон сифатида хизмат қилиши мумкин бўлган Навоийнинг Машҳадий томонидан кўчирилган “Ғазалиёт девони”га диққат қаратиш ва протодевон масаласини кун тартибига қўйишдан иборат бўлди. Айни йўналишдаги изланишлармизни давом эттирамиз.

Жадвал хусусида

Мазкур жадвал Султонали Машҳадий кўчирган “Ғазалиёт девони” (ТошДШИШҚМ, 1-фонд, №790) таркибини кўрсатиш мақсадида тузилди. Унда қўлёзмадаги 337 ғазалнинг матлаъси келтирилган (4-устун) ҳамда бу ғазалларнинг Навоий “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя” девонлари (2-3-устунлар) ва “Хазойин ул-маоний” тўрт девонида (6-9-устунлар) учраши қайд этилган. Ғазалларнинг 790-қўлёзманинг қайси саҳифасида келтирилиши ҳам кўрсатилган (5-устун). Мазкур жадвални тузишда Ҳ.Сулаймонов диссертацияси II жилдида келтирилган “Хазойин ул-маоний”даги барча шеърларга оид жадваллардан фойдаландик ҳамда “Ғазалиёт девони”даги ғазалларнинг “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя”да учраши тўғрисидаги маълумотлар билан жадвалимизни тўлдирдик[1]. Жадвалдаги “ * ” белгиси қўйилган матлаълар “Бадоеъ ул-бидоя” ва “Наводир ун-ниҳоя”да келтирилмаган 11 ғазалга тегишли.“ ** ” белгиси қўйилган матлаълар “Хазойин ул-маоний” да киритилмаган икки ғазалга тегишли. Улар қўлёзмадаги 146, 334-ғазаллар бўлиб, “Наводир ун-ниҳоя”да (288, 823) келтирилган.

Қўлёзма колофонидан олдин (102а) “Бадое ул-бидоя” дебочасидаги қуйидаги рубоий келтирилган:

Ё раб, чекибон кўп рақам журму гуноҳ
Номамни қаро қилдиму умрумни табоҳ.
Раҳмат суйидин юмасанг ул номани, оҳ,
Маҳшар куни неткамен мени номасиёҳ?!

Султонали Машҳадий 898/1492-93 йили кўчирган Навоий “Ғазалиёт девони” (ТошДШИШҚМ, 1-фонд, №790, 1б-102а бетлар) таркиби

№	ББ	НН	Матлалар	саҳифа	ҒС	НШ	БВ	ФК
1	**1**	–	Ашрақат мин акси шамсил-каъси анворул-худо, Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқти садо.	1б-2а	1	–	–	–
2	–	5	Бедилинг хайли русул, сенсен аларға дилрабо, Ё набий, руҳий фидок аҳлан ва саҳлан марҳабо.	2б	–	7	–	–
3	6	–	Эй, нубувват хайлиға хотам бани Одам аро, Гар алар хотам, сен ул отким, бўлур хотам аро.	2б-3а	6	–	–	–
4	19	–	Эй, алифдек рост қаддинг ҳасрати жонлар аро, Жисм ичинда жон киби сен барча султонлар аро	3а-б	–	–	20	–
5	–	10	Эй, жамолинг жилваси миръот инсу жон аро, Лек ўлуб ул жилва комил мазҳари инсон аро.	3б	–	–	4	–
6	14	–	Эй алифдек қоматинг майли бузулған жон аро Ганжи ҳуснунг жавҳари бу хотири вайрон аро.	3б 4а	18	–	–	–
7	–	26	Жонда қўйдум чирмаған мактубини ҳижрон аро, Билман ул мактубдур ёхуд алифдур жон аро.	4а-б	–	20	–	–
8	–	19	Телба кўнглум пораси ҳадсиз тани урён аро, Уйладурким, ер тутар девонае вайрон аро.	4б	–	–	–	18

1. Ҳ.Сулаймонов жадвали яхши тузилган. Айни вақтда унда айрим нуқсонлар ҳам мавжуд: баъзи шеърлар ўрни алмаштириб келтирилган. Масалан, “Ғаройиб ус-сиғар”даги 620-ғазал ўрнига 621-ғазал келтирилган ва ҳоказо. “Ғаройиб ус-сиғар”даги 331-ғазал қўлёзмада 95а-б саҳифада, “Наводир уш-шабоб”даги 640-ғазал қўлёзмада 91б бетда деб келтрилган. Аслида улар қўлёзмада умуман йук.

9	15	–	Меҳнат ўқидин қабақдек қолмишам афғон аро Ким, букун чобуксуворим йўқтурур майдон аро.	4б-5а	–	–	18	–
10	18	–	Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайҳун аро, Ахтари саъде ҳилол ичра кезар гардун аро.	5а	20	–	–	–
11	16	–	Кимки кўрса мушки ноб ул сунбули сероб аро, Бир қора туфроғ дегайким тушти мушки ноб аро.	5б	19	–	–	–
12	–	20	Кирса ул гул хирмани ағёр ила гулзор аро, Мен ҳамоно толпинурмен хирман эткан хор аро.	5б-6а	–	19	–	–
13	17	–	Вахки расво мен яна девона у оқил аро, Бул ажаб ҳолим эрур афсона ҳар маҳфил аро	6а	–	–	19	–
14	–	22	Соқиё, нақди ҳаётим жавҳаридур жом аро Ким, эрур жом ичра май, аксинг майи гулфом аро.	6а-б	–	–	–	19
15	34	–	То сенингдек қотили хунхорае бордур манга, Биллаҳ, ар ўлмакдин ўзга чорае бордур манга?!	6б-7а	–	–	13	–
16	37	–	Менмудурменким сенинг васлинг муяссардур манга, Бахти гумраҳдин қачон бу қисса бовардур манга	7а	15	–	–	–
17	33	–	Лабларингдин гарчи қон ютмоқ дамо-дамдур манга, Гар даме жоми висолинг йиқса, не ғамдур манга?!	7аб	–	–	12	–
18	36	–	Шаҳр бир ой фурқатидин байтул-аҳзандур манга, Бир гули раъно ғамидин боғ зиндондур манга.	7б-8а	14	–	–	–
19	29	–	Жавру зулмунг гарчи ўлмаклик нишонидур манга, Чунки сендиндур ҳаёти жовидонидур манга.	8а	–	–	15	–
20	31	–	Ваҳки ишқинг зоҳир этсам ваҳм эрур ўлмак манга, Гар ниҳон тутсам дағи жон хавфидур бешак манга.	8а-б	11	–	–	–
21	30	–	Ул малоҳат ганжи ҳажрида бузуғ маскан манга, Уйладурким, жондин айру юз яралиғ тан манга.	8б-9а	13	–	–	–
22	23	–	Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анга, Ишқидин олам менга ҳайрону мен ҳайрон анга.	9а	9	–	–	–
23	–	29	Ул парийпайкарки, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга Кимки, ҳайрони эмас, мен телбамен ҳайрон анга.	9а-б	–	9	–	–
24	24	–	Синса кўнглумда ўкунг суртуб исиғ қондин анга, Не масаллик чирмағаймен риштайи жондин анга.	9а	10	–	–	–
25	–	17	Тифллар тошики, жисмим қилди сартосар қаро, Бўлди савдоға саводи аъзам андин ҳар қаро.	10а	–	30	–	–
26	49	–	Кўнглум ўртансун агар ғайрингға парво айласа, Ҳар кўнгул ҳамким сенинг шавқунгни пайдо айласа.	10а	23	–	–	–
27	50	–	Қосидеким ёрдин бир сўз ривоят айласа, Истарам сўрған сойи боштин ҳикоят айласа.	10а-б	–	23	–	–
28	43	–	Ер тутар кўнглумда гардундин жудо бўлған бало, Жондадур девона кўнглумдин хато бўлған бало.	10б-11а	29	–	–	–
29	47	–	Ёр дардим сўрмайин кўнглумни маҳзун қилдило, Жоним ошубини кам қилмоқдин афзун қилдило.	11а-б	–	–	–	31
30	12	–	Ҳам рамад теккан кўзунгга чашми беморим фидо, Ҳам учуқ чиққан лабингға жони афгорим фидо.	11б	31	–	–	–
31	–	41	Дарди ҳажримға ул икки лаъли хандондур даво Ким, ўлар Исо дамию оби ҳайвондур даво.	11б-12а	–	–	33	–
32	41	–	Кимса ҳаргиз кўрмади чун аҳли даврондин вафо, Улки даврон офатидур, не тамаъ андин вафо.	12а	–	–	–	38
33	–	7	Ҳар жафо қилсанг тўзармен, қилмасанг дағи вафо, Ўзгаларга не вафо қилсанг тўзармен, не жафо.	12б	–	33	–	–
34	44	–	Оразу холингни бирдам кўрмасам, эй дилрабо, Уйладурменким, кўрунмас кўзума оқу қоро.	12б-13а	–	–	–	36
35	46	–	Зор жисмимға ҳадангинг заҳмидин ортар наво Создекким, тешсалар ани фузун айлар садо.	13а	37	–	–	–
36	48	–	Сариғ оғриғ бўлдум, эй соқий, хазони ҳажр аро, Қони асфар майки, бор ҳар қатраси бир каҳрабо.	13а-б	–	–	–	37
37	54	–	Сочса анжумдин фалак бошингға юз минг дурри ноб, Жолаи ғам, билки, ёғдурғай бир офатлиғ саҳоб.	13б-14а	–	–	–	40

38	55	–	Икки ўтлуғ наргисингким, қилдилар бағрим кабоб Биридур айни хумор ичинда, бири масти хоб.	14а	41	–	–	–
39	–	59	Топмиш ул юз қатра-қатра хўйдин ўзга обу тоб, Қайда, ваҳ-ваҳ, мунча кавкаб зоҳир айлар офтоб.	14а-б	–	41	–	–
40	57	–	Етти ҳажр аёми, қатлимға недур ҳар дам итоб, Мен худ ўлгумдур яқин, эй умр, кўп қилма шитоб.	14б-15а	–	42	–	–
41	60	–	Чобукеким, ҳар тараф майдон аро айлар шитоб, Барқи ломиъдур саманди гарди андоқким саҳоб	15а	43	–	–	–
42	–	57	Ёр гулгун тўн енгинму юзга айлабтур ҳижоб, Ё ёшурмиштур қуёш рухсорини гулгун саҳоб.	15а-б	–	–	41	–
43	65	–	Сен лабинг сўрған сойи мен қон ютармен, эй ҳабиб, Сен май ичқилким, манга хуни жигар бўлмиш насиб.	15б	49	–	–	–
44	–	179	Ошкоро юз туган гарчи тани зоримда бор, Онча юз доғи ниҳоний жони беморимда бор.	16а	–	151	–	–
45	–	177	Куфрдин зуннорлар гар турраси тобинда бор, Кирпигидин доғи сафлар қоши меҳробинда бор.	16а-б	–	150	–	–
46	226	–	Оразинг кўзгусида хат сабзадурким, суда бор, Ё магар зангор су таъсиридин кўзгуда бор.	16б	197	–	–	–
47	183	–	Қайси бир кўкнинг юзингдек меҳри олам тоби бор?! Қайси гулшаннинг жамолингдек гули сероби бор?!	16б-17а	190	–	–	–
48	–	173	Ҳар кишиким, бир сўз ул бадмеҳрдин тақрири бор, Ҳолатимнинг токим ул тақрир этар тағъйири бор.	17а	–	–	–	183
49	190	–	Улки юз мендек жаҳонда волаву шайдоси бор, Нечаким бордур ниёзим, анинг истиғноси бор.	17 а-б	191	–	–	–
50	–	169	Кофиреким, сен киби рухсори оташноки бор, Ўт солурдин кишвари ислом аро не боки бор.	17б	–	–	182	–
51	204	–	Борди улким, сендин айрилғай кўнгул то жони бор, Жаврунга қўйдум кўнгул, қил ончаким, имкони бор.	18а	–	–	193	–
52	177	–	Улки, онсиз хаста кўнглумнунг юз оҳу войи бор, Ҳажридин юз минг менингдек ўлса, не парвойи бор.	18а-б	184	–	–	–
53	151	–	Ваҳки, майдон азмиға секретти ул чобуксувор, Кимдурурким, асрағай эмди инони ихтиёр.	18б	163	–	–	–
54	12	–	Чиқти ов азмиға жавлон айлаб ул чобуксувор, Жон нисор ул сайд учунким, жон анга қилғай нисор	18б-19а	172	–	–	–
55	139	–	Кирди сиймобий либос ичра яна ул гулъузор, Ул қуёшдекким, анга мониъ бўлур абри баҳор.	19а	151	–	–	–
56	–	161	Васлидин чун мултафит кўпроқ бўлур фурқатда ёр, Тарки васл айлаб қилинг, аҳбоб, фурқат ихтиёр,	19б	–	–	–	137
57	178	–	Вой, юз минг войким, тарки муҳаббат қилди ёр, Билмайин қолдим мену қилмай хабар айрилди ёр.	19б-20а	185	–	–	–
58	143	–	Ғунчайи хандон била ҳуснунг гули ҳуррам баҳор, Хаттинг андоқ сабзаким, бўлғай анга ҳамдам баҳор.	20а	155	–	–	–
59	–	226	Ҳажр аро қолмишмен, соқий, лаболаб жом бер, Дам-бадам шуъламға су қуймоқ била ором бер.	20а	–	–	–	172
60	201	–	Майдин айру гул эмас гўйё эрур гулгун ҳарир Ким, кесиб гул ҳайъати бирла сепиптурлар абир.	20б	193	–	–	–
61	142	–	То хаёлинг гаҳ кўнгул, гаҳ кўз аро меҳмон эрур, Кўз била кўнглум аросида ҳасаддин қон эрур.	21а	154	–	–	–
62	158	–	Ҳар лабинг ўлганни тиргузмакда, жоно, жон эрур, Бу жиҳатдин бир-бириси бирла жоножон эрур.	21а-б	168	–	–	–
63	–	242	Белию оғзи кўрар-кўрмасда чун пинҳон эрур, Бас муни қучмоқ, ани ўпмак қачон имкон эрур?	21б	–	–	–	165
64	–	243	Кўнглума ҳажрингда жаннат гулшани зиндон эрур, Кўзума сенсиз гулафшон боғ хорафшон эрур.	21б-22а	–	179	–	–
65	130	–	То лабинг шавқида жисмим ғарқайи хуноб эрур, Ҳар жунун тошик тегди анга лаъли ноб эрур.	22а	140	–	–	–
66	206	–	Соқиё, дай шиддатидин ақлу ҳис бетоб эрур, Чораси жоми билурин ичра лаъли ноб эрур.	22б	194	–	–	–

67	126	–	Эл тилидин жонима гар юз бало мавжуд эрур, Ғам еман, гар ул қизил тил тийғи хунолуд эрур.	22б-23а	136	–	–	–
68	227	–	Оразинг ҳуснин фузун қилған ҳилолий қош эрур, Ёхуд ул ой шамъини ёрутқали минқош эрур.	23а	–	197	–	–
69	199	–	Кундуз ул хуршиди рахшондин кўзумда ёш эрур, Кеча ҳолим зулфи савдоси била чирмаш эрур.	23аб	148	–	–	–
70	127	–	Йиғласам кўнглумга ишим оҳи дардолуд эрур, Ўтқаким ёғмур ёғар анинг нишони дуд эрур.	23б-24а	137	–	–	–
71	128	–	Улки юз меҳнатқа жоним ишқидин помол эрур, Анга раҳму манга тоқат йўқ, ажойиб ҳол эрур.	24а	138	–	–	–
72	214	–	Оразинг хуршиду оғзинг заррадин тимсол эрур, Зарра узра нуқта янглиғ оғзинг узра хол эрур.	24а-б	195	–	–	–
73	129	–	Йўқ ажаб, лаълингдин ар бехудлуғум ойин эрур, Чунки усрукрак бўлур ҳар майки, лабширин эрур.	24б	139	–	–	–
74	198	–	Лолагун тўн ичра, ё раб, ул ғазоли Чин эрур Ё кўзумнинг мардуми қон ёш ила рангин эрур.	25а	–	–	192	–
75	213	–	Савсани тўн бирла ул қад савсани озод эрур, Ё бинафша баргидин зеб айлаган шамшод эрур.	25а-б	–	–	–	194
76	131	–	Ул парий кўнгли учун руҳум асиру зор эрур, Булъажаб тоши қанотсиз қушқа бадрафтор эрур.	25б	141	–	–	–
77	179	–	Ҳар қаён боқсам кўзумга ул қуёшдин нур эрур, Ҳар сари қилсам назар, ул ой манга манзур эрур.	25б-26а	186	–	–	–
78	203	–	Маркаб эрмаским сабо майдонда гардангиз эрур, Рокиб эрмас, барги гулдурким, сабодин тез эрур.	26а-б	–	193	–	–
79	157	–	Нуқтайи холингки кўздин доимо маъдум эрур, Нуқтайи хол эрмас улким, нуқтайи мавҳум эрур.	26а	167	–	–	–
80	138	–	Юз туман меҳнат ўқи андуҳлуғ жонимдадур, То ҳаводин сарзаниш сарви хиромонимдадур.	26б-27а	150	–	–	–
81	211	–	Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур, Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.	27а	–	–	194	–
82	181	–	Ул малаксиймо парийким, халқ анинг ҳайронидур, Жонлар ошуби вале ошуфта жонлар жонидур.	27б	188	–	–	–
83	–	168	Икки гул вақти доғи икки қуёш давронидур Ким, кўнгулда ул ики ораз ғами ҳижронидур.	27б-28а	–	–	184	–
84	141	–	Ул малоҳат шамъидин мундоғки жисмим ёнадур, Ҳар бир учқун ғам шабистонида бир парвонадур.	28а	153	–	–	–
85	212	–	Шамъ ул ой ҳажрида ҳар тун куймагим огоҳидур, Дуди эрмаским менинг ҳолимға ўтлуқ оҳидур.	28а	–	**158**	–	–
86	197	–	Донайи ашкимки, ёғмоғлиғ била афсонадур, Тухми меҳрин экмак учун ҳам ёғин ҳам донадур.	28б	–	192	–	–
87	–	199	Қилғали азми сафар улким манга дилхоҳдур, Ваҳки ўз ҳолимдин эрмасмен, худо огоҳдур.	28б-29а	–	155	–	–
88	154	–	Бармоғи ҳайрат билаким лаъли хандон ичрадур, Ул алиф янглиғдурурким, филмасал жон ичрадур.	29а	165	–	–	–
89	–	200	Ложувардий қошинг узра зарварақ тобонмудур? Ё магар кўк тоқи узра анжуми рахшонмудур?	29б	–	161	–	–
90	225	–	Сочбоғингдин чиққан, оё, сунбули пурчинмудур, Ё терисин солған икки афъийи мушкинмудур.	29б-30а	–	–	–	196
91	191	–	Жонда ишқинг бўлғуси, то танда жон бўлғусидур. Танда жондек жон аро ишқинг ниҳон бўлғусидур.	30а	–	191	–	–
92	146	–	Оллим ул ой саждасидин реш эрур ҳолим будур, Тоати мақбулум улдур, дағи иқболим будур.	30а-б	158	–	–	–
93	220	–	Оразинг кўзгусиму тер касратидин судадур Ёхуд ул ораз суйининг аксиму кўзгудадур?	30б	196	–	–	–
94	224	–	Дуд янглиғ дема, кўнглум оҳи дардолудидур Ким, кўнгул узра туган қўйған фатилам дудидур.	31а	–	163	–	–
95	156	–	Қатлима тиғ ўлғаликим чарх иши озордур, Мавжи ашким аксидин пўлоди жавҳардордур.	31а-б	–	–	–	180

96	124	–	Кема оғзи демаким, ишқингда кўксум чокидур, Баҳр мавжи йўққи, ашким сайлининг кўлокидур.	31б	134	–	–	–
97	152	–	Ваҳй нозил бўлди ёхуд ёрнинг пайғомидур Ким, ғамим таскини ғамгин хотирим оромидур.	31б-32а	164			
98	–	211	Ул қуёшдин айру ўртанган ичимда қайғудур, Кўнгул ичра су киби қон кўз аро қондек судур.	32а	–	162	–	–
99	195	–	Холи ҳижронида кўнглум дарди беандозадур, Доғдин борғач қаро ташвиши анинг тозадур.	32а-б	–	–	191	–
100	–	171	Сарвдин гул бутмаса, қад узра рухсори недур? Жон агар ширин эмас — лаъли шакар бори недур?	32б	–	–	186	–
101	208	–	Хаста кўнглум ўртанур, гўё севар жоним борур, Йиғлағум келур, магар гулбарги хандоним борур.	33а	–	–	–	193
102	–	185	Хаста кўнглум азм этар ул сариким, жонон борур, Дам-бадам жон ҳам чиқар, гўё бу ҳам ул ён борур.	33а-б	–	–	–	187
103	134	–	Жоним ороми учун қосидки жонондин келур, Гўйи жонпарвар насиме оби ҳайвондин келур.	33б	144	–	–	–
104	–	236	Кеча ҳар кавкаб кўрунгач, ёдима ойим келур, Ой чу толеъ бўлди – меҳри оламоройим келур.	33б-34а	–	–	174	–
105	150	–	Кўк ғазоли чунки кофур узра мушкафшон бўлур, Кавкабафшон кўзларимдин ул қуёш пинҳон бўлур.	34 а-б	162	–	–	–
106	144	–	Ваҳки, кўнглум ғуссаси ҳар лаҳза қасди жон қилур, Ҳажрим андуҳи бузуғ сабрим уйин вайрон қилур.	34б	156	–	–	–
107	215	–	Менда бир ўтдурки, гар дам урсам афлок ўртанур, Асрасам кўнглумда жону жисми ғамнок ўртанур.	34б-35а	–	195	–	–
108	–	235	Кўнглум ўтин зоҳир этсам, барча олам ўртанур, Шуъласин гар тортсам, тўққуз фалак ҳам ўртанур.	35а	–	–	165	–
109	165	–	Телба кўнглум, ваҳки, ҳар соат биров сари борур, Манъ қилдим эрса, бағрим оғриғудек ёлборур.	35б	174	–	–	–
110	147	–	Тиргузур ҳар дам рақибларнию мени ўлтурур, Ўт ёқиб эл жониға менинг ичимни куйдурур.	35б-36а	159	–	–	–
111	235	–	Тиргузур юз хастани бир ноз ила ул дилнавоз, Чун етар мен хастаға навбат, қилур юз навъ ноз.	36а	201	–	–	–
112	246	–	Бўлмаса ул бут қоши меҳробим ичра жилвасоз, Киблаға, кофирмен, ар бош индуруб қилсам намоз.	36а-б	212	–	–	–
113	–	223	Эй сабо, шарҳ айла аввал дилситонимдин хабар, Сўнгра дегил кўнгул отлиғ нотавонимдин хабар.	36б	179	–	–	–
114	–	224	Қосидеким еткурур кўнглумга жонондин хабар, Уйладурким бергай ўлган жисмға жондин хабар.	36б-37а	–	175	–	–
115	255	–	Жилваму қилди сариғ бўркин кийиб ул сарвиноз, Ёки чекти шуъла ахзар жисм ила шамъи тироз.	37а	213	–	–	–
116	–	250	Сарв янглиғ жилва қилсанг ноз ила, эй сарвиноз, Жонлар эткайлар аёғингға фидо аҳли ниёз.	37а-б	–	200	–	–
117	240	–	Ўзга бўлди ёру меҳри менда боқийдур ҳануз, Нотавон кўнглумда ул ой иштиёқидур ҳануз.	37б	205	–	–	–
118	243	–	Хуррам ўлди боғу бир гулдин ичимда ғам ҳануз, Қулди ҳар ён ғунчаву кўнглум иши мотам ҳануз.	38а	206	–	–	–
119	249	–	Сайл ун чектию савдо менда бепоён ҳануз, Дашт сарсабз ўлдию мен телба саргардон ҳануз.	38а-б	207	–	–	–
120	244	–	Бўлди шому жонға ул ой ҳажридин қайғу ҳануз, Етти субҳу кўзларимга кирмамиш уйқу ҳануз.	38б	–	219	–	–
121	245	–	Ҳар неча кўнглумни чок этсанг қилур ишқинг ситез Ул сифатким, ўтни ёрган сойи бўлур шуъла тез.	38б-38а	210	–	–	–
122	–	251	Шаҳсуворим тавсани айларму оё пўя тез, Ё қуёш тарки фалак рахшин қилиптур гармхез.	39а	–	201	–	–
123	–	265	Кўнглум олди ёр, чун юзига боқиб турди кўз, Ваҳки, олдурди кўнгул, ҳар кимсаким олдурди кўз.	39б	–	–	–	218
124	254	–	Ёрдин айрилғали шайдо кўнгул бехоб кўз, Ҳар замон зоҳир қилур савдо кўнгул, хуноб кўз.	39б-40а	216	–	–	–

125	–	271	Анга хўйдин тоза бўлмиш оби ҳайвон бирла юз, Ҳажридин оғушта бизлар ашки ғалтон бирла юз.	40а	–	–	–	220
126	250	–	Ул парий кўйида мен девонани банд айлангиз, Банд-бандим зулфи занжириға пайванд айлангиз.	40а-б	221	–	–	–
127	–	216	Нозанинлар, бенаволарға тараҳҳум айлангиз, Лутф агар йўқтур, ғазаб бирла такаллум айлангиз.	40б	–	–	217	–
128	–	262	Рози эрмасмен, кўнгул чокини пайванд этсангиз, Қолғанин ҳам кошки парканд-парканд этсангиз.	41а	–	–	–	217
129	251	–	Туфроғимдин кошки жисме мураттаб қилсангиз, Бир ит ўлса кўйида руҳиға қолаб қилсангиз.	41а-б	214	–	–	–
130	–	266	Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз, Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.	41б	–	213	–	–
131	–	263	Дўстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз, Меҳри гардун бўлсалар кўз нуридин ёрутмангиз.	41б-42б	–	212	–	–
132	–	260	Эй шикибу сабр, бир кун худ манга ёр эрдингиз, Ёрлиғ ҳам бўлмаса теграмда худ бор эрдингаз.	42а	–	217	–	–
133	239	–	Навбаҳор айёми бўлмиш, мен диёру ёрсиз, Булбул ўлғандек хазон фасли гулу гулзорсиз.	42а-б	204	–	–	–
134	247	–	Меҳнат ўтидин ёруқдур ҳар тараф кошонамиз, Бўлди гўё аждаҳо коми бизинг вайронамиз.	42б-43а	211	–	–	–
135	–	270	Эй муғанний, чун ниҳон розим билурсен – соз туз, Тортибон мунглуғ наво созинг била, овоз туз.	43а	–	–	220	–
136	256	–	Ғам юки қилмайдурур ёлғуз мени маҳзунни кўж. Ҳам бу юк қилмиш эди Фарҳод ила Мажнунни кўж.	43а-б	222	–	–	–
137	–	283	Жонға лаълингдин бир ўпмакдур қиёсан илтимос, Лаълинга ҳам жонни куйд88урмоқ алоҳозал-қиёс.	43б	–	230	–	–
138	257	–	Даҳр судидин тамаъ узким, зиёне беш эмас, Умрни тутқил ғаниматким, замоне беш эмас.	43б-44а	223	–	–	–
139	270	–	Чок бўлған кўнглума қилмоқ илож осон эмас, Ғунчаким, очилди, буткармак ани имкон эмас.	44а-б	234	–	–	–
140	–	290	Чок этиб кўнглумни очилсун демак осон эмас, Ғунчани амдон очиб, гул айламак осон эмас.	44б	239	–	–	–
141	267	–	Дам-бадам лаълинг хаёлидин ичим қонму эмас, Қатра-қатра кўз йўлидин юзга ғалтонму эмас?!	44б-45а	233	–	–	–
142	262	–	Сунбулин Лайло очиптур, ел абиросо эмас, Доғини Мажнун қонатмиш, лолайи ҳамро эмас.	45а	228	–	–	–
143	–	289	Зулфидур кўнглумда ҳар дам, оҳ чекмак суд эмас Ким, ҳавоға мушку анбар гарди бутрар, дуд эмас.	45б	–	–	–	238
144	–	284	Тонг эмас гар чин юзинда қаҳрдин мавжуд эмас, Кўзгунинг чунким кўрунмак жавҳари маъҳуд эмас.	45б-46а	–	235	–	–
145	268	–	Зулфидин айру жунунумға десам тадбир эмас, Телба итка чора дерким, қатл эрур занжир эмас.	46а	232	–	–	–
146	–	288	Ишқ аро эйким, фироқ ўтиға куйдунг, ғам эмас, Шукр қил ёринг агар ағёр ила ҳамдам эмас. **	46а-б	–	–	–	–
147	–	292	Ҳар неча куйсам ул ой меҳримни пайдо айламас, Айласа ҳам ўлсам ани ошкоро айламас,	46б	–	239	–	–
148	265	–	Оҳ ўқин жон ичра асраб, кўнглум изҳор айламас, Йўқса бир дам бормуким, юз жонни афгор айламас.	47а	231	–	–	–
149	258	–	Не ажаб гар нуқл тухми ғам қушин ром айламас, Маст чун бир дам овуч қоқмоқдин ором айламас.	47а-б	224	–	–	–
150	264	–	Бул недур кўз гар хаёлинг хайлиға манзил эмас, Ҳар қаро бир ўт ери давринда кирпик хору хас.	47б	230	–	–	–
151	275	–	Жуд эмас кўп базл учун кўп мол қилмағлиғ ҳавас, Ким берур кўптин кўп, оздин оз ани бил жуду бас.	47б	–	223	–	–
152	303	–	Жонға зулфунг тобидин ул лаъли хандондур ғараз, Хизрға зулмат тилардин оби ҳайвондур ғараз.	48а	278	–	–	–
153	–	347	Оразингдур офтоби оламородин ғараз, Жонфизо нутқунгдур анфоси Масиҳодин ғараз.	48а	–	278	–	–

154	304	–	Эй сабо, жоним ҳалокин айла жононимға арз, Йўққи жисми нотавон аҳволин эт жонимға арз.	48а-б	279	–	–	–
155	–	346	Истасам бўсе лабидин, жон тилар жонон эваз, Кўнгли бирла деса жонон оздурур юз жон эваз.	48б	–	277	–	–
156	–	351	Қилди ботил мехрдин ҳар неча қилди ёр шарт, Шарт кўп бузди нединким айлади бисёр шарт.	49а	–	281	–	–
157	305	–	Нафс куттоъ-ут-тариқи манзилидур бу работ, Нақди дин ҳифзиға қил ўткунча андин эҳтиёт.	49а-б	280	–	–	–
158	306	–	Юзда холингдурму ё таҳрир этар ҳолатда хат, Томди қудрат килкидин кун сафҳасиға бир нуқат.	49б	281	–	–	–
159	–	353	Холларининг нуқтасидин топти зеб ул турфа хат, Гарчи хат узра бўлур бир нуқтаву бўлмас нуқат.	49б	–	283	–	–
160	314	–	Васл шоми хилватимда ёқсалар ногоҳ шамъ, Рашкдин жонимни гоҳе соя ўртар, гоҳе шамъ.	50а	293	–	–	–
161	–	365	Ул қуёштин топти бу ақшом бизинг кошона шамъ, Қилмасун бу уйни дудидин қоронғу ёна шамъ.	50а	–	–	293	–
162	–	367	Истамассен хотири ушшоқи ҳайронингни жамъ, Йўқса невчун қилмадинг зулфи паришонингни жамъ.	50а-б	–	–	294	–
163	309	–	Истасангким урғасен оламға тийғи инқитоъ, Ул видоъ эткунча сен қилғил бурунроғ алвидоъ.	50б-51а	288	–	–	–
164	310	–	Жисми васлин қилдим ул зулфи сумансодин тамаъ, Ул киши янглиғки, қилғай сийм савдодин тамаъ.	51а	289	–	–	–
165	–	366	Кўргумен ранжу хумор айлаб майи аҳмар тамаъ, Ул кишидекким, қозар тоғ айлабон гавҳар тамаъ.	51а-б	–	294	–	–
166	–	362	Лабларингдин ҳар замон жонни тилармен мунтафиъ Мунқатиъ бўлмай нафас, бўлмас умидим мунқатиъ.	51б	–	291	–	–
167	320	–	Ул суманбар қаддининг сарвиға кўнглум бўлди боғ, Оташин гуллар анга ҳар янгғи қонлиғ тоза доғ.	51б-52а	298	–	–	–
168	321	–	Ўртанурмен кечалар ҳажрингда андоқким чароғ, Равшан айла ришта жисмимдур, кўнгул ўт, ашк ёғ.	52а-б	299	–	–	–
169	–	369	Гарчи йўқтур лолазори ашкима пайдо қироғ, Дудаи оҳим била қўймоқ бўлур бориға доғ.	82б	–	296	–	–
170	–	370	Оҳ ўти бирла юзунг ҳажрида қилсам гашти боғ, Лола янглиғ ўртагай бир-бир шарар гулларга доғ	52б-53а	–	298	–	–
171	–	374	Ончаким ул ғамза сурди кўргузуб бедод тиғ, Сурмас элга қатли ом ўлғанда юз жаллод тиғ.	53а	–	301	–	–
172	324	–	Лолагун бўлмиш сурарда қатлима дилдор тийғ, Ё бало тоғидин этмиш лолазор изҳор тийғ.	53б	302	–	–	–
173	317	–	Мехрсизликдин фалак эл қатлин айлар бедариғ, Йўқса невчун дафн этар ҳар кун қуёштин ерга тийғ.	53б-54а	295		–	–
174	322	–	Гарчи мен ҳажрингдин ўлдум тортибон кўп зорлиғ Сен ҳаётингдин топ, эй бадмеҳр, бархўрдорлиғ.	54а	300	–	–	–
175	319	–	Соқиё, ҳажр илгидин кўп тортадурмен зорлиғ, Май кетурким, маслаҳат эрмас манга ҳушёрлиғ.	54а-б	297	–	–	–
176	323	–	Неча, эй ороми жон, ҳажрингда беоромлиғ, Дўстлуғ кўргузки, ҳаддин ошти душманкомлиғ.	54б	301	–	–	–
177	–	373	Заҳри ҳижронинг чу айшим жомини қилди очиғ, Нўши васлинг элга *етканда* манга йўқтур осиғ.	55а	–	–	–	300
178	327	–	Яшурун ғамзанг қиличиким қилур кўксум шикоф, Буки, махфийдур, анга гўё қошинг бўлмиш ғилоф.	55а	305	–	–	–
179	–	377	Тоғ ошиқлиқ юкидин хам бўлурға йўқ хилоф, Кўрки, не навъ ўлди хам чун қолди ишқ остида Қоф.	55б	–	303	–	–
180	–	378	Ғамзадин кўп тиғ урдунг айлабон кўксум шигоф, Найча янглиғ тиғ учун гўёки қилдинг бир ғилоф.	55б-56а	–	304	–	–
181	–	380	Бода хуштур гар ҳарифим бўлса бир ёри зариф, Май ҳарифи гар зариф эрмас, анга эрман ҳариф.	56а	307	–	–	–
182	325	–	Кечти умрум нақди ғафлат бирла нодонлиғда ҳайф, Қолғани сарф ўлди андуҳу пушаймонлиғда ҳайф.	56а-б	303	–	–	–

183	–	386	Гар танимда зоҳир ўлмиш доғи ҳижрон ҳар тараф, Жонда ҳуд юз онча бордур доғи пинҳон ҳар тараф.	56б-57а	–	–	308	–
184	328	–	Кўргузур ҳижрон ҳуруфи нуқтасин жон ҳар тараф, Сенсизин яъники қўймиш дағи ҳижрон ҳар тараф.	57а	306	–	–	–
185	–	385	Тонг йўқ, урмоқ юз бу саргардону маҳзун ҳар тараф. Не ажаб, урса қуюндек пўя Мажнун ҳар тараф.	57б	–	308	–	–
186	–	379	Оразинг хуршиди келди ахтари буржи шараф, Даврида хат шоми мушкосо юз урмиш ҳар тараф.	57б-58а	–	305	–	–
187	–	381	Новакинг токим эрур куйган кўнгулда муътакиф, Ўртаган ё сабт қилған доғ аро бўлмиш алиф.	58а	–	307	–	–
188	326	–	Зор жисмимда қиличинг захми ҳар ён мухталиф, Ҳар биридур сарф қаддинг ҳасратидан бир алиф.	58а-б	304	–	–	–
189	–	395	То мени меҳнат тунига мубтало қилди фироқ, Рўзгоримни саводидин қоро қилди фироқ.	58б	–	–	–	317
190	337	–	Қон ёшим сариғ юз узра ошкор этти фироқ, Заъфарон зоримни ғамдин лолазор этти фироқ.	58б-59а	315	–	–	–
191	336	–	Вах, неча жисмимни ғамдин нотавон эткай фироқ, Нотавон жисмимға ҳар дам қасди жон эткай фироқ.	59а-б	314	–	–	–
192	–	393	Санга не ғам мен киби мажнуни шайдодин йироқ, Иш мангадур сен париваш ҳур сиймодин йироқ.	59б	–	317	–	–
193	–	396	Ҳажр аро раҳминг киби бўлмас манга кам иштиёқ, Балки ҳуснунгдин бўлур афзун дамо-дам иштиёқ.	59б-60а	–	318	–	–
194	–	398	Эй, каломи жон физойинг лаъли жондин яхшироқ, Лаъли жонбахшинг ҳаёти жовидондин яхшироқ.	60а	–	–	–	318
195	–	399	Ашкдин бўлди қорарған кулбаи вайронам оқ, Кулбаи вайрон демайким, дидаи гирёним оқ.	60б	–	319	–	–
196	341	–	Чиқса жоним, айб қилма, жисми беморимға боқ, Куйса жоним, ҳайрат этма, нолайи зоримға боқ.	60б-61а	318	–	–	–
197	330	–	Чарх дард аҳлиға ҳар дам ёғдурур гарди фироқ, Ўт равонроққким, хатарликдур, басе, бу эски тоқ.	61а	–	–	309	–
198	340	–	Ёр чун истарки, бўлғаймен мудом андин йироқ, Ул жиҳатдин барча васл истар, мени маҳзун фироқ.	61а-б	317	–	–	–
199	–	405	Кимки, васли ичра ёқсанг шамъи улфат, эй рафиқ, Кўз тут ул шамъ ўтидин-ўқ доғи фурқат, эй рафиқ.	61б-62а	321	–	–	–
200	332	–	Бўлмас эрмиш дилраболар аҳди маҳкам, эй рафиқ, Гар киши дерким, бўлур, тутма мусаллам, эй рафиқ!	62а	311	–	–	–
201	–	392	Ашкдин жисмим биносин қўймади обод ишқ, Оҳдин берди вужудим туфроғин барбод ишқ.	62а-б	–	–	–	316
202	335	–	Оҳким, ғам тийғидин кўксумни қилди чок ишқ, Дуди оҳимдин кўзумни айлади намнок ишқ.	62б	313	–	–	–
203	354	–	Оразинг субҳидин эл айшини жовид айладинг, Субҳи васлингдин менинг шомимни навмид айладинг	63а	347	–	–	–
204	403	–	Ғам тошин жисмимда пайконинг била банд айладинг, Ул самарни бу йиғочқа баргпайванд айладинг.	63а	361	–	–	–
205	404	–	Эй муғанний, ёр базмида наво соз айласанг, Жон фидонг ўлсун ғамим шарҳидин оғоз айласанг.	63а-б	–	361	–	–
206	353	–	Мутрибо, ғам базмида то навҳа оҳанг айладинг, Заъфлиғ жисмимни тору қоматим чанг айладинг.	63б	346	–	–	–
207	395	–	Донаи ҳолинг била кўнглум қушин ром айладинг, Гарди яздий меъжарингдин қасдиға дом айладинг.	64а	–	360	–	–
208	–	448	Ё қошингға қатл учун зийнат фаровон айладинг Ким, ҳам эттинг ложуварди, ҳам зарафшон айладинг.	64а-б	–	–	–	347
209	–	450	Нил тортиб, оразинг оройишин фан айладинг, Шуълаи кўкурд бирла шамъ равшан айладинг.	64б	–	–	348	–
210	380	–	Ҳажрдин кўзумга оламни қоронғу айладинг, Умрдин кўз юмғаним ул тунда уйқу айладинг.	64б-65а	–	–	347	–
211	–	468	Гаҳки, ўтлуқ чеҳра очиб хонумоним ўртадинг, Оташин лаълингдин айтиб нукта жоним ўртадинг.	65а	–	354	–	–

212	–	459	Шоми ҳажрим кўрдунг, аммо зулм таркин тутмадинг, Ваъдаи шамъи висол эттинг, вале ёрутмадинг.	65а-б	–	–	–	353
213	–	444	Қайси андуҳ ўтиким, куйган танимға урмадинг, Не бало тошики, синған бошима ёғдурмадинг.	65б	–	–	–	346
214	451	–	Бўлмиш андоқ мунқатиъ аҳли замондин улфатим Ким, ўзум бирла чиқишмас ҳам замоне суҳбатим.	66а	393	–	–	–
215	452	–	Ул парий наззорасиға, ваҳки, йўқтур тоқатим Ким, қачон қилсам назар девона айлар ҳайратим.	66а	394	–	–	–
216	466	–	Айни заъфимдин қўлум чун қўлдадинг, эй дилбарим, Қўйма илгимники, қўрқармен тўкулгай пайкарим.	66б	402	–	–	–
217	–	509	Васлинг истаб ўқдек эткай эрди суръат пайкарим, Найлайинким, ҳажр ўқи пайконларидур лангарим.	66б-67а	–	–	–	409
218	–	511	Фурқати заъфида қон ёш ичра ётмиш пайкарим, Гулузоримдек қизил атластин ўлмиш бистарим.	67а	–	–	410	–
219	491	–	Ер юзини тутти ашким, кўкка етти нолишим, Юқори тенгрию қуйи сендин ўзга йўқ кишим.	67а-б	417	–	–	–
220	–	512	Еткач ул қотил, эрур бўғзумда икки бармоғим, Тиғи ўрнин кўргузуб, сургил дебон ёлбормоғим.	67б	–	–	–	410
221	–	506	Ишқ ўтидин танда андоқ саъб ўлубтур куймаким Ким, шарарлар торидин гўё тўқилмиш кўнглаким.	68а	–	–	406	–
222	–	508	Чархдин гар ҳардам эрмас бир азоға куймаким, Нега тиккан сойи чок ўлмоқ керактур кўнглаким.	68а	–	–	–	407
223	458	–	Қилғали юз тил киби кўнглумни чок ул қотилим, Тийғи ишқи лаззатин айлар ҳикоят ҳар тилим.	68б	398	–	–	–
224	456	–	Ҳажр тошининг кўкумтул доғидин куйди таним, Оҳким, кўкурд ўти бирла туташти хирманим.	68б-69а	397	–	–	–
225	–	505	Бўлди равзан-равзан ул қотил хадангидин таним, Ғусса чархи бу танимдур, анжуми ул равзаним.	69а	–	–	–	405
226	478	–	Эй қадинг сарви равон, кўюнг баҳори гулшаним, Меҳнату афғон сенинг ҳажрингда кўрган-билганим.	69а-б	411	–	–	–
227	461	–	Лоладек юзунг хаёлидин тўла қондур кўзум, Балки лола жомидек қон ичра пинҳондур кўзум.	69б	–	399	–	–
228	–	545	То ўюлди ханжари ҳижрон била гирён кўзум, Ул танур ўлдики, зоҳир айлади тўфон кўзум.	70а	–	–	–	433
229	490	–	Онча кавкаб тўкти шоми ғам хаёлингдин кўзум Ким, ёруди оқибат субҳи висолингдин кўзум.	70а-б	416	–	–	–
230	508	–	Ҳажр ила кўрма раво жонимға бепоён ўлум, Тийғ сурким, хуштурур оз оғриғу осон ўлум.	70б	427	–	–	–
231	515	–	Баски қадди ғунчадек эл кўнглин олиб қилди қон, Гулбуни ноз ўлмиш эл кўнглидин ул сарви равон.	70б-71а	442	–	–	–
232	516	–	Ишқида яхши-ёмон бедодидин топман амон Яхши то қилсам назар йўқтур киши мендин ёмон.	71а-б	443	–	–	–
233	519	–	Арғувоний тўнмудурким киймиш ул сарви равон. Ё магар сарв равон қилмиш либосин арғувон.	71б	447	–	–	–
234	600	–	Ҳуққаи лаълингда кўптур хурдаи маъич ниҳон, Ушбу маънидин ани гўёки дерлар хурдадон.	71б-72а	–	505	–	–
235	–	–	Боғладим афғонға бел найдек, сени кўрган замон, Заъфдин қилдинг мени охир бели боғлиқ сомон. *	72а	–	–	442	–
236	–	–	Маҳвашеким чеҳра давринда қирон этмиш аён, Даврнинг маҳвашларида улдурур соҳибқирон. *	72а-б	–	–	443	–
237	–	609	Ўртама кўнглумни комин ҳосил этмастин бурун, Қушни ким бирён этибтур, бисмил этмастин бурун.	72б	–	–	–	479
238	540	–	Фурқатингдин кечалар ўртар мени бахти забун, Гўйиё мен бир ёнар ўтмен, қоронғулуқ тутун.	73а	467	–	–	–
239	–	–	Ончаким Ширину Лайлидин сенинг ҳуснунг фузун, Менда ҳам Фарҳоду Мажнундин фузун ишқу жунун. *	73а-б	–	439	–	–
240	–	–	Еткуруб эрдим фироқинг тунлари гардунға ун, Шукркким, васлинг куни эмди не ул ундур, не тун. *	73б	–	–	–	439

241	–	–	Субҳ чун борғунг, келиб кулбамға пинҳон кечқурун, Ҳажр ўқин жонимға сен отма тонг отмасдин бурун. *	73б-74а	–	–	441	–
242	–	–	Бизга ул ой ҳажридин бир йилчадур ҳар тийра тун, Кундузин англа бу тундин ҳам қоронғу, ҳам узун. *	74а	–	–	439	–
243	517	–	Юзу зулфунгни соғиниб келмишам, эй маҳжабин, Кечани кеча демай, кундузни кундуз демайин.	74а-б	444	–	–	–
244	–	–	Ғунчаи хандон уза холингмудур, эй маҳжабин, Ё магар шаҳд истай ул гулбарг уза қўнмиш чибин. *	74б	–	–	444	–
245	–	628	Ой юзунг устида кўз андоқки, ораз узра айн, Нун била икки қошинг ичра тафовут бину байн.	75а	–	–	–	444
246	511	–	Истарам юз манзил ўткаймен Адам саҳросидин, То замоне тинғамен олам эли ғавғосидин.	75а-б	438	–	–	–
247	–	578	Бир паривашким кўнгул девонадур савдосидин, Гар эрур бандангки озод ўлманг истиғносидин.	75б	–	468	–	–
248	–	571	Ёраб, улким васл шоми ком олур зебосидин, Тийра қилма айши кўзгусини субҳ анфосидин.	75б-76а	–	–	–	466
249	–	–	Демангиз келмиш алам сиҳҳат кетиб, ёр илгидин Ким, манга ҳам юз аламдур ул жафокор илгидин. *	76а	–	–	–	477
250	–	575	Ўтда қил янглиғ танимни ҳажр ўтининг тобидин, Билмасанг фаҳм эт гул узра сунбулунг қуллобидин.	76б	–	459	–	–
251	–	–	Йўқтурур бир дамки ўлмон фурқатинг бедодидин, Оҳ агар жон топмасам ҳар лаҳза васлинг ёдидин. *	76б-77а	–	463	–	–
252	581	–	Гар мени ёд этмас ул ой зулм ила бедодидин, Шукрким, ғофил эмасмен бир дам анинг ёдидин.	77а	–	–	–	465
253	562	–	Ақлу, жону, кўнглум ул ой фурқати озоридин, Бори бир-бирдин малул ўлмишлару мен боридин.	77а-б	–	465	–	–
254	–	562	Менки ҳар соат чекармен юз жафо ағёрдин, Не ажаб гар юз бало ҳар лаҳза кўрсам ёрдин.	77б	–	466	–	–
255	523	–	Ҳар хазон барги эрур зореки даҳр озоридин Сарғариб мендек тушар айру сиҳийқад ёридин.	77б-78а	450	–	–	–
256	–	–	Ваҳ, не хуштур шаҳсуворим келса майдон соридин. Кирпиким бирла оритсам гардни рухсоридин. *	78а-б	–	461	–	–
257	563	–	Ёр пайғоми не осиғ ўзгалар таҳриридин, Жон қачон бергай Масиҳ алфози эл тақриридин.	78б	486	–	–	–
258	–	–	Кўзгу ҳар дам судур ул рухсори оламсўздин, Муз анингдекким эрир меҳри жаҳонафрўздин. *	78б	–	–	466	–
259	–	577	Эй мусулмонлар, фиғон ишқи балоангездин, Оҳу вовайло балолиғ фурқати хунрездин.	79а	–	–	–	467
260	526	–	Тикмишам мажруҳ кўнглум захмини ғам нишидин, Чиқмасун деб ханжаринг завқи кўнгулнинг решидин.	79а	453	–	–	–
261	–	572	Меҳр эмас машъал ёрутқон қалъаи афлокдин Ким, фалакка солди ўт рухсори оташнокдин.	79аб	–	467	–	–
262	–	678	Истарам етсам қуюндек гул узорим қошиға, Оллида туфроғ ўлуб эврулсам анинг бошиға.	80а	–	540	–	–
263	–	703	Новакингнинг тусидин эрмас нишоне бўйниға Ким, эрур қатл айлаган аҳбоб қони бўйниға.	80а-б	–	–	–	547
264	–	721	Қошининг ёйи чекилмиш зулфи чавгониғача, Зулфи чавгони доғи гўйи занахдониғача.	80б	–	555	–	–
265	677	–	Соқиё, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била, Тут ачиғ майким, ичай Мирзо Чучук ёди била.	80б-81а	559	–	–	–
266	646	–	Гар сабодек ҳамдам эрман сарви озодинг била, Бормен, эй гул, қайдаким бўлсам, сенинг ёдинг била,	81а	541	–	–	–
267	668	–	Илгин ул гулранг этибдур лола яфроғи била, Кафларин барги била, тирноғларин доғи била.	81а-б	555	–	–	–
268	641	–	Ваҳки, умрум барча зойиъ бўлди эл коми била, Бодаи ноб ўрнида хуноба ошоми била.	61б 62а	–	548	–	–
269	645	–	Мехрдин дерменки, бўлсам дойим ул ойим била, Найлайинким, чарх эврулмас менинг ройим била.	82б	540	–	–	–

270	649	–	Кўнглум оғзингнинг хаёлидинки тўлмиш ғам била, Нақд уза мумедурурким, нақш эрур хотам била.	82а-б	543	–	–	–
271	–	677	Зулфи янглиғ пайкаримнн чекти печу хам била, Ул сифатким, тортқай аждар биравни дам била.	82б	–	–	–	535
272	678	–	Бўлсам ул қотил шаҳиди ҳасрату ҳирмон била, Бир қилич тортинг мазорим лавҳи узра қон била.	82б-83а	–	559	–	–
273	–	673	Менмудурмен кўз ёшим рангин бағир қони била, Лек бағрим қон биравнинг тиғи ҳижрони била.	82а	–	–	–	534
274	643	–	Лабларингким, ҳайф эрур тенг тутмоқ ани қанд ила, Синдурур юз қанд бозорини шаккарханд ила.	83б	539	–	–	–
275	642	–	Тушти ўт кўнглум уйига оҳи дардолуд ила, Кўзда кирпик дема бу равзан, қорармиш дуд ила.	83б-84а	538	–	–	–
276	–	665	Чиқти пайконинг кўнгулдин оҳи дард олуд ила, Шуъла ўттин айрилиб андоққи чиққай дуд ила.	74а	–	538	–	–
277	–	720	Ул яшил тўнлуқ парийваш лаъли шаккарбор ила, Руҳ тўтисин қилибтур мунфаил гуфтор ила.	74а-б	–	–	–	554
278	–	685	Халқ меҳрига яна, ё раб, мени зор айлама, Айласанг ҳам, меҳри йўқларға гирифтор айлама.	74б	–	–	537	–
279	667	–	Дардини жисмим аро асрай дебон тадбир ила, Тоза доғ эрмас ўқи захмин тутубмен қийр ила.	74б-75а	554	–	–	–
280	601	–	Ёраб, ул юзни даме кўзумга пинҳон айлама, Ё кўзумни андин ўзга юзга ҳайрон айлама.	75а	–	530	–	–
281	–	711	Ҳажр ўти доғи била кўнглумни, эй жон, ўртама, Дўзах ўти бирла куйдур, доғи ҳижрон ўртама.	75б	–	–	–	550
282	663	–	Ваъда айлаб васл жисми нотавоним ўртама, Келмагунгдур, интизор ўтиға жоним ўртама.	75б-76а	–	551	–	–
283	–	691	Ёр ишқим англамай, лаъли сусабтур қонима, Токи маълум этса, келгай не балолар жонима.	88а	–	–	–	543
284	625	–	Ёнида эл кўрсам ўқ санчилмасунму жонима, Менки ғайратдин раво кўрман ани ўз ёнима.	86а-б	525	–	–	–
285	669	–	Эй сабо, ҳолимни арз эт гул рухи таннозима, Эгма қаддимнинг саломин айт сарвинозима.	86б	–	544	–	–
286	676	–	Ваҳки, келтурдунг фироқингдин балолар бошима, Ул балолардинки қочтим, келди алар бошима.	86б-87а	–	552	–	–
287	630	–	Пардаға кирган киби хуршиди рахшон ҳар кеча, Азми хилват айлар ул шамъи шабистон ҳар кеча.	87а	530	–	–	–
288	–	723	Тонгға солма ваъдаи васлингни боре бу кеча Ким, мени ўлтургуси тонг интизори бу кеча.	87б	–	–	555	–
289	653	–	Кўнглума андуҳ елидин ғуборедур яна, Гўйий ани қўзғаган чобуксуворедур яна.	87б-88а	546	–	–	–
290	656	–	Ваҳки, бир бадмеҳр ўқи жонимға паррондур яна, Тиира кўнглум кулбасининг шамъи пайкондур яна.	88а	548	–	–	–
291	634	–	Оҳким, жон бўйниға зулфунг таноб ўлди яна, Кеча тонг отқунча ишим печу тоб ўлди яна.	88а-б	533	–	–	–
292	–	682	Узди мендин дўстлуқ ул шўхи сиймин тан яна, Ончаким мумкиндур, этгил айш, эй душман, яна.	88б	–	–	540	–
293	–	681	Бир кичик ёшлиғ нигоре топмишам нозуккина, Секретурда тавсанин майдон аро чобуккина.	88б-89а	–	–	–	553
294	626	–	Анбари тар истаман юз узра холинг борида, Кам кўрунур янги ой мушкин ҳилолинг борида.	89а	526	–	–	–
295	662	–	Нилдин ҳар бир алиф ул маҳжабин рухсорида, Бир ниҳоли сарв эрур гўё Эрам гулзорида.	89а-б	552	–	–	–
296	38	–	Кўзларида ишқдин су эрди уйқу ўрнида Турфа кўркким ҳажрдин қон бўлди ул су ўрнида.	89б-90а	–	545	–	–
297	–	695	Ёр акси чунки айлар жилва май кўзгусида, Май ичарменким, юзи бўлғай юзум ўтрусида.	90а	–	–	–	544
298	–	661	Тийралик хаттинг саводидин лаби хандон уза Хизр солди соя гўё чашмаи ҳайвон уза.	90а-б	–	–	547	–

299	–	730	Ул жигар парголаси ашкимни гулгун қилдило, Шод этай деб нотавон кўнглумни маҳзун қилдило	90б	573	–	–	–
300	768	–	Гарди яздий миъжар остида қошинг, эй кўркабой, Зор анингдекким кўрунгай гард ичинда янги ой.	90б-91а	630	–	–	–
301	683	–	Жилваму айлар қизил тўн бирла ҳар ён ул парий, Ё магарким лолазор ичра кезар кабки дарий.	91а	576	–	–	–
302	606	–	Хуштурур гулгун қадаҳ давринда гулбарги тари, Хосса байрам аввали бўлғай даги гул охири.	91б	590	–	–	–
303	–	745	Ҳалқаи зулфунг кўнгул чекмасму эрди, эй парий Ким, гажакдин сончтинг қуллоблар ҳам бир сари	91б-92а	–	–	–	579
304	–	748	Юзи давринда қиронму зоҳир этмиш ул пари, Ё қуёш бирла қирон айлабтурур юз Муштари.	92а	–	591	–	–
305	684	–	Ул қуёш оқ уйдаю мен музтарибмен ҳар сари, Уйлаким, фонусдин парвона қолғай ташқари.	92а-б	–	–	591	–
306	–	756	Бўлса кўюнг туфроғи заъф ичра жисмим бистари, Сўзи жисмимдин анинг ранги эрур хокистари.	92б	–	–	–	591
307	687	–	Интизоридин ул ойнинг кўзки солдим ҳар сари, Кўз юмуб очқунча ўтти кўз ёшим андин нари.	92б-93а	–	–	597	–
308	–	747	Ваҳки, диним кишварин торож қилди кофире, Куфр элига ҳомию дин аҳлиға яғмогаре.	98а-б	–	580	–	–
309	686	–	Тавсанинг наълидин истармен бошимға афсаре, Ҳиндудекким бошиға товусдин санчар паре.	93б	578	–	–	–
310	772	–	Кўрма сариғ баргу қил наззора рухсорим сари, Қўй хазон боғин, гузар қил заъфаронзорим сари.	93б-94а	–	–	–	617
311	767	–	Ғам чекар жисму кўнгулни кулбайи аҳзон сари, Хасқа ўт солиб гадо элтур киби вайрон сари.	94а	629	–	–	–
312	–	809	Ваҳш хайлин дашт аро мен телбаи маҳзун сари, Ом ғавғоси хаёл эт шаҳр аро Мажнун сари.	94б	–	–	617	–
313	–	813	Кўз ёшим ғалтон борур ул орази дилжў сари, Тифлдекким ағнабон майл айлагай кўзгу сари.	94б-95а	–	618	–	–
314	709	–	Икки ҳамдамким, эрур май базм аро ҳамдамлари, Топмасун биздин малолат хотири ҳуррамлари.	95а	592	–	–	–
315	712	–	Йўқтур андуҳу малолат ўтиға хас мен киби, Бедилу бечораву бемору бекас мен киби.	96а-б	–	623	–	–
316	–	816	Йўқ вафо аҳлида бир зори паришон мен киби, Бевафовашларни севмакдин пушаймон мен киби.	95б	–	608	–	–
317	–	832	Ишқ аро ким кўрди, оё, нотавоне мен киби, Бекаси оворае, бехонумоне мен киби.	95б-96а	–	–	–	622
318	685	–	Сўзи ҳажринг ичра йўқ бирён кўнгулнинг тоқати, Бўлмас эрмиш куйган элнинг ўт била кўп улфати.	96а	577	–	–	–
319	–	765	Хунфишон кўзни юбон оқ этти ашким касрати, Гарчи кетмас лоланинг судан саводу ҳумрати.	96б	–	596	–	–
320	–	771	Жонға чун дермен: не эрди ўлмаким кайфияти? Дерки, боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати.	96б-97а	–	–	–	597
321	–	829	Оҳким, номеҳрибоним азми бедод айлади, Бир йўли меҳру вафо расмини барбод айлади.	97а	–	–	611	–
322	770	–	Бода бу мақбуллуқ зотимда мавжуд айлади Ким, мени зуҳду риё аҳлиға мардуд айлади.	97а-б	631	–	–	–
323	–	812	Тан қаро туфроғ ўлуб, оҳ ўти охир бўлмади, Гарчи хас кул бўлғач, андин шуъла зоҳир бўлмади.	97б	–	–	607	–
324	694	–	Шукрлиллоҳ, эй кўнгулким, рафъ ўлуб ҳижрон туни, Ул қуёш юзин кўрармен тенгрининг қутлуқ куни.	98а	582	–	–	–
325	–	755	Сарсари оҳимдин ул ой фурқатида ғам туни, Ўйқуға қўймас халойиқни эшикларнинг уни.	98а-б	–	602	–	–
326	723	–	Оҳким, ул ганж ёд этмас бизинг вайронани, Ул қуёш бир зарра ёрутмас бузуғ кошонани.	98б	601	–	–	–
327	692	–	Ўт солур эл жониға ҳар дам совуғлуғ бирла дай, Соқиё, синмас ҳаво заҳри кетур тарёки май.	98б-99а	581	–	–	–

328	749	–	Ишқинг ичра кўксума онча жунун тошин урай Ким, хираднинг шавкатин, тақво шукуҳин синдурай.	99а	617	–	–	–
329	–	739	Неча кўйидин чиқарға йўл сари боқиб турай, Чиқса эл ёқин талошиб, мен йироқтин телмурай.	99аб	–	–	577	–
330	–	742	Чеҳра кўрсатгилки жон бермоқ тариқин кўрсатай, Ишқ атворини даъво қилған элга ўргатай.	99б-100а	–	578	–	–
331	–	853	Эй кўнгул, васлидин ул ой бизни навмид этмагай, Жонимизға фурқат андуҳини жовид этмагай.	100а	–	630	–	–
332	773	–	Баски кўнглумни фалак мажруҳу вайрон истагай, Истарам ўлмакни андоққим, ўлук жон истагай.	100аб	–	627	–	–
333	740	–	Ёр ила бир хилват истарменки, ағёр ўлмағай, Балки ул хилватнинг атрофида дайёр ўлмағай.	100б	611	–	–	–
334	–	823	Демаким оламда ошиқ сен киби кам бўлмағай, ** Ошиқ ўлғай, мен киби расвойи олам бўлмағай.	101а	–	–	–	–
335	–	805	Неча кўргузсам ниёз, ул шўх ноз айлар, нетай? Жавр кўптин-кўп, тараҳҳум оздин-оз айлар, нетай?	101а	–	616	–	–
336	750	–	Эй кўнгул, келким, бало базмида жоми ғам тутай Ўз қатиқ ҳолимға ўлмастин бурун мотам тутай.	101б	618	–	–	–
337	754	–	Эй кўнгул, қўйғилки, мундин сўнг гадолиғ фан қилай, Кўйида бу фан била бир йўл бошин маскан қилай.	101б-102а	620	–	–	–
	200	**126**	**Ж А М И: 337** (11 ғазал ХМга ўтмаган)		**155**	**84**	**44**	**52**

“МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” ТАНҚИДИЙ МАТНИНИ ТУЗИШ ЙЎЛИДА

Юсуф Турсунов
(Ўзбек тили ва адабиёти музейи катта илмий ходим)

Алишер Навоийнинг насрий асарлари сирасидан бўлмиш “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг қўлёзма нусхалари шоирнинг бошқа асарлари қўлёзма нусхаларига нисбатан жуда кам учрайди. Ўтган асрнинг 1960 йилларига қадар нафақат мамлакатимиз, балки собиқ Иттифоқнинг бошқа фондларида ҳам мазкур асарнинг бирорта бўлсин қўлёзма нусхаси мавжудлиги маълум эмас эди. Бинобарин, асарнинг мамлакатимиздаги нашрлари унинг қадимий босма нусхалари, хусусан, 1841 йилги Париж нусхаси асосида амалга оширилган.

Ўзбекистон ҳукумати қарорига кўра 1968 йилда кенг кўламда нишонланажак Алишер Навоий таваллудининг 525 йиллигига тайёргарлик ишларидан бири сифатида шоир асарларининг жаҳон кутубхоналарида сақланаётган ва ҳар жиҳатдан мўътабар ҳисобланган қўлёзма нусхаларини ўрганиш ва улардан илмий ҳамда нашр ишларида истифода этиш мақсадида фото нусхалар олиш ҳам режалаштирилади. Ана шу ишни ўз зиммасига олган таниқли навоийшунос Ҳамид Сулаймонов Навоийнинг дунё хазиналарида сақланаётган саккизта куллиёти қўлёзма нусхаларини ўрганишга ва уларнинг фото нусхаларини олишга муваффақ бўлади. Домла ўзининг “Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотидан” номли илмий мақоласида ана шу саккизта куллиётнинг қўлёзмалари ҳақида қисқача маълумот бериш билан бирга уларнинг таркибига кўра қиёсий жадвалини ҳам илова қилади.[1]

Мазкур жадвалга кўра, саккизта (уларнинг иккитаси юртимизда – бири шахсий кутубхонада, иккичиси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари марказининг Ҳамид Сулаймон фондида сақланади) куллиётнинг учтаси таркибидагина “Муҳокамат ул-луғатайн” асари мавжуд, холос. Бундан аён бўладики, дунё миқёсида ҳам бу асарнинг қўлёзма нусхалари жуда кам сақланар экан.[2] Эҳтимол, жаҳон кутубхоналарида биз ҳали хабар топмаган нусхалар ҳам бордир. Воқеан,

1. Ҳ.С.Сулаймонов. Алишер Навоий куллиёти қўлёзмалари тадқиқотдан // Адабий мерос. 1973, 3-сон, 86-87-бетлар.
2. Бу ҳолатни “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг соф илмий асар эканлиги билан изоҳлаш керак, албатта. Бинобарин, у илм ва маърифат аҳлининггина эътиборида бўлиб келган, холос.

“Бобур энциклопедияси”дан маълум бўлишича, Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод Саларжанг музейида Жаноб Али Котибий томонидан 1188/1774 йилда кўчирилган Бобур “Девон”и билан “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг бир жилд ҳолидаги қўлёзма нусха (№18) сақланади.[1] Бироқ ҳозирча бу нусха матнидан илмий истифода этишнинг имкони йўқ.

Шундай бўдса-да, ҳозирда мавжуд ана шу учта куллиёт ўзининг қатор жиҳатларга кўра матншунослик учун ғоятда эътиборли нусхалар ҳисобланади. Зотан, уларнинг энг қадимийси Истанбул нусхаси бўлиб, у 901-902 / 1496-97–1498-99 йилларда Навоийнинг топшириғи ва бевосита назорати остида пойтахт Ҳиротда тасниф қилиниб, котиб Дарвеш Муҳаммад Тоқий томонидан кўчириб борилган. Устоз Ҳамид Сулаймонов зикр этилган мақоласида ушбу куллиётнинг мусаннифи Навоийнинг ўзи эканлигини ишонарли далиллар асосида кўрсатиб ўтган эди. Куллиёт Истанбулдаги Реван кутубхонасида 808-инв. рақами билан сақланади. Матншунослигимизда у Истанбул нусхаси деб юритилади. Биз уни шартли равишда И нусха тарзида қўллаймиз.

Иккинчи куллиёт Париж нусхасидир. Юқорида айтганимиздек, икки жилддан иборат бу нусха ҳиж. 993/1526-27 йилларда Ҳиротда кўчирилган. У Париж Миллий кутубхонасида 316-317-инв. рақамлари билан сақланади[2]. Биз уни шартли равишда П нусха деб атаймиз.

Ниҳоят, учинчи куллиёт Истанбулнинг Сулаймония кутубхонасида 4056-инв. рақами билан сақланувчи қўлёзма бўлиб, унда китобат санаси ва ўрни, шунингдек, котиби ҳақида маълумот йўқ, таниқли манбашуносларнинг тахминларича, куллиёт XVI асрнинг биринчи ярмида кўчирилган.[3] Биз уни шартли равишда $И_1$ нусха деб атаймиз.

Юқорида таъкидлаганимиздек, бу учала нусханинг китобат тарихига кўра қадимийлигидан ташқари, яна бошқа муҳим хусусиятларига кўра ҳам энди улар асосида асарнинг илмий-танқидий матнини яратиш мумкин. Ана шу мақсадга кўра уларнинг матнини қиёсан ўрганар эканмиз, улар орасида И нусхаси қатор жиҳатлари билан таянч нусха вазифасини ўтай олишига амин бўлдик. Зотан, қўлёзма Навоий ҳаётлик чоғида китобат этилгангина эмас, балки бу иш муаллифининг бевосита назорати остида амалга оширилган. Шундай бўлгач, унда камчилик ва нуқсонли ўринлар деярли йўқ даражада бўлиши кутилади, албатта. Бошқача қилиб айтганда унга салкам автор редакцияси сифатида қараш мумкин. Бироқ шундай бўлса-да, бу ўринда матншуносларимиз эътиборида бўлиб келган бир ҳодисани назардан четда қолдирмаслик керак. У ҳам бўлса, бошқа нусхаларга нисбатан мукаммал бўлиб кўринган ва таянч нусха деб топишга муносиб кўрилган нусхага ҳам ўта синчковлик ва танқидий назар билан қарашдир. Бу иш, асосан мазкур тахлитдаги нусханинг бошқа нусхалар билан қиёсий ўрганиш асосида амалга ошади.

Шу ўринда таниқли матншунос П.Шамсиевнинг “Ҳайрат ул-аброр” танқидий текстини тузишдаги айрим масалалар” мақоласидаги қўйидаги сўзларни эслайлик: “Асосий таянч нусхамиз А нинг ҳам баъзи хато ва нуқсонлари мавжуд: 27 ўринда хато ёзилгани, 4 ўринда сўз тушиб қолгани, 7 ўринда айрим сўзларнинг номақбулроқ ишлатилгани ва бир ўринда ноаниқлик борлиги аниқланди. Бу жойлар бошқа нусхаларимиз асосида тузатилиб, мазкур камчиликлар аппаратда қайд этилди”[4].

Ваҳоланки, А нусхаси Абдулжамил Котиб томонидан ҳиж. 889 йил раббиал охир / 1484 йил апрель ойида кўчирилган қўлёзмадир. Шундай бўлгач, қўлёзма “Ҳайрат ул-аброр” достони ёзиб тугаллангач кўп ўтмасдан кўчирилган, дейиш мумкин.

---

1. Бобур энциклопедияси. Тошкент. 2014, 125-242-бетлар.

2. Бу икки нусханинг микрофильм Адабиёт музейининг қўлёзмалар фондида сақланади. Биз ана шу микрофильмлардан фойдаландик. Адабиётшунос олим Жалолиддин Жўраев 2010 йилда Туркияда хизмат сафарида бўлиб Навоийнинг мазкур куллиёти қўлёзмасининг электрон вариантини “Муҳокамат ул-луғатайн” асари матнидан нусха кўчириб, бизга туҳфа этгани учун унга ўзимизнинг самимий миннатдорчилигимизни билдирамиз.

3. Ўша мақола, 88-89-бетлар.

4. П.Шамсиев. “Ҳайрат ул-аброр” танқидий текстини тузишидаги айрим масалалар // Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. Т., 1986, 21-бет.

Ана шундай ҳолат “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг қўлимиздаги мавжуд учта қўлёзма нусхаси қиёсида ҳам намоён бўлади. Наздимизда, Истанбул нусхаси муҳим жиҳатлари билан салкам автор редакциясини берувчи нусха бўлиб туюлса-да, унда ҳам қатор хато ва камчиликлар мавжудки, бундай нуқсонларнинг қай даражада жиддийлиги уни кейинги нусхалар, хусусан, $И_1$ нусхаси асосида қилинган тузатишлар замирида аниқлашади.

Асарда Навоий бир қатор туркий сўзларнинг форс тилида муқобили йўқлиги борасида сўз юритар экан, мисол тариқасида “бўхсамоқ” сўзини ҳам тилга олади:

Ҳажри андуҳида бухсабмен, била олмон нетай?
Май иложимдир, қўпуб, дайри фаноға азм этай.

Форсигўй турк беклар ва мирзодалар **бўхсамоқ**ни форсий тил била тиласаларки, адо қилғайлар.

Навоий асарлари йигирма томлигининг 16-томида “бўхсамоқни” сўзидан кейин “не” сўзи босилган ва гап сўнгида сўроқ белгиси қўйилган. $И_1$ нусхасида бу гап сўнгидаги “адо қилғайлар” иборасидан кейин آیا نی نوع قیلغایلار жумласи мавжуд. Бунда энди мазмуни равшанлашади: Форс тилида сўзловчи беклар ва мирзолар эзилмоқ, қийналмоқ (маъноси)ни ифодаламоқчи бўлсалар, қай тарзда ифодалайдилар ёки ифодалаган бўлардилар.

Кўринадики, $И_1$ нусхасидаги ушбу мақбул жиҳат “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг бугунги нашрларига ҳам аниқлик киритади ва бу ягона ҳолат эмас. Истанбул нусхасида ўқиймиз: “Яна ғизо ва ҳар таомки, еса бўлур, егулик дерлар ва сорт элининг кўпи, балки барчаси емакни ҳам ва ичмакни ҳам “хўрдани” лафзи била адо қилурлар”.

Умуман олганда, гап мазмуни тушунарли, бироқ унда қандайдир кемтиклик бордек, аниқроғи, “егулик дерлар” иборасидан кейин мантиқий узилиш бордек туюлади. Ана энди шу гапни $И_1$ нусхадан ўқимиймиз: “Яна ғизо ва ҳар таомки, еса бўлур, егулик дерлар **ва сув ичмак ва ҳар ниманики ичса бўлғай, ичкулук дерлар** ва сорт элининг кўпи, балки барчаси емакни ҳам хўрдан лафзи била адо қилурлар”.

Кўринадики, емак ва ичмак феъллари мувозий тарзда ифодаланаётган узвий қисми-иккинчи компоненти Истанбул нусхасида котибнинг эътиборсизлиги билан бўлса керак, тушиб қолган.

Бир ўринда муаллиф форсигуй шоирлардан бўлмиш Хожа Калимиддин Салмоннинг қасидасидаги бир матлаъда камчилик мавжудлигини таъкидлайди ва ўша байтни келтиради: “Хожа Калимидин Салмонки... воқеан ише қилибдурки, назм аҳли анинг тааммуқида ҳайрон ва тааммулида саргардондурлар. Тарсиъ санътиким, матладин ўзга байтда бўла олмас, ул қасиданинг агарчи мустахраж матлаи ростдур, аммо асли матлада аввалги мисранинг бир лафзида тахаллуф қилибдур ва матлаъ будурким,

Сафои сафвати рўят бирехт оби баҳор,
Ҳавои жаннати кўят бирехт мушки татор”.

Бу ўринда Навоий тарсиъ санъатининг бир жиҳатини, яъни фақат матлаъдагина қўлланишини таъкидлайди. Энди бу санъатнинг асосий хусусиятларидан бири – байтнинг ҳар иккала мисрасидаги сўзларнинг ўзаро оҳангдош, вазндош ва қофиядош тарзда бўлишидан келиб чиқиб мазкур байтга назар ташласак, “бирехт” ва “бибехт” сўзларидаги номувофиқликни кўрамиз. Дарвоқеъ, “тахаллуф” сўзининг номувофиқлик, тўғри келмаслик маъноси ҳам бор.

Ана энди сўз бораётган жумлани $И_1$ нусхадан ўқиймиз: “аммо асл матлаъда аввалғи мисраънинг бир лафзи била сўнгғи мисраънинг бир лафзида тахаллуф қилибдур” (779 варақ “а” саҳифа). Ана энди биз кутган ҳолат юзага келди.

Демак, Истанбул нусхасида (шунингдек, Париж нусхасида ҳам) “била сўнгғи мисранинг бир лафзида” жумласининг тушиб қолиши оқибатида юқоридаги мавҳумлик келиб чиққан.

$И_1$ нусхаси яна бошқа жиҳатлари билан ҳам эътиборлидир. Чунончи, унга асосланиб асарнинг ҳозирги нашрларида мавжуд бўлган мубҳамлих ва ноаниқликларга ҳам аниқлик киритиш мумкин. Бир мисол: асарда Навоий ўзининг форсий қасидалари қаторида “Қувват ул-қулуб” асарини ҳам

тилга олади. “Ўзбек адабиёти тарихи” беш томлигининг иккинчи томида бу ном бошқачароқ – “Қут ул-қулуб” тарзида қўлланган[1], “Ўзбек совет энциклопедияси”да ҳам ана шундай. Энди $И_1$ нусхасида бу ном тилга олинган қисмини ўқисак:

یانا قوت القلوب قصیده سین که کلکیم ثبت ایتیب دور حقیقت یولیدا ضعف لیغ کونکول لارکا اول قوت دین

قوّت یتیب دور و مطلعی بودورکیم

Кўринадики, бунда котиб кўчирилаётган китоб соф илмий асар эканлигини ҳисобга олган ҳолда эътибор билан иш кўрган – “қувват” сўзини ташдид билан ёзган. Маълумки, арабча емиш, озуқа маъносидаги “қут” сўзи билан, куч, мадор маъносидаги “қувват” сўзи бир хил (تـوق) ёзилади. Фақат “қувват”да ташдид қўйилади.

Бизга қолса, гап мазмунининг ўзидан ҳам мазкур ном “Қут ул-қулуб” эканлиги англашилишини айтган бўлардик. Яъни қаламим яна “Қут ул-қулуб” қасидасини яратди ва ҳақиқат йўлидаги ожиз қўнгуллар бу қутдан маънавий озуқа олиб руҳий қувватланибдилар. Яъни қувват пайдо қилибдилар.

Биз сўз юритган мисоллар ва муҳим жиҳатлар айни пайтда имкониятимиздаги мазкур қўлёзма нусхалар дилимиздаги ниятимизни амалга оширишга – илмий муқояса ва қиёсий типологик принциплар асосида “Муҳокамат ул-луғатайн”нинг танқидий матнини яратишга тўла жавоб бера олади. Асарнинг мавжуд дастлабки босма нусхаларига мурожаат этишга эса деярли эҳтиёж йўқ, деб ўйлаймиз. Уларга фақат ёрдамчи назорат нусхалар деб қараш мумкин, холос.

Зотан, “Шоҳнома”нинг илмий-танқидий матнини амалга оширган Е.Э.Бертельс ушбу иши юзасидан шундай ёзган экан: “Текст тайёрлашда, биз салафларимизга нисбатан бошқачароқ ёндошдик. Мавжуд босма нашрлар мақсадга мувофиқ кўринмади. Аниқ сана ва қўлёзма материалнинг жиддий фиксацияси текстологик ишнинг биринчи шартларидан. Текстга жаҳон кутубхоналаридаги мавжуд бўлган ҳисобсиз қўлёзмаларни жалб этиш ортиқча ўзгаришга олиб келган ва оригинал текстга яқинлашишга йўл қўймаган бўлар эди. Шунинг учун бизнинг нашримиз асосига матннинг энг қадимий тасаввурини берувчи қўлёзмалар асос қилинди”[2]. Биздаги қўлёзмалар айнан шундай қадимий нусхалардир.

ҚЎҚОН АДАБИЁТИ МУЗЕЙИ ХАЗИНАСИДА САҚЛАНАЁТГАН АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ҚЎЛЁЗМАЛАРИ

Абдуллатиф Турдиалиев,
(Ғ.Ғулом номидаги
Фарғона вилоят адабиёт музейи)

Қўқондаги Ғ.Ғулом номидаги Фарғона вилоят адабиёт музейи 1961 йили ташкил этилган бўлиб, унинг фондида бугунги кунда 15 000дан ортиқ экспонат мавжуд. Бу экспонатларнинг икки мингтаси араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзмалардир. Музей ташкил этилган 1961 йилдан 2016 йилнинг охиригача Алишер Навоий асарларининг 41 та қўлёзма нусхаси музей хазинасига келиб тушган. Чунончи, терма девонларнинг ўн еттита, “Хамса”нинг саккизта, “Лисон ут-тайр”нинг иккита, “Арбаин”нинг тўртта, “Бадоеъ ул-бидоя” дебочасининг битта, “Маҳбуб ул-қулуб”нинг тўртта, “Вақфия”нинг битта, “Мажолис ун-нафоис”нинг битта, “Насойим ул-муҳаббат”нинг битта, “Сабъаи сайёр”нинг битта нусхаси мавжуд. Мазкур қўлёзмаларнинг биттаси XVII асрда, биттаси XVIII асрда, қолганлари эса XIX асрда ва XX асрнинг бошларида кўчирилган. Уларнинг аксарияти Қўқон ва унинг атрофидаги хаттотлар томонидан битилган. Шунингдек, улар орасида Тошкент, Бухоро, Шаҳрисабз шаҳарларида китобат қилинган қўлёзмалар ҳам мавжуд.

Юқоридаги таснифдан ҳам кўриниб турибдики, терма девонларнинг қўлёзма нусхалари музей ха-

1. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. 2 том, Т., 1977, 194-б.
2. Иқтибос П.Шамсиевнинг “Хамса” достонларининг илмий-танқидий текстлари ва уларни тузиш принциплари” мақоласидан олинди. Қаранг: П.Шамсиев, Ўзбек матншунослигига оид тадқиқотлар. Т., 1986, 27-б.

зинасида салмоқли ўрин эгаллайди. Улар орасида вақт жиҳатидан энг қадимгиси ҳамда энг кўп шеър киритилган нусха – 11-инвентарь рақамли қўлёзмадир. Мазкур қўлёзма ҳижрий 1179/1765-66 йилда китобат қилинган бўлиб унинг таркибида 1726 та ғазал, 2 та мустазод, 4 та мухаммас, 8 та туюқ – жами 1740 та шеър мавжуд. Ушбу терма девон қолган 16 та терма девонда бўлганидек, "Ашрақат..." ғазали билан бошланади. Девоннинг ҳажми ҳам катта – 497 варақ. У дастлабки чарм муқовада.

20-инвентарь рақамли терма девон XIX асрнинг бошларида, аниқроғи 1232/1816-17 йилда кўчирилган бўлиб, унинг таркибида 512 та ғазал, 3 та мустазод, 2 та мусаддас, 7 та мухаммас, 2 та таржиъбанд, 44 та рубоий, 10 та қитъа – жами 580 та шеър мавжуд.

2-инвентарь рақамли терма девон чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. Унинг котиби Мирзо Али Хўқандий бўлиб, ушбу қўлёзма 1242/1826-27 йилда китобат қилинган. Унинг таркибига 461 та ғазал, 2 та мустазод, 3 та мухаммас, 2 та мусаддас, 2 та таржиъбанд, 51 та рубоий, 1 та соқийнома – жами 522 та шеър киритилган. Қўлёзма дастлабки қирмизи картон муқовада.

317-инвентарь рақамли терма девон ҳажми жиҳатидан катталиги билан 11-инвентарь рақамли терма девондан кейин иккинчи ўринда туради. Унинг таркибида 883 та ғазал, 3 та мустазод, 2 та мусаддас, 7 та мухаммас, 1 та таржиъбанд, 4 та соқийнома, 73 та рубоий, 37 та муаммо, 1 та фард, 5 та туюқ – жами 1016 та шеър бор. Китобат санаси – 1250/1834-35 йил. Дастлабки қора картон муқовада. Муқова тамғасида "Мирзо Ибодулло саҳҳоф" исми ёзилган. 295 варақ.

31-инвентарь рақамли терма девон нотўлиқ девонлардан бири. У XIX асрда кўчирилган. Унда жами 339 та шеър мавжуд. Қўлёзманинг охирги саҳифалари йўқ.

518-рақамли терма девон 1289/1872-73 йилда Бухоройи шарифда кўчирилган. Котиби Мулло Абдулжалил ибн Мулло Муҳаммад Карим. Мулло Йўлдош саҳҳоф томонидан муқоваланган.

681-инвентарь рақамли терма девон эса ҳижрий 1258/1842-43 йилда Хўжандда китобат қилинган. Котиби Муҳаммад Қосим ибн домулло Мирзо Саййид Олим Хўжандий. Бу қўлёзма 153 варақдан иборат.

754-инвентарь рақамли терма девон 1283/1866-67 санасида китобат қилинган. Ҳажми 125 варақ. Котиби кўрсатилмаган.

760-рақамли терма девон эса 1308/1890-91 йилда Шаҳрисабзда кўчирилган. 122 варақ. 11 тамғали носранг картон муқовада.

885-инвентарь рақамли терма девон 196 варақдан иборат. Бу қўлёзма 1274/1857-58 йилда китобат қилинган. 9 тамғали носранг картон муқовада.

733, 749, 1505-рақамли терма девонлар гарчи тўлиқ бўлса-да кўчирилган санаси, жойи ва котиби кўрсатилмаган. Палеографик белгиларига қараб уларни XIX асрда кўчирилган, деб тахмин қилиш мумкин.

566- ва 727-рақамли терма девонларнинг охири йўқ. 405 ва 882- рақамли терма девонларнинг эса боши ҳам, охири ҳам йўқ.

74-I 452-I, 35-I, 254-инвентарь рақамли қўлёзмаларда "Арбаин" асари ўрин олган. 452-I ва 254-инвентарь рақамли қўлёзмаларда "Арбаин"га асос бўлган ҳадисларнинг арабий матни берилган. 74-I ва 35-I рақамли нусхаларда арабий матнлар тушиб қолган.

35-I рақамли қўлёзма китобат санъатининг гўзал намунасидир. Ушбу қўлёзма 1303/1885-86 йилда кўчирилган. Матн ҳафтранг Кўқон қоғозига қора, сариқ ва оқ сиёҳларда йирик ва гўзал настаълиқ хати билан битилган. Ўнг томонга Жомий ва чап томонга Навоий қитъалари қиялатиб ёзилган. Дастлабки қирмизи картон муқовада.

"Хамса"нинг мавжуд саккизта қўлёзма нусхасидан 467, 468, 469, 57, 1234, 229-инвентарь рақамли қўлёзмалар асарнинг оддий нусхаларидан. Буларнинг ичида 57-рақамли қўлёзма таркибига "Хамса"нинг фақат 2 та достони: "Фарҳод ва Ширин" ва "Сабъаи сайёр" киритилган. Бу қўлёзма 1247/1831-32 санасида Муҳаммад Раҳим ибн Нурмуҳаммад томонидан кўчирилган.

468-инвентарь рақамли "Хамса"нинг аҳамиятли жойи шундаки, қўлёзманинг охирида котиб томонидан ўн уч байтдан иборат маснавий шаклидаги таърих мавжуд. Унда мазкур нусха Кўқон шаҳрида Кўқон хони Амир Умархон фармонига биноан 1226/1811-12 йилда китобат қилинган. Аммо котиб номи кўрсатилмаган.

42-I инвентарь рақамли қўлёзма “Хамса”нинг “Лисон ут-тайр” достони билан бирга кўчирилган. Эътиборли нусхалардан. Ушбу қўлёзмада “Хамса” 63б – 518а варақлардан жой олган. “Фарҳод ва Ширин” достонининг охирига (241а в.) котиб Мулло Турсун 54 байтдан иборат маснавий илова қилган. Ундан маълум бўлишича, ушбу қўлёзма Ёрканд амирининг Қарғалиқ шаҳридаги мутасаддиси Муҳаммад Солиҳбек фармони билан шу шаҳарда 1238 ҳижрий (1822 милодий) йилда китобат қилинган. Мулло Турсун мазкур маснавийсида Алишер Навоий ва унинг “Хамса”сига юқори баҳо берган. Шунингдек, “Фарҳод ва Ширин” достонининг охирида Раҳимдил деган шоирнинг ҳам “Хамса” ҳақида ёзган 72 байтдан иборат шеъри илова қилинган. Мазкур шеър охирида Раҳимдил “Чароғи дил” жумласини қўлёзма кўчирилган санани ифодаловчи таърих моддаси сифатида келтиради. Ушбу таърих моддасининг абжад ҳисобидаги қиймати 1238 бўлиб, у милодий ҳисобда 1822-23 йилга тўғри келади[1]. 518 варақ. Дастлабки қалин картонли қирмизи муқовада.

467-рақамли қўлёзма “Хамса”нинг 1241/1825-26 йилда кўчирилган нусхаси. 395 варақ. Кўп тамғали, безакли, чарм муқовада.

469-рақамли қўлёзма “Хамса”нинг 1272/1855-56 йилда кўчирилган нусхасини ўз ичига олади. Матн қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда чиройли настаълиқ хатида битилган. “Ҳайрат ул-аброр”, “Фарҳод ва Ширин”, “Сабъаи сайёр” достонлари бошланишида чиройли зарҳал унвонлар ишланган. “Лайли ва Мажнун”, “Садди Искандарий” достонлари бошидаги унвонлар қирқиб олинган. 349 варақ. Дастлабки кўп тамғали чарм муқовада.

664-рақамли қўлёзма “Хамса”нинг эътиборли нусхаларидан биридир. Котиб ўз номини (275[а]в.) Каримжон ибн Раҳимжон деб кўрсатган. Котиб китобат таърихи учун 7 байт (14 мисра) дан иборат қитъа келтирган. Мазкур қитъанинг сўнги байти қуйидагича:

Деди пири хирадким топти охир,
Биҳамдиллаҳ, “Еттинчи “Хамса” анжом”.

Биҳамдиллаҳ, “Еттинчи “Хамса” анжом” жумласи таърих моддаси бўлиб, ундаги ҳарфлар йиғиндиси 1273 (1856-57) йилни ифодалайди. Котиб таърих моддасини келтириш билан бирга Навоий “Хамса”сини етти марта кўчирганлиги, мазкур қўлёзма ўша “Хамса”ларнинг еттинчиси эканлигига ишора қилмоқда. Ҳар бир асар бошланишида достон номи жалий хати билан ёзилиб доира ичига олинган. 275 варақ.[2] Дастлабки кўп тамғали қирмизи картон муқовада. Тамғаларда саҳҳоф номи “Мулло Муҳаммад Турсун” деб ёзилган. Ўлчови: 31х51,5см.

1234-II рақамли қўлёзма “Хамса”нинг “Лисон ут-тайр” билан бирга кўчирилган нусхасидир. Ушбу нусха 1270/1853-54 йилда китобат қилинган. Котиби Муҳаммад Амин Охун. Котиб “Хамса” достонлари вазнида ўзи ёзган 74 мисрадан иборат шеърни илова қилган. Унда котиб ўз шахсияти, Фаридиддин Аттор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоий ва бошқаларга бўлган муҳаббатини баён қилган. Қўлёзмада ҳар бир достоннинг бошланишида унвон ишланган. Қўлёзма муқоваси шарқ муқова санъатининг гўзал намунасидир. 288 варақ.

229-рақамли қўлёзма “Хамса”нинг 1283/1866-67 йилда кўчирилган нусхасидир. Матн қора сиёҳ билан оддий настаълиқ хатида битилган. 252 варақ. Ўлчови: 26х42см. Дастлабки безакли, тамғали, қирмизи чарм муқовада. Тамғаларда “Мулло Муҳаммад Исо саҳҳоф” номи ёзилган.

“Хамса”нинг мазкур саккиз қўлёзма нусхасидан ташқари “Сабъаи сайёр” достонининг алоҳида қўлёзма нусхаси ҳам мавжуд. “Сабъаи сайёр”нинг мазкур нусхаси (Инв. 826) музейда сақланаётган Навоий асарлари қўлёзмаларининг энг қадимгисидир. Бу қўлёзма оқиш Хуросон қоғозига майда ва нафис настаълиқ хатида битилган. Китобат санаси: 1106/1694-95 йилдир. Матн ҳар саҳифага икки устундан жойлаштирилган. Ҳар саҳифадаги матн қора сиёҳда, сарлавҳалар эса қизил сиёҳда ёзилган. Қизил жадвал билан ўралган. Нуқсонли, бошидан бир неча варақ йўқолган. Қўлёзманинг охирги – 124б варағида Муқимжон исмли шахс қалами билан “Азза ман қанаъ, залла ман тамаъ, куллу фажъин амиқ” шаклида арабий ҳикмат йирик ҳуснихат билан ёзилиб 1284/1867-68 санаси

1. Бу ҳақда қаранг: Мадаминов А. “Хамса” қўлёзмалари // Адабий мерос. №17, Тошкент, 1981, 21-22-б.
2. Бу ҳақда қаранг: Мадаминов А. “Хамса”нинг яна бир нусхаси. // “Гулистон”. 1985, №1, 28-б.

ёзиб қўйилган. Бу эҳтимол қўлёзма соҳибининг исми бўлса керак. 124 варақ. Дастлабки 11 тамғали жигарранг чарм муқовада. Ўлчови: 13х22см.

“Лисон ут-тайр” достонининг қўлёзма нусхалари 42-I ва 1234-I инвентарь рақамлари остида сақланади.

42-I рақами қўлёзмада “Лисон ут- тайр” достони “Хамса” билан бирга кўчирилган бўлиб у 1б-63а варақлардан ўрин олган. Нусха Шарқий Туркистоннинг Қарғалиқ шаҳрида котиб Мулло Турсун қалами билан кўчирилган. Китобат санаси: 1238/1822-23 йил, 63 варақ.

1234-I рақами қўлёзмадаги “Лисон ут-тайр” асари ҳам “Хамса” билан бирга кўчирилган. Унинг котиби Муҳаммад Амин Охун. Шарқий Туркистонда 1270/1853-54 милодий) йилда китобат қилинган. Бошдан бир неча варақ тушиб қолган: 51 варақ. Музей ҳазинасидаги “Маҳбуб ул-қулуб” асарининг 4 та қўлёзмасининг барчаси ҳам эътиборлидир.

47-I инвентарь рақамли қўлёзма “Маҳбуб ул-қулуб”нинг бошқа нусхаларига нисбатан қадимгироқдир. У 1222/1807-1808 йилда Бухоройи шарифда китобат қилинган. Котиби: Муҳаммад Обид. Матн қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда ёзилган ва зарҳал жадвал ичига олинган. Асар бошланишига унвон ишланган. 92 варақ. Дастлабки кўп тамғали картон муқовада.

74-III рақамли қўлёзма эса “Маҳбуб ул- қулуб”нинг Тошкентда кўчирилган нусхасидир. Бу ҳақда қўлёзманинг 103б варағида шундай қайд мавжуд: “Маҳбуб ул-қулуб”нинг бу шариф нуҳаси.... 1256 йил рабиъ ул-аввал ойи (милодий 1840 йилнинг май ойида) Тошканд шаҳрида кўчирилиб тугалланди”. Матн қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда чиройли настаълиқ хатида битилган. 83 варақ (21б-103б вв.). Дастлабки безакли картон муқовада.

6666-инвентарь рақамли қўлёзма “Маҳбуб ул-қулуб”нинг Қўқонда кўчирилган нусхасидир. Китобат йили ҳақида қўлёзманинг 82б варағида қуйидагича изоҳ мавжуд: “Бу нусха Хўқанди латиф шаҳрида 1307 йил муборак рамазони шариф ойининг 24-сида кўчириб тугалланди (милодий 1890 йил 14 май) “Маҳбуб ул-қулуб” тугагандан сўнг 83-109 варақларга Маъдан, Муқимий, Ҳазиний, Муҳсиний ва бошқа шоирларнинг шеърлари битилган. Матн оқиш рус фабрика қоғозига қора сиёҳда, сарлавҳалар қизил сиёҳда чиройли настаълиқ хатида кўчирилган. 82 варақ. Дастлабки тамғали қалин картон муқовада.

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг 843-рақамли қўлёзма нусхаси тахминан XIX асрда Фарғона водийсида кўчирилган. Матн Қўқоннинг новвотранг ипак қоғозига майда ва нафис настаълиқ хатида битилган. Асар қора сиёҳда, сарлавҳалар эса қизил сиёҳда китобат қилинган. 93а варақда асарнинг вафо ва бевафоларга бағишланган саҳифаси ҳошиясига котиб томонидан қуйидаги матн илова қилинган:

“Бу шоҳид Мавлоно Фузулий Бағдодийдиндур:

Вафо ҳар кимсадинким истадим, андин жафо кўрдум,
Кимиким бу фано дунёда кўрдум – бевафо кўрдум.

Кимаким дардими изҳор қилдим истаноб дармон,
Ўзумдин ҳам батар минг дарда мубтало кўрдум”.

Пойгирлар изчил қўйилган. Колофонда (120а варақ) қуйидагилар ёзилган: “Ўқиғувчилардин андоғки, дуода ёд қилғайлар, зероки, котиб Мажруҳдур”. “Мажруҳ” котибнинг тахаллуси бўлса керак. 120 варақ. Дастлабки 3 тамғали жигарранг картон муқовада.

74-II рақамли қўлёзмада “Бадоеъ ул-бидоя”нинг дебочаси ўрин олган. У “Арбаин” ва “Маҳбуб ул-қулуб” асарлари билан бирга кўчирилган. Бошланиши ва охири одатдагича. Қўлёзма 1256/1840-41 йилда Тошканд шаҳрида китобат қилинган. Настаълиқ хатида – 14 варақ.

7065-рақамли қўлёзма “Вақфия” асаридан иборат. Асар рус фабрика қоғозига чиройли настаълиқ хатида қора сиёҳ билан битилган. Котиб: қўқонлик машҳур жадид-маърифатпарварлардан бўлган Ашурали Зоҳирий. Саҳифалар янгича рақамланган. Асарнинг бош қисмидан ўн варақ йўқолган. Асарнинг охири (39-бет)да қуйидагича изоҳ мавжуд: “1916 йил 21 октябрда ёзилди. А.Зоҳирий”. 10 варақ.

220-II рақамли қўлёзмада “Хамсат ул-мутаҳаййирин” асари ўрин олган. Бу асар “Мажолис ун-нафоис” асари билан бирга кўчирилган. Қўлёзма 1329 ҳижрий (1911 милодий) йилда Қўқон шаҳрида кўчирилган. Котиб: Сулаймонқул уста Суярқул ўғли – Рожий Хўқандий. 39 варақ.

220-I рақамли қўлёзмада “Мажолис ун-нафоис” асари “Хамсат ул-мутаҳаййирин” билан битта муқовада. Асарнинг эътиборли нусхаларидан бири. Қўқонда 1329 ҳижрий (1911 милодий) йилда китобат қилинган. Котиб: Сулаймонқул уста Суярқул ўғли – Рожий Хўқандий. Матн Қўқоннинг юпқа шалдироқ қоғозига қора сиёҳ билан, сарлавҳалар эса қизил сиёҳда битилиб, зарҳал жадвал ичига олинган. Асар бошланишига зарҳал унвон ишланган. Қўлёзма охирида котиб махсус рубоий-таърих илова қилган. Унинг сўнги мисраси ҳарфлари йиғиндисидан 1329 сана ҳосил бўлади. (“Дафтар юзини тазкира олди қуршаб”). 65 варақ. Дастлабки 42 тамғали қалин картонли қирмизи муқовада.[1]

“Насойим ул-муҳаббат” асарининг музейда сақланаётган ягона қўлёзма нусхаси (Инв. 771) Абдуллоҳ Ансорийнинг форс тилидаги тасаввуфга доир асари билан бир муқовада. Бу нусха Қўқоннинг новвотранг ипак қоғозига равон настаълиқ хатида битилган. Аммо қўлёзма тугалланмай қолганлиги сабабли китобат санаси ва котиби номаълум. Қўлёзманинг бир неча варақлари ҳошиясига “Мулло Ҳолбек” деган муҳр босилган. Бу эҳтимол китоб соҳибининг муҳри бўлса керак. 69 варақ.

Қўқон адабиёт музейида сақланаётган Навоий асарлари қўлёзмаларининг биттаси Хуросон қоғозига, иккитаси рус фабрика қоғозига ёзилган. Қолган барча қўлёзмалар фақат Қўқон қоғозига китобат қилинган. Бу факт XVII–XIX асрларда ҳамда XX асрнинг бошларида Қўқон қоғози нақадар машҳур бўлганлиги ва кенг тарқалганлигидан далолат беради. Музей фондидаги Навоий асарларининг қўлёзмаларини тавсиф ва таҳлил қилиш XVII–XIX асрларда ҳамда XX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳитида Навоий асарларига мурожаат этиш нақадар кенг тарқалганлигини кўрсатмоқда. Шунингдек, Навоий асарлари шоирлар, хаттотлар учун илҳом манбаи ҳамда китобат санъатининг равожланишида муҳим омил бўлганлигидан бир далолатдир. Ушбу қўлёзмалар мажмуаси Навоий ижодий меросининг тадқиқотчилари учун муҳим манба бўлиб хизмат қилиши мумкин.

МАТНГА КИРИШ ИШТИЁҚИ

Рашид Зоҳидов
(Алишер Навоий номидаги ўзбек тили ва адабиёти университети)

Навоий асарларига тузилган луғатлар, “Хамса”нинг насрий баёнлари ва ҳар хил йўналишдаги илмий тадқиқотлар таҳсинга лойиқ ишлардандир. Алишер Навоийнинг турли жанрдаги, хусусан, назмий матнларини шарҳлаш бу давомли силсиланинг муҳим ҳалқасини ташкил этади. Сабаби, Навоий адабий меросини ўрганишда матн ташқарисидаги, хусусан, муаллифнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ турли саналарни аниқлашдаги, тарихий-ижтимоий маълумотлар таҳлилидаги изчиллик ва тизимли ёндашув бевосита айни матннинг ўзига қаратилаётгани жараённинг тўғри ўзанга бурилаётганидан даракдир.

Негаки, шоир яшаган давр, у билан муносабатга киришган тарихий шахслар, ижтимоий муҳитни қанчалик тафсилотлари билан ўргансак-да, токи ҳар бир байт, мисра, сўз орқали матн ичига кириб, жузъ ва бутун яхлитлигини англамагунимизча, Навоий феноменининг асл ҳақиқати очилмай қолаверади. Ижодкор ҳақида унинг сўзи энг сўнгги хулосадир. Мана шу муҳим жиҳатни четлаб айтилган ҳар қандай гапнинг қисмати битта: улар тинимсиз моҳият ўқи атрофида айланади, лекин моҳиятга етолмайди. Алишер Навоий бир қитъасида айтганидек:

“Чун ғараз сўздин эрур маъни анга,
Ноқил ўлса хоҳ хотун, хоҳ эр.

1. Бу ҳақда қаранг: Мадаминов А. “Мажолис ун-нафоис”нинг Қўқон нусхаси. // Адабий мерос. №21. Тошкент. 1982, 76-78-б.

Сўзчи ҳолин боқма, боқ сўз ҳолини
Кўрма ким дер ани, кўргил ким не дер".[1]

Мана, матнга яқинроқ бориш нима учун керак! Ҳеч бир инсон Навоий шахсини Навоийнинг ўзидек яхши билмайди. Навоийнинг ўзи эса у ёзиб қолдирган байтларда, сатрларда яшаяпти. Матнни қанчалик ўзлаштирсак, Навоийнинг тилини шунчалик яхши биламиз, шунчалик Навоийни таниймиз.

Порсо Шамсиев, Иззат Султон, Ҳамид Сулаймон, Алибек Рустамий, Азиз Қаюмов, Ботирхон Валихўжаев, Абдуқодир Ҳайитметов, Муслиҳиддин Муҳиддинов, Нажмиддин Комилов, Ёқубжон Исҳоқов, Анвар Ҳожиаҳмедов, Матназар Абдулҳаким, Ваҳоб Раҳмонов, Иброҳим Ҳаққул, Шуҳрат Сирожиддинов, Нусратулла Жумахўжа каби олимларимиз айни мақсад йўлида қадам ташлаб, муайян натижага эришган, XX–XXI аср навоийшунослигида ўз ўрни ва овозига эга мутахассислардан саналади.

Тўғри, мазкур олимларнинг матн аниқлиги ва талқини борасида матнга муносабат ва ёндашув шаклларида ўзаро фарқли жиҳатлар кузатилади. Бу алоҳида мавзу. Лекин саналган олимларимизнинг барчаси матн ичига кириш, матнни ўзлаштириш иштиёқида баробар. Аслида, шу иштиёқ бўлгани учун ҳам бирор байт ё ғазални шарҳлашга эҳтиёж туғилади, жараён охиригача шу иштиёқнинг давом этиши тадқиқотнинг натижасини белгилайди.

Навоий ғазалларини шарҳлаб ўрганиш бўйича ташаббус кўрсатиб, бу ташаббусни бир қатор амалий ишлар билан юзага чиқарган профессор Боқижон Тўхлиевнинг сўнгги йиллардаги меҳнатини алоҳида таъкидлашимиз жойиз. "Навоий ва ёшлар тарбияси", "Ғазаллар. Шарҳлар" китоблари нашр қилиниб, уларда "Ғаройиб ус-сиғар" девонидаги айрим ғазаллар навоийшунос олимлар томонидан шарҳланган. "Навоий ғазаллари. Насрий баён, шарҳ ва изоҳлар" номли китоб эса умумий ўрта таълим мактаб ўқувчилари, академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари талабаларига мўлжалланган бўлиб, унда ғазаллар таҳлили ўқув табиатига мувофиқлаштириб, бир неча босқичда тақдим қилинган. Биринчи босқичда эътибор ғазални аруз қоидаларига мувофиқ тўғри ўқишга қаратилган бўлиб, аввал ғазал матни тўлиқ келтирилган, кейин ғазалнинг ҳижо, рукн, вазн ва баҳрини ўзида акс эттирган тақтеъси намуна сифатида берилган. Иккинчи босқичда ғазалдаги тушунилиши қийин сўзларнинг луғати тузилган. Учинчи босқичда ғазалнинг насрий баёни акс этган. Тўртинчи босқичда насрий баён кенгроқ шарҳланган. Китобга кирган ҳар бир ғазал шу тартибда таҳлил қилинган.

Навоий ғазалларини ўрганиш бўйича тақдим қилинган бу методик қолип илмий-фундаментал шарҳлар учун торлик қилса ҳам, навоийшуносликнинг дастлабки босқичида бемалол қўллаш мумкин бўлган муваффақиятли тажрибадир.

Илмий-фундаментал шарҳда талқинлар матн воқелигидан узилмаган ҳолда кенгайиб боради. Бу узлуксиз кенгайиш шу даражага етадики, битта ғазал, битта байт шарҳи матн ташқарисидаги ҳудудсиз оламни матн ичига сиғдиради, матн воқелиги бутун оламни қамраб олади.

Шу ўринда, "Ашрақат..." деб бошланувчи ғазал шарҳининг янгича талқинини алоҳида таъкидлашимиз зарур[2]. Мазкур ишда тадқиқотчи А.Қозихўжаев Навоийнинг битта ғазалини шарҳлаш мисолида ҳам энига, ҳам бўйига чексизликлар қадар кенгайиб борувчи кўп сатҳли матн майдонини қамраб олишга уринган. Ҳаракат балоғат фани таркибига кирувчи маоний ва баён илми қоидалари асосида олиб борилгани учун бутун тадқиқ жараёнида мақсаднинг аниқлиги сақланган. Айни хусусият услубнинг равонлигини таъминлаган, тадқиқотнинг жозиба кучини оширган. А.Қозихўжаев, гарчи лаҳза деб номланса ҳам, аввалу охирни ўзида жамлаган улкан воқелик шарҳига киришар экан, баҳс жараёнида балоғат илмининг минг йиллар олдин тан олинган Юсуф Саккокий, Абдураҳмон Қазвинийдек алломаларини ўз илмий далиллари билан бугунги ўқувчига юзма-юз қилади. Шориҳ барча замону маконларни ўзида жамлаган ғазал воқелигини кузата бошлайди. Мисралардаги сўзлар, жумлалар ортига яширин маънолардан таралаётган овозларга қулоқ тутади, овоз эгаларини бир-бир ажратиб, маоний илми истилоҳлари билан уларга ном

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 5-том, Т.: "Фан", 522-бет
2. Қозихўжаев А. Ғазалнинг серовоз олами // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 2009, 4 декабр, № 49. –Б.4-6.

беради. Хаёлий воқеликдаги ҳолатлар индивидлашиб боради. Лирик қаҳрамон, номаълум шахс, ва муаллифдан иборат йиғинда энди шориҳнинг иштироки ҳам сезила бошлайди, байтлар аро мулоқот жонланади.

Адабиётшунос олим У.Жўрақуловнинг Навоий "Хамса"сида хронотоп поэтикаси масаласини ўрганишга бағишланган қатор тадқиқотларида ҳам таҳлил равиши босқичма-босқич изчиллик билан матн ичкарисига йўналтирилганини кузатиш мумкин. Тадқиқотчи "Хамса"ни ўрганар экан, байтларда ўрнашган ҳар бир сўз, сўзлар ифодалаган ҳолат, ҳолатлардан таркиб топган маъно қадар матнга яқинлашади. Тадқиқ тизими айни асосга қурилгани учун ҳам тадқиқотда мақсад қилинган жанр, композиция, сюжет, образ каби поэтик унсурларини комплекс ўрганиш масаласи, назарий йўналишдаги аксар ишларда бўлганидек, матн воқелигидан ташқаридаги ҳодисага айланиб қолмаган. Балки матн ичра ёйилиб илдиз отган таҳлилу талқинлардан содда ва аниқ назарий хулосалар ўсиб чиққан, тақдим қилинган.

Қачонки талқин матндан узилар экан, матндан ташқарида алоҳида муаммо пайдо бўлади. Муаммо эса тек қўйиб қўйиш учун юзага чиқмайди, уни ҳал қилиш керак. Матнга мутлоқ алоқаси бўлмаган бу муаммога шўнғиш жараёнида яна бошқа муаммоларга дуч келинади. Илдизи матндан узилган бу жараёнга "назариябозлик" деган ном роса мувофиқ тушади. Баъзан бундай "назариябозлик"лар мумтоз адабиёт матнларини тасаввуф тушунчалари билан изоҳлашга уриниб, эплай олмаган ўринларда яққол кўринади. Ҳис қилинмаган ҳақиқат тўла англанган ҳисобланмайди. Ҳис қилиш учун эса шу ҳақиқатнинг ичида яшаш керак. Тасаввуф руҳий покланиш қоидаларини ўзида жамлаган илмдир. Бу илмнинг аввали "Насойимул муҳаббат" китобида Хожа Абдуллоҳ Ансорий тилидан шундай баён қилинган: "Ҳар нимадин бир миқдорни олсалар, бир миқдори қолур, шариатдин ўзгаки, бир миқдори андин кам бўлса, ҳеч нима қолмас".[1] Демак тасаввуфда мутахассис бўлиш учун китоблардан ўқиб орттирилган маълумот камлик қилади. Муайян соҳада мутахассис бўлмаган киши у соҳани тушунтиришга ҳаракат қилса, фақат чалғитади, балки тингловчи ё ўқувчини изидан эргаштириб, боши берк кўчага олиб кириб қўяди.

Юқорида айтилганлардан маълум бўлдики, Навоийни англашимиз учун, аввало, Навоий билган нарсалардан асос эътибори билан хабардор бўлишимиз, қолаверса, матнга яқинлаштирадиган томонга қараб юришимиз лозим бўлади.

НАВОИЙ ДЕВОНЛАРИНИНГ ҚЎҚОН ҚЎЛЁЗМАЛАРИ ВА УЛАРНИНГ МАТНИГА ДОИР

Отабек Жўрабоев
(ТошДУТАУ, Адабиёт музейи)

Агар ҳазрат Алишер Навоий асарларининг кўчирилиш муддати ва жойига кўра эътибор қилинса ҳозирги Ўзбекистон худуди ва асосан XVI– XIX асрларга мансуб ёзма ёдгорликлар катта ўринни эгаллайди. Ўрта Осиё хонликлари марказларида Навоий асарларига бўлган эътиборнинг ортганлиги уларда кўчирилган Навоий асарлари кўпайганидан ҳам маълум бўлади. Мисол учун, собиқ Қўлёзмалар институти фондида сақланувчи кўчирилиш таърихлари кўрсатилмаган 62 та Навоий асарлари қўлёзмасидан 52 тасининг палеографик хусусиятларига кўра аниқланган тахминий даври айнан XIX асрдир[2] . Жумладан, Навоий асарларининг XVIII–XIX асрлардаги энг нодир нусхалари ўз даврининг маданият ва адабиёт марказларидан бўлмиш – Қўқон шаҳрида ҳам кўчирилган. Бу қўлёзмалар Навоий асарларининг катта ҳажмли куллиётларидан тортиб айрим кичик асарларигача ўз ичига олган манбалардир. Ҳатто, мазкур қўлёзмалар ичида хаттотликнинг юқори намунаси бўлган китобат санъатининг гўзал ўрнаклари ҳам мавжуд. Қуйида улардан фақат Навоий девонларигагина тўхталмоқчимиз.

1. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами, 17-том, Т., "Фан", 16-бет.
2. М.Ҳакимов. Навоий асарлари қўлёзмаларининг тавсифи. Тошкент: Фан, 1983. 194-бет.

Қўқонда китобат қилинган Навоий девонларининг, ҳозирча фанга маълум, энг қадим нусхаси бу – мулла Абдунабихон қози томонидан ҳижрий 1197 (милодий 1783) йилда кўчирилган “Терма девон”дир.[1]

Энди, XX аср бошларига қадар кўчириб келинган мазкур девонларнинг манба сифатидаги хусусан, матн нуқтаи назаридан аҳамиятли жиҳатлари қуйидагиларда кўринади:

1. Бир ярим асрга яқин муддат давомида Қўқонда Амир Алишер Навоий девонларининг юзга яқин қўлёзма нусхалари кўчирилган (бу адад фақат бизга маълум давлат фондларидаги манбалар миқдорига кўрадир);

2. Қўқон хонлари томонидан Навоий асарлари, жумладан, девонларининг кўчирилиб кўпайтирилиши ва тарқатилиши махсус фармонлар билан қўллаб-қувватланган. Бу хонлар Ўрта Осиёдаги бошқа ҳукмдорлардан фарқли ўлароқ ўз шажараларини темурийларга боғлаганлар (Олтин бешик воқеаси). Бу эса сиёсий, ғоявий-маънавий ва ниҳоят, ҳуқуқий жиҳатдан давлат бошқарувининг (легитимация) асоси эди. Бунинг учун, энг аввало, темурийлар даври маданий ва маърифий ҳаётига тақлидан иш юритилди. Хусусан, Амир Умархон (1787-1822) ва унинг ўғли Муҳаммадалихон (1808-1842) Султон Ҳусайн Бойқаро даври маданий ҳаётини ўрнак қилиб олганлар. Албатта, бунда биринчи галда адабий манбалар бош вазифалардан бирини бажарган, дейишга қўйидаги далиллар асос бўлади. Аввало, Навоий девонлари кутубхоналар, элчилик совғалари ва мамлакат бўйлаб тарқатиш учун махсус кўчиртирилган. Мисол учун, Умархон ҳ.1234 (м.1818-19) йилда Навоий, Лутфий, Фузулий ва ўз девонини бир муқовада жамлатиб, “Муҳаббатнома” дея номлаган. Бу нодир манба хаттотлик ва китобат санъатининг энг юқори даражасида, гўзал ва бетакрор қилиб кўчирилган ва безалган. Шуниси эътиборлики, Умархон унга Навоийнинг бирор алоҳида ёхуд интихоб (танлаб олинган-терма) девонини эмас, айнан “Хазойинул-маоний”ни тўлиқ киритган.[2] Усмонли-турк императори Султон Маҳмуд II га (1808-1839) совға сифатида йўлланган[3] бу муҳташам қўлёзма ҳозирда Истанбул университети кутубхонасида сақланади.

Ёки, Муҳаммадалихон буйруғи билан Навоий, Фузулий ва ўз шеърлари ўрин олган безакли мажмуа дебочасида таъкидланади:

“...Ва бу султони олиқадрнинг (Муҳаммадалихоннинг) муборак хотириға барча мусаннифотлардин девонлариким алфози туркий билан тасниф тобган бўлса марғуброқ эди. Ва бу навъ девонлардин хусусан мусаннифоти жаноби Амири кабир ҳазрат Амир Алишер жаннатмасир ва девони донои аржуманд Фузулии хирадманд маҳбуброқ эди...”[4]

Англашиладики, Муҳаммадалихон ҳам Навоий ижодиётига катта эътибор қаратган, ҳатто кенг миқёсда тарғиб ҳам этган. Бунинг исботи эса, 1838 йилда унинг махсус фармойиши билан “Хазойинул-маоний” 300 нусхада кўчиртирилиб хонликнинг турли шаҳарларига жўнатилганидир. Ана шу девон нусхаларидан айрим намуналар қўлёзма фондларимизда сақланиб қолган.[5]

3. Қўқонда Шарқ мумтоз хаттотлик анъаналари муваффақиятли давом эттирган хаттотлик мактаби шаклланиб деярли бир ярим аср ўз фаолиятини давом эттирган; Навоий асарлари, жумладан, девонларини ҳуснихат билан кўчирган ўнлаб хаттотларнинг номи маълум.[6]

---

1. Беруний номидаги ШҚМ, Ҳ.Сулаймон бўлими, 1048 рақамли қўлёзма.

2. Бу ҳақда *қаранг:* О.Жўрабоев. “Хазойинул-маоний”нинг бир шоҳона қўлёзмаси ва унинг матний хусусиятлари // Адабиёт кўзгуси. №12. Тошкент, 2011. 10-17-бетлар.

3. Бу ҳақда илк бора Миён Бузрук Солиҳов хабар берган (Örta Osiyo ve özbek adabiyoti tarihiga umumiy qaraş. 1-qism. Toşkent, 1930. 59-60-betlar). Яна: А.Эркинов. Ноёб қўлёзма изидан // Moziydan sado. 2009. №4. 20-21-бетлар.

4. Россия ФАШИ С.Петербург бўлими қўлёзмалар фонди. D400 рақамли қўлёзма, 3^{a-6} варақлар.

5. Мисол учун, ШҚМ фонди 1230, 1709, 7409, 7864 ва шу фонд Ҳ.Сулаймон бўлими 1261 рақамли қўлёзмалар.

6. Бизнинг ҳисобимизга кўра улар – Мулло Абдунабихон қози, Мулло Азиз ибн Мулло Жоруб, Авазберди ибн Тилов Муҳаммад Бешариқий, Мулло Рўзи котиб, Мирзо Муҳаммад Назар, Турсун Муҳаммад, Мирзо Раҳимқул, Муҳаммад Юсуф, Бобо Мир Мирзо, Абдулғаффор Хўқандий, Мирзо Али Хўқандий, Муҳаммад Шариф Дабир, Мулло Саримсоқ Хўқандий, Мулло Муҳаммад ибн Мулло Ашур Муҳаммад Хўқандий, Мулло Муҳаммад Юсуф ибн уста Қаландар, Муҳаммад Тоҳир ибн Мулло Тангриберди, Ниёз Муҳаммад, Абулғозихожа ибн Тўрахожа Ҳусайний Хўқандий, Мулло Исмоилхожа ибн Муҳаммад Шарифхожа, Каримжон ибн Раҳимжон, Муҳаммад

4. Навоий девонларининг энг ишончли, ҳатто шоир тириклик вақтида кўчирилган ноёб қўлёзма нусхалари Қўқонда хусусан хонлар кутубхонасида сақланган. Бу эса Навоий асарлари улар наздида юксак эътиборга сазовор бўлиб, уларнинг энг нодир нусхалари хазинанинг безаги сифатида ардоқланганига далилдир. Мисол учун, Умархон кутубхонасида Навоий ҳаётлик даврига доир қўлёзмалар ҳам мавжуд эди. Ҳиротда ҳ.898 (м.1492-93) йил Султонали Машҳадий кўчирган Навоийнинг бир "Терма девон"нинг 2а варағида Амир Умархоннинг муҳри борлиги бу фикрни тасдиқлайди. Унда шундай ёзилган: "*Амир-ал-муслимин Саййид Муҳаммад Умар ибн Норбўтахон*" (Буни илк бора А.Семёнов кўрсатган[1]) Бу қўлёзма жуда гўзал ҳуснихат билан кўчирилган, зийнатли, нодир нусха ҳисобланади[2].

5. Хонлар томонидан ишончли қўлёзмалар асосида кўчиртирилган қўлёзма девонлар ўз зийнати, нақшлари, хаттий тартиби, ҳуснихат ва бошқа палеографик жиҳатлари билан Шарқ китобат санъатининг юксак намунасидир (мисол учун: Умархон буйруғи билан 1818-19 йилда кўчиртирилган "Муҳаббатнома"; 1834 йил Муҳаммадалихон буйруғи билан Муҳаммад Шариф Дабир кўчирган тилла сув юргизилган, шерозали девон қўлёзмаси).

6. Навоий девонлари куллиёт таркибида (қўлёзма №526), "Хазойин-ул-маоний" ҳолида (қўлёзмалар №143, 312, 1261, 2677/1) ва алоҳида девонлар (қўлёзмалар №941/11, 1048, 1498/1, 253, 232, 2030) ҳолида Қўқонда кўчирилган;

7. Шоир девонларининг Қўқон нусхалари ўзининг ишончли матнга эга эканлиги эса Навоий асарларининг замонавий нашрлари билан қиёсан солиштирилганда маълум бўлади.

Фикримиз исботи учун, "Ғаройиб-ус-сиғар"нинг биринчи ғазалини юқорида таъкидланган "Муҳаббатнома" таркибидаги "Хазойин-ул-маоний" матни билан қиёсланган ўрнакларга тўхталсак.

Ушбу мажмуа матнини кўплаб эътиборли нусхалар, жумладан, проф. Ҳ.Сулаймон илмий-танқидий матни учун асос қилиб олинган айрим қўлёзмалар билан солиштирганимизда, саҳифаларда фарқлиликлар йўқ. Деярли, ҳамон-ҳамон бир хил.

Масалан, "Ғаройиб ус-сиғар"га кирган 1-ғазални "Бадоеъ-ул-бидоя"нинг ҳ.887 / м.1482 йил кўчирилган илк нусхаси[3], ҳ.889 / м.1484 йил кўчирилган иккинчи нусхаси[4] ва ҳ.891 / м.1486 йил кўчирилган учинчи нусхасини[5] юқорида таъкидланган Султонали Машҳадий кўчирган "Терма девон" (1б-2а варақлар), "Хазойинул-маоний"нинг ҳ.904 / м. 1498 йил кўчирилган[6], ҳ.915 / м.1509 йил кўчирилган[7] ва яна бир XVI аср қўлёзма[8] нусхалари билан қиёслаганимизда биргина 4-байтдаги *"нисор"* сўзи ўрнига *"эрур"* келганини кўрдик, холос. Бошқа фарқ йўқ.

Аммо баъзи шеърларда эса фарқлар бир неча ўринларда учрайди. Мисол учун, "Фавойидул-кибар"нинг 29, 30 ва 31-соқийномаларини Ҳ.Сулаймон нашри[9] ва "Муҳаббатнома" (348б-349а варақлар)даги матн билан қиёсланганда матний фарқлар ўттиз ўринда мавжудлиги кўринди. Айтайлик, *"масжидға"-"беҳадға", "олиғаким"-"оллидаким", "жинс"-"жуз", "дўстлиғе"-"дўстлуғни"* каби сўзларнинг ёзилишида.

Ёки яна,

Нашрда:	*Яна бири наъмазани соҳибҳол...*
"Муҳаббатнома"да:	*Яна бири нағмазан соҳиби ҳол...*

Хўқандий, Мулло Мирайюб ибн домла Мирсаид Шариф Масиҳойи, Сулаймонқул Суярқул ўғли Рожий Хўқандий, Юнусжон Дадамуҳаммад ўғли Оғалиқ Хўқандий, Носиржонҳожи Хўқандий.

1. А.А.Семёнов. Описание рукописей произведений Навои хранящихся в государственной публичной библиотеке УзССР. Ташкент: Гостехиздат, 1940, стр.27.

2. *Қаранг:* ШҚМ фонди, 790-рақамли қўлёзма.

3. Британия музейи кутубхонаси. 401-рақамли қўлёзма, 1б варақ.

4. Озарбайжон ФА Қўлёзмалар институти фонди. 3010-рақамли қўлёзма, 1б варақ.

5. Ўзбек тили ва адабиёт музейи фонди. 216-рақамли қўлёзма, 2б варақ.

6. Россия ФАШИ С.Петербург бўлими қўлёзмалар фонди. 55-рақамли қўлёзма, 1б варақ.

7. Оксфорд, Бодлеан кутубхонаси. 283-рақамли қўлёзма, 1б варақ.

8. Россия ФАШИ С.Петербург бўлими қўлёзмалар фонди. 58-рақамил қўлёзма, 2б варақ.

9. Алишер Навоий. Хазойин-ул-маоний. Фавойид-ул-кибар. Тошкент, 1960. 716-720-бетлар.

Нашрда: *Ҳар бири ўз торида бешибҳу назир...*
“Муҳаббатнома”да: *Ҳар бири ўз таврида бешубҳа назир...*

Нашрда: *Бир шафиъидуру ул пок сифот,*
Ким муаммода чиқармишдур от...

“Муҳаббатнома”да: *Бири Шақиқийки дурур поксифот*
Ки, муаммода чиқармишдур от...

Мазкур қиёслардан ҳам кўриниб турибдики, “Хазойин-ул-маоний”нинг “Муҳаббатнома” таркибидаги нусхасининг матни ҳам анча пухта ва ишончлидир.

Маълум бўладики, Навоий девонларининг Қўқон нусхалари шоир асарларининг келгуси замонавий нашрларига ҳам муносиб манба бўла олиши мумкин экан. Улар, аввало, нодир қўлёзма манба сифатида, сўнгра шоир шеъриятининг матни борасидаги тадқиқотларда ва матний такомил даражаларини кўрсатишда муҳим бўлиб, илмий қимматга эгадир.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ «НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ» АСАРИДАГИ ТАСАВВУФ ТЕРМИНЛАРИНИНГ ЛЕКСИК-СЕМАНТИК ТАСНИФИ

Авазбек Воҳидов
(ТДШИ)

Тасаввуф маданий-ижтимоий ҳодиса сифатида Марказий Осиё халқлари маданий ҳаётининг барча қатламларига кириб борган. Ўз даврида ислом дини таркибида шаклланган тасаввуф адабиётда ҳам ўзига муносиб ўрин топди. Қайд этиш лозимки, тасаввуф адабиёти намуналарини тушуниш, шарҳлаш ва тўғри талқин этишни бевосита филология ва тарих фанларининг ўзаро ҳамкорлиги асосидагина амалга ошириш мумкин.

Тасаввуф адабиётида рамзий ифодалар ва иборалар ортига яширинган ҳолда бадиий асарларда айтиш мумкин бўлмаган нарсалар ҳақида бошқа усуллар ёрдамида сўз юритиш имконияти пайдо бўлди. “Қандайдир илғаб ва тавсифлаб бўлмас сир-асрорлар билан боғлиқ бўлган ирфоний билим ва тажрибаларнинг иррационал характеридан келиб чиқиб, уларни ифодалаш учун кўпроқ ишоралар ва рамзлар тили, назмий эмоционал таъсирга эга сўз тўғри келади”.[1] Сўфийлар ўз асарлари ва ҳатто кундалик мулоқотларида ҳам тасаввуфдан хабари бўлмаганлар тушуниши мушкул, баъзида эса ўзига хос мураккаб лексик қатламдан фойдалана бориб, бу ижод турини махсус санъат даражасига кўтара олдилар. Ўз-ўзидан маълумки, тасаввуфий луғат бирликлари ана шундай ижод намуналари, хонақоҳлардаги хослар суҳбатлари, тасаввуфий рисолалар орқали аста-секин ўз қўлланишининг ҳудудий чегараларини кенгайтира бошлади.

Тасаввуф лексикаси Марказий Осиё халқлари адабий тиллари таркибига IX-X асрлардан бошлаб кира бошлаган ва бу жараён, асосан, арабий ўзлашмалар пластининг миллий тиллар луғат таркибидан фаол ўрин олгани билан изоҳланади. Бу жараёнда араб ва маҳаллий халқлар тилларининг ўзаро муносабатларини кузатиш мумкин ва араб тилининг айни тилларга таъсири, асосан, лексикада акс этади. Тасаввуфий лексиканинг шаклланиши ва ривожланиши қўйидагича амалга ошган: аввал адабий тилга Қуръони карим ва ҳадислардан олинган арабий ўзлашмалар, сўнгра эса диний-ирфоний тафаккурга тегишли араб-форс лексемалари кира бошлаган. Кейинчалик бундай ўзлашмаларнинг чегаралари адабий тилда кенгая бориб, натижада тасаввуфий тушунчаларни ифодаловчи муайян лексик қатлам шаклланган.

1. Фильштинский И.М. Поэзия как форма самовыражения арабо-мусульманских мистиков // Суфизм в контексте мусульманской культуры. – М.: Наука, 1989. – С. 223. (бу ерда ва бошқа рус тилидаги асарларда илгари сурилган фикрлар таржимаси бизники).

Тасаввуф адабиёти Марказий Осиё халқлари адабий тилларининг кейинги тараққиётида ҳам муҳим роль ўйнади. Арабча тасаввуф терминлари ва рамзларининг ўзлашиши адабий тилларнинг луғат таркибини анча бойитди. Тасаввуф адабиёти луғат таркибини лексик регенерация, рамзий трансформация ва сўзларга семантик-стилистик қўшимча маънолар юклаш орқали бойитиш учун ҳам имкониятлар яратди ва шу асосда адабий тил семантик майдон йўналишларини кенгайтирди. Сўфийларнинг дунё лаззатлари ва ҳою ҳавасларидан ўзларини тийишлари тасаввуф адабиётининг тилида ҳам акс этган бўлиб, бу адабиёт адабий тилларни айрим "ибосиз" ва "бузилган" ифода шаклларидан чегаралай олди.

Юқорида қайд этилганидек, сўз ўзлаштириш адабий тилларда тасаввуфий лексика шаклланишининг асосий усулларидан бири ҳисобланади. Маълумки, адабий тилга аввал ислом таълимотига оид сўзлар, кейинроқ эса тасаввуф терминлари ва рамзлари ўзлаша бошлаган. Тасаввуф адабиётидаги бундай ўзлашмалар қатламини терминлар, онимлар ва рамзий сўзлар, шунингдек, Қуръони карим ҳамда ҳадислардан олинган афоризм, фразеологизмлар ва бошқа иборалар гуруҳларига тақсимлаш мумкин.

Зикр этилган ҳолатларнинг муаяйн асар, яъни улуғ шоир ва мутафаккир Алишер Навоийнинг "Насойим ул-муҳаббат"[1] асарида намоён бўлиши ҳамда асарда қўлланган тасаввуф терминларининг лексик-семантик ҳолатига назар ташлайлик. Маълумки, "Насойим ул-муҳаббат" Абдураҳмон Жомийнинг "Нафаҳот ул-унс" асари[2] асосида яратилган. Жомий тасаввуф таълимотининг тарихи, тариқатлар, буюк сўфийлар ва умуман, тасаввуфнинг ижтимоий, сиёсий ва маданий ҳаёт ҳодисаларга таъсири билан мунтазам қизиқиб борган ва Алишер Навоийнинг илтимосига кўра бу асарини жуда қисқа муддатда ёзиб тугатган. "Нафаҳот ул-унс" асари тез машҳур бўлиб кетишининг сабаби асарда тасаввуф таълимоти вакиллари, шунингдек, Саъдий Шерозий, Ҳофиз, Ҳусрав Деҳлавий каби Шарқ мумтоз адабиёти намояндаларининг ҳаёти, фаолияти ва ижоди ҳақида кенг маълумотлар берилганида эди. Аммо туркигўй ўқувчилар асардан фойдаланишда муайян қийинчиликларга дуч келиб, тегишли маълумотларни аниқ тушуниш имкониятлари чекланиб қоларди. Алишер Навоий устозининг асарини Фаридиддин Аттор, Шайх Фарид Шакарганж каби тасаввууф адабиётининг кўзга кўринган вакилларининг асарларидан олинган қўшимча маълумотлар билан бойитади ва унга "Насойим ул-муҳаббат мин шамойим ул-футувват" ("Улуғлик хушбўйликларини таратувчи севги шаббодалари") деган ном қўяди.

"Насойим ул-муҳаббат" асари[3] Муқаддима ва 770 шайх ва сўфийлар ҳаётига оид маълумотларни ўзида жамлаган илмий асар сифатида эътироф этилиши керак. Зеро, Ҳазрат Навоий асар муқаддимасидаги изоҳларда ҳам, ҳар бир шайх тавсифига бағишланган мақолаларда ҳам тасаввуф таълимоти, сўфийлар мақомлари, тариқатлар ва қатор бошқа масалаларга оид аниқ ва далилли маълумотларни ўқувчиларга тақдим этган. "Насойим ул-муҳаббат"да араб ва форс тилларидан ўзлашган тасаввуф терминлари билан боғлиқ бўлган 900 дан ортиқ лексик бирликлар ишлатилган. Бевосита араб тилидан ўзлашган лексемалар тахминан 80% ни ташкил этади. Бундай катта лексик қатламни тўла қамраб олиш бир мақола доирасида мумкин бўлмаганини назарда тутиб, диққатимизни кенг истеъмолда бўлган, тасаввуфдан озми-кўпми хабардор бўлганлар бемалол тушунадиган фаол ўзлашма терминлар гуруҳи билан чеклаймиз.

Бундай ўзлашма терминлар гуруҳига ***сўфий*** **– صوفی,** ***мурид*** **– مرید ,** ***хирқа*** **– خرقه,** ***бақо*** **– بقا ,** ***васл*** **– وصل ,** ***зоҳид*** **– زاهد ,** ***муҳаббат*** **– محبت ,** ***сабр*** **– صبر ,** ***тавба*** **– توبه ,** ***тариқат*** **– تریقت ,** ***хирқа*** **– خرقه,** ***фано*** **– فنا ,** ***фақр*** **– فقر,** ***яқийн*** **– یقین ,** ***қурб*** **– قرب ,** ***ҳақиқат*** **– حقیقت** ва шу каби терминларни киритиш мумкин. Тасаввуф терминлари таркибига, шунингдек, диний мазмундаги терминларни ҳам киритиш мумкин, чунки тасаввуф адабиёти намуналарида уларнинг барчаси ирфоний коннотацияга эга бўлади.

Тасаввуф терминлари тасаввуфий лексикага оид сўзларнинг бошқа гуруҳларидан нафақат ўзининг бир маъноли сўз сифатида ишлатилиши билан фарқ қилади, балки улар эмоционал бўёқлар-

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат / Мукаммал асарлар тўплами/. 17-том. - Т.: Фан, 2001. - 520 с.

2. نفحات الانس من حضرات القدس. عبد الرحمن جامی . . تهران: انتشارات اطلاعات ۱۳۷۰

3. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. II том. XV асрнинг иккинчи ярми. –Т.: Фан, 1977. -449-453 с.

дан ҳам ҳоли бўлади. Лексик-семантик хусусиятларидан келиб чиқиб тасаввуф терминларини икки гуруҳга бўлиш мумкин:

А. Лексик терминлар – контекст таркибида ҳам, ундан ташқарида ҳам ўзининг терминологик мазмуни ва бирмаънолилигини сақлаб қолувчи сўз–терминлардир: ***сўфий, зоҳид, мурид, хирқа*** ва б. Терминларнинг кенгайтирилган таъриф ва тавсифларига[1] диққатимизни қаратиб, бунинг тасдиғини кўришимиз мумкин:

Сўфий – **صوفی** – тасаввуф йўлига кирган, тариқат одоб-арконларига риоя қилган, фоний дунёнинг ғам ва муаммоларидан устун, тафаккурнинг сатҳи фалаклар қадар қамровли, калбида маънолар булоғи қайнаб турган комил инсон, халқ эъзозлаган азиз авлиё, илоҳий нафасли киши, дам (нафас) билан топган нарсасига қадам билан юриб эришган, яъни айн ул-яқин рутбасидан илм ул-яқинга тараққий этган валий инсондир[2].

*Киши мураққаъ ва сажжода била **сўфий** бўлмағай*[3].

Зоҳид – **زاهد** - дунёвий ишлардан юз ўгириб, тоат-ибодат билан машғул бўлган шахс.

***Зоҳид**лар суратида, эгнида хирқа ва кифтида сажжода ва бир гўшада ўлтирур* [4].

*Аммо баъзоят зийрак ва закий ва **зоҳид** ва муттақий киши эрмиш* [5].

Мурид - **مرید** - талаб этувчи, истовчи, пирга қўл бериб, тариқатга кирган, камолотга эришишни ният қилган, комил шайхга боғланиб, унга байъат қилган (қўл берган) солик.

*Хожа Юсуф Хамадоний **мурид**ларидандур* [6].

Хирқа – **خرقه** - шайх ва дарвишларнинг махсус устки кийими. Тасаввуфий истилоҳда мурший билан мурид ўртасида алоқа ўрнатилиши, мурийднинг нафси билан ўзи орасидаги муршиднинг ҳукмронлигини қабул айлашидир. Тариқатга янги кирганлар қора хирқа кийганлар. Маълум бир даражага эришган солик мовийранг, сулукни охирига етказганлар оқ рангли хирқа кийганлар.

*Бири **хирқа** била, иккинчи, зикр талқини била ва учунчи, хизмат ва суҳбат ва анинг одоби била* [7].

*Аммо Абу-Муҳаммад Аҳмад Асвад Динаварийдан **хирқа** кийибтур*[8].

Б. Контекстуал терминлар – ўз терминологик майдонидагина аниқлиқ ва бирмаънолилик касб этадиган, ундан ташқарида эса одатда термин характерини йўқотадиган терминлар: ***сабр, бақо, фано, ишқ, лутф*** ва б.

Таърифларда бу гуруҳга оид терминларнинг айнан тасаввуфдаги маъно ифодасига(*ўқувчига қулай бўлиши учун мақоламизда уларни курсив билан ажратиб кўрсатдик*) қай даражада изоҳлар берилишига диққат қилайлик:

Сабр - **صبر** – чидам, бардош, тоқат, қаноатдаги устуворлик. Тасаввуфда *соликнинг бошига тушган ҳар бир кийинчиликка чидаши. Ризонинг боши сабрдир. Иймоннинг юксак даражаси Аллоҳнинг ҳукмига сабр қилиш ва тақдирга рози бўлишдир. Сабр илм, ҳол ва амал билан камолга етади.*

*Яна **сабр**дурким, ҳар не ҳақдин юзланса, таҳаммул пеша қилғай ва ҳар бало келса сабр қилғай*[9].

Фано – **فنا** - фонийлик, йўқ бўлиш. Тасаввуфда *бақо сифатининг инъикоси, бақо ўзида барча яхши сифатларни мужассам этиш бўлса, фано - ўзидаги барча ёмон сифатларни йўқ қилиш йўли билан Аллоҳга яқинлашишдир.*

*Бу ҳақир фақр тариқида ва **фано** жоддасида алардек тамом киши оз кўрибмен* [10].

---

1. Терминларнинг умумлашган таърифлари тасаввуфшунослар томонидан мўътабар манбалар сифатида эътироф этилувчи изоҳли луғатлардан олинди (фойдаланилган адабиётлар рўйхатига қаранг)

2. ١٣٧٠ تاعالطا :نارهت . .یمیج نامحرلا دبع یلاعت .سدقلا تارضاخ نم سنا الا تاحفن

3. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат / Мукаммал асарлар тўплами/. 17-том. - Т.: Фан, 2001, 110 с.

4. Ўша асар, 125 с.

5. Ўша асар, 156 с.

6. Ўша асар, 168 с.

7. Ўша асар, 152 с.

8. Ўша асар, 152 с

9. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат / Мукаммал асарлар тўплами/. 17-том. - Т.: Фан, 2001, 72 с.

10. Ўша асар, 162.

Тавба **– توبه** - қилган гуноҳлардан қайтиш, пушаймон бўлиш. Тасаввуфда *Аллоҳ розилигига хилоф бўлган ҳар кандай сўз ва феълдан қайтиш. Сўфийлар тавбани боб ул-абвоб деб билганлар. Тавба дил софлиги билан Аллоҳга қайтишдир. Тавбанинг моҳияти ннсонниинг ўз нуқсонларини кўра билиши, ўз аҳволини англаши, кабиҳ ишлардан қайтишида намоён бўлади. Қўрқув тавбаси, яъни гуноҳларга иқрор бўлиш - оддий кишиларга хос бўлса, сўфийлар тавбаси қалб истижоби (покланиш)дир. Тавба тариқат йўлига кирган соликнинг биринчи мақомидир*[1].

Тавба*ларига сабаб бу бўлғандурки, бир кун атторлиг дўконига муомалаға машғул ва машъуф эмишлар*[2].

Айттики агар Хизр била суҳбат тутсанг, ***тавба*** *ваагар бир кечада Ҳиридан Маккага борсанг, андин ҳам* ***тавба*** *қил* [3].

Бақо **– بقا** – боқийлик, барқарор, абадийлик. Тасаввуфда *Аллоҳнинг сифатларидан бири. Валийнинг Аллоҳнинг боқий дўсти бўлиб қолиш учун ўзидан бутунлай воз кечиши*[4].

Васл **– وصل** – бирикиш, боғланиш, етишиш. Тасаввуфда *Қалбга Аллоҳ нурининг кириши, етиши, эришиш, восил бўлиш. Фано мақомидан кейинги мартаба. Бунда валий Аллоҳдан ўзга барча мавжудотлардан руҳан ажралиб, Аллоҳ васлига етишган бўлади*[5].

Муҳаббат **– محبت** - севги, меҳр, яқинлик, садоқат ҳисси. Тасаввуфда *Диний, маънавий, руҳоний ҳаётниинг уруғи, илдизи, ишқнинг мартабаларидан бири. Муҳаммад (с.а.в.)га эргашиш ва маҳбубни барча нарсадан устун қўйишдир. Муҳаббатнинг ибтидоси ёлғиз Ҳақ билан бўлиш учун нафсни поклашдир. Аллоҳнинг бандасига бўлган муҳаббати уни балолар билан синаши, бандаиинг Аллоҳга бўлган муҳаббати унга таслим ва таъзим қилишидир. Муҳаббатнинг ростлиги маҳбубга итоат қилишликдадир. Муҳаббат -маърифатнинг меваси бўлиб, унинг мақоми қалбда кучли туғённинг кўтарилиши, бетоқат ва безовта бўлиб, барча гўзалликлар манбаи, қудрату нусрат, неъмату роҳат эгаси Аллоҳ томон таллпинишдир. Муҳаббат - қалбнинг истаги, яъни қалбнинг ҳеч бир такаллуфсиз Аллоҳга ва унга тегишли нарсаларга мойил бўлишидир. Муҳаббатнинг камоли бутун қалб билан ишққа асир бўлиш, маҳбубни барча нарсадан афзал кўришдир*[6].

Ишқ **-** عشق – муҳаббат, севги. Тасаввуфда *аввал ҳавасдан бошланиб, висол билан якун топадиган илоҳий ҳис-туйғу. Ошиқ ўз маҳбубини кўргач, уни орзу килади ва қалби безовта бўлади. Бу туйғу кучая бориб, завқ-шавқ уйғотади. Иштиёқ даражасига кўтарилган ишқ муҳаббат мақомига эришади. Бунда маҳбуб учун ўзидан кечган ошиқ жонини беришга тайёр туради, фанога етишади. Бу ҳолат ишқ дейилади. Кимки ишқ билан ўлса, шундай ўлгани маъқул. Ўлим билан тугамаган ишқда хайр йўқдир*[7].

Лутф **-** لطف – яхшилик, марҳамат. Тасаввуфда *Аллоҳнинг бандаларига марҳамати, раҳмдиллиги, карами*[8].

Юқорида зикр этилган барча терминларининг семантик муносабатлари уларнинг систем ва структур муносабатлари орқали аниқланиши мумкин[9].

Ўзлашмаларнинг бошқа гуруҳини онимлар – диний ва тарихий шахслар исмлари, учинчи гу-

1. دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلا خات و نعبیرات عرفانی. تهران: طهوری ۱۳۷۰
Suleyman Uludag. Tasavvuf Terimleri Sozlugu. – Istanbul: Marifet Yayinlari, 1995.
2. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат / Мукаммал асарлар тўплами/. 17-том. - Т.: Фан, 2001, 169 с.
3. Ўша асар, 90 с.
4. دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلا خات و نعبیرات عرفانی. تهران: طهوری ۱۳۷۰
5. دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلا خات و نعبیرات عرفانی. تهران: طهوری ۱۳۷۰
6. دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلا خات و نعبیرات عرفانی. تهران: طهوری ۱۳۷۰
7. دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلا خات و نعبیرات عرفانی. تهران: طهوری ۱۳۷۰
8. دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلا خات و نعبیرات عرفانی. تهران: طهوری ۱۳۷۰
9. Суперанская А.В. и др. Общая терминология. Вопросы теории. – М.: Наука, 1989.

руҳини рамзий сўзлар ва тўртинчи гуруҳини Қуръони карим ва ҳадислардан олинган афоризм, фразеологизм ва мураккаб иборалар ҳамда сўз бирикмалари ташкил этади. Санаб ўтилган гуруҳларга оид ўзлашмаларнинг семантик хусусиятлари кўпроқ назмий асарларда намоён бўлишини назарда тутиб, уларни алоҳида тадқиқот объекти қилиб белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат / Мукаммал асарлар тўплами/. 17-том. - Т.: Фан, 2001. - 520 с.
2. Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати. Тўрт томлик. Э.И. Фозилов таҳрири остида. –Т.: Фан, 1983-1984.
3. Бертельс Е.Э. Суфизм и суфийская литература. – М.: Наука, 1965. -524 с.
4. Ислом тасаввуфи манбалари (Тасаввуф назарияси ва тарихи). Илмий мажмуа. Тузувчи, сўзбоши ва шарҳлар муаллифи Ҳ. Болтабоев. – Т.: Ўқитувчи, 2005. - 399 с.
5. Навоий асарлари луғати. Тузувчилар П.Шамсиев ва С. Иброҳимов. Муҳаррир ф.ф.д., С. Муталлибов. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1972. - 784 с.
6. Суперанская А.В. и др. Общая терминология. Вопросы теории. – М.: Наука, 1989. - 243 с.
7. Фильштинский И.М. Поэзия как форма самовыражения арабо-мусульманских мистиков // Суфизм в контексте мусульманской культуры. –М.: Наука, 1989. – С. 223-238.
8. Ўзбек адабиёти тарихи. Беш томлик. II том. XV асрнинг иккинчи ярми. –Т.: Фан, 1977. -460 с.
9. Suleyman Uludag. Tasavvuf Terimleri Sozlugu. – Istanbul: Marifet Yayinlari, 1995. – 606 с.
10. دکتر سید جعفر سجادی. فرهنگ اصطلا خات و نعبیرات عرفانی. تهران: طهوری ۱۳۷۰
11. نفحات الا نس من خضرات القدس. تالیف عبد الرحمان جامی. . تهران: ا طلاعات ۱۳۷۰

“НАВОДИР УН-НИҲОЯ” ФАҚАТ ҒАЗАЛЛАРДАН ИБОРАТ ДЕВОНМИ?

Дилнавоз Юсупова
(ТошДЎТАУ)

Фанда Алишер Навоийнинг иккинчи расмий девони сифатида маълум бўлган “Наводир ун-ниҳоя” ҳозирги нашрлар, хусусан, 20 жилдлик мукаммал асарлар тўпламида фақат ғазаллардан иборат. Лекин Навоий шеъриятига хос тамойил (принцип)лар ва шоирнинг девон тартиб бериш масалаларига доир қарашларини кузатиш шуни кўрсатадики, шоир девонлар жанр жиҳатдан ранг-баранг, яъни бир неча жанрлардан иборат бўлишини мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаган. “Бадоеъ ул-бидоя”га ёзган дебочасида ғазал поэтикасига доир мулоҳазаларини баён қилгач, ўзи тартиб берган биринчи расмий девони “ҳар навъ шеърдин, масалан, руҳафзо мухаммаслар, барча хамсазийнат; ва равоносо мусаддаслар, барча ситтазийнат; ва муфид рубоиёт, барча латофатомиз; ва нофиъ муқаттаот, барча манфаатангиз; ва дилпазир мустазодлар, барчанинг васфи зойидул-ҳад; ва беназир фардлар, барча лутфу равонликда муфрад; ва номий муаммолар, барчаси от ёшурмоқда сотир; ва киромий луғзлар, барчанинг мабтунлуғи зоҳир; ва мусалсал таржиълар, барча марғуб; ва муътадил туюғлар, барча туркий услуб бу абёт зайлида мухайял ва бу ашъор хайлида музайял” бўлганлигини айтар экан, “Бадоеъ ул-бидоя” ўн бир лирик жанрдан таркиб топганлигига ишора қилади.

“Хазойин ул-маоний”га ёзган дебочасида эса мазкур куллиётни тартиб беришгача бўлган жараёнда икки девон тузганлигини, улардан биринчиси учун фиҳраст, иккинчиси учун махсус дебоча ёзганини айтиб ўтади: *“...Андин сўнгра даги ул жамъу тартибдин бошқа яна ҳар тақриб била ҳар навъ абётким, айтилиб эрдию ҳар навъ ғазалиётким, йиғилиб эрди, ул хаёл шабистонининг дурахшон ахтарларину ул кўнгул махзанининг дурахшон гавҳарларин даги иккинчи девонимдаким, “Наводир ун-ниҳоя”га машҳурдур, рабту тартиб бериб, дебочасинда шарҳ била аиззайи асҳобу ажиллайи аҳбоб хидматларида арз қилиб эрдим*”.

Ушбу қайдлардан маълум бўляптики, шоирнинг иккинчи расмий девони учун дебоча битилган

ва унга турли навъ – жанрлардаги шеърлар киритилган. Ҳамид Сулаймонов Алишер Навоий лирикасининг матний тадқиқига бағишланган диссертациясида “Наводир ун-ниҳоя” девонининг таркиби ҳақида маълумот берар экан, унинг Султонали Машҳадий томонидан Ҳиротда кўчирилган ягона (уникал) қўлёзма нусхаси мавжудлигига эътибор қаратади[1] ва бу нусханинг 628 ғазал, 3 мустазод, 3 таржиъбанд, 5 қитъа, 46 рубоий, 1 луғз, 6 муаммо ва 1 туюқ – жаъми 693 та шеърдан ташкил топганлигини аниқлайди [2]. Олимнинг маълумот беришича, мазкур қўлёзма XV асрда Навоий тириклик пайтида Ҳусайн Бойқаро хазинаси учун кўчирилган. Бу маълумот кейинчалик “Наводир ун-ниҳоя” қўлёзмасининг тил хусусиятлари бўйича тадқиқот олиб борган олима М.Раҳматуллаева томонидан ҳам айтиб ўтилган[3].

“Наводир ун-ниҳоя” девонининг фақат ғазаллардан иборат тарзда нашр қилинганлиги бизда мазкур қўлёзма билан яқиндан танишиш истагини пайдо қилди. Бугунги кунда ТошДШИ ШҚМда 1995 инв. рақам остида сақланаётган ушбу қўлёзма 205 варақдан иборат бўлиб, настаълиқ хатида кўчирилган. Қўлёзма яхши сақланган. Унда Навоий таъкидлаб ўтган дебоча йўқ. Қўлёзманинг 1б–184б саҳифасини ғазаллар ташкил қилади. Девон

Зиҳи зуҳури жамолинг қуёш киби пайдо,
Юзунг қуёшиға зарроти кавн ўлуб шайдо

деган байт билан бошланади.

Ушбу саҳифалар оралиғида, яъни қўлёзманинг ғазаллар қисмида 6 нафис миниатюра ҳам келтирилган. 186б саҳифадан бошлаб бошқа жанрдаги шеърлар алоҳида рангли лавҳа билан бошланади. Қўлёзма таркибидаги жанрларнинг жойлашиш ўрни, миқдори ва саҳифасини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т.р	**Жанр номи**	**Миқдори**	**Ҳажми**	**Саҳифаси**
1.	Ғазал	628		1б -184 б
2.	Мустазод	3	21 байт	186б-188 а
3.	Таржиъбанд	3		188а -198б
4.	Қитъа	5	22 байт	198б -199 б
5.	Рубоий	46	90 байт	199б -204а
6.	Луғз	1	6 байт	204б
7.	Муаммо	6	6 байт	204б -205а
8.	Туюқ	1	2 байт	205а

Қўлёзманинг асосий саҳифасида (ҳошиядаги матнни ҳисобга олмаганда) жами 693 шеър мавжуд бўлиб, ушбу шеърлардан 563 таси янги, 130 таси эса шоирнинг дастлабки расмий девони “Бадоеъ ул-бидоя”га киритилган. Ғазалларнинг шартли миқдори 628 тани ташкил қилади. Қўлёзманинг ҳошия қисми (интерполяция)да яна 18 та ғазал мавжуд бўлиб, улар тахминимизча, қўлёзмага кейинчалик номаълум шахс томонидан киритилган. Ҳ.Сулаймонов ҳам, М.Раҳматуллаева ҳам уларни асосий матндан ташқарида бўлганлиги учун ҳисобга киритмаганлар.

Девон ҳошиясидаги ғазаллар матлаъсини қуйидаги жадвалда кўриш мумкин:

Т.р	**Ғазал матлаъси**	**Саҳифаси**	**Ҳажми**
1.	Ўтқа солғил сарвни ул қадди мавзун бўлмаса, Елга бергил гулни ул рухсори гулгун бўлмаса.	8а	7 байт

1. “Наводир ун ниҳоя”нинг яна бир нусхаси фанга 1966 йилдан кейин маълум бўлди.

2. Х.Сулейманов. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Дисс... на соискание ученой степени доктора филол.наук. В трех томах. Т.1. - Т. - М., 1955-61. – С. 71.

3. Қаранг: М.Раҳматуллаева. Алишер Навоий лирикасида синонимлар масаласи (XV асрда Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган “Наводир ун-ниҳоя” девонининг уникал қўлёзмаси асосида). Филол.фанлари номз... дисс. – Т., 1965.

2.	Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт, Йиғларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.	27а	9 байт
3.	Қосидеким еткурур кўнглумга жонондин хабар, Уйладурким, бергай ўлган жисмға жондин хабар.	46а	7 байт
4.	Дилбаро, сендин бу ғамким менда бордур, кимда бор? Фурқатингдин бу аламким менда бордур, кимда бор?	52а	7 байт
5.	Ул саводи хатмудур ё сабзаи жаннатмудур, Ё қуёш узра ёзилган ояти раҳматмудур?!	53а	7 байт
6.	Яна сенсизин мунисим ғам бўлубтур, Кўзумга юрак қони ҳамдам бўлубтур.	62а	9 байт
7.	Бағримни тиғи ҳажр ила пора қилдилар, То ёр кўйидин мени овора қилдилар.	63а	7 байт
8.	Фиғонки, ёр вафо аҳлиға ситам қиладур, Ниёзу ажз гуноҳиға муттаҳам қиладур.	66а	8 байт
9.	Дахрдин меҳру вафо қилма ҳавас, Элидин ғайри жафо қилма ҳавас.	77а	7 байт
10.	Ҳар кун ақшомғача ҳажрингда менга зорлиғ иш, Кеча тонг отқуча андуҳ ила бедорлиғ иш.	88а	7 байт
11.	Дўстлар, кўнглумни васл уммиди беҳол айламиш, Орзу хайли ҳазин жонимни помол айламиш.	91а	9 байт
12.	Демонким мени ёд этиб шод қил, Бошингдин уюр доғи озод қил.	126а	9 байт
13.	Ул қуёш юзлукни ҳар тун ёд қилмоқдур ишим, Ўз-ўзумга то саҳар бедод қилмоқдур ишим.	136а	9 байт
14.	Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин, Кўнглума ҳар биринг дарди балосннму дейин?!	141а	7 байт
15.	Тирик қолсам гар ўзни базми васлинг ичра солғаймен, Фироқинг шиддатин де олмасам худ йиғлай олғаймен.	148а	9 байт
16.	Муддаийлар бетараҳҳум, ёр бепарво басе, Ҳам алар кўп зулм этарлар, ҳам бу истиғно басе.	169а	9 байт
17.	Истадим ёреки кўнглум дам-бадам шод айлагай, Билмадим жонимға бедод узра бедод айлагай.	176а	7 байт
18.	Эврулай бошингғаю беҳушу ҳайронинг бўлай, Бир замон садқанг бўлай, бир лаҳза қурбонинг бўлай.	181а	7 байт

Кузатишларимиз асосида бу ғазаллар “Наводир ун-ниҳоя”нинг 1966 йили топилган яна бир нусхаси (Қозон нусхаси)да мавжудлиги аниқланди: ушбу нусха Порсо Шамсиев томонидан қўлга киритилган бўлиб, ҳозирда ШИ ШҚМда 11675 инв. рақам остида сақланади. Қўлёзма 1487 йили Ҳиротда, машҳур хаттот Абдулжамил котиб томонидан кўчирилган. Унинг таркибида 840 та ғазал бўлиб, улар жами 149 вараққа жойлаштирилган. Мазкур нусхада ҳам дебоча йўқ. Мукаммал асарлар тўпламининг “Наводир ун-ниҳоя” ўрин олган иккинчи жилди учун шу нусха асос қилиб олинган[1].

1. 80-йилларнинг охирида Навоийшунос Суйима Ғаниева “Наводир ун-ниҳоя”нинг яна бир нусхасини Эроннинг “Кохи Гулистон” музейи фондидан топди ва бу нусха 1991 йили “Навоий дастхати” номи билан эълон қилинди. Олиманинг фикрича, мазкур нусхада шоирнинг муҳри босилган бўлиб, у “Наводир ун-ниҳоя”нинг Навоий кўчирган мусаддава (қоралама) нусхасидир. Девоннинг таркиби ғазаллардан иборат бўлиб, тўлиқ эмас: “коф”

Машҳадий томонидан кўчирилган қўлёзма таркибида ғазалдан ташқари яна 7 жанр борлигини юқорида таъкидлаган эдик. Бу жанрларга мансуб шеърлар замонавий нашрларга киритилмаганлиги боис китобхонда тасаввур пайдо бўлиши учун уларнинг дастлабки байтларини қуйидаги жадвалда келтиришни лозим топдик:

Т. р	**Жанр номи ва дастлабки байти**	**Саҳифаси**	**Ҳажми**
	Мустазодлар		
1.	Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли, мазҳар санга ашё, Сен лутф била кавну макон ичида мавли, олам санга мавло.	186б 187а	7 байт
2.	Дин офати бир муғбачайи моҳликодур, майхораву бебок, Ким ишқидин онинг ваганим дайри фанодур, сармасту ёқам чок.	187б 188а	7 байт
3.	Не вўсмаву не кесмадур ул зулфи сумансой, не ғамзайи жоду, Машшота санга золи фалакдур магар, эй ой, хуршид анга кўзгу.	188а	7 байт
	Таржиъбандлар		
1.	Кетур соқий, ул майки, субҳи аласт Анинг нашъасидин кўнгул эрди маст.	188-192а	100 байт
2.	Жаҳон қасриғадур сув узра бунёд, Чу йўқ бунёди, ондин бўлмағил шод.	192а-196а	103 байт
3.	Эй, кирпики нешу кўзи хунхор, Жонимни неча қилурсен афгор?	196б -198б	56 байт
	Қитъалар		
1.	Фонийи мутлақ ўлмайин солик, Анга йўқтур умиди мақсади кул.	198б	2 байт
2.	Қаноат тариқиға кир, эй кўнгул, Ки хатм ўлғай ойини иззат санга.	198б 199а	11 байт
5.	Илоҳий, ул рақамеким, чекибдурур қаламим, Мин-аш-шарорати ав ғайриҳо фарарту ладайк.	199б	2 байт
	Рубоийлар		
1.	Субҳоналлоҳи холиқи з-ул-мажду ало Ким, андин эрур тўла хало бирла мало.	199б	2 байт
2.	Кўк пўяву сайр ила талабгор санго, Кун сорғорибон ишқда бемор санго.	199б	2 байт
3.	Ё рабки, иноятингни ёр айла манго, Йўқлуққа ҳидоятингни бор айла манго.	200а	2 байт
4.	Шоҳики фалак сори чу майл ўлди анга, Кўк зарфи сочарға нур кайл ўлди анга.	200а	2 байт
5.	Жонимдағи «жим» икки долингға фидо, Андин сўнг «алиф» тоза ниҳолингға фидо,	200а	2 байт
6.	Номангки, эрур боиси иқболу тараб, Еткурса тараб мени ҳазинға не ажаб.	200а	2 байт
7.	Бир айбға гарчи халқ қилғай мансуб, Фақр аҳлидин изтироб эмастур маҳсуб	200аб	2 байт
8.	Су кўзгусини боғ аро айларда шитоб, Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.	200б	2 байт
9.	Гардун уза базм учун мақом айлади тут, Ул базмда хуршидни жом айлади тут.	200б	2 байт
10.	Эй ишқ, анинг кўйида тавфи ҳарам эт, Бизни дағи ул тавфға бошла, карам эт.	200б	2 байт
11.	Чун ханжари ҳажринг манга қатъ этти ҳаёт, Бори ғаму дардинг ўқини тинмайин от.	200б	2 байт
12.	Бўлди менинг ўлмагимга савдо боис, Савдоға ҳавойи жоми саҳбо боис.	200б	1 байт[16]

билан тугалланган ғазаллардан сўнг матн узилиб қолган.

13.	Лаълингни қилиб нуктасаро, эй қоракўз, Ишқ аҳли ҳаётиға яро, эй қоракўз.	201а	2 байт
14.	Ул кўзки, даме бўлмади соғ, эй қоракўз, Қонимдин ичар мудом аёғ, эй қоракўз.	201а	2 байт
15.	Жонбахш лабинг чашмайи ҳайвонму эмас Ҳажридин анинг ичим тўла қонму эмас?	201а	2 байт
16.	Гар ошиқ эсанг, меҳру вафо қилма ҳавас, Дард иставу дафъиға даво қилма ҳавас,	201а	2 байт
17.	Маҳбубқа эътимод қилмоқ бўлмас, Андин талаби мурод қилмоқ бўлмас.	201а	2 байт
18.	Ҳам савмаа кунжи шайхи таррорға бас, Ҳам шайх юзи зоҳиди ҳушёрға бас.	201б	2 байт
19.	Ул дурри саминки, бор эди кўзума ёш, Айларда ажал анга жафо расмини фош.	201б	2 байт
20.	Йиллар тутубон шайх мақолотиға гўш, Не кўнглума завқ етти, не жонима жўш.	201б	2 байт
21.	Соқий, мени хорхордин айла халос, Гул-гул юзунг оч, баҳордин айла халос.	201б	2 байт
22.	Бер жому ол, эй муғбача, жонимни эваз, Қўш тутқилу, ол икки жаҳонимни эваз.	201б	2 байт
23.	Ким истаса салтанат, саходур анга шарт, Ҳар ваъдаки айласа вафодур анга шарт.	202а	2 байт
24.	Бу даврда йўқ сен кеби хушхон ҳофиз, Ҳуффоз аро сарҳалқайи даврон ҳофиз.	202а	2 байт
25.	Ким айласа соқийи гуландом тамаъ, Илгидин анинг соғари гулфом тамаъ.	202а	2 байт
26.	Бердинг манга дайр аро иқомат, эй муғ, Туттунг қадаҳи майи маломат, эй муғ.	202а	2 байт
27.	Номанг етибон топти кўнгул иззу шараф, Ҳар лафзи бўлуб мурод дурриға садаф.	202а	2 байт
28.	Юз меҳнату ғам кўнглума еткурди фироқ, Жонимға балову дард ўқин урди фироқ.	202б	2 байт
29.	Йўқ даҳрда бир бесарусомон мендек, Ўз ҳолиға саргаштаву ҳайрон мендек.	202б	2 байт
30.	Бераҳмдурур оламу золим афлок, Бемеҳрдурур анжуму даврон бебок.	202б	2 байт
31.	Зоҳид сенга, ҳур, манга жонона керак, Жаннат санга бўлсун, манга майхона керак.	202б	2 байт
32.	Гар дилбар эмас малаквашу ҳур хисол, Ондин сўнг улуснинг кўзи кўру тили лол.	202б	2 байт
33.	Муғ дайри сари бугун таманно қилдим, Ул муғбача ҳуснини тамошо қилдим.	203а	2 байт
34.	Ёшунған эмиш қора булутқа моҳим, Гардунни совурмоғлиқ эрур дилхоҳим.	203а	2 байт
35.	Жоҳилки, ҳасад бўлғай анинг жаҳлиға зам, Нур эл кўзидин англаса ўз кўзида кам.	203а	2 байт
36.	Масжидқа неча аҳли риёдек етайин, Ё ринд кеби азимати дайр этайин.	203а	2 байт
37.	Зулфунг гириҳиға пойбаст ўлмишмен, Лаълинг майидин бодапараст ўлмишмен,	203аб	2 байт
38.	Дайр ичра тилаб жоми ҳилолий партав, Сажжода гарав бўлса не тонг, эй раҳрав,	203б	2 байт
39.	Гар қилса киши қилиб гуноҳе, тавба, Ул журмға бўлса узрхоҳи тавба.	203б	2 байт
40.	Ё кошифи асрори ниҳон бўлса киши, Ҳаллоли румузи осмон бўлса киши.	203б	2 байт

41.	Сен худ борасен кўнгулни қайтарғил, ахий, Бедиллиқ ўтидин мени қутқарғил, ахий.	203б	2 байт
42.	Сен борғали ортмиш кўнгул зорлиғи, Оҳ ўқларидин ҳар нафас афгорлиғи.	203б 204а	2 байт
43.	Жонимға етиптурур хумор, эй соқий, Май тутқилу берма интизор, эй соқий.	204а	2 байт
44.	Охир даме умр этса шитоб, эй соқий, Тутқил манга онча майи ноб, эй соқий	204а	2 байт
45.	Ҳар зулф хамиға қилма вобаста мени, Ҳар кўз ҳавасидин этмагил хаста мени.	204а	2 байт
46.	Тил сўз била то қизитти ҳангомамни, Бир ҳам тия олмадим бу худкомамни.	204а	2 байт
	Луғз		
1.	Не лўлидурки, чун ҳангома тутса, Қадам бошдин қилиб тортар навозир.	204б	6 байт
	Муаммолар		
1.	Ёшун, эй гулки, ул гулрух жамоли Эрур ҳам содаву ҳам тоза ҳоли.	204б	1 байт
2.	Кўз учи қоши ёсидур соҳир, Они ёд ол олардин, эй сомир.	204б	1 байт
3.	Қаро эрди кўзум ҳажрингдин, эй моҳ, Яна кўрдум юзунгни шукрилиллоҳ.	204б	1 байт
4.	Гириҳни туррадин то очти моҳим, Паришон қилди филҳол они оҳим.	205а	1 байт
5.	Ҳам қоши бирла орази хуш эрур, Ҳам кўзи бирла қадди дилкаш эрур.	205а	1 байт
6.	Чун ул ойға қул ўлди бу ғамкаш, Қулидин юз ёшурди ул маҳваш.	205а	1 байт
	Туюқ		
1.	Ё раб, ул шаҳду шакар ё лабдурур, Ё магар шаҳду шакар ёлабдурур.	205а	2 байт
	Жами: 65 шеър		

Бу жанрлар таркибини ўрганиш ва уларни аввалги расмий девондаги шеърлар билан қиёслаш қуйидаги натижага олиб келди: ушбу шеърларнинг аксарияти, яъни 65 шеърдан 63 таси “Бадоеъ ул-бидоя”да ҳам мавжуд экан (5-рақам остидаги қитъа ва 4-рубоийдан ташқари). Бу таажжубланарли ҳол албатта, чунки Навоийнинг ХМ дебочасидаги “*ул жамъу тартибдин бошқа (“Бадоеъ* ул-бидоя*” назарда тутиляпти – Д.Ю.) яна ҳар тақриб била ҳар навъ абётким, айтилиб эрдию ҳар навъ ғазалиётким, йиғилиб эрди (*“Наводир ун-ниҳоя” *ҳақида сўз боряпти –* Д.Ю.*)* деган фикрига таянадиган бўлсак, мазкур девондаги турли жанрга мансуб шеърларнинг асосий қисми янги бўлиши керак эди, қолаверса, шоир ижодий лабораториясини ўрганган олимлар унинг “Хазойин ул-маоний”гача бўлган даврдаги шеърияти девондан девонга асосан янгиланиб борганлигини таъкидлайдилар [1].

Биз ҳозирча ушбу ҳолатнинг сабабини аниқлаш имкониятига эга эмасмиз, зеро бу навоийшуносликдаги истиқболдаги вазифалардандир. Биз фақат ушбу жараёндаги илк босқич сифатида мазкур лирик жанрларнинг девонга жойлаштирилиш тартиби ва ҳолатига эътибор қаратмоқчимиз. Девонга ғазаллардан сўнг жойлаштирилган мустазодларнинг миқдори, тартиби ва ҳажми “Бадоеъ ул-бидоя” девони билан бир хил. Таржиъбандлар ҳақида ҳам шу фикрни айтиш мумкин. “Бадоеъ ул-бидоя”да мавжуд 46 қитъадан 4 таси ушбу девонга киритилган, фақат бир қитъа янги. Агар “Илк девон” ва “Оққуюнли мухлислар девони”да қитъа жанридаги шеърлар мавжуд эмаслигини ҳисобга олсак, ушбу қитъанинг ХМ учун ҳам янги эканлиги маълум бўлади. Қўлёзмада рубоийлар

1. Бу ҳақда қаранг: Ё.Исҳоқов. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Т., 1965; А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н.Жумахўжа. – Т., 2015; А.Эркинов. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2012. –№ 1.

сони 46 та, лекин бу шартли кўрсаткич. Чунки қўлёзмада 200-б–бет, яъни 12-рубоийнинг биринчи байти *(Бўлди менинг ўлмагимга савдо боис, Савдоға ҳавойи жоми саҳбо боис)* дан кейин бир варақ узилган ва натижада “жим”, “чим”, “ҳе”, “дол”, “зол”, “ре” ҳарфлари билан тугайдиган рубоийлар тушиб қолган. Буни 200-б–бетнинг пастки қисмидаги пойгир (“саҳбо” сўзи) ҳам тасдиқлайди, чунки ушбу рубоийнинг кейинги байти шу сўз билан бошланиши керак эди. Агар мазкур қўлёзмадаги матн тартибига кўра ҳар бир саҳифада 5 тадан рубоий жойлаштирилганлигини ҳисобга олсак, қўлёзма таркибидан тахминан 10 га яқин рубоий тушиб қолганлиги маълум бўлади. Қўлёзмадан жавоби “Қалам” бўлган бир луғз ҳамда “Ҳамза”, “Зайни ва Зайд”, “Шукруллоҳ”, “Тоҳир”, “Одил” ва “Вали” исмларига битилган 6 муаммо ҳам ўрин олган. Уларнинг барчаси “Бадоеъ ул-бидоя”да ҳам мавжуд. Девон қўлёзмаси туюқ жанри билан интиҳо топади. Сарлавҳада “туюқлар” дейилгани ҳолда негадир фақат бир туюқ келтириб ўтилган.

Ҳ.Сулаймонов Султонали Машҳадийнинг хаттотлик фаолияти ҳақида сўз юритар экан, ушбу котиб “девонларни кўчириш пайтида уларнинг тўлақонли матни сақланишига эътибор қаратмаган, унинг учун хаттотлик санъатининг юксак намунасини кўрсатиш муҳим эди, шу сабабли баъзан у кўчирган қўлёзмаларда дебочаларнинг тушиб қолдирилиши ёки матннинг тўлиқ бўлмаслиги табиий ҳол” деган фикрни билдиради[1].

Юқоридагилар асосида қуйидаги хулосаларга келиш мумкин:

1. Ҳозирги кунда “НН” девонининг ШИ ШҚМ да 1995 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхаси таркибида жами 693 шеър мавжуд бўлиб, улар лирик турнинг 8 жанрида битилган.
2. Шеърларнинг асосий қисми ғазаллардан иборат бўлиб, уларнинг шартли миқдори 628 та, ҳошиядаги ғазаллар ҳам ҳисобга олинса, жами 646 та ғазал борлиги маълум бўлди.
3. Қолган лирик жанрлар жами 65 та бўлиб, уларнинг 63 таси шоирнинг дастлабки расмий девони таркибида ҳам учрайди.
4. ББ даги шеърларнинг НН таркибида ҳам такрорланиши навоийшуносликдаги ечимини кутаётган муаммолардан бири бўлиб, бу ҳолат Навоий ўзи тартиб берган девоннинг мукаммал нусхаси ҳали топилмаганлигини кўрсатади.

Адабиётлар:

1. Алишер Навоий. Наводир ун ниҳоя (қўлёзма). ТошДШИ ШҚМ. Инв.1995.
2. Алишер Навоий. Наводир ун ниҳоя (қўлёзма). ТошДШИ ШҚМ. Инв.11675.
3. Исҳоқов Ё. Алишер Навоийнинг илк лирикаси. – Т., 1965.
4. Эркинов А. Навоийнинг мухлислари томонидан тузилган яна бир девони // Ўзбек тили ва адабиёти. – Т., 2012. –№ 1.
5. А.Ҳайитметов. Навоий лирикаси / Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Н.Жумахўжа. – Т., 2015.
6. Раҳматуллаева М. Алишер Навоий лирикасида синонимлар масаласи (XV асрда Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган “Наводир ун-ниҳоя” девонининг уникал қўлёзмаси асосида). Филол.фанлари номз... дисс. – Т., 1965.
7. Сулейманов Х. Текстологическое исследование лирики Алишера Навои. Дисс... на соискание ученой степени доктора филол.наук. В трех томах. Т.1. - Т. - М., 1955-61.

1. Қаранг: юқоридаги манба. – Б. 72.

II. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ ВА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

АЛИШЕР НАВОИЙ ТАЛҚИНИДА ИНСОН ФАЛСАФАСИ

Шуҳрат Сирожиддинов,
филология фанлари доктори, профессор
ТошДЎТАУ ректори

Инсон ким? Инсон қандай пайдо бўлган? Бу саволлар баъзида оламни идрок этиш, сиру синоатга бой бу дунёнинг ибтидосини англаш учун бир дам хаёлга берилган кишини қийнаб қўйиши табиий.

Тарихга назар ташлайдиган бўлсак, бу саволлар инсоният ақлини таниган илк даврлардан бошлаб ҳозиргача жумбоқ бўлиб, замонавий илмда ҳам мунозаралидир. Материалистлар инсоннинг пайдо бўлиши ва ривожланиши сабабларини табиатдан қидирсалар, илоҳиётчилар уни илоҳий борлиқ билан боғлаганлар. Аммо инсоннинг қандай маънавий қонунлар асосида яшаши масаласида уларнинг хулосаси бир-бирига зид эмас: «инсон ҳамиша маънан ва ақлан баркамол бўлишга, Эзгуликка интилиши даркор». Ушбу мезон барча динлар таълимотида асосий ўринни эгаллайди.

Ортодокс диний таълимотларнинг Комил инсон тушунчасида чекланган тасаввурга эга бўлгани уларнинг бағрида айрим диний - фалсафий оқимларнинг шаклланишига олиб келган. Ҳиндуийликдаги кришнавийлик, буддавийликдаги баъзи оқимлар, исломдаги тасаввуф оқимининг асосий таълимотлари инсон руҳий-маънавий камолотини янада юксак поғоналарга кўтаришга қаратилган. Шу маънода, улар ўртасида ўхшашликлар жуда кўп. Гарчи улар бир-бирларининг тажрибаларидан ижодий фойдаланган бўлсалар-да, диний ақидалари юзасидан улар бир-бирлари билан ҳеч қачон бирлаша олмаганлар. Фақат бир соҳа борки, унинг таълимотида динлар ягоналашган, фалсафалар бирлашган. Инсоннинг асл моҳияти ҳақидаги барча диний-фалсафий қарашлар умумлаштирилган ва уни камол топтирувчи мезонлар белгиланган. Бу – шеъриятдир. Айниқса, тасаввуф шеъриятини, том маънода, юксак ахлоқий фазилатлар тарбиясини тарғиб этувчи универсал диннинг шеърий талқини деса ҳам бўлади. Алишер Навоий ижоди бунинг беназир намунасидир.

Алишер Навоий ижоди ўзигача яратилган барча диний ғоялар, буюк фалсафалар, уларнинг форсий ва туркий шеъриятда акс этган талқинларини ўзида мужассам этган бўлиб, уларни янгича ҳассослик билан қайта тақдим этади. Унинг достон ва ғазалларида акс этган илмий-бадиий, диний-фалсафий тафаккури шу қадар кенгки, баъзи байтлар шарҳи ўқувчидан ниҳоятда кенг билимларга эга бўлишини тақозо этади. Навоий «Хамса»си сўнгида номаълум котиб томонидан ёзиб қолдирилган қуйидаги мисралар диққатга сазовордир:

Навоийки, ул жомеи сирру жаҳр,
Анинг ҳар сўзидур муаммо мисол,
Анго етмагандин хирад нутқи лол.
Жаҳон ганжи ҳар байтидадур ниҳон,
Ки ҳар ганжидадур ниҳон бир жаҳон...[1].

1. 1832 йилда Бухорода кўчирилган.

Навоий таъкидлашича, моддий олам яккаю ёлғиз бўлган Парвардигорнинг ўз тажаллийсини, бетакрор гўзаллиги ва қудрати жилвасини моддиятда кўриш ва унинг жамолидан завқланиш истаги оқибатида яратилган. Қудсий ҳадисда келтирилишича, «Довуд пайғамбар Аллоҳдан бу оламни нега яратганини сўраганида, Аллоҳ: «Мен бир хазина эдим ва маълум бўлишни хоҳладим. Шунинг учун оламни яратдим», деб жавоб қилган экан.

Шоир:

Не бўлуб аввалдин бидоят санга,
Не келиб охирда ниҳоят санга.
Сен эдингу бас яна мавжуд йўқ,
Жилва қилиб ўзунга ўз ҳуснунг ўқ.
Жилваи ҳуснунгга чу йўқ эрди ҳад,
Кўзгу керак бўлди анга беадад.
Мунча ғароибки мисол айладинг,
Барчани миръоти жамол айладинг.

Бу мафтункор моддий гўзалликни яратиш унинг олий ифодаси - Инсонни яратиш ғояси натижасида туғилган:

Эй, санга мабдаъда абаддек азал,
Зоти қадиминг абадий лам язал.
Ганжинг аро нақд фаровон эди,
Лек баридин ғараз инсон эди[1].

(маъноси: Эй, ибтидода абадий ва азалий бўлган Парвардигор, мавжудликда сенда бошланиш ва ниҳоя йўқдир. Ўзингдан бошқа ҳеч зот ва нарса бўлмаган. Ҳуснинг жилолари беҳад эди ва уларни томоша қилишга кўзгулар керак бўлди. Барча яратганларинг (моддий олам) жамолингни акс эттирадиган кўзгуни ташкил этди. Яратган ғаройиб гўзалликларинг бисотингда ҳаддан зиёд бўлса-да, уларни яратишдан мақсад Инсон эди.)

Демак, Инсон – барча моддий гўзалликнинг яратилишига, яъни моддий оламнинг яратилишига сабаб бўлган. Нега? Инсон яратилишидан мақсад нима бўлган? Навоий айтади:

Офаринишдан қилиб Инсон ғараз,
Они айлаб халқ ичинда беавваз.
Кўнглинг онинг махзани ирфон қилиб,
Ул тилсим ичра ўзин пинҳон қилиб.

(маъноси: Аллоҳ таолонинг бу оламни яратишдан мақсади Инсон эди ва уни улар ичида тенгсиз қилиб яратди. Унинг қалбига бор илмларни жойлаб, тилсимлади ва бу тилсим ичида ўзи ҳақидаги ҳақиқатни пинҳон этди).

Бу билан Навоий, яратилганларнинг энг беназири-тенгсизи бўлган Инсонга унинг қалбига жойланган «илм хазинаси» тилсимларини ечиш орқали унда пинҳон бўлган ҳақни таниш вазифаси юклатилганлигини таъкидлайди. Бошқача айтганда, инсон қалбида одамзод ўз тараққиёти давомида аста-секин кашф этиб бориши, яъни тилсимларни ечиб бориши лозим бўлган жамики илмлар жойланган ва улар охир-оқибатда инсон учун кўринмас ва яширин бўлган Аллоҳга элтади.

Бунинг учун Аллоҳ таоло инсонга ҳақиқатни излаш қобилиятини ато этган. Шу сабабдан одамзод ихтиёрсиз равишда тинмай изланади, тажриба қилади, моддий олам сир-синоатини билишга ошиқади. Буни Навоий инсоннинг «мақсади аслий», яъни Аллоҳни таниш, уни илмий ва маънавий кашф этиш йўлидаги интилиши, деб таърифлайди. Аллоҳга бўлган интилиш, уни англаш йўлидаги

1. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ, 7-жилд,Тошкент, 1991, 20-21-бетлар.

изланишлар тасаввуфда «ишқ» тушунчасини ифодалайди. Аллоҳ ҳақиқатини билишга интилиш қобилияти инсон ихтиёридан ташқари бўлгани учун (Навоий ишқ инсоннинг «насибидур азалдин» дейди) ҳам у «илоҳий ишқ» дейилади.

Инсон моддий оламда акс этган Ҳақ жамолининг зуҳуротидан Тангрининг нечоғлиқ, юз бор, минг бор, миллион бор кўркамроқ эканлигини англаши ва Ҳақиқий ишқдан маст бўлиб, яъни билиш воситасида ул Олий Зотга қараб интилмоғи даркор.

Қадимги юнон файласуфи Плотиннинг таълимотида шундай дейилади: Бу дунёда жонсиз нарсанинг ўзи йўқ, барча нарсаларга жон ато қилинган. Бироқ фақатгина инсон руҳи Илоҳий руҳ билан яқин алоқага (бирликка) эга. Шу сабабли инсон руҳи ваҳдатга қараб интилади (инсоннинг энг олий мақсади – жисмоний қолипдан қутулиб, асл яратилган жойи – Илоҳий ваҳдатга қайтишдир. Бунинг шарти борлиқнинг илоҳий гўзаллигини сезиш ва ахлоқий ҳаётини такомиллаштиришдан иборат. Яъни:

Қайси тарафким анга бериб назар,
Дўст жамоли бўлубон жилвагар.
Балки бўлуб ўзлуги ҳам бартараф
Кўзки солиб, ёр кўруб ҳар тараф.
Ким бу сифат Ишқда мағлуб эрур,
Ҳар неки андин келур, ул хўб эрур... [1]

Муҳйиддин ибн ал-Арабий Аллоҳ ва олам таърифини шундай тушунтиради: Олам – бу, материал олам. Буни уммоннинг юқори қисмида пайдо бўладиган тўлқинларга менгзаш мумкин. Биз уммон деганда унинг тўлқинларини эмас, балки сув ва унинг ичидаги дунёни тушунамиз. Лекин тўлқинни сувдан ажратиб бўлмайди. Демак, биз уммон деганда кўз ўнгимизга тўлқинлар келса-да, моҳиятан сув эканлигини биламиз. Ана шу моҳият Аллаҳдир. Олам эса унинг маҳсулидир. Биз уни халқ, хилқат деб атаймиз. Халқнинг турли кўринишлари Аллоҳнинг тажаллийлари дейилади. Ҳақ ўзининг тажаллийсида турлича ва хилма-хилдир. Навоийда бу фикр поэтик оҳанг касб этади:

Барчасин Ҳақ зоти мавжи баҳри бил,
Ҳам вужудин мавж янглиғ англағил.

Ҳақ инсон қалбида «ниҳон», уни англаш учун қалб «билим хазинаси» қилиб қўйилган. Азиз Насафий айтганидек, киши қалби «кичик олам» (олами суғро). Навоийнинг бир ғазалида бу қараш шундай шарҳланади:

Не тонг, гар олами кубро эсам, ҳар қатра ашким чун
Тенгиздекдур, ичинда юз тутган ҳар қайси гардундек.

Инсон, аввало, ўз қалбини ўрганиши зарур. Кичик олам орқали катта олам (олами кубро) Ҳақни англаш мумкин. Шу жиҳатдан тасаввуфда инсон ўзини ўрганиши, вужудидаги барча яхши, ёмон хислатларни таҳқиқ қилиши ҳақидаги Таълимот унинг асосий бурчи даражасига кўтарилади:

Мунда гар яхши тахайюл айласанг,
Ёки ишқ сиррин тааммул айласанг.
Муттасиф бўлсанг, сифатиллоҳ ила,
Жазм этарсен хотири огоҳ ила
Ким сен - ўқ сен ҳар неким мақсуд эрур,
Сендин ўзга йўқ неким мавжуд эрур.
Зотнинг ижмолига тафсилсен

1. Алишер Навоий. Ҳайрат ул-аброр. МАТ, 7-жилд. 1991.

Ҳам вужуд ишколига таъвилсен.
Ўз вужудингға тафаккур айлағил,
Ҳар не истарсен ўзунгдин истағил[1].

Юқорида, моддий олам – Аллоҳ гўзаллигини ўзида акс эттирувчи кўзгу ва унинг яратилиш сабаби – инсон, дейилди. Бу билан Навоий нима демоқчи? Инсоннинг Аллоҳ-ҳақиқат томон интилиши, яъни қалбидаги ирфон хазинаси тилсимларини ечиб бориши, дастлаб ўз вужуди ва моддий борлиқ ҳақиқатини англаши, уни ақл, илм йўли билан ўрганишидир. Моддий ва маънавий гўзалликларни ўрганишга интилиш ва тажриба қилиш тасаввуфда «мажозий ишқ» тушунчаси билан ифодаланади. Алишер Навоий «Мажоздин мақсуд ҳақиқат эканин изҳор қилмоқ ва суратдин ғараз (сабаб) маъни эканин падидор (равшан) қилмоқ» деб бир қитъасини бежиз номламаган. Унда шундай келтиради:

Мажоздин манга мақсуд эрур ҳақиқий ишқ,
Нединки, аҳли ҳақиқатға бу тариқат эрур.
Мажоздин чу ҳақиқатга йўл топар ошиқ,
Қилур мажозни нафйи улки, беҳақиқат эрур.

(маъноси: Моддий гўзалликка шайдоликдан мақсад ҳақиқий ишқ - яъни Аллоҳни тасаввур этишдир. Чунки ҳақиқатни (Аллоҳни) изловчи одам уни мажоз (моддий гўзаллик) орқали топади. Кимки буни инкор қилса, демак, у ҳақиқатни билмайди.)

Мажозий ишқнинг бир кўриниши инсоннинг инсонга муҳаббатидир. Инсон биомавжудот сифатида табиатнинг ажралмас бўлаги ҳисобланади. Инсоннинг гўзалликка шайдолиги ҳам ишқдир, илм йўлидаги фидоийлиги унинг муайян (илмий, диний, фалсафий ва ҳ.к) соҳага муҳаббатини англатади. Ватанга муҳаббат ҳам мажозий ишқдир. «Ватанни севмоқ – иймондандир» деб бежиз айтилмаган. Зотан, мажозий ишқ замирида Аллоҳ сифатлари ётади. Уларни англаш, тажриба қилиш эса Аллоҳни кашф этишга яқинлаштиради.

1. Алишер Навоий. Лисон ут-тайр. Илмий-танқидий матн. – Тошкент, 1965, 189-бет.

ОДАМИЙЛИК ТАЪРИФИ

Муслиҳиддин Муҳиддинов
(СамДУ)

«Ҳайрат ул-аброр»нинг олтинчи мақолати адаб мавзусига бағишланган. Сарлавҳанинг ўзидаёқ Навоий нима хусусида гап боришини қайд этиб ўтган, чунончи: «Адаб дабъидаким, кичикларга мужиби саодатмандлиғ ва улуғларга боиси сарбаландлиғ дурур ва тавозуъ васфидаким, «дол»-дек қаддини хам қилғон қадамин давлат фарқига қўяр ва ҳаё риёзидаким, ҳар киши кирса раҳмат ёғинлари бирла сероб бўлур». Мазмуни: «Адаб расми ҳақидаки, кичикларнинг бахтиёрлиги сабаб ва катталарнинг бошининг баланд бўлишига боисдир. Тавозеъ таърифидаким, қаддини «дол» ҳарфидек эгиб юрган одамнинг қадамини давлат бошига чиқаради ва ҳаё нури ҳақидаким, ҳар ким бу нурга чўмилса, раҳмат ёмғири билан сероб бўлади». Демак, Навоий адабни саодатмандлик – бахтиёрлик калити, энг кўп қадрланадиган инсоний фазилат деб ҳисоблаган ва ҳаё билан хуштавозеликни одобнинг асосий шартларидан деб билган. Шуниси борки, Навоий бу хислатларни «талаб уйида нишаст айлаган», яъни маърифатга талабгор одамлар учун зарур деб ҳисоблайди. Бу хил одамлар ўзини гард – ғубордай арзимас деб, кибр — манманликнинг «кўзини кўр этиб» юрган, риёзатлар чеккан, нафсу ҳаво, ҳирсу тама ўтини ўчирган, «реву риё хирманини куйдирган», яъни кўнгилда қинғир фикрлар, алдамчилик, ёлғон-фириб ўйи бўлмаган сидқу садоқатда собит кишилардирлар. Шоирнинг ёзишича, ана шу фазилатни ўзида шакллантирган одамнинг одоби ҳам гўзал бўлиши керак. Одоб эса тавозедан бошланади. Хуштавозе одам камол топади, қадрланади.

Навоий:

Элга шараф бўлмади жоҳу насаб,
Лек шараф келди ҳаёву адаб [1, 71].

деб ёзади. Бунинг маъноси шуки, одамни мансаб ва наслу насаб эмас, балки ҳаё ва адаб улуғлайди, эл кўзига шарафли қилиб кўрсатади.

Бўлмас адабсиз кишилар аржманд,
Паст этар ул хайлни чархи баланд [1, 71].

Яъни, беадаб кишилар азиз, бахтиёр бўлмайди, адабсизларни баланд осмон ахир пастга уради.

Навоийнинг ўз даври тартиботларига тарафдорлиги, «низом»парастлигини яна шу ҳам тасдиқлайдики, у одамлардан адаб талаб қилганда, ўзи яшаб турган жамиятнинг иерархияси – мартаба – жоҳга тақсимланишга қатъий риоя этади. Масалан, унинг ёзишича бек қулга тавозе кўрсатиши, гадога эгилиб салом бериши ножоиз. «Ҳар кишининг тавриға лойиқ» ва «сурати ҳолиға мувофиқ» муомала — одоб қоидаси бўлиши лозим. Хизматкор ўз хўжасига, аъёнлар султонга, фуқаро аъёнлар, боёнларга тавозеда бўлсин, кексалар ёшларга эмас, ёшлар кексаларга одоб сақлаб туриши талаб қилинган. Ёш болага жойдан туриб салом бериш адабдан эмас. Шундай қилинса, бола бора-бора керилиб, такаббур бўлиб етишади. Навоий ҳар бир одам мартабаси, даражасига қараб иш кўрсин, мана шу тартибларни ота болаларга ҳам ўргатиши даркор деб насиҳат қилади.

Боланинг тарбиясига унинг гўдаклигидан эътибор берилса дуруст. Аввал шуки, фарзандига ҳар ким яхши бир исм топиб қўйсин, кейин яхши муаллим-ўкитувчи танласин. Ўқитувчи каттиққўл бўлса яна яхши — калтак зарбидан ит, айиқ ҳам доно бўлади.

Оила бошлиғининг муҳим вазифаларидан бири – болалари билан бирга рафиқасига ҳам меҳрибон бўлиши, уни азиз, муҳтарам тутиши лозимлигидир:

Завжаким ул бўлса аниси ҳарам,
Шаръ тариқи била тут муҳтарам.
Нафқа била нафсни тутма дариғ,

Жонингға ифрот ила ҳам урма тиғ.
Айламагил хулласини ранг-ранг,
Кийса даҳи ҳужрада тутсун даранг [1, 73].

Лекин хотиннинг ҳар ерга бориши, бозор-кўйга ўрганиши, ясан-тусанга берилиши, Навоий фикрича, яхшилик аломати эмас. Эрнинг ҳамиятли, ғайратли бўлиши хотинга ҳам маъқул, хотинлар ижобий маънода рашқ қиладиган эрларни яхши кўрадилар, деб уқтиради шоир.

Инсон олдида турган фарзи айн вазифаларидан яна бири ота-она ҳақини адо этиш – уларнинг хизматини қилиб, розилигини олишдир. Бу ҳақда Навоий қуйидаги оташин мисраларни битган:

Бири эрур макрумати волидайн,
Билки мунунг қилмоғидур фарзи айн.
Бу икининг хизматини бир бил,
Ҳар неча ифрот эса, тақсир бил.
Бошни фидо айла ато қошиға,
Жисмни қил садқа ано бошиға.
Икки жаҳонингға тиларсен фазо,
Ҳосил эт ушбу икисидин ризо.
Тун кунингға айлагали нур фош,
Бирисин ой англа, бирисин қуёш.

Мазкур байтларнинг насрий мазмунини ҳам келтирамиз: «Бириси шуки, ота-онанинг ҳурматини жойига қўйиш керак, шуни билки, буни қилишни фарзи айн – зарурий вазифа деб ҳисобла. Иккаласининг хизматини бирдай бажар, ҳар қанча азоби ошиб кетса ҳам бош устига деб қабул эт. Ота қошида бошингни фидо қил, онанинг бошига жисму жонни фидо қил. Икки дунёнг обод бўлишини хоҳласанг –ҳар иккисини рози қил. Уларнинг бирини ой, иккинчисини қуёш англаб, туну кунингни ёрит».

Шундан кейин шоир ота-онанинг насиҳати фарзанд учун қонун эканлиги, фарзаднинг ота-она олдида бурчдорлиги хусусида яна бир қанча байтлар келтиради. Навоий ота-онадан кейин қариндош-уруғ, ака-ука ва «силаи раҳм» — опа-сингилларга яхши муносабат борасида ҳам тўхтаб ўтган. Умуман, инсон ўз яқинларига раҳмдил бўлиши лозим. Ўз яқинларига раҳмдил бўлмаган одам бошқа бегоналарга ҳам раҳм-шафқатли бўлмайди – Навоийнинг тушунчаси шунақа. Улуғларга хизмат, кичикларга шафқат. Шарқ кишилари учун асосий ахлоқ низомига айланган мазкур қоидани Алишер Навоий ҳам такрорлаб, аҳамиятини яхшилаб тушунтирган: бировни таҳқирлаш, беҳурмат қилиш ёмон, лекин номуносиб ҳурмат билдириш, ортиқча тавозе кўрсатиш ҳам керак эмас. Ўртача расмий муомала одоби, маҳалла-кўйда суҳбат, гап-гаштакларда ўтириш одоби ҳам Навоийнинг ёдидан чиқмаган. Ҳаммага яхшилик тилаб, яхши хулқ билан яшаш файзли ҳаётга замин, деб хулосалайди фикрларини шоир.

Навоий сарой одоби, шоҳлар хизматидаги расм-русум ва қоида-қонунлар хақида ҳам фикр билдирган. Муҳим ижтимоий қарашларини ҳам қистириб ўтган. Мабодо, тақдир сени шоҳ хизматига мушарраф этса, деб давом эттирган донишманд адиб, у ердаги бойлик – безакларнинг кўплиги, ноз-неъматнинг бисёрлигига маҳлиё бўлма, чунки ҳузури азобга, нўши нешга айланиши мумкин:

Марҳами зимнида эрур решлар,
Нўши ичинда тикилур нешлар.
Гул кўрунур ёнида юз хори бор.
Бор эса бир айш, минг озори бор.
Телбага ўт шакли гулистон эрур,
Тушса халоси қачон имкон эрур[1,74].

Шунинг учун шоҳ ҳузурида киши ўзини ҳаммавақт нотинч, безовта ҳис этади. Шоҳ ҳузурида киши эркин, яйраб яшаши мумкин эмас. Кўринган дабдабада, нақшу нигор тагида зулм ва ситам, қатлу қамоқ азоби ётади. Бу ғоят катта журъат билан баён этилган фикрдир. Шоҳ хизматининг «айшидан меҳнати ортиқ», шунинг учун шоҳ саройига яхшиси яқинлашмасдан ундан узоқроқ турган маъқул дейиш амалда шоҳ ва саройга, тахту тожга очиқчасига нафрат изҳор этиш эди. Лекин агар шоҳ хизматини қилиш бўйнингга тушса, деб насиҳат қилади мутафаккир адиб, тўрт нарсага қараб иш тутгин: биринчиси – ниятни рост қилиб, топшириқни бажар, шоҳ душманини душманинг деб бил, иккинчиси — хизмат мавридини билиб, ишни бажариб яна ҳеч нарса қилмагандай тур, учинчиси - «яхши-ёмон дема сўз, эл яхшию ёмонига солма кўз», тўртинчиси – агар ранжу алам кўрсанг ҳам, «шарти адаб сақлаб», ёмон-яхшига кўнгин.

Навоий кузатишига кўра, мана шу шартларни бажариб юрган хизматкорлар шоҳлар саройида узоқ яшай олган «давлат ахтари ёруқлиқ» сочиб, хурсанд бўлган, яъни, ўз мартабасини билиб, шоҳнинг индамас содиқ кишисига айлана билган. Хизматкор кулликни унута бошласа – хиёнат килган деб топилиб, боши кесиларди. Навоий ундайларни кўп кўрган. Умуман, бу «насиҳатлар» фақат шоҳлар, султонлар хизматида эмас, балки ҳар қандай юқори лавозимдаги шахс хизматидаги одамнинг ёзилмаган қонунидир. Бундай одамларнинг табиати, хулқи ва рафтори ҳам шу хизматларига яраша бўлиб, улар умрларининг охиригача одамлардай очилиб-ёзилиб яшолмайдилар, элга қўшилолмайдилар ҳам.

Алишер Навоийнинг адаб хусусидаги фикрлари «Маҳбуб ул-қулуб»да яна ҳам соддароқ ифодаланган. «Маҳбуб ул-қулуб»нинг иккинчи қисмига кирадиган олтинчи боби «Тавозуъ ва адаб зикрида» деб номланган. Навоийнинг «Ҳайрат-ул аброр» достонида ифодаланган фикрлари бу ерда ривожлантирилган. Агар «Ҳайрат ул-аброр»да шеър тили билан ҳикматнома байтлар қанотида адаб қоидалари баён этилган бўлса, «Маҳбуб ул-қулуб»да адиб ҳикматомуз жумлаларда ўз насиҳатларини тақдим этган. Навоийнинг ўзаро қофияли насрий гаплари мақол каби маъноли ва эсда қоларли. Масалан, у баодоб одамнинг эъзозланиши, элга манзурлигини таърифлаб дейди: «Тавозуъ халқни киши муҳаббатиға шефта қилур ва улусни фоил мавaддатига фирефта қилур. Дўстлуғ гулшанида назорат гуллари очар ва ул гулшандин унс ва улфат базмида турлук гуллар сочар»[2, 491]. (Маъноси: тавозе, мулойимлик одамларни муҳаббатга сазовор этади ва халқни фаолият эгаси – ўша тавозекор киши муҳаббатига гирифтор этади. Тавозеъ дўстлик гулшанида назарларни хушнуд этувчи гулларни ва шу гулшан яқинлиқ ва улфат гулларини бошга сочади».)

Навоий, шундай қилиб, одобли, хуштавозе одамлар кўпчиликнинг ҳурматига сазовордирлар, улардан яхши дўст, бамаъни улфатлар чиқади, деб ишонтиради. Одобли одамлар душманларни ҳам ром қила олиши мумкин, душман кўнглига ҳам йул топа олади. Тавозели кишининг такрор муомалалари уятсиз, ҳаёсиз мутакаббирларни ҳам инсофга келтириб, яхши йўлга қайтариши мумкин. Хуштавозе кишилар бировга бир дирам бермай, хурсанд қила оладилар, уларнинг ширин тили дилга қувват, нозик ҳаракати руҳга мадад. «Адаб кичик ёшлиғларни улуғлар дуосига сазовор этар ва ул дуо баракати била умрдин бархурдор (баҳраманд)» [2, 491]. Одобли бола киши кўзига улуғсифат кўринади, меҳру муҳаббатингиз ортади. Бундай ёшларга беҳуда, ёмон кўз билан қарашдан одамлар ўзларини сақлайдилар. Одобнинг муҳаббат пайдо бўлиши ва тараққий топишида аҳамияти катта, — дейди шоир. Чунки муҳаббат — ўзаро ҳурмат асосида вужудга келади. Барча ошиқ-маъшуқларнинг қиссаси бунга мисол. Лайли ва Мажнун орасидаги, Вомиқ билан Узро орасидаги, Фарҳод ва Ширин орасидаги муҳаббатни олиб кўринг, уларнинг назокатли муомаласи, мулоқотлардаги хуштавозелик ишқни юз чандон кучайтирмадими? Бу мисоллардан шуни англаш мумкинки, одобни, тавозени кенг маънода тушунган, уни инсон зотининг ҳаёт тарзи, хулқ-рафторига асос қилиб кўрсатган Навоий хуштавозеликка қарши манманлик, қўрслик ва такаббурликни тилга олади. Унинг назарида бундай одатлари бор кишилар яхши кишилар эмас. Шоир шуни ҳам зукколик билан қайд этадики, одобу тавозе – кишининг ўзини ерга уриши эмас, балки ўзгаларни ҳурмат килиши, одамийлик равишини пухта эгаллаганлигини билдиради. Камтаринлик, хокисорликни мутелик, лаганбардорлик деб юрганлар адашади. Аксинча, хоксор одамларда ички инсоний ғурур, ўз қадрига ва ўзгалар қадрига етиш ҳисси яхши ривожланган. Хоксорлик кўп ўқиш, кўп билиш ва ҳикмат-донишга эҳтиром белгисидир:

Ақлу ҳикмат ишидур бўйла маошу ойин,
Қайда топқай муни ҳар нафспарасту худбин. [2, 492]

Манманлик эса нодонлик ва худпарастликдан келиб чиқади. («Худписанд –нохирадманд... Мутакаббир – малъун, худпараст – бутпараст».)

Алишер Навоий «Маҳбуб ул-қулуб»да худпараст мутакаббирларга танбеҳ берар экан, уларнинг тоифалари, қилиқлари ва психологиясини ҳам очиб кўрсатишга ҳаракат қилади. Худписандларни Навоий умумлаштириб, икки гуруҳга ажратган. Биринчи гуруҳга у ўзининг номақбул аҳволига кўнган, аммо ундан қутулолмаган кишиларни киритади. Бундай кишилар «Ўзининг аҳволи ва аъволи» элга ёқмаса ҳам ўзларига «маҳбуб ул-марғуб кўринган» ва улар шу билан қаноатланадилар. Аммо шундайлар ҳам борки, бу одамлар «жамии ҳолоти ва нохуш хаёлоти»ни писанда ва шоиста ҳисоблаб, ўзларини энг азиз ва муҳтарам кишилар қаторида кўрсатиш ва бемаза қилиқларини манзур, маъқул фазилат деб жар солишини канда қилмайдилар, бошқаларини шунга кўндирмоқчи бўладилар. Навоий буларни иккинчи гуруҳга киритиб, энг хавфли ва жамиятни бузувчи нохуш кишилар деб баҳо беради. Улар, дейди шоир ғазабланиб, бири ўзини ҳуснда Юсуфи Канъоний, иккинчиси мусиқа ҳунарида Юсуф Андижоний қилиб кўрсатишга интилади: лақма суҳбатларини жон озиғи, бемаза ашъорини Салмоннинг қасидасидан баланд деб мақтаниб юради. Жаҳолат шунча, фаросат шу қадар. «Ҳақнинг ҳеч амрига бўйин қўймагай ва шаётиннинг барча буйруғини бажо келтурурдин тўймагай». Худпараст, беҳаё одамдан ҳар нарсани кутиш мумкин, чунки уларнинг кўпи ношаръий, ифлос ишлар билан шуғулланиб, бадном бўлдилар. Бироқ афсуски шунда ҳам ақлу хуши жойига тушмайди, такаббур, кибр отидан ерга қўнмайди булар. Алишер Навоий бундайларнинг кўпини ўз кўзи билан кўрганини, аксар қисмига насиҳатлар қилгани, аммо фойда бермагани, охир-оқибатда улар насиҳат қилувчи азизларни ҳам ҳақорат этиб, дилини ранжитганини ёзган. Бу мурдорлар кирган уй ҳаром, бу «нохуш меҳмонлар» ҳозир бўлган базмхона азахонага айланади, дейди шоир. Уларга гапирган одам балога қолади. Мана улуғ инсонсевар адиб инсон шаънига номуносиб қилиқли кишилар ҳақида алам билан нималар ёзганини эшитинг: «Бу худписанди бадкирдор ва бу лаванди мурдор бу падид мажлисдаким, зиндон андин яхшироқ ва бу нажасий маҳаллидаким, мустароҳ андин ариғроқдур агар илайидин кекирса ва кейнидин ўзга ел секирса, ўз қошида маҳбублуғи ул мартабада ва ўз афъолининг хўблуғи ўз олида ул масобадаким, тамаъи буким, базмидағи ҳозирлар ва бу аҳвол ва афъолиға воқиф ва нозирлар бу воқеъ бўлғон ҳаракотнинг ҳам унин дилписанд дегайлар, ҳам ройиҳасин димоққа судманд дегайлар. Бу қабойиҳни (қабоҳатни) киши анга айта олмағай ва айта олғоннинг сўзига қулоқ солмағай ва эшитса ҳам, мусаллам тутмағай ва номулойим ишини ўз «шариф зотиға» ёвутмағай. Носиҳға изо ва қасд этгай ва бу насиҳатдин анга кўп мазаллат еткай. Бу навъ кишики, анга мундоқ бўлғай кирдор, ҳоло бу даврда мавжуд ва ҳозир бор» [2, 503].

Ғазаб ва нафратнинг шиддатини қаранг. Одам ҳайвоний белгилар, ношоиста, номаъқул қилиқлари билан мақтанса, буни фазилат деб керилса, бошқалар эса уни мақтаб турса. Ахир бу нозиктабъ, қалби рубоб торидай нозик шоирнинг ғазабини келтирмайдими? Алишер Навоий ифлос табиатли, ҳайвонсифат кишининг нафратли портретини памфлет қилиб чизиб беришдан ташқари, шундай мансабдорларга ҳайбаракаллачилик қиладиган ялоқхўрларнинг устидан ҳам ғазаб ўтини сочган. Энг муҳими шуки, шоир бундай кишилар «бу даврда мавжуд ва ҳозир бор» деб таъкидлайди ва ўз сўзларининг беҳуда эмаслигини, уқтиради. Улуғ адиб бу одамлар ичида амалдорлар, номи чиққан кишилар, «баъзи азизлар» ҳам бор, деб махсус таъкидлайди. Хуллас, инсон нафосати, баланд табиати билан ҳам инсон. Қоринни ҳар хил таом билан тўйдириб, кишининг табъини хира қиладиган қилиқлар кўрсатиш — одам боласига муносиб эмас, бундан ҳазар қилиш керак. Одамсевар, нозикмизож Навоийнинг талаби шундай. «Маҳбуб ул-қулуб» даги «танбеҳ»ларида ҳаё, ҳилм, қарам каби сифатларига алоҳида урғу бериб таърифлади. «Карам ва мурувват ота ва онадурлар, вафо ва ҳаё — икки ҳамзод фарзанд», деб ёзади у. Вафо ва ҳаёни эгизак деган шоир буни асослаб «вафосизда ҳаё йўқ, ҳаёсизда вафо йўқ» деб яна ўткирлаштиради. Демак, бу тушунчалар бир-бирига жуда вобаста. Чунки маърифатли, комил инсонлар ҳаёли ва вафодор кишилардирлар. Вафосиз-

нинг жабри қанча бўлса, ҳаёсизнинг шаллақилиги, бетгачопарлиги, беандишалиги ҳам шунча озор келтиради, шоир буни ўзи бошидан ўтказган: «Замон аҳли бевафолиғидин кўксумга туганлар ва даврон хайли беҳаёлиғидин бағримда тиканлар... ҳар қайсига рақам урай десам Айюб сабри онча вафо этмас ва қалам сурай десам, Нуҳ умрида тамомга етмас». Шоир алам билан ёзади:

Ё марҳамат ул хайли ситам корага бергил,

Ё сабру таҳаммул мени бечораға бергил. [2, 509]

Шу каби ҳилм, яъни ҳалимлик ҳам Навоийнинг назарида кишининг мақбул сифатидир. «Ҳилмни ҳаводис дарёсида кишилик кемасининг лангари деса бўлур ва инсоният мезони тошига нисбат қилса бўлур»[2, 509]. Демак, ахлоқий камолот учун мулойим, ҳалим бўлиш ҳам зарур. Аммо, афсуски, дейди Навоий, замон бундай одамларга муносиб эмас. Ҳалим одамлар хору саргардон: «Елдек ҳар эшикдин кирарға орлари йўқ, ўтдек оташдонлиғидин ўзга шиорлари йўқ». Ҳалимларнинг «камчилиги» шуки, улар ростгўй, ҳақталаб бўладилар, қаерга борсалар ҳақ гапни айтадилар, бу эса аксар одамларга ёқмайди: «Ҳақгўй қушнинг тамкин била зикр айтури қошида қарлуғочнинг бемалол янгшамоғи малолат келтирур». «Аммо ел агар кўкка етсун – сабукбордур ва бемиқдор ва тоғ агар туфроққа ботсунки, соҳибвиқордур, ҳилмшиор» [2, 510]. Шундай бўлгач, бари бир ҳақгўй, батамкин одамнинг қадри баланддир.

Кузатишларимиз шуни кўрсатадики, Алишер Навоий одоб-хулқ масаласига, кишининг аҳлоқий сифатларига катта эътибор берган. Шоир яхши хислатлар, одамийлик сифатларини улуғлаган. Қисқаси, яхши одоб, яхши хулқ-саодат калити. Таниқли олим А.Абдуғафуров таъкидлаганидек, Алишер Навоий «барча иллат ва нуқсонлардан холис бўлган, маънавий-ахлоқий етук, хулқ-одобда баркамол инсон»[3, 77]ни улуғларди, шундай инсонларни ҳаётда кўпрок кўргиси келарди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. Хамса. –Т.: Фан, 1960.
2. Алишер Навоий. Тўла асарлар тўплами. Х жилдлик, 9-жилд. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт – матбаа ижодий уйи, 2011.
3. Абдуғафуров А. Алишер Навоий ижодида сатира. –Т: Фан,1972.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТАРБИЯГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

Нурбой ЖАББОРОВ
(ТошДЎТАУ)

Шахс камолотида тарбиянинг ўрни беқиёс экани аён. Кўҳна Шарқда тарбияга ҳаёт-мамот масаласи сифатида қаралгани боиси шу. Модомики, авлодлар камоли тарбия билан чамбарчас боғлиқ экан, жамият тараққиётини ундан айри тасаввур этиб бўлмайди. Мутафаккир аждодларимиз шунинг учун ҳам бу масалага алоҳида эътибор қаратган. Уларнинг жаҳон бадиий тафаккури хазинасидан муносиб ўрин олган асарларида тарбиянинг шахс камолоти, эл равнақи, юрт истиқболида тутган ўрни юксак баҳоланган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг “ҳам маъно, ҳам суратда баркамол, улуғ маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга бўлиш билан бирга бадиий жиҳатдан юксак даражадаги асарларида”[1, 45] барча замонлар учун долзарб саналган бу муаммо, айниқса, оҳорли поэтик образ ва тимсоллар воситасида бетакрор бадиий талқин этилган.

Таъкидлаш керакки, тарбия мавзусининг поэтик ифодаси буюк мутафаккир фалсафий-ахлоқий концепциясининг асосини ташкил этади. Зеро, ҳазрат Навоий асарларида “...ишқий тематикадан ташқари, фалсафий-дидактик ва социал проблемалар ҳам муҳим мавқени эгаллайди, лирик қаҳрамон эса фақат ошиқ сифатида эмас, балки фалсафий, социал қиёфага эга бўлган мукаммал тип сифатида намоён бўлади”[2, 22]. Навоийшунос Ё.Исҳоқовнинг бу фикрлари гарчи ғазалиёт мисолида айтилган бўлса ҳам, улуғ шоирнинг барча асарларига бирдай тегишлидир. Мана, буюк

мутафаккир “Ҳайрат ул-аброр” достонида муҳим ижтимоий муаммо ҳисобланган тарбиянинг аҳамиятини қандай васф этади:

Қатраға чун тарбият этти садаф,
Эл бошиға чиққуча топти шараф.

Халқимизда “Садафсиз дур бўлмас, тикансиз – гул”, деган нақл бор. Ушбу байтда қатранинг гавҳарга айланиши ва бошга қадалиш даражасига етиши садафнинг тарбияси туфайли экани бетакрор поэтик ифодасини топган. Садаф – устоз, қатра эса – шогирд тимсоли. Садафнинг тарбиятисиз қатра ҳеч қачон гавҳарга айланмайди. Яъни устоз таълимини олмаган шогирд камолга етмоғи маҳол. Фақат бунинг учун муайян муддат тақозо этилади. Гавҳарни қўлига олган ёки бошига қадаган одам унинг кўзни шунчалик қувонтирадиган, қимматбаҳо ашёга айланмоғи учун қандай жараёнларни бошдан кечиргани хусусида ўйлаб ҳам ўтирмайди, одатда. Ҳаётда ҳам шундай. Комил инсонни кўрганда ҳамма ҳавас қилади. Лекин у ана шу даражага қандай машаққатлар билан, қай бир фидойи устозлар тарбияси эвазига эришгани ҳар доим ҳам мушоҳада этилавермайди. Буюк шоир бу образли тасвир орқали шахс тарбиясида устознинг хизмати беқиёс эканига урғу беради.

Қуёшдин тарбият гар топса хоро,
Қилур ёқут ила лаъл ошкоро.

Ёқут – турли рангда, лаъл эса, қизил тусда товланадиган қимматбаҳо маъдан. Хўш, улар кўзни қувонтирадиган, одамларга эстетик завқ уйғотадиган бу рангларни қаердан олади? Ҳазрат Навоийнинг фикрича, бу – уларнинг қуёшдан тарбият топгани самараси. Агар қуёшдан ранг олмаса эди, улар оддий тошлигича қолар, одамларнинг қизиқишига сабаб бўлолмасди. Табиийки, бу ўринда ҳам улуғ мутафаккир ёқут ила лаъл ҳақида сўз юритар экан, байт замирига шахс камолоти хусусидаги теран фикрларини жойлайди. Яъни инсон камолотини белгиловчи асосий мезон – тарбия. Чинакам тарбиягина одамнинг имкониятларини оширади, жамиятга наф етказиш борасидаги салоҳиятини юксалтиради.

Буюк ижодкор тарбиянинг аҳамиятини ана шундай оҳорли талқин этиш баробарида ушбу фазилатларни тажассум этган бетакрор образлар яратди. Бу образлар, беш ярим асрдан ошяптики, авлодларга камолот сабоқларини бериб келади. Ҳазрат Алишер Навоий асарларида бадиий талқин этилган шахс тарбиясида муҳим саналган фазилатлардан айримлари таҳлилига мухтасар тўхталиб ўтишга ҳаракат қиламиз:

Ватанпарварлик. Буюк ижодкор қарашича, Ватанни севмоқ – комилликнинг, иймоннинг муҳим шарти. Бу ҳақдаги машҳур ҳадис мазмунини гўзал бадиий талқин этар экан, улуғ шоир авлодларга: “Ватан ҳубби иймон нишонидурур”, дея таълим беради. Шундай бўлгач, Ватанни ғанимлардан ҳимоя қилмоқ, зарур бўлса, бунинг учун курашмоқ ҳар бир фарзанд учун бурчдир. Бу ғоя “Садди Искандарий” достонида қуйидагича ифодаланган:

Иёлу ватан узра то жони бор,
Киши ҳарб этар токи имкони бор.

“Иёл” сўзига “Навоий асарлари луғати”да: “Хотин, бола-чақа; оила”, дея изоҳ берилган. Демак, улуғ бобокалонимиз фикрича, ватанпарварлик оила осойишталиги, Ватан тинчлиги учун бор имконни ишга солиб, жон борича курашмоқдир. Барча замонлар учун долзарб бундай фикрлар буюк ижодкор асарларида кўп учрайди. Мана, шундай фикрлардан яна бири:

Ватан таркини бир нафас айлама,
Яна ранжи ғурбат ҳавас айлама.

Ватандан айри тушмоқ – улкан фожиа. Ватанни тарк этмоқ ўзини машаққатлар гирдобига ташламоқ билан баробардир. Буни ҳазрат Навоий “ранжи ғурбатни ҳавас айлаш”, дея ифода этади. Тарих шоҳид, не-не тақдирлар гувоҳлик беради: инсон Ватандан йироқда ҳеч қачон бахтиёр бўла олмайди. “Ҳайрат ул-аброр”да шоир айни шу моҳиятни *“Ғурбат аро ҳоли ёмондин ёмон, Ҳар не йўқ андин ёмон, андин ёмон”*, дея талқин этгани бежиз эмас.

Ҳазрат Алишер Навоийнинг мана бу ўгити ҳам авлодлар учун алоҳида қимматга эга:

Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл,
Тила хилвату анжуман ичра бўл.

Маълумки, бу байтда нақшбандийлик таълимотининг асоси бўлган “Сафар дар ватан”, “Хилват дар анжуман” рашҳалари моҳияти назмий талқин этилган. Академик Азиз Қаюмов мазкур тасаввуфий моҳиятни эътироф этган ҳолда, ушбу мисраларнинг яна икки маъноси борлигини айтади: “Биринчидан, умуман, ватан, унинг аҳамияти, ундан узилмаслик тўғрисидаги умумий хулосаларни баён қилади. Иккинчидан, Навоийнинг беҳуда юришлар, шуҳратпарастлик, ҳокимиятпарастлик мақсадида қилинадиган турли интилишларни қоралаши, ватанда нашъу намо қилиш афзаллигини таъкидлашидадир” [3, 372]. Навоийшунос Ё.Исҳоқов фикрича: “Бу танбиҳда фақат “тила хилвату анжуман ичра бўл” ибораси ўзининг истилоҳий маъносида ишлатилган. “Мусофир бўл, аммо Ватан ичра бўл” мисраси тасаввуфий эмас, балки ҳаётий – оддий маъно (макон)да келади ва сафар иштиёқида ҳар доим ватанни, дўстларни тарк этавериш одати қораланади... Бу ўринда ватан тасаввуфий тор маъносида эмас, балки кенг ижтимоий маънода келган деган хулосани тамсил сифатида келтирилган ҳикоят тўлиқ тасдиқлайди” [4.68].

Бу фикрлар буюк шоир асарларида Ватанга муҳаббат туйғуси бетакрор бадиият ва теран фалсафий тафаккур уйғунлигида таъсирчан ифодаланганидан далолат беради.

Элпарварлик. Ўзи мансуб бўлган улуғ элга меҳр қўйиш, эл-улус бахтини ўз бахти, ғамини ўз ғами деб билиш шахс камолотининг муҳим шартларидандир. Комиллик тимсоли бўлган ҳазрат Навоий асарларида бу ғоя етакчи мавқеда туради. Зеро, буюк шоир “...ҳаётини тўлалигича мамлакат равнақи, халқ ва миллатнинг тинч-тотув яшаши ҳамда давлат қудратини мустаҳкамлашга бағишлади” [5.3]. Энг муҳими, шоир элпарварликка оид теран ахлоқий-эстетик қарашларини гўзал бадиий шаклда, кўнгилларга етиб борадиган, чуқур таъсир қиладиган тарзда ифода этди. Биргина мисол:

Эрур чун олам ичра жоҳ фоний, яхши от боқий,
Бас эл комин раво айла ўзунгни комрон кўргач.

Яъни мансаб-мартабаю мол-дунё – вақтинчалик, яхши ном эса абадий. Шундай бўлгач, ўзингни комрон кўрганингда, яъни баланд мавқега эришган чоғингда ўзгалар ҳожатини раво айламоқни одат қил – мана, улуғ донишманд нима демоқчи! Аслида, ҳақиқий элпарварлик ҳам шуни тақозо этади. Лекин одамзод ҳаёти бир текисда кечмайди. Ҳазрат Навоий ҳар доим ана шундай фикрлаган, мудом айни шу туйғуни ҳис этган десак, тўғри бўлмас. Ҳаёт деганлари анчайин мураккаб, зиддиятларга бой. Улуғ мутафаккир гарчи ҳаммага баравар яхшилик қилишни орзу этган, имкон қадар бунга эришган бўлса-да, аксар қилган яхшилиги эвазига ёмонлик кўрган. Табиийки, бундан изтироб чеккан, руҳан эзилган, қарама-қарши туйғулар гирдобида қолган. Мана бу мисралар ушбу фикрни тасдиқлайди:

Онча юзсизлик улустин кўрмишам, гар берса даст,
Истарамким, кўрмасам ҳаргиз бани одам юзин.

Ҳатто бир шеърида улуғ шоир “Парим бўлса учиб қочсам, улусдин то қанотим бор”, дейишгача боради. Лекин ҳазрат Навоийнинг буюклиги шундаки, у оний кайфиятдаги бундай кечинмалар-

ни ирода кучи, матонат қуввати билан енга билган; ҳаёт синовларига ҳикмат назари билан қарай олган. Айтишга осон, бунга эришмоқ ўз-ўзидан бўлмагани аён. Буюк мутафаккир зиддиятли кечинмалар гирдобидан чиқиш учун ҳикматни наинки топган, теран мазмун ва бетакрор бадиият уйғунлигида шеърга айлантирган:

Давр элида гар вафо йўқ, сен вафо қилғил, валек
Кимни хушҳол этсанг, андин тут ўзунгга юз малол.

Вафо кўрмаганинг ҳолда вафо қилмоқ осонми? Сендан кўп яхшиликлар кўриб, хурсандчиликдан неча бор кўзларида ўт чақнаган одамдан юз малол келса, буни қандай қабул қилиш керак? Бу саволларга жавоб бермоқ анчайин мушкул экани рост. Ҳазрат Алишер Навоий неча бор ана шундай қийин вазиятларга тушгани ҳолда "*Давр элида гар вафо йўқ, сен вафо қилғил*", деган тўхтамга келган. Таъкидлаш керак, фақат буюк сиймоларгина бундай хулоса чиқариши мумкин. Фақат улуғларгина ҳеч бир эвазсиз яхшилик қилмоққа қодир. Юрак ёлқини билан битилган мана бу сўзлар бунинг исботидир:

Улусқа ўт солур эрсанг мени бурун ўрта,
Нединки ўтни туташтурғоли керак хошок.

Элпарварликнинг бундан ҳам юксакроқ даражаси бўлиши мумкинми? Улусга фидойиликнинг мезони бўла оладиган бундай фикрга келиш учун элга муҳаббатнинг миқёси қанчалар баланд бўлиши керак ахир! Ҳазрат Навоий бу сўзларига ҳаётда ҳам тўлиқ амал қилгани маълум. Тарихчи Хондамир "Макорим ул-ахлоқ"да ёзишича, бу улуғ сиймо "...шафқат ва марҳамат одатларини ўзига шиор қилиб олган эди ва ҳамиша унинг меҳрибонлик ва илтифот қаноти олам аҳлларининг устига ёйилиб, дармондаларнинг куйган диллари унинг шафқат шарбати билан ором олар ва ситам кўрганларнинг кўксиларидаги жароҳат марҳамат малҳамлари билан тузаларди" [6, 87]. Муаррих бунга кўплаб ҳаётий мисолларни келтиради. Жумладан, ҳазрат Навоийнинг ўз хусусий мулкини эл-юрт манфаати йўлида сарф этган, 60дан ортиқ бино, 20га яқин ҳовуз, 16та кўприк, 9та ҳаммом, 20та масжид ва бир қанча мадрасалар, хонақоҳлар барпо эттирган. Халқ устига солинган соликларни аксар ўз маблағи ҳисобидан тўлаб юборган. Ул зотнинг саховати боис "Ихлосия" мадрасаси қаршисидаги "Халосия" хонақоҳида ҳар куни мингдан ортиқ заифалар ва мискинлар зиёфат қилиниб, лазиз таомлар билан тўйдирилган, ҳар йили муҳтожларга 2 мингга яқин пўстин, босма чакмон, кўйлак-иштон, тақия ва кафш улашилган. Машҳаддаги Дор ул-хуффозда ҳар куни фақат заиф ва етимларга овқат бериш учун ғалвирхона қурилган...

Мана бу мисралар ҳам буюк шоирнинг эл ғамини ўз ғами деб билганидан, бор куч-салоҳиятини унга жафо етмаслиги йўлида сафарбар этганидан далолат беради:

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам.

Ўзи мансуб бўлган халққа меҳр қўймоқ қандай бўлишини ҳазрат Навоийдек улуғлардан ўрганиш керак. Элпарварлик бобида ҳам буюк бобокалонимиз авлодларга мудом сабоқ бериб келаётир.

Маърифат. Шахс камолоти ва маърифат тушунчалари шу даражада боғлиқки, уларнинг бирини иккинчисидан айри тасаввур этиб бўлмайди. Ҳазрат Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонида қушлар сафари тимсолида инсон камолотининг етти босқичи ҳақида сўз юритилади: талаб, ишқ, маърифат, истиғно, тавҳид, ҳайрат, фақру фано. Достоннинг махсус боби "Маърифат водийсининг васфи" деб номланган. Маърифат водийсини "дашти бепоён"га қиёслаган ҳазрат Навоий унда "ҳоллар мухталиф" *(*ихтилофли, бир-биридан кескин фарқ қилувчи – *қавс ичидаги барча изоҳлар бизники* – Н.Ж.*)* эканлигини таъкидлар экан, "Водиедур юз туман минг онда йўл" дея одамларнинг

маърифий даражаси турлича бўлишига ишора қилади. Улуғ шоирнинг “жузв ила кулл” – бўлак ва бутун, тараққий ва таназзул ихтилофи ҳақидаги фикрлари ҳам буни тасдиқлайди.

Муаллиф фикрича, бу водийда “юз туман раҳрав”ни (йўловчини) кўриш мумкин. Пашша ҳам, фил ҳам, Жибрил ҳам йўлда. Мусою Фиръавн, Маҳдийу Дажжол, Аҳмад ва Абу Жаҳл ҳам раҳрав. Шундай бўлгач, улуғ шоир таъбири билан айтганда: *“Мухталиф бўлмай не бўлсун мунда иш”*. Ушбу мулоҳазалари тасдиғи учун ҳазрат Навоий Ҳаққа элтувчи йўллар сони халойиқнинг нуфуси билан баробар экани ҳақидаги ҳадисни келтиради. Бошқача айтганда, маърифати даражасига кўра, ҳар бир одам ўз йўлини тўғри деб билади. Улар ўртасидаги ихтилофнинг сабаби ҳам шунда. Танлаган йўллари эгри ёки тўғри, яқин ёхуд йироқ, кўпраги дурд (қуйқа), озроғи соф бўлса-да, аслида ҳаммасининг мақсади, тўғрироғи, даъвоси бир – ҳақиқат.

Гар сулук атворида тағйир эди,
Мақсади лекин боринг бир эди.

Достоннинг мазкур бобида ҳазрат Навоий бир ҳикоят келтиради. Унда ёзилишича, бир неча кўзи ожиз кимса маълум муддат мусофирлик сабабми, асир тушибми, Ҳиндистонда бўлади. Тақдир иноятн билан ўз юртларига қайтиб келганида бир киши улардан сўрайди: “Филни кўрдингизми?” Кўрлар тасдиқ ишорасини қилади. Бунга далил келтиринг, дейди. Табиийки, улар филни кўрмаган, у ҳақда сўраб ҳам олмаган эди. Кўрларнинг ҳар бири филнинг қайси аъзосини пайпаслаган бўлса, шунгагина асосланиб жавоб бера кетади. Оёқларини силагани фил бу – “сутун” деса, қорнини пайпаслагани “Бесутун” дейди. Хартумини ушлаб кўргани филни аждаҳога, тишларига қўли теккани уни суякка менгзайди. Қуйруғини силагани илонга, бошига қўл ургани қиянинг тумшуғига, қулоғини ушлагани эса елпиғичга қиёслайди.

Гарчи кўрларнинг сўзи фил ҳақида эмас, унинг муайян аъзолари хусусида эканини билсада, “пилбонлиғ шевасида устод” бўлган ҳакими комил уларнинг сўзини рад этмайди.

Деди: “Ҳар бир улча воқиф эрдилар,
Пил ҳолидин нишоне бердилар”.

Қиссадан ҳисса шуки, маърифатда комил бир мақомга эришмаган киши бамисоли ўша кўрларнинг ҳолига тушади. Ўзи “ушлагани”нигина ҳақ деб билиб, бошқалар билан ихтилофга боради, мунозара қилади.

Ҳаёт – инсонга чинакам маърифатга, камолотга эришмоқ учун берилган имкон. Ҳар ҳолда, мутафаккир аждодларимиз шундай деб ҳисоблашган. Камолга эришмай, “жаҳондин нотамом ўтмак”-ни ҳазрат Навоий бамисоли ҳаммомга кириб нопок чиқиш билан тенг кўради. Камолга эришмоқ эса юксак маънавий-маърифий тарбия самарасидир. Ҳазрат Алишер Навоийнинг шарқона тарбияга оид қарашлари наинки улуғ мутафаккир яшаб ижод қилган давр ёхуд бугунги кунда, балки узоқ истиқболда ҳам ҳаётбахш манба бўлиб хизмат қилиши шубҳасиздир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Рустамий А. Адиблар одобидан адаблар. – Т.: Маънавият, 2003.
2. Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Т.:Фан, 1983.
3. Қаюмов А. Асарлар. I жилд, 2-китоб. – Т.: Мумтоз сўз, 2008.
4. Исҳоқов Ё. Нақшбандия таълимоти ва ўзбек адабиёти. –Т.: Халқ мероси, 2002.
5. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили. –Т.: Akademnashr, 2011.
6. Хондамир. Макорим ул-ахлоқ (Форсчадан М.Фахриддинов, П.Шамсиев таржимаси). –Т.: Бадиий адабиёт, 1967.

THE INFLUENCE OF MĪR ᶜALĪ-ŠĪR NAVĀYĪ'S PERSIAN POETRY ON THE GHAZALS OF THE OTTOMAN SULTAN SELIM I (1512–1520)*

Benedek PÉRI
(Department of Turkic Studies
Eötvös Loránd University
Budapest, Hungary)

Though a comprehensive reception history of Mīr ᶜAlī-šīr Navāyī's poetic oeuvre needs to be written yet, we know a lot about the popularity his works written in Turkī enjoyed throughout the centuries. Dictionaries compiled to help people read and appreciate his poetry show that his poetic pieces had a wide and enthusiastic readership even in lands where the language he used was not fully understood,namely in the Ottoman Empire and in Iran. His poetry was widely read in one of the easternmost corners of the Turkic world, in Mughal India as well. Navāyī's works constitute a great part of Turkī manuscripts preserved in Indian librariesand historical sources mention people who knew his works by heart.[1]

Navāyī's Turkī poetry however, was appreciated not only by literary connoisseurs; it was also acknowledged by professional poets. His pieces, especially his ghazals were considered touchstones of poetic quality for a long time and many poets endeavoured to imitate them both in the eastern and the western part of the Turkic speakingworld. Many Ottoman poets tried their handsat composing ghazals in Navāyī's language and style, among them such outstanding artists as Nedīm (d. 1730) and Šeyh Gālib (d. 1799).[2]

It seems that the new Ottoman imperial literary paradigm created in the second half of the 15th century could not have evolved without Navāyī's ghazals. Awell-known anecdote preserved in many Ottoman sources relates that Navāyī sent thirty three of his Turkī ghazals to Sultan Bāyezīd I (1481–1512) who liked the poems so muchthat he gave orders to Ahmet paša(d. 1496–97), one of the eminent poets of the period to compose poetry in Navāyī's style.According to kınalızāde hasan Çelebī a mid-16th century author of a poetic anthology, Ahmed paša's poems earlier lacked artistic fervour and elegance but through studying and imitating Navāyī's ghazals his style became refined and his way of expression polished.[3] It is not utterly clear yet whether the story is true but still, it indicates the extent how deeply Navāyī's poetic art influenced the development of Ottoman ghazal poetry.[4]

It is clear from what has been said so far that Navāyī's poetry composed in Turkī played had exerted a profound influence on the development of various Turkī classical literary traditions (Čaġatay, Turkī-i ᶜajamī, Ottoman). Compared to his collections of poems in Turkī, Navāyī's Persian *Dīvān* seems to have been neglected. Knowing the enormous impetus his Turkic oeuvre gave to the development of classical literature in Turkī this situation leads to the following questions quite naturally: what can be said of Navāyī's Persian poetry in this respect. How was it received? Was it accepted into the Persian literary tradition? If it was how deep and how fast it did become embedded. The easiest way to answer these questions is to find out whether Navāyī's Persian poetry was imitated in any way because this would show that his poetry was acknowledged as a part of the tradition. For the purposes of this paper I chose to take a deeper look at the Persian ghazals of the Ottoman sultan Selim I for several reasons.

First of all becausehe was Navāyī's near contemporary and he seems to have been a talented poet. Secondly,because he used almost exclusively Persian for poetic purposes, he composed quite a few imita-

1 * The present research was supported by the research grant of the Andrew W. Mellon Foundation and ARIT and the research project financed by the National Research, Development and Innovation Office (104979K).

Péri, Benedek, Az indiai Timuridák és a török nyelv. A török írás és szóbeliség a mogul-kori Indiában (Indian Timurids and Turkic Language. Turkic Language and Literature in Mughal India). Piliscsaba, 2005, 104.

2 Sertkaya, Osman Fikri, Osmanlı šairlerinin Çağatayca šiirleri. Türk Dili ve Edebiyatı Dergisi 18 (1970) 133–138. For a comprehensive analysis of the topic see Çetindağ, Yusuf, Ali Şir Nevâî'nin Osmanlı Şiirine Etkisi. Ankara, 2006.

3 Kınalı-zade Hasan Çelebi, Tezkiretü'ş-Şuᶜarâ. I.Haz. İbrahim Kutluk. Ankara, 1989, ١٣٥.

4 Kleinmichel, Sigrid, Mīr ᶜAlīšēr Navā'ī und Ahmed paša. Archivum Ottomanicum 17 (1999) 77–211.

tion poems and he chose his models from among the works of poets whom the Ottomans considered "the classics". Last but not least my choice fell upon Selim's poetry because Latīfī, an Ottoman literary critic from the first half of the 16th century, a near contemporary of the sultan, claims that Selim was inspired by Navāyī poetry:[1]

Šuᶜarā-yı vilāyet-i Rūmdanandan ġayrı kimesne Fārisī dīvān tedvīn etmedi ve šiᶜr-i Türkī-yi terk edüp ol tarza gitmedi. Ekser-i evkātda Dīvān-ı Nevāyī tetebbuᶜ ederdi. Ešᶜār-ı Nevāyīye anlaruŋ iltifātı raġbet ü šöhret verürdi.

"Except for him no other Ottoman poet did compile a Persian *dīvān* and no other poet left Turkī poetry for this style. He imitated Navāyī's *Dīvān* most of the time. Navāyī's poetry became acknowledged and famous because of the interest he took in it."

The context of Latīfī's comment makes it clear that the *dīvān* Selim imitated was Navāyī's collection of Persian poems which he seems to have liked so much that he tried to imitate it. In classical poetry imitation is a versatile method for creating poetry. It can be used to show off with one's skills and brag about poetic talent but itcan also be applied in a more humble way, to express a poet's recognition of other poets' works. Navāyī's Persian imitation ghazals (*javābs*) following the poetic framework, that is the metre, rhyme, *radīf* combination of the selected model, were motivated by this feeling of appreciation and gratitude towards the poems he admired and used for inspiration, at least this is what one of his Persian *hitᶜas* implies:

Tatabbuᶜ kardan-i Fānī dar ašᶜār
Na az daᶜvā u na az hud-numāyī-st
Ču arbāb-i suhan sāhib-dilān-and
Murād-aš az dar-i dil-hā gadāyī-st[2]
"When Fānī imitates poems,
He does not wish to brag or to show off.
Since [real] poets are people with a [good] heart,
He came with the intent to pay homage and humbly beg."

Before trying to discover in what ways Navāyī influenced and shaped Selim's poetry, a few words should be said about the sultan's Persianpieces. Latīfī's claim that Selim composed poetry almost exclusively in Persian seems to be true as only a handful of his Ottoman poems have been discovered scattered in poetic anthologies. His choice of language might have been motivated by political considerations. It is not without reason to think that his poems were meant to be part of the Ottoman-Safavid propaganda war with the purpose of proving that Selim complied with the Timurid concept of an ideal ruler who was a successful military leader and at the same time a sedentarized and highly cultured *adīb*, talented and skilled enough to compose good pieces of poetry.[3]

The greatest part of Selim's poetic output is represented by his ghazals many of which are imitations or emulations. The sultan seems to have selected his models very consciously, mainly from among authors of 13th–15th century Persian poetry and composed imitationsmodelled, among others, on gazels by Saᶜdī (d. 1291/1292), Amīr Husrav (1253–1325), Hāfiz (1325–1392), Salmān Sāvajī (d. 1396), Kamāl-i □ujandī (d. 1400), Kātibī Turšizī (d. 1434–6), Jāmī (1414–1492) and last but not least Navāyī (1441–1501).[4]

1 Latîfî, Tezkiretü'ş-Şuaᶜarâ ve Tabsiratü'n-Nuzamâ. İnceleme-Metin. Haz. Rıdvan Canım. Ankara, 2000, 150.

2 Dīvān-i Fānī. Kitābkhāna, Mūza va Markaz-i Asnād-i Majlis-i Šūrā-yi Islāmī 1035, p. 300.

3 For a detailed argumentation see Péri, Benedek, 'From Istāmbōl's throne a mighty host to Irān guided I;/Sunken deep in blood of shame I made the Golden Heads to lie': Yavuz Sultan Selim's Persian poetry in the light of the Ottoman-Safavid propaganda war. In: Proceedings CIEPO Budapest (Forthcoming)

4 Péri, Benedek, Szelim szultán perzsa ġazaljai I. Az első megközelítés. (The Persian ghazals of Sultan Selim I. A First Approach). In: Dévényi Kinga (szerk.), Varietas Delectat. Tanulmányok Kégl Sándor emlékére. Budapest, 2010, 25–29; Péri Benedek, I. Szelim szultán kiadatlan perzsa versei I. (Unpublished ghazals by Yavuz sultan Selim. Part I.) Keletkutatás 2015 tavasz, 117–122; Péri Benedek, I. Szelim szultán kiadatlan perzsa versei II. (Unpublished ghazals by

Selim's Persian poems were collected into a *dīvān* that was edited and published by Paul Horn in 1904.[1] Horn's edition which is based on seven manuscripts contains 300 odd poems.Research work done in the past years led to the discovery of hitherto unknown manuscripts containing a great number of unknown poems. For the purpose of the present paper, besides using Horn's edition I will heavily rely on material that would be published first in my new critical edition of Selim's dīvān.

Selim resorted to a wide range of poetic techniques to compose imitation poems and thus the influence of his models, Navāyī's poems among them, can be observed at various levels. The textual analysis of Selim's poems does not seem to confirm Latīfī's statement that Selim imitated Navāyī's poetry, at least not in the sense that the sultan composed poetic replies to Navāyī's ghazals. Only a few of Selim's imitation poems might be considered *javāb*s inspired by Navāyī's original pieces of poetry labeled *muhtara*^{c} 'invented'in the Persian dīvān.

Nevertheless, Selim seems to have followed in the footsteps of Navāyī as far as the choice of models is concerned and his *dīvān* include more than twenty ghazals that were modelled upon poems Navāyī also chose to imitate. These Selim ghazals often contain couplets inspired by Navāyī's *bayt*s.

One of the rare instances when Selim composed a poetic reply to one of Navāyī's original poems is his poem starting with the *matla*^{c}

Z-ān na-nālam gar firāh-i h^{v}*īš zār-am mī-kušī*
Vah ki bar ummīd-i vasl az intizār-am mī-kušī[2]
"I am not complaining because you kill me with your absence,
Alas, you kill me with the expectation and hope of meeting [you]."
This poem seems to be composed as a *javāb* to Navāyī's ghazal beginning
Ay šab-i ġam čand dar hijrān-i yār-am mī-kušī
Zanda mī-dāram tu-rā bahr-i či zār-am mī-kušī[3]
"Ah, night of sorrow, how many times do you kill me in the absence of my beloved?
I keep you alive, why are you killing me so cruelly?"

Selim's poem, though it shares the metre (*ramal-i musamman-i mahzūf*), rhyme (*-ār*), *radīf* (*mī-kušī* 'you kill me') combination of Navāyī's ghazal, is very different from its model, perhaps because the relatively easy metre and the wide range of rhyming words provided Selim with a relatively greater freedom in writing his emulation poem. Compared to Navāyī's seven couplet long ghazal the sultan's ghazal consists of only five bayts.Moreover, the two poems share only two rhyming words, *intizār* 'waiting' and □*umār* 'wine headache'. It is also interesting to observe that while Navāyī's poem contain many references to wine drinking Selim seems to deliberately avoiding this motif as he refrains using terms that refer to the consumption of wine even in the couplet that has *humār* as the rhyming word.

A unique copy of Selim's *dīvān* kept in alibrary in Tehran was the only one to preserve a ghazal that appears to have also been inspiredby one of Navāyī's original poems. The metre, rhyme, *radīf* combination used in this ghazal is very rare and from among poets of the classical tradition only Navāyī seems to have used it[4].

Selim's poem in this case is not an imitation trying to create a close replica of the model's text but more of an emulation endeavouring to imitate the style of Navāyī's ghazal. However, intertextual allusions hidden in the text, the structure of the couplet, the shared key words and the rhyming word applied suggest a close connection between Selim's and Navāyī's second bayts.

Navāyī II.
Gāh ***<u>čašm</u>*** *āyad girān dar kaffa-yi* ^{c}*ašq-am zi ġam*
Kūh-i Farhād-aš agar YAK SŪ *nahī* ***yak sū ma-rā***[5]

Yavuz sultan Selim. Part II.) Keletkutatás 2015 ősz, 113–130.

1 Dīvān-i balāġat-^{c}unvān-i Salīm □ān-i avval. Ba-ihtimām-i Pavul Horn. Berlin, 1904.

2 Dīvān-i Sultān Salīm. Kitāb□āna, Mūza va Markaz-i Asnād-i Majlis-i Šūrā-yi Islāmī 13392, 55a.

3 Mīr ^{c}Alī-Šīr Navāyī "Fānī", Dīvān. Ba sa^{c}ī u ihtimām-i Rukn ad-Dīn Humāyūn Farru□. Tihrān, 1375, 306.

4 Metre: ramal-i musamman-i mahzūf; rhyme: -ū; radīf: ma-rā.

5 Mīr ^{c}Alī-Šīr Navāyī "Fānī", Dīvān, 83. Typographical devices in the poetic quotations serve to highlight the paralellisms

„Eyes are in trouble if someone wishes to weigh the sorrows of my love
And Farhād's mountain is placed into one of the pans of the scale and I am placed into the other."

Selim II.
Banda-yi ān ***čašm****-i fattān-am ki bā sad šarm u nāz*
Yak taraf aġyār-rā mī-sāyad az ***yak sū ma-rā***[1]
„I am the slave of those magical eyes that with hundred ways of coquetry,
Cast glances at one side on my rivals and at meon the other."

The first ghazal of the *dīvān* of Hāfiz became a very popular model for imitation during the Timurid period and both Navāyī and Selim composed poetic replies to it. Though these two imitation poems follow different lines,atone point they seem to converge and intertextual hints in Selim's third couplet indicates that is was inspired by Navāyī's fifth couplet.

Selim III.
*Savāb-i hajj KUNAD HĀSIL**fakīh** ammā na-mī-dānad*
Ki dar ***bī-hāsilī*** *dārand* ᶜušš**āk**-*i tu* ***hāsil-hā***
"A jurist harvests the fruits of reward for completing a pilgrimage but he does not know
That these fruits are useless in the eyes of your lovers."

Navāyī V.
Man u ***bī-hāsilī*** *ki-z ᶜilm u* ***zuhd****-am ān či HĀSIL ŠUD*
Yakāyak dar sar-i maᶜšūk *u may šud jumla* ***hāsil-hā***
"Me and the uselessness of all that I have harvested by learning and austerity,
All the things I harvested were spent on my beloved and wine."

The dichotomy of empty, meaningless orthodox religious practices and the mystic's successful spiritual quest facilitated by the entheogens of love or wine is an often recurring topos in classical ghazal poetry. This is thekey motifin both couplets and it is expressed by both Navāyī and Selim in a very similar way, using the same or very similar tropes, words and phrases. The paralellisms between the two *bayt*s, the pair of opposing notions of fruitful (*hāsil*) and fruitless (*bī-hāsil*), the compound verb in the first hemistich with the same none verbal element (*hāsil kunad; hāsil šud*) which serves to secure a poetic focus on the concept of 'fruitfulness', the antithesis of orthodox religion and the mystical path represented by a jurist (*faqīh*) versus lovers in Selim's ghazal and by the term asceticism (*zuhd*) and the figure of the beloved in Navāyī's poem respectively, the appearance of two verbal nouns (*ᶜušš**āq**/maᶜš**ūq***) formed from the same Arabic radicals and last but not least the use of the same rhyming word, seems to confirm the reader's suspicion that the basic idea for Selim's couplet came from Navāyī's *bayt*.

The poetical framework consisting of the metre *ramal-i musamman-i mahzūf*, the rhyme – *ār* and the *radīfnīst* appears to have been a popular one in the Persian poetic tradition and a huge paraphrase network of interconnected poems developed out of it that extended up to the 20th century. Poems belonging to the paraphrase network shared a common and ever growing *mundus significans*, signifying universeand it was up to poets to choose from this common set of poetic devices. Navāyī's ghazal using this poetical framework was meant as *javāb* to a poem by Hāfiz but the model poem appears to have been lost.[2] Selim on the other hand used multiple sources for inspiration. His first couplet is*tazmīn*, a poetic quotation taken from a ghazal by Humāyūn Isfaraynī (d. 1496 or 1503).

in the texts.

1 Dīvān-i Sultān Salīm, 86b.

2 Though a copy of Navāyī's Persian dīvān copied in the poet's life very explicitly states that the model was a ghazal by Hāfiz, none of the editions or the known mansucripts preserved this poem. Dīvān-i Fānī. Kitāb□āna, Mūza va Markaz-i Asnād-i Majlis-i Šūrā-yi Islāmī 1035, 68–69.

Humāyūn I.
Juz ġam-i dūrī halāk-i ᶜāšiq-i bīmār nīst
Nīst bīmī az ajal gar hijr bā ū yār nīst[1]
„Only the sorrow of [his beloved's] absence can kill an ailing lover.
He should not fear death if separation is not accompanying him."

Selim I.
Juz ġam-i dūrī halāk-i ᶜāšiq-i bīmār nīst
Nīst bīmī az ajal gar hijr bā ū yār nīst[2]

The key idea in the seventh couplet, the *maktaᶜ* of Selim'sghazal is the opposition of the lover's desires versus the ascetics (*zāhid*) longing for Paradise. From among the poems of the paraphrase network this motif, though in a more elaborate way, is present only in Navāyī's ghazal.
Selim VII.
*Bas ki **zāhid**-rā hayāl-i Kavsar-ast u bāġ-i huld*
Čūn Salīm ammā juz hasrat-i dīdār nīst
„An ascetic keeps dreaming of the Kavsar and Paradise,
The only desire Selim has, is to see [his beloved]."

Navāyī
***Zāhidā** dar ravza gar may az kaf-i dast-i dildār nīst*
Ravza-ī huštar ma-rā az kulba-yi hummār nīst
ᶜĀšikān-rā hīč jannat nīst čūn gulzār-i vasl
Kavsar u Tūbā misāl-i lᶜal u hadd-i yār nīst[3]
„Ascetic! If wine is not given to us by our beloved in Paradise,
We will not prefer the celestial gardens to a hut inhabited by drunkards.
Eden can't be compared with the rose garden of being together [with beloveds]
The river Kavsar and the Tuba tree isn't equal to the ruby lips and the body of our beloved."

Both Navāyī and Selim composed a poetic reply to a ghazal by Amīr Šāhī (d. 1453) that uses the metre *muzāriᶜ-i musamman-i ahrab-i makfūf-i mahzūf*, the rhyme *–amī*, and the *radīfdigar* 'another'.[4] Though the two imitation poems have hardly anything in common the *matlaᶜ* of the sultan's ghazal contain vague hints suggesting that couplet might have been inspired by Navāyī's lines.
Selim I.
*Bā-ān ki **nīst**ĠAYR-i tu-am **mahramī digar***
Har lahza bā-hayāl-i tu gūyam ġamī digar[5]
"Except for you I do not have a confidant,
So I keep complaining of my sorrows to a vision of you."

Navāyī III.
Gūyam ba-nazd-i pīr-i muġān javr-i muġbača
*Čūn **nīst**-am ba-dayr JUZ ū **mahramī digar***
"I keep complaining about the young magus to the old man of the magi,
Becauseexcept for him I do not have another confidant in the convent."

1 Dīvān-i Humāyūn. Kitābhāna, Mūza va Markaz-i Asnād-i Majlis-i Šūrā-yi Islāmī, 13651, 9a; See also Majmūᶜa-yi sih dīvān. Kitābhāna, Mūza va Markaz-i Asnād-i Majlis-i Šūrā-yi Islāmī, 2658, 39b–40a.
2 Dīvān-i Sultān Salīm, 78b–79a.
3 Dīvān-i Navāyī, „Fānī",122.
4 Dīvān-i kāmil-i Hāfiz. Ba-ihtimām-i Muhammad □azvīnī va □āsim Ġanī. Tihrān, 1382, 51.
5 Dīvān-i Sultān Salīm, 84a.

Though the poetic context of the two couplets is different, they have a similar structure, both of them focuses on the poet who is complaining of his miserable state to the only person or thing he can confide in.Moreover the two couplets share some key words and ideas (*gūyam* 'I say' used in the meaning, 'I complain', *nīst* 'does not exist' and the words *juz*/*ġayr* in the meaning 'except for').

A ghazal by Hafiz using the metre *ramal-i musamman-i ma□būn*, the rhyme *–ān* and a rare radīf *ki ma-purs* 'so do not ask' inspired both Navāyī and Selim to compose a poetic reply to it.[1] Key elements of the two *matla*ᶜs, especially the evident similarities between the first *misrā*ᶜ of Selim's ghazal and the second hemistich of Navāyī's suggest that the *bayt* was inspired by the first couplet of Navāyī's poem.

Selim I.
Bī-tu dāram alamī dar dil-i sūzān ki ma-purs
V-ān-čunān sūhta-am z-ātaš-i ***hijrān ki ma-purs***[2]
"Without you there is sorrow in my burning heart, do not [even] ask about it,
The fire of your absence has burnt me so much that do not [even] ask about it."

Navāyī I.
Ān čunān sūhta-am az ġam-i hijrān ki ma-purs
K-ātaš-am zad ġam-i hijrān-i tu dar jān ki ma-purs[3]
The sorrow of [your] absence burnt me so much, do not [even] ask about it,
The sorrow of [your] absence stroke a fire in my soul, do not [even] ask about it."

Selim's poetry contains a handful of more examples that might be interpreted as a piece of textual evidence of Navāyī's influence on Selim's ghazal poetry but the intertextual allusions in these lines extending to merely one or two "suspicious" words or phrases are very vague. Only a much deeper comparative analysis of the loci in question, which would in some cases involve the close reading of imitation poems composed by other poets as well, could ascertain whether the similarly looking elements in Selim's and Navāyī's poems can be attributed to Navāyī's influence.

As far as the textual paralellisms between Navāyī's and Selim's Persian ghazals are concerned the research work hitherto done on the field has yielded seemingly meagre results which, as it has been suggested earlier, appear to confirm Latīfī's statement only partially.It might be possible however, that Latīfī, who was evidently well-versed in the workings of the classical poetic tradition, did not refer to single poems of Navāyī but meant his collection of Persian poems as a whole. In this case the sentence in question (*Ekser-i evkātda Dīvān-ı Nevāyī tetebbu*ᶜ *ederdi.* "He imitated Navāyī's Dīvān most of the time") can be interpreted as meaningthat the sultan usedNavāyī's *dīvān*as a reference work from whence he learnt how to compose imitation poems and how to select his models. This theory however plausible it may be can only be confirmed by a deeper comparative analysis of the poetic devices Selim and Navāyī applied in their Persian ghazals.

As a conclusion it can be said that the evident connection, the textual paralellisms between of Selim's and Navāyī's Persian*dīvān*clearly indicate thatNavāyī's Persian poetry was already considered part of the classical Persian literary traditionin the early 16th century, not long after the poet's death. If it had not been the case Selim who targeted an educated Iranian audience that was well-versed in the classical poetical tradition and could differentiate between god and bad poetry would not have turned to Navāyī's Persian *dīvān* for inspiration.Nevertheless if we wish to discover how deeply Navayī's Persian pieces became embedded in the tradition more comprehensive research should be conducted.

Bibliography

Çetindağ, Yusuf, *Ali Şir Nevâî'nin Osmanlı Şiirine Etkisi*. Ankara, 2006.

1 Dīvān-i kāmil-i Hāfiz. Ba-ihtimām-i Muhammad □azvīnī va □āsim Ġanī. Tihrān, 1382, 192.

2 Dīvān-i Sultān Salīm, 55a.

3 Dīvān-i Navāyī, „Fānī", 197–198.

Dīvān-i balāġat-ᶜunvān-i Salīm hān-i avval. Ba-ihtimām-i Pavul Horn. Berlin, 1904.
Dīvān-i Fānī. Kitābkhāna, Mūza va Markaz-i Asnād-i Majlis-i Šūrā-yi Islāmī, 1035.
Dīvān-i kāmil-i Hāfiz. Ba-ihtimām-i Muhammad kazvīnī va Kāsim Ġanī. Tihrān, 1382.
Dīvān-i Humāyūn. Kitābhāna, Mūza va Markaz-i Asnād-i Majlis-i Šūrā-yi Islāmī, 13651.
Dīvān-i kāmil-i Hāfiz. Ba-ihtimām-i Muhammad kazvīnī va Kāsim Ġanī. Tihrān, 1382.
Dīvān-i Sultān Salīm. Kitābhāna, Mūza va Markaz-i Asnād-i Majlis-i Šūrā-yi Islāmī, 13392.
Kınalı-zade Hasan Çelebi, *Tezkiretü'ş-Şuᶜarâ.* I.Haz. İbrahim Kutluk. Ankara, 1989.
Kleinmichel, Sigrid, Mīr ᶜAlīšēr Navā'ī und Ahmed paša. *Archivum Ottomanicum* 17 (1999) 77–211.
Latîfî, *Tezkiretü'ş-Şuaᶜarâ ve Tabsiratü'n-Nuzamâ*. *İnceleme-Metin*. Haz. Rıdvan Canım. Ankara, 2000.
Majmūᶜa-yi sih dīvān. Kitābhāna, Mūza va Markaz-i Asnād-i Majlis-i Šūrā-yi Islāmī, 2658.
Mīr ᶜAlī-Šīr Navāyī "Fānī", *Dīvān*. Ba saᶜī u ihtimām-i Rukn ad-Dīn Humāyūn Farruh. Tihrān, 1375.
Péri Benedek, I. Szelim szultán kiadatlan perzsa versei I. (Unpublished ghazals by Yavuz sultan Selim. Part I.) *Keletkutatás* 2015 tavasz, 117–122.
Péri Benedek, I. Szelim szultán kiadatlan perzsa versei II. (Unpublished ghazals by Yavuz sultan Selim. Part II.) *Keletkutatás* 2015 ősz, 113–130.
Péri, Benedek, *'From Istāmbōl's throne a mighty host to Irān guided I;/Sunken deep in blood of shame I made the Golden Heads to lie'*: Yavuz Sultan Selim's Persian poetry in the light of the Ottoman-Safavid propaganda war. In: Proceedings CIEPO Budapest (Forthcoming)
Péri, Benedek, *Az indiai Timuridák és a török nyelv. A török írás és szóbeliség a mogul-kori Indiában (Indian Timurids and Turkic Language. Turkic Language and Literature in Mughal India)*. Piliscsaba, 2005.
Péri, Benedek, Szelim szultán perzsa ġazaljai I. Az első megközelítés. (The Persian ghazals of Sultan Selim I. A First Approach). In: Dévényi Kinga (szerk.), *Varietas Delectat. Tanulmányok Kégl Sándor emlékére*. Budapest, 2010, 21–45.
Sertkaya, Osman Fikri, Osmanlı şairlerinin Çağatayca şiirleri. *Türk Dili ve Edebiyatı Dergisi* 18 (1970) 133–138.

NAWĀ'Ī'SKHAMSA IN THE LIGHT OF TIMURID CULTURAL POLICIES

DR.MARC TOUTANT
(Centre d'Études Turques, Ottomanes, BalkaniquesetCentrasiatiques (Paris, France) marcetnakissa@gmail.com)

The Timurid era was a period of cultural florescence, especially at the end of the dynasty, during the reign of the last great Timurid ruler, Sultān Bayqara (1469-1506). This Timurid Renaissance resulted from the intensification of an ongoing process of artistic imitation in various artistic fields.Far from trying to differentiate their domination over the sedentary Iranian population by a specific aesthetic program, the last successors of this Turko-Mongolian dynasty did not cease to model their artistic achievements on the Persian canons.A careful study of imitational practices in the fields of architecture, painting, and literature leads us to understand that this imitation process revealed several tendencies that characterized the last Timurids' attitude towards the Persianate cultural complex, and what we could ultimately label as a kind of cultural policy.

Nawā'ī was recognized as a master in both the lyric *ghazal* and the narrative *mathnawī* genre. In the latter, his fame rests upon his *Khamsa*, a collection of five poems, intended as a poetic response to the *Khamsa*s ofNizāmī Ganjawī (1141-1209), Amīr Khusraw Dihlawī (1253-1325) and also to Jāmī (1414-1492)'s *Haft Aurang*. Up to now, most of the studies devoted to this famous rewriting have proved to be reluctant to deal with its ambiguous links to the Persian tradition. Its understanding in the light of recent research carried out in the fields of architecture, painting and literature in the Timurid capital at the end of

the fifteenth century has provided us with new perspectives. It shows that Nawā'ī's poetic endeavourcan be seen as a singular embodiment of major Timurid aesthetic trends of this period and a privileged access to the cultural history of the region.

Nawā'ī's *khamsa*: between 'servile copying' and'absolute originality'?

Facing a *Khamsa* written in a Turkic language, Western Orientalists who began to look at Nawā'ī's work were more interested in his language than in its literary content. Since Nawā'ī labelled his own work an imitation of the great Persian writers, it was generally considered that his work, and especially his *Khamsa*, did not deserve any particular interest. This opinion was openly expressed by Edgar Blochet, a French orientalist who was the adjunct curator of the manuscript department of the Bibliothèque Nationale in 1929. He did not hesitate to state that the Timurid poet was nothing but a "slavish imitator."[1]Edgar Blochet's judgement was far from being isolated and this kind of attitude towards the poet had great consequences on the way he was studied in Europe. In fact, stating that Nawā'ī was just an imitator showed that the imitation process in Central Asia was not well understood. Many Orientalists were apparently blinded by the Romantic vision and the Romantic aesthetics of the last two or three centuries, which have made originality the ultimate literary value. Given that the illusion of 'radical originality' devalues all forms of repetition, it implies that the status of the poet as imitator of his predecessors was often equated with servile copying, and lack of originality.

In Central Asia, one could expect that academics were more accustomed to the imitation process. However, it was primarily for political purposes that, during the Soviet period, Uzbek and Russian interpretations contradicted Western Orientalists' harsh judgement of Nawā'ī. Nawā'ī was a cultural piece in the elaboration of a national Uzbek identity ethnogenesis after the Second World War. In accordance with these indigenisation policies, emphasis was henceforth put on his originality. The eminent Iranist Evgeni Bertel's was one of the first to stress Nawā'ī's specificity by comparing his *Khamsa* with that of Nizāmī, and did not hesitate to criticise Blochet's scornful attitude.[2]Bertel's opened the way to a modern literary understanding of the poet's work and the complexity of the imitation process was progressively taken into consideration in the *Navoiyshunoslik*.[3] But, for Nawā'ī was mostly studied in the Soviet empire whose cultural policy established the Timurid poet as the emblematic writer of the new-born Republic of Uzbekistan, Soviet scholars tended to isolate his work from any Persian influence. While this attitude had proved to remain a basic trend, outside the Soviet World the question was even less approached since Turcologists tended to focus on the Turkish elements of Nawā'ī's poetry, and Iranists appeared to be rarely concerned with Turkish emulators of Classical Persian poetry.

The point is that, while preserving the poet from the accusation of being a 'slavish imitator,' Turcologists have always emphasized the originality of Nawā'ī's *Khamsa* to an extent that has clouded his link with the Persianate tradition. Rarely did they attempt to discern Nawā'ī's specific ambition in the light of Timurid concerns towards the Persianate tradition. Given the complexity of the imitation process, the importance of the tradition, the poet's awareness of the significance of the Persian poetry, it seems consequently that the question requires further investigation.

Three major aspects of timurid aesthetic trends

To fully understand Nawā'ī's conscious re-interpretational attitude towards the Persianate tradition requires reading the poet's reflection on the poetic past while considering the cultural milieu within which

1 E. Blochet, Les Enluminures des manuscrits orientaux de la Bibliothèque Nationale, Paris, Éditions de la Gazette des Beaux-arts, 1926, p. 95.

2 See "Navoi i Nizami," in ed. A. K. Borovkov, Ališer Navoi, Sbornik statej, Leningrad, Moscou Izdatel'stvo Akademii Nauk SSSR, 1946, p. 68-92.

3 See also from Bertel's "Nevāi i 'Aṭṭār," in ed. V. Bartol'd, Mir-Ali-Šir, Sbornik k pjatisotletiju so dnja rozhdenija, Leningrad, Izdatel'stvo Akademii Nauk SSSR, 1928, and Navoi. Opyt tvorčeskoj biografii,Leningrad, Moscou Izdatel'stvo Akademii Nauk SSSR po Izdaniju Naučno-Populjarnoj Literatury, 1948.

he composed his poetry. Recent works have focused on the imitation process during the Timurid era and allow us to examine the question from a different viewpoint.In Nawā'ī's time, during the reign of the last great ruler Husayn Bayqara, Herat enjoyed a period of remarkable artistic ferment. The Timurids, and specifically the later Timurids,have universally been acknowledged by medieval Islamic cultural historians as representing the pinnacle of patronage of the arts.What has been called a Renaissance was the result of anintensive imitation process. In factthe Timurid court consciously immersed itself in the media and standards of the 'Persianate cultural complex.'One of the central issues facing Timurid rulers was the need, as foreign Turkic conqueror to establish themselves as legitimate rulers in the Iranian monarchical tradition. It is undoubtedly true that Timurid calligraphy, painting, decorative arts, and architecture all give convincing testimony of the dynasty's energetic and conscious cultivation of Persianate art forms. In fact, the imitation process during the period in which Nawā'ī composed was affected by three majors trends.

The first one can be seen as a kind of *timuridization*. The empire Timur left behind at his death was of vast extent. But as there existed neither an effective disposition for the succession nor a firm political organisation for the realm, its unity immediately crumbled. With the passing of AbūSa'īd the Timurid empire entered a new phase of disintegration. At the end of the fifteenth century, when Sultān Bayqara came to power, he inherited a vastly diminished empire, which would soon disappear. The dynasty then attempted to reconcile itself to the altered circumstances of a vastly diminished empire, while trying to maintain the façade of its earlier power. By shifting the focus of their energies from the battlefields to the arts, the Timurids were able to restructure the image of their power, creating a façade, whose brilliant exterior masked an insubstantial core. Through the cultural and artistic prestige they projected, they were able to maintain the aura of Timurid power so central to their existence. The *timuridization*then can be described as a conscious affirmation of Timurid charisma through overt references to the funder of the dynasty,which resulted notably in a resurgence of interest in Turkic values and literature.Sultān Husayn's effort to associate himself with Timur took a number of forms.For example, in the field of architecture, while Shāhrukh's Herat was modelled on the Kartid city (being of Tajik origin, the Kartiddynasty ruled over a large part of Khorasan from Herat during the thirteenth and fourteenth centuries), Sultān Husayn returned to the example of Timur himself in order to give Herat a real Timurid shape.

The second trend is often describedas apenchant for *standardization*. The standardization was an essential component of the Timurid project of cultural mastery and assimilation of the Persian tradition. The first thing the Timurids wanted to achieve was to create a catalogue of past work and the formation of the classical canon of the Persian poetry.Thus, while painters, calligraphers, and various artists alike were often engaged in a single cultural project, namely the maintenance and propagation of the classical canon of Persian poetry, Timurid poets concentrated their efforts on defining and organizing the tradition's thematic and symbolic repertoire: it was a kind of codification and systematization process. Conceiving that any kind of activity must be carried out in the shadow of the archetypes of the Persian tradition, Timurid poetry was a poetry that celebrates and reveals its own systematic conventionality, an aesthetic at the opposite extreme from Romantic notions of artistic freedom and personal expression. On the other hand, this kind of imitation process entailed the consolidation and sometimes the revision of the Persianate tradition since this process was undertaken by people whose concerns and interests were partly determined by the trends of their times.[1]

The last trend is a form of *sufization*. At the end of the fifteenth century, religious orders and dervishes were among the groups who benefited the most from the restructuring of Timurid power.Sultān Husayn was dependent upon the support of the sheikhs and their orders, a reflection of declining Timurid power. The impact on the visual arts of this interest in Sufism occurred on a number of levels. At the most obvious, Sufi-inspired texts were copied, illuminated, bound in fine covers, and at times even illustrated. While production of such manuscripts had occurred as early as the second quarter of the fifteenth century, these texts became more prominentand were copied in larger numbers at the end of the century.

1 See P. Losensky, Welcoming Fighānī: Imitation and Poetic Individuality in the Safavid-Mughal Ghazal, Costa Mesa, Mazda Publisher, 1987.

Towards a new interpretation

The identification of these three major trends, which affected the imitation process,leads us to propose a new interpretation of Nawā'ī*'s* ownimitation of Nizāmī's *Khamsa.*Concerning the first dimension, the *timuridization*, I would like to quote some excerpts taken from the prologues of the*Khamsa.* In the prologues of each *mathnawī*,the poetdevelops his warlike vision of the literary emulation. Each poet who had succeeded in writing a *Khamsa*is compared to a conqueror. Let us see how Nawā'īconsiders his achievements in this context:

Nizāmī alsa barda' birlä ganja	if Nizāmī seized Barda and Ganja
qadam rūm ahlïgha ham qïlsa ranja	if his march hurt the people of Rum
chekib khusrau daghï tïgh zabānïnï	if Khusraw also drew the sword of the language
yurub fatḥ äyläsä hindūstānnï	and marched on and conquered India
yana jāmī 'ajamda ursa naubat	if Jāmī again took his share in 'Ajam
'arabda daghï chalsa kūs-i shaukat	if he hit the drums of glory among the Arabs
agar bir qaum gar yüz yoqsa mingdür	whether they are one tribe or one hundred or one thousand
mu'ayyan türk ulusï khwud meningdür	it is obvious that the Turkic tribes are under my control
alïpmen takht-i farmānïmgha āsān	I easily took under my authority [all the places]
cherik chekmäy khiṭādïn tā khurāsān	from China to Khorasan without an army
khurāsān demä kim shīrāz u tabrīz	not only the Khorasan but also Shiraz and Tabriz
ki qïlmïshtur nay-i kilkim shakarrīz	when the tip of my calame pours its sugar[1]

According to his own words, Nawā'ī took control over the Persianate tradition. He sees himself as the leader of a cultural conquest, replacing the military conquest thathad established Timurid power over the Iranian settled populations. So as to display his power, the poet does not hesitate to state that his 'empire' will extend from China (Khiṭā) to Khorasan, including the Fars region with Shiraz, and the Caspian Sea with Tabriz. Besides, since this conquest is particularly spectacular, it implies a man of an extraordinary nature. Thus, like Timur who had been said to be sent by God, thereader is informed that Nawā'ī has been chosen not only among Turkic, but also among Persian and Arabic peoples, to write his *Khamsa*. It is thus not surprising that Nawā'ī gave himself the same title that the great Timurid conqueror was given. When the poet became disheartened by his task in his last *mathnawī*, an angel came down to him and told him that:

naṣīb etti äyläb seni marzbān	Fate appointed thee as a custodian
sinān-i qalam birlä tïgh-i zabān	with the tip of the calame or the sword of the tongue
ki bu mülk ara qahramān bolghasen	for you will become a hero among men
ulus ichrä*ṣāḥib qirān* bölghasen	you will be the Lord of the Auspicious Conjunction
among the tribes[2]	

The title *ṣāḥib qirān* ('The Lord of the Auspicious Conjunction'), which was gained by Tamerlane due to his military successes, is claimed by Nawā'ī, not for war achievements, but for cultural victories towards the tradition. Actually, writing a *Khamsa*in Turkic was all the more courageous that,by the end of the century, only ten percent of the poetry written at Sultān Husayn's court wascomposed in *Türkī*.Obviously, Nawā'ī attempted to revitalize the Timurid conquest at a time when the dynasty had lost its great power. Being the last resonance of the Timurid conquest and the promise of a cultural revival,Nawā'ī's *Khamsa* certainly evoked the glory days of the dynasty's Turkic past with its military connotations.

Throught the writing of his *Khamsa*,Nawā'īalso epitomized the Timurid specific concern for the codification and the *standardization*of the Persianate tradition. The rewriting of Alexander's expedition provides us with the best illustration of this process. Reading the *Sadd-i iskandarī* ('The Alexandrian Wall'), oneobserves that Nawā'ī not only repeated, but also reorganized some of the most important passages of Nizāmī, Amīr Khusrau Dihlawī, and mostly Jāmī's own versions of Alexander's the Great biography. Actually, if we take a closer look at the*Sadd-i iskandarī*, we see that this text is ruled by series of thematic

1 Ms Michigan 450,Farhād u Shīrīn, LIV, p. 254.

2 Ms Michigan 450,Sadd-i iskandarī, VIII, p. 364.

chapters, each devoted to an ethical theme and divided into four sections. This four-section pattern runs as follows: the first section of each thematic chapter is a discussion of the main theme of the chapter (*andarz* section). This theme is then illustrated by the way of a short apologue (*hikāyat* section). A third section depicts a discussion between Alexander and Aristotle, his wise adviser, aiming at a better and a deeper understanding of the theme (*hikmat* section). Finally, the last section narrates an episode of Alexander's life, which serves as a kind of an empirical confirmation, so to speak, of the concept approached in the first section (*dāstān* section). Thus, the 72 *bāb* (sections) of the *dāstān* (from *bāb* XVI to *bāb* LXXXVIII) are divided into 18 thematic chapters, each of which is sub-divided into four sections.Eighteen themes (such as ambition, justice, friendship, etc.) are then subsequently addressed, illustrated, explained in depth, and finally embodied by Alexander's biography. In this way, more than 70 sections comprise the boxes of this vast table, which reveals how the poet's approach tended towards systematization.

As to the *sufization*, it must first be recalled that Nawā'īwas initiated into the Naqshbandiyya order by his spiritual master and lifelong friend, the great Persian poet and mysticJāmī, in 1476-1477. In three of his five *mathnawī*s,theTimuridpolymath does not refrain from highlighting some of the most important rules of the Sufi brotherhood, whereas Jāmī had always been reluctant to do that in his own poetry. For example, in the *Sadd-i iskandarī,* while exposing the contrast between the suffering caused by Alexander's journey and the quietness one can enjoy in his homeland, Nawā'ī reminds any reader, who would be tempted by a war expedition such as that undertaken by Alexander, that life is already a journey in itself. Since this existential travel is very hard, one should learn to take a fruitful rest. If the desire to travel is still strong, it is better to adopt these verses, which are expressed in the form of two maxims:

musāfir bol ammā wạtan ichrä bol	be a traveller but stay in the homeland
tiläkhalwat u anjuman ichrä bol	look for solitude but stay within society[1]

Every reader could easily recognize the Turkic adaptations of the famous Naqshbandi mottos: *safar dar wạtan* ('travel in the homeland') and *khalwat dar anjuman* ('solitude within society'), so characteristic of the Sufi order to which Nawā'ī and Jāmī belonged. According to the brotherhood's conception, 'the travel in the homeland' is designed as an internal journey in which the individual makes his own internal world progress. The idea of an inward journeying as opposed to an outward one contribute to distinguish the Naqshbandiyya from other Sufi brotherhoods,which had always encouraged the disciple to travel in a physical meaning.Consequently, the study of the *Sadd-iskandarī* shows that the retelling of Alexander's conquest could serve as a pretext for illustrating some of the most important Naqshbandi principles like *safardarwạtan*.

The study of some aspects of Nawā'ī's intertextual interplay with other *Khamsa*s reveals that the literary practice of imitation was a part of a larger process that involved the wholeTimurid cultural complex. In turn, these three aspects, such as the *timuridization,* the *standardization,* and the *sufization,* which can be described as the major trends of the Timurid cultural policies at that time, help us understand Nawā'ī's ambition while he was writing his great masterpiece.

BIBLIOGRAPHY

Primary sources

1. AmīrNiẓām al-Dīn 'Alī Shīr Nawā'ī, *Khamsa*, Ms Michigan 450, University of Michigan Special Collection Library.

Secondary sources

2. Abdullaeva R., "G'arbolimlariNavoiyvaBoburijodihaqida," *O'zbek Tili va Adabiyoti*, 2007, n° 1, p. 40-45.

3. Adamova A., "Repetition of Compositions in Manuscripts: The Khamsa of Nizami in Leningrad," *in* ed. L. Golombek & M. Subtelny, *Timurid Art and Culture: Iran and Central Asia in the Fifteenth Century*, Leiden, Brill, 1992, p. 65-75.

4. Allen T., *Timurid Herat,* Baihefte zum Tübinger Atlas des Vorderen Orients: Reihe B (Geisteswissenschaften), n°56, Wiesbaden, Reichert, 1983.

1 Ms Michigan 450,Sadd-i iskandarī, LXIX, p. 493.

5. Balabanlilar L., "Lords of the Auspicious Conjunction: Turco-Mongol Imperial Identity on the Subcontinent,"*Journal of World History*, 18/1 (2007), Hawaï, University of Hawai'i Press, p. 1-67.
6. Bertel's E., "Nevāi i 'Aṭṭār,"*in* ed. V. Bartol'd, *Mir-Ali-Šir, Sbornik k pjatisotletiju so dnja rozhdenija*, Leningrad, Izdatel'stvo Akademii Nauk SSSR, 1928.
7. Bertel's E., "Navoi i Nizami,", *in* ed. A. K. Borovkov, *Ališer Navoi*, *Sbornik statej*, Leningrad, Moscou Izdatel'stvo Akademii Nauk SSSR, 1946, p. 68-92.
8. Bertel's E., *Navoi.Opyt tvorčeskoj biografii*,Leningrad*, Moscou Izdatel'stvo Akademii Nauk SSSR po Izdaniju Naučno-Populjarnoj Literatury*, 1948.
9. Blochet E., *Les Enluminures des manuscrits orientaux de la Bibliothèque Nationale*, Paris, Éditions de la Gazette des Beaux-arts, 1926.
10. ErkinovA. (ed.).*'Alī Shīr Navā'ī. Dīvān of the Aqqoyunlu Admirers (1471).*Tokyo:
11. ILCAA, 2015, 210 p.
12. Erkinov A., "La querelle sur l'ancien et le nouveau dans les formes littéraires traditionnelles. Remarques sur les positions de Jâmi et de Navâ'i,"*Annali dell'Istituto Universitario Orientale,* 59/1-4 (1999), p. 18-37.
13. Golombek L. et Wilber D., *Timurid Architecture of Iran and Turan*, Princeton, Princeton University Press, 1988.
14. Lentz T,& Lowry G., *Timur and the Princely Vision.Persian Art and Culture in the Fifteenth Century*, Washington, Los Angeles County Museum of Art-Smithsonian Institution Press, 1989.
15. Losensky P., *Welcoming Fighānī: Imitation and Poetic Individuality in the Safavid-Mughal Ghazal*, Costa Mesa, Mazda Publishers, 1998.
16. Milstein R., "Sufi Elements in the Late Fifteenth Century Painting of Herat,"*in* ed. M. Rosen-Ayalon, *Studies in Memory of Gaston Wiet*, Jérusalem, Hebrew University of Jerusalem, 1977.
17. O'Kane B., *Timurid Architecture in Khurasan*, Costa Mesa, Mazda Publisher, 1987.
18. Toutant M., "La réponse du poète chaghatay Nawā'ī au poète persan Niẓāmī : le sultan timouride, 'refuge de la charia',"*in* ed. G. Aitpaeva, M. Toutant, *Littérature et société en Asie centrale / Literature and society in Central Asia*, Cahiers d'Asie centrale n° 24, Paris, Pétra, 2015, p. 81-103.
19. Toutant M., *Un empire de mots. Pouvoir, culture et soufisme à l'époque des derniers Timourides au miroir de la* Khamsa *de Mīr 'Alī Shīr Nawā'ī,* Leuven, Peeters, 2017.

НАВОИЙ ШЕЪРИЯТИДА БАДИИЙ МАҲОРАТ МАСАЛАЛАРИ

Дилором САЛОҲИЙ
*(СамДУ***)**

Алишер Навоий лирикаси хусусиятларини текшириш соҳаси кейинги йилларда қатор илмий тадқиқотлар билан бойиди. Аммо, бу мавзу ҳануз навоийшуносликнинг жуда кўп йўналишларида илмий изланишлар олиб боришга эҳтиёж туғдирмоқда. Бундай изланишлар жараёни Навоий поэтик услубининг ҳақиқий қиёфасини, унинг бутун бойлиги, гўзаллиги, сермазмунлигини кашф этиш имконияти бўлиб хизмат қилади.

Навоийнинг шеърий услубини аниқ тасаввур этиш учун бир қатор илмий масалаларга эътибор қаратиш лозим бўлади. Бу – шоирнинг аруз техникаси соҳасидаги маҳорати, унинг бадиий санъаткорлик соҳасида қўллаган янги тасвир усуллари ва кашфиётлари, шеър композицияси соҳасидаги янгича қарашлар, лирианинг ижтимоий вазифаси ҳақидаги ўзига хос мулоҳазалар ва шу каби масалалардан иборат. Шу масалаларга қисқача тўхталсак.

1. Шарқ мумтоз адабиёти тарихида аруз вазнларидан мукаммал фойдаланган шоирлардан бири Алишер Навоийдир. У ўз бадиий ижоди мисолида ўрта асрларда араб ва форс-тожик адабиётларида анча пухта ишланган ва гўзал лирик шеърлар, девонлар шаклида оммалашган аруз вазнига асосланган шеърий санъатни туркий тил имкониятлари воситасида бадиийликнинг энг баланд

мақомига кўтарди ва бу билан аруз фанининг яна бир тил доирасидаги назарий ва амалий тараққиётига асос солди. «Мезон ул-авзон» асарида бу илм соҳасидаги маълумотларни йиғиб, тартибга солиб, тушунтириб бериш билангина чегараланиб қолмади. Унинг бу рисолани ёзишдан мақсади аруз фанидаги муаммоларни оммалаштириш, уларни араб ва форс-тожик адабиётлари майдонига олиб киришгина эмас, «балки аруз проблемаларининг бирмунча янги талқинини бериш ва арузни бойитиш»[1] дан иборат эди.

Араб алифбосининг туркий тил эҳтиёжларига тўлиқ жавоб бера олмаслиги ва бу тил имкониятларини анча чегаралаб қўйиши, арузда битилган назмий асарларда бирор ҳарфнинг нотабиий чўзилиши билан боғлиқ нуқсонлар юз бериши хусусида Заҳириддин Муҳаммад Бобур ўз даврида мухтасар маълумот берган эди. Маълумки, вазн шеърий мисраларда кўп ноаниқликларни равшанлаштиради. Сўз таркиби, талаффузи, шакл ва бўғинлари, мажозий маъно, кўп оҳанглилик каби унсурлар вазн талабларидан келиб чиқади. Агар матнда баъзи англашилмовчиликлар кўзга ташланса, уни вазн талаблари нуқтаи назаридан текшириб аниқлик киритиш мумкин.

Навоий лирикаси, эпик ва насрий асарлари вазнлари хусусида бир қатор илмий тадқиқотлар бажарилган бўлса-да, улар Навоийнинг аруз фанида нақадар мукаммал ижод этганлигини таъкидлаган, исбот этган ҳолда, унинг туркий аруз тараққиётига қўшган ҳиссасини аниқлаш учун етарли манба бўла олмайди. Бу ҳол Навоий ижодий жараёни хусусиятларини ҳам жиддий ва ҳар томонлама ўрганишни тақозо этади. Навоий асарлари матнларини вазнлар соҳасида қиёслаб ўрганиш натижалари эса шоир ғазаллари матнларининг мукаммалроқ, аслиятга яқинини топиш, илмий-танқидий матн яратиш соҳасидаги изланишларга муҳим янгилик бўлиб қўшилади.

Туркий тилли халқлар ижодиётида аруз жуда узоқ тарихга эга бўлса-да, уни адабиётшунослик фани талаблари нуқтаи назаридан назарий жиҳатдан ўрганган ва оммалаштирган шахс Навоий эди. Арузнинг амалий тараққиётини таъминлашда шоирнинг «Хазойин ул-маоний» девонларини тузиш давридаги ижодий меҳнати бошқа жуда кўп омиллар қаторида ўзига хос бир босқич бўлди.

Алишер Навоийнинг аруз соҳасида эришган ютуқлари ва унинг адабиётшуносликдаги аҳамияти белгиланар экан, энг аввало, XIV-XVI асрларда яшаган барча форсий ва туркий шоирлар асарларининг поэтик матн вариантлари қиёсий текширилиши, иккинчидан, араб, форс-тожик ва туркий адабиётларда мавжуд бўлган барча асарларнинг вазн таҳрирлари соҳаси қиёсий ўрганилиши, учинчидан, келиб чиқиши туркий бўлиб, форс-тожик тилида ижод қилган шоирларнинг ҳам шеърий услублари ўрганилиши лозимдир. Бу ўз навбатида Навоий ижоди бадиий етуклигига асос бўлган муҳим унсурларнинг очилиши учун имкон яратади.

2. Навоий ўзининг ҳар бир асарида адабиётга бирор янгилик беришни мақсад қилиб қўяди. Классик шеъриятнинг энг кўп баҳс-мунозараларга сабаб бўладиган бадиий санъатлар соҳасида шоир ғазаллари вариантларини ўрганиш ҳам туркий шеъриятнинг баъзи назарий масалаларини илмий идрок этишга, шубҳасиз, хизмат қилади:

Биринчидан, Алишер Навоий ўз лирикасида бадиий санъат воситаларидан мукаммал даражада фойдаланар экан, ўша давр туркий шеъриятида аввалдан маълум бўлган ва мустаҳкам қонуниятга асосланган санъатларнинг шоир ғоявий мақсадини янада аниқроқ акс эттириб фаолият кўрсата олиши мумкинлигини исботлаб берди.

Иккинчидан, Навоий бадиий адабиётнинг вазифаси жамиятга бадиий шаклда хизмат қилишдан иборат эканлигини, мукаммал яратилган инсоннинг фикри ва сўзи ҳам гўзал, мукаммал, ёқимли бўлиши лозимлигини ўз шеърияти мисолида тасдиқлайди. Бу билан Навоий ўрта аср Шарқ адабий мероси бутун инсоният келажагига дахлдор оламшумул аҳамиятга эга бўлиб, унинг шаклбозликдангина иборат эмас эканлигини қайта-қайта уқдиради. Агар лириканинг катта ижтимоий вазифаси шубҳасиз равшан бўлмаганда эди, Навоий ўз шеърларидаги ҳар бир байт ёхуд сўз мавқеи масаласига жиддий эътибор бермаган бўлар эди.

Учинчидан, шоир туркий тил хусусиятлари, стилистикаси қонуниятлари, оғзаки бадиий ёдгорликларнинг ёзма адабиётга, хусусан, лирикага таъсири масаласи, умуман, XV аср ижодий поэтик услуби ва бу услуб негизини ташкил этувчи халқчиллик тамойилини мукаммал даражага етказишга муваффақ бўл-

1 Абдуғафуров А. Навоий сатираси. 1-китоб. – Тошкент, Фан, 1966. 267-бет.

ди. Шоир янги туркий сўзлар, иборалар, мақолларни ўз назмига киритди, уларга сайқал берди. Демак, туркий тилнинг ҳазрат Навоий ижоди орқали бойиши ва янгиланиши, камолат чўққисига кўтарилишида унинг ўзига хос эстетик заковатининг ҳам муайян даражада ўз ўрни ва ҳиссаси бор экан.

Тўртинчидан, «Мажолис ун-нафоис» тазкирасидан маълумки, Навоий ўзидан илгари ўтган замондош шоирлар ижодини зийраклик билан кузатган, бадиий жиҳатдан таҳлил этган, баъзиларига ўз мулоҳазаларини билдирган. Навоий таҳлиллари чуқур назарий асосда пухта ишланган илмий таҳлиллар бўлиб, ўрта аср схоластикасидан анча йироқдир. Навоий ўз асарларига ҳам танқидий нуқтаи назардан ёндашади, таҳлил этади, қайта ишлайди. Демак, Алишер Навоий бугунги ривожланган адабиётшунослигимиздаги аналитик услубнинг ҳам бошловчиси, асосчиси бўлиб қолади.

Бешинчидан, Навоий даврида бадиий санъат воситалари ҳақидаги илмларни ўрганиб, умумлаштириб ва тасниф этиб берувчи икки асарнинг[1] пайдо бўлиши ўша даврда адабиётшуносликнинг бу соҳасига нисбатан бўлган қизиқишни кучайтирди. Навоийнинг ўз шеърларида бадиий санъатлар такомилига эътибор бериши унга замондош бўлган ва ундан кейин ижод этган туркий тилли шоирларни ҳам ижодий изланишларга рағбатлантирди. Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фузулий, Огаҳий, Аваз Ўтар, Фурқат каби шоирлар ижоди бунга ёрқин мисол бўла олади.

Алишер Навоий ғазаллари матнларининг бадиий санъат воситалари нуқтаи назаридан таҳлили ва талқини унинг ниҳоятда кенг дунёқараши ва заковати, шеършунослик соҳасидаги чуқур билими ва ўз даври учун тараққийпарвар бўлган ғоявий-эстетик мавқеъидан далолат беради.

Алишер Навоий бадиий асар композициясини ишлашда жаҳон адабиёти миқёсида тенги йўқ сўз санъаткорларидан бири ҳисобланади.[2] У ўзининг биринчи расмий девони «Бадоеъ ул-бидоя»га ёзган дебочасида ғазал поэтикаси ва композицияси масалаларига тўхталади ва бир қатор танқидий мулоҳазалар баён этади.

У шеърнинг ғоявий ва бадиий таъсир кучига алоҳида эътибор бергани ҳолда, ғазалнинг ғоявий-эстетик асосларини ташкил этувчи қатъий адабий қонуниятларни юзага келтиради, деб ҳисоблайди. Шу мақсадда шоир шарқ девончилиги соҳасида тўпланган анъана ва тажрибаларни умумлаштириб, уларни тамоман янги шакл ва мазмунда ривожлантириб дунёга келтирган девони – «Бадоеъ ул-бидоя»га «Дебоча» ёзади. Бу дебочада Навоий бадиий ижодда халққа фойдали мазмуннинг муҳимлиги, бадиий шаклнинг ҳам гўзал ишланган бўлиши, ғазал яратганда кўпроқ мавзунинг якпора усулда ёзилишига эътибор бериш, ҳар бир лирик жанр хусусиятига кўра мазмун танлаш, муҳаббат ҳақидаги шеърларда ҳам маърифатли фикрларни жойлаштириш, бу навъ шеъриятда беҳаё тавсифни йўлатмаслик масалалари хусусида фикр билдиради.

Навоий ижодий принципининг муҳим кўринишларидан бири сифатида унинг ўз девонларини «Дебоча»лар билан таъминлаганлиги ҳодисасини қайд этиш лозим. Бу мавзу ўзбек адабиётшунослигида В. Зоҳид[3], М.Солиҳова[4] мақолаларида, Ф.Каримова[5]нинг номзодлик диссертациясида махсус ўрганилган. Шоир ўзи тартиб берган «Бадоеъ ул-бидоя», «Наводир ун-ниҳоя» девонлари, «Хазойин ул-маоний» девонлар куллиётига махсус дебочалар ёзади. «Наводир ун-ниҳоя» девонига ёзилган дебоча ҳали номаълум бўлиб, бизгача етиб келган икки дебоча мазмунидан англашилишича, Навоийни композиция борасида нафақат алоҳида олинган лирик жанр доирасидаги, балки, умуман бадиий ижоддаги анъанавий якранглик қаноатлантирмай, у бу соҳада ҳам янгиликка, мукаммалликка интилади. Шу жиҳатдан мазкур «Дебоча»лар, шоир девонлари мундарижаси ҳақида қисқача маълумот берувчи «муқаддималаргина» бўлиб қолмай, Навоийнинг поэтика соҳасидаги чуқур илмий кашфиётларини, шеършуносликнинг назарий масалалари таҳлили ва тараққиётини, қолаверса, янги адабий канонлар мажмуасини ўзида акс эттирувчи илмий асарлар ҳамдир. Бундан кўринадики, Навоий феҳраст ёки дебоча каби бир қарашда катта илмий аҳамиятга эга бўлмагандек туюлган, алоҳида адабий жанр сифатида эътироф этилмаган,

1 Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоеъ ал-афкор фии санойиъ ал-ашъор» ва Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ ус-санойиъ» асарлари.

2 Бертельс Е.Э. Избранные труды. «Наваи и Джами». – М., Наука, 1965. С.164.

3 Зоҳидов В. Дебочанинг сири. Тошкент, 1975.; Жаҳон бадиияти зарварақлари. –Тошкент, 1980.

4 Солиҳова М. Навоий дебочаларида шоир биографиясига доир маълумотлар.//Адабий мерос. 1-т. –Тошкент, 1968.

5 Каримова Ф. Ўзбек адабиётида дебоча. (НДА). Тошкент, 1993.

бироқ, девон муаллифининг адабиётшуносликнинг долзарб масалалари хусусидаги фикрларини баён этиши учун қулай имконият яратувчи ушбу миниатюр илмий асарлар композициясига ҳам ўзига хос янгиликлар киритади, уларнинг илмий функционал имкониятларини кенгайтиради. Бу дебочаларда ва Шарқ мумтоз назмиётида Алишер Навоий кўрсатиб берган асосий адабий-эстетик принциплар ҳақидаги фикрлар мавжуд эди. Шу боисдан ҳам Навоий «Хазойин ул-маоний» девонлар куллиётига ёзган дебочасида «агар менинг девонларимни кўчирар эканлар, бу девонларнинг юзага келишидан иборат дебочамни ҳам албатта қўшиб кўчирсинлар», деб уқтиради.

Навоийнинг композиция масаласида ғазалга нисбатан бўлган қатор талаблари, яъни, ғазалнинг аниқ бир мавзуси бўлиши лозимлиги, шоир ғоя-мақсадининг шу мавзу орқали ифодаланиши, лирик қаҳрамон кечинмаларининг конкрет шароит билан боғланиши, байтларнинг мазмунан изчил ривожи, матлаъ ва мақтаънинг ҳам мавзу ва мазмун юзасидан мантиқан ўринли, ғазал ғояси билан уйғун бўлиши каби масалалар унинг ўзи томонидан назарий жиҳатдан ишланиб, қатъий адабий канон даражасига етган эди.

3. Навоий девонларида етук шарқона фалсафий тафаккурнинг юксак бадиий ифодаси бўлмиш ҳамдлар кенг ўрин эгаллайди. Маълумки, даҳо сўз санъаткорининг умумбашарий ижоди ҳар қандай миллий (тор маънода: миллат маъносида), ирқий, диний, мафкуравий ҳудудларни ёриб чиқади ва фақат инсонни улуғлайди, унинг камолоти учун хизмат қилади. Навоий ижодининг оламшумул аҳамиятини таъминловчи асосий омиллардан бири ҳам унинг ислом маънавий хазинасидан, тасаввуф илмидан баҳрамандлиги эди.

Алишер Навоийнинг дунёқарашига кўра, адабий тафаккур инсоннинг катта жисмоний, руҳий меҳнатларнинг заҳматини чекиб, ўзини ҳар томонлама поклаб эришадиган башарий бойлигидир. Навоий адабий тафаккурининг беқиёс, оламшумул парвозига сабаб бўлган нарса унинг бадиий тасвир соҳасидаги беқиёс санъаткорлигидир.

Ҳар қандай девоннинг биринчи – бошловчи ғазали муаллиф назарида шу девонни ташкил этувчи бошқа ғазаллардан ғоявий-бадиий етуклиги, тасвир принциплари ва ифода усулининг янгилиги, ўзига хослиги билан ажралиб туриши лозим. Иккинчидан, девонни очувчи ғазал ўқувчи нигоҳида шу девоннинг бадиий қиммати, ғоявий руҳи, поэтик стиллари, адабий анъаналарга муносабати, поэтика соҳасидаги илмий-назарий билим ва имкониятлари каби жиҳатлардан муайян тасаввур ҳосил қилади. Девоннинг бошловчи ғазалига мазкур маънодаги талаб ва масъулиятларнинг юкланиши бу ғазал мавқеъининг девон ғазалиёти доирасида устунлиги ҳақида фикр уйғотади.

«Хазойин ул-маоний» девонларига тартиб бериш даврида ҳамд руҳидаги ғазаллар Навоий лирикасида салмоқли ўринни эгаллаб турарди. Шоир бу девонлар куллиётининг ўз ҳаёти ва ижоди, қолаверса, ўз даври, ватани, халқи, туркий тил тараққиёти учун нақадар муҳим ва жиддий аҳамиятга эга эканлигини ҳис этар эди. Шу боисдан девонлар куллиётини очувчи ҳамд Навоийнинг бутун ҳаёти давомида, яъни 7-8 ёшлардан 50 ёшдан ошгунга қадар яратган ғазаллари ичида энг гўзали, ғоявий-бадиий жиҳатдан мукаммали, аъло мақомдагиси бўлиши керак эди. Лирик мероси куллиётининг бу юксак мавқеъли ўрнига Навоий «Бадоеъ ул-бидоя» девони учун ёзилган «Ашрақат...» билан бошланувчи ғазални муносиб кўради. Бу ғазал Навоий томонидан бадиий жиҳатдан энг юксак деб баҳоланишининг тасдиғи унинг бирор сатрига таҳрир киритилмаганлигида ҳам намоён бўлади. Демак, бу танлов орқали Навоий «Ашрақат...» ёзилган давр, яъни ўзининг 25-38 ёшлар оралиғидаги ижоди лирик маҳоратининг чўққиси бўлганлигига билвосита ишора этади.

Шоир лирикасида айнан шу даврда жанр ранг-баранглиги ҳам кучли бўлганлигини (13 хил жанрда ижод қилган), бадиий санъатлар техникаси, тасвир усуллари ва бошқа соҳалардаги динамик ривож намойиши кўзга ташланади.

Навоий ўз ҳамд ва наътларида тил илми қонуниятлари ва қоидаларига, айрим сўзлар ва сўз бирикмалари этимологиясига, содда ва халқчил тил хусусиятларига катта эътибор берди.

4. Ўрта аср адабиётшунослари шакл ва мазмун муносабатлари тушунчасини «лафзу маоний» жумласи билан ифодалайдилар ва шаклга алоқадор бўлган барча унсурларни «лафз» сўзига тегишли деб биладилар. Уларнинг аксарияти ўз асарларида шакл ва мазмуннинг тўлиқ мутаносиблигини, ўзаро тенг даражада уйғунлигини ёқлайдилар. Алишер Навоий эса бу масалага янгича

ёндашади, яъни, ҳар қандай бадиий асарда, жумладан, лирикада ҳам мазмун ҳар доим шаклдан устун бўлмоғи кераклиги, шеърнинг гўзал шакли ғоя ва мазмуннинг тўла ва ёрқин ифодаси учун хизмат қилмоғи лозимлигини биринчилардан бўлиб таъкидлайди. Бу ҳодиса Навоийнинг адабиёт ва адабиётшунослик тараққиётига қўшган ҳиссаси ва беқиёс ютуғи эди. Алишер Навоийнинг бадиий асарда маъно ва мазмунни бирламчи ўринга қўйиши, шаклни ва унинг маъно-мазмунга нисбатан бўлган муносабатларини иккиламчи, тобеъ унсур сифатида баҳолаши ҳозирги давр адабиётшунослигининг эстетик талабларига мос келади ва буюк ижодкорни тараққийпарвар адабиёт назариётчиси сифатида намоён этади.

Алишер Навоий шеър композицион мукаммаллиги соҳасида ижодий иш олиб борар экан, аввало, ғазалларининг семантик-стилистик структураси ва улардаги эмоционал тасвир йўсинига алоҳида эътибор берди. Шеър композициясини поэтик усуллар, бадиий тасвирнинг янги кўринишлари билан янада бойитди. Навоий нафақат ғазалнинг композицион бутунлиги, ундаги қисмларнинг эмоционал-эстетик функциялари ҳақидаги қарашларини, балки, ҳар бир шеърий асарда ғоявий мазмун ва бадиий шакл гармония принциплари асосида беқусур яратилиши лозимлигини ифода этди. Навоий ғазаллар ғоявий-бадиий такомилини кўзда тутиб олиб борган ижодий меҳнати ғазал жанрининг туркий адабиётдаги композицион мукаммалликка эришувига катта таъсир кўрсатди.

5. Навоий лирикасида ижтимоий масалаларнинг қўйилиши ва ҳал этилиши анча кенг доирадаги ғазалларда кузатилади.

«Хазойин ул-маоний» девонларига аввалги уч девон таркибига кирмаган ижтимоий мавзудаги 62 ғазал жойлаштирилган. Бу ғазалларнинг аввалги девонларда учрамаслиги уларнинг «Наводир ун-ниҳоя» тартиб берилгандан кейин ёзилганлигига ишора этади. Навоийнинг 45 ёшдан кейинги ҳаёти давомида давр воқеалари ва замондошларига бўлган муносабати, жамият ижтимоий воқелигининг шоир тақдиридаги акс-садоси унинг ушбу давр лирик ижодида ўзига хос йўналишларда ифода этилади. Ҳамдларда (орифона ғазалларда) аввалги девонларнинг шу типдаги ғазалларида кўринмаган хусусият – тасвир объекти бўлмиш Тангри таолога муножот, илтижо оҳангларининг устуворлиги кўзга ташланади. Бадиий ифоданинг васф, таъриф, тавсиф формасида ижод этилган ҳамдлар туркуми шоир кексалик лирикасида шарҳи ҳол, мушоҳада типидаги тасвирий усуллар воситасида мазмунан кенгайиб боради. Мамдуҳга бевосита мурожаат, ўтинч, илтижоли фикрлар Навоий ҳамдларининг мақтаъдан олдинги байтлари ва мақтаъларида ифода этилиб, шоирнинг бу соҳадаги эстетик принциплари асосини белгилайди.

Навоийнинг кексалик даврида ёзилган ижтимоий маъно касб этувчи ғазаллар бадиий тасвир усуллари ва мазмун-мундарижасига кўра шоир дунёқарашининг бу даврдаги ўзгаришларини бир неча аспектда ифодалаб беради. Бу ғазалларнинг барчасида мавзу-ғоя ифодаси, тасвирланмиш ва тасвирий имкониятлар турлича бўлса-да, якуний фикр бир хил маънода, яъни ўзликдан кечиб, фанога юз тутиш мақсади ифодаси билан интиҳо топади. Жумладан, қарилик лирикаси ғоявий мотивлари шоир тасвир-ифода услубининг қуйидаги йўналишларида талқин этилади:

а) муножот типидаги ғазалларда;

б) дидактик насиҳат ёки тажрибали кексанинг ёшларга берадиган панд-ўгитлари ифодаланган ғазалларда;

в) суфийлик руҳида ёзилган – орифона ёки бевосита тасаввуф масалаларини муҳокама ва тарғиб этувчи ғазалларда;

г) «қарилик» ва «йигитлик» мафҳумлари воситасидаги мушоҳадавий-дидактик ғазалларда.

Ижтимоий мавзу воситасида юзага келган дидактика шоир ҳаётининг турли даврларида ўша давр мазмуни билан ҳамоҳанг равишда намоён бўлади. Йигитлик даврида у оптимистик, ҳаётсевар тонусда фалсафий моҳият касб этади; ўрта ёшликда умуман бу фоний дунёдан «қўл ювиш», уни рад этиш маъносидаги пассив дидактика шаклида ифодаланади; кексалик даври ғазалларида дидактик бўёқ шоирнинг суфийлик дунёқараши асосидаги фикрларида ўз аксини топади. Кексалик лирикасида ижтимоий мавзунинг мантиқий ривожи ва хулосаси учун хизмат қилувчи дидактиканинг аввалги давр ғазалиётидан фарқли жиҳати шундаки, унда яна ҳаётга муҳаббат (йигитлик лирикасидаги каби жўшқин, илмий-фалсафий оҳангларда бўлмаса-да), уни онгли кечиришга рағбат тарғиб этилади.

Навоийнинг «Илк девон»да ижтимоий мавзу талқини кучли биографик асосга эга бўлса, «Бадоеъ ул-бидоя»да бу мавзу шоир фалсафий қарашларининг назарий масалаларини ҳам қамраб олган ҳолда ифода этилади. Чунончи, Навоий «замон» ва «аҳли замон»дан қаттиқ шикоят, танқид руҳидаги фикрлари воситасида шу замон ноетуклигига сабаб бўлувчи муаммолар, иллатларни очиб ташлашга, шу муносабат билан инсон руҳий дунёси ва жамият касалликларига даво излашга интилади, ўз даврида маърифат воситасида комил инсоний жамият қуришга умид боғлайди. Бу ғазалларда юксак оптимистик руҳ ҳукмрон бўлиб, улар Навоийнинг барча даврларда яратилган ғазалларидан ана шу жиҳатлари билан ажралиб туради. Агар Навоийнинг 30-40 ёшлари оралиғида буюк Темурийлар давлатидаги ғоят катта ижтимоий-сиёсий фаолиятининг бадиий ижодига бўлган таъсирини идрок этадиган бўлсак, бу ҳодисанинг табиий эканлигига амин бўламиз. Бу давр лирикасида Навоий ижтимоий дидактикани фалсафий дидактика даражасига кўтарди. Шоир лирикасида намоён бўлган ҳаётсевар пафос кейинчалик унинг эпик асарларида янада юксакроқ мақомда ўз ифодасини топди. Навоий лирикаси қаҳрамони кейинчалик унинг ижодий камолоти чўққиси бўлмиш «Хамса» достонлари қаҳрамонлари образларида ўзининг мукаммал сиймосига, кўринишига эга бўлди. Шу нуқтаи назардан Навоийнинг ҳаётсевар ва инсонпарвар ижтимоий лирикасини фалсафий-илмий-дидактик лирика деб баҳолаш мумкин.

«Наводир ун-ниҳоя» тузилгандан кейин ёзилган ва «Хазойин ул-маоний» девонларидан ўрин олган ижтимоий руҳдаги ғазаллар Навоийнинг кексалик лирикасида ҳам ғоявий-тематик ва бадиий жиҳатдан муайян ўзгаришлар содир бўлганлигини кўрсатади. Чунончи, бу даврда шоирнинг ижтимоий масалаларга бўлган муносабатида суфийлик дунёқарашининг кучли таъсири сезилади.

Навоий ўзининг оламшумул ижоди мисолида лириканинг жамият маънавий-маърифий тараққиётида тутган ўрни, унинг бадиий ижод, адабиётшунослик ва адабий танқид соҳалари ривожига бўлган таъсири доираларини ҳам кўрсатиб берди ва бу нарса шоир лирикасини кенг кўламда – ғоявий-бадиий, адабий-эстетик, илмий-назарий аспектларда янада чуқурроқ ўрганишни тақозо этади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Абдуғафуров А. Навоий сатираси. 1-китоб. – Тошкент, Фан, 1966. 267 бет.
2. Абдуғафуров А. Буюк бешлик сабоқлари. –Тошкент, 1995. 184 бет.
3. Валихўжаев Б. Мумтоз сиймолар. 2 томлик. –Тошкент, 2002. 508 бет.
4. Воҳидов Р. Алишер Навоий ва илоҳиёт. –Бухоро, 1994. 176 бет.
5. Ҳусайн Воиз Кошифийнинг «Бадоеъ ал-афкор фии санойиъ ал-ашъор» ва Атоуллоҳ Ҳусайнийнинг «Бадойиъ ус-саноиъ» асарлари.
6. Бертельс Е.Э. Избранные труды. «Наваи и Джами». – М., Наука, 1965. С.164.
7. Зоҳидов В. Дебочанинг сири. –Тошкент, 1975.; Жаҳон бадийяти зарварақлари. –Тошкент, 1980.
8. Солиҳова М. Навоий дебочаларида шоир биографиясига доир маълумотлар.//Адабий мерос. 1-т. –Тошкент, 1968.
9. Каримова Ф. Ўзбек адабиётида дебоча. (НДА). –Тошкент, 1993.

“...УЛ САРВИ ГУЛРЎ КЕЛМАДИ” ҒАЗАЛИ ТАҲЛИЛЛАРИНИНГ ТАДҚИҚИ

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори

Алишер Навоийнинг олимларимиз томонидан энг кўп тадқиқ этилган ғазалларидан бири “...Ул сарви гулрў келмади” ғазалидир. У кўп ўрганилгани жиҳатидан “Қаро кўзум...” ғазалидан кейин иккинчи ўринда туради. Ўрганилиш тарихининг чуқурлиги жиҳатидан эса биринчи ўринда туради. Агар “Қаро кўзум...” ғазалининг тадқиқ этилиши 40 йиллик тарихга эга бўлса, “...Ул сарви гулрў келмади” ғазалининг ўрганилиши 50 йиллик тарихга эга. Аслида, Навоий ижодига қўл урган

кўпчилик мутахассис бу ғазаллар тадқиқига ҳам маълум даражада тўхталиб ўтган. Биз бу ўринда ғазалларнинг алоҳида, махсус тадқиқ этилишини назарда тутмоқдамиз.

Ғазал матнини илмий таҳлил ва талқин этишда улуғ устоз адабиётшунослар, айниқса, Натан Муродович Маллаевнинг ижодий тажрибаси катта аҳамиятга эгадир. Бугун ўзбек миллий ғазалшунослиги анча илгарилаб кетган бўлса-да, бу олимнинг ғазал матнини ўрганишдаги ўзига хос принциплари ва услуби ҳамон ўз кучида турибди. Ҳозирги ғазалшунослигимиздаги айрим муаммоларга назар солсак, Н.Маллаев ижодий тажрибаларидан ҳали-ҳануз ўрганишимиз, уларнинг моҳияти ва илмий қимматини унутмаслигимиз лозимлиги аёнлашади. Навоий лирикасини ўрганиш юзасидан Н.Маллаев 1968 йили тузиб нашр эттирган ихчамгина қўлланма-мажмуа[1], мана 50 йилдирки, ҳамон мутахассисларга амалий хизмат қилиб келмоқда. Китобда биринчи марта ғазалнинг махсус таҳлили намуналари берилган. Машҳур "...Ул сарви гулрў келмади" ғазали таҳлилининг бугунги айрим таҳлилларга нисбатан афзаллигини муқояса жараёнида кўриш мумкин. Н.М. Маллаев ушбу мақоласини илмий таҳлил сифатида эмас, балки "ўқувчиларга ёрдам мақсадида", "текст устида ишлаш бўйича бир намуна сифатида" тақдим этган. Унда ғазал таҳлили қуйидаги тадрижий изчилликда амалга оширилган: ғазал матни, вазни, луғат ва изоҳлар, байтларнинг насрий баёни, ғазалнинг мавзуси, ғоявий мазмуни, ғазалдаги образлар, ғазалнинг бадиий хусусиятлари. Олим ўқувчи ва ўқитувчилар Навоий ғазалларини мустақил таҳлил этишлари осон бўлиши учун шундай таркибий тузилишни танлаган. Етти моддадан иборат режа асосида муфассал ёритилган ғазал таҳлили асарни ўрганувчи талабалар учун ҳам, ғазални ўргатувчи ўқитувчилар учун ҳам ва оддий мухлислару кенг китобхонлар оммаси учун ҳам жуда қулай ва фойдалидир. Орадан ярим аср вақт ўтса ҳамки, ғазал таҳлилининг ушбу тартиби илмий-оммабоп таҳлилнинг намунаси бўлиб қолди. Профессор Н.Комиловнинг "Маънолар оламига сафар" китобидаги ва филология фанлари номзоди, доцент Д. Юсупованинг "Жаҳон адабиёти" журналида изчил эълон қилинаётган таҳлиллари шундан далолат беради. Янги таҳлиллардаги таркибий тузилиш анча соддалашган. Улар ғазал матни, луғат, байтларнинг насрий баёни ва ғазалнинг мазмун-моҳияти баёнидан иборат. Биз кейинги таҳлилчилар Н.М. Маллаев таҳлил услубидан андоза олганлар, демоқчи эмасмиз. Улар мустақил равишда шундай таркибни танлаган бўлишлари ҳам мумкин. Шуниси қизиққи, ярим аср аввалги талқин тўғрилиги, аниқлиги, соддалиги, тушунарлилиги билан, ҳозирги айрим талқинлар эса иштибоҳлилиги ва мураккаблиги билан фарқланиб туради.

1986 йил 22 сентябрь куни филология фанлари доктори Исматулла Абдуллаевнинг "Ул сарви гулрў келмади" сарлавҳали таҳлилий мақоласи "Тошкент оқшоми" газетасида "Машҳур ғазаллар таҳлили" рукни остида босилиб чиқди. Холисона айтганда, Н. Маллаев талқини И. Абдуллаевнинг 18 йилдан кейинги талқинидан яхшироқ. Келинг, иккинчи байт баёнини қиёслаб кўрайлик:

Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор,
Келди жон оғзимғаю ул шўхи бадхў келмади.

Н. Маллаев талқини: "Дам-бадам чиқиб йўлида интизорлик чекдим, лекин жон оғзимга келди-ю, у ёмон одатли шўх (ёрим) келмади". И. Абдуллаев талқини: "Секин-аста кўчага чиқиб, унинг йўлида пойлаб ўтирдим, жоним оғзимга етиб, ўлар ҳолга келсам ҳам, ул феъли ёмон, шўх гўзал келмади". Талқинлар мазмунан ўзаро бир-бирига яқин. Бироқ, улар айнан бир хил эмас. Бу яққол кўриниб турибди. Гарчи биринчи талқин бадиий ҳақиқатга яқинроқ бўлса-да, иккала олимнинг ҳам "шўхи бадхў" иборасини айнан ҳозирги тилимиздагидек "ёмон одатли", "феъли ёмон" деб тушунтиришлари тўғри эмас. Ахир, Навоийнинг "шўхи бадхў" дейишида эркалаш, киноя, қочириқ маънолари мужассам-ку! Унинг феъли ёмон эмас, унинг "бадхў"лиги шаддодлиги, ваъда бериб, ваъдасида турмаслиги, ошиғини интизор қилиб қўйиб келмаслигида. Хўш, қайси маъшуқа ошиғини шу кўйларга солмаган? И. Абдуллаев талқинида ошиқнинг маъшуқа интизорлигидаги изтироблари, эҳтирос, ҳаяжонлари ифодаси буткул акс этмаган. Шундай қилиб, ғазал таҳлилининг савияси бир қадар пасайди.

1 Алишер Навоий. Лирика. Тузувчи Н.М.Маллаев. –Т.:Ўқитувчи, 1968. 104 бет.

Яна чорак аср – нақд 25 йилдан кейин ғазал таҳлили ва талқинининг савияси бундан ҳам пасайиб кетишини ҳеч ким кутмаган бўлса керак. Афсуски, шундай бўлди. 2011 йили филология фанлари номзоди Муҳаммаджон Маҳмуднинг “Яна Навоийни ўқиб” номли китоби босилиб чиқди. Унда “... Ул сарви гулрў келмади” ғазали йигит кишига бағишланган дея биринчи марта талқин этилди[1]. Гўёки ғазал Навоийнинг Мирдарвеш исмли шогирди ҳажрида ёзилган эмиш. “Мирдарвеш ҳар хил фитналар таъсирида нафақат кундузги, балки кечки машғулотларга ҳам қатнамай қўяди, – дея сўз бошлайди ғазал талқини тўғрисида муаллиф ва ғазалнинг тўлиқ матнини келтиради, – Толиб ўзи ва устози ҳақида ҳар хил фитналар тарқалганидан уялиб, кундузги машғулотни тарк этади. Кечки машғулотга келаман деса-да, келмайди. Навоий ўзи ҳақида ҳар хил фитналар тарқалиши, жондан азиз толибининг кечки машғулотга келаман, деб келмагани ва ёлғон сўзлашини “рўзгори”нинг қоронғиланиши деб билади. “Ул париваш ҳажридинким йиғладим девонавор” мисрасидаги паривашнинг яқин маъноси – толиб, узоқ маъноси Аллоҳдир[2]”. Қандай қилиб?! Паривашнинг толиб ёки Оллоҳ образи эканлигига бирорта ҳаётий, тарихий, диний ёхуд илмий далил, асос борми? Йўқ. Демак, талқиндаги фикр мутлақо асосланмаган, таваккалига айтилган гап, холос. Навоий ва унинг шогирди муносабатлари тўғрисидаги майда, фисқу фасод гаплар тўғрисида тарихий манбаларда маълумот йўқ.

Муаллиф Навоий байтларини умуман нотўғри тушунади ва тескари талқин этади: “Толиб содиқ, яъни ростгўй ва меҳрибон бўлганида маъшуқ бўлиб пирга рўпара чиқар эди. (Нега энди толиб пирга маъшуқ бўлиши керак экан? Маъшуқликсиз пир ва мурид, устоду шогирдлик муносабатлари мумкин эмасми? Пир ва мурид нинг (эркакнинг эркакка) ошиқ-маъшуқлиги маънавий жиҳатдан соғлом ҳолми? Навоий ва шогирдининг ошиқ-маъшуқлиги – XX1 аср европача (бир жинсли муҳаббат!) талқини эмасми? Ахир, бу Навоийдай шариф зот шаънига иснод-ку?! – Н.Ж.) Бироқ, чиқмади. Чунки у ёлғончи ва номеҳрибондир:

Толиби содиқ топилмас, йўқсаким қўйди қадам,
Йўлға ким аввал қадам, маъшуқ ўтру келмади.

Ростгўйлик комил инсоннинг муҳим хусусиятларидан бири. Бу ерда Навоий шогирдини дунёнинг ёлғончилик иллатидан қутқариш ҳақида ўйлайди. Юз берган ҳодисадан қаттиқ ғам-алам чекса-да, умидсизликкка берилмайди ва “бода бирла”, яъни Аллоҳнинг ишқ-иштиёқи билан кўнглингни “хуррам эт”, деб ўзига таскин беради.

Хуллас, шоир бу ғазалда ҳам Аллоҳга чексиз муҳаббати, соғинчи ва висолига муштоқлигини эҳтирос билан тараннум этади”. Қандай қилиб ғазалдаги ошиқ-маъшуқликни айни пайтда Оллоҳга муҳаббат дея тавсифлаш мумкин? Ғазалда инсонга муҳаббат куйлангани англашиларли ифодаланган.

Талқиннинг бу қисмида муаллиф байт матнини мутлақо бузиб юборган. “Йўқса ким” сўзларини қўшиб ёзган, “йўлғаким” сўзини иккига бўлиб, айириб ёзган, “маъшуқи” сўзидаги эгалик қўшимчасини тушириб қолдирган. Матндаги бу салбий ўзгаришлар шунчаки эътиборсизлик оқибатими ёки бирор мақсад билан амалга оширилганми? Назаримизда, улар матнни муаллиф мақсадига мослаштиришга уриниш ҳосиласи бўлса керак. Ҳолбуки, талқиндаги “ростгўйлик” ва “ёлғончилик иллати”нинг байт матни, мазмун-моҳиятига мутлақо дахли йўқ. Буни илмий уйдирмами ё илмий тўқимами, нима дейишга ҳам ҳайронсан, киши. Агар буни эътиборсизлик десак, масъул муҳаррир – филология фанлари доктори, профессор Ҳамиджон Ҳомидов, тақризчилар – филология фанлари доктори, профессор Алибек Рустамов, филология фанлари номзоди Султонмурод Олимов (учта машҳур олим!), нуфузли давлат нашриёти маъмурияти, муҳаррири – Илҳом Зойиров қаёққа қараганлар? Дарвоқе, китобга сўзбоши ёзган Султонмурод Олимов: “Муаллиф ёр деганида, аввало муршид Навоийни, сўнгра унинг фарзанд мақомидаги халифаю мусоҳибларини назарда тутади”,

1. Муҳаммаджон Маҳмуд. Яна Навоийни ўқиб. Навоийшуносликда ёр муаммоси. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2011 йил, 18-19-бетлар.

2. Биз яратувчи номини адабий тилимизда арабий талаффузда эмас, балки ўзбек халқига хос (халқчил) талаффузда бир хил – Оллоҳ шаклида ифодалаш тарафдоримиз. Бироқ иқтибосларда, қоидага биноан, муаллиф ёзгандек қўллашга мажбурмиз – Н.Ж.

дея шаҳодат беради. Аммо, қайси илмий асосга таянган? Таассуфки, уч йирик олим ҳам бунга эътибор бермаган. Улар китоб қўлёзмасини чиндан ҳам ўқиганмикинлар? Афсуски, кейинги пайтларда китобни ўқимасдан оқ фотиҳа бериш урф бўлиб кетди. Бироқ, бу ҳотамтойлик ё бағрикенглик эмас. Бу масъулиятсизлик, илмга, ҳақиқатга, Навоийга хиёнатдир.[1]

Бизнинг бугунги талқинларимиз ҳозирги замон ўзбек халқи учун яратилади, ўтмиш учун эмас. Шу боис, халқнинг ҳозирги тушунчаси, мумтоз адабиётга оид терминларни англаши билан ҳисоблашмасдан иложимиз йўқ. Пойтахт марказидаги муҳташам тўйхонада бўлиб ўтган амри маъруфлардан бирида таниқли имом-хатиб аксарият зиёлилардан ташкил топган давра аҳлига қарата Навоий ҳақида узундан-узоқ ваъз ўқиди ва сўз орасида деди: “Навоий фақат ва фақат Оллоҳни севган, бошқа ҳеч кимни севмаган, у куйлаган лирик қаҳрамон тўғрисида маъшуқа дейиш нотўғри, Навоийнинг маъшуқаси бўлмаган”. Одоб юзасидан унга ҳеч ким эътироз билдирмади. Бир томондан, дин намояндасининг жамоат маъракасида Навоий тўғрисида ваъз айтиши таҳсинга сазовор. Қани энди ҳамма дин намояндалари ҳам Навоий меросини ўрганишса, адабиёт ҳақида амри маъруф қилишса. Бироқ, Навоийнинг дунёвий севгисини мутлақо инкор этиш инсофданмикин? Бундан ташқари, тасаввуф адабиётида ошиқ-маъшуқ деганда пир ва мурид муносабатлари назарда тутилган ҳам дейлик, аммо ҳозирги халқимиз ошиқ-маъшуқ деганда севишган йигит ва қизни тушунади. Айрим танқидий материалларда киноявий тарзда фоҳишани маъшуқа деб аташ (камдан-кам) ҳолатлари бундан мустасно, албатта. Воиз “Навоийнинг маъшуқаси бўлмаган” деган нафратомуз гапида шундай тоифани кўзда тутди.

Дарвоқе, ўша имом-хатиб “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали лирик қаҳрамони прототипининг антиқа талқинини халққа тақдим этди. Унинг талқинига кўра, кунлардан бир куни ҳазрат Алишер Навоийнинг тушларига Муҳаммад пайғамбар кирган эканлар. Туш ниҳоясида ул зоти шариф “Мен яна келаман” дея ваъдалашиб хайрлашган эмишлар. Шундан сўнг Навоий Уларни ҳар кеча кутавериб, бетоқатланиб “Кеча келгумдур дебон, ул сарви гулрў келмади” ғазалини ёзган эмишлар. Бундай ғаройиб талқинни зиёли аҳли юрак ютиб, чурқ этмай тинглади. Лекин битта-яримта китоб ўқимайдиган, адабиётдан бехабар авом кишилар ўзаро: “Қойил, Навоийни ҳам жуда содда қилиб тушунтирдилар-а қори акам”, дея муҳокама юритганлари қулоғимизга чалинди. Бундай талқинга ҳам бирор асос, манба борлиги илмга қоронғу. Бу талқин халқ оғзаки ижоди маҳсули бўлса, бордир.

“Жаҳон адабиёти” журналининг 2012 йилги декабрь сонида мазкур сатрлар муаллифининг “Ул сарви гулрў келмади” сарлавҳали таҳлилий мақоласи чоп этилди[2]. Унда ғазал таҳлилларининг мазмуни мумкин қадар умумлаштиришга ҳаракат қилинди. Дарслик таҳлилларидаги камчиликлар бирор жумлада қисман айтиб ўтилди. Аммо журнал илмий минбар бўлмагани ва ҳажм имконияти чекланганлиги туфайли ғазал таҳлилларини тўлиқ ва муфассал умумлаштиришнинг иложи бўлмади.

2013 йилнинг баҳорида Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Тошкент вилояти Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида “XX1 аср глобал хусусиятлари ва ўзгаришларининг таълим-тарбия жараёнига таъсири муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди. Камина унда “Адабий таълимда ғазал таҳлили ва талқини муаммолари” мавзусида маъруза билан қатнашди. Маъруза матни конференция илмий тўпламида босилиб чиқди[3]. Мазкур мақолада “Адабиёт” дарсликларидаги Навоий ғазаллари талқинлари жиддий танқидий руҳда таҳлил этилган. Орадан кўп ўтмай, Низомий номидаги Педагогика университетида марҳум профессор Н.М.Маллаев таваллудининг 90 йиллиги юбилейи илмий конференция шаклида нишонланди. Мазкур сатрлар муаллифи конференцияда Н.Маллаевнинг ғазал таҳлили тажрибаси тўғрисида маъруза қилди ва у ҳам илмий тўпламда босилиб чиқди. Унда ҳам дарсликлардаги ғазал таҳлиллари Н.Маллаев талқинлари билан қиёсий-танқидий таҳлил этилди.

---

1. Китоб ҳақида кенгроқ маълумот учун қаранг: Н. Жумахўжа. “Илмий тўқима” масъулияти, “Шарқ юлдузи” журнали, 2012 йил, 4-сон, 167-170-бетлар.

2. Н.А. Жумахўжа. Ул сарви гулрў келмади. “Жаҳон адабиёти” журнали, 2012 йил, декабрь сони, 3-6-бетлар.

3 “XX1 аср глобал хусусиятлари ва ўзгаришларининг таълим-тарбия жараёнига таъсири муаммолари” мавзусидаги Республика илмий-амалий конференцияси материаллари. Т., 2013, 25-28-бетлар.

2014 йили умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфлари учун “Адабиёт” дарслик-мажмуасининг 3-нашри босилиб чиқди ҳамда таълим жараёнига татбиқ этилди. Биз Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Танқид ва адабиётшунослик кенгашининг йиллик ҳисобот йиғилишида “Адабиёт” дарсликлари – адабиётшунослик маҳсули сифатида” сарлавҳали маъруза қилдик ва унда “Адабиёт” дарслик-мажмуалари янги нашридаги ютуқ ва камчиликларни, шу жумладан, ғазал таҳлилларидаги анъанавий ҳамда янада кўпайган нуқсонларни сарҳисоб этдик.

Ғазал таҳлили бўйича 8-синф “Адабиёт” дарслигининг янги нашрида айрим ижобий ўзгаришлар кўзга ташланади. Масалан, дарсликнинг 1- ва 2-нашрларида Алишер Навоийнинг “...Ул сарви гулрў келмади” ғазалининг яратилиш даври ҳақида жиддий фактик хато бор эди. Муаллиф ғазалда йўқ, ўзи ўйлаб топган пир ва мурид образлари ҳақидаги фикрларини асослаш мақсадида ғазал яратилган сана тўғрисида иштибоҳли тахминини баён этади: “Навоий ғазалларининг ёзилган йиллари маълум эмас, – дейди у. Тахмин қилиш мумкинки, бу ғазални шоир устози ва пири Абдураҳмон Жомий вафотидан, яъни 1492 йилдан кейин битган”[1]. Дарсликнинг бу қисми филология фанлари номзоди, навоийшунос Султонмурод Олимов томонидан ёзилган. Навоий ижодиёти бўйича диссертация ёзиб ёқлаган, Навоий тўғрисида китоблар чоп эттирган олимнинг бундай хатоларга йўл қўйишини тасаввурга сиғдириш қийин. Ҳолбуки, Алишер Навоий мукаммал лирик куллиёти – “Хазойин ул-маоний”га асарларини умр фасларига мувофиқ тақсимлаб киритганида, “... Ул сарви гулрў келмади” ғазали “Бадоеъ ул-васат”, яъни “Ўрта ёш гўзалликлари” девонидан ўрин олган бўлса ҳам, аслида, у шоирнинг ёшлик лирикаси маҳсулидир. Ахир, 1492 йилда Навоий 51 ёшда бўлган. Бу шоирнинг қарилик даврига тўғри келади. Ваҳолонки, “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали Навоийнинг “Илк девон”и ҳамда иккинчи расмий девони “Наводир ун-ниҳоя”да ҳам мавжуд[2]. “Илк девон” эса шоирнинг дўстлари ташаббуси билан, унинг тобора қўлма-қўл тарқалиб бораётган асарларини тўплаш асосида Навоийнинг 24 ёшларида тузилган. Аниқки, ғазал Навоийнинг ёшлик лирикасига мансуб. Улуғ шоир ўзининг ижодий такомили давомида ғазалнинг матний таркибига бирор жиддий таркибий ўзгартириш киритмаган. Ғазал шоирнинг илк лирикаси маҳсули эканлиги шундан далолат берадики, у йигитлик ишқининг нозик саргузаштлари, дунёвий муҳаббатнинг оташин эҳтирос ва туйғулари билан ёзилган. Мазкур далил эса ғазал мазмунини сунъий равишда “ишқи ҳақиқий”га боғлаб талқин этишга асос бермайди.

Ушбу дарслик-мажмуа атайлаб таҳлил доирасига тортилгани йўқ. Биз 2011 йили Тошкент вилояти Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтига ишга ўтиб, Тил ва адабиёт таълими кафедраси мудири, профессори лавозимида ишлаб, дарсликлар таҳлили билан шуғулланганимизча, ҳеч ким бундай хатоларни пайқамаган. Бордию пайқаган бўлса ҳам, эътибор бермаган. Бундай хатолар икки нашр мобайнида, саккиз йил давомида ўқувчи ва ўқитувчилар онгига сингдирилган. Биз ҳар ойда малака оширишга келган ўқитувчилар гуруҳидан ҳам, 2013 йили билимлар беллашуви ғолиблари дам олаётган оромгоҳда Таълим маркази тадбири чоғида ўқувчилар билан учрашганда, улардан ҳам ғазалнинг яратилиш даври ҳақида сўрадик. Бир овоздан дарсликдагидай: “ғазал шоирнинг устози ва пири Абдураҳмон Жомий вафотидан, яъни 1492 йилдан кейин ёзилган”, деб жавоб беришди. Биз ёшликда берилган билим, гарчи у хато бўлса ҳам, ёшлар онгига тошга ўйилган ёзувдек муҳрланишига амин бўлдик. Дарсликнинг янги нашрида мана шу далил бизнинг уринишларимиз натижаси ўлароқ тузатилган.

Дарслик муаллифи “Лаҳза-лаҳза чиқтиму чектим йўлида интизор, Келди жон оғзимғаю, ул шўхи бадхў келмади” байтидаги “бадхў” сўзини “бадхоҳ”, яъни “ёмонлик истовчи” маъносида янглиш тушунган ва тушунтирган. (Юқорида Н.Маллаев ва И.Абдуллаевнинг шу байтга оид талқинларини қиёсий ёритгандик. Ҳурматли китобхон унга яна бирров назар ташлаб олишини

1 С.Олим, С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров. Адабиёт. Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун дарслик-мажмуа. 1-нашри. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2006. 120-бет. 2-нашрига “Ўзбекистон” нашриёт-матбаа ижодий уйи ҳам қўшилган. Тошкент, 2010. 86-бет.

2 Алишер Навоий. Илк девон. 1466 йили кўчирилган қўлёзманинг факсимил нашри. Нашрга тайёрловчи филология фанлари доктори, проф. Ҳамид Сулаймон. “Фан” нашриёти, Тошкент, 1968, 129-б-130-а варақ.

Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 2-том.Наводир ун-ниҳоя. Тошкент, 1987, 566-567-бетлар.

сўрардик. Ушбу далил асосида замонавий дарслик-мажмуадагидан кўра 50 йил олдинги Н.Маллаев талқини тўғрилигини кўриш мумкин). Дарсликнинг 1-2-нашрларида ўқиймиз: “Бетоқат ёр ҳар замон-ҳар замон чиқиб, маъшуқ йўлига интизор бўлди, ҳатто, жон унинг оғзига келди-ю, у ёмонлик истовчи шўх гўзал келмади”[1]. Байтдаги “бадхў” сўзи луғатлардаги шарҳ ва изоҳларда “ёмон одатли, ёмон феълли, ёмон қилиқли” деб берилган бўлса-да, дарсликдаги талқин муаллифи “бадхў” сўзини “бадхоҳ” сўзи билан чалкаштириб юборган. Ҳақиқатан ҳам, форсий “бадхоҳ” сўзи ўзбекчада “ёмонлик истовчи” маъносини англатади. Бироқ, байтдаги “бадхў” сўзи ҳам форс тилидан олинган бўлиб, у “бад” – “ёмон”, “хў” – “феъл-атвор” маъноларини англатади. Аслида, шоир “шўхи бадхў” иборасини ҳазил-мутойиба аралаш эркалаш маъносида қўллаган. Негаки, висолга ваъда бериб, ўз вақтида келмай, ошиқнинг сабр-тоқати, иродаси, садоқатини синаш ҳар бир маъшуқага хос ҳаётий хусусият. Шу боисдан, ёрнинг “бадхў”лиги ваъда бериб, ваъдасида турмаслигида, холос. У – асло бадфеъл эмас. Акс ҳолда, лирик қаҳрамон уни севиб қолмас эди. Янги нашрда мана шу хато ҳам тузатилди. Аммо, бу тузатишлар осонликча амалга ошмади. Биз не машаққатлар билан мазкур дарсликлар аҳволи ҳақида малака ошириш институтида ва Низомий номидаги педуниверситетда маърузалар қилишимизга, илмий тўплам ва матбуот саҳифаларида танқидий мақолалар чоп эттиришимизга, Республика Таълим маркази раҳбариятига расмий мурожаат йўллашимизга, телерадиоканаллар орқали чиқишларимизга тўғри келди. Бу жонкуярликларимиз учун Таълим маркази бир оғиз раҳмат ҳам айтгани йўқ. Муаллиф эса хатоларини ҳамон ошкора тан олмаяпти. Оқибатда, янги нашрда бошқа кўп камчиликлар тузатилмаган. Биз ушбу нашр хусусиятларини ҳам имкон қадар мутахассислар муҳокамасига олиб чиқишга ҳаракат қилдик[2].

Кейинги пайтларда Алишер Навоий асарлари матнига ўзгартириш киритиш тамойили кўзга ташланмоқда. Кимдир бу ишга беихтиёр, лоқайдлик, беписандлик оқибатида йўл қўяётган бўлса, бошқа биров эса онгли равишда Навоий матнларига таҳрир киритмоқда. Қадимий меъморий осори атиқаларимизнинг бирорта ғишти алмаштириб қўйилса ҳам, уларнинг табиий тароватига завол етади. Шунинг сингари, мумтоз асарларнинг бирорта сўз ё ҳарфи ўзгартирилса ҳам, унинг мазмун-моҳияти зарар кўради.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун тузилган “Адабиёт” дарслик-мажмуасининг янги нашри “Кириш” қисмида Навоийники деб берилган шундай байтни ўқиймиз:

Менга қилса минг жафо, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, минг қатла фарёд айларам[3].

Ушбу байт Навоийникига ўхшайди, лекин шунча ўзгаришлари билан уни Навоийники деб бўлмайди. Мана, Навоийнинг байти аслиятда қандай:

Юз жафо қилса манга, бир қатла фарёд айламон,
Элга қилса бир жафо, юз қатла фарёд айларам[4].

Дарсликдаги матнда биринчи мисранинг таркибий тузилиши ўзгартирилган. “Юз” сўзи “минг” сўзи билан алмаштирилган. Матн бадииятига зарар етказилган.

“Тафаккур” журнали ижодкорлари байтнинг яна бир бошқача матний талқинини баён этганлар:

1 1-нашр, 119-бет, 2-нашр, 85-бет.

2 Н.Жумахўжа. Дарслик – синов ва мунозара майдони эмас. Ўзбек адабиётшунослигининг долзарб масалалари. Профессор Ҳ.Ҳомидий таваллудининг 80 йиллигига бағишланган илмий-назарий конференция материаллари. Тошкент, 2015, 320-331-бетлар. Н.Жумахўжа. Навоийни яхши кўрсак. “Ўз АС”,2015. 1Х. 18.

3 С.Олим, С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров. Адабиёт. Биринчи қисм. 8-синф учун дарслик-мажмуа. Қайта ишланган учинчи нашри. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2014, 5-бет.

4 Алишер Навоий.Тўла асарлар тўплами. 2-жилд. “Наводир уш-шабоб” девони, 410-ғазал, 415-бет.

Менга қилса минг жафо, бир марта фарёд айлабон,
Элга қилса бир жафо, минг марта фарёд айларам[1].

Ушбу матнда ғазалнинг вазни бузилиб кетган, “юз” сўзи “минг” сўзи билан алмаштирилган, поэтик лексика намунаси “қатла” сўзи оддий ва жўн “марта” сўзига бадал қилинган, “манга” олмоши “менга” шаклига келтирилган. Биринчи мисра охиридаги “айламон” (айламайман) сўзи “айлабон” (айлаб) сўзига алмаштирилган. Ушбу ўзгартиришларнинг бари йиғилиб, бадиий сайқалдорликка путур етказган.

Навоий матнларини “таҳрир” этишда 8-синф дарслик-мажмуасининг Навоий қисмида ҳаммадан ўзиб кетилган. “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали матнига тўққизта матний ўзгартириш киритилган. Уларнинг айримлари устидагина тўхталамиз. Қачонки Навоий асарларининг Ҳ. Сулаймон ва П. Шамсиев таҳриридаги мўътабар нашрлари, танқидий матнлари, илм дунёсида тан олинган “Мукаммал асарлар тўплами”, “Тўла асарлар тўплами” мавжуд экан, дарслик муаллифи улардаги асл матнларни ўзбошимчалик билан ўзгартиришга ҳақли эмас эди. Дарслик синов ва мунозара майдони эмас. Баҳсли ўзгартиришлар ғазалдай мўъжаз бадиий асар иморатини, мазмун-моҳиятини бузиб юборади.

Дарслик муаллифи ғазал матнини ўз хусусий талқини мақсадига бўйсундирмоқчи, яъни истаган шахсий фикрига мослаштирмоқчи бўлади.

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам
Йўлғаким, аввал қадам маъшуқи ўтру келмади

байтидаги ҳеч бир нашрда қўшиб ёзилмаган “аввал” ва “қадам” сўзларини “аввалқадам” шаклида қўшиб ёзади:

Толиби содиқ топилмас, йўқса ким қўйди қадам
Йўлғаким, аввалқадам маъшуқе ўтру келмади (111-бет).

Бу билан матнда йўқ “пешқадам пир” тушунчасини ҳосил қилмоқчи бўлади. Дарсликдаги талқинга эътибор беринг: “Байтнинг сўзларидан келиб чиқадиган маъно-мазмуни қуйидагича: Содиқ толиб топилмайди, шундай бўлмаса эди, кимки йўлга қадам қўйса, “аввалқадам”, яъни ундан олдинроқда юрадиган бир маъшуқ рўбарў келмайдими”[2]. Бу ерда муаллиф ўзининг асоссиз тасаввуридаги олдинда юриб бораётган “аввалқадам”, яъни пешқадам пир Жомий ва унга эргашган мурид Навоийни назарда тутган. Бу талқин – мантиқсиз. Ахир, ошиқдан олдинроқда кетаётган маъшуқ олдинга қараб кетаверади-да, қандай қилиб “ўтру” – рўбарў келади? Ўқувчи ва ўқитувчи бу талқинни қандай тушунсин?

Бундан ташқари, ғазал матнида пир образи, умуман, йўқ. Ғазалда йўқ образни тўқиб чиқариш ва айниқса, дарсликка тиқиштириш ғайриилмий йўл. Ғазалда дунёвий муҳаббат тасвирланган. Байт мазмуни Н.Маллаев талқинида жуда тушунарли ва лўнда баён этилган эди: “Садоқатли талабгор топилмас экан, бўлмаса йўлга аввал қадам қўйганнинг қаршисидан ёр келмасмида?” Дарсликда эса аслиятдан жуда узоқлашиб кетилган. Дарслик муаллифи эса мурид Навоийнинг пир Жомийга ишқи тасвирланган, деган даъвони илгари суради. Ҳолбуки, ғазалда пир ва мурид муносабатларига, ҳатто, ишора ҳам йўқ. Бўлган тақдирда ҳам, икки эркак – пир ва мурид ўртасидаги муносабатни ишқ-муҳаббат деб талқин этиш ғайриахлоқий қарашдир. Буни ўзаро ҳурмат-эҳтиром, ихлос ва садоқат дея баҳолаш мумкин.

Талқин давомида гап тасаввуф фалсафасига боғланиб кетадики, муаллиф матн мазмунидан бутқул ташқарига чиқиб кетади. “Бу ерда нозик фалсафий-тасаввуфий масала кўтарилган, – дея давом

1 Тафаккур. 2015 йил, 2-сон, М.Қуронбоевнинг “Маънавиятнинг қўш қаноти” мақоласи, 18-бет.

2 С. Олим, С.Аҳмедов, Р.Қўчқоров. Адабиёт. Биринчи қисм. 8-синф учун дарслик-мажмуа. Қайта ишланган учинчи нашри. Ғ.Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. Тошкент, 2014. 113-бет.

этади у. –“Йўл” байтда тасаввуфни, Аллоҳ ишқини билдиради. Бу йўлда эса садоқатли талабгор (ошиқ) топилмаяпти. Айни гап билан шоир пирга ишора қилган. Чунки пир ҳамиша бу йўлни муриддан аввалроқ босиб ўтган, яъни у “аввалқадам” бўлади. Аввалқадам ошиқ эса Аллоҳ васлига етиб, маъшуққа айланади. Мурид ана шу шайхнинг этагидан тутиб, унга эргашмоқчи. Чунки Аллоҳни севиш учун мурид аввал пирни севиши керак. Бошқача айтганда, Аллоҳга муҳаббат йўли бевосита пир қалби орқали ўтади. Чунки тасаввуфда пирга комиллик тимсоли сифатида қаралади” (ўша бет). Муаллиф наинки ғазал матнидан четлашиб кетди, ҳатто, ғазал матни ва мазмунида бўлмаган тасаввуфий образ ва тушунчаларни ўйлаб чиқариб, талқинга сунъий равишда татбиқ этди. Хўш, ғазал матнига ёпишмайдиган бу мавҳум талқинни қандай қилиб адабиётни тушунишни энди ўрганаётган 8-синф ўқувчисига тушунтириш мумкин? Тасаввуфий бўлмаган ғазални тасаввуфий деб зўрма-зўраки талқин этиш – бадиий асарни сохталаштириш, наинки сохталаштириш, балки ўқувчи онгига, тафаккури – мафкурасига маънавий-ахлоқий таҳдиддир.

Мустақиллик даври биринчи авлод дарсликларида тасаввуф ҳақида махсус мавзу бор эди. Ўша мавзуни дарс жараёнида ёритиш орқали ўқитувчи ва ўқувчилар бир оз йўлланма олишар ва тасаввуфий асарларни тушунишар, дея қаноат ҳосил қилиш мумкин эди. У даврда биз муҳокама қилаётган асарлар 8- эмас, 9-10-синфларда ўқитиларди. Ўсмирлик даврида бир йилда ҳам ўқувчилар руҳияти, онгу идрокида катта ўзгаришлар юз беради. Ҳозирги дарсликлардаги “...Ул сарви гулрў келмади” сингари асарлар 8-синф ўқувчиларининг ёш хусусиятларига ҳам мос эмас. Биз Таълим маркази ходимларига дастурни тубдан янгилаш зарурлиги, мактаб ўқувчиларига соддароқ асарларни ўқитиш лозимлиги ҳақида доим гапириб келамиз. Лекин натижа чиқмаяпти. Тасаввуф жуда мураккаб таълимот бўлиб, ундаги баҳсли, чалкаш муаммолар не-не мутафаккирларнинг бошига етмаган?! Жумладан, Мансур Ҳаллож, Бобораҳим Машраб шу тасаввуф маслагини жамият тўғри тушуна, қабул қила олмагани оқибатида дорга осилганлар, қурбон бўлганлар. Бу муаммо 1970 йилларда атоқли олимларимиз Эргаш Рустамов ва Ботирхон Акрамовларни ҳам тазйиқ остида қолдирган. Ҳозир ҳам тасаввуфни талқин этишда баъзан катта олимлар ўзлари чалкашиб кетадилар. Бас шундай экан, тасаввуфнинг баҳсли талқинларини мактаб ёшидаги болаларга сингдиришга уриниш ўринлимикин?

Аслида, байтнинг мазмун-моҳияти анчайин содда ва ҳаётий. Байтда изчил ёритилаётган мавзу юзасидан хулоса, ҳукм чиқарилган. Муаммонинг фалсафий ечими баён этилган. Маълумки, олдинги байтларда лирик қаҳрамон, яъни ошиқ ҳижрондан шикоят қилиб келаётган эди. У заиф ва нолакор бир вазиятда турганди. Байтда шоир ошиқнинг бундай вазиятига танқидий муносабат билдиради. “Толиби содиқ”, яъни садоқатли талабгор топилмас экан,– дея фикр юритади шоир, - ваъдага вафосиз ёрнинг жабру ситамларидан оҳ-воҳ чекиш билан кифояланиш чинакам ошиқнинг иши эмас. “Йўқса”, яъни бўлмаса, ёрнинг йўлига ким “аввал”, яъни биринчи бўлиб журъатли, дадил қадам қўйдиким, унинг маъшуқи рўпарасига пешвоз чиқмади?! Риторик сўроқ бор бу ерда. Ҳеч қанақа пир ва мурид муносабатлари йўқ!

Ғазал матнида яна бир қанча сўзлар: чиқтиму – чиқдиму, оғзимғаю – оғзимғаву, етконда – етганда, ўлғонда – ўлғанда тарзида товуш ўзгаришига учраган. Товушлар ўзгариши ғазалнинг вазнига, поэтик оҳангдорлигига таъсир ўтказган. “... маъшуқи ўтру келмади” ибораси ҳеч бир нашрда бўлмаган тарзда – “... маъшуқе ўтру келмади” шаклида ўзгартирилган. Асли, “маъшуқи” сўзидаги “-и” эгалик қўшимчаси бўлиб, у ошиқнинг маъшуқи маъносини англатади. Агар сўзни “маъшуқе” деб ёзадиган бўлсак, у ўзбек тилидаги эгалик қўшимчаси эмас, балки форс тилидаги “йо-йи ваҳдат ва йо-йи накаре”, яъни бирлик ва ноаниқлик ёйига айланади. Бундан эса “қандайдир бир номаълум маъшуқ” маъноси чиқадики, бу ғазал мазмунидаги мантиққа зид келади. Маънодаги аниқлик йўқолади. Ғазал матнида бир неча тиниш белгисига оид хатоларга ҳам йўл қўйилганки, улар ғазал маъноларини тўғри тушунишга халал беради.

Назаримизда, Навоий матнларидан фойдаланишда талаб ва қоида ҳамма учун бир хил бўлиши керак. Фараз қилайлик, Сиз Навоийни, шубҳасиз, севасиз. Унинг кўп байтларини ёд биласиз, кези келганда, ёддан айта ва ёза оласиз. Шунда тўғри иш тутиш учун, аввало, матнларни тўғри ёдланг. Ишончли манбалардан топиб ёдланг. Матннинг саҳиҳ шаклларини хотирангизга муҳрланг. Одам-

зод адашувчан, унутувчан, гоҳо паришонхотир бўлади. Иш жараёнида хотирангиздаги заҳирадан фойдаланаркансиз, ёддан ёзаётган матнингизни, унинг тўғрилигига ишончингиз комил бўлса ҳам, бирров Навоий асарлари мукаммал нашрлари билан қиёслаб текшириб олинг. Ахир, уларни уйингиз ёки идорангиз китоб жавонларига нима мақсадда тахлаб қўйгансиз? Фақат зийнат ва ҳашам учун эмасдир. Агар бу мўътабар манбалар ўз тасарруфингизда бўлмаса, марҳамат, кутубхоналардан фойдаланинг, бирор мутахассисдан сўраб аниқланг. Чунки Навоийдан кўчирма келтиришнинг масъулияти катта. Бир дарслик уч олим томонидан яратилса, қайта-қайта ўқиб муҳокама қилинса, яна бир олим таҳрир этса, уни Таълим маркази Илмий-методик кенгаши муҳокама қилиб нашрга тавсия этса, тақризчилару нашриёт муҳаррирлари назаридан ўтса (айтишларича, бир дарслик муқовасига нашр жараёнида 33 масъул шахс имзо чекар экан), ўн йил давомида уч марта нашр бўлса, ўн беш йил шу ҳолича мажбурий таълим жараёнида ўқитилса-ю, саҳв-хато тузатилмаса... Навоий асарлари иморатини била-кўра ғорат қилишга эса ҳеч кимнинг ҳақи йўқ. Ҳазрат Навоийни зинҳор-базинҳор таҳрир этиб бўлмайди !

Тўртинчи байт мазмунини Н. Маллаев: “Ул гўзал ҳажрида девоналарча йиғладим, (менинг бу ҳолатимни) кўрганда кулгиси келмаган кимса бормикин”, дея тўғри талқин этган. Дарслик-мажмуа муаллифи эса бу ҳолатни ошиқнинг “устидан куладиган борми-йўқлиги” деб шарҳлаган. Бу эса шоир кўзда тутган мазмунни анча хиралаштирган.

Мақта байт таҳлилида ҳам дарслик муаллифи матннинг асл мазмунидан жуда узоқлашиб кетган. У байтда: “икки карра “бода” сўзи тилга олинади. Шаклан, яъни юзаки қараганда ўқувчида майпарастлик тарғиб этилаётгандек тасаввур туғилиши мумкин”, дейди ҳамда ислом ва тасаввуфда, Навоий ижодида ичкиликнинг талқинлари тўғрисида узундан-узоқ илмий мулоҳаза юритади. “... бу парчадаги “бода” асло ўз маъносида эмаслигини тушуниб олиш керак”, дея уқтиради. Шундай хулоса баён этади: “Бода келган уйга қайғу келмаслигининг дунёвий асоси бор. Ичган кишининг, сунъий равишда бўлса ҳам, кайфияти кўтарилади, қайғуси, вақтинча бўлса ҳам, эсдан чиқади. (Бу фикр ёшгина 8-синф ўқувчиси тарбиясига қандай таъсир этади, демак ичкилик яхши экан, деган тасаввур уйғотмайдими? – Н.Ж.) Тасаввуфий маънода эса Яратганнинг ишқи билан куйиб-ёниб яшаётган кишининг ғам чекишига ўрин қолмайди. Шунинг учун ҳам лирик қаҳрамон ёрининг келмаганига, очиқроқ ифодалаганда, бу дунёда Аллоҳ васлига етолмаётганига кўп ҳам ғам чекавермай, Яратган зотни севишни давом эттираверсин, шунда барча кулфатлар бартараф бўлаверади...”. “... Байт – асли ошиқона ғазалнинг мақтаси. Лекин бода тилга олиндими, демак, ғазалга риндоналик руҳи ҳам қўшилди”. Назаримизда, ғазалдаги ишқ ва май образини бу қадар мураккаблаштириб талқин этишга асос ҳамда зарурият йўқ эди. Бунга матн асос бермайди. Кўнгил уйини май билан шод-хуррам этишни майпарастлик ва ичкиликбозлик деб тушуниш ҳам ғалатдир. Зотан, Н. Маллаев байтдаги бор мазмунни ихчам ифодалаб бундай баён этган: “Эй Навоий, май билан кўнглинг уйини хуррам қил, чунки май келган уйга қайғу келмайди”. Олим ғазалнинг мавзуси ва ғоявий мазмунини ёритар экан, қуйидаги хулосани ифодалайди: “Ошиқ қайғудан қутулиб хуррам бўлиш учун майга мурожаат этади. Бироқ бу билан Навоий майхўрликни тарғиб этмайди (унинг майхўрлик, маишатпарастликка қарши курашганини, бу ҳақда “Ҳайрат ул-аброр”да махсус бўлимда сўзлаганини биламиз), балки “май”ни шодлик рамзи сифатида қайғу-аламга қарши қўяди”. Табиийки, бу талқин матннинг асл мазмунига мувофиқ. “Май” образига нисбатан дарсликдагидек “алкогол ичкилик” тушунчасини ҳам ёки тасаввуфий талқинларни ҳам тўқиб татбиқ этишга асло эҳтиёж йўқ.

Дарслик-мажмуада адабиёт назарияси нуқтаи назаридан ҳам нотўғри фикрлар илгари суриб келинмоқда. С. Олимов ғазалшунослик назариясида йўқ “бегона байт” тушунчаси ва терминини сунъий равишда дарсликнинг 1- ва 2- нашрларига олиб кирган. Унингча, ғазалда мақтадан олдин келадиган лирик чекиниш тарзидаги фалсафий байтлар, хусусан, “...Ул сарви гулрў келмади” ғазалининг “Толиби содиқ топилмас” деб бошланадиган байти “бегона байт” эмиш. Биз Тошкент вилояти Педагогик кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институтида ишлаб юрганимизда биринчи марта “бегона байт” терминини ўқитувчилар оғзидан эшитдик. Дарслик-мажмуанинг 1-2- нашрларида “бегона байт” тушунчаси шу қадар машҳур қилиб юборилганки, малака ошириш

таҳсилига келган ҳар бир ўқитувчи мақтадан олдинги олтинчи байт ҳақида “бегона байт” дея фикр юритади. Демакки, улар ўқувчиларига ҳам “бегона байт”ни уқтириб, сингдириб улгурганлар. Дарслик-мажмуанинг 1-2-нашрларида С.Олимов ўзининг “бегона байт” назариясини қуйидагича асослаган: “Мумтоз шеъриятда “бегона байт” деган тушунча мавжуд. Бу мақтадан олдинги байтни билдиради. Унинг бегоналиги шундаки, Ўзбекистон қаҳрамони, Ўзбекистон халқ шоири Абдулла Орипов сўзлари билан айтганда, “бу байтда шоир кимни мақтагиси келса – мақтайди, кимни ёмон кўрса, ундан аламини олади, ғазал умумйўналишига у қадар боғланмайдиганроқ гапи бўлса ҳам, шу ерда айтиб қолади”. Биринчидан, бир илмий тушунчани асослаш учун дарсликда иқтибос келтириш ўринсиз эди. Чунки дарслик-мажмуа илмий асар эмас. Иккинчидан, келтирганда ҳам, адабиётшунослик илмидан ёки адабиётшунос олимдан эмас, шоирдан келтирилиши ҳам нотўғри. Учинчидан, А.Орипов гапининг манбаси кўрсатилмаган. Модомики, муаллиф таълим жараёнига янги назарий тушунчани киритмоқчи ва буни асослаш учун иқтибос келтираётган экан, илмий қоидага биноан, унинг манбасини кўрсатиши лозим эди. Ҳозирги ҳолатда А.Орипов келтирилган гапни айтганми-айтмаганми, оғзаки айтганми – ёзма айтганми, у мавжуд бўлса, қайси манбада сақланади – номаълум. Тўртинчидан, А.Орипов номидан айтилган фикр тўғри ҳам эмас. Негаки, кимни яхши кўрса, уни мақташ ёки кимни ёмон кўрса, ундан аламини олиш ғазал жанрининг мазмун-моҳиятига хос эмас. Олим одам, айниқса, дарслик услубида бундай иш тутмаслиги лозим эди. 1-2-нашрлардаги бу аҳволга бизнинг эътирозларимиздан кейин ҳам дарслик-мажмуа муаллифи ғайриилмий нуқтаи назаридан воз кечмади ва А. Ориповдан олган иқтибосидан воз кечиб, уни бошқачасига асослашга уриндики, қуйида шу ҳақда мунозара юритилади.

Аввало шуни англаш керакки, нафис адабиётнинг энг фаол ва энг нафис лирик жанри бўлмиш ғазалга нисбатан “бегона байт” тушунчасини қўллаш нафосатдан эмас. Нафис санъатга нафосат билан ёндашган маъқул. “Бегона байт” эса қўпол ва дағал атама. Мумтоз шеъриятимизда “бегона байт” деган тушунча мавжуд”, деган маълумот асоссиз. Адабиётшуносликда ҳам, хусусан, ғазалшуносликда ҳам, “бегона байт” деган тушунча мавжуд эмас. Шу дарслик-мажмуагача бирор илмий манбада бундай тушунча қўлланмаган.

Дарслик янги нашрининг назарий маълумот қисмида “бегона байт” тимсолида гўёки “Америка кашф этилган”. Гўёки ғазалдаги учта байтнинг алоҳида номи бор эмиш. Булар матла, мақта ва бегона байт эмиш. Ҳали илмий муҳокамага олиб чиқилмаган, эътироф этилмаган тушунчани умумэътироф этилган минг йиллик “матла” ва “мақта” терминлари қаторига қўйиш илмий этикага ҳам тўғри келмайди. Терминология илмида расмийлашганлик тушунчаси бор. Муайян атама соҳа олимлари томонидан тан олиниб, маъқулланса ва у умумэътироф этилиб, илмий жараёнда ҳамма мутахассислар томонидан фаол қўлланса, ўшандагина у махсус соҳага расмийлашган ҳисобланади ҳамда термин мақомини олади. Терминнинг атамадан асосий фарқи ва ўзига хос хусусияти ҳам мана шунда. Расмийлашмаган атама дарсликка олиб кирилмайди. Бу – аксиома.

Мана, гўёки илмий асослашдек тасаввур уйғотишга уринилган ва дарслик услуби учун хос бўлмаган яна бир тушунтириш: “Ғазалчилигимиз, хусусан, Навоий ғазалларидаги бу типик хусусиятни кўплаб навоийшунослар кузатган, таҳлил этган. А. Ҳайитметов буни умумий қилиб “лирик чекиниш”, Ё. Исҳоқов “бегона ёки қистирма байтлар”, Н.Комилов эса “гардиш” (тўғриси – “гардеш” – Н.Ж.), “бозгашт” (“қайтиш”) деб номлайди. Аслида, Навоий ғазалларида асар мазмуни билан боғланмаган байт бўлмайди. “Бегоналик” – нисбий тушунча. У “лирик чекиниш” маъносини муайянлаштирган ҳолда ифодалаб келган. “Чекиниш” билан “бегоналик” – бир-бирига жуда яқин тушунчалар ҳисобланади” (140-бет). Эътирозлардан кейин муаллиф ўз нотўғри вазияти (позицияси) дан устамонлик билан чекинмоқда. “Бегоналик – нисбий тушунча” деб, “лирик чекиниш” атамасидан “лирик” сўзини тушириб қолдириб, “чекиниш”нинг ўзини “бегоналик”ка жуда яқин тушунча дея даъво қилмоқда. Аслида, бу ҳам соғлом фикр эмас. Дарсликнинг аввалги икки нашрига билдирилган эътирозларимизга жавобан берилган “исбот” бу. Аввало, дарслик илмий исботнинг ўрни эмас. Дарсликка фақатгина исботланган ва тасдиқланган, умумэътироф этилган фикрлар киради. Қолаверса, иқтибосда асарларига ҳавола қилинган бирорта навоийшунос “бегона байт” атамасини қўлламаган. Муаллиф С.Олимов Ё. Исҳоқовдан кўчирма келтира туриб, “Навоий поэтикаси” ки-

тобида йўқ “байтлар” сўзини қўштирноқ ичига киритиб, китобхонни очиқ-ойдин алдайди. Гўёки, Ё.Исҳоқов “бегона байт” атамасини қўллагандай кўрсатади. Мана, Ё.Исҳоқовнинг саҳиҳ жумласи: “Тавсифий (таъриф, мадҳда ҳам) ғазалларда лирик чекиниш характеридаги байтларнинг “бегона” ёки қистирмалиги яққол сезилиб туради”[1]. Қани бу гапда “бегона байт” термини? Ё. Исҳоқовнинг “бегона” сўзини қўштирноққа олгани ва “яққол сезилиб туради” дегани мақтадан олдинги байтнинг “бегона байт” деб аталишини билдирмайди. Биз Ё. Исҳоқов билан юзма-юз кўришиб фикр алмашганимизда, у ҳам илмий ишида ундай демоқчи бўлмаганини айтди ва С. Олимовнинг дарслик-мажмуадаги нуқтаи назарини рад этди. У иқтибосда профессор А.Ҳайитметовнинг “лирик чекиниш” атамасини қўллаб турибди. Монографиядан олинган иқтибосдан қуйироқда бундай байтни у эпиграммага ҳам ўхшайди дейди. Бундан ташқари, Ё.Исҳоқовнинг китоби илмий монография. Илмий китобда баҳсли масалаларни бемалол муҳокама қилавериш мумкин, лекин дарсликда мумкин эмас. Чунки ўқувчи олим ҳам эмас ва мактабда адабиётшунос ҳам тайёрланмайди. Қолаверса,“Бегона байт” ҳам – лирик чекинишнинг айнан ўзи экан, “бегона”лик – нисбий тушунча экан, ясама “бегона байт” тушунчаси ва атамасини умумтаълим мактаблари дарсликларига олиб киришга зарурият йўқ эди.

Хуллас, ғазал таҳлилларининг тарихий тадрижидан англашиладики, ғазал мазмун-моҳиятини, бадиий хусусиятларини очиб бериш дастлаб содда ва тушунарли услубда кечган. Талқин тарихининг бу босқичида ғазалда дунёвий муҳаббат, яъни инсоннинг инсонга муҳаббати акс этганлиги ёритилган. Кейинчалик таҳлил услуби мураккаблашиб борган. Айниқса, ғазал бадииятини тасаввуф таълимоти билан боғлаб талқин этишга уриниш асар мазмун-моҳиятини сохталаштирган.

Таълим жараёнидаги талқинларга илмий жамоатчиликнинг эътиборсизлиги, муҳокамалардан четда қолиши сунъий талқинларнинг ривожланишига ва узоқ муддат таълим-тарбияга салбий таъсир кўрсатишига асос берган. Эндиликда ғазал таҳлилларида бирёқламаликка барҳам бериш муҳимдир. Ҳар бир ғазалдан, хусусан, “... Ул сарви гулрў келмади” ғазалидан, албатта, тасаввуфий талқин қидириб топишга ружу қўйиш ўринсиздир. Шунингдек, дунёвий муҳаббат ёхуд “ишқи мажозий” ифодаланган ғазални тўғри таҳлил эта туриб, уни тасаввуфий талқин ёки “ишқи ҳақиқий” билан боғламасам, камчиликка йўл қўяман, деган андиша билан сунъий равишда тасаввуф билан боғлаш ҳам ноўриндир. “Дунёвийлик – даҳрийлик эмас”, деган тушунча ғазал моҳиятига ҳам тегишлидир.

Ғазалнинг янги талқинини яратганда асарни аввал тадқиқ этган олимларнинг ижодий тажрибаларидан ўрганиш мақсадга мувофиқдир. Мабодо улардан бехабар ҳолда ишга киришилса ёхуд улардан кўз юмилса, улар унутилса, талқинда адашиш, матнни тўғри тушунмаслик ҳолатлари юз беради. Ғазал таҳлилида матн аслиятидан узоқлашмаслик, матн мазмунидан ташқари тушунчаларни сунъий равишда талқинга сингдиришдан сақланган маъқул. Ғазал таҳлилига илмда эътироф этилмаган назарий фикрларни тиқиштириш юқоридаги сингари салбий оқибатларга олиб бориши тайин. Албатта, ғазал таҳлили индивидуал ижодий ҳодиса. Ғазал матни кўпмаънолилик хусусиятига эга ва уни ҳар ким ҳар хил тушуниши, талқин этиши мумкин. Бироқ, дарслик услуби учун хусусий ёндашув хатарли. Чунки дарсликдан кўпминглаб одамлар таълим олади ва хусусий хато талқинлар уларда нотўғри тушунчаларни шакллантириши хавфи бор. Дарслик давлат стандарти мақомидаги ўқув қуроли сифатида тасдиқланади ва илмий хатолари бўлишига қарамасдан, яна янги дарслик яратилиб чоп этилгунча ундан фойдаланишга мажбур бўлинади. Бундай узоқ муддат мобайнида дарсликдаги нуқсонлар бир неча авлод таълимида сезиларли салбий из қолдиради. Шунинг учун, дарсликда умумэътироф этилган, илм-фанда ўз ечимини топган, баҳсли бўлмаган маълумотлар ёритилиши талаб этилади.

1 Ё.Исҳоқов. Навоий поэтикаси. “Фан”, Тошкент, 1983, 62-бет.

ДАРДЛИ МИСРАЛАР СОҲИБИ

Омонулла МАДАЕВ,
филология фанлари номзоди

Халқимиз хонанданинг ниҳоятда жозибали ашуласига баҳо берганда “дардли айтади” дейишга одатланган. Бирикмадаги “дардли” сўзини ҳақиқий мухлис соатлаб изоҳлаши мумкин. Хусусан, матн, оҳанг, овоз, ижро, маҳорат, нола, жозиба ҳаммасининг олий санъати намунаси сифатидаги уйғунлиги – синкретизми битта “дардли” билан изоҳланади, шарҳланади, баҳоланади. Эътибор берилса, дардли ашуланинг замин пойдеворини дардли матн, ўзбек ашула санъатида аксари ҳолатлар дардли ғазал ташкил этади. Ашуланинг матнида дард бўлмаса, ҳар қандай мунгли куй унга дард бағишлай олмайди. Шунинг учун мумтоз адабиётимиз вакиллари лирик ғазалларида ўз мухлисларининг дардини ички кечинмалар орқали ифодалашига одатланган эдилар. Ўзбек тилининг изоҳли луғатида бу сўзга берилган изоҳлар қаторида “руҳий азоб” сўз бирикмаси ҳам қайд этилган. Бинобарин, мумтоз шоирларимиз руҳий азоб ифодаси билан ўз китобхонларидаги бу мушкул вазиятни юмшатиш, имкон даражасида бартараф қилиш вазифасини бажаришга уринганлар. Шубҳасиз, Алишер Навоий ҳам умрлари охирида ёзилган “Муҳокамат ул-луғатайн” рисолаларида: “...хаёлимга андоқ келурким, сўзим мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу мартабам кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай,”[1] – дер эканлар, ўз ўқувчиларининг руҳий ҳолатларини тасвирлашда ҳам сўзлари мартабаси юқори мақомдан пастга тушмаслигини, ижодларига мансуб ҳамма асарлари шуҳрати аъло даражадан ўзга мартабани хуш кўрмаслигини таъкидлайдилар.

Инсон турмуши тақозоси билан турли мураккаб вазиятлар иштирокчисига айланади. Руҳий тушкунлик ҳолатини бошидан кечиради. Муаммонинг ечимини топишга уринади. Изтироб исканжасида азоб чеккан сонияларда хатто ўзи истамаган кўнгилсиз ва кескин фожиали ҳаракат қилишни хаёлига келтиради. Шоир ана шундай мусибатли шароитда бизга ёрдамга келади. “Садди Искандарий” достонининг олтмиш тўққизинчи боби шундай байт билан бошланади:

Чу охир бўлурсиз адам, эй рафиқ,
Ғанимат тутоли бу дам, эй рафиқ![2]

Шоир байтда одам ҳаётга келибдики, адам – йўқлик, қазо шарбатини тотишига мажбур эканини, шундай экан, у ҳаёт пайтида ҳар бир дамни, сонияни ғанимат деб билиши лозимлигини таъкидлайди. Алишер Навоий ижодидаги ҳамма намуналар марказида олтин ҳарфлар билан битилган одам тушунчаси туради. Одамнинг бу дунёга олий зот мақомида келишининг ўзи Аллоҳ иноятидир. Аллоҳ уни ёруғ дунёга синов учун яратган. Бандаликни бажо келтириб яратган ҳузурига борганида, ҳаётлиги даврида қилган яхшиликлари эвазига олий синовдан ўтади. Олий синов эса имон деб аталган фазилат ҳисоби билан ўлчанади. Шоир лирик, лиро-эпик, дидактик асарларида ўз ўқувчисини турли офатлардан, кўнгилсиз вазиятлардан ҳимоя қилиш чоралари билан таништиради. Подшоҳларга адолат билан давлат бошқаришни, вазирларни хиёнат йўлига кирмасликни, олимларда илмни жоҳ – мансаб воситасига айлантирмасликни, мударрисларга нопокликдан асранишни маслаҳат қилар экан, ўқувчини нопоклик оқибатида келадиган азиятдан асрашга уринади. Шу билан бирга, Ватанни севишга, уни ички ва ташқи душмандан ҳимоя қилишга, отани қуёш, онани ой деб билишга, она тилимизни эъзозлашга; кўнгилсиз муаммо олдида ақл билан ечим излашга, қалбимизни пок тутишга, меҳнат қилишга чақирар экан, ўз ўқувчисини одам тушунчасига садоқатли бўлишга ундайди. Навоий ўгитлари бизга руҳий тетиклик бағишлайди. Қалбимизда қониқиш туйғусини ҳосил қилади. Инсонлигимиздан фахрланишга ўргатади.

Аммо шоир ҳаётнинг ҳаёт эканлигини унутмайди. Ҳаётнинг ҳаётлиги эса кеча билан кундузнинг, ғам билан қувончнинг мағлубият билан ғалабанинг, беморлик билан саломатликнинг ёнма-ён

1 Алишер Навоий. Йигирма томлик. Ўн олтинчи том. –Т.: Фан, йил. Т.Б-27
2 Алишер Навоий. Йигирма томлик. Ўн биринчи том.–Т.: Фан,1993. Б.468.

келиши билан изоҳланади. Шунинг учун бўлса керак биз кузатаётган мисралар соҳиби ўзининг оддий одамлардан фарқ қилмаслигини, ҳатто тақдир борасида омадсизроқ эканини англатишни истайди. Муҳими шундаки, шоир ўзининг руҳий изтиробларини ифодалаганда, азоб мартабаси ҳам "авждан қуйи инма"йди:

Қатра қонларким томар кўксимға урғон тошдин,
Захмдиндур демаким, қон йиғлар аҳволимга тош.[1]

Байтнинг биринчи мисрасида шоир кўксига урган тошдек қон томаётганини маълум қилмоқда. Шундан сўнг байтни ўқиётган ўқувчига мурожаат қилинади: "Сен тош етказган жароҳатдан қон томяпти деб ўйлама. Аслида тош кўксимга урилганида юрагимдаги, қалбимдаги дард-алам, ғам билан танишди ва вужудимдаги ҳаёт етказган азиятлардан воқиф бўлди. Мен тортаётган азобларга чидамаган тош қон йиғламоқда". Яъни сен тасаввур қилаётган жароҳатдан томаётган қон, аслида, менинг изтиробларим билан танишган тошнинг кўз ёшларидир. Халқимизда "қон йиғлади" деган тушунча бор. Қарияларимиздан қолган мерос ҳикояларда ҳаддан ташқари оғир мусибатга учраганда, одамнинг кўзидан қизғиш рангли ёш оқиши айтилади. Кўздан оққан ёш тиниқ бўлмай, у қизғишлиги туфайли "қон йиғлади" тушунчаси билан ифодаланади. Аммо бундай вазият ва ҳолатни кўриш инсон умри давомида деярли учрамайди. Демак, инсоннинг қон йиғлаши умуман содир бўладиган ҳодиса, лекин ҳаётда камдан-кам вазиятларда рўй берар экан. Биз келтирган байтда фақат баъзан аҳён-аҳёнда изтироб тўла мусибатли дақиқалар оғушида руҳий азоб чекаётган лирик қаҳрамон вазияти акс этган. Шоир қон йиғлаяпман дея ўзига таскин бериши мумкин эди. Аммо ҳаёт изтироби шу қадар кучли эдики, бу ифода шоиримизни қониқтирмаган. Унинг фикрича, кўздан қонли ёш келиши тасвирланиши лозим бўлган вазиятни тўла баҳолашга етарли эмас. Натижада, маҳорат маҳсули сифатида руҳий азобнинг ўта таъсирли кўриниши вужудга келган: қон тош етказган жароҳатдан эмас, ҳасрат фиғонидан азобланган тошнинг ўзи оқизаётган кўз ёшидир.

Яна бир ўринда ўқиймиз:

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тиғи кин,
Ёнгилиб аввал менинг жонимға бедод айлагай.[2]

Шоир аввалги байтдаги фикрга изоҳ берганидек, жисмидаги дард-алам сабабини шарҳлашга уринмоқда. Унинг айтишича, фалак ер юзидаги одамларга сон-саноқсиз душманлик ўқларини отади. Аммо ҳайратланадиган жиҳат шундаки, отилаётган ўқларнинг ҳаммаси тақдир тақозози билан мўлжалдан адашиб, нуқул шоирни жароҳатлайди. Шунинг учун ҳам қалбдаги йиғилган ситамлардан хабар топган тош қон йиғлаб юборган. Алишер Навоийнинг лирик меросида бундай мазмундаги дардли мисраларни топиш учун алоҳида ҳафсала талаб қилинмайди. Улар ҳар бир ғазалда ёки бошқа жанрдаги намуналарда доимий унсур сифатида иштирок этади. Собиқ тузум шароитида бундай мазмундаги байтлар олимларимиз томонидан аксарият ҳолларда "мавжуд ижтимоий муҳитдан шикоят" тарзида изоҳини топган. Аслида, Алишер Навоийнинг "ижтимоий муҳит", "ижтимоий тузум" ҳақида қанчалар аниқ тасаввурга эга эканлигини фикрлашга ожизмиз. Аммо бу улуғ зотнинг тақдир, қисмат тушунчаларини мукаммал талқин этишга суянган ҳолда шахс руҳиятини ифодалашга алоҳида эътибор қилинганини тўлиқ тасдиқлашимиз мумкин. Шубҳасиз, шоир ўсмирлик давриданоқ юртдошларининг унга бўлган ҳурматини ҳис қилган. Ва, бизнингча, менки, шу қадар изтиробли руҳий ҳолатни бошидан кечиришга мажбур эканман, сен – азиз ўқувчим – ўз қисматингдан нолимасанг ҳам бўлади, – деган оддий ҳақиқатни замондошлари онгига сингдиришга уринаётгандек туюлади.

1 Алишер Навоий. Йигирма томлик.3-том. –Т., Фан,1988.
2 Ўша жойда. Биринчи том. Бадоеъ ул-васат. Фан. –Т.1990. б--431

Алишер Навоийнинг Навоийлиги сўз санъати воситасида ҳаётий муаммонинг бадиий ифодасини яратиш билан бирга бу муаммонинг ечимини ҳам ўқувчига кўрсатиб беришда намоён бўлади. Аввало, шоиримиз ўз ўқувчисини ҳаётда донолар қаторида бўлишни тавсия қилади.

Андоғ иш қилким, пушаймон бўлмағайсенким эмас,
Ҳеч осиғ чун хато бўлди пушаймонлиғда хайф.[1]

Халқ ақлли одамлар ўз мушкулотларини ҳал қилиш чегарасини тез топиши, донолар эса ўша мушкулотларга сабаб бўлувчи ҳаракатга йўл қўймаслигини турли йўллар билан фарзандларга уқтиради. Шоиримизнинг фалсафий қарашидаги бош мезон халқнинг ана шу ҳикматини қўллаш билан белгиланади. "Ҳожатингни элга арз этмакка ҳожат бўлмади", – деганда ҳам шоирни ана шу фалсафий мушоҳада бошқаради. Шу билан бирга руҳий тетиклик ифодаси ўқувчига умидбахш кайфият бағишлайди ва уни ҳаёт сўқмоқларидан ирода билан қадам ташлашга ундайди. Алишер Навоийнинг дардли мисраларини ўқиган ўқувчи руҳий тушкунликка тушмайди. Сабр, қаноат инсон иродасининг маҳсули сифатида намоён бўлади:

Эй Навоий, умр ўтар елдек, ўзунгни шод тут,
Елга етмак мумкин эмастур чу суръат кўргузиб.[2]

Бизнингча, бу байт мазмунан ўқувчига бир неча йўналишдаги маслаҳатни ўзида мужассам этади. Аввало, шоир инсон ҳаётининг муддати икки эшик орасида кўз очиб-юмгунча ўтиб кетишини тасдиқламоқда. Иккинчидан, ҳамон умр шиддат билан ўтар экан, руҳий азобда яшашнинг ҳожати йўқлигини, шахс ўзини бардам, шод тутиши маъқул эканлигини таъкидламоқда. Ва, учинчидан, яна ўз фалсафасига содиқ қолган ҳолда ўз ўқувчисини сабр-қаноатга чақирмоқда. Ҳар бир тадбирнинг ўз вақти-соати борлиги, уни тезлатиши фойдасиз эканилигини уқтирмоқда. Натижада, китобхонга руҳий вазиятни бошқариш том маънодаги жасур ва мардларнинг фазилати ҳисобланишини кўрсатиб ўтмоқда. Достонларда ҳам юқоридаги байтдаги фикрга қайтиш одатини сезиш қийин эмас:

Бу бир дамки, хушвақтлиғ берди даст,
Тараб жомидин айлагил ўзни маст.[3]

Ҳар қандай ғамни, аламни орқага ташла. Агар шукр қилсанг, вақт, сабр сени ташвишларингдан холи этади. Яшаётганингдан мамнун бўлсанг, шодлик жоми сенга сабр берса, ёмонликлар чекинади. Достон давомида замондаги одамларнинг бир-бирига меҳмонлиги айтилади. Йигитлик, ёшлик йилларини ҳаётдан қониқиш билан ўтказмоқ керак. Ҳар қандай фожиали фурсатда ҳам ўзингизни йўқотиб қўйманг. Кўнгил очиш имкони йўқ бўлса, ғам еманг. Оғир ва мусибатли кунларда ўзингизни овунтиринг, пешонингизга ғам чекиш қисмати ёзилган тақдирда ҳам уни бартараф қилишга, муаммонинг ечимини топишга урининг. Бошга ғам келганда, аламига чидамайдиган одамлардан бўлманг. Ақл билан мушоҳада қилсангиз, вазиятга ечим топилади. Ечим топилса, муаммо чекинади. Муаммонинг чекингани унинг таслим бўлгани. Таслим бўлгани эса сизнинг ғолиблигингизни тасдиқлайди. Сизнинг ғолиблигингиз иродангизнинг чиниққанини далиллайди. Ёдингизда бўлсинки, бу дунё имон билан ҳаракат қилинса, ортиқча алам чекишга арзимайди. Ҳаёт жуда мўрт. Ундан бир сонияда ажраб қолиш мумкин. Шундай экан, нима учун ғолиб бўла оладиган мушкулотдан умидсизликка тушасиз?! Бу йўл-йўриқлар китобхон руҳий ҳолатига далда беради, инсонда ўзига ишонч туйғусини пайдо қилади.

1 Алишер Навоий. Йигирма томлик. Учинчи том. –Т.:Фан,1988.
2 Алишер Навоий. Йигирма томлик. Тўртинчи том. –Т. Фан,1989. б-42
3 Алишер Навоий. Йигирма томлик.Ўн биринчи том. –Т., Фан, 1993.Б.468

Алам ичра дам урмағил, эй кўнгул,
Не ғам етса, қайғурмагил, эй кўнгул.[1]

Эй кўнгил, ҳой инсон, ҳеч қачон алам ичида яшамагин. Тушкунликка тушма. Ҳар қандай мусибат денгизига ғарқ бўлсанг ҳам қайғу сени мағлуб этмасин. Ҳаётдан умидингни узма. Энг муҳими, қалби пок, имонли одам бўлгин.

Чу зотингда имондин ўлди нишон,
Гулистони жаннатда бўл гулфишон.

Чунки агар сенинг вужудингда имон деган улуғ фазилат нишони бўлса, ишончинг мустаҳкам бўлсин, жаннат чаманзорида гулдек очилиб туриш шарафига эга бўлиш эса инсон зоти учун энг олий даражадаги ҳавасдир.

Ҳазрат ўгитлари иродамизни чиниқтиради. Ҳамиша келажакка умид билан яшашга ўргатади. Фақат орзуларга етиш учун иродани, идрокни ишга солиш керак. Муттасил меҳнат қилиш, боқимандаликка берилмаслик, ҳар бир сониядан унумли фойдаланиш лозим. Ахир шоир бежиз “Ранж кўрмай киши топарму фароғ” демаганлар-ку.

Алишер Навоий фақат ғазалларини эмас, достонларини ҳам дардли ёзган. Аввало, адибнинг ўзбек тилида шарқ анъаналари заминида бадиий жиҳатдан, мазмун ва ҳажм жиҳатдан мукаммал достонлар ёзишда ҳам ягоналигини эътироф этиш жоиз. Низомий Ганжавий жавоб тарзида яратилган “Хамса”даги “Ҳайрат ул-аброр” йигирма мақолатдан иборат бўлди. Унда замоннинг фалсафий, ахлоқий, ижтимоий масалалари акс этди. Қолган тўрт достонда эса битта мазмунга эга сюжет пухта тузилган режа асосида ягона мақсадга бўйсундирилган тарзда лавҳалар тизимидан иборат ҳолда ўз ифодасини топган. Шу билан бирга уларнинг ҳаммасида шоир дунёқараши унинг қалбидаги дард билан уйғунлашиб кетган. Йўқса шоир “Лайли ва Мажнун”нинг якуний саҳифаларида:

Сўгим нечаким узотдим охир:
Йиғлай-йиғлай туготтим охир[2]*, -* дермиди.

Аслини олганда, “Хамса”даги ҳамма достонларда, “Лисон ут-тайр”да шоир кўз ёшларининг, баъзан унинг кўксига урилган тошнинг қонли ёшларининг ўзи аниқ сезилиб туради. Ҳатто “Лайли ва Мажнун”ни таъбир жоиз бўлса, ҳеч иккиланмай лиро-эпик эмас, соф лирик достон деб аташга ҳақлимиз. Чунки достоннинг мазмун йўналиши асар бошидан охиригача шоир дардини ифодалаш мақсадига бўйсундирилган. Айни чоқда, ўз даврининг етук файласуфи, халқ ҳаётини мукаммал билган донишманд, маҳоратли сўз санъаткори сифатида ҳамма достонларда чуқур руҳий ҳолатлар асарга сингдириб юборилганига гувоҳ бўламиз.

Алишер Навоий учун инсон фаолиятини бошқарувчи асосий қувват унинг руҳий тетиклигидир. Руҳий тетиклик эса имонга суянади. Шунинг учун “Хамса”даги ҳамма ижобий қаҳрамонлар китобхонни руҳий тетикликлари билан ўзларича жалб қиладилар ва ижобий фазилатлари воситасида руҳан таъсир ўтказадилар. Бу жиҳатдан “Фарҳод ва Ширин” достонидаги Фарҳод ажралиб туради. Достоннинг кульминацион нуқтаси ҳисобланган Фарҳод билан Хусрав мунозараси ақлий, жисмоний ва айниқса, руҳий қувватга эга Фарҳод ва ўз мавқеига ҳаддан ташқари ишонган, ҳамма нарсани ҳирс мезони билан ўлчайдиган, аммо айнан руҳий жиҳатдан заиф Хусрав тўқнашади. Бу лавҳани руҳий муносабатлар баҳси деб аташ мантиқан тўғридир. Шоиримизнинг маҳорати шундаки, Фарҳод сўзлаганда, Навоий руҳан ижобий қаҳрамон тарафида туриб қалам тебратади. Хусрав савол берганида энди шоир мустабид шоҳ нуқтаи назаридан келиб чиққан ҳолда ижод қилади:

1 Ўша жойда. Б-471
2 Алишер Навоий. Йигирма томлик. Тўққизинчи том. –Т.: Фан.1992.

Деди: Қайдин сен эй мажнуни гумраҳ?
Деди: Мажнун ватандин қайда огаҳ.[1]

Келтирилган байтда Хусрав ўзининг хиёнат билан эришган ғалабасини намойиш қилмоқда. Қаршисидаги рақибини ҳақоратлаб, ўзини кўкларга кўтармоқда. Савол бериш ҳуқуқини кўрсатмоқда. Фарҳодни Мажнун – девона, эсдан адашган гумраҳ деб атамоқда. Унинг қайси юртдан эканига қизиқмоқда. Фарҳод жавоб берар экан, ёшлигида мантиқ фанини ўрганганини татбиқ этиб, ўзининг руҳий тетиклигини йўқотмайди. Фикрлаш даражаси тиниқ. Шоҳ саволида йўл қўйилган мантиқий хатодан фойдаланиб, савол берувчининг ўзи телба эканига ишора қилмоқда. Хусусан, "сен мажнун дея туриб, мендан ватанимни сўраяпсан. Агар ўзинг телба, жинни бўлмасанг, мажнундан ватанини сўраш аҳмоқлик эканини билар эдинг. Мажнуннинг ватани бўлади. Аммо у мажнун бўлгани сабабли ватанини билмайди-ку. Саволинг қанчалар мантиқсиз эканига ўзинг баҳо бер", – демоқчи. Хусрав рақибининг жавобидан даҳшатга тушади. Фарҳоднинг фақат жисмонан эмас, ақлан ва руҳан ўзидан афзал эканини ҳис қилади. Аслида, биринчи савол-жавобдаёқ руҳан мағлуб бўлади. Аммо шоҳлик мансаби бу мағлубятни тан олишга йўл қўймайди. Тергов давом этади. Шоир эса баҳс давом этгани сари Фарҳоднинг ғалабасини тасдиқловчи лавҳаларни кашф қилишдан тўхтамайди. Икки қарама-қарши қутб вакиллари баҳси авж олгани сари китобхон мусбат тарафнинг ғалаба чўққиси сари кўтарилганича "манфий" тарафнинг мағлубият жари сари қулаб боришига гувоҳ бўлади. Бу манзаранинг заминини руҳий кўтаринкилик ва асабий тушкунлик эгаллаганига ишонч ҳосил қилади. Хусрав Фарҳодга Ширидан катта хазина эвазига воз кечишини таклиф қилади. Фарҳод эса Хусрав бермоқчи бўлган ганж унинг ишқи олдида тупроққа тенг эканини айтади. Ишқ, севги, муҳаббат ноёб бир бебаҳо мўъжизаки, ҳар қанча катта мол-дунё унга нисбатан тупроқ билан тенгдир. Бу мисол воситасида шоир Хусравнинг маънавий жиҳатдан ҳам Фарҳодга тўлақонли рақиб бўла олмаслигини далиллайди. Мазкур далил бир томондан китобхон олдида қаҳрамонимизнинг ҳақиқий инсон эканлигини кўрсатиш мақсадини назарда тутса, иккинчи томондан Хусрав маънавияти бўйича Низомий Ганжавийга билдирилган эътирозларни тасдиқлаган.

"Фарҳод ва Ширин" достонидаги Ширинниng мактуби нозиктабъ, беқиёс ички туйғу ифодаси сифатида алоҳида қимматга эга. Жаҳон адабиёти тарихида бу қадар эҳтирос, дард намойишининг бу қадар нозиклик, иффат билан берилишига мисол топиш осон бўлмаса керак. Навоий уни битган пайти қирқ уч ёшда эди. Уйланмаган, ҳаёти давомида балоғатга етган-етмаган қизлар билан ҳатто ака-сингил, ота-бола муомаласида бўлмаган инсоннинг Ширин мактубини ёзиши ўта мураккаб кечганини фақат фикран тасаввур қилишимиз мумкин холос. Шоиримиз Ширин мактубини Ширин, "Лайли ва Мажнун" достонида Лайли мактубини Лайли руҳий кечинмаларини ўзининг қалбидан ўтказиб ёзишга мажбур эди. Китобхон олдидаги масъулият ҳам бу фикрни тасдиқлайди. Чунки Ширин ҳам, Лайли ҳам оддий қизлардан эмасди. Навоий ўзи яратган қаҳрамонларининг туйғулари билан нафас олиши, маъшуқаларга хос изтироб исканжасида яшаши лозим эди. Қизиғи шундаки, мактубларни, хусусан, Ширин мактубини ўқиган китобхон шоир шахсини унутади.

Шоир маҳоратига баҳо берингки, мактубни фақат Ширин даражасида руҳий изтиробга тушган қизгина ёзиши мумкинлигига имон келтиради:

Недур аҳволинг эй зори ғарибим,
Висолим давлатидин бенасибим.

.... Хироминг чоғи йўлдош ўлсам эрди,
Сукунинг вақти қўлдош ўлсам эрди.

... Тикан кирса, кафингға кийнасидин,
Чиқорсам эрди киприк игнасидин.

1 Алишер Навоий. Йигирма томлик. Саккизинчи том. –Т.:Фан,1991.

... Кўруб хор-у хас ўрнингда ниҳоний,
Сочим бирла супурсам эрди они.

Чу бўлсам гарддин кўнглингда қайғу,
Ер узра ошқдин сепсам эди сув.[1]

Мактубни ўқиган ўқувчида Ширинниng маънавий гўзаллиги, қалбан поклиги, ақлан етуклиги, табиатан нозиклиги ҳақида тасаввур пайдо бўлади. Менинг гўзал чеҳрамни кўриш давлатидан бенасиб ёрим, хафа пайтингда қўлласам, хурсандлик чоғингда ёнингда бўлсам бўлмасмиди. Кафтингга тақдир тақозоси – адоват билан тикан кирса, киприкларим билан чиқарсам, атрофингдаги ғуборни сочим билан супурсам, кўнглингдаги қайғу гардига кўз ёшлар билан сув сепсам, кўнглинг ҳароратдан қизиганда лабимни тутиб чанқоғимни қондирсам бўлмасмиди. Сен дардимни ўзингникидан кам деб ўйлама. Сенинг дардинг ҳам, менинг дардим ҳам кўпдурур.

Юқоридаги шарҳ билан танишган ўқувчи Ширинниng мактубидаги дил изҳорини қирқ уч ёшли эркак киши ёзганига мутлақо ишонмайди. Тўғрисини айтсак, мактубни ўқиш чоғида бу ҳақиқатнинг аҳамияти ҳам деярли қолмайди. Чунки биз уни Ширинниng мактуби деб қабул қилаверамиз. Эътибор берайлик, шоир қаҳрамонининг ички изтиробларини рўёбга чиқариш, бу кечинмалар билан ўз ўқувчисини ҳам ташвишга солиш учун сон-саноқсиз бадиий кашфиётлар яратишга муваффақ бўлган .

Маълум бўладики, дардли мисралар соҳиби Алишер Навоий ўз маҳорати билан руҳшунос олим, бу соҳанинг етук мутахассиси эканини ҳам китобхонга етказиш чорасини белгилаб олган. Агар йирик ғазалларда ўз тақдиридан шикоят оҳанглари эшитилса, “Садди Искандарий” достонида бу вазиятларнинг ўткинчи экани далилланади. Айни чоғда, дардли ғазаллар минг-минглаб мухлисларни ўзига мафтун этиб келмоқда.

Алишер Навоий фикрича, соғ танда соғ фикр, мантиқий мушоҳада, инсоний ғурур яшайди. Ўзига ишонган одам ҳар қандай мусибатни енгишга қодир. Фақат оғир вазиятларда ўзини йўқотмаслиги, ориятини оёқ ости қилмаслиги керак. Ҳаёт тажрибасига ва эгаллаган кўникмаларига суяниб чора изласа бас. Инсон деган улуғ номга содиқ қолса, имонидан айрилмаса, ҳар қандай изтиробли руҳий вазият унга мағлуб бўлади. Инсон деган улуғ номга руҳан пок, имонли одамгина муносибдир.

“ФАРҲОД ВА ШИРИН”ДА ДЕНГИЗ ХРОНОТОПИ

Узоқ ЖЎРАҚУЛОВ
(ТошДЎТАУ)

“Фарҳод ва Ширин”да тасвир этилган денгиз сафари билан боғлиқ сюжет, образлар, кичик эпизод ва мотивларнинг нисбатан юнон “авантюр романи”га яқин эканини кузатамиз: қаҳрамоннинг денгиз орқали ёр висоли томон интилиши, денгиз тўфони, кема ҳалокати, бунинг оқибатида қаҳрамоннинг ўз ҳамроҳларидан ажралиб қолиши, тахта парчасининг дуч келиши, бирор кеманинг учраши ёки довулнинг бегона қирғоққа улоқтириши, кема ёки қирғоқда дўст образининг пайдо бўлиши, тасодифий қутулиш ва ҳ.к. М.Бахтин айни шаклдаги сюжет қолипининг “Левкиппа ва Клитофонт” (Ахилл Татий), “Астрея” (де Юрфе), “Армений ва Туснельда” (Лоэнштейн), “Клеопатра” (Кальпренед) сингари аксарият юнон романлари учун хос эканини қайд этади.[2]

Шарқ ва Ғарб бадиий тафаккурига доир бундай сюжет типологияси турли сабабларга кўра юзага келган бўлиши мумкин. Биринчи ва энг қамровдор сабаб инсоният ҳаётининг ягона манба (бир

1 Ўша жойда. Б-369-372.

2 Бахтин М. Романда замон ва хронотоп шакллари. Тарихий поэтикадан очерклар.-Т.: Akademnashr, 2015.-Б. 53-57.

ота ва бир она)дан[1] бошлангани, инсоният ижтимоий, маънавий, жисмоний интилишларнинг ўхшашлиги; иккинчи сабаб – қадим шарқ ва ғарб адабиёти ўртасида юз бериб турган трансформатив жараёнларнинг доимийлиги: сайёр сюжет ва образлар типологияси; учинчидан – сабаб географик ҳудудлар жойлашувидаги ўхшашликлар, икки мамлакат орасидаги сув йўллари: дарё, денгиз ва океанларнинг мавжудлиги; тўртинчи сабаб – ошиқ-маъшуқа-рақиб учлиги ўртасида содир бўладиган воқеликнинг икки қутб халқ қиссалари, ҳикоят ва ривоятларда нисбатан яқин шаклда экани, уларнинг кейинчалик ёзма адабиётнинг турли жанрлари (роман, достон, қисса, ҳикоят...) учун восита бўлиб хизмат қилганлиги кабилар.

Аммо бу каби аналогик нуқталар улар ўртасидаги мутлақ типологияни англатмайди. Шарқ ва Ғарб бадиий тафаккур тарзи, хусусан, юнон романи билан "Хамса" достонларидаги денгиз хронотопи ўртасида жиддий фарқлар ҳам борки, типология масаласи ўртага қўйилганда буни, албатта, эътиборга олиш жоиз. Уларнинг ривоий шакллари, эпос, қисса, ҳикояга ўхшаш фольклор вариантларини истисно қилиб, бевосита ёзма намуналари типологияси устида фикр юритилганда ҳам, қатор принципиал фарқлар кўзга ташланади. Қадим юнон романи сюжетида рўй берадиган денгиз сафари, тўфон, омон қолиш сингари эпизодлар майян маъбудларнинг фаол аралашуви, аниқ айтганда, том маънодаги политеистик ишонч-эътиқодлар доирасида талқин этилади. "Қаердаки табиий сабаб ва мақсадлар тизими узилса, – деб ёзади бу ҳақда М.Бахтин, – шу жойда қисмат, маъбудлар, ёвузлар сингари ғайриоддий кучларга йўл очилади. Авантюр замоннинг барча имкониятлари роман қаҳрамонларига эмас, айни кучларга тегишли бўлади. Албатта, авантюр замонда қаҳрамонларнинг ўзлари ҳам ҳаракатда бўладилар: қочадилар, ҳимояланадилар, курашадилар, қутулиб қоладилар. Аммо уларнинг воқеаларда жисман иштироклари бўлади-ю, ихтиёр ва имкониятлари бўлмайди"[2]. "Хамса" достонларида эса ягона эътиқод, барча ишларда Яратганга таваккул, ўзни тақдир ҳукмига топшириш, эътиқодда қатъий туриш қаҳрамон ва муаллиф концепциясининг асосини ташкил этади. Юнон романи сюжети, қаҳрамонлари ҳаракати мутлақ тасодиф категориясига қурилади. Денгиз сафари, ҳалокат, қутулиш сингари барча эпизодлар тизими ҳам муаллиф, ҳам қаҳрамон томонидан мутлақ тасодиф сифатида қабул қилинади. "Хамса" достонларида барча бўлган, бўлаётган ва бўладиган воқеалар остида тақдир ҳукми мавжудлиги ҳар лаҳзада ҳис этиб турилади. Воқеликда гўё тасодифдек туюладиган воқеалар ҳам аслида тақдирдан экани қаҳрамон ҳаракатлари ва нутқида аниқ намоён бўлади. Юнон романи қаҳрамони тасодифлар ҳукмига ташлаб қўйилгани, воқеалар кетма-кетлиги, ундаги учрашувлар, ажралишлар, қайта топишувларнинг остида фақат бир нарса – мутлақ тасодиф тургани боис, бу асарлар жанр шакли нуқтаи назаридан авантюр роман, бадиий компонентлар жиҳатидан авантюр сюжет, авантюр қаҳрамон, авантюр замон деб юритилади. Асарнинг ички (поэтик) ва ташқи (рецептив) ҳаракатлари устидан айнан тасодиф категорияси ҳукмронлик қилади.

"Хамса" сюжетидаги денгиз хронотопи, унда юз берадиган воқеалар заржири, юнон романларидаги билан кўп жиҳатдан ўхшаш бўлса ҳам, уларнинг авантюрага мутлақо алоқаси йўқ. Негаки, Фарҳод, Мажнун, Искандар, Баҳромлар биографиясидаги шаклан авантюрага ўхшаб кўринадиган сюжетларнинг асоси, асарларнинг дебоча ва кейинги қисмларида, илоҳий ҳукмдан келиб чиқиши том маънода асосланади. Туғилмасиданоқ уларнинг миссиялари (ошиқлик, жаҳонгирлик, шоҳлик сингари) тақдирларида битилгани тўла далилланадики, бунда тасодифга сира ўрин қолмайди. Бошқача айтганда, юнон романида тасодиф категорияси етакчилик қилса, "Хамса" достонларида тақдир категориясининг мутлақ гегемонлиги кузатилади. Буни "Фарҳод ва Ширин"даги денгиз ва унгача бўлган хронотоп шакллари аро тортилган сюжет занжири тўла далиллайди.

Дунёдаги ақлий, мантиқий, жисмоний илмларни мукаммал эгаллаган Фарҳодни тақдир ёзиғига битилган дард боис изтироб устига изтироб, ғам устига ғам босаверади. У Чин хоқони ва унинг

1 Ислом шарқидаги тарихий-диний манбаларда келишича, Одам ато ва момо Ҳавво ер шарининг икки бурчагига туширилгач, узоқ йиллар давомида денгиз, саҳро, тоғ-тошлар оша бир-бирларини излашган, висолга эришгунга қадар кўп машаққатлар чекишган. Демак, биз юқорида таҳлил этаётган хронотоп шакли билан боғлиқ эпизодлар "илк сюжет" тизимидаги битта босқич, холос (У. Ж.).

2 Бахтин М. Кўрсатилган асар – Б. 56-57.

фуқаролари яшаб турган улкан мамлакатга сиғмай қолади. Ягона ўғлининг бу ҳолатига чидай олмаган хоқон унга Фарҳод ёшидаги ҳар қандай йигитни асир этиши мумкин бўлган уч нарсани таклиф қилади: тўрт муҳташам қаср, шоҳлик тожи ва хазина. Аммо дардманд Фарҳодни булар ичидан фақат бир нарса – Искандар тилсими қизиқтириб қолади. Сабаб: биринчидан, бу тилсим Чин мулкига тегишли эмас, балки тамомила бегона Юнон мамлакатига тегишли (бу Фарҳод учун янгилик, ўз дардини англаш учун биринчи қадам) эди; иккинчидан, ойна тилсими билан боғлиқ муаммо ҳисоби айнан Фарҳодга мос келади (бу қаҳрамоннинг тақдири эди). Тилсимда ёзилишича, Фарҳод уни ечиши учун тўртта машаққатли босқични босиб ўтиши лозим: а) Юнонга бориб, Суҳайло ғорини топиш ва унинг кўрсатмаларини олиш; б) аждаҳо билан жанг қилиш; в) Аҳриманни ўлдириш; г) Суқрот ғорини топиш ва у билан учрашиш. Буларнинг ҳаммаси Искандар тилсимини ечиш ва илк учрашув учун хизмат қилади. Яъни улкан машаққатлар уни яна Чинга – ўша хазинага олиб келади. Ошиқнинг асл мақсади (илк висол) эса сафар бошлаган нуқтада, Фарҳод мансуб маконнинг ўзида эди. Ойнаи Искандарийда Ширин жамолини кўриб ҳушини йўқотган Фарҳоднинг бир ғами устига юз ғам қўшилади. Хоқон ва Чин аҳлининг бир муаммоси ўн муаммога айланади. Фарҳоднинг денгиз сафарига отланишида ҳам ҳеч бир тасодифни кўрмаймиз. Унинг қайғуси яна ҳам ошиб кетганини, касалланиб Мажнун даражасига етиб қолганини англаган хоқон дастлаб уни турли йўллар билан даволамоқчи бўлади. Фарҳод дардига ҳеч бир муолажа кор қилмайди. Табиблар унга сув устида сафар қилишни тавсия этадилар. Бу тавсия ҳам тасодифан ёки шунчаки шоҳ жазосидан қутулиш учун эмас, жуда катта билим ва тажриба билан берилади. Илоҳий кўрсатмалар, чуқур тажрибавий илмларга кўра сув инсон дардини аритувчи восита ҳисобланади. Халқимиз буни “Кибрлансанг қабристон кез, ғамга ботсанг сув ёқала” деган ҳикматли сўзида мухтасар ифода этган. Хуллас, “Фарҳод ва Ширин”даги денгиз хронотопи мана шундай илоҳий, мантиқий, тажрибавий асослар негизида пайдо бўлган.

“Фарҳод ва Ширин” сюжетидаги “денгиз (сарлавҳада “дарё” шаклида келади) сафари” мотиви тўрт эпизод тасвирини ўз ичига олади:

а) денгизга чиқиш. Кемалар шаҳри тасвири. Сув хронотопига оид бу тасвирда дастлаб денгиз узра ёйилган кемаларнинг умумий манзараси берилади: 350 улкан кема (жўнг), беш юз минг заврақ (тезюрар кичик кема – қайиқ). Муаллиф бу кемаларнинг ҳар бирини алоҳида тасвирлаб ўтирмайди. Улардаги маҳобат, техник жиҳатдан мукаммаллик, тезлик, кема ичи интерьери, ундаги қурол-яроғ, заҳиралар, хазиналар, маҳоратли ходимлар бир кема мисолида кўрсатилади: Ичи бир эв, вале олам эвидек / Не олам, нилгун торам эвидек...(“Ф.Ш.”, 202-бет). Бундай изчил тасвир билан танишган ўқувчи кўз ўнгида денгиз кичрайиб, бутун олам кемалар шаҳрига жо бўлгандек туюлади;

б) сув устида сайр, денгиз ғаройиботлари. Бунда ҳам Навоий тамомила оригинал йўлдан боради. Умумий мантиққа кўра, денгиз ғаройиботлари бутун бошли флот кўз ўнгида намоён бўлгани ҳолда муаллиф умум тасаввурини хусусда беради – буларнинг барчасини фақат шоҳ ва шаҳзода назари остида тасвирлайди: Сув узра ел аён эткач тамаввуж / Шаҳу шаҳзодаға андин тафарруж... (“С.С.”, 204-бет). Яъни денгиз узра эсган шамолдан денгиз мавжланиб, кемалар йўлга чиққач, шоҳ ва шаҳзода тамошага тушдилар. Бу биринчидан, Фарҳоднинг илк бор денгизга чиққани, сув ғаройиботларини ташна нигоҳ билан кузатганини; иккинчидан, бутун сафар шаҳзоданинг эҳтиёжи ва шоҳнинг ихтиёри билан бўлаётганини; учинчидан, тасвирнинг аниқ ва ёркин ифодаланишини кўрсатади. Илк бор бегона диёр томон сайр этаётган Фарҳод осмонга урилаётган тўлқинларни, “юзтаси ғойиб бўлса, мингтаси мавж ичра пайдо бўлаётган” денгиз ғаройиботларини кўриб ҳайратланади. Унда тўда-тўда сузиб юрган улуғ ва кичик балиқларни, балиқлар тўдасига қирон солаётган наҳанг (акула)ни, икки тоғдек бир-бирига урилаётган улкан жонивор (кит)ларни кўради. Ғами аригандек бўлади;

в) тўфон. Денгиз ҳалокати тасвири. Денгиз хронотопи доирасида ўта мукаммал, реаллаштириб тасвирланган эпизод айнан ҳалокат эпизодидир. Е.Э.Бертельс ушбу ҳалокатнинг Навоий томонидан “фавқулодда маҳорат билан тисвирланган”ини алоҳида таъкидлайди.[1] Навоий тасвирига кўра,

1 Бертельс Е.Э. Избранные труды. Навои и Джами.-М.:Издательство «Наука» Главная редакция восточной литературы, 1965.-С. 152.

бу тўфон жануб томондан эсадиган ўта хавфли шамол туфайли келиб чиқади. Бундай жазбали тўфон юз йилда бир марта содир бўлади. Тажрибали "Қари маллоҳлар" бунинг оқибатини яхши биладилар. Шунинг учун шоҳ ва шаҳзодани қутқаришни ўйлайдилар. Кичикроқ, учқурроқ бир кемачага ўтказиб, бўрон ҳалокатидан сақлаб қолмоқчи бўладилар. Танг вазиятда ёш ёшлигини қилади – саросимада қолган Фарҳод отасидан олдин ўзини заврақ ичига уради. Шу лаҳзада кучли шамол келиб, Фарҳод кемасини суриб кетади. Тўфон авжига чиққан нуқтада ота-ўғил ўртаси айро тушади. Уларни боғлаб турган ягона замон-макон иккига ажралади. Бу кулфатлар сабабига айланган тўфон тасвири шу нуқтадан бошланади. Денгиз хронотопи тасвири аввалида оламлардан улуғ бўлиб туюлган кемалар шаҳри энди бир уюм хашакка айланади. Оллоҳнинг қудратли денгизи, ваҳшатли тўфони олдида инсон қўли билан бино қилинган нарсалар бир ўйинчоққа ўхшаб қолади: денгиз шундай чайқаладики, фалаклар унинг олдида бир кўлмак бўлиб қолди; тўлқинлар лашкари кўкни буткул ёпиб қўйди, осмон ва денгиз ўртасида рақс туша бошлади; тўлқин шиддатла ("силли") шапалоқ урганидан осмоннинг мовий ранги ўзгариб, зангори тусга кирди; саф-саф кемалар ва кема аҳлининг ҳоли эса таърифдан холи, кема кемани кўрмайди, одам одамни танимайди; улкан кемалар ер билан осмон ўртасида бориб-келади. Тақдир сон-саноқсиз кемаларни ҳар томонга сочиб ташлайди (тасодиф эмас!): Қазо ҳар жўнгни бирён ушотиб... ("Ф.Ш.", 208-бет). Жумладан, Фарҳодни ҳам отаси ва элидан ажратади. Бу тўфон тунга қадар давом этади;

г) тўфон сабаб юз берган хронотоп бўлиниши. Деярли барча анъанавий сюжетларда тўфон эпизоди яқинларни узоқлаштирувчи, бутунни бўлувчи-ажратувчи вазифасини бажаради. Бунинг оқибатида келиб чиқадиган айрилиқ мотиви, асосан, ошиқ-маъшуқа орасида воқе бўлса ҳам, баъзан унинг ота-она ва фарзанд, дўстлар, ҳатто душманларни ўзаро ажратганига ҳам гувоҳ бўламиз. Биз тадқиқ этаётган денгиз хронотопида ҳам айрилиқнинг иккинчи кўриниши кузатилади. Даҳшатли тўфон сабаб ҳоқон билан Фарҳод хронотопи ажралади. Мамлакат, шаҳар, тоғ, ғор, денгиз хронотопларида бирбутун хронотопни ташкил этган ота-ўғилни шундан сўнг контакт ҳолатида кўрмаймиз. Тақдир тўфони уларни то қиёмат қадар айриликка ҳукм этади: Яналар ҳам чу елдин қолмади бийм / Қазодин ҳар бири тушти бир иқлим...("Ф.Ш.", 209-бет). Навоий уларнинг ҳар бирини алоҳида хронотопда, ўз образлар гуруҳи, ўз диалоглари, трагик-драматик вазиятлари билан тасвирлайди;

д) дастлабки маконга қайтиш – хоқон (ота) хронотопи. Тўфон тингандан кейин ўзига келган ҳоқон тақдир уни вазири Мулкоро, қолган-қутган одамлари, кемалари билан ўз салтанати, Чинга келтириб ташлаганини кўради. Зотан, ишқ томон қилинган сафарда ота-ўғил йўли туташуви мумкин эмас эди. Хоқоннинг ўрни, миссияси Фарҳодники сингари аниқ эди: у "Чин тахтиға азимат қилиши", юрт сўраши, Фарҳод дардида куйиб адо бўлиши лозим;

е) "бегона диёр" – шаҳзода (Фарҳод-ўғил) хронотопи. Бу хронотоп "Фарҳод ва Ширин" сюжетида ҳам, Фарҳод образининг ёритилишида ҳам муҳим ўрин тутади. Фарҳоднинг том маънода ошиққа айланиши, асар сюжетининг романик тус олиши худди шу хронотопдан кейин бошланади. Бу хронотопда Фарҳод: биринчидан, сув ва тўфон воситасида маъшуқа томон элтувчи йўл моҳиятини тўла англайди, синовлар қуршовида ўзини қайта кашф этади; иккинчидан, ўзини жамиятга танитади: қароқчилар кемасини тор-мор этиб, алплигини исботлайди, жамият эътирофига эришади; учинчидан, ўзига маслакдош дўст топади (айни ўринда, Шопур тимсолида асарга дўст образи кириб келади. Ошиқ-маъшуқани учраштирувчи, рақиб қутбига қарши курашувчи ёрдамчи қутбга айланади); тўртинчидан, ёр мамлакатига етади, унинг висолига эришади; худди Муқбилга ўхшаб, рўёни (ойнада кўринган мўъжизани) ҳақиқатга айлантиради; бешинчидан, денгизда қайта туғилиб, халқ бахт-саодати, фаровонлиги учун хизмат қилувчи чин алп, мутлоқ қаҳрамонга эврилади.

ПОЭТИК ОБРАЗ ИФОДАСИДА АНЪАНА ВА ЎЗИГА ХОСЛИК

Каромат МУЛЛАХЎЖАЕВА,
(ТошДЎТАУ)

Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида: «...йигитлигим замони ва шабоб айёми авонида кўпрак шеърда сеҳрсоз ва назмда фусунпардоз шуаронинг ширин ашъори ва рангин абъётидин эллик мингдин ортуқ ёд тутупмен ва алар завқу ва хушҳоллиғидин ўзумни овутупмен ва салоҳу фасодларига фикр айтибмен ва махфий дақойиқиға(нозикликка) тааммул(ўйлаш) ва тафаккурлар била етибмен», – деб ёзган эди. Бадиий асарни кўпроқ ёд олиш, хотирада сақлаш анъанаси кенг тарқалган Шарқ адабий ҳаёти шаклланиб келаётган ҳар бир шоирга шеъриятдаги анъаналарни англаб улгуриш имконини берган эди. Зеро, инсон руҳий оламини, унинг юксак интилишларини англаб етиш истагида пайдо бўлган бу шеърият анъанавий образларга бойлиги билан ажралиб туради.

Адабий анъана эса инсоннинг ўзлигини англаш, ўзини ўраб турган олам билан максимал даражада уйғунлашоладиган муносабатларнинг шаклларини излаш оқибатида уни чуқур ва образли ўрганиб борувчи жараёндир.

Шарқ адабиётида кенг тарқалган татаббуъ санъати, назира, тазмин, тахмис сингари шеър битиш усуллари ушбу заминда анъана ва ўзига хослик масаласи муайян мақом эгаллаганлигини кўрсатади.

Форсий ва туркий шеъриятда асосий ўрин тутган ғазалларда ҳам тимсолларнинг деярли барчаси анъанавийлик касб этган. Ошиқ ва ёр, гул ва булбул, парвона ва шамъ, боғу бўстон кабилар энг кўп қўлланиладиган тимсоллардан. Шоирлар чегараланган имкониятлар – мавжуд анъанавий қолип ва тимсоллар доирасида бетакрор бадиий манзара ва лавҳалар яратишни уддалай олганлар. Анъанавийликни сақлаган ҳолда янгилик яратиш Шарқ шеъриятида шоир маҳоратини белгиловчи муҳим мезонлардан ҳисобланган.

Ғазал мазмунини белгилайган ёр тавсифи, ошиқнинг шарҳи ҳоли каби ифода усуллари кўпинча, табиат манзараси ва унинг ашёлари ифодасини тақазо этади. Буни қайсидир маънода шоирнинг (санъаткорнинг) ташқи олам билан уйғун яшашга бўлган ташналиги – эҳтиёжи билан изоҳлаш ҳам мумкин. Шарқ адабиётида табиат, хусусан, йил фасллари билан уйғун шеърлар яратиш анъана тусини олган ва ҳатто “баҳория” (баҳор, наврўз билан уйғун шеърлар), “хазония” (куз – хазон фасли ҳамда меҳржон байрамига бағишланган шеърлар), “сайфия” (ёз фасли тавсифига бағишланган шеърлар) сингари номлар билани аталган ҳам шеърлар анчагина.

Пейзаж руҳи устивор бўлган ҳар бир ғазалда, шеърда табиат, унинг унсурлари шоирлар учун тасвирлаш, қиёслаш, ўхшатиш объекти ҳисобланади, зеро “табиат шеъриятда бевосита манзара ёки поэтик тасвир воситаси сифатида аксини топади. Лекин ҳар икки ҳолатда ҳам у шахс қалби, руҳи, эҳтироси, дард ва кечинмлари билан уйғунлашган бўлади. Шарқ шеърияти тарихи – ўзига хос табиат қомуси. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит-турк» асаридаги тўртликлардан тортиб Фурқат ёки Авазгача табиат у ёки бу шаклда яшайди»[1].

Табиат манзараларига ҳамоҳанг шеърларга Алишер Навоий ҳам ўз вақтида эътибор қаратган эди. Жумладан, шоир “Мажолис ун-нафоис”да *“баҳория”* битган бир шоирни эслаб шундай ёзади: «Мавлоно Низом – астрободлиғдур, қасидани яхши айтур, бу матлаа анингдурким:

Боз гулзор хат аз сабзаи тар пайдо кард,
Кори бўстони жаҳон ранги дигар пайдо кард».

(Мазмуни: *Гулзор яна янги кўкатлар, сўлим майсалар ундирди, жаҳон боғининг иши яна бошқа ранг пайдо қилди*.)

Туркий шеъриятда бу каби баҳориёт намуналарини Рабғузий, Хоразмий ижодида учратиш мумкин. Алишер Навоий куллиётида ҳам баҳор манзаралари билан чамбарчас боғланган талай ға-

1 Ҳаққулов И. Занжирбанд шер қошида. –Т.: Юлдузча., 1989. 15-б.

заллар мавжуд. Бироқ уларни аввалги баҳориётларга қиёслаб, шу ном билан атаб бўлмайди. Чунки баҳориётда манзарани – баҳор манзарасини тасвирлашга зўр берилса, Навоий ғазалларида бундай ифодалар инсоннинг инсонлик моҳиятини, тирикликни, ҳаётни, ишқ қувончу изтиробларини таниш, ўзликни англаш йўлидаги фалсафий мушоҳадалар учун восита, бадиий заминга айланади. Бу туркум ғазалларда "пейзаж тасвири моҳиятсиз ўз-ўзича ҳодиса эмас, балки у фалсафий, дидактик ёки ижтимоий руҳдаги бирор ғоя, мақсадни ифода этиш учун ўзига хос восита ролини ўйнайди"[1]. Навоий ғазалларида ҳам шундай. Гулда ёр жамоли жилвасини, булбулда ошиқ қиёфасини кўролган шоир табиатнинг бир бўлаги бўла туриб, уни чуқурроқ билишга, у орқали ўз моҳиятини англашга интилади. Янгича оҳанг, ўзига хос услуб воситасида салафлари Ҳофиз Шерозий, Абдураҳмон Жомий, мавлоно Лутфий томонидан тасвирланган манзаралар ифодасидан ижодий фойдаланиб, уларга янги ҳаёт бағишлайди. Жумладан, Лутфий девонида шундай байтларни учратамиз:

Гул қамарингдин ўғурлаб олди жамол, анинг учун
Шоҳи рабеъ они тикан дориға ўғритек осар.

Байтнинг мазмуни: "Гул сенинг ой юзингдан ҳуснни, яъни гўзалликни ўғирлаб олгани учун баҳор ҳукмдори уни худди ўғрини жазолагандек тиканли дорга осди". Гулнинг тиканли поя устида ўсиб-унишига эътибор қаратилган ушбу тасвир Навоий қаламида *ҳусни таълил* санъати воситасида мана бундай қайта жонланган:

Санга тақлид қилмиш гулки, осиб кўза бўйнидин,
Тикан устига турғузиб гардун адаб қилмиш.

Байтнинг насрий баёни: "Гул сенга (ёрга) тақлид қилгани учун фалак уни тарбиялаш ниятида бўйнига кўза осиб, тикан устига турғизиб қўйибди".

Гуноҳкор – тақлидчини жазолаш Лутфий байтидаги ўғрини жазолаш билан ўхшаш, бироқ уларнинг ҳар бирида ўзига хосликни пайқаш мумкин. Лутфий байтида гуноҳкор – *ўғри* бўлса, Навоий *тақлидчи*нинг жазоланганини таъкидлайди. Жазо берувчи аввалги байтда *шоҳи рабеъ* – баҳор ҳукмдори ифодаси орқали берилса, Навоий тўғридан-тўғри *гардун* ифодасини қўллайди.

Навоий ўз байтида Лутфий фойдаланган "жазолаш усули" – гуноҳкорни тикан устига ўтказиш воқеасини бадиий лавҳага кўчиради, гулнинг шаклига ишора қилади – уни бўйнига кўза осиб жазоланаётган гуноҳкорга қиёслайди.

Агар Лутфий ўғрининг жазоси – дорга осилиш эканлигига ишора қилса, Навоий тақлидчини тарбиялашга эътиборни қаратади. Шуларни назарга олсак, Навоий байтидаги ўзига хослик ижтимоий-ахлоқий мулоҳзаларни ҳам четда қолдирмаганлиги сезилади.

Шоир ғазалларида бу тимсоллар чуқур фалсафий мазмун ифодалашда ҳам қўл келган. Айниқса, дунёнинг фонийлиги, умрнинг ўткинчилиги борасидаги инсоний афсус-надоматлар табиат ашёлари, кўпинча, гул ва булбул муносабатлари орқали ифодаланади:

Кўп эй гул, урма булбул жонига бедод хоринким,
Сену мендек гулу булбулни кўп ўткарди бу бўстон.

Ҳар бир шоирнинг ўзи севиб қўллайдиган тимсоллари бўлади. Масалан, Ҳофиз *лола, бинафша, хино*, Лутфий *лола*, *бинафша, савсан, наргис*, Атойи *наргис, савсан* тимсоллари поэтик имкониятларидан унумли фойдаланади. Алишер Навоий ғазалларида *бинафша, лола, занбақ, савсан, наргис, бўстонафрўз, сунбул, настарин, ёсмин* сингари гуллар шеър мазмун-моҳиятини очишда қўл келган.

Масалан, кўп ғазалларда қўлланилган бинафша тимсоли Лутфий учун маъшуқа сочи орқали унинг гўзаллигини янада бўрттириб тавсифлашга хизмат қилади:

1 Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси. –Тошкент: Фан., 1982й. 22-б.

Сочингким, мушк анинг шармандасидур,
Бинафша бўйни боғлиқ бандасидур.

Бинафшанинг ўсиб тургандаги ҳолати, ранги, бўйи-басти – ҳаммаси шоир ижодий ниятининг бадиий инъикоси учун хизмат қилади. Яъни: Ёр сочининг хушбўйлиги ва қоралиги олдида мушк шарманда, бинафша эса мисоли бўйни боғлиқ қул.

Бинафша билан бирга хино рангларини дил доғига қиёслаган Ҳофиз Шерозий эса ўта таъсирчан байтлар яратган. (Ҳофиз шеърини таржимада келтирамиз):

Шу зулфунг ўлди сабаб, тушди дилга ҳар неки доғ,
Гўримдан унгуси ўлсам бинафша бирла хино.

Алишер Навоий ҳам айниқса, ёрни таъриф-тавсиф этишда бинафша-нинг шакли-шамойилидан ўринли фойдаланади:

Гар бинафша хаттинга қуллуқ қилурдин қочмади,
Эл аро невчун эрур боши қуйи, бўйнида ғул.

Байтнинг шарҳи: “Сенинг хаттинг олдида бинафша қул бўлишдан қочгани учун ҳам, уни тутуб олиб, бўйнига занжир солдилар, шунинг учун ҳам эл орасида боши эгик”. *Ҳусни таълил* санъатини маҳорат билан қўллаган шоир бинафшанинг айнан шу ҳолатини маъшуқа сочлари васфига боғлаб қуйидагича изоҳлайди:

Зулфунг оллида бинафша суда кўргач аксин,
Қўймади ёна бошин юқори қилмоққа уёт.

Демак, поэтик нуқтаи назардан, бинафша бошининг эгиклиги – унинг ёр зулфи олдида бу қадар ожизлигини англаш оқибатида уятдан бош кўтара олмаслигида. Мумтоз шеъриятда шеърий имкониятининг кенглиги нуқтаи назариидан *соч* тимсоли ажралиб туради. Сочни бинафша, мушк, анбар каби тимсоллар ёрдамида ифодалиш билан бирга шоирлар бу тимсолнинг ўзи орқали кўплаб маъноларни беролганлар. Ўзбек шеъриятида ушбу тимсолнинг тадрижий такомилини кузатиш имкони ҳам бор. XIV аср ўзбек шоири Хоразмий «Муҳаббатнома» асарида:

Онингким ол энгинда менг яратди,
Бўйи бирла сочини тенг яратди, – деб ёзган эди.

Навоий нигоҳини ўзига тортган ушбу байтдан мурод – маъшуқа тавсифи. Унинг портретини яратмоқчи бўлган шоир *ол энги* – қизил ёноғидаги холни ва сочининг узунлигини эътиборга олади. Тасвиру тасаввурда қийинчилик туғдирмайдиган ушбу қиёсда сочнинг узунлиги унинг маъшуқа буйига тенглиги ёрдамида ифодаланган. Бироқ бу билан байтни жўн деб ҳам бўлмайди, чунки байтдаги санъатлар китобхон кўз ўнгида анча гўзал бадиий манзарани яратолади. Ушбу байтнинг Навоий эътиборини тортганлиги бежиз эмас.

Навоийга илҳом берган Лутфий ғазалида эса ҳолат-ҳаракат тасвирга кўчган:

Нозуклик ичра белича йўқ тори гисуйи,
Ўз ҳаддини билиб, белидин ўлтурур қуйи.

Хоразмий байтида сочнинг узунлиги бўйга қиёслаб ифодаланган бўлса, бу ўринда белнинг нозиклиги ва сочнинг узунлигини бир-бирига боғлаб кўрсатади. Байтнинг мазмуни шундай: “Бел шу қадар нозикки, унинг олдида ўзининг қўполлигидан уялган соч қуйироққа – белдан пастга

жойлашган”. Бу унинг узунлигига ишора. Бу қадар жозибадор байтнинг яралиши *ҳусни таълил* ва унинг ҳосил бўлишида кўмак берган *муболағa, ташхис, тамсил* ва бошқа санъатларнинг қўлланилишига ҳам боғлиқ.

Алишер Навоий эса сочнинг узунлигини юз тимсолига боғлаб тасвирлайди:

Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,
Сочингни бошдин аёқ чин ила шикан қилғил.

Ошиқ изтиробларини тасвирлар экан, шоир агар ёр сочларини ўрса, ерда ҳокисор ётган ошиқ кўнгли унинг зиналарига (сочнинг ўрамлари назарда тутиляпти) осилиб юзга – висолга эришади. Орифона мазмунда *соч* ва *юз* бошқа маъноларни ҳам англатади. Жумладан, юз – илоҳиёт манбаи, соч эса – дунё ташвишу қувончлари, таайюният олами, ошиқ (солик) ва ёр (Ҳақ) ўртасидаги парда – тўсиқ маъноларини англатади. Булардан келиб чиқиб, байтнинг ботиний мазмунини шундай тушуниш мумкин: “Ҳақ васлига етишиш иштиёқида ўртанган ошиқнинг кўнгли дунёнинг қувончу ташвишларини англагач, уларни енгиб, ўз ниятига эришади. Аниқроғи, Ҳақни билиш учун у аввал дунёни англайди, кейин у орқали илоҳиёт манбаига қараб йўл олади ва айни шу йўлда дунё ҳою ҳавасларидан воз кечиб юксакликка кўтарилаверади, яъни ҳодисадан моҳиятга қараб боради». Бу байт ҳазрат Навоийнинг машҳур “Қаро кўзум...” ғазалидан олинган.

Анъана ҳамиша ва бевосита ўзлаштиришнинг тўхтамайдиган жонли жараёни. Ўтмишдан келажакка бериладиган билимнинг ўзгариши ва тараққиёти. Ҳазрат Навоийнинг анъанани давом эттириши, ўзлаштириши масаласига келсак, юқоридаги мисолларнинг ўзиёқ шоир қаламида анъананинг ва анъанавий тимсолларнинг янгилик, ўзига хослик билан бойиганига, ҳатто катта ижтимоий-фалсафий фикрларни ифодалашга имкон берганига ишонтиради.

ИСКАНДАР ОБРАЗИГА НАВОИЙ ВА УНИНГ САЛАФЛАРИ МУНОСАБАТИ

Зуҳра МАМАДАЛИЕВА
(Жиззах ДПИ)

Хамсачилик мураккаб бадиий ижод жараёнидир. Ундаги ҳар бир образ хамсанавислар дунёқараши чиғириғи, қалб призмасидан ўтар экан, ўзгариб, такомиллашиб, янги-янги қирралари очилиб боради. Айниқса, бу жараён бош қаҳрамонлар талқинида янада яққол кўзга ташланади. Баъзан бир қаҳрамон такомилида мисли кўрилмаган эврилишлар содир бўлади. Биз ушбу мақолада бундай эврилишларни Искандар образи мисолида кўриб чиқамиз.

Искандар ҳақидаги илк маълумот X аср тарихчилари Ҳамза ибн Ҳасан ал-Исфаҳоний, Динаварий ва Табарийнинг асарларида, кейинроқ Берунийнинг «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» китобида учрайди. Беруний Зулқарнайнни Искандар ибн Филиф (яъни Александр Македонский) дейишларини айтади, Александр, унинг туғилиши, Доро билан бўлган жанги ҳақида маълумот беради, аммо бу фикрга мутлақо қарши бир қанча маълумотлар ҳақида ҳам тўхталиб, Зулқарнайн Ямандан бўлса керак, деган бошқа тахминни ёқласа-да, аниқ фикр билдирмайди.

Искандар илк маротаба Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида бадиий образ сифатида адабиётга кириб келди. “Шоҳнома”да Искандарнинг Эронга юриш қилиши, Доронинг енгилиши ҳақида ёзар экан, шоир кўпроқ тарихий воқеаларни ифода этади ва Искандарни жаҳонгир шоҳ сифатида тасвирлайди. Аммо шу билан бирга, уни донишманд Арастунинг шогирди, файласуф устозининг сўзи билан иш кўрувчи подшо сифатида ҳам қайд этади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”сида Искандарга бўлган ижобий муносабат Александр Македонсийнинг форсларга бўлган ижобий муносабатлари таъсирида келиб чиққан бўлса керак. Юнон тарихчиси Плутархнинг маълумот беришича, Александр эронликларнинг урф-одатларига шу даражада муккасидан кетибдики, буни кўрган унинг саркардалари “лаънат бўлсин, биз ғолибмизми ўзи, ё мағлубми?!” дейишгача боришибди.

Бироқ Александрнинг худбинлиги, такаббурлиги, бир жойда тура олмайдиган юртбосарлиги ва бошқа салбий хислатлари, қўрқмас, айёр ва тадбиркор саркардалиги халқ орасидаги ривоят ва ҳикоятларда қолганлиги сабабли "Шоҳнома"даги Искандар образига таъсир этмай қолмади. "Шоҳнома"даги Искандар образи ҳар қанча бадиий тўқималарига қарамасдан, камчилик ва ютуқлари бор реал инсонни кўз олдимизга келтиради.

Низомийнинг "Панж ганж"ига алоҳида асар бўлиб кирган "Шарафнома" ва "Иқболнома" деб номланган икки қисмдан иборат "Искандарнома" достонида Искандар ҳақидаги ривоят ва ҳикоятлар, кейинчалик улар таъсирида шаклланган эртак ва афсоналар асосида ҳар томонлама тараққий эттирилади. Искандарнинг Зулқарнайн деб аталиши билан боғлиқ ҳолда Искандар ва сартарош можароси, Искандарнинг яъжуж-маъжужлар билан жанг қилиши, уларга қарши девор қуриши каби мотивлар киритилди. Айтиш мумкинки, ушбу достонда илк маротаба тарихий Искандар – Александр Македонский образи Қуръони каримда номи зикр этилган жаҳонгир шоҳ – Зулқарнайн билан омухталаштирилди.[1]

Амир Хусрав Деҳлавийнинг "Ойинаи Искандари" достонида Искандарнинг ҳар икки хислати – жаҳонгирлик ва донишмандлиги бирлаштирилади. Унда Аристотель, Апполоний, Афлотун каби донишмандларни Искандарнинг устозлари сифатида тасвирлаб, уни ер юзи ва денгиз сайёҳатида ҳамроҳлар тариқасида тасвирлайди. Юқоридаги омухталаштириш Деҳлавий ижодида ҳам давом эттирилди.[2]

Жомийнинг "Хиридномаи Искандарий" достонида эса жаҳонгир шоҳ образи иккинчи даражада туширилади. Жомий Искандарнинг шоҳлигидан кўра кўпроқ унинг ҳикматларига, насиҳатларига аҳамият беради, унинг ўзини ҳам донишмандлар сафига қўшиб юборади.[3]

Навоий "Хамса"нинг сўнгги достони – "Садди Искандарий"ни ёзишга киришар экан, Искандар билан боғлиқ тарихий маълумотларни ўрганиб чиқади ва Жомийга тарихда иккита Искандар ўтган эканлиги, биринчиси, Доро билан уришган ва иккинчиси сад қурганлиги ҳақида фикрини сўрайди:

Скандарга ики эканни адад,
Чу оллинда таҳқиқ эди, қилди рад:

"Ул ишлар, – деди, – бирга воқеъдурур,
Гувоҳи анинг насси қотеъдурур".[4]

Яъни, тарихда икки Искандар ўтган экан, деган сўзга устоз Жомий "йўқ, бу ишларни битта Искандар амалга оширган ва бунинг учун қатъий далиллар мавжуд" деб жавоб берди.

Жомийнинг бу сўзига амал қилган Навоий ўз достонида устозлар йўлини тутган ҳолда Зулқарнайн ҳамда Искандар образларини омухалаштиришни давом эттиради. Натижада, унинг сеҳрли қаламидан ҳам жавонмард фотиҳ, яъни нафақат юртлар, балки инсонлар қалбини забт этувчи инсон, адолатли ва шафқатли шоҳ, Яратган маърифатига интилгувчи ориф, ҳам набию, ҳам валий, бир сўз билан айтганда, мукаммал инсон сифатида гавдаланган Искандар образи яратилади.

1 Бу ҳақда қаранг: Ганжавий Низомий. Иқболнома. Форсчадан Ж.Субҳон таржимаси. –Тошкент: ART FLEX, 2009.
2 Бу ҳақда қаранг: Ш.Шомуҳамедов, Б.Мусаев. Амир Хусрав Деҳлавий. –Тошкен: Фан,1971. Б. 62-69.
3 Бу ҳақда қаранг: Жомий Абдураҳмон. Искандар хирадномаси. Форсийдан Фирдавсий мукофоти лауриати Ш.Шомуҳаедов таржимаси. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1978.
4 Алишер Навоий. Садди Искандарий. (Насрий баёни билан)Тошкент: Адабиёт ва санъат, 1991.Б 82.

«ХАМСА» САРЛАВҲАЛАРИДА МУАММО САНЪАТИ

Абдулҳамид ҚУРБОНОВ
(ТошДЎТАУ)

“Хамса” достонларидаги ҳар бир бобга кичик-кичик насрий сарлавҳалар қўйиш анъанасини Низомий бошлаб берган эди. Хусрав Деҳлавий ва Жомий ўз “Хамса”ларида Низомийнинг сарлавҳачилик анъаналарини ривожлантирган бўлса, Алишер Навоий бу анъаналарни янги поғонага кўтариб, насрий сарлавҳаларга ҳам шакл, ҳам мазмун жиҳатидан мукаммал тус берди: улар аксаран олти-етти жумладан иборат бўлиб, улар орасида ўн ва ҳатто ундан ортиқ жумлалардан ташкил топган сарлавҳалар ҳам бор. Сарлавҳаларнинг Навоий “Хамса”си, хусусан, унинг иккинчи достони “Фарҳод ва Ширин”да тутган ўрни беқиёсдир. “Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” боблари сарлавҳалари бошқа достонларидаги каби маълум ғоявий ва бадиий функцияларни бажаради, – деб ёзади атоқли навоийшунос олима С.Ғаниева. – Шоир уларда асос-эътибори билан ҳар бир бобдаги етакчи ғояни изоҳлаб беради. Шунингдек, улар бадиий жиҳатдан ҳам муайян вазифани ўтаб, ўқувчининг бобда баён этиладиган воқеаларга муносабатини белгилашга хизмат қилади” [4, 481]. Дарҳақиқат, ҳар бир сарлавҳани шу бобнинг ўзига хос ***дебочаси***[1] деб айтиш мумкин. Сарлавҳалар, биринчидан, бобдаги воқеаларнинг ихчам ифодаси [6,56] бўлса, иккинчидан, воқеалар мазмунини, баъзан достоннинг ғоявий мазмунини тушуниш учун ўзига хос бир калит, учинчидан, бадиийлик нуқтаи назаридан ҳам шоирнинг энг яхши асарлари даражасида турувчи бетакрор санъат намуналаридир.

Улуғ шоирнинг тенгсиз маҳоратини ***муаммо*** санъати мисолида ҳам кўриш мумкин. Муаммо матн қатига бирор сўзни беркитиб, муайян қоидалар асосида уни топишга ишора қилиш санъатидир [5,401]. Достоннинг LIV боби сарлавҳаси ана шу санъат асосига қурилган. Мазкур боб достоннинг хотимаси бўлиб, у фахрия усулида битилган. Боб шоирнинг бемисл истеъдоди: ўз тафаккур қудратининг аъло мартабаси ҳамда баланд овозаси ҳақидаги ифтихор тўла сўзлари билан бошланади. Шоирнинг фикрлар олами шу қадар юксакки, у фалакнинг авж поясидан жой олган, шу қадар порлоқки, ҳатто қуёшга ҳам соя солган:

Манга чун фикрати хуршед соя,
*Бу олий торам узра берди поя,[*4,469] –

дейди улуғ шоир фахр билан.

Фахру ифтихор туйғулари кейинги байтларда ҳам бениҳоя юксак пардаларда жаранглайди: *Осмон қалъасига от солганимда*, – деб ёзади у, – *қуёш чангимда қолиб кетди, Аторуд шоирлар пири бўлса-да, унинг қаламига ҳам шикаст етди. Табъимдан шунча кўп назм юлдузларини сочдимки, ер кўринмай қолди, шундай юлдузларки, ҳар бири Зуҳра, балки Муштарий, балки қуёшдан ҳам ёруғ. Улар ер юзини қуёшдек ёритди, олам элининг кўзи улардан чароғон бўлди:*

Бори оламни тутгач меҳр нури,
Ёруди эл кўзи андин зарури [4, 469].

Аммо лаҳза ўтмай, шоир хижолатга тушади, унинг наздида бу сўзлар лофу газоф – беҳуда, асоссиз сўздан бошқа нарса эмас. *Бу даъволар ичра маъно йўқ, шунинг учун даъво дастгоҳини йиғиштир*, – дейди шоир ўзига маломат тошларини ёғдириб:

Бу даъви дастгоҳин бир замон йиғ,
Бу даъви ичра маъни йўқ, не осиғ!? [4,470].

1 Дебоча ва унинг хусусиятлари ҳақида маълумот олиш учун қаранг: Каримова Ф. Ўзбек адабиётида дебоча. – Тошкент: Mumtoz so’z, 2008. – Б.23–47.

Таъна-дашномлар шоирнинг ҳушини жойига келтиради. У шоирлик ҳақида сўзлашни бир лаҳзага йиғиштиради:

Қўяй бир лаҳза шоирлиқ шиорин,
*Чин айтай ўз шиорим йўқу борин. [*4,470]

Шоирнинг ўз шиори хоксорлик эди: у аввал ўзини қуёшга ўхшатган бўлса, энди бир ҳовуч тупроққа қиёс қилади, бир тупроққи, одамлар уни хоҳлаганча тепкилашлари, сарсари шамол хоҳласа, осмонга учириб, хоҳласа ерга уриши мумкин. Бир нафас ҳам орому сокинлик йўқ. *Бундай тупроқдан бир нарса унармиди, унганда ҳам хору хасдан ўзга ҳосил берармиди*, – дейди шоир беқиёс камтарлик билан:

Натижа берса бу тупроқ ила гард,
Хасу хошок ўлур, йўқ сабзау вард [4, 472].

Аммо шоир хору хас эмас, бу тупроқдан сабзаю гул унишидан умидвор бўлади. Бунинг учун бир деҳқон лозим, у тупроқни юмшатиб, унга гул уруғи сочса, вақтида сув қўйиб, вақтида парвариш қилса, нечун бу тупроқдан гул унмасин:

Топиб мунча навозиш, қил тааммул
Ким, ул тупроқ невчун бермасин гул! [4, 473].

Ана шу деҳқон, аввало, қаро тупроққа навозиш айлаб, ундан қуёшдек равшан табъ гулларини ундирган Тангри бўлса, сўнгра, замон подшоҳидир. Шоир бирига беҳад шукроналик, иккинчисига эса сўнгсиз дуогўйлик изҳори қилади. Ҳақ лутфию шоҳ иқболи мададкор бўлиб, – дейди сўз якунида шоир:

Олибмен таҳти фармонимға осон,
Черик чекмай Хитодин то Хуросон.
Хуросон демаким, Шерозу Табрез,
Ки қилмишдир найи килким шакаррез.
Кўнгил бермиш сўзумга турк жон ҳам,
Не ёлғиз турк, балки туркмон ҳам.
Қаю мулк ичраки фармон йибордим,
Анинг забтиға бир девон йибордим [4, 475].

Шоир насрий сарлавҳада мазкур фикр ва кечинмаларини муаммо усули билан шундай ифода этади: *Бу нома итмомиға хома тузмакдин таронасозлиғ ва бу ҳангома ихтитомида саъй кўргузмакдин фасонапардозлиғ ва башарият иқтизоси била ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқдинким, ўз нафйиға "ло"дурур – уялмоқ ва ярим учун даъво кўргузмакдинким, ўз манъиға "даъ"дурур – хижолатқа қолмоқ ва бедилона ажзға тушмакдин ғоятсиз иззат кўрмоқ ва дилсўхтавор фақр кўргузмак била ниҳоятсиз фараҳ топмоқ, "Алҳамду лиллоҳил-лази ваффақани мин ифтитоҳиҳи ило ихтимомиҳи; ва саллалоҳу алайҳи ва олиҳи ва асҳоби киромиҳи"* [4,468].

Сарлавҳанинг биринчи ва иккинчи жумлаларида шоир асарни ниҳоясига етказиш муносабати билан юзага келган хушҳол кайфиятни юксак бадиийлик билан ифода этади. Икки жумладаги ҳар бир сўз ўзаро қофиядош бўлиб, тарсеъ санъатининг насрдаги ноёб намунасига айланган: *бу нома – бу ҳангома, итмоми – ихтитоми, хома тузмак – саъй кўргузмак, таронасозлиғ – фасонапардозлиғ.* Бунинг устига қофиядош сўзлар бир-бири билан деярли маънодош: *нома – асар, ҳангома – воқеа; итмом – ниҳоя, ихтитом – хотима; хома тузмак – қалам йўнмоқ, саъй кўргузмак – интилмоқ; таронасозлиғ – куйламоқ, фасонапардозлиғ – афсона сўйламоқ.* Жумлалар мазмунини

шундай баён қилиш мумкин: Бу асар ниҳоясига қалам йўнганлик тўғрисида куйламоқ ва бу воқеа хотимасига интилганлик ҳақида афсона сўйламоқ. Шу билан бирга, уларда озгина киноя оҳанги ҳам сезилади, чунки афсона шунчаки ҳикоя эмас, балки ўйдирма, ҳақиқатга хилоф ҳикоядир.

Учинчи жумла шоир зоҳир қилган ҳадсиз лоф ҳақида. Юқорида таъкидланганидек, шоир фахрия усулини ишга солиб, ўз истеъдодини қуёшга тенглаштирган, аммо кўп ўтмай унинг ўзи бу сўзларни лофу газоф деб атаган эди. Шоирнинг сарлавҳада изоҳлашича, бу каби ҳадсиз *лоф зоҳир қилмоқ башарият иқтизоси* – инсонлик тақозоси *била*дир. Лекин шундай бўлса-да, бу ҳол уни хижолатга солади. Чунки ҳадсиз лофнинг ўзи бу сўзларни рад этиб, ***ўз нафйиға "ло"*** – "*йўқ, бундай эмас*" деб турар эди: ***башарият иқтизоси била ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқдинким, ўз нафйиға "ло"дурур – уялмоқ***. Байтнинг жозибаси *ҳадсиз лоф*да бўлиб, ҳадсиз лофнинг "ло" – "йўқ, бундай эмас" деб туриши муаммодир. Лоф сўзи араб ёзувида шундай ёзилади: لاف. *Ҳад* сўзининг маъноси *чегара*, бундан ўйлаш мумкинки, шоир зоҳир қилган лоф ҳаддидан ошиб, чегарадан чиқиб кетган, шунинг учун ҳадсиз лофнинг ўзи "ло" – "йўқ, бундай эмас" деб рад қиладики, лофнинг бу сўзидан шоир уялиб кетади. Аммо шу билан бирга, ҳадсиз лофнинг ўзгача маъноси ҳам бор. Лоф сўзининг ёзилишидан кўриниб турибдики, унинг ҳадди, яъни чегараси "ф" – ف ҳарфидир. Агар лоф – لاف ҳадсиз, яъни "ф" – ف ҳарфисиз зоҳир бўлса, ундан "ло" – لا қоладики, бу ***ўз нафйиға "ло"дурур***: لا – йўқ, бундай эмас.

Тўртинчи жумлада ҳам бу фикр давом эттирилган: ***ярим учун даъво кўргузмакдинким, ўз манъиға "даъ"дурур – хижолатқа қолмоқ.*** Шоирнинг жумлада таъкидлашича, агар ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқ башарият иқтизоси – инсонлик тақозоси била бўлган бўлса, шоирлик учун ***даъво кўргузмак ярим учун***дир. Жумла мазмунини очувчи калит сўз "ярим". Унинг маъно жиҳатидан ҳам шоирга, ҳам даъво сўзига алоқадорлиги бор. Шоирга алоқадорлиги шундаки, у ўзини *ярим – нотамом, ноқис* деб атайди. Шоирлик учун даъво кўргузмак унинг яримлиги, яъни нотамом, ноқислиги учундир. Бинобарин, уни, яъни *нотамомлик, ноқисликни* "ташламоқ, йўқ қилмоқ" лозим. Зеро, *ярим учун даъво кўргузмак ўз манъиға "даъ"дурур*. "Ярим"нинг "даъво"га алоқадорлиги шундаки, у даъвонинг ярмиси деган маънони ҳам англатади. Агар "даъво" – دعوی сўзининг ярмисини, жумлада айтилганидек, *ташласак, йўқ қилсак*, даъводан ***"даъ"*** – دع қоладики, ҳақиқатан ҳам, у ***ўз манъиға "даъ"дурур***.

Бешинчи жумладан бошлаб шоирнинг сўзлари бутунлай ўзгача оҳангда жаранглай бошлайди: ***бедилона ажзға тушмакдин ғоятсиз иззат кўрмоқ***. Жумладаги *бедил* сўзининг луғавий маъноси *дилсиз* ёки *кўнгилсиз*. Аммо жумлада бу маънолар кўзда тутилмаган. Навоий асарларида бу сўз кўпинча, қуйида келтирилган байтдагидек, *дилбарга кўнгил берган* ёки *кўнгил олдирган* ошиқ маъносида келади:

Ул пари лутф айлабон девоналар кўнглин олур,
Не ажаб, ушшоқи бедилнинг кўнгул олдурмағи. [2,436]

Ажз ожизлик демак. Аммо ажз ҳам оддий ожизлик эмас, қуйидаги байтда изоҳ берилганидек, бедил сўзи сингари, муҳаббат шевасига хос сўз:

Муҳаббат шевасининг лозими ажзу ниёз эрмиш,
Вафо ойинининг хосияти сўзу гудоз эрмиш. [3,175]

Бинобарин, ажз ҳар қандай ожизлик эмас, ёр олдидаги ожизлик, шундай ожизликки, у, қуйидаги байтда тасвирланганидек, ёрни ошиққа ошно айлайди, агар ошиқ гадо бўлса, уни подшоҳ билан дўст қилади:

Ниёзу ажзидин ар ўлса дам-бадам, не ажаб,
*Гадовашеки, анга подшо эрур мунис. [*3, 58]

Ғоятсиз сўзини *бениҳоя, сўнгсиз* деб изоҳлаш мумкин. Энди шоир жумлада шундай дегани маълум бўлади: ***бедилона***, (яъни ёр олдида ошиқона) ***ажзга тушмакдин*** (яъни ожизлигини изҳор қилмоқдан) ***ғоятсиз*** (яъни бениҳоя) ***иззат кўрмоқ***. Лекин бу талқин жумла мазмунига мос эмасдек туюлади, чунки бобда ишқий туйғулар эмас, балки шоирнинг ахлоқий кечинмалари қаламга олинган. Шунинг учун уни қуйидагича тушуниш тўғрироқ бўлади: ***бедилона*** (яъни Аллоҳ қудрати қаршисида ўзини бир бечора, хоксор деб билиб), ***ажзга тушмакдин*** (яъни ожизлигини изҳор қилмоқдан) ***ғоятсиз*** (яъни бениҳоя) ***иззат кўрмоқ***. Шундай қилиб, шоир аввал *инсоният тақозоси била ҳадсиз лоф зоҳир қил*ган ва *ҳадсиз лоф ўз нафйига "ло"* бўлганлигини надомат билан қайд қилган бўлса, энди *бедилона ажзга тушиб, ғоятсиз иззат кўр*ганлигини қувонч ва мамнуният билан изҳор қилади.

Улуғ шоир *бедилона ажзга тушмакдин* қандай қилиб *ғоятсиз иззат кўрмоқ* мумкинлиги ҳақида бизга кўрсатма ҳам беради. Биринчи кўрсатма *бедилона* сўзидир. Бу сўзнинг ўзаги дил, дил эса инсон жисмининг ўртаси ёки маркази. *Бедилона* сўзи *ажз* сўзи билан боғланган, шунинг учун уни *ўртаси йўқ ажз* деб ҳам тушуниш мумкин. *Ажз* сўзи араб ёзувида қуйидагича ёзилади: عجز. Ажзнинг дили, яъни ўртаси "ж" – ج ҳарфи. Шоир уқтирганидек, ажзнинг дили, яъни ўртаси йўқ, уни ўртасидаги ҳарфдан айирамиз: عز – "аз". Иккинчи кўрсатма *ғоятсиз* сўзи, шоир *ғоятсиз иззат* дер экан, иззат сўзининг ниҳоясини – охирги ҳарфини ҳам назарда тутган. Бу сўз шундай ёзилади: عزت. Энди уни, кўрсатилганидек, ниҳоясиз қиламиз, яъни "т" – ت ҳарфисиз қолдирамиз: عز – "изз". Маълум бўладики, шоир ҳақиқатан ҳам, *бедилона ажз* – عز *кўргизиб, ниҳоясиз иззат топган*: عز.

Олтинчи жумла ҳам юксак ахлоқий фазилатлар таърифи ва унга мос юксак бадиий санъатлар тасвиридан иборат: ***дилсўхтавор фақр кўргузмак била ниҳоятсиз фараҳ топмоқ***. Мазкур жумла аввалги жумла билан деярли ўхшаш: ғоявий мазмун ҳам, сўз маънолари ҳам, тасвирий воситалар ҳам. *Дилсўхтавор* сўзининг маъноси *дили куйганлардек*, дилнинг куйиши эса, маълумки, ошиқларга хос. *Фақр – гадолик*, аммо шундай гадоликки, унда Аллоҳ дўстлигидан ўзга нарсага муҳтожлик йўқ. Бу ҳақда улуғ шоир қуйидаги байтда шундай дейди:

Навоий, фақр кўйида тааллуқ куфри маҳз эрмиш,
Бир Аллоҳ, дўстдин неким насибинг бўлса, бўл қониъ. [1,239]

Эй Навоий, – деб ўзига мурожаат қилади шоир, – *фақр кўчасида биргина дўст – Аллоҳ бор, бу дўстликдан неки насиб бўлса, ўшанга қаноат қил, тааллуқ, яъни ундан ўзгага кўнгил боғлаш куфрдан ўзга нарса эмас*. *Агар устингда фақирона либос бўлса-ю, аммо ичинг дунё меҳри билан лиммо-лим бўлса*, – дейди у қуйидаги байтда, – *бу фақр эмас, фақр кўнгилни дунё меҳридан озода тутишдир*:

Ични урён қилки, тошинг зеби манъи фақр эмас,
Фақр эмастур, гар ичинг мамлу, тошинг урён бўлур. [1,146]

Агар кўнгил дунё меҳридан холи бўлса, салтанат зарбоф тўнларининг ҳожати йўқ, – дейди у бошқа бир байтида, – *бундай гадо учун бўйрадан тўқилган фақрлик либосининг ўзи етарлидир*:

Ҳар гадоким, бўрёйи фақр эрур кисват анга,
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хилъат анга. [1,31]

Чунки фақр Мақсудга элтувчи йўлдир:

Васлға йўл ҳажрдин фақр ўлди, кўргил турфаким,
Бирдин учмоғдур хижил, бирдин томуғ, бирдин сирот. [1,231]

Фақр бир гулшандир, фақр гулшанида манзил-мақом тутган гадонинг ҳиммати шу қадар юксаладики, унинг кўзига нилуфар рангидаги осмон гумбази ҳам бу гулшандаги бир нилуфар гулича кўринмайди:

Гулшани фақр ичра то кирдим, эрур, балким эмас
Гунбади нилуфарий гулшанда бир нилуфарим. [1,320]

Жумладаги *фараҳ* сўзининг маъноси *хурсандлик*. Айтилганлардан келиб чиқилса, жумлада шоир шундай дегани маълум бўлади: *дилсўхтавор*, яъни дили куйган ошиқларга хос *фақр кўргузмак билан ниҳоясиз фараҳ*, яъни хурсандчилик *топмоқ*. Фақр сўзининг араб ёзувидаги кўриниши-

га эътибор берайлик: **.ففر** Фақр дилсўхтавор экан, шоир ишорасига амал қилиб, фақрнинг дилини, яъни ўртасидаги ҳарфини куйдирамиз: **.فر** Бу, айни чоғда, дилсўхтавор фақр кўргузмак билан топилган ниҳоясиз фараҳдир. Фараҳ сўзи қуйидагича ёзилади: **.فرح** Жумлада таъкидланишича, оддий фараҳ эмас, балки ниҳоясиз фараҳ, фараҳни ниҳоясиз қиламиз, ниҳоясиз фараҳ шундай бўлади: **.فر** Аён кўриниб турибдики, *дилсўхтавор фақр кўргузмак била ниҳоятсиз фараҳ топмоқ* у маънода ҳам, бу маънода ҳам рост, бунинг далили шу сўзларнинг ўзидир: **فر** фа(қ)р – **فر** фар(аҳ).

Шоирнинг ўз руҳий ҳолати: “Фарҳод ва Ширин”дек ҳам ғоявий, ҳам бадиий жиҳатдан тенгсиз бир достонни тугатиш билан боғлиқ фахр ва фараҳ туйғуларининг бу каби пурмаъно ва ҳамоҳанг сўзлар, ҳам бу сўзлар жисмига жо бўлган ҳарфлар воситаси билан ифодаланиши ҳақиқий санъаткорлик, балки фақат улуғ шоиргагина насиб бўлган фусункор санъатсозлик нишоналаридир. Ҳарфий санъатлар ғоявий мазмун тақозоси билан яратилган бўлиб, айтиш мумкинки, улар асар ғоявий мазмунининг муъжаз ва мухтасар ифодаси ҳам ўзига хос хотима, хулосасидир. Асар ғоявий мазмуни эса, шоирнинг ўзи достонда таъкидлаганидек: ***Киши ўзликни қўймай они топмас (****яъни инсон ўз кўнглини башарий нуқсон ва иллатлардан пок қилмай, Ҳақ васлини топа олмайди)*. Шундай экан, *ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқ ўз нафйиға*, балки ***ўзлик нафйига*** *“ло”*, *даъво кўргузмак* эса *ўз манъиға*, балки ***ўзлик манъиға*** “*даъ*”дурур. Чунки *ҳадсиз лоф зоҳир қилмоқ ва даъво кўргузмак башарият тақозоси ва ноқислик аломати бўлиб, уни йўқ қилмоқ, ташламоқ*, бошқача қилиб айтганда, *фоний қилмоқ; ғоятсиз иззат кўрмоқ ва ниҳоятсиз фараҳ топмоқ учун эса бедилона ажзга тушмак ва дилсўхтавор фақр кўргузмак лозим*. *Ҳақиқий итмом* – комиллик йўли, балки шарти шудир.

Шоир насрий сарлавҳага ғоятсиз иззат ва ниҳоятсиз фараҳга етказган Аллоҳга ғоятсиз шукр ва ниҳоятсиз ҳамд айтиш билан нуқта қўяди: ***Алҳамду лиллоҳил-лази ваффақани мин ифтитоҳиҳи ило ихтимомиҳи*** *– мени* (бу достон саҳифаларини) *ифтитоҳ қилиб* – очиб, *ихтимом қилиш* – хотимасига етказишга *муваффақ қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин*!

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Алишер Навоий. 20 томлик. 3-том. –Тошкент: Фан, 1990.
2. Алишер Навоий. 20 томлик. 4-том. –Тошкент: Фан, 1990.
3. Алишер Навоий. 20 томлик. 6-том. –Тошкент: Фан, 1991.
4. Алишер Навоий. 20 томлик. 8-том. –Тошкент: Фан, 1991.
5. Каримова Ф. Ўзбек адабиётида дебоча. – Тошкент: Mumtoz so’z, 2008.
6. Навоий асарларининг луғати. Тузувчилар П.Шамсиев ва С.Иброҳимов. – Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1972.
7. Қаюмов А. Асарлар. 3-жилд. – Тошкент: Мумтоз сўз, 2009.

III. ТИЛШУНОСЛИК, УСЛУБИЯТ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ҚОРАҚАЛПОҚ АДАБИЁТИ

Каримбой ҚУРАМБОЕВ
(Нукус ДПИ)

Асрлар давомида бир минтақада ёнма-ён яшаб келаётган туркман, тожик, қозоқ, қирғиз ва қорақалпоқ шоирлари Навоийни ўз устозлари сафида кўришади. Жумладан, қорақалпоқ адабиётида шоирга эҳтиром алоҳида. Кунхўжа, Ажиниёз, Бердақ, Ўтеш, Умар, Аяпберган Мусаев сингари шоирлар, кейинроқ Аббаз Дабилов, Содиқ Нуримбетов, Ибройим Юсуповлар Навоий ижод чашмасидан баҳраманд бўлганини кўп бора таъкидлашган. XIX аср қорақалпоқ адабиётининг йирик сиймоларидан бири Бердақ Қарғабой ўғли "Излар эдим" шеърида ёзган эди:

Наўайыдан саўат аштым,
Физуўлыдан дурлер шаштым,
Дилуарларды излер едим.[1]

Шоир С.Нурумбетовнинг "Навоий ҳақида шеър"ида мана бундай мисралар бор:

Уллы шайыр көркем сөздиң устасы,
"Ләйли-Мәжнун", "Фарҳад-Ширин" нусқасы,
Сизден бизге мийрас қалды Наўайы,
Қыз жигиттиң суйип оқыр қыссасы.

Ўтмишда ҳозирги Қорақалпоғистон ҳудудида Навоий асарлари тарқагани, мадрасаларда фойдаланилгани тўғрисида маълумотлар бор. Маърифатпарвар мударрислар Фирдавсий, Ҳофиз, Саъдий, Фузулий, Бедил, Махтумқули каби шоирлар билан бирга, толибларга Навоийдан ҳам сабоқ берган. Бердақнинг "Навоийдан савод очдим", деб ёзгани бежиз эмас. Қорақалпоғистондаги олий ўқув юртлари учун нашр қилинган "Қорақалпоқ адабиёти тарихи" дарслигида бу фикр янада конкретлаштирилган. "Қарақалпақ мектеплеринде, - деб ёзилган китобда – Шығыс поэзиясыниң уллы ўәкиллери Наўайы, Ҳафыз, Саадий, Физулий, Бедил сыяқлы көркем сөз усталарының шығармалары оқытыла баслады. Бўл әжайып шығармалардан тәсирленген қарақалпақ классиклериниң шығармаларында дунъяға көзқарас ҳәм реал мотивлер өткирлесе баслады"[2].

Бу маълумотнинг ҳаққонийлигини яна бир факт далиллайди. Яъни дарслик муаллифлари ёзишича, тилга олинган шоирлар ижоди алоҳида-алоҳида синфларда ўқитилган. Масалан, Навоий 2-синфда, Фузулий 3-синфда, Бедил 4-синфда, Ҳофиз 5-синфда шарҳлаб ҳижжалаб ўргатилган. Тушунилиши қийин, мураккаб китоблардан кўра, Навоий, Фузулий ва бошқа шоирлар асарлари-

1 Бердақ. Сайланды шығармалары. Нөкис, 1997, 42-бет.
2 Қарақалпақ әдебияты тарийхы. Нөкис, 1983, 101-бет.

ни ўзлаштириш енгилроқ кечган. Жумладан, Навоий шеърияти Бердақ учун қалбига, тафаккурига яқин, ғоявий мазмун йўналиши оҳангдош бўлгани учун ҳам унга кўпроқ эргашган.

Навоий шеърларининг Бердақ лирикасига таъсирини жанр ўхшашлигидан эмас, ғоявий мотив талқини, мавзу танлаш, давр муаммоларига муносабатда фаол позицияда туришдан изланса, тўғрироқ бўлар. Бердақ қишлоқнинг эски мактабларида савод чиқарган. Шоирнинг марказий мадрасаларда таҳсил олгани ҳақида маълумотлар учрамайди. Маълумки, мадрасаларда Шарқ мумтоз адабиётининг нодир асарлари мактабларга нисбатан кенг, кўпроқ маҳорат аспектида ўргатилган, мумтоз шеърият назариясидан бериладиган билим ҳам мадраса мақоми даражасида бўлган. Кўп шоирлар бу имкониятдан фойдаланиб, мумтоз шеърий шаклларда ижод қилиш қоидаларини ўзлаштирган. Бердақ меросида мумтоз шеърий шакл (ғазал, мухаммас, мусаддас ва б.) намуналари йўқ. У бармоқ вазнида ёзган. Бу ҳолатни қорақалпоқ адабиётшунос олимлари шоирни мадраса таълимини олмагани билан изоҳлайди. "Бердақ ауыллық мектеплерде саўат ашыўы себепли Наўайының творчестволық өзгешеликлерин толығы менен өзлестире алмады".

Лекин бу фикр Бердақ ижодининг умум аҳамиятини асло пасайтира олмайди. Чунки шоир асарлари жанри, вазнидан қатъи назар, асрларга татигулик. Шарқ адабиётига ихлос қўйиб ундан савод очган шоир, гарчи арузда қалам тебратмаган бўлса-да, оригинал достонлари, беқиёс шеърияти билан қорақалпоқ адабиёти тарихида янги саҳифа очди, унинг асосчиларидан бирига айланди.

Бердақ халқчиллик, ватанпарварлик мавзуларини куйлашни ижодининг бош мақсади деб билди. Адолатни ҳимоя қилиб, адолатсизликка қарши курашди. Ибратли одоб-ахлоққа қанчалик хайрихоҳ бўлса, маънавий тубанликка шу даражада муросасиз бўлди. Бу ғояларга хизмат қилишда Навоий тажрибалари, баъзи асарларининг лейтмотиви Бердақ учун ибрат бўлган деб ўйлаймиз. Бердақ ижодида халқ манфаатига хизмат қилиш асосий йўналишлардан бири. Шоирнинг "Халқ учун", "Яхшироқ" каби шеърларида шоирнинг эл-юрти, халқи билан бир тану, бир жон эканлиги гоҳ насиҳат, гоҳида даъват, чақириқ оҳангида янграйди.

Жигит болсаң арысландай туўылған,
Хызмет еткил удайына халық ушын...[1]

Ёки:

Жумыс исле, туўылған соң ел ушын,
Жаныңды аяма елде ер ушын,
Өлип кеткениңше хызмет жақсырақ –

каби шеърий парчаларни ўқиганда, шоирнинг ўз ватани, халқи тақдирига нақадар дахлдор эканлиги тўғрисидаги фикр кўнгилдан ўтади. Ва бу мисралар бизга беихтиёр Алишер Навоийнинг:

Одами эрсанг, демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами –

деган машҳур байтини эслатиб, Бердақ ҳам ҳаётга, одамларга муносабатда, қалами билан халққа хизмат қилишда навоиёна йўлни танладимикан, деган фикр хаёлимизга келди. Чунки, "Навоийдан савод очган" шоир кўп масалаларда устозига эришиши мумкин. Гарчи, Бердақ Навоийнинг шеър ёзиш санъати поэтикасидан бироз узоқроқ бўлса-да, ижтимоий-сиёсий, маънавий-ахлоқий масалалар талқинидаги тажрибасидан, қарашларидан таъсирланган бўлса ажабмас. Шоир қатор достонлар туркумини ижод этгани маълум. Унинг "Омонгелди", "Ойдўсбобо", "Ерназарбий", "Равшан", "Ахмоқ подшо", "Шежере", "Хоразм" каби поэма ва достонлари XIX аср қорақалпоқ адабиётининг гўзал намуналари. Бу асарлар бевосита Навоий таъсирида ёзилган демоқчи эмасмиз. Лекин Бердақ достон жанрига ўтишда, фольклордан фойдаланиш, уларни достон сюжетига мослаштириб, асар

1 Бердақ. Сайланды шығармалары. Нөкис, 1997, 14-бет.

ғоясига бўйсундириш, образларни индивидуал қиёфада кўрсатишда озми-кўпми Навоийнинг достончилик тажрибасига таянган. Зеро, “Навоийдан савод очган” шоир ҳақида шу хулосани чиқарсак, мантиқсизлик бўлмас.

Алишер Навоий анъаналарини қорақалпоқ адабиётида давом эттириб, мумтоз шеърий шаклларда бой адабий мерос қолдирган шоирлардан бири Ажиниёз Қўсибой ўғлидир. Ажиниёз XIX аср қорақалпоқ адабиётида лирик шоир сифатида танилди. Унинг қорақалпоқ адабиётидаги буюк хизматларидан бири, шоир ўз адабиётига илк маротаба ғазал, мухаммас жанрларини олиб кирди. Талантини бу мураккаб жанрлар ҳамда вазнларда синаб кўришда Навоий поэтик тажрибаларидан фойдаланган деган фикрдамиз. Тўғри, Ажиниёз шеърларида Навоийни устоз тимсолида икрор этган мисралар учрамайди. Лекин шоирнинг “Бордур” радифли шеърида мана бундай сатрлар бор:

Хожа Ҳафыз Наўайыдан сабағын,
Алан нешше алым, кәтиби барды.

Шоир шеърда ўз элини, миллати ва уруғларини, қиз-йигитлари, табиатини, боғу бўстонларини, қишлоғу шаҳарларини таърифлайди. Агар эътибор берган бўлсангиз, юқоридаги икки мисрада Ажиниёз: айтилганлардан ташқари, менинг юртимда Хўжа Ҳофиз, Навоийдан сабоқ олган қатор олимлар, котиблар ҳам бор, демоқда. Мантиқан ўйлаб қаралса, устоз шоирлардан сабоқ олганлар орасида Ажиниёз ҳам бор бўлган. Демак, бу фикр Ажиниёз Навоий ижодидан хабардор эди ва ундан ўрганган дейишга асос беради.

Ажиниёзни Алишер Навоий ижодига яқинлаштирадиган яна бир омил бор. Маълумки, Ажиниёз Хива мадрасаларида таҳсил олган. Қадим мадрасаларда Шарқ адабиёти дурдоналари дарслик, ўқув қўлланма ўрнида фойдаланилган. Фирдавсий, Жомий, Саъдий, Фузулий, Навоий, Бедилдек даҳоларнинг асарлари шу вазифани бажарган, толиблар учун ҳам назарий, ҳам амалий аҳамият касб этган. Ажиниёзда арузда ёзиш малакаси мадрасада шаклланган. Мумтоз шеъриятга хос ифода унсурлари (бадиий тасвир қуроллари) бошқада шеърий санъатларни қўллашида салафларнинг бадиий-эстетик тажрибалари ёрдам берган. Жумладан, Навоий лирикаси Ажиниёз учун кўпроқ улги бўлди. Шоирнинг “Кўзларим”, “Бери кел”, “Уйғон”, “Чиқди жон”, “Ай алиф”, “Қиз Ораз” мухаммасларининг ифода кўриниши, поэтик талқин, мажозийлик хусусиятлари Навоий ғазалларини ёдга солади. Баъзи мисолларни қиёслаб кўрайлик. Ажиниёзнинг “Кўзларим” радифли мухаммаси қуйидаги банд билан бошланади:

Ҳақ мени инсан жараттың наў бәҳәрым көзлерим,
Анша бағлар сәйир еткен, гули ўзарым көзлерим,
Махсудум барынша гездим, ықтыярым көзлерим,
Тәннен соңыра барадур, сақла мазарым көзлерим,
Истеген йерге йеткерген илгир нәзерим көзлерим...[1]

Банд Навоийнинг “Кўзим” радифидаги бир неча ғазалларига оҳангдош. Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” девонидаги “Кўзум” радифли ғазалнинг матлаъаси ва мақтаъси билан танишинг:

То ўюлди ханжари ҳажринг била гирён кўзум,
Ул танур ўлдики, зоҳир айлади тўфон кўзум...
Эй Навоий, йўқ ҳадим ул шўхни кўрмакка, лек –
Ҳар қаён азм этса, асрор халқдин пинҳон кўзум.

Мисолларни қиёслашдан мақсад, Ажиниёз “Кўзларим” мухаммасини айнан Навоийнинг “Кўзум” радифли ғазаллар туркуми таъсирида ёзган, деган фикрни илгари суриш эмас. Туркий ада-

1 Әжинияз. Таңламалы шығармалары. Нөкис, 1988, 55-бет.

биётлар шеъриятида бу радифда ғазаллар кўп ёзилган. Ажиниёзга балки улар ҳам таниш бўлгандир. Лекин, бари бир, тахминимизча, мадраса таълимини олган Ажиниёз учун бошқалардан кўра Навоийга эргашиш енгилроқ бўлгани эҳтимолга жуда яқин. Бироқ шеърларнинг ифода шаклидаги муштарақлик мазмуннинг оригиналлигига халақит бермаган. Ҳар бирида фикр – индивидуал, туйғулар талқини ҳам ўзига хос. Ажиниёз мухаммаси соддалиги тасвирнинг жарангдорлиги, куй ва қўшиқбоплиги билан ажралиб туради. Шоирнинг севги-садоқатни худди шундай оҳангда, ўта гўзал ифодалаганига бошқа бир мухаммасидан яна бир банд:

Ныспы шәм келдим қашыңа, назлы жәнаным оян,
Шам-шырағ яқтым башыңа, нуўры әнўарым оян,
Көзлеримниң рәўшаны, ол махы табаным оян,
Йолында зар әйлеген, әй мисли әфганым оян,
Мен сениң, келдим қашыңға рәҳим ет, жаным, оян...[1]

Ишқ-муҳаббатнинг бундай сеҳрли талқини, жозибаси, хоҳланг хоҳламанг Навоийнинг "Келмади", "Ўлтиргуси", "Айт", "Ўн саккиз ёшиндадур" каби ғазалларидаги лирик қаҳрамоннинг ҳам қувончи, ҳам изтироби кўнгил нури билан жилолантирилган ҳис туйғуларни эслайсиз. Шундай экан, қорақалпоқ шоирининг кўнгил кечинмалари ифодасида навоиёна талқинга яқинлик бор, деб ҳисоблаймиз. Зеро, Навоийдек буюк даҳолар шеъриятидан баҳраманд бўлган шоиргина муҳаббатни шу хилда гўзал, юксак савияда куйлай олади.

Замонавий қорақалпоқ адабиётида ҳам Алишер Навоий ғоят қадрланади. Буни шоирдан илҳомланиб шеърлар, ғазаллар битган адиблар тимсолида кўрамиз. Ўзбекистон Қаҳрамони, Ўзбекистон ва Қорақалпоғистон халқ шоири Ибройим Юсупов шундай ижодкорлардан бири. У XX асрнинг иккинчи ярмида ижодга кириб келиб ранг-баранг асарлари билан қорақалпоқ адабиётига улкан ҳисса қўшди. Шарқ мумтоз сўз санъати, айниқса, Навоий ижоди шоир қалбини сеҳрлаганди. Шеърларидан бирида шоир меросига эҳтиромини қуйидагича ифодалагани бежиз эмас.

Саҳра гулларин шашайин устиңе,
Наўайыны суйген қарақалпақ болып.
Ибрайым дер, уллы руўҳың алдында,
Бас ийейин шәкиртиң Бердақ болып.

Бу, шунчаки, айтилган гап эмас. И.Юсупов бу қалб ҳақиқатини, шоирга чексиз ҳурматини ғазалларига ёзган назиралари орқали ҳам ифодалади. "Наводир уш-шабоб" девонида "Уйғот" радифли бир ғазал бор. Матлаъси шундай бошланади:

Шўх икки кўзингни ноз уйқусидан уйғот
То уйқулари кетсун гулзор ичида уйғот...

И.Юсупов ушбу ғазалга назира боғлайди. Назира етти байт, аруз вазнида. Унда назира боғлаш санъати талаблари тўла сақланган.

Яр, оян наз уйқыдан, таң сәҳар болып қалды,
Және Әмиў бойында нәўбәҳәр болып қалды...
Кийиклер куралайлап Устурт шөллигинде,
Саманбай тоғайында бәҳәр болып қалды.
Бәҳәр шықсын деп аязда көп қойдың Аязийди,
Енди мине Ибрайымға бәҳәр болып қалды.[2]

1 Әжинияз. Таңламалы шығармалары. Нөкис, 1988, 31-бет.
2 И.Юсупов. Йош. Қосықлар. Нөкис, "Қарақалпақстан". 1997. 182-бет.

Ғазаллар мазмуни тубдан фарқ қилади. И.Юсупов ғазалида замон ва макон талқини конкрет. У қорақалпоқ ҳаёти ҳақида. Колорит ҳам шунга монанд. Ўлканинг табиати, фасллари, чўлу даштлари, ҳайвонот олами, шаҳару қишлоқлари тасвири ғазалнинг ички мазмунини ташкил этади. Баҳор фаслида шоир юртида юз берадиган ҳар бир ўзгариш, уйғониш жараёнлари чинакам миллий руҳда бадиий гавдалантирилади. Муаллиф бу ҳаёт манзарасини чизишда Навоий ғазали шаклидан фойдаланган.

Ҳозирги қорақалпоқ адабиётида И.Юсуповдан кейин Шарқ мумтоз шеърияти оҳангида, шарқона лирика руҳида, турли жанрларда энг кўп шеърлар ёзган шоир бу - Абўлқосим Ўтепбергенов десам муболаға бўлмас. Муаллифнинг бирор шеърий китоби йўқки, унда ғазал ёки мухаммас намунаси учрамаган бўлсин. Ҳатто, шоир "Сайланма"ларининг бешинчи жилди "Шоҳ шоирлар билан" деб аталади ва китобнинг ярмидан кўпи ғазал ва мухаммаслардан иборат. Улар орасида Навоий таърифига бағишланганлари ҳам бор. Мана, шулардан бир намуна:

"Жук аўырын нар көтерер" деген гәп бар әзелден,
Галактика жараттың сен дәстан менен ғәзелден.
Шах қазнасы басындада әй Әлийшер Наўайы,
"Халқым" дейип, ўаз кештиң – аў әйши- әшрет ҳәм зерден.

Алишер Навоий ғазалларига боғланган мухаммаслар бадиийлик даражаси, оҳорли сўзлар қўллаш маҳорати, лирик қаҳрамон туйғуларини Навоийга хос талант йўналишида беришга интилгани муаллиф ютуғидир. Бир шоирнинг бошқа бир шоирга мухаммас боғлаши, ёки бирон ғазалига назира ёзиши, бу ҳам ижодий баҳс, мусобақанинг бир кўриниши. Лекин, бу фикрни А.Ўтепбергенов мухаммас боғлашда Навоий билан мусобақалашди, унга тенглашди ёки ундан ўтиб кетди, деган маънода қабул қилмаслигингизни истардим. Адабиёт тарихида Навоийга ижодий эргашиб назиралар, мухаммаслар ёзган ижодкорлар жуда кўп. Бироқ улар орасида шеъриятда буюк истеъдод соҳиби эгаллаган чўққига чиққани йўқ ҳисоби. Абўлқосим ҳам Навоий ғазалларига бадиий маҳоратини синаш, чиниқтириш, тажриба орттириш мақсадида ёндашган. Улуғ шоир мурожаат этган мавзуларга, бадиий санъатлардан фойдаланиш истеъдодига, лирик қаҳрамоннинг руҳияти иқлимларидаги ранг-баранглиқни беришда Навоий кашф этган ғоявий-эстетик концепцияларга эргашган. Ижодий ҳис қилиб, фаолиятида фойдаланди. У Навоийнинг йигирмадан ортиқ ғазалига мухаммас боғлади. Баъзиларида "Абўлқосим", айримларида "Жайхун"ни тахаллус ўрнида қўллайди. Шоир ғазалларидан бирида ёзади:

Тәзим ет сен Әбилқасым Әлишер Наўайыға,
Поэзия атлы сулыўдың басында жыға еди ол.[1]

Бошқа бир ғазали шундай якунланади :

«Наўайы болмағанда Жайҳун сен-ше боларма едиң?»
Дегенлерге «ҳаслан, ҳаслан, яқ, яқ,» деп айтып журмен.[2]

Икки байтда ҳам шоирнинг Навоий даҳосига ихлоси, эҳтироми, энг муҳими шоирлик тақдирида буюк Навоийнинг ўрни мамнунлик руҳида айтилган. Бу мухлислик, Навоийга бир дарё меҳр, шоир мухаммасларида янада гўзал, янада таъсирли ифодаланади. "Келмади" радифли ғазал Навоий лирикасининг бетакрор намуналаридан бири. Ғазал кўп шоирларга илҳом берди. Унга ўнлаб мухаммаслар боғланди, назиралар ёзилди. Куйлар басталаниб, хонандалар репертуаридан жой олди. Ажиниёз бу ғазал таъсирида бир ажойиб шеър ёзганига юқорида гувоҳ бўлдингиз. Ғазал Абўлқосимни ҳам бефарқ қолдирмади, ғазалга мухаммас боғлаш истагини уйғотди. Ва етти байтлик яхши бир мухаммас яратилди.

1 А.Ётепбергенов. Шах шайырлар менен. Нөкис, 2014, 11-бет.
2 Кўрсатилган асар. 10-бет.

Жайҳун ашиқ болсаң егер, азаб уқыбаттан қашма,
Аңсатлықта яр дийдары, шийрин поса йоқдур хасла,
«Чар деуан»ды қолға алып, айралық қосығын басла,
Әй Наўайы, шарап ишип, өз кеўлиңди өзиң хошла,
Сениң-ақ, бахтыңның бир, утыры, пайыты. Келмеди.[1]

Навоий ғазали севги мавзусида. Ошиқнинг ёр висолига интизорлиги, маъшуқанинг бевафолигидан норозилиги, шикоят руҳи ғазалда устувор. Бу ғоя мухаммасда ҳам яхши очилган. Мухаммас мисралари ғазал байтларига мантиқан пайвандланган. Бироқ мухаммасдаги кечинмалар, ғазалдаги лирик қаҳрамон туйғуларининг такрори эмас, балки иккинчи бир лирик қаҳрамоннинг ҳижрони, алами ва изтиробидир. А.Ўтепбергенов ғазалдаги ошиқ ва ёр образларини, ички кечинмаларини ўзича ёрита олган. Навоийнинг “Бўлмагай”, “Кўринг”, “Бўлган эмас”, “Найлайин”, “Кўрдим”, “Гўзал ёрга” радифли ғазалларига ёзилган мухаммаслар ҳам ўқувчини қониқтириши мумкин. Масалан, муаллифнинг “Бўлмагай” радифли мухаммасида Навоий ғазалидаги лирик қаҳрамоннинг руҳий ҳолати, ошиқ, ёр рамзлари, севги-садоқат мавзуси Абўлқосим қаламида индивидуал мазмун ва оҳангда берилиб, шоирнинг бадиий-эстетик тафаккури даражасида талқин этилади.

Ҳеш ким мен киби илайым ярға интизар болмағай,
Тары ҳәўжинде узилген, әрманлы дуўтар болмағай,
Шақасында турып солған, ўах алмалы-нар болмағай,
Ярынан ҳәрким айрылып, мендей ахыў-зар болмағай,
Мендей бўл жақты әлемде, рәсўалыққа дуўшар болмағай.

Мисраларнинг вазн ўлчови меъёри бузилмаган. Ифода шаклининг соддалиги, фикрлардаги тиниқлик ва изчиллик, образли мушоҳада Навоий байтларига монанд. А.Ўтепбергеновнинг яна бир ютуғи шундаки, у мухаммас боғлаш учун танлаган Навоий ғазалларини ўзи қорақалпоқ тилига ўгирган. Мухаммас мисралари Навоий байтларига шунчалик мос, ҳамоҳангки, баъзан уларни фарқлаш осон эмас. Демак, у Навоий ғазалларининг моҳир таржимони ҳам.

А.Ўтепбергеновнинг Навоий ғазалларига боғлаган мухаммасларини ҳар қанча мақтамайлик, баъзи нуқсонларидан кўз юмолмаймиз. Айрим мухаммасларда образли талқиннинг саёзлиги, мисраларнинг қуруқ баёнга ўхшаб қолгани, шеърий санъатлардан фойдаланишда поэтик тажрибанинг етишмаслиги, қайсидир маънода шеърларнинг бадиятига соя ташлаётгани сезилади. Лекин, бундан қатъи назар, бир ҳақиқатни тан олишимиз жоиз. А.Ўтепбергенов ҳозирги давр қорақалпоқ шеъриятида Шарқ мумтоз адабиёти, биринчи навбатда, Алишер Навоий ижодини тарғиб қилишда, ғазаллар, мухаммаслар, назиралар, рубоийлар ва бошқа мумтоз жанрларда асарлар ёзиб, ўз миллий адабиётини Шарқ адабиёти дастурлари билан туташтиришга астойдил ҳаракат қилиб келаётган ёлғиз ижодкор. Шундай экан, шоирнинг бу йўлдаги ижодий изланишларини қўллаб-қувватлаш, янги-янги асарлар яратишида унга камарбаста бўлиш айни муддаодир.

Хуллас, қорақалпоқ шоир ва ёзувчилари, олимлари, таржимонлари Алишер Навоийни юксак қадрлайди. Ижодини меҳр билан ўрганади, асарларини таржима қилишни улкан мартаба деб билишади. Бу анъана асрлар оша давом этиши, шубҳасиз. Чунки, қудратли шеърияти, оламшумул гуманистик ғоялари билан бир эмас, бир неча адабиётларга беқиёс ҳисса қўшган бундай сиймоларгина мана шундай эъзозга муносиб кўрилади.

1 Кўрсатилган асар. 46-бет.

МАЪРИФИЙ АДАБИЁТ – МАҚСАДГА ЭРИШИШ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Бахтиёр МЕНГЛИЕВ
(ТошДЎТАУ)

Мумтоз шеъриятга бўлган муносабатнинг дастлабки – бадиий босқичида инсон (ошиқ)нинг инсон (маъшуқ)га муносабати уларнинг **ахлоқий камолот** даражаси билан белгиланади. Маърифий босқичида эса инсоннинг Ҳаққи мутлаққа муносабати (яқинлашуви) у (инсон)нинг **руҳий камолоти** даражаси билан боғлиқ ҳолда тушунилади. Кўринадики, бадиий босқичдаги "ахлоқий камолот" тушунчаси маърифий ёндашувда "руҳий камолот"тушунчаси билан алмашади.

Мумтоз адабиёт талқинида иккинчи босқичга кўтарилиб бўлган ўзбек адабиётшунослиги бугунги кунда турғунлик ҳолатида дейиш мумкин. Турғунлик эса янги қадамларга куч бериши муқаррар. Янги қадамлар учун янги "туртки" – янги ғоялар зарур. Қуйида маърифий адабиётни ўзгача ракурсда – инсоннинг **ақлий камолот** мезони нуқтаи назаридан методологик аспектда қарашга ҳаракат қилиш билан маърифий адабиётга муносабатдаги мавжуд анъаналардан чиқишга ҳаракат қиламиз.

Билишнинг бири иккинчисини тақозо этиш муносабатидаги (эмпирик ва назарий) босқичлари ва уларнинг табиати ҳақида шарқ тасаввуф таълимотида ҳам қимматли методологик маълумотлар мавжуд. Маълумки, машҳур шарқ файласуфлари Ибн Рушд, Ибн Арабий, Абу Наср Форобий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Румий, Алишер Навоий, Абдураҳмон Жомий кабилар фаҳм ва идрок, уларнинг ихтилофли муносабати, улар асосида ҳосил қилинадиган билимлар ҳақида ўз даври учун ҳам, бугун учун ҳам бирдай қимматли фикрларни баён этганлар. Афсуски, бу ҳақдаги маълумотлар ҳозирги фан ва амалиёт учун бевосита зикр этилган донишмандларнинг ўз асарлари орқали эмас, балки улар ишларининг европа тилларига таржимали орқали кантча ва гегелча ривожлантириш ва талқинлар асосида кириб келди. Ваҳоланки, тасаввуфда субстанция ва тажалли ихтилофида нафақат борлиқнинг моҳияти, балки уни ўрганиш усуллари, ўрганишнинг фаҳмий – тажаллининг зоҳирий, физик белги-хусусиятларини тавсифлаш ва идрокий – тажалли акси бўлган субстанцияни очиш, субстанцияни "мажмуи асмо ва сифат" сифатида идрок этиш атрофлича – турли савиядаги ўқувчи ва тингловчилар учун ранг-баранг шаклларда баён этилган. Моҳият эътибори билан ҳам шарқ донишмандлари бўлган Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг", Аҳмад Югнакийнинг "Ҳибатул-ҳақойиқ", Низомий Ганжавийнинг "Махзан ул-асрор", шунингдек, минглаб "мажоз сувратида ҳақиқат асрори"ни ўзида жамлаган ҳикоялардан иборат "Мантиқ ут-тайр", "Илоҳийнома", "Лисон ут-тайр" каби асарларнинг мақсади ҳам фаҳмий ва идрокий билимлар ихтилофларини, жузв ва кулл, субстанция ва тажалли диалектикасини ўқувчиларга етказишдан иборат.

Билишнинг бир-бирини тақозо этувчи икки босқичи ҳақидаги таълимот аслида замонавий диалектикага тасаввуф таълимотидан мерос. Тасаввуфда ҳатто назарий билишнинг ўзи ички етти босқичга ажратилади. Буни мутафаккир шоир Алишер Навоий ўз ғазалларида ва уларнинг умумлашмаси бўлган "Лисон ут-тайр" достонида юксак бадиий маҳорат билан тасвирлайди. Шоирнинг бу ҳақдаги фикрларини қуйидагича умумлаштириш мумкин:

1. *Талаб босқичи.* Бу – зот (субстанция) ва тажалли (акциденция) муносабатини билишга бўлган талаб, эҳтиёж босқичи бўлиб, уни замонавий фалсафада тадқиқотчининг борлиқни ўрганиш методологияси масалаларига бўлган зарурати сифатида баҳолаш мумкин. Субстанцияни билиш эҳтиёжи машаққатлари қуйидаги байтда ўз аксини топган:

Чун талаб водийсиға қўйсанг қадам,
Оллинга ҳар дам келур юз минг алам.[1]

2. *Ишқ босқичи.* Бунда субстанция ва тажалли орасидаги фарқни англай олиш, тажаллидаги муваққат, зоҳирий белгилардан узилиш лозимлиги, ҳақиқий билим тажаллининг ўткинчи белгилари тавсифидан иборат бўлмай, балки субстанциянинг барқарор сифатларини идрокий йўл билан очишдан иборат экани ва унга интилиш иштиёқи баён қилинади. Билиш иштиёқи ҳам, билишга интилувчилар ҳам турларга бўлинади. Далил:

1 Бу ва бундан кейинги мисоллар Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" маснавийсидан олинди.

Дема, раънолар иши фарзоналиқ,
Кўпалак ҳадди эмас парвоналиқ.

3. *Маърифат босқичи.* Бу – субстанция ва тажалли муносабатини ўқиш, субстанциянинг моҳиятини англай олиш, субстанциянинг умумийлик, моҳият, имконият, сабаб каби тавсифларини тажаллининг ҳар хил тавсифлари бўлган яккалик, ҳодиса, воқелик, оқибат кабилардан фарқлаш мақоми. Маърифат босқичи тасаввуфда билиш жараёнининг "инқилобий" палласи сифатида қаралади. Шоир маърифат водийсини "ихтилофи жузв ила кулл мундадур, Ким тараққию таназзул мундадур" деб тавсифлар экан, тасвир тимсоли сифатида олим ва орифни фарқлашга хизмат қилувчи машҳур "Кўрлар ва фил ҳикояти"ни келтиради.

Билиш йўллари ва йўналишлари беҳад кўп. Далил:

Водиедур юз туман минг онда йўл
Ул, бу бир келмай онингдекким бу, ул.

4. *Истиғно босқичи.* Бу – тажаллининг фаҳмий (эмпирик) билим асосида қўлга киритилиши ҳамда тавсифланиши мумкин бўлган барча хусусиятларининг муваққат ва тасодифий эканини уққач, тадқиқотчининг бундай белгилари бефарқ бўлиши (ғанийлик ҳолати) ҳамда бу тажаллиларда субстанциянинг барқарор белгиларини кўришга интилиш ҳолати. Далил:

Водий ондин сўнгра истиғнодурур,
Онда тенг аълоу гар адно дурур.

5. *Тавҳид босқичи.* Бунда тажалли хусусиятларининг ўткинчилиги ва субстанция сифатларининг барқарорлигини уққан ориф ҳар бир тажаллида субстанция моҳиятини кўради. Билишнинг бу босқичига эришган орифда субстанция ва тажалли, бошқача айтганда, умумийлик ва хусусийлик, моҳият ва ҳодиса, имконият ва воқелик, сабаб ва оқибат ихтилофи йўқолади, улар ўзаро бирлашиб кетади. Шунинг учун тавҳид ҳолатида бўлиш, гносеологик нуқтаи назардан, инвариантда чексиз вариантлиликни, шунингдек, ҳар бир вариантда инвариантни кўра олиш ҳолатидир.

6. *Ҳайрат босқичи.* Бунда зоҳиран бевосита кузатишда берилган ва инсон фаҳми учун ҳақиқий бўлиб туюлган тажаллиларга хос муваққат белги-хусусиятларнинг барқарор белгилар мажмуаси бўлган субстанция учун аҳамиятсизлиги бевосита кузатишда берилмаган субстанция билан тажаллининг аслида бир нарса эканлиги тадқиқотчини ҳайратга солиши шубҳасиз. Чунки дастлаб алоҳида деб тушунилган субстанция ва унинг рефлексияси пировардида бир нарса бўлиб чиқади. Далил:

Боқибон ҳар заррағa зарротдин,
Ҳайрат айлар нафйи ё исботдин.

7. *Фано босқичи.* Бу тажаллининг "йўқолиши"дир. Моҳиятан муваққат бўлган тажалли, албатта, "йўқолади". Лекин у том маънода йўқолмайди, балки таркибини сақлаган ҳолда мутлақ тураверади ва янги-янги кўринишларда намоён бўлиши мумкин.

Маърифий адабиётни методологик нуқтаи назардан ўрганиш, уни нафақат билиш методологияси, балки, умуман, ҳар қандай мақсадга эришиш йўлланмаси, дастури сифатида талқин қилишни бугунги давр тақозо этмоқда. Зеро, ҳозирги пайтда бутун дунёда шахсни мақсад (соғлик, бойлик, мартаба ва ҳ.)га етакловчи кўплаб ҳар хил психологик манбалар, йўл ва марказлар кўпайиб бормоқда. Лекин маърифатли бўлган ҳолда мақсадга эришиш дастури, ахлоқий ва руҳий такомиллашув асосида мақсадга интилиш ҳақидаги кўрсатмалар шарқ ахлоқий-психологик дунёқарашининг асосида ётади. Маърифий адабиётимиз уларнинг ёркин мисолидир.

XIX АСР ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИДА АНЪАНАВИЙЛИК ВА ИЖОДИЙ ЎЗИГА ХОСЛИК

Аҳадхон МУҲАММАДИЕВ
(СамДУ)

Агар ўзбек адабиётининг энг гуллаган даври XV аср эканлигини ва бу даврда адабий анъаналар барқарорлик касб этганлигини ҳисобга олсак, унинг асосий мезони девон тузиш анъанаси ва унинг структуравий қонун-қоидалари – поэтик жанрлардаги узвийлик, меросийлик, анъанавийлик жиҳатлари билан бириккан ҳолда муайян бутунлик ҳосил қилишига гувоҳ бўламиз.

Бинобарин, XIX аср ўзбек адабиётида, хусусан, унинг таркибий қисми – Қўқон адабий муҳитида ҳам девон тузиш анъаналари муносиб тарзда давом эттирилди. Муҳитнинг кўплаб истеъдодли ижодкорлари ўз девонларини яратдилар, уни мавжуд анъаналар асосида тартибладилар. Шунингдек, XIX аср ўзбек адабиётида тазкиранавислик, назирагўйлик, қасидагўйлик, зуллисонайнлик, мувашшаҳ ва ҳажвия битиш, диний-тасаввуфий руҳдаги асарлар яратиш анъаналари ҳам кенг миқёсда намоён бўлди. Булардан, айниқса, ҳажвия битиш анъанаси ўзига хос услубий янгиликлар билан такомиллаштирилди, унинг ўткир ижтимоий оҳанглари таъсирчанлигини оширишга қаратилган талқинлари кўпайди.

Хусусан, девон тузишнинг Алишер Навоий мерос анъаналарига хос бўлган унсурлар – ҳамд-наътнинг киришда акс этиши, алифбодаги барча ҳарфлар билан тугалланувчи ғазалларнинг бўлиши, жанрларнинг тадрижий жойлаштирилиши каби жами беш хусусиятдан иборат тизим бадиий жозибаларнинг композицион яхлит асар ҳолатига келтириш қурилмаси сифатида аҳамият касб этди.

Адабиётшунос Ё.Исҳоқов Алишер Навоийнинг эталон даражасига кўтарилган «Хазойин-ул маоний» девонида 16 та жанр мавжуд эканлигини таъкидлайди[1]. Бу борада XIX аср Қўқон адабий муҳити вакиллари, айтиш жоизки, шеърият мулкининг султонига ўз имкониятлари доирасида эргашишган. Баъзи ҳолларда Алишер Навоий намунавий қоидаларига нисбатан тўлиқ риоя қилиш имкониятларини тополмаслик, ёинки унга нисбатан эркинроқ муносабат тарзида ёндашиш кўзга ташланади. Ушбу мақолада биз бу ҳолни Қўқон адабий муҳити вакилларидан бири шоир Муҳйи ижоди мисолида кўриб чиқамиз.

Муҳйи девон тузиш анъанасини ўз ижодида ёрқин акс этишини нафақат истаган, балки бу соҳада астойдил ҳаракат қилиб, унга эришган ижодкордир. Унинг ўзбек тилидаги девони анъанавий тарзда ҳамд билан бошланади, сўнг наът, муножот шеърлари билан давом этади. Айнан муножот ва наътларда шоирнинг фалсафий қарашлари асар руҳининг етакчи лейтмотиви бўлиб гавдаланади. Маълумки, диний-тасаввуфий ғоялар давр жамияти ҳаётида ўчмас из қолдирган.

Ўзаро низолар адолат мезонларининг кучсизланиши даврнинг ижтимоий вазиятини таҳликали ва нотинч маром олишига олиб келган. Шу боис мавжуд ижтимоий-сиёсий муҳитдан қониқмаслик, норозилик туйғуларини ифодалашда, ундан қутулишнинг йўлларини қидиришда нисбатан прогрессив ақидаларни ўзида мужассам этган тасаввуф ғоялари битмас-туганмас нажот манбаи бўлиб хизмат қилган.

Хусусан, Муҳйи ҳам девонидаги муножотлар орқали ўз хулқ-атвори ва аъмолидан норозилигини, ўзидан қаноатланмасликни ва шундай эканлигидан надоматини ҳиссиётли тарзда ифодалаб, безовта қалбининг манзараларини чизади.

Асири нафси шайтонман, Илоҳи, манга раҳм айла,
Ҳавойи нафс учун қолғон дамодам юз балоларға. [250-б.].

Қисқаси, шоир комилликка етишишни истайди. Пири комилга мурид тушиб, камолот сари юзланишни, орифлар ҳукм сурган манзилга (жамиятга) етишни орзу қилади.

Мумтоз адабиёт анъаналарининг муҳим ва ноёб жиҳатларидан бири адабий таъсирдир. Шуниси характерлики, адабий алоқа ва ўзаро таъсир ҳодисасида идеологик ва эстетик омиллар қатнаша-

1 Исҳоқов Ё. Навоий поэтикаси («Хазойинул маоний» асосида). –Тошкент: Фан, 1983. – 168 б. 19-бет.

ди. Ғоявий ва эстетик илдизи бўлган адабий алоқагина мустаҳкам, узоқ яшовчи ва айни замонда, чинакам ўзаро таъсир учун замин яратиш имконига эгадир[1]. Бундай адабий алоқа ва ўзаро таъсир икки мамлакат, алоҳида олинган минтақадаги адабиётлар учун фойда келтиради, уларда чинакам ижодий муҳитнинг ривожи, истиқбол уфқларининг кенгайиши, умуминсоний ғоялар билан суғорилган юксак маҳоратли асарларнинг вужудга келишида илҳомбахш туртки бўлиб хизмат қилади[2].

Шарқ шеъриятида адабий таъсир тушунчасининг мазмун ва моҳияти жуда ҳам улкан. Шу боис уни анъаналар анъанаси дейиш ҳам мумкин. Биргина «Хамсачилик» анъаналаридаги ўзаро таъсирнинг миқёсига назар ташласак, фикримиз ўзининг яққол исботини топади.

Бинобарин, XIX аср охири XX аср бошларида яшаб ижод этган шоирларимиз ижодида ушбу ўзаро таъсир анъанасининг поэтик кўриниши – назирагўйлик шитоб билан ривожланди десак, айни ҳақиқат.

Қўқон адабий муҳити вакилларига, айниқса, Навоий ва Фузулий ижоди улкан таъсир ўтказган. Воқеан, Муҳйи адабий меросида Навоий таъсирида битилган шеърларнинг борлиги унинг буюк шоир ижодидан озиқланганлиги, руҳланганлигини тасдиқлайди. Масалан, Муҳйи ҳаммом тасвири ёритилган бир қитъасида қуйидагича ёзади:

Муҳйи, ҳаммом маконест зи баҳри поки,
Мард онаст, ки аз хубси табиат шуд бок.
Ғазаби Ҳақ палиди яки з-хабис тийнат,
Пок дохил шуда ҳаммом барояд нопок[3].

Маъноси: Ҳаммом жисмни поклаш маконидир. Ҳақиқий инсон унга кириб ҳам жисман, ҳам руҳан покланиб чиқади. Ҳақнинг ғазабидан қўрқмаган, риёкор кимса эса, унга поклик истаб киради-ю нопок ҳолда чиқади.

Муҳйининг мазкур қитъаси мазмунан Навоийнинг қуйидаги қитъасини эслатади:

Камол эт касбким олам уйидин,
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмоқ биайниҳ,
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Умуман олганда, ҳаммом тасвири мисолида фалсафий фикрларни ифодалаш Шарқ шоирлари ижодида тез-тез кузатилади. Муҳйининг бу мавзудаги қитъалари Алишер Навоий ижоди таъсирида ёзилганлиги аниқ-равшан кўриниб турибди. «Ҳайрат ул-аброр» достонидаги бир ҳикоятда Имом Фахр Розий илмнинг шоҳликдан устунлигини қиёмат кунини ҳаммомга ўхшатган ҳолда тушунтириб беради.

Муҳйи қитъасида ҳам Навоий ҳикоятидаги каби ҳаммом маҳшар майдонига ўхшатилади:

Ҳаммом эмиш нишона маҳшарға эй биродар,
Ким андаги халойиқ жумла эрур баробар.
Илму амалдин ўзга йўқдур рафиқу ёринг,
Ибрат учун бу сўзни Муҳйидин айла бовар[4].

---

1 К о н е в И. Особенности болгаро-балканских литературных взаимо отношений в период национально-освободительного движения СИСЛ. Москва: – 1973, ст. – 208.

2 Воҳидов Р.Ж. XV асрнинг 2-ярми XVI аср бошларида ўзбек-тожик шеърияти. – Тошкент: Фан, – 1983. – 143 б. 65-бет.

3 Муҳйиддин Муҳйи. Девони Муҳйи. – Тошкент: Ҳожи Абдурауф нашри, 1911/м. (ЎзФАШИ нинг тошбосма асарлар фондида №3220 инвентар рақами билан сақланмоқда), 360 саҳифа. Ўзбекча-тожикча, ўзбекча қисми 231-саҳифадан бошланади.192-б.

4 Муҳйиддин Муҳйи. Девони Муҳйи. – Тошкент: Ҳожи Абдурауф нашри, 1911/м. (ЎзФАШИ нинг тошбосма

Шоирнинг фикрича, ҳаммом билан маҳшар майдонининг ўхшаш томони шундаки, ҳар иккисида ҳам инсонлар либосу ҳашамсиз ҳолда бўладилар.

Ҳикоятда тасвирланишича, Хоразмшоҳ ҳаммомга тожу тахт, молу дунё, либосу ҳашамлардан холи ҳолда киради. Фахр Розийнинг бору йўқ давлати эса илм эди. Бу садоқатли давлат имомдан ҳатто у ҳаммомдалик чоғида ҳам ажралмади.

Навоийнинг ҳикоятида асосий диққат-эътибор илм фойдасига, унинг фазилатига қаратилади:

Илм, Навоий, санга мақсуд бил,
Эмдики илм ўлди, амал айлагил.

Ўз навбатида Муҳйи қитъасида ҳам маҳшар куни кишининг ҳаётлик чоғида олган илми ва қилган яхши амалларидан бошқа ҳимояси қолмаслиги эслатилади ва шу йўл орқали илму ирфон улуғланади.

Айтиш лозимки, Муҳйи ҳам салафдошлари қаторида Жомий, Навоий, Фузулий, Анварий, Амирийлар таъсири остида кўпгина асарлар битган. Замондошлари Фазлий Намангоний ва Муқимийлардан ҳам маълум даражада таъсирланиб айрим ижод намуналарини яратган.

Хулоса қилиб айтганда, Муҳйи ижоди мавзу жиҳатидан анъанавий тарзда уч қисмга бўлинади: ишқий, фалсафий-дидактик ва ижтимоий-сиёсий. Шундай экан, мумтоз адабиёт анъаналари ҳам, адабий таъсирлар мезонлари ҳам ана шу тадрижийликда кечади. Қолаверса, туркий ҳамда форс-тожик шеъриятининг анъаналари, хусусан, уларнинг тасвирий санъатлари мажмуи Муҳйи ижодида тўлиғича ўз аксини топди. Шоирнинг адабий анъаналарга муносабати унинг изчил қонунийлигига асосланади. У мавжуд жанрлар имкониятлари доирасида ижтимоий позициясини ёрқин бўёқларда акс эттира олди. Шоир ўз лирикасида ҳиссий таҳлилга эътибор қаратди. Анъаналардаги мавжуд пейзаж тасвирлари орқали кечинмаларини фалсафийлаштириш, ижтимоийлаштиришга эришди. Буюк шоир Навоий ижодидан озиқланди, ундан ўрганди. Унинг айрим шеърлари таъсирида ёзилган асарларида ўзига хос индивидуал маҳоратини намойиш этди. Муҳйи ижоди ўз якунида Шарқ поэтикасига хос меросийлик, анъанавийлик, узвийлик жиҳатлари билан муайян бутунлик ҳосил қилди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ФАХРИДДИН АЛИ САФИЙ

Баҳриддин УМУРЗОҚОВ
(ТошДШИ**)**

Алишер Навоийнинг ҳомийлиги, хос эътибори натижасида баракали ижод қилганлардан бирисабзаворлик Ҳусайн Воиз Кошифий ва унинг ўғли Али Сафийдир. Алишер Навоий ҳазратларининг беғараз моддий ва маънавий ёрдами сабаб Кошифийлар оиласи номи абадиятга муҳрланди.

Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор, Абдураҳмон Жомий, Алишер Навоийнинг замондоши, машҳур муфассир Ҳусайн Воиз Кошифийнинг ўғли бўлган моҳир тазкиранавис, олим ва шоир Фахруддин Али Сафийнинг илмий-адабий меросини ва айниқса, унинг шоҳ асари ҳисобланган “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (Ҳаёт булоғидан томчилар) асарининг ғоявий-бадиий ва жанр хусусиятларини шу турдаги асарлар силсиласи билан қиёсий-типологик жиҳатдан тадқиқ қилиш ва қиёсий-типологик таҳлил асосида яхлит илмий тадқиқот яратиш давр талабидир.

Адабиётшунослик фанида мустақиллик давригача Фахруддин Али Сафий ибн Ҳусайн Воиз Кошифий ҳаёти ва ижоди ҳақида бирон та ҳам махсус тадқиқот йўқ. Фақатгина Али Сафийнинг “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” асарининг тошбосма ва литографик нашрларидан тарихчи олимларимиз ва адабиётшуносларимиз ўз илмий тадқиқотларида истифода қилишган[1] .

асарлар фондида №3220 инвентар рақами билан сақланмоқда), 360 саҳифа. Ўзбекча-тожикча, ўзбекча қисми 231-саҳифадан бошланади. 342-б.

1 Абдуллаев И. Нақшбандия – оламшумул таълимот // Ўзбекистонда ижтимоий фанлар. Тошкент, 1993. № 9-10. Б.

Али Сафийнинг адабий-ирфоний қарашлари устида илмий тадқиқот олиб борган (2009 й.) тожик олими М.Неъматовнинг эътирофига кўра, Али Сафийнинг асарларига мурожаат Тожикистонда охирги ўн йилликда анча кучайган[1]. Аммо бу тадқиқотлар, асосан, Али Сафийнинг Ўзбекистонда 2004 йилда амалга оширилган "Рашаҳот" асари илмий-оммабоп нашри[2] ҳамда Эронда эронлик олимларнинг саъй-ҳаракатлари билан чоп қилинган "Рашаҳот", "Латоиф ат-тавойиф" каби замонавий нашрлар асосида олиб борилмоқда[3]. Шуни эътироф этиш ўринлики, эронлик олимлардан Али Асғар Муиниён Али Сафийнинг "Рашаҳот" асарини, Аҳмад Гулчин Маоний эса "Латоиф ат-тавойиф" асарининг замонавий нашрини тайёрлашда анчагина муваффақиятга эришганлар[4].

"Рашаҳот айн ал-ҳаёт" асарининг тошбосма ва литографик нашрлари билан асарнинг муаллиф яшаган даврда ва ундан кейинги даврларда кўчирилган қўлёзма нусхалари ўртасида жиддий фарқлар, талай ўзгаришлар мавжуд[5]. Энг муҳими, Али Сафийнинг "Рашаҳот айн ал-ҳаёт" асарининг нодир, яъни биз автограф (муаллиф дастхати) деб тахмин қилган қўлёзма нусхаси Ўзбек тили ва адабиёти Университети ҳузуридаги А.Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти музейи (собиқ ЎзР ФА Алишер Навоий номидаги Давлат адабиёт музейи Ҳ. Сулаймонов фонди)да сақланиб келмоқда ва бу нодир қўлёзма – бизнинг кичик бир тадқиқотимиз мустасно[6] - адабий манбашунослик ва матншунослик жиҳатидан ҳануз яхлит ва изчил ўрганилган эмас.

Алишер Навоий "Мажолис ан-нафоис" номли асарида Али Сафий ҳақида бундай ёзган: "Ул бағоят дарвешваш ва фоний, дардмандшева (таъкид бизники –Б.У.) йигитдур. Ҳиротдан Самарқандга Ҳазрати Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор суҳбатига мушарраф бўлур учун борди ва андоқ дерларким, онда қабул шарафин топиб, иршод ва талқин саодатига сарафроз бўлуб, яна Хуросонга келди..."[7]

Фахруддин Али Сафий "Сафий" тахаллуси билан шеърлар ҳам ёзган. Унинг "Лайли ва Мажнун" вазнида "Маҳмуд ва Аёз" номли шеърий манзума-қасидаси, "Фарасномаи Сафий" достони, шунингдек, "Рашаҳот айн ал-ҳаёт" ("Ҳаёт булоғидан томчилар") асарида ўндан ортиқ рубоий ва байтлари мавжуд.

55-58.; Ахмедов Б. Историко-географическая литература Средней Азии XVI – XVII вв. (Письменные памятники) / Отв. ред. У.И.Каримов. Ташкент, 1985.; Бабаджанов Б.М. Политическая деятельность шейхов накшбандийа в Мавераннахре (перв. пол. XVI в.): Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1996.; Болдырев А.И. Ещё раз к вопросу о Ходжа Ахраре / Духовенство и политеская жизнь на ближнем и среднем востоке в период феодализма. Москва, 1982.; Веселовский Н.И. Памятник Ходжи Ахрара в Самарканде / Восточные заметки. Санкт-Петербург, 1895.; Вяткин В. А. Изъ биографии Ходжи Ахрара. (Перепечатано из № 147. «Туркистанские ведомосты», за 1904 г.; Валихўжаев Б. Хожа Аҳрор тарихи. Тошкент, 1993.; Казаков Б. Анонимное житие Ходжи Ахрара. Москва, 1984.; Казаков Б. Сыновья Ходжи Ахрара и последние Тимуриды. Москва, 1982.; Каримов Э. Э. Роль, место и социальные позиции духовенстьво Мавераннахра в XV в.: Автореф. дисс. ... канд. ист. наук. Ташкент, 1990.

1 http://cheloveknauka.com/rashahotu-aynilhaet

2 Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт (Обиҳаёт томчилари): тарихий-маърифий асар / Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Жорий алифбодаги ёзувга табдил қилиб, нашрга тайёрлаганлар ва кириш сўз муаллифлари: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умурзоқ. Сўнг сўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умурзоқов. Тошкент, 2004, 534-б.

3 http://dissland.com/catalog/rashahotu_aynilhaet.

4 Қаранг :Мавлоно Фахруддин Али Сафий. Латойиф ал-тавойиф / Нашрга тайёрловчи: Аҳмад Гулчин Маъоний. Теҳрон, 1373 /1953.

5 Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Б.Умурзоқов. "Рашаҳот айн ал-ҳаёт" асарининг муаллиф дастхати деб тахмин қилинган қўлёзма нусхаси" /Ўзбек филологиясининг долзарб муаммолари II-китоб (Ўзбек филологияси факультети профессор-ўқитувчилари, илмий тадқиқотчилари ва талабалари Илмий-конференцияси материаллари). Тошкент - 2013 . "Мумтоз сўз" нашриёти. Б.-76-79.

6 Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Б. Умурзоқов. "Рашаҳот айн ал-ҳаёт" асарининг муаллиф дастхати қўлёзма нусхаси ҳақида" /Ёш шарқшуносларнинг академик Убайдулла Каримов номидаги IX-илмий- амалий конференцияси материаллари. Тошкент, 2013. Б. -29-32.

7 Батафсил маълумот олиш учун қаранг: Алишер Навоий. Мажолисун-нафоис. Асарлар. Ўн беш жилдлик. Ж. 12. / Нашрга тайёрловчи: С.Ғаниева. 1966. , Б-132.

Қуйидаги асарлар Али Сафий қаламига мансуб асарлар сифатида эътироф этилган: “Рашаҳот айн ал-ҳаёт” (“Ҳаёт булоғидан томчилар”), “Латойиф ат-тавойиф” (“Ажойиб лутф сўзлар”), “Анис ал-орифийн” (“Ориф зотларнинг ҳамроҳи”), “Ҳирз ал-амон мин фитан ал-замон” (“Замона фитналаридан халос бўлиш учун омонлик чоралари”), “Фарасномаи Сафий” (“Сафийнинг от ҳақидаги достони”), “Одоб ал-асҳоб” (“Биродарлик одоби ёки Биродарлар учун одобнома китоби”), “Лавоиҳ ал-қамар” (“Ойнинг кўринишлари ҳақида”), “Манзума-и Маҳмуд ва Аёз” (“Маҳмуд ва Аёз ҳақида шеърий достон”). Тожикистонлик олим М. Неъматов ўз тадқиқотида Али Сафийнинг яна бир асари, яъни “Луғати Али Сафий” (“Али Сафийнинг сўзлиги”) борлигини қайд этган[1]. Олим эронлик тадқиқотчилар берган маълумотга асосан шундай ёзган кўринади. Аммо биз XV-XVI аср ва ундан кейинги даврлар қўлёзма манбаларида ҳозирча бу хусусда аниқ бир маълумот тополмадик.

ТДШИ ҳузуридаги А. Беруний номидаги Шарқ қўлёзмалари маркази (собиқ ЎзР ФА Шарқшунослик институти)нинг Асосий ва Ҳ. Сулаймонов номидаги қўлёзма фондларида мазкур асарларнинг ўнлаб қўлёзма нусхалари ва тошбосма нашрлари сақланади.

Али Сафий “Рашаҳот” асарида йирик бир бобда Абдураҳмон Жомий ҳақида муфассал сўз юритган. Шу муносабат билан у Навоийни бир неча ўринда “Амир Низомиддин Навоий” деб эҳтиром билан зикр қилган. Мазкур ўринларда у Навоийнинг ўз устози Мавлоно Жомийга нисбатан ҳар доим нечоғлик юксак эҳтиром кўрсатганига, бу билан ҳазрат Навоийнинг чиройли одоб-ахлоқли комил инсон ҳамда олийжаноб қалб эгаси бўлганлигига алоҳида урғу берган. Чунончи, Навоий Мавлоно Жомийни ҳаждан қайтишини орзиқиб кутган. Ҳусайн Байқаро Марвда экан, унга “Мавлоно Жомий ҳазрат Ҳиротга етиб келибдилар” деган хабар етганида, Бойқаро дарҳол ўз ихлоси ва ҳурматини ифодалаб “лойиқ туҳфалар” (муносиб туҳфалар, совғалар-У.Б.) билан бир мактуб юборади. Ажойиб тасодиф, Мавлоно Жомий қўлига Бойқаро мактуби ва Навоийнинг руқъаси бир вақтда етиб келган. Руқъада қуйидаги мисралар Навоийнинг ўз қўли билан битилган эди: Рубоий.

Инсоф бидеҳ эй фалаки мийно фом,
То з-ин ду кадом хубтар кард хиром.
Ҳуршиди жаҳон тоби ту аз жониби субҳ,
Ё моҳи жаҳон гарди ман аз жониби шом.

(Мазмуни: Инсоф қил, эй кўк гумбазли фалак,
Бу икковидан қай бири чиройлироқ хиром этди.
Тонг вақти чиққан нурли қуёшми,
Ёки шом чоғи чиққан олам кезувчи Ойимизми?) [2]

Бу мисралар ҳазрат Навоийнинг меҳр-муҳаббатга тўла салим қалби нақадар соф, покиза бўлганлигига, ул зотнинг маърифати ва маънавияти чўққиси эса нақадар юксак бўлганлигига далолат қилади.

Дарҳақиқат, ҳазрат Навоий катталарга ҳурмат, кичикларга иззат бобида фақат ўз замондошларигагина эмас, балки кейинги насллар учун ҳам улкан ибрат намунаси эди. Навоийнинг ҳомийлиги боис Ҳиротда юзлаб истеъдод эгалари эркин, ғам-ташвиш нималигини билмай ижод қилиш бахтига мушарраф бўлишган. Ана шу истеъдодлар қаторида Мавлоно Ҳусайн Воиз Кошифий ва ул зотнинг ўғли Фахруддин Али Сафий ҳам муносиб ўрин олган бўлиб, ота ва ўғилдан инсониятга бой илмий-адабий мерос қолди.

Хулоса қилиб айтганда, мумтоз адабиётимизнинг етук сиймолари Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоийнинг ҳимояси остида етишган Мавлоно Али Сафий каби олим ва фузалолар, ижодкорлар ҳақида келгусида йирик монографик тадқиқотлар яратиш тадқиқотчиларимиз олдида турган муҳим ишлардан биридир.

1 http://cheloveknauka.com/rashahotu-aynilhaet.

2 Фахруддин Али Сафий. Рашаҳот айн ал-ҳаёт (Обиҳаёт томчилари): тарихий-маърифий асар / Таржимон: Домла Худойберган ибн Бекмуҳаммад (XIX аср). Жорий алифбодаги ёзувга табдил қилиб, нашрга тайёрлаганлар ва кириш сўз муаллифлари: Маҳмуд Ҳасаний, Баҳриддин Умурзоқ. Сўнг сўз муаллифи ва масъул муҳаррир: Б. Умурзоқов. Тошкент, 2004, Б.-9.С. 197.

IV. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ, ШОИР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

ТАРИХИЙ ШАХСЛАР ВА ДАВЛАТЧИЛИК ҒОЯСИ

Насимхон РАҲМОНОВ
(ТошДЎТАУ)

Тарихий шахслар ва давлатчиликнинг ўзаро алоқалари тўғрисида сўз кетганда, туркий оғзаки ва ёзма адабиётининг айрим жанрларига эътибор қаратамиз. Сабаби шуки, тарихий шахсларнинг давлат бошқаруви ва уларнинг шахсиятларидаги айрим қирралар тўғрисида кўплаб афсоналар, ривоятлар яратилган. Бу воқеалар, албатта, тарихий шахсларнинг ижтимоий, сиёсий ҳаётда ўйнаган роли, уларнинг битта халқ адабиётига эмас, балки бутун бир регион адабиётига кириб бориши натижасида пайдо бўлган.

Тарихий шахслар ҳар доим омманинг ва ижодкорларнинг эътиборида бўлган. Бадиий адабиётда уларнинг мамлакат ва халқ олдидаги хизматлари даврнинг ютуғи сифатида баҳолангани ҳолда, уларнинг нуқсонлари ва хатолари мамлакат ва давлатнинг, қолаверса, халқнинг фожиаси сифатида қаралган. Маълум бир давр ижодкорлари тарихий қаҳрамонлар – ҳукмдорлар тимсолида мамлакат ва давлатнинг тақдирини кўрганлар, давлатнинг равнақи ва таназзулини ҳукмдорларга боғлаганлар, давлат ва ҳукмдор қиёфасини кенг оммага ажралмас, яхлит тарзда етказганлар. Тарихий қаҳрамонларнинг бадиий асарларда идеаллаштирилиши сабабларидан бири ҳам аслида шунда.

Гап давлатчилик ғояси ҳақида кетаётгани учун шу ўринда далилларга айрим аниқликлар киритишни лозим деб биламиз. Туркий адабиётда давлатчилик ғоясини тарихий шахслар образига боғлиқ ҳолда ёритишни мақсад қилиб қўйган эканмиз, биз Навоийнинг “Садди Искандарий” достонини четлаб ўтолмаймиз. Қолаверса, Навоийнинг бу достони туркий адабиётда бу жаҳонгир образини илк бор яратган улкан асардир. Навоий бу достонида Александр Македонскийнинг тарихий образини яратишнигина мақсад қилиб қўймаган, балки Аристотель каби буюк мутафаккирларнинг Александрга берган маслаҳатлари орқали бир қатор ғояларни – ҳимматлилик, адолат, мухолифатга йўл қўймаслик, давлат бошқарувида ҳимматнинг муҳимлиги, кечиримлилик, яхшиликка яхшилик, ёмонликка ўзига яраша жавоб қайтариш, тўғрилик ва бошқа бир қатор фазилатларни ва маиший масалаларни ўртага ташлайди. Бу ғоялар, кундалик ҳаётнинг масалалари майда деталлар эмас, балки катта ғояларнинг ибтидосидир. Бу ғояларнинг ҳаммаси давлатчилик, давлат бошқаруви, каби ғояларга боғланади.

Достонда, ҳукмдор ўз манфаати учун эмас, балки халқ ва давлат тузуми манфаатларини кўзлаб иш тутмоғи лозим, деган ўгит бор. Нима учун Искандар образи шу қадар оммалашди, бир неча асрлар давомида тарихчилар, ижодкорлар асарларининг объекти бўлиб келди деган саволга Навоийнинг мазкур асаридан жавоб топамиз. Навоий давлат тузумининг мустаҳкамлиги, давлат сифатида уюшиш омилларини жуда пухта ўрганган. Давлатни уюштирувчи омилларга аниқ нуқтаи назардан қарайди. Достонда келтирилган ҳар бир ҳикоят ёки ўгитлар сиёсий ҳаётнинг инъикоси сифатида келтирилади.

Тарихдан бизга маълумки, Искандар Зулқарнайн Александр Македонскийнинг прототипи, Шарқ тарихида ва адабиётида кўплаб мунозараларга, бадиий ижодга манба бўлган тарихий шахс ҳамда адабий қаҳрамон. Шарқ тарихида Искандар Зулқарнайнга бағишланган асарлар кўп. Бу тарихий шахснинг бутун ҳаёти ва фаолияти австриялик тарихчи Ф. Шахермайрнинг "Александр Македонский" номли китобида мужассамлашган. Биз бу тарихий шахснинг фаолиятини, тарихда ўйнаган ролини кўрсатишда Ф.Шахермайрнинг таҳлилларини такрорламоқчи эмасмиз. Фақат бу тарихий шахснинг фаолиятини ўрганиш жараёнида Ф. Шахермайрнинг танлаган методини таъкидламоқчимиз, холос. Қолаверса, Навоийнинг "Садди Искандарий" достони Ф.Шахермайрнинг эътиборидан четда қолган. Айни пайтда Ф.Шахермайр Александр ҳақидаги форс тилидаги манбаларни ҳам четлаб ўтган. Бунинг сабаби шу эдики, олим адабий манбалардан бехабарлиги учун эмас, балки манбаларни танлаш принципидан, фақат тарихий шахс қиёфасини яратиш принципидан шундай қилган. У Александр Македонскийнинг тарихий шахс сифатидаги ролини ёритишда кўп Европа олимлари турли томондан ёндашганларига тўхталар экан, тарихийлик ва адабий услуб мувозанатини саклаш, тарихийлик принципини бузиш ҳолатлари учрашини таъкидлайди. У тарихий шахслар ҳақида яратилган асарлар илмий далиллар, манбалар ва бадиий баён усули жиҳатидан яхлит ҳолда бирикиши лозимлигини таъкидлаган эди.

Тарихий шахслар тарихий манбаларда, бадиий асарларда талқин қилинганда, образ семантикаси такрорланмайди. Бадиий адабиётда шахснинг тарихий асарда йўқ бўлган айрим қирралари пайдо бўлади. Бадиий ижоднинг қонуниятлари, индивидуал ижод ва ижодкорнинг тарихий шахс фаолиятига алоҳида урғу қаратиши натижасида адабиётда анъанавий образнинг янги қирралари яратилади. Бизнингча, анъанавий тарихий образнинг бир неча бадиий асарларда такрорланиши контаминация ҳодисасига боғлиқдир. Айнан Искандар образининг Шарқ адабиётида анъанавийлиги ва Навоий ижодида анъанавийликдан узилмасдан янгича мазмун касб этиши контаминация ҳодисасининг мумтоз адабиётдаги намунасидир. Бу хусусиятлар ёзма манбаларда образни ўзига хос шакллантиради, ижодкорнинг маҳоратини юзага чиқаради, ижодкорнинг анъанавийликдан узилиб қолмаганини кўрсатади. Келгусида туркий фольклорда ва туркий адабиётда контаминация ҳодисаси махсус ўрганилиши керак.

Бу сингари образлар адабий қаҳрамон нуқтаи назаридан таҳлил қилинганда, қаҳрамоннинг ўз даврида нафақат шахсий фазилатлари жиҳатидан, балки ижтимоий томондан ҳам мавқеи аён бўлади. Тарихий асарнинг баён қилиниш услуби тарихий шахсларни адабий қаҳрамонга айлантиради, чунки адабий услуб, тарихий шахснинг хронологиясини баён қилишдан кўра, унинг шахсиятини очишда жуда қулай усулдир. Ўз навбатида, тарихий шахс образи билан унинг ижтимоий фаолияти, жумладан, давлат ташкил қилиши ёки бошқаруви ўзаро бир-бирига боғлиқ. Юқорида биз айтиб ўтган Искандар образининг туркий адабиётдаги ёки шарқ адабиётидаги образи айнан шундан далолат беради.

Навоий бу достонида Искандар образи орқали тахт ва шахс, давлат ва ҳукмдор, шоҳ ва шоҳнинг бойликка муносабати, подшоҳнинг ўз халқига мурувватпешалиги ёки ҳимматсизлиги ҳақидаги ғояларни илгари сурар экан, буларнинг ҳаммаси фақат подшоҳнинг эмас, балки давлатнинг ривожи ёки таназзулига олиб келишини уқтиради, давлатчиликдан асосий мақсад нима экани тўғрисида ўз қарашларини ўртага ташлайди.

Шу ўринда бир нарсани алоҳида таъкидлашни истар эдик. Навоий мазкур достонида бевосита давлатчилик ва давлат бошлиғи қандай бўлиши кераклиги ҳақида икки лавҳа келтиради: бири – Искандар билан гадоликни ихтиёр этган подшоҳ ўртасидаги суҳбат (XVII боб), иккинчиси - Искандарнинг дастлаб подшоҳ бўлишдан оёқ тортгани, Рум аҳли унга илтимос қилиб, подшоҳликни ихтиёр этишларини сўраганлари (XIX) ҳақидаги лавҳа.

Искандар халқнинг илтимоси билан тахтга ўтиргач, давлатни мустаҳкамлашнинг биринчи шарти адолат ўрнатиш, эл фаровонлигини таъминлаш эканини англаб, кўп ислоҳотлар ўтказади. Сўнгра Навоийнинг ҳиммат ҳақидаги ўгитлари баён қилинади. Ана шу инсоний фазилатга доир Навоий бир ҳикоят келтиради. Зотан, адолатпарварлик давлат тарозисининг бир палласи бўлса, ҳиммат иккинчи палласи эканини кўрсатмоқчи эди.

Искандар Мағриб ерини эгаллагач, у ерга бир адолатли шоҳ тайинламоқчи бўлди. Одамлар шаҳзодалардан бирини шоҳликка тавсия этдилар. Бу одам юртдан чиқиб кетиб, қабристонда ис-

тиқомат қилар экан. Искандар гадога мамлакат подшоҳлигини таклиф этади. Искандар гадо билан суҳбатлашиб, унинг ҳиммати шоҳликдан юқори экани эътироф этди.

Ҳар иккала лавҳа юқоридаги фикрларимизни тўлдиради: Навоий давлатчилик билан шахс ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ва айирмага эътибор қаратади.

Назаримизда, Навоий Искандар тилидан давлатчиликнинг асосий тамойилларини лўнда қилиб қуйидаги мисраларда ифодалагандай кўринади:

Ҳар ишга замон аҳлининг фойиқи,
Ки то бўлғай ул шоҳлиғ лойиқи.

Қуёшдек қавий меҳру равшан замир,
Ва гар чиқса ашҳабқа офоқгир.

Адолат аро фасли наврўздек,
Сиёсатда барқи жаҳонсўздек.

Ириклик чоғи хасмға чорасоз,
Қотиғлиғ маҳалли раиятнавоз.

Анга тахту давлатни маскан қилинг,
Бошин тож била музайян қилинг (659-б.).

Навоий келтирган бу сифатлар ҳукмдорга қўйилган талаблардир; шу билан бирга, давлат тузумида ҳукмдорнинг муҳим шахсият эканини Навоий таъкидламоқда. Зотан, Шарқ адабиётида давлат ва давлатчиликнинг тимсоли ҳукмдорнинг тимсоли орқали белгиланган. Ҳукмдордан талаб қилинган сифатлар давлат сифатида уюшишнинг тамал тошидир. Ҳукмдор юқоридаги сифатларга эга бўлмасдан туриб, давлатнинг қиёфаси ёки тимсоли ҳақида сўз бўлиши мумкин эмас. Туркий адабиёт Шарқ адабиётидаги бу жараённи такомиллаштирди, давлатчиликнинг тамойиллари мукаммаллашувига хизмат қилди. Халқнинг орзу-идеаллари билан давлатчилик ғоялари бир-бирига уйғунлашди. Чунки халқнинг уюшиб, маълум бир тузумни такомиллаштириш учун қилган ҳаракатлари ҳам ҳукмдорнинг саъй-ҳаракатларига уйғун ҳолда ривож топди.

Шу ўринда яна бир фикрни таъкидлаш керакки, Навоий Искандар фаолиятига оид кўп манбаларни пухта ўрганган, Искандар ҳақида достонда келтирган маълумотлар билан юнон манбаларидаги маълумотлар кўп ўринларда мос келади. Шу билан бирга, Аристотелнинг давлат тузуми қандай бўлиши кераклиги ҳақида Искандарга берган ўгитларини Навоийнинг давлат тузуми босқичлари ҳақидаги қарашлари деб ҳам билиш керак.

Давлатнинг мустаҳкам бўлиши мамлакатда адолат барқарорлиги билан боғлиқ экан, бу ғоя оддий ҳодиса бўлиши билан бирга, неча асрлар давомида синовдан ўтиб келган. Ҳукмдорнинг адолатпарварлиги мамлакат осойишталигига сабаб бўлади. Ҳукмдор доимо халқ билан бирга бўлса, халқнинг ҳолидан хабар олса, давлат мустаҳкам бўлади. Давлат тузумида энг содда, кунда бажариш мумкин бўлган ҳодиса. Ҳар кун бажариш мумкин бўлган ҳодиса бора-бора давлатчиликда қонуниятга айланади. Зотан, Навоий учун адолат ва халқпарварлик давлат тузумида қонуниятга айланиши лозим эди.

Давлат тузумининг мустаҳкамлиги ёки таназзули албатта ҳукмдорнинг шахсиятига ҳам маълум даражада боғлиқ. Агар ҳукмдор адолатли бўлса, шоҳликка ҳеч қандай хавф йўқ, ҳеч кимдан ҳадиксирамаса бўлади. Аммо халқ шоҳдан хурсанд бўлмаса, завол топишга четдан душман келиши ҳам шарт эмас. Навоий давлатчиликни сиёсий нуқтаи назардан шу тариқа баҳолайди. Подшоҳнинг кўзи очлиги нафақат ўзига зарар келтиради, балки мамлакатга, шоҳликка ҳам путур етказади. Навоий бу ғояларини Султон Абусаид Кўрагоннинг фожиали қисмати орқали кўрсатади. Султон Абусаид Хуросон ва Мовароуннаҳрнинг подшоҳи эди. У Табриз ва Рум сари юриш бошлади. У бойлик йиғишга ўч бўлиб, одамларини тангликда тутар эди. Одамлар шоҳдан норози бўлиб, ундан юз ўгирдилар. Оқибатда шоҳ юриш вақтида душман қўлида ҳалок бўлди.

Гарчи Искандар тахтда ўтиргандан бошлаб то умрининг охиригача “жаҳон шуғли” (олам билан машғул бўлиш)ни афзал билган бўлса ҳам, Алишер Навоий Искандар образи орқали жаҳонгирликни қораламади, балки бунинг тимсолида давлат бошқарувида ҳукмдорга йўл-йўриқлар кўрсатди. Зотан, давлатнинг, айниқса, адолатли ва барқарор давлатнинг ҳукмдорига хос сифатларни юзага чиқарди. Навоийнинг қарашича, биринчидан, давлат мустаҳкам, мамлакат осойишта бўлиши учун ҳукмдор халқ билан баҳамжиҳат иш кўриши керак; иккинчидан,шоҳлар халқнинг ғамини ейишлари, оч-яланғочларга доимо кўмак кўргизишлари керак; учинчидан, давлат бошлиғи зулмни барбоб қилиши, золимларни қаттиқ жазолаб, мазлумларни ўз паноҳига олишлари лозим, айни пайтда ҳукмдор кечиришни ҳам билиши керак.[2]

Шу ўринда юнон файласуфи Платонга мурожаат этамиз. Мурожаат этишимиздан мақсад – Платоннинг фалсафасини зўрма-зўраки туркий адабиётга олиб кириш эмас, балки биз ҳали ўрганишимиз зарур бўлган давлат бошқарувида қадимги грек файласуфлари ва турк файласуфларининг қарашларидаги уйғунликни таъкидламоқчимиз. Платон “Сиёсат” асарида давлатчиликда ёки давлат бошқарувида сиёсатнинг санъат экани ҳақида сўз юритар экан (зотан, ҳукмдорнинг лаёқати ва маҳорати ҳам шунда кўринади), бу қонун билан чегараланмаган усул эканини таъкидлайди, давлат бошқаруви санъати қонун доирасидан чиқиши мумкинлигини исботлайди. Платон ишлаб чиққан қуйидаги қонун тушунчаларига эътибор берайлик: “...қонун ҳар бир одам учун жуда яхши ҳисобланадиган нарсаларни тамомила аниқлик ва адолатли тарзда қамраб ололмайди. Одамлар ва одамларнинг ишлари ўртасида мавжуд номувофиқлик … ҳеч қачон якунига етмайди.”[3] Платон айнан давлатчилик тизимидаги шахс ва давлат ўртасидаги муносабатларни назарда тутиб шу фикрга келган эди. Шунингдек, Платон давлат бошқарувида сиёсатнинг қонундан кўра муҳим ўрин тутишини кенгроқ миқёсда талқин қилади, савол-жавоблар орқали қонун ва сиёсат муносабатларини аниқлаштиради.

Умуман, Навоий Искандар ва унинг устозлари Арасту, Суқрот образлари орқали туркий давлатчилик тарихининг узоқ илдизларини ёритди. Давлат ва шахс, давлат ва жамият, давлат ва халқнинг ўзаро муносабатлари ва алоқаларининг қонун-қоидаларини ишлаб чиқди. Туркий давлатчилик тарихида Искандар образи орқали ҳукмдорларнинг ҳам шахс, ҳам давлат бошқарувчиси сифатидаги ролига алоҳида эътибор берди, мувофиқлаштирди. Искандар образи орқали жаҳонгирлик – қудратли марказлашган давлат тузишнинг муҳим омили эканини кўрсатиб берди.

Айни пайтда Навоий давлатчилик маълум географик ҳудуд билангина чегараланмасдан, балки давлатчиликнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий мезонларини ҳам кўрсатди. Айниқса, ҳукмдорнинг маънавий ва интеллектуал салоҳияти юксаклиги туркий давлатчиликнинг муҳим мезонларини ташкил қилишини Искандар тимсоли орқали намоён қилди. Бунинг устига, ахлоқ-одоб (дастлаб Искандар ўзини давлат бошқарувига лойиқ эмас деб ҳисоблаган эпизод), шахсий қаҳрамонлик намунаси, устозлар ўгитига риоя қилиш, ҳимматлилик, тўғрилик ва ҳалоллик, инсонпарварлик ва ҳоказо фазилатлар ҳукмдорда мужассамлашуви лозимлигини ўрни-ўрни билан қайд этиб борди.

Юқорида Искандарнинг қудратли марказлашган давлат тузиш унинг асосий мақсади бўлгани ҳақида айтдик. Агар тарихий асарларга ёки тарихий шахслар образи ёритилган бадиий асарларга эътибор қаратсак, буюк ҳукмдорларнинг ҳаммасида ҳам бу ғоя бўлган. Хун империясида Ботир Тангриқут (3-2вв.до н.э.), Турк хоқонлигини ташкил қилган Бўмин ва Истами (VI аср ўрталари), Қорахонийлар сулоласи ҳукмдорларидан Буғрохон (920-955), Чингизхон (XIII аср боши), Амир Темур (XIV аср) айни шу ғоя – марказлашган йирик давлат тузиш ғояси билан яшаган эдилар. Уларнинг давлатчиликдаги фаолияти ҳам ана шу анъана бўлиб келган мақсадга қаратилди.

АДАБИЁТЛАР:

1.Шахермайр Ф. Александр Македонский. М.: Терра-Книжный клуб, 1999, с.6.

2. Ўзбек адабиёти тарихи. 5 томлик. 2 том, Тошкент, Ўзбекистон ССР “Фан” нашриёти, 1977, 316-бет.

3. Платон. Законы. М.: «Мысль», 1999, с.48.

“МАЖОЛИС УН-НАФОИС”НИНГ ТУРК ТАЗКИРАЧИЛИГИГА ТАЪСИРИ ВА ФРАНЦИЯДА БИОГРАФИК ЖАНРНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ,
филология фанлари доктори, профессор

Алишер Навоий томонидан яратилган туркий тазкирачилик мактаби XX аср бошларига қадар нафақат Туркистон ёки Марказий Осиёдагина эмас, балки Эрон, Ҳиндистон, Афғонистон, Озарбойжон ҳамда Туркияда муваффақият билан давом этган[1]. Ўтган 500 йилдан ортиқроқ вақт давомида яратилган тазкираларда “Мажолис у-н-нафоис”нинг изларини илғаш қийин эмас. Биргина Онадўлида туркий тилда 36 тазкира яратилган бўлиб, булар, асосан, “Шоир тазкиралари” (яъни валийлар ва дабирлар тазкиралари бу ҳисобдан ташқари)дир[2]. Шулардан 12 тазкирада Ҳазрат Навоий шахси тилга олинган, унинг ижодига муносабат билдирилган. Айни тазкиралардаги маълумотларга кўра, мумтоз Усмонли шоирларидан 70 дан ортиғи Ҳазрат Навоийнинг шеърий асарларига назиралар ёзганлар, кейинроқ XIX-XX асрларда 30 дан зиёди бу анъанани изчил давом эттирган[3]. Айни мана шу ижодий ворисликни хамсанавислик доирасида, улуғ адиб насрий ва тасаввуфий асарларидан таъсирланиш жараёнида ҳам кузатиш мумкин[4].

Алишер Навоий “Мажолис ун-нафоис” тазкирасининг таъсири ҳақида профессор Мустафо Эсон шундай ёзади: “Ҳазрат Алишер Навоий бошқа кўплаб тазкираларга намуна бўларлик асар яратгани билан аҳамиятлидир... муҳими, тазкираларнинг Онадўлида пайдо бўлишига таъсири, яъни бу тазкираларга андозалик вазифасини бажаришидир. Янада тўғрироғи, Ҳирот мактаби тазкиралари сифатида ном олган Жомий, Давлатшоҳ ва Навоий ҳазратларининг асарлари кейинроқ Усмонли ўлкасида пайдо бўлган тазкираи шуаро жанрига теран таъсир этиб, адабий биография ривожини тезлаштирди... Бутун XVI аср тазкираларида Навоий анъаналари давом этди, XVII асрдан... мумтоз тазкираларга яна қайтилди[5] ва энди Навоий янги бир соғинч билан эсланиб, қўмсала бошланди”[6].

“Мажолис...”нинг таъсири Онадўлидаги илк тазкирада кўринганидек, кейинги давр тазкираларида ҳам мана шу ҳолат у ёки бу маъноларда такрорланади, айрим факт ва кузатишлар асосида бойитилади. Орадан саккиз йил ўтиб, Сахий Бейнинг тазкирачилик фаолияти Латифий (1491-1582) томонидан давом эттирилган. Ҳам шоир, адиб ва олим Латифийнинг Навоий ижодига боғланиши тазкирадан ташқари, унинг назм ва наср қоришиғида ёзган “Фусули арбаа” (“Тўрт фасл”) асарида ҳам кузатилади. Шоирнинг “Назм ул-жавоҳир” номли асари эса Ҳазрат Алининг ҳикматлари асосида тузилгани ҳамда улуғ ўзбек шоири асарининг номини айнан олгани Навоийнинг Латифий ижодига таъсирини алоҳида ўрганишга эҳтиёж борлигини англатади. Муаллиф “Тазкират уш-шуаро ва табсират ун-нузамо” (”Шоирлар тазкираси ва нозимлар қиёфалари”, 1546) тазкирасини Қонуний Султон Сулаймон (Муҳиббий тахаллуси билан шеърлар ёзган)га бағишлаган бўлса-да, унинг тазкирачиликдаги ўрни мавжуд асарларга ижодий муносабатда кўринади. Латифийнинг ёзишича, Навоий шеърларини илк бор Онадўлига олиб келган шоир Басирий бўлган: “Ажам сарҳадига яқин жойдан Султон Боязид замонида Ҳазрат Шайх Жомий ва Мавлоно Навоий тарбиятномаси-ла келмиш... аксари авқотин бу диёрда кечурмагин тарзи шеърида туркийзабон назмлари шевасин ва Рум шоирлари ишвасин риоят этмишди.

1 Klasik Turk Edebiyatinda Biografi / Mustafa Isen Adina Uluslararasi Sempozyum. Bildiriler. - Ankara, Ataturk Kultur Merkezi, 2010. 709 s.

2 Sair Tezkireleri. Haz. Dr. Haluk Ipekten. - Ankara, 2002. S.17-28.

3 Cetindag Y. Ali Sir Nevai. – Istanbul: Kaynak yayinlari, 2010. S.249.

4 Бу ҳақда қаранг: Болтабоев Ҳ. Туркий тазкираларда Навоий сиймоси // Жаҳон адабиёти. 2012. Феврал. Б. 157-161.

5 Содиқ Китобдор назарда тутилган. Қаранг: Əfsar, Sadiq bəy. Məcməul-xəvas. – Baki, 2008.

6 Isen M. Tezkireden Biyografiye. – Istanbul: Kapi Yayinlari, 2010. S.51-52.

Матлаъ:

Ошиқларини оҳ ул масиҳодам ўлдурур,
Бу одам ўлдурурки, Масиҳ одам бўлдурур”[1].

Демак, ҳали Ҳазрат Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро усмонли Султон Боязид II билан дипломатик ёзишмаларга киришмай туриб, Навоий асарлари Онадўлига кириб келган бўлиши мумкин ёки Навоий шеърлари билан бирга унинг мактубини мана шу Басирий келтирган. Чунки Навоий ижодининг Онадўлига кириб келиши билан жуда кўп олимлар қизиқарли кузатишлар олиб борган бўлсалар-да, Навоий асарларини илк бор ким олиб боргани ва нима учун у туркистонли шоир Басирий вазифани адо этгач, ўз юртига қайтмасдан Румда қолиб кетгани ва “шеърида туркийзабон назмлари шеваси”ни давом эттиргани номаълум эди. Юқорида Латифий келтирган байтнинг ўзиёқ Басирийнинг шеърий истеъдодидан дарак беради. Бироқ Латифий Басирий ҳақида муфассал маълумот бермайди. Навоий анъанасини ўзича бойитган Латифий тазкирасида шоирлар таснифотида алифбо усули маъқул кўриладики, бу усул ҳам кейинги тазкираларда анъанавийлик тусини олди. Бундан ташқари, Латифий “Фасли аввал”да яна ҳам ўзига хосроқ йўлни танлаб, XIII асрдан ўз замонига қадар бошқа ўлкалардан (жумладан, Туркистондан ҳам) Онадўлига келиб ўрнашиб қолган 13 шоир ҳақида маълумот беради: булар Жалолиддин Румий, Султон Валад, Садриддин Кўнёвий, Ошиқ Пошо, Шайх Рушаний, Абдуллоҳ Илоҳий, Шайх Шамсиддин Бухорий, Шайх Иброҳим Гулшаний, Котиб Меҳмет Чалабий, Сулаймон Чалабий ва Шайх Боязиддир. Гарчи Латифий ўз тазкирасини Султон Сулаймон Муҳиббийга бағишлаган бўлса ҳам у ўз ҳукмдори учун махсус бўлим ажратмайди, аксинча, султон ва шаҳзодалар бўлимининг энг сўнгида бир неча саҳифада унинг шеърлари таҳлили муносабати билан мурожаат қилади. Тазкирада бир ёки бир неча байт ўрнига тўлиқ ҳолда ғазал ва қитъанинг келтирилишига эътибор қаратсак, Латифий тазкираси антологияга яқинлашганини ҳам кузатиш мумкин.

Ошиқ Чалабий (1520-1571)нинг “Машойир уш-шуаро” (“Шоирлар мушоираси”, 1568) номли 425 шоир ижоди ҳақида маълумот берувчи тазкирасида муаллиф

“Забони туркийнинг достонсаройи,
Фасоҳат булбули, яъни Навоий

жамъ этдуги “Мажолис ун-нафоис”ки, ҳажлаи нози кавоиби ароъисдур”[2] дея Навоийдан сўз очади. Ва давомида “Охир умринда Султон Боязид (бу ўринда Елдирим Боязид эмас, Султон Боязид II (1447-1512) назарда тутилган, у 1481 йилда тахтга чиққан – Ҳ.Б.)га Навоий ўттиз уч ғазал юбормиш, бириси ушбу ғазалдур, матлаъси қуйидагичадир:

“Матлаъи Навоий:

Ул пари пайкарки ҳайрон бўлмиш инсу жон анга,
Жумлаи олам манга ҳайрону мен ҳайрон анга”.

Султон Боязид бу ғазални Аҳмат Пошога юбориб, унга назира битишни буюрди”. Ушбу фактга асосланиб, дастлаб шоир Номиқ Камол, кейин Ф.Кўпрулу, Агаҳ Сирри Лавенд, Камол Эраслон ... каби турк; Гибб, Броун, З.Клейнмихел, Горбузова каби ғарб олимлари; Н.Каримов, Ж.Нагиева, Олмос Улви, Р.Рўзмонова в.б. ўзбек ҳамда озар олимлари мақола ва тадқиқотларида бу фикрлар дунё бўйлаб илмий “саёҳат” қилган, бу самарали таъсир натижалари атрофлича ўрганилган. Лекин Ошиқ Чалабий тазкирада ўрни билан Навоий ғазали, унга назира ёзган шоир мақтаъси (*Мақтаъ: Сўзда ушшоқи муҳаййир айладирсун Аҳмада, Бўйла гўё ўлмаға куйин керак бўстон анга*)” маҳорат бобида Навоийдан анча қуйироқ эканини ҳам қайд этган (290-б.).

1 Latifi. Tezkiretu’s-suara ve Tabsitatu’n-nuzama. Haz. Canim, Ridvan. Ankara: Ataturk Kultur Merkezi Yay., 2000. Кўрсатилган асар, 51/а варақ. Мана му маълумот бир оз ўзгачароқ талқинда “Кунҳу-л-ахбор”да ҳам келади.
2 Mesairu’s-suara. 1-cild. Haz. Filis Kilic. – Istanbul, S.63-64.

Айни фикр Қинолизода Ҳасан Чалабийнинг “Тазкират уш-шуаро” (1585-1586)сида такрорланиш баробарида “Ҳазрати Жомий ва Навоий ғазаллари сипоришнома (махсус расмий давлат мактуби – Ҳ.Б.) билан Султон Боязидга келган” деб умумлаштиради[1]. Ва “Аҳмад Пошо Навоий услубини ўргангач, унинг шеъри хуб ва тарзи гуфтори марғуб бўлди” деб Аҳмад Пошо Навоий ғазаллари йўлига киргандан кейин шеърларининг услубан гўзаллашгани ва ҳамма томонидан рағбат кўргани қайд этади”[2].

Шунингдек, бунга уйғун фикрлар Ғалибўлулу Алининг “Кўнҳ ул-ахбор” асари тазкира қисми”да: “Султон Ҳусайн Бойқаронинг вазири муширі ва ул асри боҳир ун-насрин малози фуҳулу фузало бўлган Мир Алишер ул шаҳриёри олийҳиммат (Боязид II га – Ҳ.Б.) бир неча ғазал жўнатди. Улар тақи назоир жиҳатдан татаббусини марҳум Аҳмад Пошога асир айлади” каби тазкиралардан тазкираларга кўчиб, юқорида тилга олинган олимларнинг тадқиқот ва мақолаларига мавзу бўлди. Алининг тазкирасида Котибий тахаллусли Саид Али Раис муносабати билан яна бир муҳим фикр ўртага ташланади. Бу шоир вазифа юзасидан Ҳиндистонда Навоий издоши сифатида танилган ва “Навоийи Соний” лақабини олган, “уч ярим йил саёҳатдан сўнг Ҳинду Синд ва Хуросон ва Гужарат ва Шерозу Озарбойжон саломини келтирди”[3].

Келтирилган маълумотларнинг ҳаммаси турк манбаларида зикр этилган, замонининг улуғ адиб ва олимлари томонидан эътироф этилган фикрлардир. Бундан ташқари, қанчадан қанча тазкирага кирмай қолган шоирлар, нафақат шоирлар тазкиралари, балки валийлар тазкиралари, рисолалар, маснавий ва насрий асарларнинг муқаддималарида, тарихий ва ахлоқий-фалсафий асарлар зайл (илова)ларининг қатларида Ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ манбалар борки, уларни ўрганиш, юқорида зикр этилган Навоийнинг турк султони Боязид II га ёзган 10 дан ортиқ мактубларини, бошқа шоирлар билан ёзишмаларини топиб, нашр қилиш орқали Ҳазратнинг маънавият хазинасини бойитиш бугунги навоийшунослик фани зиммасидаги илмий юмушлардан.

Туркий тазкирачилик асосида Туркияда ва кейинроқ бутун Европада биографик жанр тараққиётини ўрганган олимлар ушбу жанрнинг илдизларини тазкирада, хусусан, Навоий тазкирасида кўрадилар. Бу каби масалаларни жиддий тадқиқ этган олим Мустафо Эсон “Тазкирадан биографияга” номли тадқиқотида Навоий тазкирасига бирламчи манба сифатида етарли эътибор қаратиб, “Туркий биография анъанасида Алишер Навоийнинг ўрни” сарлавҳали алоҳида боб доирасида фикр юритган. Шунингдек, “умумий тарихларнинг айрим қисмларида, *вақоёт, табдилот, тавжиҳот* сарлавҳалари остида тақдим этилган” манбаларни ҳам таҳлил жараёнига тортган. “Манқаба ва ривоятлар билан безалиб зийнатланган илк давр тарихлари Ошиқ Пошозодада ва Нашрий ижодидаги биографик маълумотларни ҳам мана шу йўналишда ўрганган.

Профессор М.Эсон тадқиқотида биографик жанр тараққиётининг асосий омиллари ушбу кўринишда тавсия этилган:

Тазкира муаллифи	*Тазкира номи*
1) Алишер Навоий	“Мажолис ун-нафоис”
2) Сахий Бей	“Ҳашт беҳишт”
3) Латифий	“Тазкирайи шуаро”
4) Ошиқ Чалабий	“Машайир уш-шуаро”
5) Ҳасан Чалабий	“Тазкират уш-шуаро”

Шу тарзда 36 тазкира таҳлилга тортиб, Усмонли биографияси мана шу анъананинг давоми бўлгани, уларнинг муқаддималари оригинал бир поэтика тажрибаларидир, деган хулосага келади олим[4].

Тарих бугунги кунимизгача яшаганларнинг бошидан кечирган ҳодисаларини ва қаҳрамонликларини ҳикоя қилади. Воқеалар рўёбга чиқишига сабаб ўша ҳодисани ташкил этувчи инсонлар бўлгани туфайли улар ҳақидаги ҳикояларни аниқлаш ҳам биография мавзуидир. Шунинг учун

1 Қаранг: Cetindag Y. Ali Sir Nevai. – Istanbul: Kaynak yayinlari, 2010. S.250.

2 Kınalı-zade H.Ç. Tazkiretü’ş-Şuara. Hazırlayan: Ibrahim Kutluk, I. Ankara, 1989. S.135.

3 Кўрсатилган асар. Б.263.

4 Эсон М. Тазкирадан биографияга. Т.: Mumtoz so‘z, 2012.

Шарқ ва Ғарб тарихчиларининг кўпчилиги тарихда биографияга катта аҳамият берганлар[1]. Адабиётшуносликда эса тазкирачилик ўз тараққиёти давомида ижодкорлар таржимаи ҳолига оид нисбатан аниқ маълумотлар беришини ҳисобга олсак (чунки аксарият тазкираларда тилга олинган адиблар муаллифнинг замондошлари), ижодкор ва унинг асари биографиясини ўрганишда тазкиранинг аҳамиятида катта эканини унутмаслик лозим.

Шундан келиб чиққан ҳолда, 2010 йилда Навшаҳар (Туркия)да "Классик турк адабиётида биография" мавзусида халқаро анжуман бўлиб ўтган. Ушбу илмий анжуман мумтоз турк адабиётида биографик жанрнинг тараққиётида тазкиранинг ўрнига алоҳида эътибор қаратиб, тазкира жанри орқали шаклланган туркий биографик метод дастлаб Францияга, сўнгра эса бошқа Европа мамлакатларига ўтгани қайд этилган[2].

Француз маданиятида Ўзбек мумтоз адабиётининг ўрнини кузатган олим М.Холбеков қайд этишига кўра, "Шарқ кутубхонаси" номли энциклопедик тўплам муаллифи Бартелеми д'Ербело (1625-1695) Алишер Навоий даҳосини француз маданий оламига олиб кирган. Кейинроқ "Жонли Шарқ тиллари мактаби" асосчиси Сильвестер де Саси (1758-1838), «Шарқ турк адабиёти хрестоматияси»га (1841) Навоийнинг қатор асарларини киритган[3]. Шоир ва адиблар биографиясини беришда бир қатор тазкираларга таянган, чунки муаллифларнинг қўлида туркий шоирлар биографиясини акс эттирган махсус манбалар бўлмагани учун француз биографлари дастлаб тазкиралардаги маълумот билан чекланган, сўнгра эса маноқиб-ҳолотларнинг таржималари, хусусан, Хондамир асарлари билан танишиш орқали Алишер Навоий таржимаи ҳоли Европа илмий давраларига олиб кирилган.

Франциянинг Туркиядаги элчиси Франсуа-Альфонс Белен (1817-1877) Истанбул кутубхоналарида сақланаётган асарлари, хусусан, "Куллиёти Навоий»ни ўрганиши натижасида улуғ шоир ижоди ҳақида батафсил очерк яратган. Ушбу асар, бир жиҳатдан, Давлатшоҳ, Мирхонд, Хондамир, Бобур, Сом Мирзонинг тазкира ва тарихларига таяниши жиҳатидан характерли бўлса, иккинчидан, Навоий асарларидан, жумладан, "Мажолис ун-нафоис», «Хамсат ул-мутаҳаййирин" каби биографик маълумот берувчи асарларнинг айрим қисмларини француз тилига таржима қилиниши билан характерли[4]. Агар тадқиқотчи-таржимон Мирзо Улуғбек таржимаи ҳолини ёритишда "Мажолис ун-нафоис"даги қайдлардан фойдаланган бўлса, Жомий биографиясини ёритувчи манба сифатида "Хамсат ул-мутаҳаййирин"дан фойдаланган. Ўз асари сўнгида эса Ҳусайн Воиз Кошофийнинг Жомийга бағишланган шеърини келтирган[5].

Француз шарқшунослигидаги бу каби жиҳатлар табиий равишда адабиётшуносликдаги биографик метод имкониятларини кенгайтирган. Маълум бўлишича, биографик метод бадиий асарни муаллиф биографиясидан келиб чиқиб ўрганишни тақозо қилади. Ижодкорнинг ҳаётий қисмати унинг асарини ўрганиш учун калит вазифасини бажариши мумкин. Француз олими Ш.О.Сент-Бёв (1804-1869)нинг «Пор-Рояль» (1840-59), «Адабий портретлар» (1844-52), «Душанба суҳбатлари» (1851-62) каби ишларида биографик таҳлил методи тажрибадан ўтган. Адабий асар ҳар доим оригинал фикр ва туйғунинг тажассуми: унда муаллифнинг бетакрор шахсияти акс этади[6]. «Мени ҳар доим – деб ёзганди Сент-Бев, – ижодкорнинг мактублари, суҳбати, мулоҳазалари, характерининг турли қирралари акс этган ахлоқий қиёфаси, бир сўз билан айтганда, буюк адиблар биографияси қизиқтириб келган»[7].

Бу метод тарафдорлари адабий асарнинг мундарижаси ва муаллиф услубига алоҳида эътибор

1 Adnan Adıvar, "Tarih ve Biyografi", Tarih Dergisi, C.2,S.3-4, İstanbul 1952, s.

2 Mustafa İsen Adina Uluslar arası Sempozyum. Klassik Türk Edebiyatında Biyografi. Bildiriler. Nevşehir, 6-8 Mayıs, 2010.

3 Холбеков М.Н. Узбекская классическая литература во французской культуре XVII-XX веков. Т.: MUMTOZ SO□Z, 2016. С. 40-41.

4 Medjalis un-nefais (Extraits et traductions) // Belin F.-A. Notice biographique et litteraire sur sur Mir Ali-Chir Nevaii // Journal asiatique, 1861 Fevrier-Mars. P.239-256, Avril-Mai. P.281-299; Khamset ul-mutahaiirin (Extraits) // Notice biographique et litteraire sur Mir Ali-Chir Nevaii, par. F.-A. Belin // Journal asiatique, 1861. Avril-Mai. P.300-357.

5 Холбеков М.Н. Узбекская классическая литература во французской культуре XVII-XX веков. Т.: MUMTOZ SO□Z, 2016. Б.45-47.

6 Каримов Б. Адабиётшунослик методологияси. Т., 2013.

7 Сент-Бев Ш.О. Литературные портреты. Критические очерки / Пер. с франц. М., 1970.

қаратганлар. Ҳолбуки, бадиий асарга бундай муносабат туркий адабиётшуносликда “Қутадғу билиг” давридан бошлаб мавжуд. Марказий Осиёда араб тилида ёзилган “Йатимат ад-даҳр” (Абу Мансур ас-Саолибий, X аср), форс тилида яратилган “Лубоб ул-албоб” (Муҳаммад Авфий, XIII аср) илк тазкиралар сифатида вужудга келган эса-да, улар таркибида биографик методнинг талай унсурларини кузатган ҳолда Ҳазрат Навоий тазкирасига муносабатда ҳам шу ҳолни кузатиш мумкин. Чунки тазкираларда кўпроқ муаллифлар ўзининг яқин ўтмишдошлари ва асосан, замондошлари ҳақида маълумот бергани туфайли, биринчидан, муаллифга замондош бўлган ижодкорлар таржимаи ҳоллари ўша муаллиф ижоди ва адабий жараёндаги ўрнини аниқлашда ёрдам бериши мумкин; иккинчидан, бизнинг адабиётшунослигимизда етарли ўрганилмаган адабий муҳит моҳияти ва давр қамрови масалаларини тадқиқ этишда иш бериши мумкин. Тазкиралар асар номи ва ёзилиш санаси, муаллифи ва унинг туғилиш ёки яшаш ўрни, ҳаёти саналари, устозлари, илмий мактабга мансублиги ва асарлари ҳақида ҳам кенг маълумот берилгани учун бу маълумотлар унинг асари таҳлилида қўл келади. Биографик методнинг ҳам устувор жиҳати шундаки, у бирор асарни ўрганар ва таҳлилига киришар экан, мана шу маълумотлардан айро ҳолда иш кўра олмайди. Бундан ташқари, нафақат Навоий тазкираси, балки Ҳазрат томонидан ёзилган маноқиб-ҳолотлар, валийлар тазкираси ҳисобланган “Насойим ул-муҳаббат” каби асарларнинг ҳам француз маданияти тарихидаги ўрнини кузатсак, улар ҳам муайян маънода фаранг олими Сент-Бёвга нисбат берилган биографик методнинг кенгайишига сабаб бўлган омиллар экани маълум бўлади.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ МЕРОСИ ФРАНЦИЯДА (ТАРЖИМА ВА ТАНҚИД МУАММОЛАРИ)

Муҳаммаджон ХОЛБЕКОВ
(Жиззах ДПИ)

Ҳазрат Алишер Навоий меросининг жаҳон цивилизацияси тарихида тутган ўрнини ҳаққоний баҳоламоқ учун эса, аввалambор у яратган асарларнинг жаҳон тилларида таржима ва тарғиб қилиниши тарихини синчков ўрганмоғимиз лозим бўлади. Ўтган асрда таниқли олимлардан В.В. Бартольд, Е.Э.Бертельс, В.М.Жирмунский, А.К.Боровков, В.Зоҳидов, Ҳ.Сулаймонов, Ғ.Каримов, Н.Маллаев, А.Ҳайитметов тадқиқотларида Алишер Навоий меросининг жаҳоний шуҳрати ва Ғарб шарқшунослигида ўрганилиш тарихи хусусида айрим маълумотлар берилган бўлса-да, адиб асарларининг жаҳон тилларига қилинган таржималари ва талқинини кенг ёритувчи монографик тадқиқотлар яратилмади. Тарихдан маълумки, XI-XIII асрлар давомида Ғарбий Европа насроний қироллари Рим папаси ҳомийлигида Шарқ мамлакатларига, ислом дунёсига тинимсиз салиб юришлар уюштирганлар. Бу юришлар натижа бермагач, XIII-XIV асрлар мўғул босқинидан фойдаланган европалик насроний сайёҳлар, руҳоний ва миссионерлар Марказий Осиё бўйлаб то Пекинга қадар катта ҳудудда эмин-эркин юришиб, христиан динини тарғиб қилганлар ва буюк аждодларимиз қаламига мансуб нодир китоб ва қўлёзмаларни ўзлари билан олиб кетганлар. Ниҳоят, XIV асрнинг сўнгги чорагида жаҳон майдонига чиққан соҳибқирон Амир Темур шижоати ва зафарли юришлари туфайли 1402 йилда Шарқ ва Ғарб иқлимида тотувлик ўрнатилди, насроний ва мусулмон дунёси ўртасида сулҳ тузилди. Натижада, ислом цивилизацияси салафлари Ибн Сино, Ибн Рушд, ал-Фарғоний, ал-Беруний, ал-Хоразмий ва антик дунё олимлари Платон, Гиппократ, Аристотел, Птолемей асарлари араб ва лотин тилларида ғарб оламига кириб борди. Европанинг Болония, Сорбонна, Кембриж, Оксфорд, Лейден каби йирик университетларида юқоридаги олимлар асарлари асосий дарслик таъриқасида кенг ўрганила бошланди.

Хулоса қилиб айтганда, қадим юнон ва рим ҳамда ислом цивилизацияси таъсирида дастлаб XIV аср Италияда, XV-XVII арслар Испания, Франция, Англия ва Германия каби ғарб мамлакатларида Ренессанс (Уйғониш) маданияти юзага келди ва равнақ топди. Қолаверса, буюк Дантенинг “Илоҳий комедияси”, Макиавеллининг “Ҳукмдор”, Боккаччонинг “Декамерон”, Рабленинг “Гар-

гантюа ва Пантагрюэл”, Сервантеснинг “Дон Кихот”, Марлонинг “Буюк Темур” каби шоҳ асарларида шаркона мавзу ва фалсафа эътироф этилгани фикримизга асосдир. Энг муҳими, бу даврда дастлаб Франция ва Англияда шаркшунослик мактаблари юзага келди.

Масалан, Францияда қирол Людовик XIV (Қуёш қирол – М.Х.) ва унинг бош вазири Колбер замонида илму-фан, адабиёт ва санъат жуда тараққий этади. Шахсан бош вазир Колбер ташаббуси билан Византия, Константинопол, Толедо, Севилия шаҳарларидаги бой кутубхоналар сотиб олиниб, Парижга келтирилади. Дастлаб Қироллик кутубхонаси, кейинчалик Миллий кутубхона номини олган бу масканда XVII асрнинг ўрталарида йирик шарқшунослик мактаби барпо этилди. Шу мактабнинг биринчи қалдирғочлари Бартоломе д’Ербело де Моленвиль (1625-1695) ва Франсуа де Бернье (1620-1688)лар бош вазир Колбер томонидан икки тарафга, биринчиси то Византияга қадар, иккинчиси то Ҳиндистонга қадар бўлган шарқ мамлакатларига сафарбар этилган эдилар. Бу сафар таассуротлари натижаси уларок, Бартоломе д’Ербелонинг “Шарқ кутубхонаси” ва Бернье-нинг “Буюк муғуллар сўнгги давлат тўнтарилиши тарихи” китоблари юзага келди.

Шарқ халқлари ҳаёти, тарихи ва маданиятини кенг ёритувчи Бартоломе д’Ербелонинг “Шарқ кутубхонаси” (La Bibliothèque Orientale) қомусий китоби тез орада нафақат Францияда, балки бутун Европада шуҳрат қозонди. Мазкур қомусда Марказий Осиё халқлари, соҳибқирон Амир Темур ва унинг буюк империяси, Абулқосим Бобур ва Улуғбек давлати ҳақидаги мақолалар билан бир қаторда Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, ал-Ҳоразмий, Ибн Рушд каби буюк Шарқ алломалари ҳаёти ва илмий фаолиятига бағишланган саҳифалар ўқувчини ўзига жалб этади. Ушбу қомусда ўзбек мумтоз адабиётининг йирик сиймолари Алишер Навоий ва Заҳириддин Муҳаммад Бобур ҳаёти ва ижоди хусусида ҳам илк маълумотлар бериб ўтилган эди. Масалан, китобнинг 99 саҳифасидаги “Алишер” (“Alicher”) номли мақолада ҳазрат Навоий тўғрисида қуйидагича таъриф келтирилади: “Алишер, ёки Мир Алишер Навоий деб аташади. Бу ном “Али” ва “Шер” сўзларидан таркиб топгандир... Алишер Хуросонда вазир бўлиб жуда катта обрў-эътибор қозонган. У йирик олим ва ширинсухан шахс бўлган. Ҳирот шаҳрида ўзининг бой кутубхонасини яратган ва унга шогирди тарихчи Хондамирни мутасадди этиб тайинлаган”.

Ёки, қомуснинг 661 саҳифасидаги “Навоий” (“Nevai”) сўзи остида берилган мақолада ушбу сатрларни ўқиймиз: “Навоий, бу Низомиддин Мир Алишернинг таҳаллуси бўлиб, Амир Темур авлодидан бўлган шаҳзода Мирзо Султон Хусайнинг вазири эди. Навоий ҳам туркийда, ҳам форсийда ажойиб шеърлар ёзган. Унинг “Фарҳод ва Ширин”, “Лайли ва Мажнун”, “Саддий Искандарий” ва “Сабъаи сайёр” достонлари бор. Бундан ташқари, у тўртта девон ёзиб қолдирган. Улар “Ғаройиб ус-сиғар”, “Наводир уш-шабоб”, “Бадойеъ ул-васат”, “Фавойид ул-кибар” деб номланиб, болаларга, ўсмирларга, ўрта ёшдаги кишиларга ва кексаларга аталгандир. Навоий 906 ёки 912 ҳижрий йилида вафот этган”.

Бу мақолада француз ўқувчиси илк даъфа ҳазрат Навоий “Хамса”сидаги достонларнинг, шоир қаламига мансуб тўртта девоннинг номи билан танишмоқда. Тўғри, Бартоломе д’Ербело мақоласида “Хамса”нинг биринчи достони “Ҳайрат ул-аброр” ҳамда “Хазойин ул-маоний” девонининг номлари тушиб қолдирилган. Шунингдек, шоир вафотини кўрсатувчи иккинчи сана ҳам нотўғри келтирилган. Юқоридаги камчиликларни ҳисобга олмаганда, Бартоломе д’Ербело қомусидаги ушбу мақолалар Алишер Навоий ижоди билан француз жамоатчилигини XVII асрда илк таништирган манба сифатида қимматлидир.

XVIII асрга келиб Ғарбий Европа, жумладан Францияда филоориентализм (шарқни севиш ва ўрганиш - М.Х.) тенденцияси фан ва маданиятни феодализм тажовузи ва диний жаҳолатдан ҳимоя қилишда муҳим рол ўйнади. Француз маърифатипарвар адиблари Монтескьё ўзининг “Форс номалари” (Lettres persanes), Вольтер “Фалсафий қиссалари” (Contes philosophiques), Дидро “Бевафо жавоҳирлар” (Les Bijoux indiscrets) каби асарларида шарқона сюжетларни асосий мавзу қилиб оладилар. Шарқона сюжетларни ўз қиссалари мазмунига сингдириш анъанаси, айниқса Вольтернинг фалсафий қиссаларида яққол кўзга ташланади. Масалан, шарқ фолклори, мифологияси ва адабиётини яхши билган ёзувчи, ўзининг “Задиг ёки тақдир” (“Zadig ou La Destinèe”) қиссасидаги “Ит ва от” (“Le chien et le cheval”) боби мазмунини табризлик Христофор Арманийнинг ғарбда

машҳур бўлган “Сарандип подшоси уч ўғлининг саргузаштлари” (1557) номли асаридан олгани ўша даврда илмий жамоатчиликка маълум бўлган. Қисса нашр қилингандан сўнг, ҳатто Вольтернинг замондоши, танқидчи Фрерон адибни кўчирмачиликда айбланган ҳам эди. Шарқшунос Е.Э. Бертельснинг ёзишича, Христофор Арманий ҳам ўз китобига бу сюжетни Алишер Навоийнинг “Хамса”сига кирувчи “Сабъаи сайёр” достонидаги ҳикоятдан эркин таржима қилиб олган экан (Бертельс Е.Э. Навои. Опыт творческой биографии.- М.– Л., 1948, с.79)

XVIII аср давомида тарихий манбаларни тўплаш ва шарқ мамлакатларидан олиб келинган ноёб қўлёзмаларнинг ортиб бориши Францияда шарқшунослик илмининг кейинги ривожига катта замин ҳозирлади. Аср охирига келиб, Париж ғарб шарқшунослигининг марказларидан бирига айланади. 1795 йилда бу ерда «Шарқ жонли тиллари мактаби» (“L’Ecole des Langues vivantes orientales”) очилади. 1821 йил “Осиё жамияти” (“La Societe asiatique”) ташкил топади. 1823 йилда эса шу жамиятнинг органи – “Осиё журнали” (“Journale asiatiques”) чоп этила бошлайди. Бу даврда С. де Саси, А.Ж.Клопрот, Э.Катремер, А.Ремюзо, Ф.-А. Белен каби шарқшунос олимлар туркий адабиёт намуналарини ўрганиш ва таржима қилиш билан машғул бўлдилар. Айниқса, улар ўзбек адабиёти салафлари ҳазрат Навоий ва шоҳ Бобур ижодини ўрганишга алоҳида эътибор бердилар. Масалан, таниқли шарқшунос олим Силвестр де Саси (1758-1838) тадқиқотларида Алишер Навоий меросини ўрганишга кенг ўрин берилган. Рус олими М.Никитский ўз магистрлик диссертациясида қайд қилишича С. де Саси Давлатшоҳ Самарқандий ва Сом Мирзо асарларидаги маълумотларга асосланиб туркий халқлар адабиётини яратаркан, Навоий асарларидан ҳам кенг фойдаланган. Айни пайтда ҳазратнинг туркий адабиёт ривожига қўшган ҳиссасини ҳам алоҳида таъқидлаб ўтган. (см.: М.Никитский. Эмир Низамид-дин Алишер в государственном и литературном его значении. СПб., 1856., -с.3).

Алишер Навоий ижодини Францияда тарғиб қилиш ва ўрганишга “Француз коллежи” (“College de France”) нинг профессори Этйен Катремер (1782-1857) катта ҳисса қўшди. Э.Катремер 1841 йил ўзининг “Шаркий турк адабиёти хрестоматияси” (“Chrestomathie en turk orientale”., Paris, 1841) номли китобини нашр эттиради. Мазкур хрестоматиянинг жилдида қуйидаги ёзувларни ўқиймиз: “Шарқий турк адабиёти хрестоматияси. Амир Алишер Навоий асарлари, султон Бобур эсдаликларидан парчалар, “Мерожнома”, “Тазкиратул-авлиё” ва “Бахтиёрнома” китобларидан олинган бобларни ўз ичига олади. Ундаги Алишер Навоий ҳаётига доир мақола, шунингдек китобдаги грамматик, фалсафий ва бошқа изоҳлар Э.Катремер тарафидан ёзилган”.

XIX асрнинг ўрталарига келиб Алишер Навоий ижодини кенг қамровда тадқиқ қилиш, унинг асарларини таржима ва таҳлил этиш француз шарқшунослигида янгича услубга эга бўлди. Бу йилларда француз шарқшуноси Франсуа-Альфонс Белен (1817-1877) ҳазрат Навоий ижодини чуқур ўрганиб, йирик тадқиқотлар яратди. Белен ёшлигида Француз коллежи ва Шарқ жонли тиллар мактабида С. де Саси, Ж.-Ж. Марсел, Э.Катремер каби олимлардан сабоқ олиб, форс, араб ва туркий тилларни ўрганади. У дастлаб қирол саройида таржимон, кейинчалик эса Франциянинг Қоҳирадаги элчихонасида таржимон-котиб, 1852 йилдан эса Константинополдаги элчихонада таржимон-котиб вазифасида ишлайди. 1868 йилдан то умрининг оҳирига қадар шу элчихонанинг бош консули лавозимида ҳизмат қилади.

Франсуа Белен ўзининг Мисрга қилган саёҳати пайтида Навоий “Куллиёт”ини қўлга киритади. Мазкур “Куллиёт” 1649 йил (ҳижрий 1059) да Машҳадда кўчирилган бўлиб, Беленнинг таъқидлашича, у Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган ва 1526 йил (ҳижрий 930-933) Ҳиротда кўчирилган нусхадек мукаммал бўлмаган. Белен Навоийнинг бу икки “Куллиёти”, Хондамир, Шарафиддин Али Яздий, Давлатшоҳ Самарқандий ва Сом Мирзоларнинг Париждаги Миллий кутубхонада сақланаётган асарлари, шунингдек, С. де Саси, Э.Катремер, Ш.Шефер, Б. Де Мейнар каби француз шарқшуносларининг Шарқ халқлари тарихи, маданияти ва адабиётига бағишланган илмий тадқиқотларига таяниб, адиб ижодини ўрганиш ва тадқиқ қилишга киришади.

1861 йил “Осиё журнали”нинг феврал-март ва апрел-май саналарида жаноб Беленнинг “Мир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодидан лавҳалар” (“Notice biographique et litteraires sur Mir Alicher Nevai”) номли биринчи тадқиқоти босилиб чиқади. Мазкур тадқиқот икки қисмдан иборат бўлиб,

биринчи қисмида Навоийнинг ҳаёти ва ижодий фаолияти ҳақида атрофлича фикр юритилган. Иккинчи қисмида эса, мунаққид Навоий "Куллиёт"идаги "Мажолис ун-нафоис" ва "Хамсат ул-мутахаййирин" асарларидан парчалар келтириб уларни француз тилига таржима қилади ва изоҳлар ёзади. Масалан, журналнинг 300-357 саҳифаларидан ўрин олган "Хамсат ул-мутаҳаййирин"нинг французча таржимасига 150 дан ортиқ изоҳ ёзилган. Муаллифнинг таъқидлашича, у таржимани асарнинг Миллий кутубхонада сақланаётган қўлёзмасидан француз тилига ўгирган. Французча таржима матни кўпроқ илмий услуб касб этади. Таржимон асардаги образли иборалар, мақол, матал ва ҳикматларни аслият мазмунига монанд ўгиришга ҳаракат қилган.

Масалан:

Эркакларнинг ўзини кўз-кўз қилиш учун ясаниши –
Хотинларнинг оройиш учун безанишлари кабидир.
Savoir et sagesse sont la parure des homme;
Celle des femmes se trouve dans la grace de leur toilette.

Хуллас, француз олими ўзининг юқоридаги тадқиқотларида Алишер Навоийнинг ўз замонасида тутган мавқеини, унинг шоирлик маҳоратини тўғри баҳолаб, "Навоий туркий тилдан устамонлик билан фойдаланиб, унинг бойлигини фавқулодда кенг қўламда намойиш этиш билан чинакамига ватанправарлик намунасини кўрсатди", дея ёзади. Бироқ, Белен Навоий ижодини, унинг шоҳ асари "Хамса"ни реал баҳолай олмади. Профессор Е.Э.Бертельс таъқидлаганидек, "икки нотўғри фикр Белен томонидан енгил-елпи баён қилинган эди: биринчиси, султон Ҳусайин ва Навоий ўртасидаги дўстликни ҳаддан ортиқ идеаллаштириб кўрсатилиши, иккинчиси шоир ижодининг бутунлигича тақлидчилик тариқасида баҳоланишидир" (Е.Э.Бертельс. Навои. Опыт творческой биографии.-М., 1948. –с.48).

Дарвоқе, Беленнинг ёзишича "Навоий ўз даврининг етук олими ва Хисрав Деҳлавий, Низомий ҳамда Жомийларнинг таржимони эди. Уларга тақлид қилишдан ("imiter"), уларни бадиий ижодда раҳнамо деб билишдан фахрланарди. (M.Belin. Notice biograchique…, p.222). Белен тарафидан айтилган бу хато фикр, таниқли шарқшунос, профессор А.К.Боровков томонидан ҳам танқид қилинди (қаранг: А.К.Боровков. Изучение жизни и творчества Алишера Навои. // Родоначальник узбекской литературы. Ташкент, 1940, с.19-20). Бу камчиликлардан қатъий назар, Белен тадқиқотлари Европа шарқшунослик илмида то XX асрнинг ўрталарига қадар етакчи ўринни эгаллаб келди.

Ҳазрат Навоий меросини ўрганиш ўтган XX асрда ҳам француз шарқшуносларининг диққат-эътиборида бўлди. Масалан, 1900 йилда нашр этилган Ш.Шефернинг «Араб, форс ва туркий тиллардаги қўлёзмалар мажмуаси каталоги» да Алишер Навоий қаламига мансуб асарларнинг 16 та қўлёзма нусхаси келтириб ўтилган (қаранг: Холбеков М. Парижнинг Миллий кутубхонасида сақланаётган шарқ қўлёзмалари каталоги. //Ўзбек тили ва адабиёти, 1985. 5-сон.) бўлса. Э.Блошенинг «Миллий кутубхонада сақланаётган туркий қўлёзмалар каталоги» («Les enluminures de manuscrit orientaux de la Bibliotheque Nationale». Paris, 1926)да эса адиб асарларининг 35 та қўлёзма нусхаси тавсиф этилади. Э.Блоше ҳам Навоий ижодини баҳолашда Белен фикрига таяниб, адибни форс-тожик адабиётининг тақлидчиси, деган тўхтамга келади. Бу даврда ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганиш билан шарқшунос Люсйен Бува (1872-1942) ҳам жиддий шуғулланди. У 1902 йил Парижда бўлиб ўтган шарқшунослар анжуманида Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асарининг янги топилган қўлёзмаси хусусида маъруза қилади. 1926 йил «Осиё журнали» да унинг «Темурийлар даври маданияти ҳақида рисола» («Essai sur la Civilisation Timouride») номли тадқиқоти босилиб чиқади. Люсйен Бува ушбу тадқиқотида темурийлар даври фани, маданияти, санъати ва адабиётига тўхталиб ўтаркан, бу даврда яшаб ижод қилган форс-тожик ва туркийгўй шоирлар ижодини ёритишга ҳам ҳаракат қилган. Масалан, ҳазрат Навоий Бува таърифида ҳам олий унвонлару, мансабга интилмаган камтарин ҳамда ватанпарвар шахс қиёфасида талқин этилади. Шунингдек, шоир ўз устозлари Хисрав Деҳлавий,

Низомий Ганжавий ва Абдураҳмон Жомийлар салоҳиятини ҳурмат қилгани, ўзининг «Мажолис ун-нафоис» асарида улар ижодига юксак баҳо бериб ўтганлиги француз шарқшуносининг назаридан четда қолмаган. Афсус, Бува ҳам ҳазрат Навоий ижодига, асарларининг ғоявий-бадиий қимматига тўғри баҳо беролмади. У Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини Носир Хисравнинг «Саодатнома», «Лисонут-тайр»ни Фаридиддин Атторнинг «Мантиқут-тайр» асарларининг тақлиди ва таржимаси, «Ҳайрат ул-аброр»ни эса турли форсий манбалардан олинган мажмуадир, дея исботлашга уринди. Люсйен Бува ушбу рисоласини ҳеч ўзгаришсиз 1927 йил нашр эттирган «Мўғул империяси» («Histoire du monde. Tome VIII. L'Impire Mongol. - Paris,1927») номли монографиясига хам киритади. Академик В.В.Бартольд бу китобга ёзган тақризида, Бувaнинг Темур ва темурийлар сулоласи тарихини ёритишда илмий ёндошмаганини, фақат Мирхонд, Хондамир, Давлатшоҳ Самарқандий, Навоий ва Бобур асарларигагина таяниб қолганини, оқибатда Султон Ҳусайн ҳукмронлиги ҳақида ҳам, Мир Алишер Навоий мероси хусусида ҳам маълум бир тўлақонли тасаввур бера олмаганини танқид қилиб ўтади. (Қаранг: В.В.Бартольд.Сочинение. Том 9, с.557-560).

Француз адабиётшунослигида Алишер Навоий ижодига ҳаққоний баҳони машҳур адиб Луи Арагон (Louis Aragon. 1897-1982) бериб ўтди. У ўзининг 1955 йил нашр қилинган «Совет адабиёти» («Lettres sovietiques») монографиясида собиқ Иттифоқ халқлари адабиёти хусусида фикр юритаркан, ҳар бир ёзувчи фаолиятини ўз халқи тарихи ва маданияти билан бевосита талқин қилишга уринади. Таниқли француз адабиётшуноси Жан Фревиль сўзи билан айтганда, Арагон «бу китоби билан французларга ҳали маълум бўлмаган бир қатор миллат ва элатлар маданиятига эшик очиб берган эди». Масалан, китобнинг 95-97 бетларидан ўрин олган «Навоий» номли боб қуйидаги сатрлар билан бошланади: «Ўзбекистон ҳақида сўз юритганда, бу ўлканинг Алишер Навоий ватани экани беихтиёр ёдимизга тушади. Бугун, бу Республика пахта макони, пойтахти Тошкент боғу-роғларга бурканган шаҳардир» (қаранг.: Л.Арагон. Навоий. М.Холбеков тарж. // Шарқ юлдузи, 1987. 4-сон).

Луи Арагон Навоий яшаган даврда Марказий Осиё худудида ҳали темурийлар сулоласи ҳукмронлик қилгани, Самарқанд ва Ҳирот каби шахарларда илму-фан тараққий этиб, шоир улардан баҳраманд бўлганлигини таъкидлаб ўтади. Арагон ҳазрат Навоий ҳаёти ва ижоди хақида аниқ маълумотларни келтираркан, рисоласини ёзишда профессор Е.Э.Бертельс, М.Ойбек ва Ғафур Ғуломнинг шоир ҳақидаги мақолаларидан фойдаланганини ҳам қайд этиб ўтган.

«Навоий, - ёзади Л.Арагон, - Саъдий ва Аттор шеърияти, айниқса, XII асрда яшаб ижод қилган озарбайжон шоири Низомий Ганжавий изидан бориб, унинг «Хамса»си анъаналарини давом эттиради. Айнан шу ҳодиса француз ўрта аср адабиёти (Крumйен де Труа) дан то Ренессанс даври (Пйер Ронсар)гача бўлган адиблар ижидида ҳам кечган эди». Арагон китобида Навоий ижоди ҳақидаги фикрини давом эттираркан, яна ёзади: «Навоий ўзининг «Фарҳод ва Ширин» достонидаги мазмунни Низомийнинг «Хисрав ва Ширин» достони сюжетидан олади. Бироқ, адиб уни ўз она тилида – туркийда битади. Туркий тилнинг нозик хислатларини унда намоён этади». Рисола давомида муаллиф Навоийнинг соф туркийда оригинал асарлар яратганлигини яна бир карра тасдиқлаш ва ўз ўқувчисига етказиш мақсадида «Фарҳод ва Ширин» достонидаги ушбу сатрлар билан бошланувчи шеърий парчани французча таржимада келтириб ҳам ўтади.

Деёлмасманки Хисрав ёки Низомий,
Ва ё назм аҳлининг сархайли Жомий…
Moi je ne şuis ni Khosrov,ni Nizami le sâge,
Ni le cheikn des poetes d'aujour d'hui, Djami...

Луи Арагон Навоий ҳазратларининг давлат арбоби, маданият ҳомийси сифатидаги муҳим тарихий хизматларини ҳам алоҳида таъкидлаган. Масалан, унинг вазирлик лавозимида эл-юрт фаровонлиги, халқ осойишталиги йўлидаги фаолиятига қуйидагича таъриф беради: «Навоий вазир лавозимида халқпарвар фуқаронинг истаги ва талабини қондиришга интилган шахс эди. Тўғри, уни

том маънодаги демократ шахс бўлган дея олмасак-да, бироқ у замонасининг прогрессив кишиси бўлган ва илмни, шеъриятни, санъатни жуда қадрлаган. Шу хислатлари билан, у Ренессанс зиёлиларига жуда яқин турган эди». Дарҳақиқат, Ренессанс даври Ғарб зиёлилари ва адабиёт дарғалари ҳам ўз дунёқараши билан демократик идеалларга яқин бўлган, улар ижодида замонасининг энг илғор ғоялари тараннум этилган. Академик В.М.Жирмунский таърифлаганидек, айниқса Навоийнинг «Фарҳод ва Ширин» достони шоир дунёқарашининг асосий интилишлари бўйича Ренессансга яқинлигини ўзида тўлароқ акс эттиради. Унда Навоий Ренессанс давридаги одамнинг гуманистик идеалларини гавдалантирган эди». (В.М.Жирмунский. Сравнительное литературоведение. Запад и Восток.-Л.: Наука, 1979.-с.179). Олимнинг бу сўзлари ёзувчи Арагоннинг юқоридаги фикрини яна бир бор тасдиқлайди.

Француз адиби Луи Арагон таъкидлаганидек, ҳазрат Навоий адабий мероси асрлар оша халқлар қалбида яшаб келди ва яшамоқда. «Бугунги кунда, – деб ёзади адиб рисоласи давомида, – Чирчиқдан тортиб то Самарқанд ва Бухорагача, Хоразм ва Аму бўйларида, пахтазор ва боғу-роғларга бурканган Фарғона водийсида ҳам Алишер Навоийнинг номи ҳурмат ила тилга олинади. Навоий Пушкин ва Шевченко, Низомий ва Руставели каби буюк классиклар қаторида туради, унинг асарлари «Калевала» ва «Игорь жангномаси» достонларидек севиб ўқилади. Замонамизнинг машҳур шоирлари, чилилик Неруда, прагалик Незвал, испаниялик Альберти, кубалик Гильен, филадельфиялик Лоуэнфеллс ва турк Нозим Ҳикмат бугун Навоий ижодига таъзим қиладилар».

Луи Арагон кейинчалик ҳам ўз ижодида Шарқ халқлари адабиётига, жумладан Низомий, Деҳлавий, Ҳофиз, Жомий ва Навоий ижодига ҳурмат билан қаради, айниқса ўз шеъриятида улар асарларидаги шарқона анъаналардан фойдаланишга ҳаракат қилди. Масалан, шоирнинг 1963 йилда босилиб чиққан «Мажнун Эльза» («Le Fou d'Elsa. Poemes». – Paris, 1963) мажмуасига кирган шерларида шарқона поэтик тасвирнинг французча матн мазмунига нақадар уйғунлашиб кетганини кузатамиз. Арагон ушбу китобидаги лирик қаҳрамон Эльзани (рафиқаси шоира Эльза Триоле. 1896-1970) шарқ классиклари қаламига мансуб «Лайли ва Мажнун» достонларидаги Қайснинг севгилиси Лайлига ўхшатаркан, ўз ишқига муносиб сохибжамол париваш қиёфасида тасвирлашга харакат қилади.

Дарҳақиқат, Арагон «Мажнун Эльза» китобини ёзаётганида Шарқнинг қайси шоирларидан илҳом олганини, қандай манбалардан фойдаланганини ҳам ўқувчига эслатиб ўтган. Китобнинг охиридан ўрин олган «Изоҳлар»да араб, форс ва туркий атамаларга ҳамда шарқ классиклари номларига тушунтириш бериб ўтаркан, 445 саҳифада Алишер Навоийга берилган библиографик таъриф ҳам аҳамиятлидир. «Навоий – шоир ва давлат арбоби (Мир Алишер 1441-1501). Ҳиротда темурийлар саройининг хизматчиси оиласида таваллуд топган. У ёшлигидан саройдаги шаҳзодаларнинг (Ҳусайн Бойқаро.-М.Х.) бири билан дўст тутинган. Бу шаҳзода тахтга ўтиргач, 1472 йилда Навоийга амирлик мансабини берган…Алишер, Фоний тахаллусида форсий шерлар ҳам битган. Бироқ туркий тилда у ўзининг энг сара асарларин яратган. «Фарҳод ва Ширин» достони шоирнинг энг машҳур асари ҳисобланади. Навоий сўфий шоир Фаридиддин Атторнинг «Мантиқ ут-тайр» асарига жавобон ўзининг «Лисон ут-тайр» достонини ёзган».

Машҳур француз адиби Луи Арагоннинг Алишер Навоий ижодига бу қадар кенг тўхталиб, унга ҳаққоний баҳо бериши, шоир меросининг жаҳон адабиётида тутган юксак мавқеини белгилашда муҳим аҳамият касб этиши муқаррардир.

Ҳазрат Навоий мероси билан фарангизабон ўқувчиларни яқиндан таништиришда XX аср француз қомусларининг ҳам ўрни бор. Масалан, 1960-1964 йилларада чоп қилинган ўн жилдлик «Катта Ларусс қомуси» (Grand Larousse Encyclophédique)нинг еттинчи китобидаги «Навоий» (Мир –Али-Шер) номли мақолада ушбу сатрларни ўқиймиз: «Навоий – турк ва форс шоиридир. У 1440 йилда Ҳиротда туғилган ва 1501 йилда ўша ерда вафот этган. Билим олиб, камолатга етгандан сўнг, 1468 йил Ҳирот (ўша даврда илм-фан ва адабиёт маскани) султони вазири, сўнгра Астробод ҳокими лавозимларида хизмат қилган. 1488 йилда амалдорликни тарк этиб, қолган умрини бадиий ижодга бағишлади, туркий тилдаги адабиётнинг юксалишига раҳномалик қилди, халқ ободончилигини кўзлаб иншоотлар қурдирди ва эл-юртнинг ҳурмат эътиборини қозонди». Мазкур мақола қуйидаги жумла билан якунланади: «У туркийда Навоий, форсийда Фоний тахаллуслари билан ижод қилди

ва ўттизга яқин шеърий ҳамда насрий асарлар ёзиб қолдирди». Бироқ қомусда берилган юқоридаги маълумотлар ўқувчига Навоий ижоди ҳақида тўлиқ тушунча беради деб айтолмаймиз. Бунга сабаб, қомусдаги мақолада адиб меросининг асосини ташкил қилувчи «Хамса»га кирган достонлар ва «Хазойин ул-маоний» девони сингари йирик асарлар умуман тилга олинмаган.

Ўтган аср француз адабиётшунослигида яратилган нуфузли манбалардан бири ҳисобланган уч жилдлик «Адабиёт қомуси» («Dictionnaire des litteratures».-Paris, 1968) нинг иккинчи жилдидаги «Навоий (Али-шер,1540-1600)» мақоласи ҳам диққатимизни ўзига жалб этади. Мақолада қуйидагиларни ўқиймиз: «Навоий чиғатой (туркий) тилида «Фарход ва Ширин», «Лайли ва Мажнун» достонларини, туркийгўй шоирлар таржимаи ҳолини ёритувчи «Мажолис ун-нафоис» асарини ёзди. «Мезон ул-авзон» асарида туркий тилда шеър битишнинг қонун-қоидалари хусусида баҳс юритади. Машҳур «Муҳокамат ул-луғатайн» да эса туркий тилнинг бебаҳо бойлиги ва ширинзабонлигини исботлаб берди». Ушбу маълумотлардан кўринадики, «Адабиёт қомуси» даги бу мақола «Катта Ларусс луғати» да берилган мақолага қараганда Алишер Навоий мероси ҳақида бирмунча кенг тасаввур беради. Бироқ мақолада адиб таваллуди ва вафотини билдирувчи саналар нотўғри берилган, шунингдек шоир қаламига мансуб «Хамса»даги «Хайрат ул-аброр», «Сабъаи сайёр», «Садди Искандарий» достонлари, «Хазойин ул-маоний» девони хусусида ҳеч нарса дейилмаган.

Учинчи яна бир эътиборли манба, бу таниқли француз олими Ремон Кено муҳаррирлигида нашр қилинган икки жилдлик «Плеяда қомуси» («Encyclopédie de la Pléiade. Histoire des Littératures». - Paris, 1956.) бўлиб, унинг биринчи жилдидаги таниқли адабиётшунос М.Тальбо қаламига мансуб «Туркий халқлар адабиёти» бобида Алишер Навоий ижодига анча кенг ўрин берилган. М. Тальбо мақолани ёзишда ўз ватандошлари Ф.-А. Белен ва Л. Бува тадқиқотларидан фойдалангани сезилиб туради. Чунки, у келтирган маълумот ва таърифлар юқоридаги муаллифлар айтиб ўтган фикрларга жуда яқин. Мақолани ўқиб борар эканмиз, ҳатто баъзи ўринларда муаллиф Л.Бува айтган нотўғри фикрларни хам тўғридан-тўғри кўчириб олганининг шоҳиди бўламиз. Бир ўринда у ёзади: «Навоий форсийда битилган диний-мистик асарларидан таржима қилди ва уларга тақлидан ўз асарларини ёзди. Масалан, унинг «Маҳбуб ул-қулуб» асарини бунга мисол қилиб келтириш мумкин". Бундан шу хулоса келиб чиқадику, яъни ўтган асрда хам француз олимлари Навоий ижодини изчил ўрганмасдан, балки олдинги айтилган нотўғри фикрларни ўз ишларида такрорладилар.

Шоҳиди бўлганимиз, юқоридаги қомусларда Алишер Навоий ижодига доир мақолаларнинг берилиши адиб номини француз китобхонига танитса-да, бироқ улардаги маълумотларнинг ўта камсуқумлиги ва баъзан мавҳумлиги буюк мутаффакир мероси хусусида ўқувчига тўлиқ тушунча беришга ожизлик қилади.

Ўтган асрнинг сўнги йилларида, франциялик ижодкорларнинг ҳам ҳазрат Навоий меросига, умуман ўзбек шеъриятига бўлган қизиқиши ортди. Шу ўринда Парижда чиқадиган эътиборли журналлардан бири «Action poètique» («Шеърий ҳаракат»)нинг бу борадаги фаолиятини алоҳида таърифлаб ўтмоқ жоиздир. 1989 – 1990 йиллар ушбу журнал ўзининг икки сонини ўзбек шеъриятига бағишлади. 1990 йил журналнинг «Ўзбек ғазали» (Action poétique: Ghazale ouzbeks. - Paris, 1990, n121) сарлавҳаси остида махсус сони босилиб чиқди. Ушбу мажмуада ўзбек мумтоз шеъриятининг ғазалнавис шоирлари Хожа Аҳмад Яссавий, Лутфий, Ҳусайний, Алишер Навоий, Заҳириддин Бобур, Бобораҳим Машраб, Нодирабегим, Огаҳий, Увайсий, Фазлий ва Маҳзуна ижодидан намуналар берилганди. Ғазалларни француз тилига қилинган тагламадан талантли шоир Жан-Пйер Балп юксак маҳорат билан ўгирган. Масалан, ҳазрат Навоийнинг «Қаро кўзим» радифли ғазалининг биринчи тўртлигини таржима билан солиштирганимизда бунга амин бўламиз.

Қаро кўзим, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Régard noir, pénètre moi, deviens prunelle et dans
Le noir de mes yeux, comme les hommes, installe-toi.

Француз шоири Жан-Пйер Балп ҳазрат Навоий шеъриятидан ўгирган таржималари мундарижасини яна кенгайтириб, шоир таваллудининг 550- йиллик юбилейига катта совға тайёрлади. Париждаги нуфузли нашриётлардан саналмиш «Ла Диферанс» китоб уйи 1991 йил Навоий шеърияти мажмуасини «Ғазаллар ва бошқа поэмалар» (Alicher Navoi. Gazels et autres poemes. - Paris: Orphée / La Différence, 1991-127 p.) номи остида чоп этди. Энг муҳими, тўплам матни икки тилда, яъни аслият (араб имлосида) ва французча таржималар билан ёнма-ён берилган. Бу француз ўқувчисига ҳазрат Навоий шеъриятини бир пайтнинг ўзида ҳам аслида, ҳам таржимада ўқиш имконини яратган.

Ватанимиз Ўзбекистон ўз мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг унинг Франция билан алоқалари барча жабҳаларда кенг ривожлангани каби адабиёт ва санъат соҳасида ҳам янги поғоналарга кўтарилди. Франциялик олимлар ва ноширлар йирик қомусларда Алишер Навоий мероси талқинига кенг ўрин бермоқдалар. Шу ўринда, франциялик таниқли тилшунос олим, бир неча йил Тошкентдаги Марказий Осиёни ўрганиш француз институтининг директори доктор Реми Дорнинг хизматини алоҳида таъкидлаб ўтмоқ лозимдир. Доктор Реми Дор нафақат Францияда, балки дунёда Луи Базен, Жан-Поль Ру, Бакье-Граммон қаторида танилган, туркий тиллар бўйича йирик тадқиқотлар яратган олимдир. Унинг Ватанимизда яшаб, ўзбек тили ва маданияти тарихига бағишланган қатор тадқиқотлар яратгани мақтовга лойиқдир. Бевосита олим раҳбарлигида «Французча-ўзбекча» ва «Ўзбекча-французча» луғатлар нашр қилинди. У ҳазрат Навоий меросини, жумладан шоирнинг «Муфрадот» рисоласини чуқур таҳлил ва таржима қилиб, муаммо жанрининг ечимига бағишланган «Алишер Навоий муаммолари» номли тадқиқотини нашр эттирди. Олимнинг бу монографияси француз шарқшунослик илмининг охирги ютуқларидан биридир. (Қаранг.: "Lenigme du Nom Propres. Muammo: Logogriphes de Mir Alisher Navoiy traduit par Rémy Dor. IFEAC, 2006. 150 p.)

Шундай қилиб, француз шарқшунослиги ва адабиётшунослиги ҳазрат Навоий меъросини ўрганиш соҳасида ўз тарихий ва илмий анъаналарига эга бўлган йирик мактаб ҳисобланади, десак хато бўлмайди. Бу мактаб тарихи ва яратган тадқиқотларини атрофлича ўрганиб, тадқиқ қилмоқ йирик монографик мавзуни талаб этади.

НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ЖАҲОН ТИЛЛАРИГА ТАРЖИМАЛАРИ

Эргаш ОЧИЛОВ
(ТДЎТАУ)

Юксак санъат намуналари ҳеч қачон фақат уни яратган халққагина тегишли бўлиб қолмайди, улардан бутун дунёдаги илму адаб аҳли баҳраманд бўлади. Ҳомер, Умар Хайём, Ҳофиз Шерозий, Данте, Шекспир, Бальзак, Толстой, Байрон, Ҳёте каби даҳо сўз санъаткорлари бутун инсоният адибларига айланганлари бежиз эмас. Зеро, дунёвий миқёсда фикрлаган, бани башар муаммоларини кўтариб чиққан, азалий ва абадий мавзуларни маҳорат ва ҳассослик билан қаламга олган шоиру ёзувчилар ўз-ўзидан бутун инсониятга дахлдордирлар, улар яратган дурдона асарлар эса жаҳон адабиётининг ёрқин саҳифаларини ташкил этади.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди ва мумтоз адабиётимизнинг гўзал намуналари ҳам асрлар давомида турли тилларга таржима қилиниб, улардан бошқа халқлар ҳам баҳраманд бўлиб келганлар. Ғарб оламида Шарққа қизиқишнинг кучайиши, Европа адабиётида шарқона мотивларнинг туғилиши ва ривожланишида форс ва ҳинд адабиёти билан бир қаторда, ўзбек адабиётининг ҳам ҳиссаси йўқ эмас. Абу Наср Форобий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино каби алломаларимизнинг қомусий йўналишдаги асарлари таркибида келган адабий парчаларни ҳисобга олсак, ўзбек адабиёти намуналари XII–XIII асрлардаёқ турли тилларга таржима қилинганлигига гувоҳ бўламиз.

Алишер Навоий асарларини таржима қилишга эҳтиёж XVI асрдаёқ бошланган эди. Шоирнинг ҳам туркий, ҳам форсий адабиёт учун бирдай аҳамиятга эга бўлган адабиётшуносликка оид асари – "Мажолис ун-нафоис" тазкираси унинг вафотидан кўп ўтмай бир вақтнинг ўзида икки шаҳарда форс тилига таржима қилинади – 1521–1522 йилларда Султон Муҳаммад Фахрий Ҳиротий Ҳиротда,

1522–1523 йилларда Муҳаммад Ҳакимшоҳ Қазвиний Қазвинда бу ишни амалга оширадилар. Орадан яна ярим аср ўтгач, XVI асрнинг 70-йилларида Шоҳ Али бин Абдул Али “Мажолис ун-нафоис”ни яна форсийга ўгиради. Ҳиндистонлик Абдулбоқи Шариф Разавий бу асарни тўртинчи марта таржима қилади. Мирзо Алибахт Азфарий эса “Маҳбуб ул-қулуб” асарини форсчага таржима қилган.

Бурса шаҳри ҳокими Фанорий Жалолиддин Муҳаммадшоҳ Навоийнинг “Хамса”си билан танишиб қолиб, шоир Ломеъийдан “Фарҳод ва Ширин” достонини усмонли турк тилида ифодалаб беришни сўрайди. Натижада, XVI асрда усмонли турк шоири Ломеъийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони дунёга келади. Навоий достони асосида яратилганлигининг ўзи унинг таржима эканлигини кўрсатиб турибди. “Лекин бу таржималар ҳозир биз тушунган маънодаги таржималар бўлмай, балки ўзига хос назира-таржималар эди” [11, 2]. Шунинг учун Ломеъий асарига ҳам илмда икки хил муносабат мавжуд: баъзилар уни таржима деб қарасалар, бошқалар назира сифатида баҳолайдилар.

Алишер Навоийнинг дурдона асарлари секин-аста туркий ва форсий халқлар яшайдиган Шарқ минтақасидан ошиб, Ғарб мамлакатлари сарҳадларини ҳам забт эта бошлади. Агар мутафаккир шоир асарларини Шарқ тилларига таржима қилиш XVI асрнинг биринчи чорагидаёқ бошланган бўлса, уларнинг Ғарб тилларига таржималари шу асрнинг иккинчи ярмидаёқ амалга оширилди. Гап шундаки, 1557 йили Венецияда “Шоҳ Сарандипнинг уч навқирон ўғлонларининг қандай қилиб зиёратга борғони. Жаноб Христофор Арманий итальян тилига ўгирган” деган китоб босилиб чиқади. Бу нашр ўқувчиларда катта қизиқиш уйғотиб, 1584, 1611, 1622 ва 1628 йилларда қайта-қайта чоп этилади. 1583 йили у немис тилига ўгирилиб, “Сарандип шоҳи Жаъфарнинг уч ўғлони бошидан кечирган янги ҳайратомуз саргузаштларнинг биринчи қисми ғоят нафосат ва фасоҳат билан ҳикоя қилинмиш, эндиликда Базель шаҳрининг фуқароси Иоганн Ветцель томонидан итальян тилидан немисчага янгидан таржима қилинмиш” номи остида Базель шаҳрида босилиб чиқади. 1599 йили бу таржима қайта босилади, 1630 ва 1723 йиллари эса Лейпцигда яна чоп этилади. Бирин-кетин бу китобнинг французча (1719), голландча (1766), инглизча (1722) таржималари пайдо бўлади. Шу тариқа, 1557–1828 йиллар мобайнида у Европанинг турли тилларида жами 15 марта нашр қилинади. Е.Э.Бертельс бу таржиманинг Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достонидан олинган бир ҳикоят эканлигини исботлаб берди. Таржима муаллифи Христофор Арманий Эрон Озарбайжонидаги Табриз шаҳридан бўлиб, унинг туркий тилни ҳам билиши ва туркий манбалардан ҳам фойдаланган бўлишини тахмин қилиш мумкин.

XVII аср грузин шоири Нодар Цицишвилининг “Баҳромгуриани” достони ҳам Низомийнинг “Ҳафт пайкар”идан кўра Навоийнинг “Сабъаи сайёр”ига кўпроқ ўхшаши тадқиқотчилар томонидан исботланган. Умуман, Е.Э.Бертельснинг таъкидлашича, Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони Хусрав Деҳлавийнинг “Ҳашт биҳишт”и билан бирга XVI асрдан бошлаб Европа ўқувчиларига етиб борган ва машҳур бўлган дастлабки Шарқ адабиёти намуналаридан ҳисобланади.

Навоийнинг Европада илк марта тилга олиниши эса 1697 йилга оиддир (Францияда нашр этилган Европадаги биринчи энциклопедияда). Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг инглиз ва немис тилларига таржима қилинган “Бобурнома” асари орқали эса европаликлар Навоий ҳақида тўлароқ тасаввурга эга бўлдилар.

1841 йилда М.Катремернинг “Шарқ адабиёти хрестоматияси” чоп этилиши билан Навоий Францияда танила бошлади. Улуғ ўзбек шоирининг “Муҳокамат ул-луғатайн” ва “Тарихи мулуки Ажам” асарлари мазкур хрестоматиядан жой олади. “Венгер туркшунос олими ва сайёҳи Вамбери (1832–1913) 1863 йили Эрон орқали Ўрта Осиёга саёҳат қилди. Юртига қайтгач, ўз тадқиқотларини жамлаб, “Ўрта Осиё очерклари” китобини ёзди. У китобнинг “Ўрта Осиё адабиёти” бобида Низомий, Навоий, Фузулий ва Машраб ғазалларидан таржималар келтирган” [2, 8–9].

Маълум бўладики, Алишер Навоий асарларининг Ғарб тилларига таржималари 400 йилдан ортиқ тарихга эга.

Афсуски, Ғарбий Европа шарқшунослари М.Белен, Паве де Куртейль, Э.Блоше ва бошқалар Навоий шеъриятини чуқур илмий асосда тадқиқ этмадилар ва буюк шоирни “тақлидчи ва таржимон” ҳисоблаб, унинг адабий меросига тўғри баҳо бера олмадилар. Улар Навоий асарларининг қўлёзмаларини тавсиф этиш билан кифояландилар, холос.

“Ўзбек адабиётининг асосчиси Алишер Навоий номининг рус матбуотида биринчи маротаба тилга олиниши А.С.Пушкин яшаган даврга тўғри келади. 1835 йилда рус шарқшуноси Павел Степанович Савельев “Энциклопедик лексикон”нинг 1-жилдига киритилган “Алишер” сарлавҳали мақолани ёзади. Рус олими ўз билимлари билан “яккаю ягона Алишер” олдида қарздор бўлган Хондамирнинг хотираларидан айрим парчаларни таржима қилади” [6,6–7]. М.Никитскийнинг 1856 йилда Петербург университетининг шарқ тиллари факультетида ёқлаган “Амир Низомиддин Алишернинг давлат ва адабиёт борасидаги аҳамияти” деган магистрлик диссертацияси буюк ўзбек шоирининг номини илмий оммалаштириш ишида олға ташланган одим бўлган эди. 1857 йилда “Бобурнома” матнини нашр этган рус шарқшуноси Н.И.Ильминскийнинг фикрига кўра, Навоий “она тили учун қарийб яккаю ягона ёхуд жилла бўлмаса қудратли курашчи эди”. Турколог И.Н.Березин ўша йилнинг ўзидаёқ “Турк хрестоматияси”нинг 1-жилдига “Мажолис ун-нафоис”, “Маҳбуб ул-қулуб”дан парчаларни ва Навоийнинг бошқа шеърларини киритади. Л.М.Лазерев Навоий девонидан олинган ғазалларни 1866 йилда “Турк тили хрестоматияси”да чоп этади. Шундан бир йил кейин, 1868 йилда шарқшунос В.В.Вельяминов-Зернов XVIII асрнинг биринчи ярмида Туркияда Навоий асарлари асосида номаълум муаллиф томонидан тузилган “Абушқа” луғатининг матнини нашр этади [6,7–8].

XX асрда асарларининг тизимли равишда рус тилига ва Иттифоқ халқлари тилларига таржима қилиниши туфайли шоир номи янада машҳур бўлиб кетди. 1941 йили Навоий таваллудининг 500 йиллигини Иттифоқ миқёсида кенг тантана қилиш ҳақида қарор қабул қилиниб, шоир ҳаёти ва ижоди тадқиқи, асарларининг нашри ва таржимаси бўйича катта ишлар бошлаб юборилади. Лекин кутилмаганда юз берган Иккинчи жаҳон уруши туфайли бу юбилей ортга сурилиб, 1948 йили ўтказилади. 1968 йили унинг 525 йиллиги катта тантана қилинади. Шу муносабат билан 1968–1970 йилларда рус тилида Навоийнинг 10 жилдлик “Танланган асарлар”и босилиб чиқди (Бунгача ҳам шоирнинг бир неча алоҳида тўпламлари рус тилида нашр қилинган эди). Н.Ф.Лебедев, В.А.Рождественский, М.Салье, С.Иванов, Н.Ушаков, Н.Панов, Л.Пеньковский, В.Державин, С.Липкин, М.Лозинский каби таржимонларнинг бу борадаги хизматлари беқиёс. Л.Васильев яқинда “Фарҳод ва Ширин” достонининг шўро даврида қисқартириб кетилган бобларини таржима қилиб, унинг рус тилидаги тўлиқ таржимасини чоп эттирди.

Микола Бажан 1947 йили “Фарҳод ва Ширин” достонини украин тилига таржима қилган. 2014 йили Борис Чип бу таржимадан тушириб қолдирилган 13 та бобни таржима қилиб, унинг тўлиқ нашрини амалга оширди [18,132].

“Альфред Курелла ўзбек классик адабиётининг йирик намояндаси ижодига мурожаат этиб, шоир куйлаган халқ ва юртни бутун қалби билан севиб қолди. У Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонидан парчалар таржима қилиб, “Совет литератур”нинг 1946 йил 1-сонида, худди шу йили “Нойе Вельт” (“Янги дунё”) журналининг 15-сонида “Йилнинг тўрт фасли” номи билан эълон қилган...” [5,125–126]. У “Буюк шоирнинг қайта кашф этилиши” мақоласида Ҳ.Вамберидан кейин Ғарб адабиётшунослигидаги “Навоий – форс адабиётининг тақлидчиси” деган қарашларга нуқта қўйганлардан бири бўлди.

М.Аминзода “Фарҳод ва Ширин”ни (Р.Жалил билан ҳамкорликда) 1948 йили тожик тилига таржима қилади. Ж.Қувноқ эса 1999 йилда “Лайли ва Мажнун”ни бу тилга ўгирди. Эрон олими ва таржимони Муҳаммад Нахчивани “Хамса”ни форс тилига ўтказгани ҳақида ҳам маълумотлар мавжуд [1,101]. “Девони Фоний”нинг тўлиқ бўлмаган нусхаси ҳам биринчи марта Эрон олима Ҳумоюнфаррух Фурўзонфар томонидан 1963 йили Теҳронда чоп этилган. Навоий таваллудининг 525 йиллиги муносабати билан 1967 йили Кобулда Муҳаммад Ёқуб Воҳидий томонидан “Амир Алишер Навоий-Фоний” номли китоб нашр этилган. Унинг биринчи қисмида Афғонистон олимларининг Навоий ҳақидаги дарий ва пушту тилларидаги мақолалари ва шоир асарларининг турли мамлакатларда сақланаётган қўлёзмалари ҳақида маълумотлар берилган бўлса, иккинчи қисмида форсий ва туркий ижодидан намуналар келтирилган. Жумладан, қатор форсий ғазал ва рубоийлари, “Туҳфат ул-афкор” қасидаси, ўзбек тилидаги асарларидан эса парчалар таржимаси берилган.

Ўтмишда Навоий асарларини туркий халқлар аслиятда ўқиган бўлсалар, ўтган асрдан бошлаб улар қардош тилларга ҳам табдил ва таржима қилина бошлади.

Туркияда шоир асарлари XV–XVI асрдаёқ кенг тарқалган. Турк шоирлари ундан илҳомланганлар, асарларига назира ва татаббулар қилганлар. Ю.Четиндоғнинг маълумот беришича, XV–XVI асрларнинг ўзида 70 га яқин шоир Навоийга назиралар ёзишган. Масалан, Аҳмад Пошо унинг 33 та ғазалига назира битган. 35 га яқин шоир бевосита унга издошлик қилган. "Тарихи мулуки Ажам" асари Фаноий томонидан туркчага таржима қилиниб, 1792 йили Венада чоп этилган. XX асрда эса шоир ҳаёти ва ижоди ҳақида тадқиқотлар олиб бориб, асарларини нашрга тайёрлаганлар [17,121–139]. Аср бошидаёқ "Муҳокамат ул-луғатайн" турк тилига таржима қилинган [7,354]. Г.Алпай "Ғаройиб ус-сиғар" девони, М.Жонпўлат "Лисон ут-тайр" достони, Д.Абик "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Тарихи мулуки Ажам", "Муншаот" асарларининг танқидий матнини тайёрлаганлар. 1941 йилда "Муҳокамат ул-луғатайн" асари чоп этилиб, шоир асарлари мунтазам босилиб туради ва 2006 йилгача унинг барча асарлари нашр қилинган. Фуод Кўпрули "Алишер Навоий", Али Ниҳод Тарлан "Алишер Навоий ҳаёти ва асарлари", Огоҳ Сирри Лаванд "Алишер Навоий: ҳаёти, санъати ва шахсияти", Юсуф Четиндоғ "Алишер Навоий", "Алишер Навоий ва усмонли шеърияти" каби салмоқли тадқиқотлар яратдилар. Жумладан, Кўпрули Навоий "фақатгина Ўрта Осиё туркийларининг, яъни ўзбек адабиётининг буюк шоири бўлибгина қолмаган, асарларини юз йиллардан бери турк дунёсининг ҳар тарафида, Онадўли ва Рум элида, Озарбайжонда, Эронда, Ироқда, Қримда, Волга бўйларида, туркманлар орасида, ҳаттоки Ҳиндистондаги турк саройларида ўқилган" деб ёзади. Туркия матбуотида Навоийга бағишлаб юзлаб мақолалар эълон қилинган. Дунё олимларининг шоир ҳақида тадқиқотлари таржима қилиниб чоп этилган [19,79–89; 13].

Уйғурлар орасида Алишер Навоий асарлари шоир ҳаётлигидаёқ кенг тарқалиб, қўлёзмалари кўплаб кўчирилган, мактаб ва мадрасаларда ўқитилган. Бу халқ орасида шоир шеърлари аслиятда ўқилиб, достонларининг насрий баёнлари яратилган. Жумладан, Умар Боқий 1792 йилда "Фарҳод ва Ширин" ҳамда "Лайли ва Мажнун" достонларини насрда оддий ва тушунарли тилда қайта ёзиб чиқади. Улар "Қиссаи Фарҳод-Ширин" ва "Китоби Лайли-Мажнун" номлари билан 1909, 1910, 1912, 1915 йилларда Тошкентда тошбосмада нашр этилган. Мулла Сиддиқ Ёркандий эса (яна бир номи Мирзо Муҳаммад Ҳусайнбек) "Фарҳод ва Ширин", "Сабъаи сайёр", "Садди Искандарий" ва "Лисон ут-тайр" достонларини насрий баён қилиб, "Булбули гулшани Навоий" номи билан китоб қилган. Шоир Низорий 1806 йили "Навоий" номли дарслик ёзиб тарқатган. Муҳаммад Сабурий 1806 йили "Навоийнинг адолатпарварлиги хусусида" номли монография ёзиб, "Садди Искандарий" асарини таҳлил қилган. Уйғур халқи орасида навоийхонлик кечалари кенг тарқалган. Шоирнинг юзга яқин шеърлари уйғур "Ўн икки мақом"ига киритилган. 1940 йилда Али Домулло "Фарҳод ва Ширин"дан илҳомланиб, "Минг уй ва Фарҳоду Ширин" достонини яратган. Ўтган асрнинг 80–90-йилларида Навоийнинг деярли барча асарлари Шинжонда нашр этилган [16,48–54; 14,3–5].

"Хамса" достонлари ва уларнинг сюжетлари уйғур эпик достончилиги, ҳатто романчилигига кучли таъсир кўрсатганлиги тадқиқотчилар томонидан таъкидланган. Уйғур шоирлари "Хамса" достонларидан таъсирланиб, уларга эргашиб, ўзларининг романтик достонларини ярата бошлаганлар. Мулла Фозилнинг "Лайли ва Мажнун" (1705), XVI Асрда "Лисон ут-тайр" таъсирида Иброҳим Хўтаннинг "Мантиқ ут-тайр" ва Салоҳийнинг "Гул ва булбул", Х1Х асрда Абдураҳим Низорийнинг "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", Наврўзохун Зиёий "Масъуд ва Дилором", "Вомиқ ва Узро", Турди Ғарибий "Шоҳ Баҳром" достонларини яратганлар.

Уйғур шоирлари Навоий ғазалларига назиралар ёзганлар, татаббулар қилганлар, мухаммаслар боғлаганлар. Жумладан, биргина Низорий шоирнинг 35 та ғазалига мухаммас ёзган.

Алишер Навоийнинг қозоқ адабиётига ҳам таъсири кучли. "Лайли ва Мажнун", "Фарҳод ва Ширин", "Садди Искандарий" достонлари қозоқ оқинлари томонидан куйланиб, қозоқ халқи ўртасида кенг ёйилган ва уларнинг маънавий мулкига айланган. Улар шоир асарларини гоҳ қисқартириб, гоҳ ўзгартириб, гоҳ воқеаларни қозоқ заминига кўчириб, гоҳ алоҳида бобини олиб ижро этганлар. Қозоқ халқи орасида Мир Алишер Султоншин деган подшонинг вазири сифатида тасвирланган қатор ривоятлар яратилган. Шаоди Жонгиров (1865–1933) Навоий таъсирида "Ҳотамтойнинг ҳикояси", "Баҳром Гўр", "Искандар Зулқарнайн" каби асарлар яратган. Турмағамбет Изтилеуов (1882–1939) "Искандар", "Дорайнома" асарларини Навоийга назира тарзида ёзади. Чўқон Валихонов, Абай

Қўнонбоев, Собит Муқонов, Мухтор Авезовлар ҳам Навоийни устоз деб билган ва ўз халқига таништирган зотлардан ҳисобланишади. Қозоқ шоирлари ичида Навоийдан энг кўп таъсирланган ва уни ўзига ижод йўлида раҳнамо деб билган Абайдир (1845–1904). У шоир асарлари билан мадрасадаёқ танишган ва 14 ёшида ёзган шеъридаёқ ўз устозлари қаторида ихлос ва ифтихор билан тилга олган эди. Абайнинг "Искандар" достонини яратишда бошқа Шарқ шоирлари каби Навоийнинг "Саддий Искандарий" достонидан ҳам таъсирлангани ва илҳомлангани маълум.

Навоий айниқса XX асрда қозоқ халқи орасида машҳур бўлди. Шоирнинг 500, 525, 550 йиллик юбилейлари Қозоғистонда ҳам катта тантана қилиниб, асарлари қозоқ тилида нашр этилди. Унинг Абдулла Тожибоев, Қалижон Бекхожин, Сағинғали Сеитов, Асқор Тўқмағамбетовлар таржимасидаги "Танланган асарлар"и 1948 йилда Мухтор Авезов сўзбошиси билан нашр этилган. 1989 йили Несиббек Айитов "Садди Искандар достонини "Искандар қўрғони" номи билан қозоқ тилига таржима қилди. Ҳатто Ойбекнинг "Навоий" романи, Уйғун ва Иззат Султоннинг "Алишер Навоий" драмалари ҳам қозоқчага ўгирилди ва драма Қозоқ давлат академик театрида саҳналаштирилди.

Туркман халқи ҳам Навоийни ўз шоири сифатида севиб, ардоқлаб келади. Унинг ғазалларини севиб куйламаган туркман айтимчиларини топиш қийин. Мирали – Мир Алишер ҳақида кўплаб ривоятлар яратилганлигининг ўзи Навоийнинг қардош халқ орасида қанчалик машҳурлигини кўрсатадиган ёрқин далилдир. Бу ривоятлар Навоий таваллудининг 500 йиллиги муносабати билан "Мирали ва Султон Суюн" (Ҳусайн Бойқаро туркманлар орасида шу ном билан машҳур бўлган – Э.О.) номи билан алоҳида китоб ҳолида ҳам нашр этилган. Байрамхон, Озодий, Камина, Дурди, Зунубий, Маъруфий, Махтумқули, Залилий, Саидий, Ғойибий, Толибий, Мулланафас, Шабанда, Мискин Қилич, Шайдойи, Муҳтожий, Андалиб каби барча туркман мумтоз шоирлари Навоийни ўзларига устоз деб билиб, ундан маҳорат сабоғини олганлар, бадиий баркамол асарларини ўқиб илҳомланганлар ва таъсирланганлар, унга назиралар ва татаббулар ёзганлар, ғазалларига мухаммаслар боғлаганлар. Улар орасида Навоийга муҳаббати ва садоқати чексизлиги жиҳатидан Махтумқули алоҳида ажралиб туради. Қатор шеърларида буюк салафини ихлосу эътиқод билан тилга олади.

Озар адабиётида ҳам Алишер Навоийдан таъсирланмаган қалам аҳли йўқ ҳисоби. Чунки шоир асарлари асрлар давомида бу халқ орасида кенг тарқалган. Озарбайжон китоб фондларида Навоий барча асарларининг бир неча нусхалари сақланаётгани бунинг ёрқин далилидир. Хусусан, Ҳиротда таҳсил олиб, Навоий бошлиқ адабий муҳитда тарбияланган "Хулқий, Оллоҳий, Зиёий каби шоирлар ижодда Навоий анъаналарини давом эттириб, озарбайжон адабиётига маълум даражада ўзбек адабиётининг таъсирини сингдирдилар. Бунга Шоҳқулибой, Сусанбой, Пари Пайкар каби шоирлар ижоди мисол бўла олади" [12,8]. Фузулий, Кишварий, Мирзо Фатали Охундов, Али Акбар Собир озар шоир ва адиблари Навоий ижодига юксак баҳо бериб, унинг асарларини севиб ўқиб-ўрганадилар, назиралар битадилар. Навоийдан Фузулийчалик таъсирланган бошқа шоир йўқ.

Навоий ижодининг содиқ мухлисларидан бўлган Мирза Халил (тахминан 1877–1952) ташаббуси билан XX аср бошларида Бокуда "Мажмаъ уш-шуаро" номи билан навоийхонлик ва фузулийхонлик давраси ташкил қилинган. Бу мажлисларда илму адаб аҳли Навоий ва Фузулийларнинг бадиий маҳорати ва асарларининг беқиёс нафосати борасида баҳсу мунозаралар олиб борганлар. Мазкур адабий суҳбатлар Озарбайжонда кўплаб навоийшунослар ва Навоий таржимонларининг етишиб чиқишига замин ҳозирлаган. Жумладан, Мирза Халилнинг ўзи ижодий фаолиятининг кўп қисмини Навоий ғазаллари таржимаси ҳамда Навоий ва Фузулий ғазалларининг қиёсий тадқиқига бағишлаган. У ўз таржималари асосида бир неча мажмуалар тузган бўлиб, улар Озарбайжон ФА Қўлёзмалар институтида сақланади. Институт фондида таржимони номаълум Навоий ғазалларининг таржималари ҳам сақланади. Кейинчалик Навбарий (1885–1967) Навоийнинг Мирза Халил таржима қилган 5 та ғазалига мухаммас боғлаган. У ҳам улуғ ўзбек шоирининг Озарбайжондаги тадқиқотчи ва тарғиботчиларидан бўлган. Иброҳим Тоҳир Мусаев ҳам Навоий ғазалларидан намуналар таржима қилиб, "Навоийдан таржималар" номи билан алоҳида тўплам тузган. Шунингдек, "Мухталиф шоирлардан таржималар", "Машҳур шоирлардан қайдлар" номли ўзи тузган мажмуаларга ҳам Навоий ғазалларидан таржималарини киритган. Озар Бузавнали ҳам Навоий асарларидан намуналар таржима қилган. Умуман, XX аср бошларида Озарбайжонда тузилган кўплаб

баёзларга Навоий асарлари киритилган. Натижада бу даврда Навоий асарларига кўплаб назиралар ёзилган, ғазалларига мухаммаслар боғланган. Айни шундай назира ва мухаммаслар муаллифларидан бири Воқиф Саленийдир (1845–1914) [9,164–170].

ХХ асрдан Навоий асарлари турли нашрлар орқали тарқалган. Жумладан, 1902 йилдаёқ "Муҳокамат ул-луғатайн" асари озар тилида И.Гаспиринский сўзбошиси билан Боғчасаройда чоп этилган. 1926 йилда "Муншаот" ва "Вақфия" асарлари озар тилида чиқади. 1947 йилда "Сабъаи сайёр" асаридан икки ҳикоят, 1948 йилда "Фарҳод ва Ширин" асари озарбайжон тилига таржима қилинади. Уни М.Раҳим, М.Дилбози, Н.Рафибейли, А.Зиётой ва А.Воҳидовлар таржима қилишган. У 1968 йилда қайта нашр қилинади. "Сабъаи сайёр" достони эса 1979 йилда тўла таржима қилинади. 1948, 1968, 1979 ва 2004 йилларда шоирнинг "Сайланма шеърлар"и босилиб чиқади. 1975 йилда таниқли озар шоири Сулаймон Рустам таржимасида Навоий "Шеърлар"и чоп этилган. Озарбайжонда Ҳ.Арасли, Ж.Нагиева, С.Мумтоз, Н.Арасли, А.Улвий, Т.Қулиев каби кўплаб адабиётшунослар Навоий ҳаёти ва ижоди юзасидан тадқиқотлар олиб борганлар. 1926 йилдаёқ Бокуда "Навоий" номли мақолалар тўплами чиққан. А.Улвий эса ХХ асрда озарбайжон олимлари томонидан эълон қилинган 100 та мақолани алоҳида тўплам ҳолида нашр эттирди [3].

Таниқли озарбайжон адиби Ҳусайн Жовиднинг машҳур "Шайх Санъон" драмасининг яратилишида мазкур қиссанинг халқ оғзаки ижодидаги варианти билан бирга Озарбайжонда кенг тарқалган Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонидаги "Шайх Санъон ҳикояти"нинг таъсири катта бўлган.

Татар халқи орасида ҳам Навоий асарлари асрлар давомида севиб ўқилган. Ўтган аср бошидаёқ татар маърифатпарвари Қаюм Носирий "Адабиёт қоидалари" китобига шоирнинг "Маҳбуб ул-қулуб" асаридан "Деҳқонлар зикрида" мақолатини таржима қилиб киритади. 1914 йили "Шўро" журналида "Муҳокамат ул-луғатайн" асари таржимаси босилади [15,55–80].

Қирғиз адабиётида ҳам Навоий анъаналаридан баҳраманд бўлмаган шоирни топиш қийин. Қирғиз оқинлари ҳам Навоий шеърлари ва достонларини куйлаганлар. Тўқтағул, Аали Тўқумбоевлар ижодида буюк ўзбек шоири таъсири ёркин намоён бўлади. Т.Сидиқбеков ва Чингиз Айтматов каби адиблар ҳам Навоий ижодидан баҳраманд бўлганликларини эътироф этганлар.

Таниқли олим К.Қурамбоевнинг маълумот беришича, Навоий асарлари Қорақалпоғистонда дастлаб қўлёзма шаклида тарқалиб, мактаб-мадрасаларда ўқитилган. Бердақ ва Ажиниёздан тортиб то И.Юсупов ва А.Ўтепбергеновгача бўлган шоирлар улуғ ўзбек санъаткори ижодидан таъсирланиб, унга эргашиб асарлар яратганлар, ғазалларига татаббулар ёзиб, мухаммаслар боғлаганлар. Ўтган асрнинг 30-йилларидан шоир шеърлари қорақалпоқ тилига таржима қилина бошлаган. 1937–1940-йилларда М.Дарибоев, А.Шомуратов, Ж.Аймирзаев, Н.Жапақовлар унинг бир неча ғазалларини, "Фарҳод ва Ширин" достонидан парчаларни ўгирган бўлсалар, 1939 йилда эса шоирнинг "Чор девон"идан туркум ғазаллар, "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун" достонининг баъзи боблари китоб шаклида босилади. 1968 йилда "Лайли ва Мажнун" достони қорақалпоқ саҳнасида намойиш қилинган. Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи Қорақалпоғистонда ҳам кенг нишонланади. Шу муносабат билан шоир ғазаллари, "Ҳайрат ул-аброр" достонидан намуналар Б.Қайпназаров таржимасида нашр этилди.

Алишер Навоий мероси билан қорақалпоқ китобхонларини таништиришнинг кейинги босқичи 1960–1970 йилларга тўғри келади. Бу даврда М.Матназаров таржимасида "Сабъаи сайёр" достони босилди. 1977 йилда Навоийнинг бир туркум ғазалларини Д.Айтмуротов қорақалпоқчалаштирди. 1991 йилда таржимон ушбу китобни янги таржималар билан тўлдириб, қайта чоп эттирди. Навоийнинг 130 га яқин ғазаллари, ҳикматларидан намуналар, шунингдек, "Ҳайрат ул-аброр", "Лайли ва Мажнун" достонларидан боблар таржимаси ҳам ушбу тўпламга киритилган. "Сайланма" китоб Навоийнинг ҳозиргача қорақалпоқ тилида эълон қилинган таржималарининг нисбатан тўлиқроғи ҳисобланади. 1991 йили Тошкентда шоирнинг 500 йиллик юбилейи муносабати билан Навоийнинг дунёнинг бир неча тилларига ўгирилган ғазалларини ўз ичига олган "Бақо гули" тўпламига шоирнинг Ш.Аяпов қорақалпоқ тилига таржима қилган 10 та ғазали ҳам киритилган.

Ўзбекистон мустақиллиги Алишер Навоийга янги ҳаёт бахш этди. Шоир асарлари дунёнинг кўплаб тилларига таржима қилинмоқда ва ўзининг жаҳон адабиётидаги муносиб ўрнига эга бўл-

моқда. Жумладан, таваллудининг 550 йиллиги муносабати билан Парижда “Навоий антологияси” (Anthologie Navoi) тўплами чоп этилиб, ундан шоирнинг Жан Пьер Балп таржимасидаги 27 ғазали, 12 қитъаси, 5 чистони, 10 рубоийси, 3 мухаммаси, 5 фарди ва 1 мустазоди ўрин олган. 21 ғазали, 98 ҳикмати ва 6 рубоийси Й.Парда, Н.Пфеффер, Қ.Маъмуров, Л.Кметюклар томонидан немис ва инглиз тилларига таржима қилиниб, “Уммондан дурлар” номи билан 2000 йили “Шарқ” нашриётида босилиб чиқди [4,10–14]. Дора Баклицкая “Муножот” асарини немис тилига ўгирган. Канадалик Гери Дик “Лисон ут-тайр” достони ва ғазалларидан намуналарни инглиз тилига таржима қилиб, 2006 йилда нашр эттирган бўлса [8,130], 2008 йилда М.Эргашев ва Ж.Ж.Гателар унинг 30 дан зиёд ғазалини француз тилига ўгириб чоп қилдирдилар. 2013 йили шоир шеърларидан намуналар Я.Кржижевский таржимасида поляк тилида босилиб чиқди. 2007 йилда С.Иванов таржима қилган “Лисон ут-тайр” достони рус тилида қайта босилди.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси ва Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Ўзбекистон Жаҳон тиллари университети ва Шарқшунослик институтларини жалб қилган ҳолда Навоийнинг 100 ғазалини жаҳоннинг 15 та етакчи тилига таржима қилиш бўйича янги лойиҳа устида ишлаяптилар.

Албатта, Алишер Навоий асарлари таржималарининг мундарижа-миқёси ниҳоятда кенг. Таржималар кўлами бўйига ҳам, энига ҳам кенг қулоч ёзиб, турли тиллар орқали янгидан-янги мамлакатларга кириб бормоқда. Мавзу юзасидан изланишларни давом эттириб, буюк сўз санъаткори асарлари таржималарининг яхлит манзарасини яратиш ўзбек таржимашунослигининг кун тартибида турган долзарб муаммоларидан ҳисобланади.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Абдуазизов А. Алишер Навоий меросининг хорижда ўрганилиши \\ “Алишер Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти” мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011.

2. Абдуллажонов А. Навоий бадииятини немисча таржималарида қайта яратиш ва табдил этиш. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 1998.

3. Алишер Навоий озарбайжон адабиётшунослигида. – Боку: “Қартол”, 2009

4. Бу таржималар Г.Одилова томонидан таҳлил қилиниб, ютуқ ва камчиликлари кўрсатиб берилган (Қаранг: О д и л о в а Г.К. Инглиз ва ўзбек шеърияти таржималарида адекватлик муаммолари. Номзодлик диссертацияси автореферати. – Тошкент, 2011).

5. К а р и м о в Ш. Диллардан дилларга. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1980.

6. К л и м е н к о А. Дўстлик рамзи. – Тошкент: “Фан”, 1974.

7. М а л л а е в Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: “Ўқитувчи”, 1976.

8. М и р з а е в а З. Навоий ижодининг инглиззабон олимлар томонидан ўрганилиши \\ Навоий ижодий ва маънавий меросининг оламшумул аҳамияти” мавзуидаги халқаро илмий-назарий анжуман материаллари. – Тошкент: “Ўзбекистон”, 2011.

9. Н а г и е в а Ж. Озарбайжон адабиётида Навоий анъаналари \\ Алишер Навоийнинг адабий маҳорати масалалари (Мақолалар тўплами). – Тошкент: “Фан”, 1993.

11. О л и м С. Навоий асарлари таржималари. Тошкент, 1991.

12. Р а с у л Х. Муҳаммад Фузулий \\ М у ҳ а м м а д Ф у з у л и й. Асарлар. Икки жилдлик. 1-жилд. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Бадиий адабиёт нашриёти, 1968.

13. Р ў з м о н о в а Р. Алишер Навоий анъаналарининг усмонли турк шеъриятига таъсири. Номзодлик диссертацияси автореферати. Тошкент, 2011.

14. С о л и ҳ о в а Ҳ. Алишер Навоий ва уйғур адабиёти. – Андижон, 1994.

15. Т у р д и е в Ш. Ҳаётбахш таъсирлар. – Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1977.

16. Бу ҳақда қаранг: Қаранг: Т у р к а ш Т.Қ. Шинжонда навоийхонлик анъанаси \\ “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2007, 5-сон.

17. Ч е т и н д о ғ Ю. Алишер Навоий (А.Ҳайит таржимаси). – Тошкент: “Муҳаррир”, 2013.
18. Э ш о н б о б о е в А. Қодиржон Эргашев \\ “Ўзбек тили ва адабиёти”, 2016, 4-сон.
19. Ҳ а с а н о в Н. Навоий ижодиётининг Туркияда ўрганилишига доир \\ Навоийнинг ижод олами (2-китоб). – Тошкент: “Фан”, 2011.

ЖАҲОН ТАМАДДУНИНИНГ ТАМАЛ ТОШИ

Гулноз Одилова
(ТошДЎТАУ)

Алишер Навоий ижодининг ўзига хос жозибаси, шиддатли тўлқинлари, бебаҳо жавоҳирлари ўқувчи руҳини юксалтиради, тафаккурини бойитиб, тасаввурларни кенгайтиради. Улуғ мутафаккир асарларини хорижликлар томонидан инглиз, немис, рус, итальян, француз тилларига таржима қилинишининг боиси ҳам мана шу дурдоналар сири англаш истагидир.

Ўзбекистондаги истиқлол туфайли Алишер Навоий ижодига Ғарб мамлакатларида қизиқиш янада ошди. Бироқ Ғарб дунёси Навоий ижодининг уммондан бир томчиси билан таниш холос. Ачинарлиси, улар иқтисодий-ижтимоий ва маънавий соҳалардаги ғарбона тараққиёт негизига улуғ мутафаккирнинг бир асари асос бўлганлигини тасаввур ҳам эта олмайдилар.

1557 йилда Венецияда Майкл Трамеззино томонидан “Сарандибнинг уч шаҳзодаси” асари итальян тилида босилиб чиқади. Муаллиф муқаддимада мазкур асарни форс тилидаги эртакни итальянчада сўзлаб берган Христофор Арманодан эшитганлари асосида ёзаётганлигини айтиб таъкидлаб ўтади. “Сарандибнинг уч шаҳзодаси” асари итальян тилида бир неча маротаба нашр этилди. Сўнгра итальянчадан инглиз, немис француз, голланд тилларига ўгирилди ва жаҳоний шуҳратга эришади.

Шарқшунос олимларнинг фикрича, мазкур китоб икки мустақил сюжетдан ташкил топган бўлиб, унинг биринчи қисми Амир Хусрав Деҳлавийнинг “Ҳашт беҳишт” (“Саккиз жаннат”) достонидан олинган бир ҳикоя заминида ёзилган. Иккинчи қисмида эса “Сабъаи сайёр” достонидаги асосий воқеа – Баҳром Гўр ва Дилором саргузаштлари ҳикоя қилинади. Кейинчалик Ғарб шарқшунос олимлари асар генезиси Навоийга тегишли эканлигини аниқлайдилар. Хусусан бундай тахмин Бертельс битикларида ҳам қайд этилади. Бу ҳақда навоийшунос олима **Дилнавоз Юсупова** шундай дейди:

Бертельснинг “Навоий ва Жомий” номли тадқиқотидан ўрин олган “Навоий асарларининг Ғарбий Европа тилларига қилинган қадимги таржималари” номли мақоласида Алишер Навоийнинг “Сабъаи сайёр” асари таъсирида яратилган икки асар: тилга олганимиз “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони зиёрати” ҳамда грузин ёзувчиси Цицишвилининг “Етти гўзал” асарлари ҳақида маълумот берилади. Хусусан, олим биринчи асар “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони зиёрати” асарига кенгроқ тўхталар экан, унинг муаллифи сифатида Христофор Армани Табризий номини келтириб ўтади. Бертельснинг маълумот беришича, ушбу асар таржима характерига эга бўлиб, 1557 йилда яратилган ва 1766 йилгача, яъни 209 йил ичида 11 марта қайта-қайта нашр этилган.

Олимнинг фикрича, мазкур китоб икки мустақил сюжетдан ташкил топган бўлиб, унинг биринчи қисмида Сарандиб шоҳининг уч ўғли оталари ҳузурида яхши тарбия топиб, саёҳатга отланганликлари ва кўп саргузаштларни бошдан кечирганлари ҳақида ҳикоя қилинади. Бертельс ушбу сюжет Хусрав Деҳлавийнинг “Ҳашт беҳишт” достонидан олинганлигини таъкидлайди. Дарҳақиқат Деҳлавий достонидаги биринчи ҳикоят воқеалари асарнинг биринчи қисми билан кўп жиҳатдан мос келади.

Асарнинг иккинчи қисми бевосита Баҳром Гўр саргузаштлари билан боғлиқ. Унда келтирилишича, ўзининг ёвуз ниятли вазиридан шаҳзодалар ёрдамида халос бўлган Баҳром шаҳзодаларни ўз хизматига олади. Айнан улар келишидан олдин Баҳром ўз севгилиси Дилоромни ҳайдаб юборган ва унинг фироқида изтироб чекиб, хасталаниб қолган эди. Табиблар уни даволашга ожизлик қи-

ладилар. Шунда шаҳзодаларнинг маслаҳати билан етти қаср қуриб, Баҳром тунги уйқусизлиги пайтида турли мамлакатлардан келган мусофирларнинг ҳикоясини тинглайди. Еттинчи тунда Дилором ҳақида хабар топади. Бертельснинг мақоласида келтирилишича, "Шарқ ва Ғарб" журналининг ноширн, шарқшунос олим Бенфей асарнинг иккинчи қисми айнан Низомийнинг "Ҳафт пайкар" асаридан олинган деган фикрни билдиради, зеро ушбу қисмнинг Баҳром ва унинг саргузаштлари билан боғлиқлиги унинг шундай хулосага келишига сабаб бўлади. Бертельс мазкур мақоласида ушбу қисмнинг асл манбасини излашга ҳаракат қилган ва унинг Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони билан боғланиши ҳақидаги илк мулоҳазасини баён қилган. Бертельснинг бу фикри кейинчалик озарбойжон олими Ғ.Алиев, ўзбек олимларидан Н.Маллаев, Н.Комилов, А.Ҳожиаҳмедов ва бошқалар томонидан айнан такрор тарзда баён қилинди.

Советлар давридаги манбаларда эса мазкур асар Табризлик Христофор Арманога тегишли, дейилган. Бу асар келиб чиқиши, унинг тақдири ва муаллифини илмий асослашга оид монографик тадқиқот олиб борилмаган. Шу боис ўзбек тилидаги таржимашуносликка оид дарсликларда ҳам унинг муаллифи Христафор Арманий, Христофор Табризий деб эътироф этилади. Шу ўринда Майкл Трамеззино таржимонлик этикасини бузган – у муаллифлар номини таржимада кўрсатмаган. Бироқ, гуноҳни ўз бўйнидан соқит қилиш мақсадида номи ҳеч қайси манбаларда учрамайдиган Христофор Армано дегани номаълум шахсни кашф этади. Америкалик шарқшунос олим Ричерд Бойла ўзининг "Сарандиб шохининг уч ўғли" асари ҳақидаги 2000 йилда нашр этилган илмий тадқиқотида "Армано"деган шахс Трамеззинонинг хаёлий тасаввури маҳсули бўлиши мумкинлигини таъкидлайди.

Майл Трамеззино икки мустақил асар – Хусрав Деҳлавийнинг "Ҳашт Беҳишт"("Саккиз жаннат") асаридаги туя ҳикояти ва Навоийнинг Сабъаи сайёр достонидаги "Баҳром ва Дилором" ҳикоятлари қоришмасига ишлов бериб янги "асар" , шарқона афсонавий ном ва ғойибона асар муаллифини кашф этди. Аслида, Сарандиб Цейлондаги (Шри-Ланка) орол номи бўлиб, асардаги воқеаларга бутунлай алоқаси йўқ. **Асарнинг қисқача баёни қуйидагича:**

Қадимда Сарандиб деган мамлакат бўлган экан. Уни буюк шоҳ Жаъфар бошқарар экан. Шоҳнинг уч ўғли бўлиб, шоҳ уларнинг билим олиши ва камолга етишидан ниҳоятда ташвиш чекар экан. Сабаби, унинг учун азиз бўлган ўғиллари мамлакатни бошқариш учун куч-қудратга эга бўлиш билан бирга комил инсон бўлиб етишишларини истар экан. Шоҳ ўғилларига таҳсил бера оладиган олиму фузалоларни топиш учун бир ўзи оролни кезиб чиқибди. Ҳар бири турли соҳаларнинг устаси бўлган машҳур олимларни учратгач, ўғилларини уларнинг тарбиясига топширибди. Шаҳзодалар илму фан, санъат ва адабиёт соҳасида ҳамма билимларни эгаллаб, комил шахс бўлиб вояга етибдилар. Уларнинг устозлари шаҳзодаларнинг комиллик чўққисини забт этганликларини айтганда шоҳ унчалик ишонмабди. У ўз олдига ўғилларини чақириб, бундан буён давлатни тўнғич ўғил бошқариши кераклигини, ўзи эса қолган умрини тоат-ибодатда ўтказмоқчилигини айтади. Катта ўғил "Ота сиздаги тажриба ва оқиллик менда йўқ, умрингизнинг охиригача мамлакатни ўзингиз бошқаришингиз керак" деб камтарлик билан жавоб беради. Ўртанча ва кенжа ўғиллар ҳам акасининг гапини такрорлаб, шоҳнинг таклифини рад этадилар. Шоҳ ўғилларининг доно ва ақлли жавобларидан таъсирланади. Кўнгли хотиржам тортади. Бироқ эртаси куни ўғиллари ҳаётий тажрибани ҳам орттириб, олган билимларини амалиётга синаб кўришлари учун, уларни мамлакатдан ташқарига чиқариб юборишга қарор қилади. Ўғилларини ҳузурига чорлаб, гўёки оталарининг таклифини рад этганлари учун улардан дарғазаб бўлганини ва уларни Сарандибдан сургун қилишини айтади. Шоҳ қарори билан мамлакатдан чиқиб кетган шаҳзодалар қудратли император Баҳром (Баҳром Гўр)нинг мамлакатига бориб қоладилар. Йўлда бир туякаш сайёҳлардан йўқолган битта туясини кўрган ёки кўрмаганликларини сўраганда, уларнинг бошларига фалокат тушади. Шаҳзодалар туякашга кўрмаганликларини таъкидлайдилар. Бироқ ўз зийракликлари билан йўлдаги баъзи бир белгиларни ўрганиб, туянинг шу йўл бўйлаб кетганлигини кўрсатишади. Шунингдек, туякашни ҳайратга солиб туянинг бир кўзи кўр, оғзида бир дона тиши йўқ, оёғи оқсоқ эканлигини айтишганда саросимага тушган туякаш туясини излаб югуриб кетади. Бироқ кўп ўтмай туясини топа олмаган туякаш дарғазаб бўлиб қайтиб келади. Шаҳзодалар эса туякашга туя айнан шу

йўл бўйлаб кетганлигини таъкидлаб, туянинг устидаги бир хуржунда ёғ, иккинчи хуржунда асал ортилганлиги, уни бошқариб кетаётган аёл эса ҳомиладор эканлиги ҳақидаги қўшимча маълумотларни айтадилар. Туякаш бу муфассал таърифларни эшитиб, туясини айнан шулар ўғирлаган, деган қарорга келади ва шаҳзодаларни қамаб қўяди. Кўп ўтмай туя топилгач, туякаш шаҳзодаларни шоҳ Баҳром ҳузурига олиб боради. Баҳром улардан қандай қилиб ўзлари кўрмаган туяни бунчалик тасвирлай олишганлигини сўрайди. Шаҳзодалар бунинг сабабини шундай шарҳлайдилар. Катта шаҳзода: – Ўт йўлнинг бир четидангина, ўша томони яхши ўсмаган ўт бўлса ҳам еб борилган. Демак, туя кўр бўлган. Йўл бўйи эса туянинг оғзидан тушиб қолган ўт қолдиқларига тўла, туя уни чайнай олмаган ва оғзининг тиш йўқ еридан тушиб қолаверган. Ўртанча шаҳзода: – Йўлдаги туёқ изларининг ҳам учтаси чуқур ерга ботганини, биттаси эса ер юзасида сезилар-сезилмас турганлигини кўриш мумкин. Чунки туя оқсоқ бўлган. Асал билан ёғ ортилгани эса йўлнинг бир четида чумоли галаси, иккинчи четида асал томчиларига ёпишиб ётган чивинлар галаси билан изоҳланади. Кичик шаҳзода эса энг мураккаб тахмин – туянинг устида ҳомиладор хотин борлигини қандай тахмин қилганлигини қуйидагича изоҳлайди: – Баъзи жойда туя тиззалаб чўккан, туя чўккан ерда пешоб қилинган. Мен пешобнинг ранги ва хусусиятидан у аёл кишига тегишли эканлигини билдим. Ва шу жойда икки одам оёғи изи ва қўл бармоқлари изини ҳам кўрдим, аёл қўзғалиш учун қўллари билан ўзига ёрдам бериб ерни ушлаган, демак у ҳомиладор бўлган, ўрнидан туриб кетишга қийналган.

Баҳром шаҳзодаларни ўз саройида меҳмон бўлишга таклиф этади. Зиёфатдан сўнг Баҳром уларга унинг салтанатни бошқаришида ёрдам берадиган – ким ёлғон гапирса кўрсатиб турадиган адолат ойнаси бўлганлигини уни қўшни қиролликдаги бокира малика салтанатига ўғирлаб кетишганини сўзлаб беради. Ва улардан ўша мамлакатида адолат ўрнатишга ёрдам берадиган ойнани келтириб беришларини сўрайди. Шаҳзодаларнинг вазифаси бироз қийинлашади. Сабаби – улар нариги қиролликка ўтиб олишлари учун қирғоқ соҳилида пайдо бўлиб, қироллик аҳолиси ва ҳайвонларни ҳалок қилаётган баҳайбат қўлни йўқотишлари керак эди. Тўнғич шаҳзода беш бармоқли баҳайбат қўлга қараб, бирлашган ўзар деган нақлни эслайди: беш бармоқ бирлашсагина бирор ишни амалга ошириши мумкинлиги ҳақидаги ҳақиқатнинг гўёки нотўғри эканлигини кўрсатмоқчи бўлиб ўз қўлини юқорига кўтариб икта бармоғини кўрсатади. Баҳайбат қўл ҳам бу ҳаракатни такрорлайман деб чўкиб кетади.Малика эса миннатдорчилик билдириб ойнани уларга ҳадя этади. Шаҳзодалар кўзгуни Баҳромга қайтарганларида шоҳнинг чуқур тушкунликка тушганини шоҳ Дилором исмли канизакни севиб қолгани, унинг садоқатига шубҳа қилган шоҳ канизакни қўл-оёғи боғланган ҳолда ўрмонда ташлаб келганлигини, эртаси куни қилган ишидан пушаймон еб ўрмонга борса, қиздан ном-нишон йўқлигини, бу ҳолатдан Баҳром қайғуга ботиб севгилисининг ҳажрида хасталаниб қолганлигини кўрадилар.

Катта ўғил шоҳга етти қаср қурдиришни, мазкур қасрларга мамлакатнинг етти бурчагидан эртакчиларни чақиртириб, ҳар кун битта қасрда тунаб уларнинг ҳикояларини эшитиб кўришни таклиф қилади. Шоҳ шаҳзоданинг айтганини қилиб, етти қаср қурдиради. Ҳар бир қасрда бир кечадан тунаб сайёҳ эртакчиларнинг ҳикоятларини эшитиб соғлиғи тиклана бошлайди. Еттинчи қасрда тунайдиган кун еттинчи қасрдаги эртакчи унга ўзи ва Дилором ҳақидаги ҳикояни айтиб бераётганлигини фаҳмлаб қолади. Эртакчи шоҳга Дилором Баҳромнинг қаҳру ғазабига қарамасдан ҳамон уни севишини айтади. Баҳром эртасигаёқ Дилоромга чопар юбориб уни олиб келтиради. Шаҳзодалар ўрмонда бирорта из топа олмагач, Дилоромни ёввойи ҳайвонлар еган деган фикрдан воз кечиб уни кимдир олиб кетган деган тахминга боришган. Шунинг учун мамлакатнинг турли бурчагидан сайёҳларни чақиртиришни маслаҳат берган эди. Шаҳзодалар ўз юртига қайтиб борадилар, тўнғич ўғил тахтга ўтиради, ўртанча ўғилга бокира малика турмушга чиқмоқчи эканлигини айтиб чопар йўллайди ва улар турмуш қурадилар. Бир неча йиллардан кейин Баҳром қиз кўрганлигини ва қизига кенжа шаҳзодани куёв қилмоқчи эканлигини айтиб нома йўллайди. Кенжа ўғил Баҳромга куёв бўлади ва тўйдан кейин Баҳром вафот этгач ўша давлатни бошқаради[1]. (инглиз тилидан таржима Г.О)

1 Richerd Boyle. Three princes of Serendip.Part 1; Part.2. 2000, New York.

Энг қизиғи шундаки, асар номини кашф этган Майкл Трамеззино асосий қаҳрамонлардан бўлган Баҳром ва Дилоромни таржимада транслитерация орқали итальян тилига ўгирган. Натижада мазкур асарнинг итальян тили орқали таржима қилинган инглиз, француз, немисча таржималарида ҳам қаҳрамонлар номи аслиятдагидек жаранглаган.Траммезино яратган мазкур асар таржимаси билан танишар экан, навоийшунос Дилнавоз Юсупова шундай дейди:

“Асарнинг иккинчи қисми Алишер Навоий достонига қай даражада алоқадорлигини билиш учун хамсанавислар: Низомий, Деҳлавий, Ашрафнинг Баҳром мавзусидаги достонлари ва Навоийнинг “Сабъаи сайёр” достони сюжетларининг баъзи қирраларига қисқача тўхталиб ўтсак. Биринчи масала канизакнинг исми билан боғлиқ. Табризийга нисбат берилган асарда канизакнинг исми Дилором. Низомийда Фитна, Ашрафда Баҳромнинг ошиқлиги билан боғлиқ саҳна ва канизак воқеаси йўқ, Деҳлавий ва Навоийда қизнинг исми Дилором. Бу жиҳатдан асар Деҳлавий ва Навоий асарига яқинлашади. Энди канизакнинг овдан кейинги тақдири билан боғлиқ ўринларни қиёсласак. Низомийда ов пайтида канизакнинг “машқнинг натижаси” деган гапларидан Баҳром ғазабланиб, ўз саркардасига Фитнани ўлдиришни буюради, лекин Фитна тадбир ишлатиб омон қолади. Деҳлавийда Баҳром Дилоромни отдан тушириб юбориб, бир ўзини саҳрода қолдириб кетади. Навоийда эса ғазабланган Баҳром Дилоромни узун сочларига боғлаб, саҳрода қолдириб кетади. Эртасига мастлик тарқагач, пушаймон бўлади ва уни излаб саҳрога келади, бироқ топа олмайди ва изтиробдан хаста бўлиб қолади. Табиблар уни даволашда ожизлик қиладилар. Шунда маслаҳат билан етти қаср қурадилар. Баҳром ҳафтанинг етти кунида мана шу қасрларга кириб, етти иқлимдан келган мусофирларнинг ҳикоятларини тинглайди. Айнан мана шу ўринлар, яъни канизакнинг қўллари боғлиқ ҳолда саҳрога ташлаб кетилиши, Баҳромнинг пушаймон бўлиб, Дилоромни излаб ортга қайтиши, ёри ҳажрида хасталаниши, табибларнинг ожизлиги, етти қаср қурилиши, Баҳромнинг етти мусофирдан ҳикоялар тинглаши иккала асарда: “Сабъаи сайёр” ҳамда “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони зиёрати” асарида бир хил. Низомийда ҳам, Деҳлавийда ҳам ўз канизакларини йўқотган Баҳромнинг изтироблари кўрсатилмаган. Қаср қурилиши ҳам Баҳромнинг дардини енгиллаштириш учун эмас. Низомийда Баҳром уста Симнор томонидан Хаварнақ қасрида ўзининг етти гўзал даврасида тасвирланган суратини кўриб, шундай қаср қуришларини буюрса, Деҳлавийда овга ва айш ишратга берилиб кетган Баҳромни пойтахтга қайтариш учун етти қаср қурадилар. Низомийда ҳам, Деҳлавийда ҳам Баҳром Навоий таъбири билан айтганда, ишқдан, дарду ғамдан холи тарзда тасвирланган. Навоийнинг Баҳроми эса Дилоромни йўқотгандан сўнг руҳий изтироблар туфайли покланиб, чин маънода ошиқлик сифатларига эга бўла бошлайди. Европалик муаллифнинг асарида ҳам Баҳром айнан мана шу сифатларга эга қаҳрамон сифатида тасвирланган, шу жиҳатдан у Низомий ва Деҳлавий Баҳромига эмас, айнан Навоий Баҳромига яқин туради...

Эҳтимол, асарнинг биринчи қисмида Деҳлавийдан таъсирланган муаллиф Навоий достони билан танишгач, уни айнан ўзбек мутафаккирининг қаҳрамони ҳайратга солган ва ўз асари учун Навоий Баҳромини танлагандир. “Сарандиб шоҳининг уч ёш ўғлони зиёрати” асарининг Европада бу қадар кенг шуҳрат қозонганлиги ва 11 марта қайта-қайта нашр этилганлигининг сабабларидан бири ҳам шудир эҳтимол”.

Асарнинг асосий ғояси дунёвий билим диний билимдан устун туриши, комилликнинг калити илм эканлиги қилиб олинган.

Биз биламизки, олимлар Европа Уйғониш даврини тўртга бўладилар:

1. Ренессансгача бўлган давр (XIII асрнинг II ярми – XIV аср)
2. Эрта Ренессанс (XV аср боши – XV аср охиригача)
3. Юқори Ренессанс (XV аср охири – XVI асрнинг дастлабки 20 йиллиги)
4. Кечки Ренессанс (XVI аср ўртаси – 90-йилларига қадар)

Ренессансгача бўлган давр, Эрта Ренессансда асосан архитектура ва тасвирий санъат ривожланади. Ғарб олимлари эътироф этганидек, адабиётдаги ҳақиқий Ренессанс XVаср охири — XVI асрнинг 90 йилларида содир бўлади. Бу Ренессанснинг ўзига хослиги шунда эдики, адабиётда гуманизм фалсафаси илгари сурила бошлайди. Коинотнинг мақсади ва муддаоси инсон эканлиги,

инсон комил зот бўлмоғи, унинг ҳис-туйғулари ва кечинмалари реалистик олам манзарасида тасвирлана бошлайди.

1557 йилда нашр этилган Майкл Трамеззинонинг мазкур асаригача Европа адабиётида инсоннинг эмоционал кечинмаларини ошкора тасвирлаш урфга кирган. Бироқ комил инсон тасвири, шаҳзодаларнинг диний ва дунёвий билимлардан хабардор бўлишлари кераклиги ва ўз оталари томонидан дунёвий билимларни эгаллашга даъват этилиши, шаҳзодаларга таълим берувчи устозларни ёллаш мотивлари деярли учрамайди.

Англиялик адабиётшунослар мазкур асарнинг Европада ўта шуҳрат қозониб, Бокаччонинг "Декамерон"нидан ҳам ўзиб кетганини таъкидлайдилар[1], бутун Европани кезиб чиққан асарнинг инглиз тилига таржимаси илк бор 1722 йилда итальянчадан француз тили воситасида амалга оширилган.

Шекспир, Франсуа Рабле, Вольтернинг асарларида Уйғониш даврининг зиёли қатлами ўртасида қўлма-қўл бўлган асардан илҳомланишлар кузатилади. Асар адабиётга янги гуманистик ғоялар олиб кирадики, Европада шу йўналишда ёзилган асарларни "сарандиб йўналишида ижод қилиш" деб атай бошладилар.

Асар таъсирида инглиз ёзувчиси ва файласуф Хорас Волпол 1754 йилда ўзининг дўсти Харас Маннга ёзган мактубида янги сўз "serendipity" сўзини қўллайди. Ва унга – фавқулодда ҳолатларда онгнинг юқори суратда ишлаб кетиши натижасида кашфиётлар қилиш ва кутилмаганда омадга эришиш деб изоҳ беради. Волпол бу сўз маъносини яхшироқ тушуниш учун "Сарандиб шоҳининг уч ўғли асари"ни ўқиш лозим, дея қўшимча қилади. Шу биргина ёзишма натижасида мазкур асарнинг Англиядаги шуҳрати ошиб кетади. "Serendipity" сўзи эса инглизларнинг севимли сўзи, фалсафий тушунчасига айланади.

Янги топилма сўз Англия ва Америкада сиёсат, тиббиёт, ранг тасвир, таълим, иқтисодиёт, илм-фан, адабиёт, санъат ва ижтимоий жараённинг ҳамма тармоқларигача кириб боради, тараққиётга сабабчи бўлади. Буларнинг бари Алишер Навоий илҳом ва закосининг, теран фалсафа ва комиллик истагининг самараси бўлса неажаб.

Мазкур асар ҳақида Европа олимларидан **Беверидж (Beveridge 1957)** ,Татон (Taton 1957), Рэмер (Remer 1965), Мэртон ва Барбер (Merton and Barber 2004), Майкл Стоскоф (Michael Stoskopf 2005), Мариэл Дэвиссон (Muriel Davisson, 2005) Мортон ва Свиндлэр (Morton and Swindler (2005), Кэмпбел (Campbell2005), Куимби, Кэйзи ва Аркуэтти (Quimby, Casey, and Arquette (2005) кабилар[2] бу феноменнинг фан тараққиётга қўшган ҳиссаси, қайси фан тармоқларига кириб борганлиги ҳақида илмий тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Унинг сюжетларидан эса Уйғониш давридан то ҳозиргача Европа адабиёти фойдаланмоқда, фильмлар ва мусиқалар, санъат асарлари яратилмоқда. BBC журнали ўтказган сўнгги ўн йилликда "Англияликларнинг энг севимли сўзлари" 10 талигида биринчи ўринда SERENDIPITY сўзи турибди. Асар қаҳрамони шоҳ Баҳромга ишора қилган АҚШнинг ЙЕЛ университети профессори Тобби Соммер илм-фандаги сарандипийликни "Баҳромтипийлик" деб аташни таклиф этади[3].

Сиёсий шахсларнинг ҳам онгу шуурigача кириб борган ва тилу забонидан ўрин олиб, оммавий нутқларида ҳам қўлланилган ушбу тушунча Алишер Навоий ижод уммонининг бир томчиси сифатида бутун дунёни ҳайратга солмоқда.

Жорж Буш: *Сарандибнинг уч шаҳзодасини эсланг, улар омад қидирадилар, лекин ундан ҳам кўпроғига эришадилар. Бу сарандипийлик. Бизнинг соҳада ҳам бу ҳолат кўп учрайди.*

Кандализа Райс: *Ҳаётимиз кутилмаган совғалар ва сарандипийликка тўла. Йўлнинг кутилмаган бурилишларини очиқ қалб ва ақл билан қарши олиш муваффақият калитидир. Ҳар бир босаётган қадамингиздаги бурилишларни таҳлил қиласиз, аммо кейинги саёҳатда уни унутиб юборасиз. Ҳар гал босилган йўлдан хулоса қилиб иш кўринг, роҳатланинг ва кейинги босқич ҳақида ўйланг.*

Бугунги кунда Навоий асарларини ҳорижий тилларга таржима қилиш замонавий таржимашунослик олдидаги долзарб муаммолардан бири. Бироқ буюк шоир ижодини ҳорижга тақдим этиш-

1 Richerd Boyle. Three princes of serendip.Part 1. 2000,New York.

2 Merton RK, Barber E. The Travels and Adventures of Serendipity. 2004. Princeton:Princeton University Press.

3 http://www.the-scientist.com/?articles.view/articleNo/19271/title/-Bahramdipity--and-Scientific-Research/

дан аввал Алишер Навоийнинг жаҳон тамаддунидаги ҳиссаси қанчалик эканлигини кўрсатиб берилса, дунё аҳлида шоир закосини англашга бўлган қизиқиш янада кучайишига ҳеч шубҳа йўқ.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Richerd Boyle. Three princes of serendip. Part 1. 2000, New York.
2. Beveridge WIB. The art of scientific investigation. New York: Norton. 1957.
3. Campbell WC. Serendipity and new drugs for infectious disease. 2005. ILAR J46:352-356.
4. Davisson MT.Discovery genetics: Serendipity in basic research. 2005. ILAR J46:338-345.
5. Halacy DS . Science and Serendipity. 1967 .Philadelphia: Macrae Smith Co.
6. Kaas JH.. Serendipity and the siamese cat: The discovery that genes for coat and eye pigment affect the brain. . 2005.ILAR J 46:357-363.
7. Lax E. The Mold in Dr. Florey's Coat. Henry Holt & Co.2004., New York.

Morton WR, Swindler K. Serendipitous insights involving nonhuman primates. 2005ILAR J 46:346-351.

8. Merton RK, Barber E. The Travels and Adventures of Serendipity. 2004. Princeton:Princeton University Press.
9. http://www.the-scientist.com/?articles.view/articleNo/19271/title/-Bahramdipity--and-Scientific-Research/

АЛИШЕР НАВОИЙ "САБЪАИ САЙЁР" АСАРИНИНГ ОНТОЛОГИК МОҲИЯТИ

Шаҳноза МАДАЕВА
(ЎзМУ)

Халқимизнинг даҳо фарзанди Алишер Навоийнинг 576 йиллик таваллуд айёми шоир ижоди қирраларининг янги авлодлар учун янада ўзгача қиёфасини, доимо прогрессив ва доимо креатив бўлган серқатлам маъносини ўрганишни, мулоҳаза этишни, унинг асарларига муносиб бўлган эътиборни талаб этар экан, ижодкорнинг адабий ҳамда лисоний меросига ундан-да залворли бўлган фалсафий моҳиятни англаш ва тадқиқ этишни талаб қилади. Ҳ.Сулаймонов, И. Султон, В.Зоҳидов, А. Қаюмов, А. Ҳайитметов, С. Ғаниева каби забардаст олимлар меҳнати туфайли даврнинг миллий маънавий илдизларга қарши сиёсатига қарамай, адиб ижодини тадқиқ этиш бўйича мустаҳкам тамал тоши қўйилди. Навоий асарларининг прогрессив характери мустақиллик даври учун инсон омилининг фалсафий негизларини ёритувчи моҳиятни янада теранроқ мулоҳаза қилишга, Навоийни янгидан кашф этишга бўлган заруратни намоён этади.

Дунёнинг яратилиши ҳақидаги космологик таълимот ва унда инсоннинг пайдо бўлишдан фано босқичигача ўтгунигача камолот поғоналарини босқичма-босқич босиб ўтиш зарурати ва ўз моҳиятига тафаккур қилиши ҳақидаги фалсафий қараш "Хамса"да ойдин ифодаланган. Айниқса, "Сабъаи сайёр"да Навоий борлиқнинг онтологик хусусиятлари ҳақидаги фалсафий қарашларини яққол акс эттирган. Алишер Навоий космологик конструкциянинг фалсафий талқинини ўзигача бўлган адабий анъаналарда давом эттирди. "Сабъаи сайёр"нинг биринчи мисраси:

Эй сипосинг демакда эл тили лол,
Элга тил сендин ўлди тилга мақол[1],

– дер экан, Алишер Навоий илоҳий ҳамдга инсон тили ожиз, лекин инсон тилига сўз жо этилишида сен сўз намунаси бўлдинг, дейди. Иккинчи қатордаги маънода "сен инсонни ўзинг яратдинг, унга намуна бўлиб ярата олиш қудратини бердинг, сўз руҳи ва инсон сўзининг моддиёт дунёси

1 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. –Тошкент: Фан, 1992. 10-том, 5-б.

билан адекватлигини таъминладинг”-, деган серқатлам маъно ётади. Бу фикр “Сабъаи сайёр”нинг “Сўз таърифида бир сўз” деб бошланувчи бешинчи бобида Гераклитнинг Логос қонуни янада яққолроқ ифодаланган:

Сўз келиб аввалу жаҳон сўнгра,
Не жаҳон, кавн ила макон сўнгра[1].

Бу ерда сўз жаҳондан аввал пайдо бўлиб, нафақат жаҳон, дунё(борлиқ, олам, коинот) ва макон ҳам ундан сўнг вужудга келди, деган фикр бор. Фалсафа тарихида бутун дунёнинг яратилиш, яъни онтологик тизими митраизм, зардуштийлик, христианлик ва ислом анъаналарида бир-бирини тўлдирувчи ва конструктив жиҳатдан деярли бир хил мазмунга эга бўлган таълимотдан иборат, деган фикр мавжуд.

Алишер Навоий ижоди, шу жумладан “Сабъаи сайёр” достонининг аксарият таҳлилларида илоҳий ва яратилган борлиқнинг муносабатини ҳал этишда ҳам тасаввуфий қарашлар етакчилиги қайд этилган. Қадимги Юнон фалсафасининг герметизм таълимоти билан эгизак бўлган тасаввуфнинг контекстида неоплатонизмнинг эманацион ва пантеистик таълимоти яққол акс этган. Лекин эманация – нурланиш ва илоҳий пантеизмнинг орасида катта фарқ бўлиб, эманацияда неоплатонизм вакиллари каби сўфийларда ҳам ижтимоий борлиқда илоҳий маънавий пиллапоя тўғрисидаги таълимот ётиши таъкидлаб ўтилади. Эманациянинг ушбу назариясига мувофиқ, неоплатончиларда ҳам, тасаввуфда ҳам оламнинг яратувчиси, илк сабабчиси Худодир. У нафақат оламни яратган, балки борлиқнинг иерархик босқичлари ўзидан нурлантириб шакллантиргани ҳолда, уни яратишда давом этган. Олам Худо томонидан яратилган ва у бу оламда унинг зарурий борлиғи сифатида мавжудликда давом этади. Алишер Навоийда эса неоплатонизмнинг Шарқ оламида ўзига хос бўлган пантеистик таълимотининг бошқа мутасаввуф алломалар ижодидан фарқли томонини кўриш мумкин. Ҳаттоки Форобийда ҳам Илоҳ ва олам муносабати неоплатонизмнинг кейинги босқичида шаклланган эманация усулида ҳал этилади. Бу бутун борлиқнинг мавжудлиги иерархия тузилишида жойлашган ва бу иерархия ўртасида маълум дистанция мавжуд деганидир. Ҳаттоки Илоҳий бошланғич ва яратилган борлиқ орасида ҳам маълум фарқ чегараси бордир. Форобий неоплатонизмнинг Шарқдаги вориси, шу билан уни шарқона руҳда талқин қилган файласуф бўлса, ўзининг онтологик таълимотида “*ақли кулл”* ҳақидаги ғоясини беришда ҳам борлиқ ва ақл мавжудлигини бир-бирига боғлайди. Форобийнинг онг тўғрисидаги таълимотида онг борлиқ тузилмасида космик фаол онг дея аталувчи иккиламчи сабаблардан сўнг эманациянинг учинчи босқичида жойлашган. Форобийнинг фикрича, ушбу фаол ақл инсон қалбига таъсир кўрсатади ва ички билимларни, яъни интуицияни, унинг ёрдамида ичидаги яшириганларни, унсурлар моҳиятини очувчи сезгини юзага келтиради. Шу билан бир қаторда, Форобий интеллектуал билимни ҳам тан олади. Форобийнинг фикрича, билимнинг ушбу шакллари бир-бирини ўзаро тўлдиради. Форобийнинг онг тўғрисидаги таълимоти икки томонламадир. Бир томондан, у космик фаол онг ва инсон қалби билан бирлашади. Бошқа томондан эса, унинг фикрича, инсон онги интеллектуал мантиқий характерга эга. Фаол онг инсон қалбига таъсир кўрсатадиган соҳада интуитив билим юзага келади, бу билим тасаввуфда бу “ақли-кул” дея аталади. Унга унсурларнинг Илоҳий моҳияти орқали эришилади. Бошқа томондан, Форобийнинг билиш тўғрисидаги таълимотига кўра, ақлнинг бошқа кўринишдаги шакли ҳам мавжуд бўлиб, у ҳиссий ва мавҳум рационал фикрлаш билан боғлиқ.

Лекин Навоий ижодида биз Форобий ёндошувидан кўра пантеизм, яъни илоҳиёт билан мавжудот ўртасида бир-бирига сингиб кетиш, бирида иккинчисининг мавжуд бўлишини кўришимиз мумкин:

Сен сену сендин ўзга худ нима йўқ,
Гар кўрунса сен ўлгунг, ул нима йўқ.

1 Ўша асар, 27-б.

Яъни барча нарса сен ва сендин ўзга ҳеч нарса мавжуд эмас, кўринган нарсанинг йўқлиги сенинг йўқлигингдир ёки

Бас сени аввал ул қилиб зоҳир,
Санга ҳам аввал ўлди ҳам охир[1],

яъни, борлиқ сени ўзида акс эттирди, сенга яратилиш ва йўқ бўлиш сифатини берди, дейди. Бунинг маъноси, сен ўзинг яратган вужуди мумкин, яъни борликда аввал ва охирингга эгасан ва яна ўзингни ана шу борликда ярата оласан деган мазмунга эга.

Алишер Навоийда инсон ақли ва ихтиёри ҳақидаги масала ҳам Форобий қарашларидан анча фарқ қилади. Бироқ Форобий ақлий билим билан бир қаторда, фаол ақлнинг инсон қалбига таъсири натижаси бўлган интуитив (ҳиссий) билимга ҳам катта аҳамият беради. Унинг борлиқ ҳақидаги таълимоти негизида ақлга алоҳида ўрин ажратилади, у эманациянинг учинчи босқичида жойлашади ва самовий онг ҳисобланади. Ва фақат угина унсурларнинг моҳиятига эришишга муваффақ бўлиши мумкин, демак Форобийнинг билиш назариясига мувофиқ, унсурлар моҳияти инсон интуициясида онг назарияси таъсири остида очилади. Айни пайтда ташқи жисмоний сифатлар сингари унсурлар хоссасига ҳам инсон сезгиси билан эмас, балки унинг тафаккури билан эришилади. Алишер Навоийда эса, инсон ақли, ихтиёри унинг қалбида мавжуд бўлиб, инсон қанчалик илоҳий бўлмасин, у гуноҳларга мойил ва унинг гуноҳларида ҳам Яратганнинг қандайдир мақсади мужассам.

Мени гар ожиз этти феъли табаҳ,
Хостинг бу эди манга не гунаҳ[2].

Навоий айтмоқчики, менга табиатдан берилган феъл мени ожиз қилди, сенинг менга берган бу хослигинг мен учун қандай савдо бўлди?

Яна бир қизиқ мисра:

Нафси аммораға гар ўлдум асир,
Мен нетай гар будур санга тақдир[3].

Яъни эҳтиёжманд, ҳар хил йўлга олиб кирувчи катта нафсга асир қилиб яратилган эканман, мен нима қилишим мумкин, агар бу сенинг тақдиринг бўлса, демоқчи. Бунинг яна фалсафий маъносини таҳлил қиладиган бўлсак, мени катта, ҳар хил йўлга бурувчи нафс билан яратиб, сен ўзингнинг тақдирингни ҳам белгилаб қўйдинг, чунки, мен-сендирман, яъни худо борликда зоҳир бўлиб, инсон феъл атвори ҳолатида ҳам ўз тақдирига эга бўлади.

Сен ёмон айласанг мени не ҳад,
Айламак сендин ўлғон амрни рад[4]

яъни сен мени ёмон яратган бўлсанг, не чора, сен берган амрни қандай рад этиш мумкин. Ушбу мисралар Жалолиддин Румий, Умар Хайёмнинг инсон гуноҳкор яратилгани ҳақидаги ибтидоий мақсад ҳақидаги фикрга ўхшаб кетади. Бу эса Шарқ фалсафаси, хусусан Абу Ҳамид Ғаззолийнинг калом фалсафаси замиридаги онтологик концепцияда замонавий Ғарб олимлари кашф этган, эътироф этган янги йўналиш апокалипсис ҳақидаги фикрларни эҳтимоллигини ойдинлаштиради. Унга

1 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. –Тошкент: Фан, 1992. 10-том, 15-б.
2 Ўша манба, 13-б.
3 Ўша манба, 13-б.
4 Ўша манба, 13-б.

кўра, Оллоҳ ер юзида инсон ҳукмронлигини таъминлаганда, унинг охири нима билан тугаши, яъни дунёнинг инсон ақлига қул бўлиб вайрон бўлиш ғояси ўз аксини топган.

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоийнинг "Сабъаи сайёр" достони, у ҳақда кўп баён этилган етти сайёра, ундаги гўзал бадиий тузилма, образлар ва бадиий ғоядан қатъий назар ўз моҳиятида Шарқ ва Ғарб фалсафий онтологиясининг концептуал, янги, Навоий давригача бўлган фалсафий тафаккурнинг энг ноёб кўринишини ўзида ифодалайди. Биргина достон мисолида бир мақола доирасидаги алломанинг онтологик қарашларини таҳлил этар эканмиз, Навоий ижодини янгидан фалсафий мушоҳада этадиган қирралари кўп эканлиги ва янги давр навоийшунослиги янгича фалсафий парадигмада шаклланиши зарурияти мавжудлигига амин бўламиз.

ЭДВОРТ ОЛВОРТ – НАВОИЙШУНОС

Зулхумор МИРЗАЕВА
(ТошДЎТАУ)

Хорижда ўзбек адабиётшунослигининг пайдо бўлиши ва шаклланишида муносиб ўринга эга, ўзбек адабиёти тарихи, маданияти соҳасида салмоқли тадқиқотлар олиб борган АҚШ олимларидан бири Эдворт Олвортдир.[1] Унинг ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари–Алишер Навоий, Лутфий, Заҳириддин Муҳаммад Бобурдан тортиб, XX аср ва замонавий (1970-80 йиллар, Олворт тадқиқотлари яратилган давр назарда тутиляпти) адабиёт вакиллари ижодига оид салмоқли изланишлари бугун янги авлод ўзбекшунослари учун муҳим манбалардан бири бўлиб хизмат қилаётир.

Ўзбек адабиётининг хориждаги тадқиқига оид изланишлар натижаси, миллий сўз санъати таҳлили юзасидан амалга оширилган хорижий манбаларнинг аксариятида сиёсий–ижтимоий ёндашув етакчи тамойил эканини тасдиқлаган эди. Ўтган асрнинг 90-йилларидан кейин яратилган илмий асарларда фақат ғояга урғу бериш тамойилидан чекиниш ва ижтимоий-эстетик таҳлил бирлигидаги уйғунлашув жараёни бошланганлиги кузатилса-да, Ғарб ўзбекшунослигига хос, юқорида таъкидланган ёндашув принциплари, бугунги кунда ҳам доминантлик хусусиятини йўқотмаган.

Хўш, Эдворт Олвортнинг Навоий ижодига қизиқишида, унинг "Ҳайрат ул-аброр" достонидаги машҳур байт тадқиқида соф эстетик мақсадлар кўзланганми? Навоий ижодини ўрганишда ҳам миссионерлик, сиёсий, ижтимоий ва маданий муаммолар аралашмаганми? Олимнинг мазкур кичик тадқиқотидаги марғуб ёхуд номарғуб жиҳатлар нималарда аксланади? Эдворт Олвортнинг Навоий ижодига оид мазкур кичик тадқиқоти ўз даври учун қай даражада муҳим ва аҳамиятли эди?

Уммон орти тадқиқотчисининг Навоий достони таҳлилига оид илк мақоласи 1957 йилда "Америка Славяни ва Шарқий Европа мужоҳадаси" (American Slavic and East European Review, Vol. 16, No. 2, Apr., 1957; pp. 202-205) журналида нашр этилган. Мақолада ўзбек мумтоз адабиёти вакиллари, шу жумладан, "туркий тил ривожига, туркий адабиёт равнақига катта ҳисса қўшган, беназир сўз санъаткори Алишер Навоий асарлари ҳам адабиётдаги марксистик гуманизм ва советлар идеологияси қолипларида талқин қилинган" лиги, "ваҳоланки, мутафаккир ижодий мероси одоб-ахлоқ, руҳий, маънавий комиллик каби тасаввуфий моҳият бирлигидан иборат" лиги таъкидланади.[2]

Совет даври "Ҳайрат-ул аброр" достони талқинидаги сунъийлашув жараёнларини шоирнинг:

---

1 Миллий адабиётимизнинг хориждаги тадқиқотчиси Эдворт Олворт 2016 йилнинг декабрида Нью Йорк шаҳрида 94 ёшида вафот этди. Олимнинг ўзбек адабиёти таҳлилига оид изланишлари хусусида кенгроқ маълумот олиш учун қаранг: Мирзаева З. Денгиз-у уммон оша. Тошкент, "Адиб" нашриёти, 2010; XX аср ўзбек адабиётининг хорижий тадқиқотчилари, Тошкент: "Mumtoz so'z", 2016; XX аср ўзбек адабиётининг Америкада ўрганилиши (1- ва 2- китоблар) Тошкент, 2011, 2016.

2 Edward A. Allworth. The Soviet Interpretation of two lines by an Asian Poet. American Salvic and East European Review, Vol.16, p. 203.

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами[1]
If thou art human, do not call "human"
Him who has no sorrow over mankind's sorrow

(Э.Олворт таржимаси)

байти ва унинг Ойбек[2], Л.И.Климович[3], Е.Э.Бертельс[4] ва Қори Ниёзий[5] каби олимларнинг таржималари мисолида изоҳлайди. Байтнинг рус тилига талқинларини қиёсий аспектда ўрганиб, аслият билан муқояса асосида таҳлил қилади.

Олимнинг фикрича, "русчалаштирилган байт вариантларининг ҳеч бири (Олворт таъкидича, Бертельс варианти нисбатан аслиятга яқинроқ) Навоий айтмоқчи бўлган фикрни бера олмаган, аксинча байтда ижтимоий мотив етакчилик қилганлигини кўрсатиш билан Навоийни тенденцион ёзувчи эканлигини исботлашга бўйсундирилган. Аниқроқ қилиб айтганда, Навоий концепцияси унинг бошқалар ташвиш-у кулфатларига лоқайд, эътиборсиз бўлган инсонларга муносабати, "эзилган халқ"қа фаровон ҳаёт тақдим этиш шаклида ижтимоийлаштирилган.[6]

Шоир ижодига хос маъно қатламлари алоҳида сатрларда эмас, балки яхлит матн холатида инкишоф этилади. Байтнинг матн таркибидан узиб талқин қилиниши шўролар мақсадли концепциясини тарғиб қилиш учун энг муҳим омиллардан бири бўлиб хизмат қилган".[7]

Эдворт Олворт фикрлари тасдиғининг исботи учун байтнинг асл моҳиятини очиб беришга хизмат қиладиган ёндош мисраларнинг ўзбекча ва инглизча вариантларини ҳам мақолага илова қилади.[8]

Kongli kishi khoshlughidin khosh kirek
Nakhosh eger bolsa miishevvesh kirek[9]

(One's heart must be happy about a person's happiness;
It must be confused if there is unhappiness)

Adami irseng dimegil adami
Ani ki yoq khalq ghammidin ghammi

(If thou art human, do not call "human"
Him who has no sorrow over mankind's sorrow)

---

1 Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 7 т. Ҳайрат ул – аброр. Тошкент. Фан, 1991.

2 Айбек и Деич А. Алишер Навои и его время. Навоий мир. № 5, 1948, p. 244 (Биз Ойбекнинг Деич ҳамкорлигидаги таржимасининг асл вариантини топа олмадик ва ушбу изоҳни Олворт мақоласидаги кўрсатилган ҳавола асосида қайд этдик)

3 Климович Л.И. Навоий и две поеми его. "Пятериси", Октябр, № 4, 1945, p. 161.

4 Бертельс И.И. Навоий.- Москва- Ленинград, Издательство академи наук, 1948.- p.158

5 Кари Ниязов Т. Н.Очерки истори культурқ Советского Узбекистана. Москва, Издательство академии наук, 1955, p. 34.

6 Edward A. Allworth. The Soviet Interpretation of two lines by an Asian Poet. American Salvic and East European Review, Vol.16, p. 203.

7 Edward A. Allworth. The Soviet Interpretation of two lines by an Asian Poet. American Salvic and East European Review, Vol.16, p. 203.

8 Эдворт Олворт "Ҳайрат-ул аброр" нинг Истанбул шаҳри, Аясофя (Ayasofya) музейида, 4333 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхасидан фойдаланган.

9 Эдворт Олворт "Ҳайрат-ул аброр" нинг Истанбул шаҳри, Оёсофия музейида, 4333 рақам остида сақланаётган қўлёзма нусхасидан фойдаланган. Бу ҳақда қаранг: Mir Ali Shir Nevai, "Hayratu 'l-abrar," (Istanbul: Ayasofya museum manuscript No. 4333, copied 903 H.), 97a:9.

Ol ki kishi olmekidin shad iriir
Gurken ii ghasil ii jellad iriir.[9]

(He who is joyful about the death of a person
Is a gravedigger, a washer of dead bodies, an executioner)

"Олий идрок маҳсули ўлароқ юзага келган ҳаёт, ўлим, бахт, гуноҳ каби поэтик, фалсафий ғоялар (ҳудди Дон Жон таъкидлагани каби[1]) Навоийнинг юқоридаги сатрларининг асосий мавзуи саналади.[2]

Албатта, Э. Олворт таъкидлаганидек, Алишер Навоийнинг "***Одами эрсанг демагил одами, оники йўқ халқ ғамидин ғами"*** байти турли хил сиёсий мафкуравий таъсирлар натижасида нотўғри талқин қилинган ҳолатлар мавжуд. Олим таржималардаги сиёсийлаштирилган талқин, аслиятдаги "халқ" сўзини сиёсий муҳитга сунъий тарзда мослаштириш, қатъийлаштирилган мафкуравий тамойилнинг илгари сурилиши каби бир ёқлама ёндашувни ўз даврида тўғри англаган. Айтиш жоизки, Америка олимининг ушбу қарашлари бугунги кун учун жуда примитив саналса-да, Ўзбекистонда навоийшунослик эндигина ривожланиб келаётган давр (ўтган асрнинг 50 - йиллари) учун муҳим аҳамият эга бўлган оригинал фикр эди. Ваҳоланки, 1990-йиллардан кейин ўзбек адабиётшунослигида Навоий ижодига оид тадқиқотлар айнан мана шу Э.Олворт 60 йил олдин таъкид этган моҳият асосига қурилди. Иккинчи бир жиҳатдан, байт хусусидаги олим хулосаларининг бугунги ўзбек навоийшунослари фикрларига ҳамоҳанглиги улар ўтган асрнинг 50-йилларидаёқ эркин фикрлаш имконига эга бўлганлиги билан изоҳланади. Ўзбекистонда узоқ йиллар давом этган коммунистик мафкурага хос жараёнлар ижод аҳли қаторида ўзбек зиёлиларининг ҳам эркин интилишларини тақиқлаб қўйди. Улар тоталитар мафкуранинг дастёрига айланишга мажбур бўлдилар. Ҳатто Ойбекдек даҳолар, Қори Ниёзий ва яна бошқа ўзбек олимлари қарашларидаги субъектив талқин сабаблари ҳам мана шу факторларга асосланади.

Иккинчидан, Олвортнинг мазкур тадқиқоти Навоий ижодидаги инсониятнинг умумбашарий ҳақиқат ва туйғулари ифодаси жаҳон адабиёти дурдоналари қаторидаги фалсафий моҳиятга ҳамоҳанглигини исбот этади, "Ҳайрат ул-аброр" нинг фалсафий гуманистик нуқтаи назардан аҳамиятли асар эканлигини тасдиқлайди.

Аммо, назаримизда, Америка олимининг ушбу тадқиқотини соф эстетик мақсадлар асосига қурилган, тарафкашликдан холи, тўлалигича объектив қарашларга асосланган, олимнинг руҳ ва қалб эҳтиёжи ўлароқ юзага келган тадқиқот деб бўлмайди. Зотан, мазкур кичик изланиш XX асрнинг 50 йиллари, "совуқ уруш" оқибатида юзага келган мафкуравий курашларнинг энг фаол даврига тўғри келади. Иккинчидан, мақолада сиёсий мавқеини мустаҳламлаш ҳаракатининг устунлиги унинг номланишида ("Осиё шоири икки қатор шеърининг советча талқини") ҳам яққол кўзга ташланади. Тадқиқотда асосий эътибор шоирнинг бадиий маҳоратига эмас, балки унинг "советча талқини" га қаратиляпти. Учинчидан, таржима вариантларида асар ғоясини давр идеологиясига мослаштириш ҳолатлари кузатилса-да, Америка олими таъкидлаганидек, "халқ" нинг "народ" шаклида таржима қилиниши айни пайтда "халқ -жамики тирик жонзот" да акс этган муаллиф фикрига зид" маънони келтириб чиқармаган. Аксинча таржима талқинлари воситасида асар кўпқатламли моҳият асосига қурилганлиги, унда асосий мазмунга паралел бошқа маъноларни - Навоий ижтимоий сиёсий хаёт воқеликларни улуғ инсонпарвар ва пешқадам маърифатпарвар мутафиккир сифатида эл юрт манфаатини химоя қилиш асосида ёритишга интилганлигини ҳам кўриш мумкин.[3] Адабиётшунос

1 Ҳар қандай инсоннинг ўлими мени заифлантиради, чунки мен бутун инсоният билан уйғунман. Қаранг: Donne, John. Devotions upon emergent occasions. Complete Poetry and Selected prose. London, Nonesuch,1946.

2 Edward A. Allworth. The Soviet Interpretation of two lines by an Asian Poet. American Salvic and East European Review, Vol.16, p. 203.

3 Маллаев Н. Навоий ижтимоий-иқтисодий ҳаёт воқеаларини таҳлил ва таърифида Натан Маллаев. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII асргача). 3-нашр. Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 427-428-бетлар.

олим Натан Маллаев таъкидлаганидек, “Ҳайрат ул-аброр” даги ушбу байт Навоийнинг бутун фаолияти ва ижодиёти учун етакчи шиор бўлиб қолган эди.[1]

Тўртинчидан, Э.Олвортнинг Э.Е.Бертельс таржимаси аслиятга яқин деган фикрига ҳам қўшилиб бўлмайди. Зотан Бертельс вариантида байтни давр мафкурасига бўйсундириш бошқаларга нисбатан кучлироқ эканлигини кўриш мумкин. Мутаржим таржимадаги “народ” сўзида “эзилувчи синф” ни кўзда тутган бўлса-да, аслиятдаги “ғам” сўзи “горе” “мусибат” га эмас, балки кўпроқ “печал” га муқобилроқ, деб ўйлаймиз.

Ўрнида таъкидлаш керакки, бугунги жаҳон навоийшунослиги аввалги тадқиқотлардаги тарафкашлик ва айирмачилик позициясидан анчайин холи бўлиб, уларда мутафаккир дунёқараши, ижодий-эстетик концепцияси, унинг олам ва одам моҳияти хусусидаги эстетик қарашларининг бадиий талқини, фалсафий мажозий моҳият мушоҳадаси каби муҳим омилларга эътибор қаратиш шаклланди. Франция[2], Америка, Япония олимлари Алишер Навоий ижодий меросини турли хил аспектларда, шу жумладан бугун кўп кузатилаётган қиёсий типологик ўрганиш, асарларини таржима қилиш орқали мутафаккир ижодини дунё китобхонларига тарғиб қилиш кундан-кунга ривожланиб бормоқда. Хусусан, Ғарб навоийшунослигидаги хулосаларнинг индивидуал тасаввур тахайюл махсули сифатида эмас, балки жаҳоннинг энг обрўли кутубхоналари, музейларда сақланаётган қўлёзмалари, асл манбаларга таяниб билдирилаётганлиги Навоий асарлари мазмун моҳиятига янада чуқур кириб бориш имкониятларини кенгайтирмоқда. Айниқса, Навоий ижодидан намуналарнинг турли хил тилларга таржимаси ва бу жараёнларнинг жадаллашуви шоир ижодий меъросининг аҳамияти, унинг жаҳон адабиётшунослиги ривожидаги ўрнини яна бир бор тасдиқлайди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА ЭРИХ ФРОММ ФАЛСАФАСИДА МУҲАББАТ МАВЗУСИ

Гулноз РЎЗМАТОВА
(ЎзМУ)

Глобаллашув жараёнида инсон ҳақидаги таълимотлар ғоят хилма-хил, муқобил таълимотлардан иборат бўлиб, бир томондан, уни комплекс-тизимли тасаввур қилишга имкон беради, иккинчи томондан, «таълимотлар уммонидан» маъқулини танлашни тақозо қилади. Инсон қадриятлари ичида энг олийси муҳаббат туйғусидир. Биз қуйида XV асрнинг Шарқнинг буюк алломаси Алишер Навоий (1441-1501-йиллар) билан XX аср америкалик психолог ва социолог Эрих Фромм (1900-1980-йиллар) дунёқарашида севги, муҳаббат масаласига оид ҳамоҳанг жиҳатларини қиёслаймиз. Алишер Навоий инсоннинг руҳий фаолиятини, руҳий хислатларини муайян маънода ҳам табиийлаштиради, ҳам ижтимоийлаштиради, уларни ҳам табиий, ҳам ижтимоий омиллар ҳолида талқин қилади. Инсоннинг хислатларидан, руҳий фаолиятнинг зуҳур этишларидан бириси севги, севиб ўша севгисига етишлик учун ҳаракат қилишидир. Навоий шоирона таъбирлар, сўз ўйинларини ишлатиб ишққа хитобан айтадики, сен ҳаттоки Худо тарафидан лойдан... яратилган инсонни олтинга айлантирибсан, шу билан унинг мартабасини беҳад юксакликларга кўтарибсан, бу билан қаноатланмадинг, - уни (шу инсонни), шу билан бирликда ва шунинг натижасида ҳар қандай жафоларга ҳам ёр қилдинг...[3]. Кимки шундай жафоларга бардош бермаса, чидай олмаса, ишқнинг лаззатлари билан бахтиёр, бахравар бўлиш билан бирликда азобларга, ишқнинг жафоларига, унинг натижасида келадиган уқубатларга чидамаса, - ҳақиқий инсон бўлишликнинг шартларига жавоб бера олмаса, у одам тўлиқ, ижтимоий маънодаги ижобий одам бўла олмайди, ҳақиқий ошиқ бўла олмайди, бировни сева олмайди. Агар севаман деб дод солса ҳам у, ёлғондир, таъмагирликдан, ўз фойдаси учун бировдан бирон нарса, манфаат ундириш учун қилинган нолагина бўлади.

---

1 Маллаев Н. Навоий ижтимоий-иқтисодий ҳаёт воқеаларини таҳлил ва таърифида ” Маллаев Н. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб (XVII асргача). 3-нашр. Тошкент: Ўқитувчи, 1976, 427-428-бетлар.

2 Жаҳон навоийшунослиги ҳақидаги библиографик маълумотлар учун қаранг: Мирзаева З. XX аср ўзбек адабиётининг хорижий тадқиқотчилари. Тошкент, “Mumtoz so’z”, 2016, Библиография, 114-122 бетлар

Ким дарду гудозу сўз бирла,
Юз шуълан жонфуруўз бирла.

Чун айлади покликка мавсуф,
Ул навъ қилур бировга машъуф.

Гарчи ситаму жафо қилурсен.
Тупроқни кимиё қилурсен.

Ҳам олтин ўлуб бу пайкари хок,
Ҳам бўлди бу навъ холису пок [4, 447-448].

Демак, Навоий тушунишидаги ишққа мубтало бўлган одам азобу уқубатларга ҳам эга бўлади. Ишқни Навоий тамомила ҳақли ўлароқ ойнаи жаҳоннома деб атайди. Бу ишқ шундай ойнаки, унда инсон воқелик, борлиқ қандай бўлса шундай (ҳам ички сирлари, моҳияти билан) кўради. Бу ишқ воқеликка, ҳамма нарсаларга соф, ҳақиқий инсон, соф ҳаёт инсони кўзлари билан қаратади. Бу ишқ шундай кўзгудирки, у орқали воқеликни тўғри кўриш, тўғри англаш, унга нисбатан тўғри муносабатда бўлиш мумкин. У орқали чин саодатга, бахтга эришиш мумкин. У, ҳақиқат ойнасидир. Бу ишқ шундай ойнаки, у орқали ва унда инсон ўзининг, бутун воқеликнинг сирини (илоҳий моҳиятини) нимадан иборат эканлигини равшан билан олади. Кўзларни, назарни равшан қилиб, инсонни реал воқелик, чин нарсалар, реал севгилилар билан – ҳар ерда бор гўзал табиат билан, инсонлик билан, инсон билан маҳкам боғлайди. Мана Навоийнинг ўзи шундай дейди:

Эй ишқ, ғариб кимиёсен,
Бал ойинаи жаҳоннамосен.

Ҳам зотинга дарж кимиёлиқ,
Ҳам ойинаи жаҳоннамолиқ.

Инсонники халқ қилди халлоқ,
Йўқ тийнат анга бағайри туфроқ.

Ким қилди санга назарни равшан,
Кўрди еру кўкдагин муайян.

Чун боққали ихтиёр топти,
Ҳар сорики боқти, ёр топти [4, 447-448].

Лекин энг муҳими шундан иборатки, Навоий юқорида айтганимиздек, севгини тор маънода олмайди, уни кенг кўламдаги инсонпарварлик позициясида туриб талқин этади. Бунинг устига, севгини инсонлар орасидаги ҳақиқий инсоний муносабатларни диндан узоқда тутади. Шу билан бирга, Навоий ўша муносабатларнинг, ўз тушунчасидаги ишқ тамойилларининг тантанасини, энг олижаноб инсоний ғояларнинг ғалабасини дин орқали, диний йўл билан бўлди деб тушунмайди. Демак, Навоий севги, муҳаббат масаласига гуманизм позициясидан қарайди. Унинг севгиси реал маънога, моҳиятга эгадир.

Шу ўринда Ғарб мутафаккири Эрих Фроммнинг муҳаббат ҳақидаги қарашларини кўриб чиқамиз. Фроммнинг фикрига кўра, инсон маънавий-руҳий хислатга эга, бу ҳеч қайси бошқа жонзотда учрамайди. У ўз-ўзини англайди, ўтмишини, келажагини ўйлайди. Инсон табиатнинг ичида мавжуд. Шунинг учун унинг ҳукмига ва ўзгаришларига бўйсунади. У табиатнинг асиридир, лекин шунга қарамай, ўз тафаккурий мулоҳазаларида эркиндир. Инсон мутаносибликка эришиш учун

ўзининг бор ички кучини, инсонийлигини ривожлантириши лозим. Инсонийликни ифодаловчи биринчи эҳтиёж сифатида Фромм ўзаро шахс ришталари муҳаббат орқали боғланган мақомга интилишини таъкидлайди. Бошқа мавжудотлар билан қўшилиш, инсон соғлиғи, айнан шу эҳтиёж билан шартланган. Унинг фикрича, ана шу эҳтиёжнинг олий шакли – бу муҳаббатдир. Бу ҳисни юксакларга кўтариб, Фромм жаҳон адабиётига мурожаат қилади. Муҳаббат орқали инсон буюк инсоний имкониятларини очади, ўзгада ўзини кўради, ўз моҳиятини намоён қилади. Фақат муҳаббатгина ҳақиқий абадийликка дахлдорликни рўёбга чиқаради, чунки у беманфаат, беғараздир [5, 48].

Э.Фромм асарларида муҳаббат инсон ҳаётининг ибтидоий асосларини белгилаб берувчи тамойил сифатида талқин қилинади. Айнан шу фикрлари Навоий ғоялари билан қойимдир. Унинг мушоҳадасида бутун ҳаёт чигалликлари намоён бўлади, инсон синоатининг ечими ҳақидаги фикрлар ётади. Фроммнинг фикрига кўра, тафаккур даражасидаги муҳаббат шахсий ўзига хос дунёни тушунишни англатади; фаолиятда – ижодкорлик ва ўзлигини намоён қилишни билдиради; эҳтирос даражасида – бу ўзга инсон, табиат ва бутун инсоният билан ягоналик ҳиссидир. Муҳаббат, олимнинг фикрича, бу инсондаги фаол куч-қувватдир. Бу куч инсонни инсондан ажаратадиган ҳар қандай тўсиқни қўпориб ташлайди, уларни бир-бирига яқинлаштиради. Демак, муҳаббат – шахснинг энг умумий тарзда ўз-ўзини намоён қилиш шаклидир. Муҳаббатнинг мазмуни бутун дунёнинг умумий ибтидосида намоён бўлади. Унинг ушбу мулоҳазалари Шарқ мутафаккири ҳамда Томас Маннинг “Юсуф ва унинг оғалари” номли романидаги қадимги афсоналар талқинига ҳамоҳангдек туюлади. Муҳаббат, Фромм талқинида, икки бошланғичга, аниқроқ айтганда, икки қутбга эга. Чунки бу ерда сўз ўзига хос афсонавий тузилма ҳақида кетяпти: улар эркаклик ва аёллик ибтидоларидир. Бу қарама-қаршиликлар материя ва руҳнинг зиддиятлилигига ўхшаб кетади. Демак, эркаклик ва аёллик қаршилиги, нафақат ўсимлик ва ҳайвонот оламида, балки табиатда ҳам мавжуддир. Бу қутбийлик - ер ва ёмғирда, дарё ва уммонда, тун ва кунда, ёруғлик ва зулматда, моддият ва руҳиятда ўз ифодасини топади.

Ана шу глобал кўникмага кўра, Фромм муҳаббатнинг олти хил конкрет шаклини ажратади: оналик муҳаббати, оталик муҳаббати, она-отага ва оға-инига муҳаббат, биродарлик муҳаббати, ҳирсий муҳаббат ва ниҳоят Худога бўлган муҳаббат. Ана шу туйғуларнинг ҳар бири ўзига хос тарзда намоён бўлади. Аёллик қутби дунёга келтириш, яратиш, қабул қилиш, ҳимоялаш, ҳаётийлик, сабр-қаноатлилик, оналик хусусиятларидан иборат. Эркаклик ибтидоси эса, фаоллик, аралашувчанлик, интизом ва таваккалчилик хусусиятларига эга. Бу қутблар доимо ўзаро курашда бўлади. Шунинг учун ҳам Фромм муҳаббатни муайян инсон муносабати сифатида кўрмайди. Олимнинг талқинида муҳаббат дунёга яхлит муносабатни белгиловчи ҳолатдир. Инсоннинг дунё билан қўшилиш жараёнидаги муайян даражада одатланиш йўналишидир [5, 54].

Муҳаббат ҳақиқатан ҳам – санъатми, деб савол қўяди Фромм ва унга ижобий жавоб беради. Кўпчиликни севгилиси билан ўзини қандай тутиш зарурлиги қийнайди, севишнинг ўзи эмас, яъни сева олиш қобилиятининг мавжудлиги эмас, яъни Фромм таъкидига кўра, севиш мушкул эмас, лекин севиш учун мос объект топиш ва севилиш мушкулдир. Бундай кўникманинг асоси замонавий жамият ривожида ётади. Ҳозирги даврда, унинг фикрига кўра, ҳирсий-жисмоний (романтик) муҳаббат таълимоти узил-кесил ғалаба қозонди. Бу таъкид бирмунча бўрттириб кўрсатилган бўлиши мумкин. Лекин Фромм асарларида тарихий-маданий саёҳатни, қиёсни кўрамиз. Бу тарихий асос қадриятларнинг чуқур, моҳият ўзгаришларини намоён қилади. Шу маънода XX асрда нафақат жисмонийликдан халос бўлиш учун даъват, балки руҳий муҳаббатни излаш керак эди. Замонавий социологик сўровномалар ана шу зиддиятларни яққол исботлади. Ҳирсий инқилоб тажрибаси жисмоний-шахсий ҳиссиётга нисбатан соғинч туйғусини уйғотди. Фроммнинг муҳаббат – санъатдир, деган ибораси, ҳаёт ҳам санъатдир деган иборага ҳамоҳангдир. Агар биз севишни ўрганишни истасак, бошқа санъатларни эгаллаш учун қандай ҳаракат қилсак, шундай ҳаракат қилишимиз зарур. Масалан, мусиқа, рассомчилик, дурадгорлик, тиббиёт, муҳандислик ва ҳоказолар [5, 71].

Ўзгани севиш – эзгуликдир, ўзини севиш эса гуноҳдир. Зероки, ўзгаларни севиш ва ўзини севиш бир-бирини истисно қилади. Бу ерда муҳаббат табиатини тушунишда хатоликка йўл қўйилмайди. Муҳаббат қандайдир “объект”нинг ўзига хослиги туфайли яратилмайди, балки у шахснинг

ички оламида доимо мавжуд бўлади, лекин муайян объект орқали “ҳаракатга келади” [5, 76]. Ғазаб – яксон қилиш туйғуси бўлганидек, муҳаббат – “объект”ни таъкидлаш туйғусидир. Бу эҳтирос эмас, балки ички бирдамлик, бахтга фаол интилиш, муҳаббат объектининг эркинлиги ва ривожидир. Олимнинг фикрича, муҳаббат кимга қаратилганидан қатъий назар, шу жумладан, ўз-ўзига йўналган бўлса ҳам мулоқотга тайёр бўлишликдир. Фақат бир “объект”га қаратилган муҳаббатгина зиддиятлидир. Албатта, муҳаббат “объект”и бу муайян шахс бўлади [5, 78].

Алоҳида ҳолатларда танлаш омиллари жуда кўп ва мураккаб бўлади. Лекин асосийси, Фромм таъкидича, муайян “объект”га нисбатан муҳаббат - ички доимий мавжуд бўлган ҳиссиётнинг рўёбга чиқиши ва жамланмасидир. Мазкур туйғу у ёки бу сабабга кўра муайян инсонга қаратилади. Бу ғояни Фромм “Эркинликдан қочиш” номли асарида ҳам таҳлил қилади. Унинг фикрича, вазият ҳиссий-жисмоний муҳаббат ҳақидаги таълимот талаб қиладиган ҳолатдек бўлмайди. Дунёда сиз яхши кўрадиган ягона одам мавжуд, уни топиш ҳаётда катта бахт, омад саналади, бу эса, бошқа одамлардан узоқлашишга олиб келади [6, 102].

Лекин олий ҳолатдаги муҳаббат мумкинми? Муҳаббатла ёнган шахснинг қалбидаги бор эзгулиги маҳбубига қаратилади ва унда юксак инсоний сифатлар ўз аксини топади. Муайян инсонга қаратилган муҳаббат, умуман инсонга бўлган муҳаббатга таянади. Умуман инсонга бўлган муҳаббат эса, маълум ишқий муносабат тажрибасидан “сўнг” пайдо бўладиган ҳиссиёт эмас ёки муайян объектда ҳис қилинган тажрибанинг ҳаётга ўтказилиши эмас. Аксинча, олим фикрича, бу кечинманинг асосидир, зеро бу кечинмалар албатта муайян шахс билан бўлган мулоқотда вужудга келади.

Аслида, фроммча таҳлилдан шу нарса келиб чиқадики, муҳаббат ширин азобдан ҳузурланиш - боғланиш бўлиб, қовушиш эҳтиёжи орқали вужудга келади. Агар муҳаббат деганда, бошқа одамни эҳтиросли севиш тушунилса, бундай муносабатлар эркинлик асосида бўлса, унда азобдан ҳузур олиш ва муҳаббат бир-бирига зид бўлади. Муҳаббат тенглик ва эркинликка асосланади [6, 116]. Муҳаббатнинг ўзига хослиги ҳақидаги фроммча таҳлилдан қандай хулосага келиш мумкин? Даставвал, шуни таъкидлаш зарурки, бу ҳодисани очиқ фалсафий-антропологик назариясиз тушуниб бўлмайди. Фақат инсон фалсафасига яхлит тизим сифатидаги қарашлар асосида ушбу универсал ҳиссиётни таҳлил қилиш мумкин. Ҳайвонларда ҳам Фромм таъкидига кўра, муҳаббат намоён бўлади. Лекин уларнинг муносабати асосан майлларга бориб тақалади.

Ижтимоийлашув жараёни - шахс ўзини ва бошқаларга бўлган муносабатини турли шакллар орқали аниқлаган даврдан бошланади [6, 88], дейди Фромм. Инсонлардаги муайян мулоқот усулларининг ривожи ижтимоий хусусиятнинг шаклланишига олиб келади, бу эса, яққол муқим тизимга айланади. Муҳаббатли инсон ҳаётга қизиқувчан, хушфеъл, ҳайратланиш қобилиятини йўқотмаган шахсдир. Бундай одамларнинг ички руҳий ҳолати фақат ижобий бўлиб, ҳар қандай қийинчиликларга дош беришга қодирдир. Жамиятнинг инқироз ҳолатларида бундай шахслар одамларга далда бериб, жамиятда руҳий кўтаринкилик ҳолатини таъминлайдилар. Бундай шахсларни Фромм жамият тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи, дейди.

Шу жумладан, инсон қадриятлари ичида энг олийси муҳаббат туйғусидир. Фромм муҳаббат фалсафаси таълимотини ривожлантиради, бу туйғу инсонларнинг бир-биридан ажралиб қолишлигидан асрайди, инсон мавжудлиги зиддиятларидан қутқаради, инсоннинг дунё билан уйғунлигини қайта тиклайди. Муҳаббат, Фроммнинг фикрича, «инсон мавжудлиги муаммосига қониқарли ягона жавобни бера олади» [7, 103]. Икки инсон ботиний уйғунлик билан муомалада бўлгандагина муҳаббат туғилади ва айни шу боис ҳар иккаласи шундай уйғунликни чин дилдан ҳис этади. Фақат айни шундай «теран ботиний самимийликда» инсоний моҳият, ҳаётийлик, муҳаббат негизи мавжуд бўлади. Шу аснода ҳис қилинган муҳаббат – доимий даъват. Бу роҳат-фароғат манбаи эмас, балки саъй-ҳаракат, ривожланиш, ҳамкорликдаги фаолият. Ҳатто бундай жуфтлар муносабатларида уйғунлик ёки зиддият, шоду-хуррамлик ёки қайғу-ҳасрат ҳукмронлик қилишидан қатъий назар, ҳар иккаласи ўзлигидан қочмасдан, балки аслияти билан муштарак бўлгани туфайли бир тану бир жон бўладилар. Иккаласи ҳам ҳаётий теранлик нуқтаи назаридан ўзларини ҳис қиладилар. Муҳаббатнинг бирдан-бир исботи – ўзаро муносабатнинг самимий теранлиги, ҳар иккаласининг ҳаётийлиги ва куч-қувватидир; айни мана шу самара-натижага асосланган ҳолда муҳаббат аниқланади

[7, 103]. Демак, Фроммдаги қадриятлар тизимининг муҳаббат мазмун-мезони шулардан иборат. Бу қадриятлар тизими янги «инсонпарвар жамият» қуришда маънавий муҳитни шакллантиришга ёрдам беради. Яъни ижтимоий борлиқни ўзгартириш бўйича таклиф қилинган Фромм дастури, бутунлай ички ахлоқий янгиланишга ва инсон муҳаббатининг қайта тикланишига асосланади.

Ниҳоят, бу мавзунинг бир жиҳатини таъкидлаб ўтамиз. Муҳаббат Фромм талқинида яратувчи, ижодий ибтидо сифатида намоён бўлади. Муҳаббатни бундай талқин қилишда у ёлғиз эмас. Масалан, А.Ф.Лосевнинг фикрига кўра, "Энг ҳайвоний, энг жисмоний, энг очиқ ҳирсий муҳаббат, фақат бир индивидни бошқага бўлган муҳаббати эмас, бир организмнинг бошқасига интилиши эмас. Энг оддий, ҳайвоний ҳирсий интилиш ҳам дунёга келаётган янгича интилишдир. Бу интилиш ҳаётнинг абадий қайта туғилишидаги синоатга бўлган интилишдир. Бу яратишга, ижодкорликка бўлган эҳтиросдир. Ўзидаги бошқа тур намоёнидир, кўпайиши, ўзининг қайта яратилишидир. Ҳозирга нисбатан турлича, янгича, бой шаклда, кенгроқ, кучлироқ, чуқурроқ яратилишидир. Муҳаббат ана шу умумийлик билан яшайди, чексиз ўзини ҳамма нарсада ёки бирон бир нарсада тасдиқлаш истиқболига интилади. Муҳаббатда гўё инсон Худога ўхшашни истайди. Ўзидан бутун бир дунёни яратади, ўзидан бир оламни чиқаради ва уни ичидан билади, яратмасдан олдин англайди..." [8].

Шундай қилиб, хулоса қилсак, Алишер Навоий ва Эрих Фромм муҳаббат ҳақидаги нуқтаи назарининг таҳлили кенг социологик назария билан боғланади. Муҳаббатнинг фалсафий талқини инсондаги инсонийликни очишга, умумий туйғу шахсий баркамолликни бойитишга йўналтирилгандир. Тафаккур даражасидаги муҳаббат шахсий ўзига хос дунёни тушунишни англатади; фаолиятда - ижодкорлик ва ўзлигини намоён қилишни билдиради; эҳтирос даражасида – бу ўзга инсон, табиат ва бутун инсоният билан ягоналик ҳиссидир. Муҳаббат, бу инсондаги фаол куч-қувватдир. Бу куч инсонни инсондан ажаратадиган ҳар қандай тўсиқни қўпориб ташлайди, уларни бир-бирига яқинлаштиради. Демак, муҳаббат – шахснинг энг умумий тарзда ўз-ўзини намоён қилиш шаклидир. Муҳаббатнинг мазмуни бутун дунё умумий ибтидосида намоён бўлади. Демак, муҳаббатли инсон ҳаётга қизиқувчан, хушфеъл, ҳайратланиш қобилиятини йўқотмаган шахсдир. Бундай одамларнинг ички руҳий ҳолати фақат ижобий бўлиб, ҳар қандай қийинчиликларга дош беришга қодирдир. Жамиятнинг инқироз ҳолатларида бундай шахслар одамларга далда бериб, жамиятда руҳий кўтаринкилик ҳолатини таъминлайдилар.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Каримов И.А. Озод ва обод Ватан, эркин ва фаровон ҳаёт – пировард мақсадимиз. 8-жилд. – Тошкент: Ўзбекистон, 2000.
2. Зоҳидов В. Улуғ шоир ижодининг қалби. – Тошкент: Ўзбекистон, 1970.
3. Навоий А. Мукаммал асарлар тўплами. 20 жилдлик. – Тошкент: Фан, 1961-2011.
4. Навоий А. Хамса. – Тошкент: Фан, 1966.
5. Фромм Э. Ради любви к жизни. – М.: ООО "Фирма "Издательство АСТ", 2000.
6. Фромм Э. Бегство от свободы. – М.: Прогресс, 1990.
7. Фромм Э. Севиш санъати // Жаҳон адабиёти. – 2004. – 4-сон.
8. Лосев А. Родина // Литературная газета. 24 янв. 1990.

V. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИНИНГ ТАҲЛИЛ МЕТОДИКАСИ МУАММОЛАРИ

Боқижон Тўхлиев
(ТДШИ)

Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди ҳар доим ўрнак ва намуна мактаби вазифасини адо этиб келган. Бу вазифа бугун ҳам ҳеч бир истисноларсиз давом этмоқда. Зеро, Алишер Навоий бундай шараф ва ардоққа тўла мос ва муносиб мутафаккир ижодкордир. Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов айтганларидек, "Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир. Таъбир жоиз бўлса, оламда туркий ва форсий тилда сўзловчи бирон-бир инсон йўққи, у Навоийни билмаса, Навоийни севмаса, Навоийга садоқат ва эътиқод билан қарамаса. Ўзбекистоннинг биринчи президенти Ислом Каримов айтганидек: **"**Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир**".**

Маълумки, Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодини ўрганиш таълимнинг барча босқичларида кўзда тутилган. Демак, бўлажак тил ва адабиёт ўқитувчиси мазкур манба ва материалларнинг барчасидан хабардор бўлиши керак.

Навоий ҳаёти ва ижодининг олий таълимда ўрганилиши алоҳида мавзу ва илмий-методик муаммодир. Гап мамлакатимиздаги барча олий ўқув юртлари ҳақида кетмоқда. Бу масала кун тартибига ниҳоятда жиддий равишда қўйилиши ва ўзининг ижобий ечимини топиши керак. Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганмасдан туриб, Алишер Навоий асарларининг асл мағиз-моҳияти билан етарлича танишмасдан туриб юксак маънавиятли шахс ҳам, тўлақонли мутахассис ҳам, бугунги замонамизга, мустақил Ўзбекистонимизга мос ва муносиб инсон бўлиш ҳам қийин, ҳаттоки мумкин эмас дейиш жоиз кўринади. Ҳозир бутун мамлакат аҳли жуда катта ишонч ва умидлар билан янги очилган Ўзбек тили ва адабиёти университетидан бу борадаги ечимларни жуда катта интиқлик билан кутиб турибди.

Мен ҳозир "Адабиёт ўқитиш методикаси" фани доирасидаги айрим муаммолар ҳақида мулоҳаза юритиш билан чекланаман.

Абу Наср Фаробий шеъриятнинг ўзига хослиги ҳақида мулоҳаза юритар экан, жумладан, шундай дейди:

«...исботда илм, тортишувда иккиланиш, риторикада ишонтириш қанчалик аҳамиятли бўлса, шеъриятда ҳам хаёл ва тасаввур шунчалик зарур бўлади. Баъзида инсон феъли кўпроқ хаёл суришга боғлиқ бўлади. Бу шундайки, инсон бир нарсани бошқа бирор нарсада бор, деб тасаввур қилади. Бунинг натижасида у нарсаларнинг борлигини ҳис ва исбот тасдиқлагандагина унинг ўша нарсада борлигига ишониб, ўшандай қилиш мумкин. Ҳатто бу ишда унинг борлиги ёлғон бўлиб, фақат хаёл қилинган тақдирда ҳам, бу ҳаракат – феълни амалга оширади»[1].

1 Абу Наср Форобий. Шеър санъати. Арабчадан таржима, изоҳ ва муқаддималар муаллифи А.Ирисов. Тошкент:

Демак, таълим жараёнида бу хусусиятларни эътиборга олиш, керак бўлса, улардан ўз ўрнида ва унумли фойдаланиш лозим. Шеър – эмоционал кайфият ифодаси. Бу кайфиятни ўқувчиларга юқтира олиш эса ўқитувчининг маҳоратига боғлиқ.

Шеърий асарни англаш, ундаги муаллиф кўзда тутган ниятни, мақсад ва вазифаларни тушуниб етиш, шеър ғоясиниг мағзини чақиш уни ўқишдан, янада аниқроғи шу матнни тўла идрок қилишдан бошланади.

Шеърий асарда ритм, товушлар уйғунлиги, сўзнинг кўп маънолилиги, айни пайтда ҳар бир сўз ва товушнинг жаранги, янги сўзнинг оҳори осонроқ ва таъсирлироқ тарзда намоён бўлади. Худди шунинг учун ҳам лирик асарларни қайта ҳикоялаш, «унинг мазмунини ўз сўзи билан айтиб бериш» мумкин эмас. Шеърий асарларни таҳлил қилишда ўқувчиларнинг ёши алоҳида эътиборда тутилиши керак. Мисол тариқасида академик лицейларнинг ўқувчиларини оладиган бўлсак, уларнинг қалбига лирик асарлар моҳиятини сингдиришда мантиқийлик ва эмоционалликни қўшиб олиб боришнинг самарали бўлишини таъкидлаш жоиз.

Бу ёшда уларга шеърий асарнинг образлар тизими ҳақида гапириш, муҳокама ва мунозараларни шу соҳага буриш ўринли бўлади. Айни пайтда шеърнинг эмоционал-образли қирраларидан назарий тушунчалар томонга ўтиш имконияти ҳам мавжуд бўлади. Назарий тушунчалар асосида шеърий асар образларини тушуниш томон бориш ҳам амалиётда синовдан ўтган ва ўзини оқлаган усуллардан ҳисобланади. Буни Навоий ғазаллари мисолида кўриб чиқишимиз мумкин.

Навоий шеърияти туйғулар ва фикрларнинг етуклиги, табиийлиги, фавқулодда гўзал ва таъсирчанлиги, сўз маъноларининг камалакдек товланиши билан ажралиб туради. Мулоҳазаларимизни “Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга” мираси билан бошланадиган ғазал асосида билдиришга ҳаракат қиламиз. Шеър матни ўқилгач, саволлар устида ишлаш мумкин бўлади:

1. Шеърни ўқиш натижасида сизда қандай туйғулар пайдо бўлди? Шеърда қандай образлар мавжуд?

2. Биринчи байт мазмунини қандай изоҳлаш ёки шарҳлаш мумкин?

3. Шеър мавзусини аниқланг. Унга қандай сарлавҳа қўйиш мумкин деб ўйлайсиз? Қўйган сарлавҳангизни асослаб бера оласизми?

4. «Балолиғ кун» ифодасини изоҳлаб беринг. Шеърда яна қандай сифатлашлар қўлланган? Улар қандай вазифаларни адо этмоқда?

5. Шеърнинг қофияси ва радифларини аниқланг. Нима учун айни шу сўзларнинг қофияда қўлланганлигини изоҳлашга ҳаракат қилинг.

6. Байтлар орасида мантиқий боғланишлар борми? Уни қандай изоҳлаш мумкин. Байтдан байтга ўтган сари шоирнинг ички кечинмалари, туйғуларнинг ўзгариб бориш жараёни тасвирида қандай ўзгариш ва янги қирралар кузатилади? Изоҳлаб беринг.

7. Ғазалда қандай тасвир воситалари қўлланган? Улар қандай бадиий-эстетик вазифаларни бажармоқда?

8. Ғазалнинг тили, унда қўлланган сўзларнинг эмоционал-экспрессив томонлари ҳақида нималарни айта оласиз?

Навоийнинг мазкур ғазали лирик кайфиятнинг ўзига хос ифодаси сифатида алоҳида эътиборга моликдир. Мана шу кайфиятни туғдириш учун шеър матни ифодали ўқилади. Аммо матн мазмуни таъсирчанлигини ошириш, ғазалнинг онгли тарзда ўзлаштирилишини таъминлаш учун ўқувчиларга асардаги нотаниш ёки тушунилиши қийин бўлган сўзлар луғатини туздириш ҳам мақсадга мувофиқдир. Бунда қуйидаги сўз, сўз бирикмаси, айрим тушунча ва гапларни ажратиб олиш мумкин: *батаррак, бўлдум, ваҳки, жоми Жам, кун-кундин, мубтало, мудом, наво, не балолиғ кун, оворa бўл, ошно, пари пайкар, соқий, тарки жоҳ айлаб, тарки насиҳат айладим, узай сендин кўнгул, ушшоқ, Хизр суйи, юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга, қай, ғусса чанги, ҳар неча.*

Бу сўзларни ҳозирги ҳолатдагидек, яъни алифбо тартибида ҳам, байтлар таркибида учраш сирасига кўра изоҳлаш имконияти мавжуд.

Матн мазмуни билан шу хилдаги танишишдан сўнг унинг байтма-байт таҳлилига ўтилади:

Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1979, 18-б.

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санга,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдум санга.

Матлаънинг биринчи мисрасида ошиқ кўнгилнинг соғинчли иштиёқлари, ёрга бўлган дил талпинишлари ўз ифодасини топган бўлса, кейинги мисрада мазкур ҳаракат(ошиқлик)дан пушаймонлик акс этган. Бу оҳанг ёрни илк марта кўрган кунга берилаётган баҳода («не балолиғ кун эдиким») мужассамлашган. Қофияга «мубтало» ва «ошно» сўзларининг танланиши мазкур мотивни бўрттириб тасвирлашга хизмат қилади. Мисралар охирида такрорланаётиган радиф – «бўлдум санго» мазкур кечинмаларнинг бевосита сўзловчи – лирик қаҳрамонга дахлдорлигини, шунингдек, бу туйғуларга сабаб бўлган йўналиш(*сен*)ни таъкидлаб туради. Аммо бу ердаги пушаймонликнинг оний лаҳзаларга оидлигини ҳам унутмаслик керак. Лирик қаҳрамон бу ўринда бирозгина "аччиқ қилиб", қолаверса ҳеч ким йўғида ўз-ўзига айтадиган гапнигина эслатиб ўтаётганининг ҳам изоҳланиши мақсадга мувофиқ кўринади.

Кейинги бандларда ундан асар ҳам қолмайди. Аксинча уларда лирик кайфиятнинг бошқа қирралари янада теранроқ очиб берилади. Энди бевосита лирик қаҳрамоннинг умумий ҳолати, изтиробнинг узлуксиз ва мунтазамлиги тасвирига ўтилади:

Ҳар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,
Ваҳки, кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санга.

Бу ерда ишқий кечинмаларнинг ўзига хос тасвири мавжуд. У инсон – лирик қаҳрамон руҳиятидаги ўзгаришларнинг тадрижини кўрсатиб бермоқда. Навбатдаги байтда ҳам шу руҳ давом этади. Энди лирик қаҳрамон ва унинг нутқи йўналтирилган шахс – маъшуқанинг ўз сўзлари орқали инкишоф этиш йўли танланади:

Ман қачон дедим, вафо қилғил манга, зулм айладинг,
Сен қачон дединг, фидо бўлғил манга, бўлдум санга.

Таҳлилда матлада бошланган "мен" ва "сен" зиддияти барча байтларда давом эттирилганига урғу бериш жоиз. Зеро, олдинги мисраларда бу зиддиятга кучли урғу тушмаган эди. Ушбу байтда эса айни шу ҳолатнинг бўрттириб тасвирланиши кузатилади. Бу бежиз эмас – навбатдаги байтдан бошлаб лирик «мен»га алоҳида эътибор жалб қилинади. Туйғулар ифодаси шу байтдан бошлаб янада қуюқлаштирилади. Ўқувчи (талаба)ларга бунинг қандай амалга оширилганини излаш, топиш топширилиши керак. Токи улар лирик қаҳрамоннинг бунга бевосита маъшуқага мурожаат воситасида эришилаётганини "кўра олсин":

Қай пари пайкарга дерсан телба бўлдунг бу сифат,
Эй пари пайкар, не қилсанг қил, санга бўлдум, санга.

Таҳлил жараёнида ҳамма нарса ўқитувчининг ўзи томонидан айтиб берилиши шарт ҳам, керак ҳам эмас. Бу ҳатто зарар келтириши ҳам мумкин. Бунинг ўрнига лирик қаҳрамон муддаосининг тўла ва таъсирчан ифодаланишига хизмат қилаётган унсурларни топиш ўқувчиларнинг ўзларига топширилгани маъқул. Улар байтдаги лирик қаҳрамон мурожаати, унинг ёнидаги сўзлар такрори, улар воситасидаги мантиқий қайтариқларнинг айни мана шу мақсадга йўналтирилганини "кашф этишлари", аниқроғи, ўқитувчининг ўз шогирдларини мана шундай "кашфиётлар сари" бошлаб бориши керак бўлади.

Кейинги байтда ҳам мурожаат қилиш усули қўлланган. Ўқувчилар эътиборини унга қаратиш керак. Бунда уларнинг олдида битта савол кўндаланг туради: бу мурожаат кимга йўналтирилган? (табиийки, у энди ёрга эмас, балки лирик қаҳрамоннинг ўзига қаратилган. Ўз-ўзига мурожаат шакли сифатида **кўнгил** танланган, холос):

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, овора бўл,
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санга.

Мазкур байтнинг олдингиларидан фарқли жиҳатлари таҳлил объекти бўлиши керак. Мазкур байтда ҳам мантиқий зиддият мавжуд. Лекин у қандай содир бўлган. Бу зиддиятнинг моҳияти нималардан иборат? Матн таҳлили асосида зиддиятнинг “юз” ва “бир” сонлари, “сен” ва “мен” олмошлари воситасида содир бўлаётгани аниқланади.

Бу ерда таҳлили учун яна битта қулай ва жиддий муаммо бор. У “бало” сўзининг маъно қамровини аниқлаш билан алоқадор. Бунда:

1. “Бало”нинг луғавий маъноси аниқланиши керак.
2. Бу сўзнинг ўз ва кўчма маънолари муайянлаштирилиши шарт.
3. “Юз бало” бирикмаси ҳамда “Бир бало бўлмоқ” иборасининг матндаги маъно доиралари муҳокама этилиши ва унинг бадиий-эстетик вазифаси ойдинлаштирилиши жоиз кўринади. Байтда оғзаки нутққа хос бўлган усуллар, халқона тилдаги ширадан унумли фойдаланган адиб маҳоратига баҳо бериш ҳам ўзини оқлайди.

Навбатдаги байт таҳлили ҳам ўқувчиларнинг жонли мушоҳада ва муҳокамасига ҳавола этилади. Асосий эътиборни олдинги байтларда кўзга ташланган зиддиятларнинг мантиқий кучи яна бир пардага кўтарилганига қаратилиши жоиздир.

Одатда, Жоми Жамга мушарраф бўлган киши гўё ҳеч нарсага муҳтожлик сезмайди. Айниқса, унинг ёнида «Хизр суйи» ҳам мавжуд бўлса, бу энди ҳар нарсага имкон дегани билан баробардир.

Жоми Жам ичра Хизр суйи насибамдур мудом,
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санга.

Ўқувчилардан «Хизр суйи»нинг Алишер Навоийнинг бошқа ғазалларида, умуман, мумтоз адабиётда яна қандай номлар билан юритилишини сўраш мумкин. Улар умумий ўрта таълим мактабларида, академик лицейларнинг биринчи босқичида ўрганган материаллари асосида унинг «ҳайвон суйи», «тириклик суйи», «оби ҳаёт» шаклларида ҳам ифодаланганини эсга олишади. Бу борада қийинчилик сезилса, ўқитувчининг ўзи ёрдамга келиши мумкин. У «гўё одамзод ичганда абадий умр топадиган афсонавий ер ости мамлакатининг чашмаси»дир. «Тасаввуфда у ишқ-муҳаббат булоғи, ҳақиқат нурининг манбаини»[1] англатиши тушунтирилади.

Шундай катта имкониятларга эга бўлган одам, яна нима учун соқийга мурожаат қилмоқда?

Лирик қаҳрамон – ошиқ соқий ҳузурида бир гадо холос. Ўқувчиларга “соқий” сўзининг луғавий маънода май қуйиб берувчи дегани бўлса-да, ушбу сўз тасаввуф адабиётида асосан рамзий маънода қўлланиши, унинг асл мағиз-моҳияти маърифат манбаси эканлиги билан белгиланиши, яъники, дунёнинг моддий неъматларидан юз ўгирган кишидагина шундай қаноат ва ифтихор бўлиши мумкинлиги шарҳлаб берилиши лозим бўлади. Ана шунда “то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум” ахборотининг асл маъно ва мантиғи ҳам ойдинлашади.

Охирги байт – мақта шеърнинг ўзига хос якуни сифатида майдонга чиқади. Шунга кўра у барча байтлардаги фикр оқимини давом ҳам эттиради, айни пайтда уларнинг мантиқий поёнини ҳам кўрсатади.

Ғусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санга.

Ўқувчи (талаба) бу ерда «ғусса чанги» ифодаси орқали яна бир сўз ўйини амалга оширилаётгани кузатиши, ҳис этиши керак. Унинг маъносини тўла тасаввур қилиш фақат шу сўзнинг ўзига эътибор бериш билан чегараланмайди. Энди «наво» ва «ушшоқ» сўзларига ҳам диққатни қара-

1 Комилов Н. Жон ва жонон можароси. - // Алишер Навоий. Ғазаллар, шарҳлар.(Тўплаб нашрга тайёрловчилар А.Шаропов, , Б.Эшпўлатов).- Т.: Камалак, 1991, 104-б.

тиш зарурияти пайдо бўлади. Уларнинг ўзлари англатган луғавий маънодан ташқари куй номларини ҳам билдиришини эсга олсак, «ғусса чанги» истиорасининг икки маънода (“ғусанинг чанг ва ғуборлари”; “ғуссани ифодалаш воситаси бўлган “чанг” чолғу асбоби”) қўлланганини тушуниш осон кечади.

1. Тасаввур қилинг, сиз академик лицейларнинг иккинчи босқичида шу ғазални таҳлил қилмоқчисиз. Ўқувчиларингизга қандай саволларни берган бўлар эдингиз? Шундай саволлардан 6-10 тасини ёзма равишда кўрсатинг.
2. Навоий ғазалларидан бирини ўрганишга оид методик тавсиялар ишлаб чиқинг.
3. Навоий ғазалларидан бирига ўқувчилар билан биргаликда тўлиқ луғат тузинг. Сўзларнинг луғавий маъноси билан шеър мисраларидаги маънолари орасидаги яқинлик ва айирмаларга эътибор беринг.

Академик лицейларда ва касб-ҳунар коллежларида Навоийнинг бир қатор рубоий, ғазал ва қитъаларини ўрганиш асосида ўқувчиларнинг классик шеърият, лирик қаҳрамон, лирик кечинма, лирик кайфият ҳақидаги тасаввурларини кенгайтириш ва бойитиш мумкин бўлади.

Ўқувчи (талаба)ларга шеърий асарни талқин қилишда жуда кўп йўл ва усуллар борлигини, шоирнинг нияти кўпинча таг маъноларда яширинган бўлиши, шунга кўра шеърнинг ҳар доим кўпмаънолилик касб этишини тушунтириш, уларда мана шунга оид кўникма ва малакаларни шакллантириш ва ривожлантириш керак бўлади.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ПЕДАГОГИК МЕРОСИ ВА УИЛЬЯМ ШЕКСПИР ТРАГЕДИЯЛАРИДАГИ ЕТАКЧИЛИК МАСАЛАЛАРИ

Азамат Акбаров
(Қозоқ Миллий Университети, Алмати)

Раҳбарлар жамиятдаги ақлий ҳолатнинг яратилишида муҳим роль ўйнайди. Улар жамиятнинг маънавий бирлиги рамзи сифатида хизмат қилиши мумкин. Улар биргаликда жамиятда қадриятларимизни ушлаб қолишга хизмат қилиши мумкин. Энг муҳими, улар одамларни кичик тушунмовчилигидан баланд қўювчи ва жамиятни қисмларга бўлувчи ташвишларидан озод қилиб, уларни мақсадларига етишиш йўлида бирлаштиришни ўз мақсадларидан деб билади.

Жон В. Гарднер
(Америка Қўшма Штатлари, 1965–1968 йилларда ташқи ишлар вазири)

Кириш

Доимо вақтни тушуниб етиш учун жамият эҳтиёжи пайдо бўлганда, айниқса, бурилиш нуқтаси давомида, у ўзининг ички эҳтиёжи бўлиб қолган инсонларни олдинга суради. Бундай одамлар рўйхатига XV асрнинг таниқли ўзбек шоири, демократи ва маърифатпарвари Алишер Навоийни киритса бўлади. Алишер Навоий 1441 йилда ўша пайтдаги Шарқнинг энг асосий маданий марказларидан бўлган Ҳирот шаҳрида туғилган ва болалигиданоқ форс тилининг гўзаллиги ва жозибасини ўзлаштирган ҳамда Алишер Навоий ўзбек тили ва адабиёти асосчиси сифатида ўз вазифасини жуда эрта тушуниб етган.

У ўзининг “Муҳокамат ул-луғатайн” («Икки тил муҳокамаси») китобида одамлар ўз тилини сақлаб қолиши керак, деб ёзган эди: «Агар улар ҳар икки тилда ёзиш қобилиятига эга бўлса, кўпроқ

ўз тилида ёзиши зарур». Унинг жамиятида бу зинҳор мумкин бўлмаган бўлса-да, ўз даврининг шоирлари учун муносиб жасорат ва ақл рамзи сифатида мисол бўлиш Навоийнинг қўлидан келди.

Бундан ташқари, Навоий "ким фан хизматига ўз ҳаётини бағишласа, унинг номи ўлимидан кейин ҳам абадий бўлиб қолади," деб ҳисоблаган. Ва шунингдек, Навоий ҳақидаги мукаммал кўп қиррали олим ва машҳур давлат арбоби деган хотиралар асрлар ўтиб сақланиб келди ва унинг номи абадийлаштирилди, бу менинг фикримча, ўша сўзларининг рост эканини кўрсатиш учун муносиб исбот эканидан далолатдир.

Лекин Алишер Навоий ижодий мероси жуда бой ва ўзи билан улкан тарихий-адабиётшунослик қизиқишини тақдим қилгани учун, мен аввало, ўз ишимда биринчи навбатда унинг хилма-хиллиги, турлилиги ва педагогик қарашларини кўрсатишни истардим ва ўз даврининг сиёсий, ижтимоий ва маданий ҳаётига сезиларли ҳисса қўшган бу юксак шахснинг энг катта ютуқлари ҳақида тўхталмоқчиман.

Алишер Навоийнинг педагогик қарашлари

Алишер Навоийнинг асарлари ўрта мактаб, коллеж ва лицейлар, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларида кенг ўргатилиб, бастакорлар, мусиқачи ва рассомлар учун битмас-туганмас илҳом манбаи бўлиб хизмат қилиб келмоқда. Шоир ғазалларидан битилган янги қўшиқлар ва унинг санъатига бағишланган адабий ва бадиий асарлар халқимиз эътиборига тақдим этилмоқда. Бу ёш авлодни ватанпарварлик, фидойилик, садоқат, Ватан тақдири ҳақида қайғуруш руҳида тарбиялашда муҳим аҳамият касб этади. Бир неча 100 йилликлар ўтган бўлса-да, унинг асарлари, жозибадор ва долзарблигини сақлаб келмоқда, чунки шоир ижодининг ўзагини инсонпарварлик, холислик, барча инсонларнинг бахтли ҳаёти ҳақидаги фикрлари ва интилишлари, идрок ва тараққиётга бўлган ишонч ташкил этади.

Алишер Навоий қанчалик тарих зарварақларига чуқур кириб боргани сари, шунчалик унинг кўп қиррали меросини ўрганиш кераклиги тушуниб етилган. Биринчи бўлиб бу ишга адабиётшунослар, кейин эса педагоглар киришишди. Навоийнинг шеърий ижоди унинг педагогик қарашлари билан чамбарчас боғлиқдир. Агар Навоийнинг инсонийлик ҳақидаги фикрларини олсак, уларнинг орасида шундайлари ҳам борки, улар бизнинг бугунги кунимиз учун ҳам катта муваффақият билан хизмат қилади. Шоир ҳаётнинг қийинчилиги ва қолоқлигидан бош кўтарди ва бутун қалби билан ўзи гувоҳ бўлган янгиликни хурсандчилик билан қабул қилди. У ёшларни таълим олишга, илм олишга турли хил янги ҳунарларни ўрганишга чақирди ва уларга жамият фаровонлиги учун астойдил меҳнат қилишни маслаҳат берди. Навоий ёшларни тарбиялашда оилавий тарбияга алоҳида аҳамият берди. Навоийнинг фикрига кўра биринчи ва энг муҳим тарбиячи бу ота-онадир.

Навоий ижодининг миллий жабҳаларини ўрганмай туриб, ўзбек халқининг ўз ҳаётида бўлган халқ педагогикаси ва халқ билимининг барча энг яхши хислатларини ўзига сингдириб олганини тушунмай туриб, унинг педагогик қарашларини англаб бўлмайди. Навоийнинг педагогик қарашларида миллий ва турли миллатлар қарашлари тўқнашмаганлиги, аксинча улар ўзаро боғлиқ ўзаро бир бирини тўлдирувчи ғоялар сифатида биргаликда акс этганлиги айнан шу холат билан тушунтирилади. Худди шунингдек, ўзбек ва бошқа халқлар маданияти ўртасидаги ўзаро муносабатлар боғлиқлигидаги муаммоларни ёритиб беради деб айтиш мумкин. Илғор педагоглар манбаларини ва халқ педагогикасини миллий малакасини ўрганишга асосланган алломанинг педагогик қарашлари унга янги бўлган фан ривожланиш даражасига тенг эди ва ҳатто кўп ҳолатларда ундан ҳам илгарилаган эди. Навоий устоз педагогик маҳоратининг асосий белгилари бу – интилувчанлик, умумий педагогик маданиятнинг юқори даражадалиги, ақл, самимий юрак, педагогик маҳорат, доимий изланишга тайёрлик ва хушмуомалалик деб ҳисобларди.

Ахлоқий тарбия муаммоси ҳақидаги Навоийнинг фикрлари

Навоий инсон ақли ва илм-фанни жуда юқори баҳолаган. «Билим ва донолик - инсон безаги» - деб ёзади у. Унинг шеърий ва насрий асарларида ҳам таълим-тарбия масалалари ва чуқур инсоний педагогик қарашлари акс эттирилган. У катта эътиборни уйда бир ёритгич сифатида қараладиган

ва оилага қувонч ва бахт олиб келадиган фарзанд тарбиясини шакллантириш масалаларига қаратган. Навоий мактаб ва уйдаги мажбурлаш усуллари таълимини қоралади ва жисмоний азоблаш тан жазосига қарши чиқди. Ўқитувчи нафақат ўз фанини аъло даражада билиши ва чуқур билимга эга бўлиши керак, балки у ҳар нарсада бир ибрат кўрсатиш учун, одамлар эҳтиёжларини тушуниши керак ва шунда бунда раҳбарнинг асосий хусусиятлари борлигини билдиради. Навоий ёш авлодга Ватанга бўлган муҳаббат ва борлиқнинг энг юқори ва энг қимматли инъоми - инсонга бўлган ҳурматни уқтиришга ундаган. Навоий асарларида маънавият масалалари ва меҳнат таълимини эгаллаш муҳим ўрин эгаллайди.

Ноёб педагогик фикр тараққиётида буюк мутафаккир ва шоир Алишер Навоийнинг алоҳида ўрни бор. Ўзининг таълимот тизимида шоир тушунтириш ва интеллектуал машқлар, мулоҳаза юритиш фаолияти ва фаолиятсизликни ишлатган. Унинг асосий белгиларидан бири, бу ҳар бир инсон учун ўзига тааллуқли ишда маълум бир ютуқларга эришиш имкониятини қолдирар эди. Масала ва мисоллардан фойдаланиб Навоий китобхоннинг онгига чуқур кириш мақсадида турли усуллар билан айнан битта фикрни ифода этар эди, бу эса замонавий тилшуносликда дискурс анализлари деб аталади.

Алишер Навоий ва замонавий педагогика

Буюк мутафаккир Навоийнинг адабий мероси инсоннинг маънавий камолоти учун педагогик ғоялар билдириб, авлоддан авлодга маънавий таълимни узлуксиз давом эттиришда асосий ўринни тақдим этади. Унинг билим бериш йўллари Ғарб педагогик мактабларинидан фарқ қилади. Унинг мактабида замонавий педагогика тажрибаси учун фойдали бўлиши мумкин бўлган ўқув ва стажёрнинг мавжуд вазиятдаги мулоқоти, ўз-ўзини кашф қилиш, алоқа кўникмалари (алоқа педагогикаси), янги таълим ва тарбия ёндашувларини шаклларини излаб топиш учун жой, вақт (бу таълимда мавжуд жараён) ўрин эгаллаган эди.

Навоийнинг педагогик фикрини асосий усули ва йўналишини нимадан ташкил топганини ўрганар эканмиз, уларнинг ичида энг асосийси ўқишга ундов, турли билимлар олиш ва уларни амалда қўллаш; онгни ривожлантириш; маҳаллий урф-одатларнинг руҳий билимларига таянганлик, буларга амал қилиш эса, ўз навбатида инсониятнинг мавжуд кўп камчиликларини бартараф этувчи ва бу жамиятни соғломлашишига олиб келувчи маънавиятни бойитишга ундайди. Шундай қилиб, Навоийнинг педагогик фикри ва замонавий педагогикаси орасидаги барча турли хил боғлиқликни очиш оқибатида айрим савод бериш масалалари ҳал этилар эди. Мантиқий асосланган Навоийнинг илғор ўйлари замонавий педагогик фан ва амалиёти билан, хусусан, психологик ва педагогик фани сабаб ўша мактабга бўлган қизиқиш билан мактабда замонавий усуллар излаб топиш муносабатлари туфайли психо таҳлилий, психосинтез, ижтимоий ва экзистенциал ёндашувлар, трансперсонал психология, Э.Эриксон, Пиагет, Фрейд бўйича инсон ривожланишининг босқичи, К.Роджерснинг шахс-марказли ёндашуви ва бошқа тадқиқотлар бир қатор қадимий анъаналарнинг келиб чиқиш педагогик қиймати, ўқув усули сифатида анъана усталари томонидан фойдаланиш учун чуқур фалсафий таълимотга асосланган мисоллар, метафора, ҳикоялар, таққослашлар, талабага белгиландан якуний ҳақиқатни интуитив англаш билан узлуксиз боғлиқ.

Етакчилик фани тарихи

Сўнгги бир неча йил ичида, илмий фанлар турли адабиётлар киритилишига гувоҳ бўлди. «Фанлараро тадқиқот» ва «маданий хилма-хиллик» асосан ижтимоий ва гуманитар фанлар учун асосий академик атамалар бўлди ва турли илмий институтлар бу борага йўналтирилган ўз ўқув дастурларини мустаҳкамлашни бошлади. Масалан, социология, антропология ва тарих жуда кўп жаҳон адабиётида унутилган ёки қайта ёзилган тарихий вазиятларни қайта топди. Шунингдек, янги ривожланган етакчилик тадқиқотлари фан соҳасини ҳам бажаради. Етакчилик тадқиқотларига Шекспир фожеаларининг кириши, айниқса, бизнес аудиторияларида, нафақат бизга етакчилик муам-

моларни тушунишга ёрдам беради, ҳамда у, етакчилик тадқиқотларига кўп тармоқли ёндошувни таклиф қилади. Етакчилик фанига кириш янги пайдо бўлган фандир ва шунингдек "етакчи" етакчилик" тушунчалари нисбатан эски тушунчалар ҳисобланади. «Етакчилик» тушунчаси 1828 йилда Вебстер нинг инглиз тилининг "Америка луғати"да пайдо бўлади.

Милоддан аввалги 380 йилда, Афлотун мамлакатда ҳам файласуф бўлган инсонни идеал шоҳ сифатида таклиф этади. Аристотел (мил. ав. 384 -322) сиёсатда қадриятлар ва ахлоқий сифатлар тушунчаларини гапириш ва таклиф қилиш етакчиларнинг ёки ҳукмдорларнинг ахлоқий бўлиши учун зарур эканлигини аниқлаган. Бундан ташқари, у раҳбарлик учун, ёшларни тарбиялаш зарурлигини таъкидларди. Кейинчалик, Плутарх ўзининг "Параллел ҳаётлар" асарида олийжаноб юнон ва Рим ҳукмдорлари ҳамда раҳбарларини келтиради. Бу барча матнлар қаҳрамон ёки қаҳрамонлик, етакчилар ва етакчиликни ўрганишни таклиф этади ва цивилизциялар каби эски эканини кўрсатади. Яқин ўтмишда уйғониш даврида кўплаб бошқарув билан боғлиқ матнларга ва давлат арбобчилигига катта аҳамият берилди. Сидней болаларни «донолик, баҳодирлик ва адолат ҳақидаги тўғри тавсиф « (Абрамс, 2005) учун Геркулес, Ахиллас ва Аенеас сингари қаҳрамонлар иштирокидаги эртакларни эшитишга тайёрлашни тавсия қилади ва шу сабабли улар фазилатли фуқароларни яратишда муҳим бўлиб қолади. Сиднейнинг асарлари эзгуликнинг муҳимлиги, шаҳзоданинг ахлоқ қоидалари ва таълимига қаратилади.

Рамаяна ва *Маҳабҳарата* каби ҳинд матнлари авлодлар учун ҳинд фикрларини шакллантиришда хизмат қилади. Бу барча матнлар қадимий ҳинд донолигининг «ўзлик ва борлиқни улашувчи саволларга йўғрилган бир манбаидир. Рамаяна ҳикоясида идеал шоҳ сифатида тасвирланади. Бу шоҳлар роли ва вазифалари ҳақида чуқурроқ тушунча беради. Маҳабҳарат шоҳларнинг вазифалари, ҳарбий санъат, қурилиш, этика ва қадриятларни бевосита олиб юриш билан шуғулланувчи яна бир қадимий матн. Шундай қилиб, деярли барча цивилизацияларда етакчилик қўлланмалари тушунчаси бўлган ва маълум даражада уни бошқарган. Бу давр раҳбарлари ҳам шоҳ ёки қўшинларни бошқарувчи бошлиқ ва курашлардаги катта арбоблар эди. Ҳозирги вазиятда, раҳбар ёки етакчилик тушунчасида бир оз ўзгаришлар рўй берди; бу узоқ давом этувчи ҳикоя, иш ва мақомини ушлаб турувчи шоҳлар ва жангчилар эмас, ҳозирда менежерлар, супервайзерлар, бошлиқлар, сиёсатчилар, ўқитувчилар ва «етакчи» мақомини олган бошқа инсонлардир. Улар одамларни ўзи истаган мақсадларига эришиш учун йўл кўрсатади, илҳом бағишлайди ва одамлар гуруҳи ёки издошларини рағбатлантиради.

Етакчилик фани ва Шекспир асарлари

Етакчилар ва етакчиликни ўрганиш турли ўқув фанларида мактаб ўқувчилари учун катта қизиқиш уйғотмоқда. Етакчилик тадқиқотларини ўрганиш мустақил илмий фаолият, шунингдек, турли фанлараро илмий-тадқиқот бўлиб қолмоқда. Аввало, етакчилик ғоясида асосий эътибор ташкилотлар доирасида раҳбарият ва инсон ҳаётидагиси ҳисобланади (Басс, 1990). Тахминан XX асрнинг охирларида бошқарув фани ўқитувчилари ва маслаҳатчилар етакчилик ва бошқарув дарсларини кенгайтириш учун муҳим ишларни амалга ошира бошлаганлар. XX аср охирига келиб, Америка Қўшма Штатлари ва Буюк Британияда бизнес бошқаруви талабалари учун бадиий асарларни ўқитишни киритиш фикри янги тренд сифатида иш бошлади ва етакчилик ҳамда бошқарувни ўргатувчи дарслар учун бадиий асарларга асосланган адабий матнлар мақолалари ва бир неча китоблар чоп этиш машҳур бўлди. Психологик раҳбарликни кўрсатишда Паул Орриганнинг *Шакеспеаре он Манагемент (*Шекспир бошқарувда) (1999) спектаклидан фойдаланиш қўлланилиб келинмоқда. У бизга Шекспир қандай ўз пьесаси орқали биздан олдинги даврда раҳбарнинг турли роллари орқали муваффақиятли ҳукмдор бўлиши учун зарур бўлган ҳар хил кўникмаларни олганини намойиш этади. Бу борада 2002 йилда пайдо бўлган яна бошқа муҳим иш сифатида *Поwер Плайс: Шакеспеареъс Лессонс ин Леадершип анд Манагемент* (Етакчилик ва бошқаришда Шекспир сабоқлари) асосий эътиборни ушлаб турибди ва энг кўп сотилаётган маҳсулотдир. Муаллифлар бизнес бошқарувидаги Шекспирнинг қийинчиликни баҳолаш ҳақидаги аниқ равшан са-

волларини таъкидлайди ҳамда уларга очиқ-ойдин услубий эслатмаларни қилади ва Шекспирнинг тадқиқотлари муҳим қолиши сабабларини келтиради:

Хулоса ва тавсиялар

Алишер Навоий – буюк шоир, ёзувчи ва жамоат арбоби, замонавий ўзбек ёзма адабиётининг асосчиси, ўзбек ва Европа маданияти билан яқинлаштириш руҳидаги маданият ислоҳотчиси. Навоийнинг ижодий мероси таҳлили унинг педагогик қарашларидаги баъзи умумий мулоҳазаларни ифодалаш учун имкон беради. Навоийнинг педагогик қарашлари унинг фалсафий, ижтимоий ва психологик қарашлари, дунёқараши билан чамбарчас боғлиқ ва бу соҳаларда амалий тажриба бўлиб хизмат қилмоқда. Навоийнинг педагогик фикрида алоҳида концептуал феъл-атвор бор: улар Навоийнинг ўқув ва педагогик фаолиятига қаратилган мақсадли, муайян услубий асосга, объект ва субъектга эга. Педагогик қарашларни амалга ошириш усули ва талқинининг турлилигида Навоий уларни амалга ошириш йўли ва асосий йўналишини ҳар томонлама кўра билган. Навоий таълим жараёнининг барча таркибий қисмлари бўлмиш бирлик, муносабатлар, ўзаро алоқа ва ўзаро таъсирдан жуда чуқур хабардор бўлган шу сабабли замонавий педагогика таълими учун тизим-интеграциялашган ёндашув ғоясини тахмин қилган. Буюк ўзбек маърифатпарварининг педагогик қарашлари ўзига хос ва мустақил эди деб бемалол айтиш мумкин. Бу билан у фақат ўзининг буюк қобилиятларинигина эмас, балки аввалambор унинг ҳикматларга айланган кўп шеърларида ўз халқи билан боғлиқ бўлган чуқур ришталари, халқ педагогикаси, халқ донолигини тўлиқ ва ёрқин акс эттирган. Энди биз, олимлар, буюк бобокалонимизнинг ҳаёт мактабини анъанавий ҳисобланган адабиёт ва педагогика соҳасидан, янги, умуман бошқа соҳаларда ўрганишимиз ҳам фарз, ҳам қарз бўлиб қолди.

Алишер Навоий адабий матнларида етакчилик тадқиқотлар турли соҳалар орқали жорий қилиниши талаб этилади. Навоийнинг барча раҳбарлик масалалари асарларида бошқарувнинг мураккаблигини яхшироқ тушуниш учун ҳақиқий ҳаётий мисоллар билан биргаликда муҳокама қилиш кераклиги акс эттирилади. Нафақат бу, балки жуда кўп муваффақиятсиз-етакчилик техникаси ва муваффақият асосида реал ҳаётий вазиятлардан ўхшашликларни ўйлаб чизишни олиб келади ва муваффақиятсизликлар етакчилик тадқиқотлари ва ташкилий хулқ-атвор ишини ўрганувчи талабалар учун ҳаётий вазиятларда ўхшашликларни чизишда ёрдам беради. Бу шунингдек, уларга жиддий профессионал ҳаётни тушунишда кўмак беради. Бундан ташқари, етакчилик масалалари асосида фожеаларни изоҳлаш, шунингдек етакчилик жараёнида раҳбарлар томонидан дуч келинган муаммоларни чуқурроқ тушуниш учун яхши ва ёмон тушунчаларни, яхшилик ва ёмонлик табиатига яқинликни, эҳтиролар ва ҳис-туйғулар зиддиятлари, ғурур ва такаббурлик ёки ўзига бино қўйганлик кабиларни қамраган фалсафий ва психологик текширувларни ўқитишни ўз ичига олади. Демак, етакчилик тадқиқотлар унинг педагогикасига бир яхлит ёндашиш кераклигини талаб қилади. Бу ўз ичига Навоий ва Шекспирнинг асарлари каби барчасини қамраган ўқув режасини олиши керак. Амалиёт мақсади бадиий асарлар ва уларнинг ҳаётий вазиятлардаги ўхшашликларини киритиш билан ривожлантирилиши мумкин, бу эса ўз навбатида, етакчилик тадқиқотлари олимлари ўртасида ўрганиш ва масъулият ҳиссини ривожлантиришга туртки бўлади. Ҳар икки анъанавий ва замонавий назарий асослар ҳаётни тўқима кўрсатиш билан бирга амалий майдонда янги марраларга томон эришиш учун амалиёт соҳалари етакчилик тадқиқотларини ўз ичига олади.

АДАБИЁТЛАР:

1) Каримов, И. *Юксак маънавият - енгилмас куч*. –Тошкент: Маънавият, 2008.

2) Акбаров А. *Развитие таланта в привычной среде* // “Педагогика” – илмий-назарий ва методик журнал. Тошкент Давлат Педагогика Университети. № 5 (Б. 2-15)

3) Акбаров А. *Традиционные и современные методы преподавания: преимущества и недостатки //* “Халқ таълими” Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг илмий-методик журнали, 2015, №6, (Б.133-138)

4) Акбаров, А. *Влияние социальных изменений на статус и функциональные обязанности учителя в системе образования* // “Халқ таълими”, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими Вазирлигининг илмий-методик журнали, 2015йил № №5 (Б.135-139)

5) Abrams, M.H. *A Glossary of Literary Terms*. 8th ed. -New Delhi: Wadsworth yengage, 2005.

6) Bass, Bernard and Ralph Melvin Stogdill. *Bass and Stogdill’s Handbook of Leadership: Theory, Research and Managerial Appliations*. New York: Free Press, 1990.

7) Brawer, Robert A. and Bob Brawer. *Fitions of Business: Insights on Management from Great Literatur*. New York: Wiley, 2000.

8) Gardener, Howard. *Leading Minds: An Anatomy of Leadership*. New York: Basi Books, 1996.

9) Leach, Susan. ‘Student teachers and the experiene of English: How do seondary student teachers view English and its possibilities? Issues in English Teaching. Eds Jon Davison and John Moss. -London: Routledge, 2000.

10) MDonald, Russ, Nicholas D. Nae and Travis D. Williams. SHakespeare Up lose: Reading Early Modern Texts. London: Bloomsbury, 2012.

11) MEvoy, Sean. ‘SHakespeare at 16-19’. Shakespeare in Eduation. Ed. Martin Bloksidge. London: ontinuum, 2003.

12) MLuskie, Kathleen and Kate Rumbold. ultural Value in Twenty-First-entury England: The ase of Shakespeare. -Manchester: Manchester University Press, 2014.

13) Navoiy. Mahbub ul-qulub (www.ziyuz.om library).

14) Thompson, Ann. ‘King Lear and the politis of teaching SHakespeare’. SHakespeare Quarterly. 41.2 (1990).

VI. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК

УЛУҒ ШОИР ҲАҚИДАГИ АСАР

Наим КАРИМОВ
(Тил ва адабиёт институти)

Шундай ўлмас сиймолар бўладики, улар фан ва маданиятнинг қайси соҳасида фаолият олиб борган бўлмасинлар, фақат замондошларининггина эмас, балки муайян халқнинг кейинги тақдирига ҳам катта таъсир кўрсатадилар. Бундан олти аср аввал, XV асрда Хуросонда яшаган ўзбек халқининг улуғ мутафаккир шоири Алишер Навоий шундай завол билмас сиймолардан биридир.

1917 йил февралида Петербургда рўй берган инқилоб Россия салтанатининг, жадид маърифатпарварлари ўйлаганларидек, ўта қудратли давлат эмаслигини намойиш этди. Бу кутилмаган тарихий воқеадан рағбатланган жадидлар Туркистон Мухториятини барпо этибгина қолмай, ҳатто большевиклар 1918 йил февралида Мухториятни тор-мор қилганларидан кейин ҳам, эрк ва ҳуррият учун кураш жабҳаларини тарк этмадилар. Улар "Шўрои ислом", "Иттиҳод ва тараққий", "Миллий иттиҳод" сингари сиёсий уюшмалар билан бир қаторда "Чиғатой гурунги", "Нашри маориф" сингари адабий-маърифий ташкилот ва жамиятларни ҳам туздилар.

Жадид маърифатпарварларининг фикрича, миллатнинг миллатлигини сақлаб қоладиган асосий омиллардан бири маданий мерос бўлиб, шу мероснинг муҳим қисми бўлган Навоий асарларида эрк ва ҳуррият, бирлик ва тенгҳуқуқлик, бахт ва саодат учун зулмга қарши кураш ғоялари балқиб турган. Буни сезган Мусулмон иштирокиюн фирқасининг Ўлка бюроси 1919 йилда Навоийнинг зулм ва золим подшолар ҳақидаги фикрларини жамлаб, "Инсоният ҳақида Навоийнинг фикрлари" деган рисолани нашр этади. Янги тарихий-ижтимоий даврда бошланган Навоий ижодига қизиқиш изчил давом этади ва Ўлка Мусулмон бюроси ҳузуридаги Ўзбекларни ўрганиш қўмитаси 1925 йил 11 июлда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейига тайёргарлик ишларини бошлаш ҳақида қарор қабул қилади. Унда Навоийнинг шеърий ва насрий асарларидан иборат тўпламни нашрга тайёрлаш, шоир асарларининг асл нусхаларини ҳозирги ўзбек тилига табдил этиш ва тадқиқотлар яратиш масалалари кун тартибига қўйилади. Шу йили Туркманистон давлат нашриёти "Амир Алишер Навоий" китобини босмадан чиқаради. 1926 йили Бокуда А.Самойлович, Чўпонзода, Исмоил Ҳикмат, Мирза Муҳсин Иброҳимий каби олимларнинг мақолаларидан таркиб топган "Навоий" тўплами нашр этилади. 1928 йили эса Ленинградда В.В.Бартольд, Е.Э.Бертельс, А.Н.Самойлович, А.Ю.Якубовский, А.А.Ромаскевичнинг мақолаларидан иборат "Мир Али-Шир" тўплами дунё юзини кўради.

Янги тарихий давр Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига шу тарзда янги нигоҳ билан қарай бошлади. Айниқса, Навоийнинг 500 йиллиги муносабати билан 1938 йилда Тошкентда Навоий комитетининг ташкил этилиши ва шу комитетга Москва, Ленинград каби шаҳарлардаги атоқли фан ва маданият арбобларининг жалб этилиши, Ўзбекистондаги илмий ва ижодий кучларнинг бу улкан маъракага тўла сафарбар этилиши Навоийга, улуғ шоир ижодига, унинг жаҳон адабиёти тарихида тутган ўрни масаласига бўлган муносабатни кескин ўзгартириб юборди.

Ойбекнинг Навоийни кашф этиши худди шу даврга тўғри келди. У, таржима ҳолида ёзишича, “буюк шоир Навоий ҳақидаги материалларни 1928 йилдан йиға бошлаган”. Маълумки, Ойбек шу йили Ленинграддаги Халқ хўжалиги институтида таҳсил олиш билан бирга Жонли Шарқ тиллари институтида ўзбек тили бўйича амалий машғулотларни олиб борган. Тахмин қилиш мумкинки, адиб шу ерда В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, Е.Э.Бертельс сингари машҳур рус олимлари билан танишибгина қолмай, уларнинг мумтоз Шарқ адабиёти намояндалари, хусусан Навоий ҳақидаги суҳбатларидан озми-кўпми озиқланган, Ленинград кутубхоналарида сақланаётган ноёб тарихий ва адабий асарларни мутолаа қилиб, “бояги материаллар”ни йиға бошлаган.

Аммо шуни ҳам ёдда тутиш лозимки, Ойбек эски мактабда ўқиган кезларидаёқ адабиёт дарсига ўзгача ҳавас туйиб, Навоий ғазалларига бағишланган дарсни худди байрамдек кутиб олган. “Болалик хотираларим” қиссасида тасвирланишича, у Навоийнинг “Ашрақат мин акс шамсил-қаъси анвор ул ҳудо” сатри билан бошланган ғазалини домласига эргашиб ўқир экан, кўнглида қандайдир нурланиш рўй берганини сезган. “Кўнглим ёришиб, равшан бўлиб кетади, - деб ёзган у, - рамзлари, ҳикматлари пишиқ, рангдор қофиялари гўё кўнглимга тўлади. Байтлари ишқий, фалсафий, чуқур мазмунли.

- Навоийнинг ғазаллари ишқий, аммо у Оллонинг ошиғи, шу сабабданким, байтлари пок муҳаббатни куйлайди. Ўқий бер, бориб бориб тушунасен, - дейди домлам.

Ҳақиқатан, Навоий менда севги яратади. Унинг шеърларини завқ билан, чуқур ҳис билан ўқийман. Пок муҳаббатни, чуқур маънони, ёқимли ҳисни илк дафъа Навоийдан ўрганаман”.

Ойбекшунос олимлар тўғри кузатганларидек, адиб бирор йирик насрий асарни ёзишдан аввал, шу асарда тасвирланажак қаҳрамон ёки воқеани дастлаб достон жанрида, чинни косадек, жарангглатиб кўрган. Шу маънода 1937 йил майида, ўзбек санъатининг Москвадаги декадаси кунларида ёзилган “Навоий” лирик достони шу номдаги романнинг рўёбга чиқишида “хамиртуруш” бўлиб хизмат қилган.

Истеъдодининг “насрий” қирраларини “Қутлуғ қон” романида тарашлаб олган Ойбек 1939 йилда улуғ шоир ҳақидаги романини ёзишга киришди. Аммо XV асрда Хуросонда кечган ижтимоий, иқтисодий ва маданий ҳаётнинг, шаҳзодалар, ҳукмдор ота ва боболар ўртасидаги бемаъни урушлар ва буюк қурилишларнинг шоҳиди бўлган Навоий, улкан қоя янглиғ, Ойбекка изн бермади. Ойбек қоя-Шоир, қоя-Вазир ҳақидаги асарни ёзишга тайёр эмаслигини сезди. Яна тарихий ва адабий манбаларга ғарқ бўлди. Ниҳоят, 1940 йил 6 январда романнинг биринчи бобини жаҳд билан ёза бошлади.

1941 йил 22 июнда бошланган уруш Ўзбекистонда сокин кечаётган ҳаёт тарзини тубдан ўзгартириб юборди. Тошкент вокзали кўринмас урушнинг чорраҳаларидан бирига айланди. Ҳали қўлига милтиқ ушламаган йигитлар товар вагонларида тўппа-тўғри жанг майдонларига жўнатилди. Уларнинг ярми ярим йўлда, бомбардимон тагида нобуд бўлди. Шимолдан эса эшелонма-эшелон заводлар, фабрикалар, театрлар, институтлар, одамлар, болалар дарёси оқиб келди. Мамлакат ва тузум тақдири ҳал бўлаётган шундай даҳшатли кунларда давлатга “Навоий” романидан кўра “Ўлим ёвга” деган шеърлар ва публицистик мақолалар кўпроқ керак эди. Лекин фронтда ва мамлакат ичкарисида қаҳрамонлик намуналарини кўрсатаётган азаматлар ибрат олишлари учун Муқанна, Торобий, Жалолиддин Мангуберди сингари халқ саркардалари ва улар қаторида Навоий сингари урушни, зулмни қоралаган буюк ватандошларимизга бағишланган асарларга ҳам катта эҳтиёж туғилди. Ойбек ана шу ҳаётий эҳтиёжни ўз вақтида тушуниб, “1942 йил қишида, совуқ хонада, жинчироқнинг титроқ хира шуъласида”, айниқса, қаттиқ ишлаб, асарга сўнгги нуқта қўйди. Роман ўша кезларидаги республика раҳбарининг, сўнгра Ҳамид Олимжоннинг муҳаррирлик назаридан ўтгач, 1944 йилда алоҳида китоб шаклида нашр этилди.

“Навоий шеърияти ва Навоий образи, - деб ёзган эди Ойбек “Навоий” романини қандай ёздим?” деган мақоласида, - ҳамиша кучли бир қуёш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир На-

воий образини яратишга зўр майл, орзу, истагим бор эди. Лекин тарихга назар ташласам, Навоий гигант, буюк бир сиймо ҳолида қаршимда турар эди. Ёшлигимдан бери Навоийнинг ўлмас, абадий шеърларини севиб ўқир эдим, унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди".

Лекин даврга Ойбекдан Навоийнинг "жозибали ғазаллар муаллифи" сифатидаги образини эмас, балки Ҳиротни Ёдгордан мудофаа қилган, шаҳзодалар орасидаги мантиқсиз урушларни қоралаган, ҳар қандай зулм ва зўравонликка қарши чиққан Навоий образи зарур эди. Шунинг учун адиб Навоий образини қурилишлар ва жангу жадаллардан иборат тарихий фонда яратишга кўпроқ аҳамият берди. Аммо, барибир, унинг диққат марказида Навоийнинг мутафаккир шоир ва инсонпарвар давлат арбоби эканлиги масаласи турди.

Ойбек гарчанд "романнинг иш плани қоғозда йўқ эди", деб ёзган бўлса-да, ижодий жараён чоғида ён дафтарига баъзи бир қайдларни ёзиб борди. Бу қайдларнинг аксари Навоий билан халқ ўртасидаги муносабатни очишга қаратилди. Чунончи, у ўз қайдларида: "Навоий Ҳиротга тартиб ўрнатиш учун келганда, унга Ойбадоқ (Дилдорнинг дастлабки исми – Н.К.)нинг йигити арзи ҳолга кирсин", "Навоийнинг уйига одамлар арзи ҳол ва ҳар нав ёрдам учун доимо келиб туришларини кўрсатиш керак", "Навоий Ҳиротдан қайтганда, эшикда тўпланган халқ ундан нима кутганлигини сўрасин", "Навоий: "Токи тирикман, эл манфаати учун ишлайман", десин ва ҳоказо", "Инсон номи баланд ва улуғвордир – бу фикрни бошқа шаклда бериш керак..." каби ибора-масалаларни ёзганки, улар адибнинг романда Навоийнинг, энг аввало, инсонпарвар ва халқпарвар арбоб сифатидаги образини яратишни ўз олдига мақсад қилиб қўйганидан шаҳодат беради.

1938 йилда Навоий комитети тузилгунга қадар, юқорида айтилганидек, Европа, жумладан, рус ижтимоий-гуманитар фанларида «Навоий – форс шоирларининг тақлидчиси» деган қараш ҳукмрон эди. Шўро мафкураси Навоийга берилган бундай «баҳо» билангина кифояланиб қолмай, улуғ ўзбек шоирини дастлаб «феодал давр куйчиси», деб ҳам атади. Бу, ўз моҳиятига кўра, Навоий билан XX асрдаги ўзбек халқи ўртасига қўйилган темир парда эди. Ойбек ўз романи олдига, жумладан, шу темир пардани бартараф этиш вазифасини қўйган эди. У романини ёзишдан аввал Навоий яшаган даврни, шоир ҳаёти ва ижодини тадқиқотчи олим сифатида пухта ўрганиб, шундай илмий мақолаларни ёздики, улар ўзбек адабиётшунослиги фанида навоийшунослик тармоғининг вужудга келишида пойдевор бўлиб хизмат этди.

Ойбек романда тарихий фонни, XV асрдаги халқ ва жамият ҳаётини, Навоий ҳаёти ва ижоди моҳиятини тўғри ва тўла ифодалаш учун, бир томондан, реал тарихий шахсларнинг образини яратиши, иккинчи томондан эса, бадиий хаёл меваси бўлган тўқима қаҳрамонлар образини асарга олиб кириши лозим эди. Шу икки қутбдаги қаҳрамонлар ўзаро яқин алоқага киришганлардагина, Навоий ҳақидаги, XV асрдаги Хуросон ҳақидаги бадиий ҳақиқат инкишоф этилиши мумкин эди.

Адиб талқинидаги Навоий ўзбек халқи тарихи ва тақдирининг бурилиш нуқтасида майдонга келган, шу даврдаги миллий уйғонишнинг авж нуқтаси бўлган буюк инсонпарвар Шоир ва Инсондир. Айни пайтда тарихий жараёнга озми-кўпми таъсир кўрсатган давлат арбобидир. У Навоий шахсининг шу сўнгги қиррасини нурлантириш учун романда тарихий жараённи тасвирлашга, тарихий давр руҳи ва колоритини акс эттиришга алоҳида эътибор берди. Шу нуқтаи назардан қараганда, Ойбекнинг "Навоий" романи ўзигача яратилган ўзбек романларидан ҳам, аксар халафларининг асарларидан ҳам ажралиб туради.

Роман Ғарб ва Шарқдаги қатор халқлар тилларига, жумладан, хитой тилига эса икки марта таржима қилинди. Турли мамлакатлардаги китобхонлар роман муаллифини Навоийни "тирилтириб", халққа қайтиб берган ёзувчи сифатида ҳурмат қиладилар.

Ойбек бу ўлмас асари билан ўзбек адабиётида тарихий-биографик роман жанрига асос солди.

«Навоий» романи Абдулла Қодирийнинг «Ўтган кунлар» романидан қатор хусусиятлари билан фарқланади. Ойбек, биринчидан, ўз асарига реал тарихий шахсларни асосий қаҳрамонлар сифатида

олиб кирган бўлса; иккинчидан, асарда бош қаҳрамоннинг муҳаббати тарихини эмас, балки Султонмурод билан Дилдорнинг – иккинчи режадаги қаҳрамонларнинг муҳаббатини тасвир доирасига тортган ва китобхонларнинг ишқий муносабатлар тасвирига бўлган чанқоқликларини шундай йўл билан қондиришга интилган. Айни пайтда шу муҳаббат чизиғини романдаги асосий воқеалар тизмаси билан узвий равишда, маҳорат билан боғлай билган. Учинчидан, адиб асарда адолатли шоҳ ва халқ, Навоий ва халқ, Навоий ва уруш, Навоий ва маданият тақдири сингари муҳим ижтимоий масалаларни ҳам бадиий талқин этган ҳамда замондошлари учун муҳим, келгуси авлодлар учун эса, ибратли ижтимоий-фалсафий қарашларини улуғ шоир образи орқали олға сурган.

«Қутлуғ қон» ҳам, «Навоий» ҳам камалак нурлари билан товланувчи ғоят нафис, ширали, жозибали адабий тилда ёзилган. Бу ҳар иккала асар Ойбек қаламидан тўкилган ҳикматли иборалар билан тўла. Мана, бир-икки мисол:

«Чақмоқ қанчалик баландда чақмасин, эгри бўлгани учун ернинг қаърига борур. Шамки, тўғри, адлдир – куйса ҳам бошдан-оёқ нур бўлиб куюр».

«Кишиларни бахтли кўрмакнинг ўзи - бахтдир».

«Кўмирчининг юзи қаро, жаллоднинг кўзи қон бўлганидек, разилларнинг разолати - улар учун жазо ва шармандаликдир».

«Бир гул юз ғунча очади».

«Табиатнинг ўзи ҳусни мутлақнинг бепоён жилвалар кўрсатган улуғ кўзгусидир»…

«Навоий» - ана шундай шоҳи иплар билан тўқилган ажойиб асар.

Камина мазкур романни ҳар сафар ўқиганимда, у ёзилган Иккинчи жаҳон урушининг дастлабки йиллари кўз ўнгимда дафъатан жонланиб кетгандек бўлади. Елкасига юкхалта осган қўни-қўшниларим... Ҳамшаҳарларимнинг "дод"лаб қолаётган ота-оналари бағридан чиқиб, нақд ўлим сари кетаётганлари... Фарзандларини вокзал перронида кузатаётган кишиларнинг йиғидан сўқир бўлаёзган кўзлари... Мактаб ва техникумларнинг ҳарбий госпиталларга айлантирилиши-ю, эшелон-эшелон кўзсиз, қўлсиз, оёқсиз ярадорларнинг Тошкентга, шу госпиталларга оқиб келишлари... Жанг майдонларидан келаётган "қора хат"лар ва уларни ўқиб, кўзи хун бўлган одамлар...

Ойбек қон ва кўз ёшлари дарё бўлиб оққан шундай даҳшатли бир шароитда ўз асарини ёзди. Аммо у асар қаҳрамонлари ҳаётига, XV асрдаги Ҳирот муҳитига шу қадар чуқур кира олган эдики, ҳатто шу қон ва кўз ёшлари дарёсининг шовуллашини ҳам эшитмай, ўз асарини ҳар бир сўзидан, ҳар бир сатридан офтобнинг камалак нурлари товланган гўзал, серҳикмат, рангин ўзбек адабий тилида ёзди. Бу, ҳар қандай адиб учун улкан маҳоратнинг муҳим бир белгисидир.

Шу нарса эътиборга моликки, Ойбек "севдиги" Навоийга бағишланган шеърлари, достони, романи ва илмий мақолаларни ёзиш билангина кифояланиб қолмай, кейин ҳам шу мавзуда ижод қилишда давом этди. У умрининг сўнгги кунларида "Бола Алишер" қиссасини, ўзбек халқ эртаги асосида эса "Гули ва Навоий" достонини ёзиб, "Навоий" романидаги баъзи бир "кемтик"ларни "тўлдирди" ва улуғ шоирнинг муборак хотираси олдидаги шогирдлик бурчини тўла бажарди.

Агар умр вафо қилганида, Ойбек адабий-бадиий ва илмий "навоийнома"сини, балки, янги-янги асарлар билан бойитган бўлармиди...

"Навоий" романи ўзбек ва рус тилларида нашр этилганидан сўнг, адиб китобхонлардан юзлаб миннатдорлик хатларини олган. Шундай китобхонлардан бири - арманистонлик қиз адибга ёзган мактубида "Навоий"ни завқ-шавқ билан ўқиганини айтиб, бундай ёзган эди: «Агар Сиз Навоий сингари улуғ ва меҳридарё инсон бўлмаганингизда, унинг образини бу қадар ҳаяжонли ва ишонарли қилиб ёза олмаган бўлардингиз».

Чиндан ҳам, агар биз Ойбекнинг машаққатли ва шавкатли ҳаёт йўлига назар ташлайдиган бўлсак, унинг ниҳоятда олижаноб ва ҳатто, Навоий сингари, авлиёсифат инсон бўлганига ишонч ҳосил қиламиз.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИДА НАВОИЙШУНОСЛИКДА ҚИЛИНГАН ИШЛАР КЎЛАМИ ВА ЕЧИМИНИ КУТАЁТГАН МУАММОЛАР

Аҳмаджон Қуронбеков
(ТДШИ)

Навоий асарларининг юксак маънавий ва бадиий қимматини шоир тириклигидаёқ англаб етишган ва унинг ижодини шоирлар ўзларига ибрат намунаси сифатида ўргана бошлашган. Навоий замонида ва ундан кейинги барча авлод шоирлар то ҳозирги кунгача ўз маҳорати ва ижодий муваффақиятини Навоий ижодига қиёслаб ўлчашади ва ундан андаза олиб назиралар, татаббуълар, мухаммаслар, мусаддаслар, ғазаллар ва рубоийлар битишади. Навоий замонида шоир устозим деб улуғлаган ва ҳар бир асарини унинг назаридан ўтказиб, унинг дуосини олган ҳаммаслаги Абдураҳмон Жомий унинг ижодига баҳо бериб шундай ёзади:

Суханро ки аз равнақ уфтода буд,
Ба кунжи ҳавон рахт бинҳода буд.
Ту доди дигар бора ин обрўй,
Кашиди ба жавлонгоҳи гуфтугўй.
Сафоёб аз нури ройи ту шуд,
Навойи зи лутфи навойи ту шуд.

Мазмуни:
Равнақ топишдан ортда қолган,
Хорлик кунжига юз тутган сўзга,
Сен қайтадан обрў бердинг,
Уни сўзлашув жавлонгоҳига йўлладинг.
Сенинг майлинг нуридан у сафо топди,
Сенинг лутфинг навоси(баҳраси)дан бойиди. [1/12-13]

Алишер Навоийнинг асарларидаги безавол сўз санъати Жомийдан ташқари Давлатшоҳ Самарқандийнинг “Тазкират уш-шуаро” асарида, Мирхонднинг “Равзат ус-сафо”, Хондамирнинг “Макорим ул-ахлоқ “ ва бошқа асарларида, Заҳириддин Бобурнинг “Бобурнома”, “Мухтасар”ида, Зайниддин Восифийнинг “Бадоеъ ул-вақоеъ”сида, Содиқбек Содиқийнинг “Мажмаъ ул-ҳавос” ва бошқа кўплаган изланувчилар ва адиблар асарларида васф қилинган.

Агар ҳозирги пайтдаги Алишер Навоийнинг асарларини турк, форс, рус, инглиз, француз ва бошқа тилларга таржималарини ва тадқиқотларини жамласа юзлаб жилд китоб бўлган бўлур эди. Навоий асарларининг тили бўйича бир неча ўнлаб луғатлар тузилган.

Навоийнинг ўз замонидан бошлаб Толиъ Имоний Ҳиравийнинг “Бадойеъ ул-луғат”и, “Абушқа” луғати (XV аср), Яъқуб Чангийнинг “Келурнома”си, Мирзо Меҳдихоннинг “Санглох”, “Мабоний ул-луғат”и (XVIII аср), Фатҳ Алихон Қожарнинг “Луғати атрокия”си (XIX аср), Шайх Сулаймон Бухорийнинг “Луғоти чиғатойи ва туркийи усмоний” луғати (XIX аср) ва ниҳоят яқин ўтмишда тузилган Порсо Шамсиев ва Собиржон Иброҳимовларнинг “Алишер Навоий асарлари луғати” (1972 й.), бир гуруҳ олимлар томонидан тузилган тўрт жилдлик “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” (1983–85 й.), Ботирбек Ҳасанов томонидан тузилган “Навоий асарлари учун қисқача луғат”(1993) кабиларни қайд этиш мумкин.

XX асрда Алишер Навоийнинг ижодий меросини ўрганиш бўйича бир қатор етук тадқиқотчилар, жумладан, В.Зоҳидов, И.Султон, Ойбек, А.Ҳайитметов, А.Рустамов, П.Шамсиев, А.Қаюмов

ва бошқалар салмоқли ишларни амалга оширдилар. Бу олимлар асосан Навоий асарларининг илмий-танқидий матнини тайёрлаш, кирилл алифбосига ўгириб чоп эттириш, асарларининг ғоявий қиммати ва бадиий савиясини ўрганиш билан шуғулландилар.

XX асрнинг охирги ўн йиллигида Ўзбекистон тарихида муҳим ижтимоий-сиёсий жараёнлар юз берди. Ўзбекистон мустақиллигини қайта тиклади. Истиқлолга эришгунча Алишер Навоийнинг ижодини ўрганиш муайян чекловлар, мафкуравий тазйиқлар таъсирида кечган бўлса, ҳуррият даврида тадқиқотчиларнинг қўллари ҳар қандай мафкуравий бўғовлар сиртмоғидан озод бўлди.

Бу соҳада биринчи амалга оширилган улкан ютуқ Алишер Навоий асарларининг йигирма жилдлик "Мукаммал асарлари тўплами"нинг (1987– 2003) чоп этилиши бўлди. Ундан аввалги ўн беш жилдлик асарлар тўпламида давр мафкурасига тўғри келмаган жойлар қайчиланиб, Навоий асарлари узуқ-юлуқ ҳолда чоп этилган бўлса, кейинги нашрда ҳамма асарлари асл ҳолида нашрдан чиқди. Бу ҳодиса навоийшуносликда янги давр бошланганидан далолат эди.

Кейинги пайтда чоп этилган илмий тадқиқот ва мақолалар шуни кўрсатадики, ҳозирги пайтда Навоийнинг ижодий меросини ўрганиш қуйидаги йўналишларда олиб борилмоқда:

А) Алишер Навоий адабий ва илмий-тарихий меросини ўрганиш бўйича Иброҳим Ҳаққулнинг "Навоийга қайтиш" асарининг уч китоби, Муҳаммаджон Имомназаровнинг "Навоийшуносликка кириш" асарлари нашрдан чиқди.

Б) Манбашунослик ва матншунослик соҳасида Шуҳрат Сирожиддиновнинг "Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили" асари, Қодиржон Эргашевнинг "Ўзбек насрида иншо" мавзуидаги тадқиқоти, Ҳомиджон Исломов тайёрлаган "Насойим ул-муҳаббат"нинг илмий-танқидий матни, Навоий асарларининг ўн жилдлиги, ёш олим Олимжон Давлатов тайёрлаган «Хазойин ул-маоний»нинг янги нашри, Афтондил Эркиновнинг 1471 йили Оққуюнлилар давлати ҳудудида (Шероз, Табриз атрофлари) кўчирилган Навоийнинг илк девонларидан бирини Эронга сафари давомида топиб, бу девонни Японияда чоп эттиргани ва Навоийнинг 575 йиллигига атаб чиқарилган тўпламдаги бир қатор мақолаларни кўрсатиш мумкин.

В) Навоий асрларининг бадиий маҳоратини ўрганиш бўйича доктор Суғробону Шукуфтанинг Покистонда нашр этилган "Амир Алишер Навоийнинг ҳаёти ва форс тилидаги асарлари таҳлили" ("Шарҳи аҳвол ва осори форсийи Амир Алишер Навоий") тадқиқоти (2005 йил), Носир Муҳаммаднинг "Навоийнинг дунёвий шуҳрати", Қодиржон Эргашевнинг "Янглиш талқинлар", Бобомурод Эралиевнинг "Фарҳоднинг ташрифи" ва "Тўрт қаср тарҳи" мақолалари ва газета ва журналларда босилаётган ўнлаб мақолаларни айтиб ўтиш мумкин.

Г) Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятини ўрганиш бўйича Қодиржон Эргашевнинг рус тилида «Фан» нашриётида босилиб чиққан "Алишер Навоийнинг давлат арбоби сифатидаги фаолиятининг айрим жиҳатлари" («Некоторые аспекты государственной деятельности Алишера Навои») асарини эслаб ўтиш жоиз.

Д) Навоий қолдирган бадиий ва илмий меросни ўрганиш бўйича ўтган йили нашрдан чиққан икки жилдлик "Навоий қомусий луғати" ва тилшунос олимларимиз томонидан тайёрланаётган беш жилдлик Навоий асарларининг изоҳли луғатини мисол келтириш келтириш мумкин. И.Ҳаққул раҳбарлигида тайёрланаётган уч жилдлик "Навоий қомуси"ни Навоий асарларининг илмий-танқидий матни тузилмасдан туриб, йигирма томлик асарларнинг мукаммал тўпламида хато ва камчиликлар тузатилмай туриб, қандай изоҳли луғат тузилади деган саволга жавоб йўқ.

Е) Навоийшунослик бўйича XXI аср илм-фан ютуқларидан фойдаланган ҳолда бошланган ишлардан бири унинг тўлиқ асарлари бўйича конкорданс тузиш йўналишидир. 2012 йилда Тошкент давлат шарқшунослик институтининг бир гуруҳ олимлари профессор Аҳмад Қуронбеков бошчилигида, профессор А. Маннонов ва М. Имомназаровлар "Ф-1-135 Алишер Навоий асарлари конкордансининг илмий-услубий тадқиқи" мавзуидаги грант лойиҳаси доирасида биринчи навбатда "Хамса" достонларининг конкордансини тузиш бўйича иш бошладилар.

Шуни таъкидлаб ўтиш жоизки, бундан олдин Ҳофиз ғазалиёти бўйича Эронда ва Италияда тузилган конкорданс ва саноқ сўзлар луғати, Европада тузилган Пушкин асарларининг ва Шекспир ва бошқаларнинг асарлари бўйича тузилган конкордансlар мавжуд бўлса-да, буларнинг биронтаси Навоий асарлари бўйича конкорданс тузишга мос келмас эди. Шунинг учун Навоий "Хамса"си бўйича конкорданс тузиш учун йўриқнома ишлаб чиқилди. Бу йўриқнома "Хамса"нинг биринчи достони "Ҳайрат ул-аброр"нинг конкордансi "Муқаддима"сида ва кейинчалик "Алишер Навоий асарлари бўйича конкорданс тузиш қўлланмаси" (2015 й.)да тўлатилган тарзда эълон қилинди.

Шу йўриқнома асосида ҳар бир достон сўзлиги бўйича компьютер программаси ишлаб чиқилди ва ҳозирда 5 достон: "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Сабъаи сайёр", "Садди Искандарий" достонларининг конкордансi тузилиб нашрдан чиқди.

Конкорданс тузиш жараёнида Навоий асарларининг тилшунослик, услубшунослик, адабиётшунослик, маънавий олами, фалсафий қарашлари, луғатшунослик, қомусий луғатини тузиш бўйича афзалликлари кўзга ташланди ва шу билан бир қаторда навоийшунослик бўйича ечимини кутаётган долзарб масалалар ҳам билиниб қолди.

Конкордансnинг биринчи ютуғи шундаки, Навоий асарларининг матнида ишлатилган сўзларнинг бирон ҳарфини қолдирмай қамраб олади. Бу эса Навоийнинг сўз бойлигини, ўзбек тилини қанчалик бойитганини, шоир даврида ўзбек тили қанчалик бой бўлганлигини ва ҳозирда бу бойликдан қанча фоизи мавжуд, қанчаси муомаладан чиқиб кетганлиги ва ҳ.к. масалаларни аниқ тасаввури ҳосил бўлишини таъминлайди.

Шуни таъкидлаш керакки, ҳозиргача Навоий асарларида қанча сўз ишлатгани ва улардан қанчаси фаол эканлиги бўйича аниқ маълумот йўқ.

Иккинчидан, Навоий асарлари бўйича шоир ҳаётлигидаёқ луғатлар тузила бошланган ва ҳозирги пайтда ҳам бир қанча луғатлар мавжуд ва яна тузилмоқда, лекин уларнинг бирортаси Навоий асарлари сўзлигини тўла қамраб олган эмас ва унинг маънолар оламини атрофлича талқин қила олган эмас. Шоирнинг барча асарлари бўйича конкорданс тузилгандагина бу муаммо ҳал бўлади.

Учинчидан, конкорданс Навоий асарлари бўйича бир қатор частотали луғатлар ва бу луғатлар асосида Навоий тилининг услубияти, сўз ясаш усуллари, фразеологияси, фонетик тизими ва фонологияси каби бир қатор масалаларни ҳал қилишга имкон яратади.

Энг муҳими шундаки, конкорданс тилшунослик, услубшунослик, семантика, лексикография, сўз ясалиши ва ҳ.к. масалалар бўйича тадқиқот олиб борувчи тадқиқотчилар учун тайёр материал ҳисобланади. Яъни конкордансда келтирилган бир сўз шаклига қараб унинг қандай фонетик кўринишлари борлиги, морфологик шакллари, синтактик алоқалари, парадигматик ва синтагматик муносабатлари ва ҳар қайсининг матнда қанча марта ишлатилгани ва улар учрайдиган байтлар тадқиқотчининг ихтиёрида бўлади. Энди тадқиқотчи битта сўз бирлигининг матнда қандай маъноларда келишини аниқлаш учун ҳар гал асарни бошдан оёғигача қайта-қайта кўздан кечиришига ҳожат қолмайди. Таъбир жоиз бўлса бу навоийшуносликда янги босқич бўлиб, унинг асарларининг асл моҳиятини очиб беришда ижобий ўзгариш ясаши мумкин.

Кўриниб турибдики, мустақиллик йилларида амалга оширилган ишлар анчагина, лекин қилиниши керак бўлган ишлар унданда кўп:

1) Алишер Навоийнинг "Ҳайрат ул-аброр", "Фарҳод ва Ширин", "Лайли ва Мажнун", "Мажолис ун-нафоис" ва яқинда Ҳ. Исломов тайёрлаган "Насойим ул-муҳаббат"дан ташқари асарлари том маънодаги илмий-танқидий матни йўқ. Ҳозирги пайтда мавжуд йигирма жилднинг Навоий "Мукаммал асарлари тўплами" ва бошқа нашрлар илмий-оммабоп нашрлардан иборат. Биринчи навбатда Навоийнинг адабий ва илмий меросини тўлиғича илмий-танқидий матнини яратиш ва шу матн асосида ҳар бир асарнинг конкордансини ва санама сўзлигини яратиш керак.

2) Асарлари тилининг фонологик тадқиқоти ҳануз охиригача амалга оширилмаган. Асосий масала Навоий асарлари тилидаги унли фонемаларни транскрипцияга ўтказиш жараёнида юзага

чиқди. Маълум бўлдики, Навоий асарларининг тилидаги унлилар сони ва сифати бўйича тилшунос олимлар ўртасида якдиллик йўқ. К.К.Юдахин 6 та унли бор деса, А.К.Боровков 8 та, Х.Дониёров 8 та унли товуш, Янош Экман 9 та фонема, А.Рустамов, Э.Фозилов 9 та, Э.Умаров 9 фонема ва 5 аллофон борлигини қайд этганлар.

Ҳозирги ўзбек тилидаги лотин алифбосида 6 та унли мавжуд, аммо бу достонлар матнидаги унлилар тизимини қамраб олиш учун етарли эмас. Алишер Навоий шеърий асарларини аруз вазнида ёзган. Аруз вазни эса бўғинларнинг узун-қисқалигига асосланган. Масалан: "Садди Искандарий" достони мутақориб вазнида ёзилган, бу "фаулун, фаулун, фаулун, фаул" шаклида тақтиъ қилинади.

Масалан:

Тушуб давр аро жоми нилуфарий
Анга берк юз минг шараф гавҳари [2/1993]

Матнни вазнга солиб тақтиъ қилиш жараёнида шу нарса маълум бўлдики, бўғинлардаги узун-қисқалик араб ва форс тилидан ўзлашмаларда тўла риоя қилинган, ўзбек тилида эса риоя қилинмаган.

Араб тилида 3 та қисқа ва уларнинг учта чўзиқ фонемаси мавжуд: a, i, u ва ā, ī, ū. Аслида аруз вазни ҳам ана шу араб тилидаги фонемаларнинг узун – қисқалигига асосланган. Классик форс тилида эса 8 та унли фонема мавжуд 3 та қисқа: a, i, u ва 5 та чўзиқ: ā, ī, ū, ō, ē.

Масалан:

Бу оламда бўлмағлиқ ***офоқгир****,*
Яна олам аҳлида ***жаннатсарир****.*

Бу байтдаги "*офоқгир*"даги форсча яримаффикс "*гир*" даги "*и*" чўзиқ, арабча "*сарир*" сўзидаги "*и*" ҳам чўзиқ ва вазндаги чўзиқ бўғинга мос келади. Аммо ўзбек тилидаги 6 та унлининг барчаси ҳам **чўзиқ бўғинда** ҳам **қисқа бўғинда** келиши мумкин, масалан:

Кўрки бу ишким ***илигидин*** *келур,*
Ёки бу сўз ким тилидин очилур.

Бу байтдаги "илигидин" сўзидаги учинчи бўғинда "*і*" фонемаси чўзиқ бўғинда келган, ундан олдинги "*і*" фонемалари қисқа бўғинда келган. Яъни ўзбек тилидаги "*илик*" сўзидаги "*и*" товушлари қисқа бўғинда ҳам чўзиқ бўғинда ҳам келиши мумкин, шундан маълум бўладики, Навоий давридаги ўзбек тилидаги унли фонемаларда узун – қисқалик ажратилмаган.

Бундан келиб чиқадиган хулоса шуки, Алишер Навоий тилидаги асл туркий сўзларда 6 та қисқа унли бўлган, ундан ташқари араб ва форс тилидаги 3 та ā, ī, ū чўзиқ унлилари ва ўрта аср форс тилидаги ō, ē чўзиқ унлилари қўшилиб, жами 11 унли ҳосил қилган.

3) Навоийнинг сўз бойлиги мавжуд луғатларда тўла қамраб олинмаган ва қилинган талқинлар конкорданс асосида ялписига ҳар бир сўзнинг маънолари байтма-байт қайд этилиши ва тўлиқ изоҳли луғати ишлаб чиқилиши керак.

4) Навоий асарларининг тўлиқ матни шоир ҳаётлик даврида Абдужамил котиб, Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган нусхалари факсимиле шаклида чоп этилиши керак. Ҳозирча Ж. Жўраев томонидан нашрга тайёрланган хаттот Абдужамил котиб кўчирган "Хамса" нинг факсимилесидан бошқа асарларининг факсимилеси нашр этилмаган.

5) Навоий асарларининг шеърий қисми тўлиқ шарҳланиши ва ундаги луғавий, мажозий, диний-ирфоний маънолари конкорданс асосида шарҳланиши керак. Ҳозирда Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Жалолиддин Румий асарларининг ўнлаб шарҳлари мавжуд, ҳолбуки Алишер Навоий асарла-

рининг ғазалларининг Н.Комилов бошлаб берган 50 ғазали ва яқинда Б.Тўхлиев нашрга тайёрлаган 28 ғазалининг насрий баён, шарҳ ва изоҳларидан бошқа ҳеч нарса йўқ.

6) Навоий асарларининг Абдужамил котиб ва Султон Али Машҳадий томонидан кўчирилган ва бошқа мўътабар нусхалари тўлиғича электрон вариантида тайёрланиши ва навоийшунослар жаҳоннинг барча нуқталарида асл нусхадан фойдаланиш имконига эга бўлиши керак.

7) Навоий асарларининг транскрипция тизими ишлаб чиқилиши ва ҳамма учун бир хилда жорий қилиниши керак. Навоий асарларининг транскрипцияга ўгирилган нусхалари чоп этилиши ва бутун жаҳонда фойдалана олиш имконияти яратилиши керак. Жаҳонда Навоий билан қизиқувчилар сони кўп, лекин ҳамма ҳам унинг асарларининг тўлиқ нусхасидан фойдаланиш имконига эга эмас.

Алишер Навоийнинг ёзган ҳар бир сатри ҳозирги ва келажак авлод учун битмас-туганмас маънавий бойлик ва оламшумул аҳамиятга эга. Уни кўз қорачиғидай асрашимиз ва ҳозирги авлоднинг онгига сингдиришимиз керак. Йиллар ўтган сайин асарларининг тили ҳозирги ва келажак авлодлар учун тобора тушуниши қийинлашиб бормоқда. Навоийшуносларнинг эндиги вазифаси унинг асарларига кенг қамровли луғатлар тузиб, энг нозик маъно жилоларигача тушунарли қилишдир.

ФОЙДАЛАНГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Навоий замондошлар хотирасида. Т.: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1985.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. Т.: Фан. 1987–2003 й.
3. Алишер Навоий. “Ҳайрат ул-аброр” достони конкордanси.Т.: Фан ва технология, 2012.
4. Алишер Навоий. “Фарҳод ва Ширин” достони конкордanси. Т.: Фан ва технология, 2013.
5. Алишер Навоий. “Лайли ва Мажнун” достони конкордanси. Т.: Фан ва технология, 2014.
6. Алишер Навоий. “Сабъаи сайёр” достони конкордanси. Т.: Фан ва технология, 2015.
7. Алишер Навоий. “Садди Искандарий” достони конкордanси. Т.: Фан ва технология, 2016.
8. Қуронбеков А. Алишер Навоийнинг “Хамса”достонларида рамз ва тимсоллар. Т.: Фан ва технология, 2015 й.

XX АСРНИНГ 20-ЙИЛЛАР НАВОИЙШУНОСЛИГИ ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

(*ёки Алишер Навоий ижодига “вадудона” ёндашув*)

Баҳодир КАРИМОВ
(ТошДЎТАУ)

Тарих миллатнинг ўтмиши, тараққиёти ва таназзулининг сабабларидан баҳс юритади. Хусусийлашган тарих маълум бир миллатнинг муваффақияти, фожеа ва ғам-ғуссаларидан сўзлайди; ғурур ва фахр-ифтихор туйғуларини ўзида жамлайди. Башарият бошидан ўтган давр хоҳ яхши бўлсин, хоҳ ёмон, аянчли ёки фахрли, оддий ёки зиддиятли бўлишидан қатъи назар миллат истиқболи учун ибрат китобидир.

“Бир ёй ўқи отатурган вақтингизда ипини кетга қанча кўб тортиб сўнгра қўйиб юборсангиз, ўқ ҳам ўшанча узоққа кетар, суръати ҳам кўб бўлур. Бунга ўхшаш такомил ва тараққий йўлчилигида мозийга қанча тисланиб, тарихингизга қанча орқа бериб сўнгра ҳаракатлансангиз, шунча кўб

суръат билан илгарига йўл ола биласиз”[1]. 1920-йиллардаги таниқли зиёлилардан бири Шоҳид Эҳсоннинг бу образли гапи “Ўтган кунлар” бошида “Мозийга қайтиб иш кўриш хайрлик дейдилар” фикрини ёзган улуғ ёзувчининг машҳур сўзларига жуда яқин. Албатта, Абдулла Қодирий миллатнинг яқин ўтмишидан ҳикоя қилди; ўша муаззам тарих китобининг ибратли бир саҳифасини ўқиб берди. Фитрат бир қанча тарихий драмалар ёзди. Гоҳида ўша давр шоирлари шеърларга мавзуни тарихдан танлади. Умуман олганда, 1920-йиллар бадиий адабиётнинг мозийга мурожаати шундай табиий ва миллатпарварлик руҳида эди.

Илмий-адабий соҳадаги аҳвол-чи? Айнан адабиётшунослар учун қайси масалалар қизиқ эди? Қандай вазифалар кун тартибида тураради? Тўғриси, 1920-йиллар адабий илми олдида турган асосий гап – бу маданий меросга муносабат масаласи бўлди. “Халқнинг фаробийлари, хоразмийлари, берунийлари, синолари, навоийлари, машраблари бор эди. Лекин улар яратган ҳаётбахш китоблар асрларнинг токчаларида кўтарилмай ётар эдилар. Улар яратган улуғвор тафаккур мевaларидан самара олиш учун халқнинг – юрагида миллий ғурур чироғи бўлиши керак эди. Миллатнинг тенгсиз замини бор эди, лекин бу замин узра юрганлар чироғсиз эдилар”[2]. XX аср бошида юз берган маънавий уйғониш, ижтимоий ўзгаришлар зиёлилар қўлига ўзликни англаш, миллатининг қадрини кўтаришдек замонавий маърифат чироқларини тутқазди. Улар маърифат ёғдуси билан ўз даври ва келажакни, шунингдек, шарафли ўтмишни ёритиш имкониятига эга бўлди. Зеро, бу давр эҳтиёжи ҳам эди. Адабиётшунослар бу эҳтиёж ижроси учун мумтоз адабиётнинг қўлёзма матнлари ичига шўнғиши ва ўша уммон тубидан дур излаши зарур эди. Шундай бўлди ҳам. Адабиётчилар зиммасида адабий меросни даврнинг маънавий мулкига айлантириш, ўтмишдаги буюк сиймоларни элга танитиш, асарларини кўп нусхада жорий имлода қайта нашр этиш каби жуда масъулиятли ва мураккаб вазифалар бор эди. Бу ишларнинг хайрлилигига, улуғлигига шубҳа йўқ. Бироқ мураккаблик нимада? Тўғриси, бу масалада 1920-йиллар бошидаги ҳолат билан 1930-йиллар арафаси ва ундан кейинги давр манзараси бир хил рангда эмас. Дастлаб миллатнинг машҳур сиймоларини улуғлашга, уларни халққа танитишга ҳеч қандай қаршилик сезилмади. Масалан, Аҳмад Яссавий ёки Имом Ғаззолийни ҳеч ким “таркидунёчи”, “бадбин шоир”, “реакцион руҳоний” деб сифатламади. Улар хусусида Абдураҳмон Саъдий ва Фитрат каби олимлар махсус мақолалар ёзди. Мақолалар ўша давр матбуотида босилди. Шунингдек, Яссавий мактаби шоирлари, Алишер Навоий, Заҳириддин Муҳаммад Бобур, Фузулий, Нодирахоним, Турди, Муқимий каби ўнлаб шоир ва шоиралар ижоди ўрганила бошланди[3]. Аммо сиёсий талаб ва тазйиқлар энди изга туша бошлаган илмий изланишларни, хайрли ишларни чигаллаштирди. 1930-йилларга келиб, адабий меросни ўрганиш ва талқин этишга ҳукмрон мафкуранинг методологик таълимоти татбиқ қилинди; илмий изланишлар ва талқинлар моҳиятдан узоқлашди. Аждодлар яратилган гўзал санъат намуналарини иккига ажратиш, пролетар адабиёти қолипига мосларини улуғлаш, бошқачасини танқид қилиш жараёнлари бошланди.

Бироқ 1920-йиллар муҳитидаги Вадуд Маҳмуд, Ашурали Зоҳирий, Чўлпон каби айрим зиёлилар адабий меросга, хусусан, Алишер Навоий ҳаёти ва ижодига холис илмий назар билан қаради. Вадуд Маҳмуд мумтоз асарларни тарғиб-ташвиқида қатнашди, қўлёзмаларни ўрганди, адабий мақолалар ёзди. В.Маҳмуд Навоий даврига чиғатой адабиётининг “биринчи олтин даври”, Амирий замонасидаги чиғатой адабиётига эса “иккинчи олтин давр” сифатини берди. Замондош адабиётчилар зиммасидаги вазифалар ҳақида ёзган гапи ҳам диққатга лойиқ: “Чиғатой адабиёти даври адабиёт даврининг отасидур. Лутфийлар, Навоийлар, Султон Ҳусайнлар, Бобурлар, Солиҳлар, Яссавийлар, Умархонлар, Фузулийлар, Зебунисолар, Нодиралар ва булар сингари кўп шоирлар бу адабий даврларнинг бизга маълум бўлган гулларидурлар. Бир ўртоғимизнинг айтишича, майда-чуй-

1 Абди Шоҳид Эҳсон. Биз ва маориф. // “Ҳақиқат”, 1922, 1-2 сонлар.

2 Ғафуров И. Лириканинг юраги. Тошкент, 1982. 146-бет.

3 Бу ҳақда батафсил қаранг: Юнусов М. Барҳаёт мерос саҳифалари. Тошкент, 1986. “Адабий меросни ўрганиш тарихига доир” қисми.

да нозимларни истисно қилғонда, анчагина муҳим ўрун тутадурғон шоирлар беш юзга яқиндур. Бу шоирларнинг кўпини ёлғиз отлари билан, бир-икки шеърлари билангина таниймиз. Булар текширилсалар бизнинг анча-мунча хазиналаримиз очилғон бўладурким, бу вазифа адабиётчилар бўйнидадур”[1]. Буларни амалга оширишда, илк-ибтидоий маълумотларни ёритиш ёки таснифлар таклиф қилишда “анча-мунча хазина” илинжида бўлган қалам эгасининг ўзи ҳам хизматга бел боғлади. “Навоийгача турк адабиёти”, “Алишер Навоий”, “Фузулий Бағдодий”, “Навоий учун”, “Турк адабиёти тарихи”, “Илмий-адабий вазифалар қаршисида” ва бошқа қатор мақолалар ёзди.

Аслида Алишер Навоий ижоди мусаффо кўзгуга ўхшайди. Оддий инсонлар унинг қаршисида ўзини кўради, ўзлигини англайди. Нодонлар тош отади, илм соҳиблари эса унинг асрори ва ҳикмати билан қизиқади. В.Маҳмуд XX аср 20-йиллари навоийшунослигининг юзага келиш жараёнида асрий-адабий қўлёзмалардан мисқоллаб маълумотлар йиғиб, оммага тақдим қилди.

Вадуд Маҳмуд 1924 йилги А.Саъдий билан бўлган дастлабки баҳсида унинг шеърни яхши тушунмаслигини айтади ва қўшимча далил қилиб “Адабиёт дарслиги”дан мисол келтиради. А.Саъдий ўз дарслигида Навоийнинг:

Саҳар ховар шаҳи чарх узраким, хайлу ҳашам чекти,
Шиои хат била кўҳсор уза олтун алам чекти, –

матласи билан бошланувчи ғазалини танқид этган ва уни англашда қийналган эди. В.Маҳмуд эса бу ғазалга “энг юксак ва бизнинг асрий завқимизга ҳам мувофиқ фасоҳат ва балоғатнинг санъаткорлик билан уста уюштирилғон” асари, Алишер Навоийга эса “ўзбек ёш шоирларининг бобоси” деб баҳо беради. Шу мулоҳаза муносабати билан икки адабиётчи ўртасидаги мунозара мавзуи адабиёти тарихи, ўзбек тилининг хусусиятлари, ўзбекларнинг келиб чиқиши масаласи устига кўчади.

Таассуфки, бахтга қарши, улар орасидаги тортишув анча давом этди, авжига чиқди. Мавзудан мавзуга кўчди. Бундаги “бахтга қарши” таъбири кўпроқ А.Саъдийга тааллуқлидир. Чунки В.Маҳмуд унинг “Адабий-тарихий саводсизликка қарши” баҳс мақоласига жавобан “илмга қарши қилинғон жиноят ва ўғирликлари”ни очиб беришга бел боғлайди. А.Саъдийнинг “Шажараи турк” тили муносабати билан айтилган фикрлари 1906 йили Саблуков томонидан нашрга тайёрланиб, Қозон матбаасида чиқарилган асар нусхаси сўзбошисидан олинган муваффақиятсиз таржима эканини русча матн билан солиштириб исботлаб беради. Ўзининг ўзбек классик адабиёти ўтмишда “чиғатой адабиёти” термини билан юритилганлиги устидаги фикри эса В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович сингари мусташриқлар, Фуод Куприлизода, Закий Валидий каби турк дунёсининг энг йирик олимлари мулоҳазаларига мос келишини айтади.

А.Саъдийнинг “илм ва адабиёт дунёсида” қилган шу иши жиноятми, ўғриликми, хиёнатми – нималигини вақти келиб илм аҳли баҳолаши мумкин. В.Маҳмуднинг ўзи эса уни содда қилиб, киноя билан “А.Саъдийнинг саводи” деб атайди[2].

“Бахтга қарши” таъбирининг иккинчи сабаби, 1920-йиллар адабий жараёнида, домий савияси қандай бўлишидан қатъи назар, анча-мунча мақолалари билан танилиб қолган А.Саъдий баҳс пайтида ўзининг мумтоз адабий асарларни тушунишида қийналишини, айниқса, Алишер Навоийни баҳолашда бехосдан ноўрин иборалар қўллаб, “саводи”ни билдириб қўяди.

Ўрни келганда айтиш керакки, гарчи А.Саъдий адабиётимиз тарихида адабиётшунослик ва адабий танқид соҳасида маълум хизматлар қилган, 1949 йили Алишер Навоий ижоди тўғрисида Ўзбекистонда биринчи бўлиб докторлик диссертацияси ёқлаган бўлса-да, унинг улуғ ўзбек

1 Маҳмуд В. Турк шоири Ажзий. // “Инқилоб”, 1924, 11-12 сонлар.
2 Маҳмуд В. А. Саъдийнингсаводи. //“Зарафшон” газетаси, 1924, 11 июнь.

шоирига нисбатан 20-йиллардаги қарашларига қўшилиб бўлмайди[1]. Буни В.Маҳмуд томонидан Алишер Навоийга берилган баҳога қарши бўлғуси профессорнинг ўша пайтларда ёзган қўйидаги гаплари ҳам аниқ кўрсатади: "Навоий каби сарой шоирларининг услублари "асримиз завқига" ҳам, эҳтиёжига ҳам тамомила яроқсиздир, Вадуд Маҳмуд ўртоқ Навоийни "ўзбек шоирларининг бобоси"дейдир.

Ҳам насли-уруғи, ҳам тили жиҳатидан қатъиян ўзбек бўлмаған, балки чиғатой ёки уйғур бўлган Навоийни ўзбек ва ҳатто, "ўзбек шоирларининг бобоси" деб чиқмоқ жасоратдир. Шунинг билан бирга мунинг яна, ҳақиқатда, адабий-тарихий бир саводсизлик натижаси эканлиги адабий-тарихий саводи бўлғон одамлар қаршисида очиқ бир нарсадир"[2]. Бошқа бир ўринда инкор ва нотўғри талқинлар оҳанги янада зўраяди: "Эронлилар ўртасида Ҳиротда ҳукм сурган чиғатой хонларининг сарой шоири бўлган Навоийнинг бутун мавзуи, бутун сурати эронлик ва эрон классик шоирларининг эскирган мавзулари эди (Фарҳод-Ширин, Лайли-Мажнун, Искандари Кабир, яъни Зулқарнайн каби).

Шунинг устига яна Навоий, иккинчи ёқдан форс доҳий шоири Мавлоно Жомийнинг шогирдларидан бўлган бир форс шоири эди (форсийда тахаллуси Фонийдир).

Шунинг учундирким, Навоийни Европа ва рус мусташриқлари (Кримский каби) форс адабиёти тарихида форс адабиётига ва унинг тараққиётига катта хизмат кўргазгувчи катта омиллардан санайдурлар.

Навоий эски эрон адабиёти йўлидан чиқиб, ҳеч бўлмаса ўзи мансуб бўлғон сарой аҳлларининг (хусусан Ҳусайн Байқаро кабиларнинг) воқеа ва турмушларидан олиб ҳам бир нарса ёза олмайди. "Туркий тил ва уйғур луғати"нинг қаҳрамони бўлиб майдонга отилган бу талантли шоир туркий тилни ҳар томондан, ўзи ҳам сезмасдан форсийга қул этиб, Хўжа Аҳмад Яссавийдек "форсий тилни билибон хўб айтадур туркийни" бўлиб чиқа олмади"[3]. Тўғриси, А.Саъдийдаги "Навоий форс шоири" деган нотўғри тушунчаси бевосита мутолаа туфайли эмас, балки Европа олимларининг таъсиридаги европача қараш эди. Шундай жаҳл устидаги чиранишлар билан бирга А.Саъдий "ёшларга ортиқ навоийпараст бўлмоқликнинг ҳозирги вақтда энди фойдали бир натижа бермаслиги"дан маслаҳат ҳам беради.

В.Маҳмуд бир оз кейинроқ ёзган "Илмий-адабий вазифалар қаршисида" номли мақоласида Алишер Навоийга бўлган самимий муносабатни шундай баён этади: "Навоий турк адабиётининг отасидур. Навоий адабиёт дунёсида жуда катта хизматлар қилғон бир кишидур. Навоий турк тилининг отасидур. Навоий буюк адиб, буюк шоир, буюк доҳийдур. Фақат қани уни биз таниймизми? Унинг хизматларини биламизми? Унинг ким эканидан хабаримиз борми? Ҳалигача унинг таржимаи ҳолини босмадик. Бир расмини чиқарган бўлсак ҳам аслига унча мувофиқ эмасдур"[4]. Бу ўзига хос тарзда А.Саъдийнинг қуруқ ва асоссиз даъволарига қарши жавоб ҳам эди. Иккинчидан, унинг Алишер Навоийга берган баҳолари ҳозирги тавсифларидан катта фарқ қилмайди.

1924 йили ёзган "Навоий учун" сарлавҳали мақоласида: "Навоийни танимаган бир ўзбек бўлмаса керак. Эскиларимиз ва эски мактабларимиз ғазаллари билан, янгиларимиз ва янги мактабларимиз суратлари ва шахсиятлари билан танишдирлар...

Навоий турк тилини тиргизган ва чиғатой адабиёти деган бир адабий мактабнинг бу кунгача яшамоғи сабаб бўлган бир кишидир. Шунинг учун уни танимоқ, уни тақдир этмоқ бутун турклар учун бир вазифадир"[5], деган фикрларни билдиради.

---

1 Абдураҳмон Саъдий қарашларидаги айрим камчиликларни проф.А.Ҳайитметов ҳам ўзининг "АлишерНавоийнинг адабий-танқидий қарашлари" (1959 й. Т., 9-бет) номли китобида айтиб ўтади.

2 Саъдий А. Адабий-тарихий саводсизликка қарши. //"Зарафшон" газети,1924 йил, 148-150-сонлар.

3 Саъдий А. Адабий-тарихий саводсизликка қарши. // "Зарафшон" газетаси, 1924 йил, 148-150-сонлар.

4 Маҳмуд В. Илмий-адабий вазифалар қаршисида // "Зарафшон" газетаси, 1924 йил, 21 июнь.

5 Маҳмуд В. Навоий учун. // "Ер юзи", 1925, 3-сон.

Вадуд Маҳмуд бу соҳадаги изланишларини давом эттириб, 1925 йили “Алишер Навоий” номли махсус биографик характердаги мақола ёзади. 20-йиллар навоийшунослигида бу мақола жуда муҳим ўринни эгаллайди. “Маориф ва ўқитғучи” журналининг 3-сонида босилган мақола “Муҳити”, “Таржимаи ҳоли ва тарбияси”, “Мутасаввуфлиги”, “Илмий, адабий шахсияти”, “Навоий бир мужиддир”каби асосий бўлимлар ва кичкина “Илова”дан иборат. “Илова”да мақола журналнинг Навоий юбилейига иштироки учун ёзилгани, “бунда кўп ҳоллар ва воқеалар қисқа, баъзан ҳатто бир сатрда” ўтилгани айтилади.

Мақоладаги таржимаи ҳолга алоқадор, туғилган ва вафот этган йили, 6 ёшида оилалари билан Ҳиротдан Машҳадга кўчгани, Султон Ҳусайн Байқаро билан бирга улғайиб, бирга ўқигани, саройда турли мавқедаги вазифаларда хизмат қилгани, сарой хизматидан безиб ҳар вақт олиму уламолар, шоиру фузалолар, шайху руҳонийлар даврасига талпиниши, ижоди жуда эрта бошланиб, Лутфий унга илтифот кўрсатгани, ўз замонасининг санъат аҳлига қаттиқ эътибор қаратгани ва бошқа ўнлаб маълумотлар шоирнинг ҳозирги биографиясининг дебочаси эканидан далолат беради. Муаллиф Алишер Навоийнинг мусиқага майли борлиги, рассомлик қилгани, илм соҳибларига топшириқлар бериб, ёрдам кўрсатгани хусусида ҳам бир-икки жумла айтиб ўтади; шоир асарларини санайди, бу даҳо шоир ҳақида кўплаб тарихий асарларда хабарлар борлигини билдиради. Бу маълумотлар бугунги кун олими ва китобхони учун арзимасдек кўриниши мумкин, аммо “Навоий ким эди?” саволи кўндаланг турган 1920-йиллар шароити учун ниҳоятда муҳим эди. Албатта, миллат фахри бўлмиш даҳо шоирга тегишли ҳар бир сана ва шахсни аниқлаш учун В.Маҳмуд ўнлаб қўлёзма манбаларни кўриб чиққани, ичидаги эзгу ниятлари унга тинчлик бермагани аниқ. Мақола Алишер Навоийнинг муҳити, уни юзага келтирган шарт-шароит юзасидан ҳам маълум даражада тасаввур беради:

“Ҳижрий 5-аср ила 10-аср орасидагн беш юз йиллик давр – бу давр Хуросон ва Мовароуннаҳрда ислом маданиятининг гуллаган мавсуми эди. Бешинчи аср(лар) арабнинг янги руҳий ортиши билан Эроннинг ер юзида мумтоз мавқе тутғон даврдир. У вақтлар рубъи маскуннинг энг файзли қитъаси ва маълум дунёнинг оғизларда достон бўлатурғон қисми Ироқ ва Хуросон эди. Ўрта Осиёнинг янги тарихида энг бой ва шавкатли давлатлар шу даврнинг маҳсулидирлар.

Мамлакат обод, халқ эсонлик ичида эди. Чунки рубъи маскуннинг бойлиги шу ўртага йиғилғон эди... Мана шу замонларда эдиким, ислом маданиятининг етиштирган ҳаким ва адиблари дунёда ягоналик туғини кўтарган эдилар. Ҳаким Санойи, Мавлоно Жалолиддин Румий, Фаридиддин Аттор, Абу Али ибн Сино, Форобий, Хайём каби энг буюк ва машҳур кишилар шу асрнинг етиштирган кишиларидандир. Бу ўрта аср маданиятининг иккинчи бир варағи бўлган 8-9-10-аср турк даҳосининг асрий маданияти ўзлаштирила бошланғон ва юксалган бир давридир...

У даврда Темур, Йилдирим, Бобир каби буюк қўмондонлар, Аҳмад Яссавий, Навоий, Султон Ҳусайн, Фузулий каби шоирлар, Улуғбек, Қушчи каби ҳайъатшунос ҳакимлар етишдилар”[1].

Навоийгача бўлган даврларда араб ва форс маданияти гуллаб яшнади. Кўпгина турк олимлари ўзасарларини ўша тилларда ёзишди. Шеърият оламида форс тилининг бағоят гўзаллиги ва нозиклиги тан олинар эди. Туркигўй шоирлар ҳам форсийда бирор асар битиш иштиёқида бўлар эди, Навоийнинг “Девони Фоний” мажмуаси ўша анъаналар ва иштиёқмандлик ҳосиласидир. Аммо унинг хизмати Вадуд Маҳмуднинг фикрича бундай: “Навонйнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввуфлиги, на шоирлиги, на тарих ёзғонидир. Унинг мумтозлиги шундай қайноғон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсларнинг марказида турклар муассасаларини қуришидир (Бу фикрлар В.Маҳмуд мақоласини нашрга тайёрлаб, изоҳлар ёзган Ҳ.Болтабоевнинг шарҳ беришича Ф.Ку-

1 Маҳмуд В. Алишер Навоий. // “Маориф ва ўқитғучи” журнали, 1925 йил, 3-сон. Мақола “Ёшлик” журналининг 1991 йил 5-сонида қайта босилган. Ношир ва изоҳлар муаллифи – Ҳ.Болтабоев.

прилизода ва И.Ҳикмат асарларида ҳам учрайди – Б.К.). Навоийнинг форсга ва форс маданиятига бир душманлиги йўқдир, у тўғридан-тўғри миллатни ва туркликни севатурган бир шахсдир”[1].

Бугунга келиб классик адабиётни тасаввуф фалсафасидан айрича талқин этиш мумкин эмаслиги маълум бўлиб қолди. Шунингдек, Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достонидаги рамзий ифодани, қушлар-соликларнинг тариқат босқичида еттита такомил мақомини босиб ўтишларини, айрим ғазалларидаги “ҳақиқий ишқ” оҳангларини ҳис этиш учун инсоннинг ахлоқий-руҳий юксалишини ўз моҳиятига сингдирган, яқин тарихда “реакцион” саналаган сўфийлик таълимотидан бохабар бўлмоқ лозим. Умуман олганда, бу улуғ шоир юксак фазилатли комил инсоннинг маънавий-руҳий оламидан сўз очар экан, демак ижодининг борлиғини тасаввуф ва ислом фалсафасисиз тасаввур этиш мутлақо мумкин эмас.

В.Маҳмуд Навоийнинг асри ва дунёқарашининг таъсирланув омиллари ҳақида шундай ёзади: “У асрда (Навоий замонаси назарда тутилади – Б.К.) мутасаввуфлар энг буюк ўрун тутар эдилар. Алишер Самарқандда турғон муддатда хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абулайсдан, Мавлоно Жомийдан ва бошқа у ерда ниҳоят даражада кўп бўлган мутасаввуф олимлардан таъсирланади... Мана шу муҳит ва шу тарбияда яшаған ва ўсган Алишер табиий ўлароқ тасаввуф манзумаи фикриясига берилади. Энг кўб тарқалған ва энг кучли намояндалари бўлған бир фалсафа тасаввуф эди. Навоий тасаввуфнинг руҳониятчилигига шунча берилган эдиким, ҳар асарининг ҳар ерида бунинг таъсири кўриладур”[2].

Вадуд Маҳмуд “Бу кунги шеърларимиз ва санъаткорларимиз” мақоласида Алишер Навоийни “Лисон ут-тайр” достони воситасида мутасаввуф шоирлар қаторида санаб ўтган эди. Эътибор берилса, юқоридаги кўчирмада ҳам Навоий асарларининг ҳаммасини “тасаввуф манзумаи фикрияси” доирасига киритиб юбормайди, балки шоир асарларининг “ҳар ерида бунинг (тасаввуфнинг – Б.К.) таъсири” борлигини таъкидлайди.

Мақоладаги маълумотларга кўра, Алишер Навоий замонасининг энг буюк сўфийларидан бири Сайид Ҳасан Ардашернинг доимий энг яқин суҳбатдоши бўлган, у кишини эслаганда “бутун умрида бу зот каби мукаммал бир шахсиятга учрамагани”ни айтар экан. Навоий Мавлоно Жомий билан жуда яқин ижодий мулоқотда, сўфийлик масаласида устоз-шогирд мақомида бўлган. “Мавлоно Жомий воситасида нақшбандияга интисоб этди. Бу манзумаи фикрия таъсири билан Навоий 38 ёшда, 881 ҳижрийда касб-камолга машғул бўлди”[3].

Вадуд Маҳмуднинг мазкур эътиборга лойиқ мақоласини ҳамда юбилей ўтказишдаги ташкилотчилик хизматларини назарда тутган академик Ботир Валихўжаев “Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари” мақоласида қониқиш ҳисси билан қуйидагиларни ёзади: “XX аср бошларидан ҳозирги кунга қадар Навоий ҳаёти ва ижоди Самарқанд олим ва шоирлари диққат марказида бўлди. Бу жиҳатдан 20-йилларда Навоий туғилганига ҳижрий ҳисоб билан 500-йил тўлиши муносабати билан олиб борилган тайёргарлик ишлари, бу соҳада Вадуд Маҳмудийнинг фаолияти эслашга арзигуликдир”[4]. Хуллас, Вадуд Маҳмуд Алишер Навоийнинг ҳаёти ва ижодига назар ташлар экан, унинг муҳити ва дунёқарашида устуворлик қилувчи фалсафий мезонларни эътибордан қочиргани йўқ. Айниқса тасаввуф ва ислом фалсафасини ўз таҳлилларига олиб кирди, классик адабиёт намояндаларининг асарларига татбиқ қилди. Адабётшуноснинг бу фалсафий асослари классик адабиётга ёндашувидаги ўзига хос илмий принципларини белгилайди.

Бу мулоҳазалар – Вадуд Маҳмуд ва тасаввуф жуфтлиги кимгадир эриш туюлиши мумкин. Аслида мунаққиднинг ўз илми ёндашувларида тасаввуфона талқинларни илгари сургани, айнан шундай қарашлари учун рўшнолик кўрмагани мавжуд ҳақиқатдир. Айтмоқчи, Вадуд Маҳмуднинг кимга-

1 Маҳмуд В. Алишер Навоий. // “Маориф ва ўқитғучи”, 1925, 3-сон.

2 Ўша китоб.

3 Маҳмуд В. Алишер Навоий. // “Маориф ва ўқитғучи” журнали, 1925, 3-сон.

4 Валихўжаев Б. Алишер Навоийнинг Самарқанддаги қадамжолари // “Мулоқот” журнали, 1991, 2-сон.

дир “ортиқча шарқлик қилувчи” ёки “турк мунаққидларининг асосини ушлаб дарвешлик этувчи” бўлиб кўринишининг сабаби ҳам шунда.

Фикри ожизимизча, 1920-йиллар адабий муҳитида адабий меросга муносабат масаласида В. Маҳмуд мумтоз адабиёт дурдоналарини ўзига хос тушуниб, таҳлил этиши билан (гарчанд булар кейинчалик мунаққидга лаънат тамғаси тарзида босилган бўлса ҳам), сўфиёна истилоҳларни яхши билгувчи адабиёт илмининг билимдони қиёфасида танилган кўринади. Шу боис А.Саъдий ораларидаги баҳсда “бу идеалист” танқидчи, “бу ўртоқ қачондан бери ўзининг материалистлиги билан мақтанадиган бўлди” деб ҳайратланган эди.

Яна бир далил. “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасини тузувчилар идеализм тарафга оғиб кетганлигини исботлаш мақсадида Ж.Бойбўлатов ундаги баъзи бир байтларни олиб қўйидагича шарҳлайди:

Ашрақат мин акси шамсул каъси анворул ҳудо,
Ёр аксин майда кўр, деб жомдин чиқди садо.
(Навоий)

Бу бизнинг тилда: Кўнгилга қуёш аксидан (Худо таоло тарафидан) ҳидоят нурлари (ваҳий) келди. Худо аксини эътиқодингда кўр. (Худонинг бор ва бирлигига инон) деб пайғамбардан “нидо” келди, деган сўз бўлади.

Ғайр нақшидин кўнгил жойида бўлса занги ғам,
Йўқтур эй соқий, май ва ваҳдат мисллик ғамзода

(Навоий)
Бизнинг тилда: Дунёвий ишларга берилиб, кўнгил қораланса, эй соқий, эй пир, уни оқартмоқ учун худога тоат ва ибодатдан бошқа нарса йўқдир, деган сўз бўлади...

Ошиқ аҳли топти бори васл ила чора,
Бечора Навоий ғами ҳижронга йўлуқти.
(Навоий).

Бизнингча: Шерозий, Жомий, Румий кабилар худонинг даргоҳига эришдилар. Аммо Ҳусайн Бойқаронинг министри Навоий бу қисматдан маҳрум қолди”, деган сўз бўлади[1].

Фитрат “Ёпишмаган гажжаклар” (Ўртоқ Бойбўлатовга очиқ хат)ида юқорида келтирилган фикрларга қарата: “Навоийдан олган байтларни таржима қилишингиз бир оз “в а д у д о н а” бўлган, кўб тўғри эмас”[2], деб ёзади. Кўринадики, Фитрат байтларнинг “таржимаси”-изоҳи “тасаввуфона”, “идеалистларча”, “зоҳидона” ёки “сўфийларча” эмас, балки айнан “вадудона”бўлганини айтади. Ж.Бойбўлатов мақоласида келтирилган биринчи кўчирмада инкор ва яроқсизликни исботлаш кайфияти кучли бўлса, Фитрат ифодасида мумтоз адабиётнинг асл фалсафий моҳиятидан бир оз четлашиш сезилади. Гарчи Фитрат классик шеърият замиридага асл ҳақиқатни ботинан ҳис этиб турса-да, ўзлари тузган “Ўзбек адабиёти намуналари” китобини ҳимоя қилиш ва материалистча талқинларга кўникиб бораётганини эслатиш учун байтлар таҳлили “бир оз вадудона бўлгани”ни ва “кўб тўғри эмас”лигини айтишга мажбур бўлади...

1 Бойбўлатов Ж. Ўзбек адабиёти ва чиғатойчилик. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1929, 1-май.
2 Фитрат. Ёпишмаган гажжаклар. // “Қизил Ўзбекистон” газетаси. 1929 йил, 15-16 сентябрь. Мақола “Ёшлик” журналида 1990 йил 5-сонида қайта босилган.

Алишер Навоий биринчи шеърини ёзган паллада бошланган навоийшунослик узун асрий тарихга эга ва у бугунгача тўхтамасдан давом этиб келмоқда. Турлича ёндашувлар, баҳс-мунозаралар, талқин ва таҳлиллар тарихи – бунинг ўзи бир дунё адабий манба. Олимлар Алишер Навоий ижоди моҳиятига мос, айнан шоир назарда тутган фалсафий мазмунни қайта кашф этишга ҳаракат қилишади. Шундай кашшофлар қаторидан XX асрнинг 20-йиллари навоийшунослигиучун ўзига яраша "вадудона" хизматлар қилган Вадуд Маҳмуд ҳам ўрин олса ажаб эмас.

ИСТИҚЛОЛ ДАВРИ ЎЗБЕК ШЕЪРИЯТИДА АЛИШЕР НАВОИЙ ОБРАЗИНИНГ ПОЭТИК ТАЛҚИНЛАРИ

Гулбаҳор АШУРОВА
(Тош ДЎТАУ)

Мустақиллик йилларида юртимизда кенг бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Мамлакатимизда мустақилликнинг илк йили Алишер Навоий йили деб эълон қилиниши бежизга эмас. 2016 йили 13 майдаги Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат Ўзбек тили ва адабиёти университетининг ташкил қилиниши Навоий шахси ва ижодиётига эътиборнинг ортишига, Навоий асарларининг кенг тарғибу ташвиқ қилинишига янада кенг йўл очди. Ўзбек адабиётида Алишер Навоийнинг бетакрор сиймоси хилма-хил услубда гавдаланади. Навоий образи илмда махсус тадқиқ этилган[1]. Шубҳасиз, Навоий шахсиятигина эмас, балки унинг кенг қамровли ижтимоий фаолияти шоир ҳали ҳаётлик пайтидаёқ ўзбек фольклори ва ёзма адабиётида ўз аксини топган[2]. Мустақиллик йилларида Навоийнинг дунёқараши, диний-фалсафий, илоҳий-ирфоний нуқтаи назари ўрганиш ҳар томонлама теранлашди. Жумладан, реал тарихий шахс характери поэтик тасвирларига ёндашув тамойиллари шаклланди. М.Қўшжонов, Ҳ.Ёқубов, Б.Ғуломов, М.Соловьёв, А.Дейч, К.Расулов, С.Мирвалиев, Б.Назаров, Н.Каримов, Н.Раҳимжонов сингари олимлар ёзувчи маҳорати, тарихий ҳақиқат ва бадиий тўқима муаммолари юзасидан амалга оширган тадқиқотларида асосан, Ойбекнинг "Навоий" романи, Уйғун ва И.Султоннинг "Алишер Навоий" драмалари таҳлилга тортилди. Н.Ахмедов изланишларида эса, Навоий образи хронологик, жанрлар ва услублар нуқтаи назаридан ўрганилди[3].

Мустақиллик йилларида яратилган "Навоий ва рассом Абулхайр" дилогияси (О.Мухтор), "Паҳлавон Муҳаммад" (А.Дилмурод) романлари адабиётшунос олимлардан Қ.Йўлдошев, С.Содиқов, Б.Тўхлиев, И.Ёқубовларнинг таҳлил ва талқинлари асносида турли ракурслардан баҳосини олди.

Ушбу мақолада биз мустақиллик даври ўзбек шеъриятида Алишер Навоий образи акс этган баъзи шеърий асарлар ҳақида мулоҳаза юритамиз. Ўзбекистон халқ шоири, Ўзбекистон қаҳрамони Абдулла Ориповнинг Навоий образига ижодий ёндашуви ўзига хос: унингча, шоир тимсоли миллий ифтихоримиз, ғурур ва шараф шонимиздир, чунки, *"Унинг номи билан бирга битилган, Дунё дафтарига ўзбек деган ном"*. Шоирнинг устоз Навоийга ўзига хос тарздаги меҳри борлигини ҳис этиб турамиз. Абдулла Орипов учун Алишер Навоий буюкларнинг буюги, устозларнинг устози, унинг *«ижоди ва фаолияти улуғ бир уммондир»*[4]. *Чунки Навоий «ўз жоду санъатини,*

1 Аҳмедов Н. Мангу барҳаёт образ // Шарқ юлдузи. 1988, № 4; Ахмедов Н. Тарихий шахс талқини. Тошкент: Ғ.Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1989.

2 Сирожиддинов Ш. "Алишер Навоий: манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили". Т.: "Akademnashr", 2011.

3 Аҳмедов Н. Ўзбек адабиётида Алишер Навоий сиймосини талқин этиш муаммолари. Филология фанлари доктори... дисс. Т.: 2004;

4 Орипов А. Танланган асарлар. 4-жилдлик. 4-жилд. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001, 129-б.

ғазалиётини фақат санъат безаги учунгина эмас, балки аниқ муроду мақсадлар учун, эзгу ғоялари ниятлари учун хизмат қилдирган»[1]. Шеър аҳлининг жаҳонгири беш асрдан ортиқ муддатки, назмий саройни титратиб, йигирма биринчи аср шоирларини ҳайратга солади. *"Темур тиғи етмаган жойни, Қалам билан олди Алишер!" ("Ўзбекистон" шеъри)*. Шоирнинг "Навоий кўчаси" номли шеърида Навоий номи билан аталган кўча ҳақида сўз боради:

Одамларга ўхшар кўчалар ҳам гоҳ,
Номи бор, тақдири, шон-шуҳрати бор.
Бири Ўрдагоҳдир, бири саждагоҳ,
Бирида миллатнинг қадри барқарор.
Ҳар бири Ватанга суюкли сиймо,
Ўчмагай улардан қолган из, қадам.
Сафларда Алишер бўлса ҳам пешво,
Лекин тап тортмасди Маждиддинлар ҳам.

Навоий сиймоси, руҳи, назари пойтахтнинг қадимий кўчаларидан бири тимсолида яшаётганлигини ҳис қилиш мумкин.

Янги авлод шоирлари учун Навоийга қайтиш улуғ саодатдир. Халқ шоири Сирожиддин Саййиднинг "Менинг шоирлигим» номли шеърига бу туйғулар сингишиб кетган:

Ўзим тупроқману пирим-самовий,
Менинг дорилфунунумдир Навоий.
Бу уммон узра мен бир мисли хасман,
Ҳавасман, бор-йўғи мавжи ҳавасман.

«Мутолаа» шеърида эса ҳазрат Навоий асарларини ўқиб, кўнгли завққа тўлган авлод тилидан айтилади:

Довонларинг нурдан ярқирар,
Осмонларинг бунчалармовий.
Юрагингга уммон бўлиб ҳам,
Осмон бўлиб кирар Навоий.

«Навоийни ўқиш» шеърида эса жаҳолатдан қўрққан ҳар бир одам, каттаю кичик ***«Навоийни ўқиши керак»***лиги таъкидланади. ***«Ҳеч нимадан кам бўлмаслик учун» , «Нафс» арконларини қирқиш учун, ор қилишни билиш учун, эл авлодлар олқиши учун – Навоийни ўқиш керак!***

Берунийлар, Ибн Синолар,
Улуғбек-у , БобурМирзолар,
Қуриб кетмиш кандай бинолар!
Ёш кўнгиллар қалқиши керак,
Навоийни ўқиши керак!

Агар ўзбек Навоийни ўқимай қўйсачи? Халқ шоири Эркин Воҳидов бундай фожеани қуйидагича талқин этган:

1 Орипов А. Танланган асарлар. 4-жилдлик. 4-жилд. Тошкент: Адабиёт ва санъат, 2001, 130-б.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Олтин бошнинг калла бўлгани шудир.
Бедил қолиб Демьян Беднийни суйса,
Қорасочнинг малла бўлгани шудир.

Ўзбек Навоийни ўқимай қўйса,
Дод демоққа палла бўлгани шудир.
Маърифатдан айру ўйнаса, кулса,
Аза чоғи ялла бўлгани шудир...

Ўзбек ўзлигини англаса бекам,
Унинг "Баракалла" бўлгани шудир.
Оламда Навоий наслиман деган
Овози баралла бўлгани шудир.

Навоийга етиб бориш йўллари олис. Навоийни нафақат ўзбек, балки, бутун дунё халқлари, турли миллат вакиллари ўқиши керак! Чунки, Навоий нафақат бир халқнинг ёки, бир миллатнинг улуғ шоири. У инсониятнинг, барча жаҳон халқларининг ҳам тенгсиз ижодкоридир. Бежизга Москва, Боку ва Токио шаҳарларида Навоийнинг ҳайкалларини қўйишмаган. Навоийга етмоқ учун ҳар биримиз ҳеч бўлмаса, Навоийни билиш, англаш даражасига етишга уринишимиз зарур. Халқ шоири Эркин Воҳидовнинг юқоридаги шеърида бу ҳақиқат теран очиб берилган. Навоийдан одамийликни ўрганамиз. Ундан кўнгиллар таскин, туйғулар эса ҳаловат топади, чеҳраларга нур таралади гўё.

Қорақалпоғистон халқ шоираси Гулистон Матёқубованинг ***"Зиёга ботаётган дарё"*** достонида тизгинсиз ҳадялар, беҳаловат кечинмалар ичра ***"ўйлари дарёдай тошқин"*** лирик қаҳрамон туғёнлари ифодаланган. "Юракни сиқувчи қувонч, бир сир" туфайли ***"ранги сарғайган"***, ***"ўйлар занжирига банду банд"*** бўлган "мен" ўзини Навоий бобо ёнида ҳис қилади. Ундан маънавий мадад тилайди:

... Дарё бўйларида яна ёлғизман,
Сиз жону жаҳоним, юрагимдасиз.
Кўнгил оқшомида милт-милт юлдузман,
Сиз шу ожиз юрак тилагидасиз!

"Сувлар юзида қалқиган дард"ларини айтиш тилагида Ҳазрат Навоийни излаётган лирик қаҳрамон хаёлан у билан сўзлашади, ***"овозларида эса титрайди юрак", "Етти кунлик ойнинг ёлқинларида".*** Гўё лирик қаҳрамон кўзлари "нурларга тўлиб кулади". Шеърият оламига кириб борар экан Навоий босиб ўтган йўлларда "қалби қолгандай" ҳис этади. Навоий туйғуларига эш туйғулари Амударё каби ўзанларидан тошади, сувларнинг юзида эса "дардлар қалқийди"... кўнгиллардан узилган изтироб қадамларга жо бўлар меҳроб". Лирик қаҳрамон "Бир улуғ умиддан ясалган қанотлар орқали ўз шаҳри камолин" кўради. "Бир олий қудрат-ла, ҳур муҳаббат-ла, Навоий бобонинг ёнида юрдик"– дея ифтихор этади.

Ёш қаламкашлардан Ғулом Фатҳиддин "Алишер Навоий" номли шеърида улуғ сўз санъаткорига нисбатан чексиз ҳурмату ҳайратини қуйидагича ифодалаган:

Ҳеч ким кўтаролмас Навоий юкин,
У қалб каъбасига очган минг эшик.
Лолман, қандай қилиб шундай буюкни
Бағрингга сиғдира олгансан, бешик?!!!

Навоий қалбининг буюклигини тоғларга менгзаган шоир унинг умри, сўзи, сиймоси ҳаётни безаши, қолдирган маънавий мероси эса Ватанга – Оллоҳ раҳмати эканлигини таъкидлайди. Авлодларга шундай зот ато этган Ҳақ таолога ҳамду санолар тилар экан, сўнгги ҳайратини баралла ифода этади:

Айтгил қандай сиғар еру осмонга
Шундай алломани улғайтирган халқ?!

Хулоса қилиб айтганда, Алишер Навоий сиймоси ўзбек шеъриятида катта ўрин эгаллаган ва бундан кейин ҳам эгаллайверади.

VII. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

СЎЗ ГАНЖИНАСИНИНГ ЗАБАРДАСТ ХАЗИНАБОНИ

Абдулҳай СОБИРОВ
(ТошДЎТАУ)

Инсониятнинг характерида ҳатто унинг ўзи ҳам то ҳануз тушуниб етмаган бир ажиб синоат бор. У ҳамиша курраи заминдаги илоҳий гўшаларга, зиёратгоҳларга, азиз авлиёларнинг табаррук руҳларига интилиб яшайди. Бунга нима сабаб? У ўзининг руҳи учун бу жойлардан хотиржамлик, хайрихоҳлик, таскин ва мадад истайди. Бизга, ўзбек халқининг қалбига, илоҳий куч-қувват, битмас-туганмас қудрат берадиган ана шундай тенгсиз ҳилқатлардан, таянч тоғлардан бири бу –Алишер Навоий ва унинг асарлари саналади. Навоийнинг буюклиги шундаки, унинг асарларида халқимизнинг орзу-умидлари, ўй-хаёллари, интилишлари ўзининг яққол ифодасини топган. Муҳими, буларнинг ҳаммаси **СЎЗ**, сўз бўлганда ҳам она тилимизда айтилган дилга яқин **СЎЗ** орқали юзага чиқарилган.

Тилшуносликда сўзга беҳисоб таърифлар берилган ва бу жараён ҳозирда ҳам давом этмоқда. Объектив борликдаги нарса ва ҳодисаларни, кишиларнинг ҳис-туйғуларини товушлар кетма-кетлиги асосидаги фонетик бутунлик орқали юзага чиқара оладиган, маъно билдирадиган, тарихан шаклланган маълум бир инсонлар жамоаси учун бирдай тушунарли бўлган энг муҳим тил бирлигига сўз деб қаралади[1].Сўзлар ҳар бир муайян халқнинг бебаҳо маънавий бойлиги, хазинаси саналади. Сўзлар асрлар давомида шаклланиб, сайқал топиб, тилда барқарорлашиб боради. Жамиятнинг ижтимоий ва сиёсий тараққиёти, маданияти сўзлар орқали тарих саҳифаларига муҳрланади. Улар инсонлар хотирасида сақланиб, маънавий мерос сифатида авлоддан авлодга қолдирилади. Сўз ўзининг лингвистик характерига кўра ўта мураккаб ва кўп қиррали ҳодиса саналади.

Сўзлар тилдаги шунчаки оддий бирлик эмас, балки уларда физик (артикуляцион-акустик томон), анатомик (нутқ аппарати ёрдамида ҳосил бўлиши), руҳий-психологик (сўзловчининг ҳис-туйғуларини ифодалаши), мантиқий (оламни акс эттира олиши), ижтимоий (коммуникатив вазифани бажариши), тарихий (муайян даврларга хослиги), географик (маълум бир ҳудудларда қўлланилиши), илоҳий хусусиятлар ўз аксини топган бўлади.

Алишер Навоий ўз даврининг илми ўткир, илғор фикрли вакилларидан бири сифатида ўша даврдаги сўз ҳақидаги қарашлардан, она тилининг қонун-қоидаларидан мукаммал хабардор бўлган, ўз асарларида бундан унумли фойдаланишга интилган, бироқ ундаги Худо берган истеъдод, ноёб талант адабий тил меъёрлари ва нутқ имкониятлари доирасига сиғмай қолган.Бу ҳақда *“Навоийдек соҳир сўз санъаткори учун ҳатто адабий истеъмолдаги меъёр-мезонлар, анъанавий усуллар, воситалар кифоя қилмаса ҳеч ажаб эмас. Зеро, даҳо шоирларнинг ижодий хаёли энг юксак “авж”*

1 Тихонов А.Н., Ким Я.Я., Тихонов С.А. Современный русский язык. Лексикология.–Тошкент: Ўқитувчи, 1991. –Б. 20.

даражаларда, самовий минтақалардагина ўзининг муносиб, бутун ва ёрқин образли ифодасини топиши мумкин”, – деб ёзади таниқли навоийшунос Ботирхон Акром. [1]

Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”, “Хамса”, “Лисон ут-тайр”, “Муҳокамат ул-луғатайн”, “Мажолис ун-нафоис”, “Назм ул-жавоҳир”, “Тарихи мулуки Ажам”, “Муфрадот” сингари ўлмас асарларида тил ва сўз ҳақидаги қимматбаҳо фикр-мулоҳазаларни истаганча учратишимиз мумкин. Адабий-бадиий асарлари билан бир қаторда тилшуносликка оид қимматбаҳо илмий асарлар яратди. Уларда ўзбек тилининг ўша даврдаги манаман деган тиллардан асло қолишмаслигини, айрим ифодаларда ҳатто улардан устун туришини амалий мисоллар ёрдамида кўрсатиб берди. Ана шундай китоблари сирасига “Сабъату абҳур”, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарлари киради. Хусусан, илмий аҳамиятига кўра кейинги асар тилшуносликда муҳим аҳамият касб этади.

“Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоий кенг мулоҳазали тилшунос, қиёсий-тарихий грамматикани яхши билган мутахассис, фонетист, лексиколог, диалектолог, этнолингвист сифатида гавдаланади. Бунга шоирдаги она тилига бўлган улкан меҳр-муҳаббат, уни ҳимоя қилиш учун бутун борлиғи, қалби билан бўлган мислсиз интилиш туйғулари сабабдир. Навоий тилларнинг келиб чиқиши тўғрисида баҳс юритар экан: *“Ёфасники, таворих аҳли Абут-турк битирлар”*,– дея туркий халқларнинг келиб чиқиши, авлод-аждодлари тагли-тугли, насаби тоза эканлигини таъкидлайди ва халқимизнинг шажарасини Нуҳ алайҳиссаломга олиб бориб тақайди. Бу билан туркий тилнинг ҳинд ва форс тилларидан асло кам эмаслигини, нуфузда, малоҳатда улардан қолишмаслигини исботлаб беради. Бу ўша давр учун мислсиз маънавий жасорат, инқилоб билан тенг ҳодиса саналар эди. Навоий ҳеч нарсадан қўрқмай, туркий тилга нописандлик, менсимаслик назари билан қараган айрим касларнинг кўзини очиб қўяди.

Асардаги эътиборга молик ўринлардан бири туркий тилда қўлланилувчи 100 та феъл шаклининг келтирилишидир.

Навоий 100 та феълни келтириш билангина кифояланиб қолмасдан, уларнинг тармоқланиши, бир маънони ифодалаш учун бир нечта шаклдан фойдаланиш мумкинлиги ҳақида мароқ билан ёзади ва фикрини исботлаш учун зарурий ўринларда шоҳ байтлар келтиради. *“Ичмоқ”* маъносини ифодалаш учун *сипқармоқ, томшимоқ, бўхсамоқ; “йиғламоқ”*нинг турли кўринишларини юзага чиқариш учун *йиғлансинмоқ, инграмак, синграмак, сиқтамоқ, ўкурмак, инчкирмак”* сўзларининг қўлланилишини кўрсатадива ўз фикрларини қуйидаги бетакрор байтлар билан тарих саҳифаларига ҳеч кимнинг эсидан чиқмайдиган қилиб “михлаб кетади”.

“Ва инграмоқ ва синграмакким, дард била яшурун оҳиста йиғламоқдур ва ораларида тафовут оз топилур, туркчада бу матлаъ борким:

Истасам давр аҳлидин ишқингни пинҳон айламак,

Кечалар гаҳ инграмакдур одатим, гаҳ синграмак.

Форсида бу мазмунки бўлмағай, шоир не чора қилғай?

Ва сиқтамоқким, йиғламоқда муболағадур, турк бу навъ адо қилибдурки:

Улойки, кула-кула қироғлатти мени,

Йиғлатти мени демайки, сиқтатти мени.

Яна бийик ун билаки, эътидолсиз ошуб била йиғлагайлар, ани ўкурмак дерлар ва туркчада ул маънида бу матлаъ борким,

Ишим тоғ узра ҳарён ашк селобини сурмакдур.

Фироқ ошубидин ҳар дам булут янглиғ ўкурмакдур.

Чун ўкурмак муқобаласида форсий тилда лафз йўқтур. Форсийгўй шоир мунунгдек ғариб мазмун адосидин маҳрумдур. Яна йиғламоқнинг ўкурмаки муқобаласида инчкирмак даги бор ва ул инчка ун била йиғламоқдур ва ул турк лафзида бу навъ таркиб била адо топибдурким,

1 Ботирхон Акром. Фасоҳат мулкининг соҳибқирони. –Тошкент: Ўзбекистон, 2016. – 20-бет.

Чарх зулмида бўғзумни қириб йиғлармен,
Игирур чарх киби инчкириб йиғлармен.

Аммо йиғламоқта ҳой-ҳой лафзин адода ўзларин туркийгўйларга шарик қилибдурлар ва бу лафз ҳам аслан туркий услубдур ва фақирнинг бу мақтаи машҳурдурким,

Навоий, ул гул учун ҳой-ҳой йиғлама кўп,
Ки ҳай дегунча не гулбун, не ғунча, не гул бор!" [1]

Фикрини давом эттирар экан, *ит, туш, ён, ёқ, ёқ, соғин, туз, кўк* каби сўзларнинг тилимизда уч, тўрт, беш ва ундан ортиқ маъноларда қўлланиш имкониятлари борлигини кўрсатиб ўтади ва бу ҳақда қалби ғурур, ифтихорга тўлиб шундай ёзади: "*Масалан: от лафзики, бир маъниси аламдур, яна бир маъниси маркабдур ва яна бир маъниси амрдурки, тошни ё ўқни от, деб буюрғайлар. Бу тажнисда мундоқ дейилибдурким,*

Чун парию ҳурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Ҳар хадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.[2]

Ғизо, таом, егулик; оға, ини; эгачи, сингил; абоға, тағойи; кийик, ҳуна,қилқоқчи; суйқун, буғу, марал сўзлари мисолида она тилимизнинг ҳақиқий хазина эканлигини кўрсатиб беради. Унинг *"Ва келдук қушқаки, анда муқаррар ва машҳур илбосун ўрдакдур. Ва сорт эл илбосунни худ билмас. Дағи турк ўрдакнинг эркагин «сўна» ва тишисин «бўрчин»дер. Ва сорт мунга ҳам от қўймайдур. Ва нар ва мода иккаласин «мурғоби» дер. Ва ўрдакнинг анвои билур қушчилар қошида, масалан, жўрка ва эрка, суқтур ва олмабош ва чоқирқанот ва темирқанот ва алдалдаға ва алапука ва боғчол ва бу йўсунлуқ дерларки, етмиш навъ бўлурким, сорт борисин мурғоби - ўқ дер. Ва агар бир-биридин мутамайиз қилса, туркча от била-ўқ айтур",*- деган сўзлари остида ўз она тилидан қанчалик фахрланиш, ғурурланиш туйғулари ётганлигини ҳамма ҳам билавермайди. [3]

Туркий тилнинг морфологик имкониятлари ҳақида гап кетганида ҳам Навоийга қойил қолмасдан иложимиз йўқ. У ясама сўзларнинг кўплаб намуналарини ўқувчининг кўз олдига териб ташлайди. *"Мансабда андоқки, қўрчи ва сувчи ва хизоначи ва керак-яроғчи ва чавгончи ва найзачи ва шукурчи ва юртчи ва шилончи ва ахтачи йўсунлуғ кўптур.*

Ҳунар ва пешада андоқки, қушчи ва борсчи ва қўруқчи ва тамғачи ва жибачи ва йўрғачи ва ҳалвочи ва кемачи ва қўйчи. Андоқки, қуш ҳунарида дағи бу истилоҳ бордур, андоқки, қозчи ва қувчи ва турначи ва кийикчи ва товушқончики, сорт лафзида йўқтур. Ва алар мазкур бўлгонларнинг кўпин туркча айтурлар".[4]

Мухтасар қилиб айтганимизда, Алишер Навоийнинг ижодий меросини тарозининг бир палласига қўядиган бўлсак, унинг иккинчи палласида у томонидан ёзилган шеърий, насрий, илмий-фалсафий асарлар учун мезон, ўлчов, назарий асос, қимматбаҳо материал вазифасини ўтаган "Муҳокамат ул-луғатайн" асари туради. Бу асарнинг қиммати тенгсиз. У ўзбек тилининг қадим ва дунёнинг энг бой тилларидан бири эканлиги исботловчи бебаҳо манба, унинг муаллифи Алишер Навоий эса шу хазинанинг ҳамиша сергак ва зукко хазинабони сифатида асрлар давомида барчанинг эътиборини ўзига чорлаб тураверади. Зеро, ҳақиқий хазинага эга бўлишни истовчилар дунёда кўплаб топилади. Хазинанинг эгаси эса уни яратган, эъзозлаган ва тарих силсилаларидан ушбу ноёб бойликни асраб-авайлаб олиб ўтиб келаётган ҳамда кейинги аждодларга бекаму кўст етказиб бераётган халқдир.

1 Юқоридаги манба, 4-5 бетлар.
2 Юқоридаги манба, 6-бет
3 Юқоридаги манба, 8-бет
4 Юқоридаги манба, 10-бет

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТИЛ ВА МАДАНИЯТ МУНОСАБАТЛАРИГА ДОИР ҚАРАШЛАРИ

Зулхумор ХОЛМАНОВА
(ТошДЎТАУ)

Алишер Навоийнинг тилшуносликка доир қарашлари тил ва нутқ, тил ва тафаккур, тил ва маданият муносабати, нутқ одоби, сўзлаш маданияти, нотиқлик санъати борасидаги мулоҳазаларни ўз ичига олади.

Алишер Навоий “Муҳокамат-ул луғатайн”да турли қушларнинг сайраши, жонзотларнинг товуш ифодалари бир-бирига ўхшамаслигини айтган: *Андоққи, туюр ва баҳойим ва субоънинг тилларикким, ҳар бирининг ўзгача хуруш ва такаллумлари бор ва ғайри мукаррар наво ва тараннумлари.* Лафз ва иборалардин мақсад инсон эканлиги ва маънолар изҳори унинг сўзида, маъно жилвалари, нозикликлари унинг каломида, сўзида намоён бўлишини таъкидлайди: *Аммо чун алфоз ва иборатдин мурод маънидур ва мазкур махлуқотдин мақсуд инсондур ва ул мазҳари маоний ва баён, сўз анинг сўзидадур ва такаллум анинг каломида борур.* Бу фикрлар олимларнинг Навоий биринчилардан бўлиб тил ва нутқ ҳодисаларини фарқлагани ҳақидаги қарашларини асослайди. Дарҳақиқат, буюк мутафаккир тилнинг умумий ҳодиса сифатидаги моҳиятини, ҳар бир шахс нутқининг ўзига хослигини биринчилардан бўлиб ажратган.

Алишер Навоий лирикасида, эпик ва илмий асарларида ўзбек тилшунослигида янги йўналишлардан ҳисобланувчи социолингвистика, лингвокультурологияга доир қарашлар ўз ифодасини топган. Социолингвистика тил ва жамият муносабатларини ўрганса, лингвокультурология тил ва маданият муносабати ҳақидаги соҳа бўлиб, миллий қадриятлар, урф-одат, анъана ва қарашларнинг тил бирликларида ифодаланиш даражасини таҳлил қилади.

Алишер Навоий туркий ва сорт (форс-тожик) халқларининг тилни билиш, тил кўникмаларига эга бўлиш маданияти ҳақида сўз юритар экан, бу халқларнинг тилдан фойдаланиш даражаларини баён этади. Туркийларнинг сорт тилини тўлиқ ўзлаштиргани, кичигидан тортиб каттасигача бу тилни мукаммал билишлари ҳақида маълумот беради: *Аммо туркнинг улуғдин кичигига дегинча ва навкардин бегига дегинча сорт тилидан баҳраманддурлар.* Туркийларнинг сорт тилини шунчаки билибгина қолмай, унинг нозик жиҳатларини фарқлашлари, шу тилда рангин ашъорлар битишлари ҳақида ёзган: *Андоққким, ўз хурд аҳволиға кўра айта олурлар, балки баъзи фасоҳат ва балоғат била ҳам такаллум қилурлар. Ҳатто турк шуаросиким, форсий тил била рангин ашъор ва ширин гуфтор зоҳир қилурлар.*

Сартларнинг турк тилида сўзлаша олмасликлари, бу тилни тушунмасликлари, юстадан биттаси билса ҳам, талаффузида ўз тилига хос хусусиятлар сезилиб туришини таъкидлаган: *аммо сорт улусининг арзолидин ашрофиғача ва омисидин донишмандиғача ҳеч қайси турк тили била такаллум қила олмаслар ва такаллум қилғоннинг маънисин ҳам билмаслар. Агар юздин, балки мингдин бири бу тилни ўрганиб сўз айтса ҳам ҳар киши эшитса, билур ва анинг сорт эканини фаҳм қилур.*

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида туркий ва сорт (форс-тожик) тилларини солиштирар экан, туркий тилдаги айрим тушунчаларнинг форс-тожик тилида ифодаланмаслиги, маданий бўшлиқ ҳосил қилиши (замонавий тилшуносликда бу ҳодиса *лакуна* термини билан юритилади) ҳақидаги мулоҳазаларини баён этади. Жумладан, *сипқармоқ* (симирмоқ), *томшимоқ* (“лаззат топа-топа, оз-оз ичиш”); *телмурмак, безанмоқ, ясанмоқ; йиғламсинмоқ* (“йиғламсинуру кўзига келмас ёш”), *инграмоқ, синграмоқ, сиқтамоқ* (йиғлашнинг кучли даражаси), *ўкурмак* (“ҳаддан ортиқ ҳаяжон, тўлғониш била йиғлаш”), *инчкирмак* (“инчка ун билан йиғламоқ”), *ҳой-ҳой йиғламоқ* (ўзни отиб йиғлаш) сўзлари ифодалаган маънони англатувчи бирликлар форс-тожик тилида мавжуд эмаслигини ёзади. Алишер Навоий йиғламоқнинг яна бир даражасини ифодаловчи *бўғизни қириб йиғлаш* бирикмасини ҳам қўллайди:

Чарх зулмидаки, бўғзумни қириб йиғлармен,
Игирур чарх (урар) инчкириб йиғлармен.

Тана аъзоларининг форс-тожик тилида номланмайдиган қисмларини келтиради: *Ва хўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, **қабоғ** дерлар, форсийда бу узвнинг оти йўқтур*. *Хол*нинг катта турини туркийлар *менг* деб атаганликларини, форс-тожиклар бу тушунчани номламаганини ёзади: *Ва ҳусн таърифида улуғроқ холғаким, турклар **менг** от қўюптурлар, алар от қўймайдурлар*.

Оға (ака), *ини* (ука), *эгачи* (опа), *сингил, опаға* (отанинг оға-иниси), *тағойи* (онанинг оға-иниси) каби бир қатор қариндошлик атамаларининг форс-тожик тилида мавжуд эмаслигини ёзган.[1]Ўрдакнинг *жўрка, эрка, суқтур, олмабош, чокирқанот, темурқанот, алдалдаға, олапука, боғчол* каби етмиш турини ифодаловчи туркий сўзлар муқобили форс-тожик тилида йўқлигини, уларнинг барчаси учун биргина *мурғоби* сўзи ишлатилишини айтади.

Сорт тилида шу тилда муқобили бўлмаган туркий тилдаги қариндошлик атамалари қўлланишини қайд этади:*Ва **кўкалтош**ни туркча тил била дерлар. Ва **атка** ва **энага**ни ҳам бу тил била айтурлар*.[2] Туркий халқларнинг муайян воқелик, нарса-буюм қисмларини алоҳида сўзлар билан номлагани, сартларда бу тушунчаларнинг ҳам номи бўлмагани боис айни шу туркий сўзларни қўллашлари ҳақида ёзади: *Бир мутааййин нимаким **оқ уйдур**, анга **хиргоҳ** от қўюптурлар. Аммо анинг ажзосининг кўпини турк тили била айтурлар. Андоққи, **тунглук** ва **узук** ва **тўрлуғ** ва **босруғ** ва **чиғ** ва **қанот** ва **кўзанак** ва **увуғ** ва **боғиш** ва **бўсаға** ва **эркина*** ва ало ҳозал қиёс.[3]

Либос турларининг ҳам баъзи бирлари сорт тилида номланмагани, бу тушунчаларни номлашда сортларнинг туркий сўзлардан фойдаланишларини қайд этади: *Ва маъҳудий албисадин мисли: дастор ва **қалпоқ** ва наврўзий ва **тўппи** ва **ширдоғ** ва **дакла** ва **ялак** ва **ёғлиғ** ва **терлик** ва **қур** йўсунлуғ нималарни борисин турк тили била айтурлар.*[4]

Замонавий тилшуносликнинг лингвокультурология йўналишида олам манзарасини тасвирлаш, халқларнинг ўзига хос, миллий характерини намоён этувчи, менталитет билан боғлиқ тушунчалар, яъни стереотиплар ҳақида сўз юритилган. “Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоий стереотип масаласида ҳам тўхталганини кузатиш мумкин. Шоир “тез фаҳмлилик”, “юксак идрок”, “самимийлик”, “поклик” белгиларини туркий халқларга хос, “ақллилик”, “илмни фаҳмлаш”, “комиллик”, “фозиллик” белгиларини сартларга хос стереотип сифатида қайд этган: “*андоқ маълум бўлурки, турк ...тез фаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софроқ ва покроқ махлуқ бўлубтур ва сорт туркдин тааққул ва илмда дақиқроқ ва камол ва фазл фикратида амиқроқ зуҳур қилибдур*. Бу халқларга хос белгиларни туркларнинг сидқидил, соф, тўғри ниятига, сартларнинг илм, фан ва ҳикматларига боғлайди: *... ва бу ҳол туркларнинг сидқ ва сафо ва туз ниятидин ва сортларнинг илм ва фунун ва ҳикматидин зоҳир дурур*”.

Алишер Навоий шеъриятидаги бир қатор сўзлар луғавий маъно ифодалашдан ташқари маданий қарашлар, урф-одат, анъаналар борасида ҳам маълумот беради. Буни шоир ижодида кенг қўлланган биргина *тўтиё* лексемаси семантикаси орқали ҳам кузатиш мумкин.

Тўтиё “мис зангидан ҳосил бўлган кристалл”ни билдиради. *Тўтиё* форсча-тожикча сўз бўлиб, туркий халқларнинг эроний халқлар билан муайян ижтимоий муҳитда яшаган, маданий-маънавий муносабатда бўлган қадим даврларига бўлиб тақалади. Бу сўзнинг фаол қўлланиши сўз семантикасидаги маъно кенгайишини таъминлаган. *Тўтиё* 1.Мис купороси (тиниқ кўк йирик кристаллардан иборат модда, мис сульфат). 2.Эски вақтларда кўз оғриғига қарши ёки кўзни равшан қилиш учун кўзга суртиладиган дори (ЎТИЛ,4,248).

1 Кўрсатилган манба, 115-б.
2 Кўрсатилган манба, 115-б.
3 Кўрсатилган манба, 115-б.
4 Кўрсатилган манба, 116-б.

Алишер Навоий *тўтиё* луғавий бирлигини денотатив маънода қўллаган:

Неча оқғай кўз ёшим, еткур ғуборин,эй насим,
Фарзи айн эрур ёшорур кўзга солмоқ тўтиё.[1]

Шоир руҳий ситам оқибатида кўз ёши тўккани ва кўз ёшини тўхтатиш мақсадида унга малҳам бўлувчи ғуборни юборишни шамолдан сўрайди. Бу ўринда *ғубор* сўзининг "кукун", чанг" маъноси назарда тутилмоқда. Шоир байтда акс этган фикрига мисол келтиради ва тамсил санъати асосида таъсирчан ифода ҳосил қилади, *ёшарур,* яъни ёшланадиган (табиийки, кўзнинг ёшланиши ундаги жароҳатдан ёки носиҳатликдан далолатдир) кўзга малҳам сифатида тўтиёни суришларини эслатади, мисол қилиб келтиради. *Ғубор* арабча "гард""чанг", "тўзон" маъноларини билдиради. Чанг, тўзондан ҳавода тўзғиган ёки нарса сатҳига инган майда зарралар, гард; умуман, тиниқлик, равшанликни бузувчи, хира қилувчи (хиралаштирувчи) зарралар; кўчма маънода: киши руҳиятини бузувчи ҳолат, доғ, хиралик тушунчаларини ифодалайди (ЎТИЛ,5,456). Навоий ғуборни кўз ёшини тўхтатувчи малҳам сифатида қўллайди, бу ўринда ғубор агрегат ҳолатининг тўтиё агрегат ҳолатига монандлигидан маҳорат билан фойдаланган.

Мана бу байтда ҳам тўтиёнинг кукун кўринишидаги агрегат ҳолати эътиборга олинган:

Ўйлаким, марғулалар кўргузди ул меҳроб уза,
Тўтиёдир хирмани гул узра уръан чанг хат (78).

Навоий байтларида тасаввуфий мазмун ифодаланган. Бу мазмун эса сўзларнинг ўз ва кўчма маънолари асосида реаллашган.

Маълумки, ўз қатлам сўзлари семантикасида даврлар оша тилнинг ички қонуниятлари ҳамда ташқи омиллар таъсирида ўзгаришлар юзага келади. Бу ҳолат ўзлашган қатлам сўзлари семантикасида ҳам кузатилади. Ўзлашган сўзлар муайян тилнинг луғат фондида фаол қўллана бошлагач, семантик ўзгаришлар юзага келади. Муайян даврларда *тўтиё* кўзга суриладиган сургини ифодалаган. Кейинчалик, "кўзга суриш" семасига асосан *кўзга тўтиё*, *тўтиё қилмоқ* бирликлари шаклланди. *Кўзга тўтиё* жуда азиз, муқаддас ёки ноёб воқеликни изоҳлаш учун ишлатилган. *Тўтиё қилмоқ* "тўтиёдек кўзга суртмоқ, эъзозламоқ" демакдир (ЎТИЛ,4,248). Бу ўринда тўтиёнинг ноёблиги ҳам назарда тутилган. Тўтиё малҳам сифатида суртилар экан, унинг танқис бўлиши табиий ҳол. Кейинчалик, сўз семантикасида "кўзга суриш" семасидан "ноёб, камёб" семалари шаклланган. Тўтиёнинг малҳамлик хусусияти *кўзга дори* ибораси орқали янада аниқлашади. *Кўзга дори* жуда қадрли ва кам топиладиган нарса ҳақида ишлатиладиган ибора (ЎТИЛ,2,446). Бу семадан шаклланган *кўзга суртмоқ* феъли "азиз қилмоқ, эъзозламоқ" маъносини билдиради. *Кўзга суртмоқ* ортиқ даражада қадрламоқ, эъзозламоқ (ЎТИЛ,2,446).

Навоий бир байтида лирик қаҳрамон жононнинг жафосини ҳам азиз билиши, *кўзга тўтиё қилишини* айтади:

Онча даврон бирла кўрдим аҳли даврондин жафо
Ким, кўзимга тўтиёдек бўлди жонондин жафо (30).

Кўринадики, тўтиё, даставвал, кўзга малҳам бўладиган сургини ифодалаган, денотатив маънода қўлланган. Муайян даврдан сўнг лексема семантикасида "кўзга суртиш" асосий эътибор нуқтасига кўтарилган. "Кўзга суртмоқ" маъносидаги *тўтиё қилмоқ* қўшма феъли шаклланган. *Тўтиё* лексема-

1 Мисоллар қуйидаги манбадан олинди. Алишер Навоий. Топмадим.-Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти,1988.-Б.12. Кейинги мисолларда шу нашр саҳифаси кўрсатилди.

сида “кўк ранг”, “кукун”, “малҳам”, “сурги” семалари мавжуд бўлган. Семантик кенгайиш натижасида “азиз қилмоқ”, “эъзозламоқ” семалари шаклланган, *тўтиё қилмоқ* типидаги янги лексема юзага келган. Тўтиё семантикасида кўзга суриладиган моддий ашёдан “эъзозлаш”, “муқаддас билиш”, “қадрлаш” семалари юзага келган. *Тўтиё қилмоқ* Шарқ халқларига, жумладан, туркий халқлар, хусусан, ўзбек халқига хос қадрият ифодаси сифатида намоён бўлади. Нон ушоғининг кўзга суртилиши, муқаддас китобни тавоф қилиш анъанаси шу семантик хусусият билан боғланади.

Кўзга суртиш Алишер Навоий ижодида сурма орқали ҳам ифодаланади. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида келтирилган байтда сурма тортмоқ “азиз қилмоқ”, “эъзозламоқ” маъноларини англатган:

Чўкурким, сенинг йўлингда тевралмиш аёғимға,
Чекиб ул кўй гардин сурма тортармен қароғимға.

Сурма Менделеев даврий системасининг 5- гуруҳига мансуб кимёвий элемент, кумушсимон оқ, мўрт металл. Таркибида шу элемент бўлган қорамтир пардоз бўёғи (қош, киприкларни бўяш учун ишлатилади -ЎТИЛ,3,593).”Эъзозлаш”, “қадрлаш”, “азиз, муқаддас билиш” семалари сурма (сурма тортиш) сўзига нисбатан тўтиё (тўтиё қилиш) лексемасида кучли ва таъсирчан акс этади.

АЛИШЕР НАВОИЙ – ЙИРИК ТИЛШУНОС ОЛИМ

А.МАМАЖОНОВ
(ФарДУ)

Алишер Навоий жаҳон маданияти тарихида юксак обрў-эътиборга сазовор бўлган, бутун умрини ўзбек тилининг мавқеини юқори кўтаришга бағишлаган буюк мутафаккир шоирдир. У серқирра ижодкор бўлиб, ўз даврининг йирик тилшунос, адабиётшунос ҳамда файласуф олими бўлган.

Навоий яшаган даврда форс-тожик тили ўзбек тилига нисбатан анча бой тажрибага эга бўлганлиги туфайли, бу тилда ижод қилиш анча осонроқ эди. Шунинг учун кўп ўзбек шоирлари ўша даврда ўз она тилларида эмас, балки форс-тожик тилида ижод қилар эдилар. Натижада ўзбек тилининг бетакрор ички имкониятлари юзага чиқа олмай яширин ҳолда қолаётган эди. Буни чуқур ҳис қилган олим ўз олдига улуғ бир ишни амалга оширишни мақсад қилиб қўяди. Бу – ўзбек тилининг мавқеини баланд кўтариш, ўз она тилини Давлат тили даражасига олиб чиқишдан иборат эди.

Ҳазрат Мир Алишер Навоий ўзининг ибратли, ижтимоий ва ижодий фаолиятида тилга катта эътибор берган улуғ инсонлардан биридир. Навоийнинг «Тилга эътиборсиз – элга эътиборсиз» афоризми замирида буни чуқур англаб олишимиз мумкин.

Она тилининг ижтимоий мавқеини кўтариш, унинг сержило, бой имкониятларини амалда кўрсатиш алломанинг улуғ нияти эди.

Ҳаммамизга маълумки, ўзбек тилига 1989 йилда Давлат тили мақоми берилди. Бу ўзбек тилининг ўз тараққиёт тарихида иккинчи бор Давлат тили мақомига эга бўлишидир. Ўзбек тили биринчи бор Давлат тили мақомини Навоий яшаган даврда олган, расман давлат тили сифатида тан олинган эди. Бунда, албатта, Алишер Навоийнинг хизматлари бениҳоя катта бўлган.

Навоий ўзбек тилига катта бир хазина, чаманзор деб баҳо беради. У ўз давридаги ўзбек шоирларини она тилида ижод қилишга ундайди. Ҳеч бўлмаса, ҳар икки тилда (форс-тожик ва ўзбек тилида) баробар қалам тебратишга чақиради.

Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг равнақи учун курашни ўзининг энг асосий иши ҳисоблар эди. Шоир бу улуғ мақсадни амалга ошириш йўлида тинимсиз меҳнат қилди, ўзининг давлат

арбоби сифатидаги ҳамда ижодий фаолияти билан ўша даврда турк тили аталмиш ўзбек тилининг шуҳратини дунёга танитди, бобокалонимиз ўлмас асарлари орқали ўзи таъкидлаганидек бутун мамлакатни яққалам қилди:

Турк назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни яққалам.

Алишер Навоийни бундай савобли ишларда унинг яқин дўсти Ҳусайн Бойқаро қўллаб-қувватлаб, рағбатлантириб турди.

Машҳур турколог олим С.Е.Малов ўзининг "Мир Алишер Навои в истории тюркских литератур и языков Средней и Центральной Азии" номли мақоласида Навоийнинг бу йўлдаги буюк саъй-ҳаракатларига юксак баҳо бериб, шундай ёзади:

"XV-XVI асрларга келиб, Марказий Осиёда Навоий ўз гениал достонлари билан туркий тил ва адабиётнинг тез суръат билан ёйилишига ёрдам берди. Алишер Навоийнинг хизмати ўша давр адабиётида форс тили ўрнига туркий тилни қўллашни узил-кесил қонунлаштирди".

Мутафаккир шоир ўз ижоди билан она тилимизнинг бутун гўзаллигини, бетакрор таровати-ни амалда кўрсатиш билан чекланиб қолмади. Ўзбек тилини ўша даврда бадиий адабиёт учун анъанага айланиб қолган форс тили билан қиёслаб, ундан қолишмаслигини, ҳатто баъзан устунроқ туришини назарий жиҳатдан исботлаб бериш мақсадида 1499 йилда икки тил муҳокамасига бағишланган «Муҳокамат ул-луғатайн» асарини ёзиб тугатди. Бу асарнинг яратилиши билан ўша давр жаҳон тилшунослигида янги саҳифа очилди. Тилшуносликнинг ҳозирги кунда чоғиштирма тилшунослик (контрастив лингвистика) деб аталувчи янги йўналишига асос солинди.

Афсуски, тилшунослик тарихида чоғиштирма тилшуносликнинг пайдо бўлиши ғарб тилшуносларининг номи билан боғланади ва бу йўналишнинг бошланиши XIX асрдан деб белгиланади. Бу ғарб олимларининг Навоий ижодидан бехабар ва бебаҳра бўлганидан далолатдир. Агар бохабар бўлганларида эди, Навоий лингвистик қарашларидан ҳайратга тушган ва уни қиёсий тилшуносликнинг отаси деб тан олган бўлардилар. Бунинг сабаби шундаки, «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида қиёсий тилшуносликнинг ҳамма белгилари акс этган эди.

Навоийнинг таъбирича, сўздан кучлироқ, қудратлироқ восита йўқ. Шоирнинг ибораси билан айтганда, сўзнинг «жони» ва «тани» бўлади: сўзнинг жони – унинг маъноси ёки мазмуни, тани эса – унинг товуший либосидир. «Муҳокамат ул-луғатайн асарида сўзнинг инсон руҳига ижобий ва салбий таъсири ҳақида шундай дейди: «Сўз дурринг тафовути мундин доғи бағоятроқ ва мартабаси мундин ҳам бениҳоятроқдир. Андоққи, шарифидин ўлган баданға руҳи пок етар, касифидин ҳаётлиқ танға заҳри ҳалок хосияти зуҳур этар» (М.Л.,174-б.).

Алишер Навоий икки тил муҳокамасига бағишланган асарида тилларнинг келиб чиқиши – генеологик таснифи ҳақида ҳам тўхталиб, тиллар дастлаб етмиш икки нав (тур) га ажралиши, лекин бундан-да кўпроқ бўлиши ҳам мумкинлигини ва ҳар бир жамоанинг тили бошқалардан ва ҳар бир гуруҳнинг сўзлашуви (шеваси) ўзига хос фарқли томонларга эга бўлишини таъкидлайди.

Навоий ўша даврда ўзига маълум бўлган тиллар ҳақида гапирар экан, араб тилини фасоҳат ва балоғат бобида бир мўъжиза мисол деб, унга юқори баҳо беради. Араб тилидаги кейинги ўринларга уч нав: туркий, форсий ва ҳиндий тилларни қўяди (М. Л., 175-176-бетлар).

Навоий «Муҳокамат ул-луғотайн» асарида қиёслаш объекти сифатида туркий ва форсий тилларни олар экан, туркий тилнинг луғат бойлиги бойлиги ва ўз маъноларининг ранг-баранглигини назарий ва амалий жиҳатдан исботлаш учун 100 та сўзни танлаб, уларнинг ҳар бирини қиёсий-изоҳли луғат тамойиллари асосида шарҳлаб берган ва бу билан ўзбек тилшунослиги тарихида тилшуносликнинг семасиология бўлимига улкан ҳисса қўшган.

Жумладан, “йиғламоқ” сўзнинг маънолари изоҳланганда шоир, уларни форс тили имкониятлари билан олиштириб, ҳар бир маъно нозиклигини алоҳида байтлар билан исбот қилиб берган: бўхсамоқ, йиғлансинмоқ, инграмоқ, синграмоқ, сиқтамоқ, ўкирмак (бўкирмак), қичқирмак, ҳой-ҳой йиғламоқ. «Йиғламоқ» сўзининг бундай вариантлари ҳозирги замон ўзбек тилида қуйидаги шаклларда фаол қўлланиб турибди. Бунга «бўкириб йиғлади», йиғлаб-сиқтаб юрибди», «мунча бухсияпсан», «оғриқдан инграрди» кабиларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Алишер Навоий туркий ва форс тилларини қиёслар экан, она тилимиз ички имкониятларининг кенглиги, устунлигини исбот этувчи шундай далиллар келтирадики, уни тан олмаснинг иложи йўқ:

«… хўбларнинг кўз ва қошлари орасинки, «кабоғ» дерлар, форсийда бу узвнинг ота йўқдир. Маснавийда бир жамоат хўб таърифида мундоқ дебдиларким,

Байт:

Менгизлари гул-гул, мижалари хор,
Қабоқлари кенг-кенг, оғизлари тор. (М.Л. 181-бет).

«Ва ҳусн таърифида улуғроқ холғаким, турклар менг от қўюптурлар, алар (форсийлар) от қўймайдурлар. Турк бу таърифни бу навъ адо қилибдурким,

Байт:

Анингким, ол энгинда менг яратди,
Бўйи бирла сочини тенг яратди (М.Л. 182-бет).

Навоийнинг, асосан, ўзбек тилида ижод қилишидан форс-тожик тилида шеърлар ёзиш унга бир оз қийинчилик туғдирган бўлса керак, деган шубҳага бормаслик керак. Шоир ҳар икки тилда эркин ижод қилиш қобилиятига эга эди. Бунинг исботи сифатида «Девони Фоний» тўпламини айтиб ўтишнинг ўзи кифоя. Навоий ўзбек тилида ижод қилишни ўзининг фарзандлик бурчи деб ҳисоблар эди.

ТИЛ ВА МИЛЛАТИМИЗ ФИДОИЙЛАРИ

Иномжон АЗИМОВ
(ТошДЎТАЎ)

Алишер Навоий йирик давлат арбоби, лирик шоир, адабиётшунос олим, тарихчи, мусиқашунос, истеъдодли рассом бўлиш билан бирга, нуктадон тилшунос олим сифатида ўзбек тили меъёрларининг шаклланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшди.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, ҳазрат Алишер Навоийнинг буюк мутафаккир, улуғ аллома бўлиб етишишид Султон Ҳусайннинг хизматлари беқиёс бўлган. Ул шахснинг бевосита ҳомийлиги, қўллаб-қувватлаши натижасида улуғ мақомларга эришди, бетакрор асарлар ёзиб қолдирди. Навоий Султон Ҳусайнни ўзига устоз деб билади, неки муваффақиятларга, мартабаларга эришса, ул зот сабабчи эканини таъкидлайди: “Ва бу заифи хоксор ул ҳазратнинг қудсий нафаси посини асраб ва вожибул-изъон ҳукмларига итоат ва фармонбардорлиқ қилиб, кўнглумдин ва тилимдин келганча ва қаламим ва илгимдин қувват фаҳм қилғанча ул ҳазратқа бовужуди бандалиғ ва ул бандалиғ била саодатмандлиғ ва фархундалиғ, шогирдликка даъи ўзумни мушаррафу аржуманд ва мубоҳию сарбаланд қилдим. Ва йиллар турк тили ва назми қоида ва услубида билмаганларимни сўруб ва мушкилларимни ҳаллоли мушкилотим тобуғида арзга еткуруб, азим фоидалар топиб, куллий натижалар кўрдум.” [2, 27-28].

Тарихдан маълумки, Султон Ҳусайн Бойқаро буюк ҳукмдор бўлиш билан бирга, нозиктаъб шоир бўлган, шунинг учун ҳам истеъдодли шоирларни ўз саройига йиғиб, ижод қилишлари учун шароит яратиб берган.

Ўша давр муҳитига назар солсак, бадиий асарлар форс тилида, илмий асарлар эса араб тилида ёзилиши ўзгартириб бўлмас анъана эди. Шунинг учун кўпгина туркий шоирлар ўз тилида эмас, балки форс тилида ижод қилганлар. Бу ҳақда Навоий шундай ёзади: “Андин сўнграким, турк тилининг жомеияти мунча далоил била собит бўлди, керак эрдиким, бу халқ орасидин пайдо бўлғон табъ аҳли салоҳият ва табъларин ўз тиллари турғон ўзга тил била зоҳир қилмаса эрди ва ишга буюрмасалар эрди. Ва агар иккала тил била айтур қобилиятлари бўлса, ўз тиллари била кўпрак айтсалар эрди ва яна бир тил била озроқ айтсалар эрди. Ва агар муболаға қилсалар, иккала тил била тенг айтсалар эрди. Буэҳтимолга худ йўл берса бўлмаским, турк улусининг хуштаъблари мажмуи сорт тили била назм айтқайлар ва билкулл турк тили била айтмағайлар, балки кўпи айта олмағайлар ва айтсалар ҳам сорт турк тили билан назм айтқондек фасиҳ турклар қошида ўқуй ва ўткара олмағайлар ва ўқусалар, ҳар лафзлариға юз айб топилғай ва ҳар таркибларига юз эътироз ворид бўлғай.” [2, 17].

Мана шундай шароитда Султон Ҳусайн форс тилида форслардан қолишмайдиган даражада ижод қила олса-да, туркий тилда ижод қилишни маъқул деб топди ва бу билан бошқа туркий шоирларни ҳам ўз она тилида ижод қилишга ундади, уларга ўрнак бўлди, туркий тилнинг ҳар томонлама ривожи учун ғамхўрлик қилган миллатпарвар ҳукмдор сифатида тарих саҳнасига чиқди. Бу ҳақда Навоий шундай ёзади: “Ва ўз шариф табъ ва латиф зеҳнларидин дағи, агарчи ҳам форсий демакка қодир ва ҳам туркча айтмоққа моҳир эрди, аммо аслий табъ иқтизоси ва шоеъ такаллум муносабати адоси била туркий девон тадвинига майл қилдилар ва дилпазир абёт ва беназир ғазалиёт тартиб бердиларки, то Уторид фалак девонхонасининг қаламзан ва роқимидур ва сипеҳр байтул-интизомининг рақамкаш ва нозими, андоқ гулшани дақойиқ гулу раёҳини била ороста ва ул навъ махзане маоний жавоҳири самини била пийроста кўрмайдур” [2, 26].

Албатта, ҳукмдорнинг бундай олийжаноб ниятларини амалга оширувчи улуғ аллома ҳазрат Алишер Навоий эди. Буюк мутафаккир ўзининг ўлмас асарлари билан неча асрлардан бери амал қилиб келинаётган, ўзгартириш мумкин бўлмаган ҳолатга қарши исён кўтарди. У бутун умри давомида турк (ўзбек) тили равнақи учун курашди. Турк (ўзбек) тили авом тили, камбағал тил, унда бадиий асарлар ёзиб бўлмайди, деган асоссиз эътирозларга қарши буюк “Хамса” достонини ёзди. “Муҳокамат ул-луғатайн” асари орқали эса ўзбек тилининг бой имкониятларини, ўша даврдаги сарой тили, бадиий адабиёт тили сифатида эътироф қилинган форс тилидан ҳеч жабҳада қолишмаслигини амалий жиҳатдан исботлаб берди. Жадид адабиётининг намояндаларидан бири Вадуд Маҳмуд шундай ёзади: “Навоийнинг асли муҳим шахсияти на мутасаввуфлиги, на шоирлиги, на тарих ёзғонидир. Унинг мумтозлиги шундай қайнағон ва юзларча йилдан бери сингиб кетган форсликнинг марказида турклар муассасаларини қуришидир” [4, 34].

Ҳақиқий миллат фидоийси сифатида ўзбек тили фонетик, лексик, морфологик ва синтактик жиҳатдан ҳеч бир тилдан қолишмаслигини асослаган ҳолда, унинг равнақ топишини, форс, араб тиллари билан тенглаша оладиган буюк тил бўлишини орзу қилди ва умрининг охиригача ўз ижоди билан миллий тил ривожи учун курашди. Айнан унинг дўсти, ҳомийси Султон Ҳусайннинг шоирга берган таърифи бунинг далилидир: “...Валекин маъоний абкориға бу кунга дегинча ҳеч киши туркона либос кийдурмаган ва ул нозанинларни бу зебо хилъат била жилвайи зуҳурға келтирмушкбў раънолар табъ ниҳонхонасида уръйонлиғдин маҳжуб қолғандуру бу ҳурваш зеболар ҳулласизлиғдин жилвайи ноз қила олмоғондурур... Мир Алишер... тахаллуси Навоийға машҳурдуру ашъорида бу тахаллуси мастур, турк тилининг ўлган жасадиға Масиҳ анфоси била руҳ киюрди. Ва ул руҳ топқонларға туркийойин алфоз тору пудидин тўқулғон ҳуллаву ҳарир киюрди ва сўз гулистонида навбаҳори табъидин равоносо йоғинлар била рангоранг гуллар очти ва назм дарйосиға

саҳоби фикратидин руҳпарвар қатралар била гуногун дурлар сочти. Ҳар синф шеър майдониғаким, таковар сурди, ул кешварни тийғи забон била ўз хийтайи тасарруфиға киюрди. Алишернинг назми васфида тил қосир ва байон ожизтурур"[3, 244]. Ўша давр буюк ҳукмдорининг бундай фикрлари улуғ алломанинг туркий (ўзбек)тил равнақи учун беқиёс хизматларининг ҳаққоний эътирофидир. Вадуд Маҳмуд тўғри таъкидлаганидек: "Навоийнинг форсға ва форс маданиятиға бир душманлиғи йўқдир, у тўғридан-тўғри миллатчи ва туркликни севатурғон бир шахсиятдир" [4, 34].

Алломанинг шундай буюк хизматлари туфайли унга "ўзбек адабий тилининг асосчиси" деган ҳақли тавсифлар берилган. Юқорида қайд этилганидек, Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг такомилида қанчалик хизмат қилган бўлса, уни моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаган Султон Ҳусайн Бойқаронинг ҳам хизматлари беқиёсдир, чунки бундай тадбирлар давлат ҳукмдори даражасида назорат қилингандагина ижобий амалга ошганлиги тарихдан маълум. XII асрда Қорахонийлар ҳукмдори Табғач Бўғрахон ҳам туркий тил ривожи учун рағбат кўрсатгани, ижод аҳлига ҳомийлик қилгани учун Юсуф Хос Ҳожиб сингари алломалар "Қутадғу билиг"дай бебаҳо дурдонани ёзиб қолдирган.

Тарихимизда миллий тилимиз равнақи, ривожи учун учун беқиёс хизмат кўрсатган яна бир давлат арбоби сифатида Ислом Абдуғаниевич Каримовни кўрсатиш мумкин. Маълумки, тилимиз собиқ шўролар даврида жиддий тазйиқларга учради. Асосий расмий тил сифатида рус тили қўлланилди. Ҳатто республикамизнинг чекка қишлоқларида ҳам расмий идора тили сифатида рус тилини ишлатишга мажбур қилинди. Ўзбек тили маиший тил, оддий муомала тилига айланиб қолди. Таълим муассасаларида ҳам "Ўзбек" тили фанига нисбатан рус тилига кўп соат ажратилди. Ўзбек тили грамматикаси тадқиқига бағишланган диссертацияларнинг рус тилида ҳимоя қилиниши, албатта, тилни умуман менсимаслик, уни очиқдан очиқ масхара қилишдан бошқа нарса эмас эди. Қизил шўронинг ўзга миллатларнинг миллий қадриятларини тақиқлаш, йўқ қилиш каби мустамлакачилик сиёсати халқнинг сабр косасини тўлдирди. Ўша пайтда юртбошимизнинг бундай нохақликларга дадиллик билан қарши чиқиши шўро амалдорларини саросимага солиб қўйди.

Президентимизнинг энг биринчи иши 1989 йилда, ҳали СССР деган аждар оғзидан оловини сочиб, ўз ҳукми остидаги республикаларга қўрқинч солиб турганда ўзбек тилига Давлат тили мақомини бериши, уни қонун билан давлат ҳимоясига олиши бўлди. Ҳали ҳеч қайси бир республика раҳбари хаёлига ҳам келтирмаган, хаёлига келтиришга ҳам юраги дов бермаган бир вазият-ҳолатда миллат учун энг олий, энг муҳим ишни ҳатто ҳаётини гаровга қўйиб амалга ошириш ҳақиқий миллат фидоийсининг, миллат келажагини ўйлайдиган йўлбошчининг қўлидан келиши мумкин ва буни чин маънода қаҳрамонлик деб айтиш мумкин.

Юртбошимизнинг доно сиёсати туфайли мустақилликка эришганимизга чорак аср ва мустақиллик бизга тилимизни қайтариб берганига ундан-да кўпроқ вақт бўлди. Ўзбек тилининг ҳар томонлама ривожланиши, тараққий топиши учун кенг йўл очилди. Тилшунос олим А.Нурмонов таъкидлаганидек, аждодларимиз қолдирган бой маданий меросга меҳр-муҳаббат билан ёндашиш, уларни жаҳон тамаддунига қўшган ҳиссаларини холисона баҳолаш, дунё маданияти ривожланишида аждодларимиз ҳиссаси катта эканидан фахр-ифтихор ҳиссини туйиш психологияси вужудга келди. Айниқса, ҳазрат Навоийнинг улкан ижодий мероси мустақиллик шарофати билан, муҳтарам юртбошимизнинг саъй-ҳаракатлари билан том маънодаги ҳақли эътирофга сазовор бўлди. Бундай фикрлар, эътирофлар, албатта, Навоий бобомизнинг буюклиги, даҳолигидан бир дарак. Шунинг учун ҳам юртбошимиз Ислом Абдуғаниевич Каримов бу зотга: "Агар бу улуғ зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир", – дея таъриф берган эди [1, 47].

Навоийнинг ўзбек (туркий) адабий тил мавқеини кўтариш ва ривожлантиришдаги хизматларини инсоният тамаддуни тарихидаги буюк маърифатпарварлар – француз Дю-Белли ва рус М.Ломоносовнинг миллат маданиятида туб бурилиш ясаган саъй-ҳаракати билан тенглаштирилиши ҳам

айтилади[3,4]. Яна шуни таъкидлаш лозимки, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг илмий аҳамияти ҳақида мутахассислар томонидан жуда кўплаб фикрлар айтилган. Лекин тилшунос олим А.Нурмоновнинг асар муаллифига берган баҳоси бизда миллий ифтихор туйғусини уйғотади: ”Афсуски, тилшунослик тарихида чоғиштирма тилшуносликнинг пайдо бўлиши Ғарб тилшуносларининг номи билан боғланади ва бу тилшунослик йўналишининг бошланиши XIX асрдан деб белгиланади. Бу фикрлар Ғарб олимларининг Алишер Навоий асарларидан бехабарлигидан пайдо бўлган. Агар бохабар бўлганларида эди, Алишер Навоийнинг лингвистик меросидан ҳайратга тушган ва сўзсиз, уни чоғиштирма тилшуносликнинг отаси деб ҳисоблаган бўлардилар. Чунки “Муҳокаматул луғатайн” асарида чоғиштирма тилшуносликнинг барча белгилари мавжуд” [5, 300].

Муҳтарам юртбошимизнинг 2016 йил 13 майдаги 4797-сонли фармони асосида халқаро миқёсда аналоги бўлмаган миллат тили ва адабиёти учун алоҳида олий таълим муассасасининг ташкил этилиши ва бу улуғ даргоҳга “адабий тилимиз асосчиси” ҳазрат Навоий номининг берилиши, биринчидан, алломага буюк эҳтиром рамзи бўлса, иккинчидан, миллий тилимиз, адабиётимизга нисбатан чексиз меҳр-муҳаббатнинг ёрқин намунасидир. Мазкур Фармон тилимизнинг, адабиётимизнинг мавқеини янада юксакликка олиб чиқди, соҳа мутахассислари олдига масъулиятли вазифаларни қўйди.

Олис боболаримиздан тортиб жадид зиёлиларигача бўлган даврда миллат фидойи-жонкуяр зиёлилари вақти келиб, она тилимизга шундай юксак муносабат, улуғ эҳтиромлар бўлишини, унинг ўз табиатини ифода қилувчи қоидалар, мақомини тасдиқловчи меъёрий-ҳуқуқий қонунлар, тараққиётига кенг йўл очувчи олий фармонлар қабул қилиниши, ўзбек тилининг турли соҳалари бўйича луғатлар, мукаммал дарсликлар яратилишини сўнгги нафасигача орзу қилиб ўтдилар. Улар орзу қилган кунлар бугун муҳтарам юртбошимиз сиймоси, у киши амалга оширган ишлар ва кўзлаган олий мақсадларда рўёбга чиқди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Каримов И.Юксак маънавият – енгилмас куч.-Тошкент:Маънавият, 2008.
2. Алишер Навоий. Мукаммал асарлар тўплами. 16-том. –Тошкент: Фан, 2000.
3. Сирожиддинов Ш. Алишер Навоий (манбаларнинг қиёсий-типологик, текстологик таҳлили). – Тошкент: Академнашр, 2011.
4. Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар.-Тошкент: Маънавият, 2007.
5. Нурмонов А. Танланган асарлар.-Тошкент: Академнашр, 2012.

ТИЛШУНОСЛИК ИЛМИДА НАВОИЙНИНГ НАЗАРИЙ ҚАРАШЛАРИ ТАЛҚИНИ

Усмон САНАҚУЛОВ
(СамДУ)

Навоийнинг кўп қиррали ижодий фаолиятини ёритиш бўйича жуда кўп олимлар ўз фикрларини баён этишган ва қанчадан-қанча ишлар ёзишган. Аммо уларнинг аксариятида унинг бадиий, умуман, адабиёт ва адабиётшунослик соҳасидаги мероси анча чукур ўрганилган бўлса-да, тил илмига доир мероси, фикр-мулоҳазалари, қарашлари, айниқса, тилларни қиёсий ўрганмиш бўйича ўзига хос концепцияси ҳали ҳам мукаммал ёритилган деб бўлмайди.

Сирасини айтганда, Навоийнинг улуғ мутафаккир ва буюк тилшунос олим сифатидаги фаолияти, унинг ўзбек адабий тили ва унинг лексик-стилистик, фонетик ва грамматик хусусиятлари ҳақидаги ўз назарий фикр-мулоҳазалари, тил назариясига хос қарашлари ҳали ҳеч ким томонидан муфассалроқ, аниқроғи, мукаммал ўрганилган деб айтиш қийин. Тўғри, бу борада А.К.Боровков, Ғ.Абдураҳмонов,

А.Рустамов, О.Усмонов, Х.Дониёров, У.Санақулов, хусусан О.Усмонов каби олимларнинг ишларида қисман фикр-мулоҳазалар мавжуд (бу олимларнинг ишлари мақола сўнггида илова этилган). Лекин бу мавзуни мукаммал ёритилишида, Навоийнинг тил билмига доир шахсий қарашлари, фикр-мулоҳазалари бўйича ҳали ҳам махсус тадқиқот олиб бориш зарурати бор.

Таъкидлаш жоизки, Навоий асарлари тилини ўрганишга бағишланган ишларнинг кўпчилигида у эски ўзбек адабий тилининг асосчиси сифатида таърифланади. Тўғри, бу фикрга қўшилиш мумкин. Лекин ушбу фикрга ҳеч бир шубҳа қолмаслик учун, аввал Навоийнинг тил илмига хос ижоди, илмий-назарий қарашлари ва бу соҳадаги фаолиятини ундан олдинги ижодкорлар хизматларидан фарқи ёки устунлигини ажратиш лозим бўлади. Зеро, ҳар бир халқнинг адабий тили узоқ йиллар давомида шаклланади. Бу адабий тилнинг бошланишида бошловчиси ва камолотга етказувчи, яъни шакллантирувчиси бўлади. Адабий тилнинг шаклланишида бевосита фидойилик қилган, уни камолот маррасига етказган киши бу соҳада ўша давр адабий тилининг асосчи ҳисобланади. Яна таъкидлаш лозимки, Навоийга қадар Рабғузий, Яссавий, Отоий, Саккокий, Лутфий, Дурбек каби ўнлаб ижодкорлар умумхалқ тилига хос хусусиятларни ўз асарларида оммалаштириб, эски ўзбек адабий тилиннг бошловчилари бўлган. Алишер Навоий эса бу тилни камолот маррасига етказган, ҳар томонлама ривожлантириб, ўзбек адабий тилининг келгуси тараққиёти учун замин ҳозирлаган ҳомийси, асосчиси ҳисобланади.

Иккинчидан, Навоийга қадар бўлган адабий тилимиз тарқоқ равишда, турли регионлар (ҳудудлар)да юзага келган, кўп тармоқли, ҳудудий, маҳаллий диалектлар устунлигида (масалан, “қорахонийлар даври адабий тили”; “ўғуз-қипчоқ адабий тили”; “Ўрта Осиё адабий тили”; “қарлуқ-уйғур диалектига асосланган қарахонийлар адабий тили”; “ўғуз-қипчоқ диалектига асосланган Олтин Ўрда-Хоразм адабий тили” каби турли номлар билан аталган ҳудудий, маҳаллий шаклларда) юзага келган бўлиб, улар бир-биридан анча фарқланган. Навоий ана шу турли ҳудудий, диалектал жиҳатдан фарқланувчи тарқоқ адабий тил кўринишларини ўз асарларида услуб жиҳатидан ҳам, таркиб жиҳатидан ҳам бирлаштирди. Катта ҳудудлардаги диалект ва шева, ҳатто айрим қардош тиллардаги асосий хусусиятларни ўзининг бадиий-амалий фаолияти билан ягона умумий тил даражасига келтирди, адабий тилни сайқаллаштирди, уни кенг кўламга ва янги босқичга олиб чиқди, ягона адабий тил даражасига кўтарди.

Масалага ана шу нуқтаи назардан қараганда, ҳудудий тарзда юзага келаётган эски ўзбек адабий тилини Навоий адабий-бадиий томонидан бирлаштириб, уни яхлит ҳолга келтирди ва тўлиқ асослади, десак бўлади. Зеро, ушбу адабий тил узоқ йиллар давомида фақат ўзбеклар учунгина эмас, балки ён атрофимиздаги бошқа туркий халқлар учун ҳам бадиий адабий тил, умуадабий тил сифатида хизмат қилиб келди.

Навоийнинг фикрича, ўша кезларда эски ўзбек адабий тилининг шаклланишига маълум даражада ҳисса қўшган турк, туркмон, юз ва минглар каби қабила(элат) ва уруғ тиллари, яъни ҳозирги ўзбек адабий тилининг таркибига сингиб кетган халқ тилидаги далект ва шевалар қаторига (адибнинг “Вақфия”асарининг кириш қисмида қайд этилган) “барлослар, арлотлар, тархонлар, қиётлар, қўнғириотлар, уйғурлар, чўлликлар (қипчоқлар), жалойирлар, қовчинлар” ва бошқа бир қанча қабила ва уруғлар тил бирликлари ҳам кирган (қаранг: 15 томлик, 13-том, 159-160-бетлар).

Дарҳақиқат, Алишер Навоий адабий тилни умумтил сифатида шакллантириш учун ўз асарларида қабила ва уруғ тилларини такомиллашиб ва бирлашиб бутун бир адабий тил ҳолига келишига катта ҳисса қўшди. Шунинг учун ҳам Навоий асарлари тилининг диалектал асоси мураккаб кўринишга эга. Унда ўша даврдаги умумтуркий тилга хос хусусият мавжуд. Бу хусусиятни адибнинг фахрланиб айтган сўзларидан ҳам англаш мумкин:

Турк назмида чу мен тортиб алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам (15 томлик,11-т.,238-б.).

Навоий халқимиз ва адабий тилимизнинг шаклланишида ўзбек қабила-уруғларидан кўпчилигининг алоҳида ўрни борлигини қайта-қайта уқтириб ўтган. Ҳатто уларнинг авлодларини жуда қадимий даврлар билан боғлаб тасаввур қилган. Шу боис, ҳозирги ўзбек халқининг таркибига сингиб кетган қабила ва уруғлар қатори ўзбек номли уруғнинг ҳам жуда қадимийлиги ва нуфузлигини назарий фикрларини бадиий тарзда таъкидлайди. Чунончи, "Садди Искандарий" достонида Доро (милоддан аввалги даврдаги Эрон Аҳмонийлар сулоласи подшоларидан бири) га қарши курашган бир қанча қабила ва уруғлар қатори, ўзбек халқининг шаклланишида қатнашиб, ягона номланишига асос бўлган "ўзи бек" уруғини ҳам тилга олади:

Боронгор анга хайли Машриқ замин,
Самарқанддин токи сарҳади Чин,
Яна юз минг ўзбек, мўғул бирла зам,
Юз эллик минг ул сори қалмоқ ҳам (Хамса, Т.1986,312-б.).

Қуйидаги машҳур мисраларида эса ўзининг бу халққа мансублигини алоҳида фахр билан қайд этади:

Шоҳу тожу хилъатеким, мен тамоша қилғали,
Ўзбаким бошида қалпоқ, эгнида ширдоғи бас

("Ғаройиб-ус сиғар", 258-б.).

Демак, Навоийнинг бундан 500 йил аввал ўзбек халқи ва адабий тилининг таркиби ҳақидаги қарашлари ҳозирги замон етук тилшунослари фикрлари билан ҳамоҳанг бўлиб чиқади. Зеро, ҳозирги ўзбек адабий тилига асос бўлган 3та катта диалект бирлашмаси, яъни биринчиси-қарлуқ-чигил-уйғур; иккинчиси-қипчоқ;учинчиси-ўғуз қабилалари бирлашмасининг тилига (Навоий асарларида ҳам қайд этилган) ҳамма қабила ва уруғ шевалар кирган. Навоий ўзи таърифлаган қабила ва уруғларнинг тилини бир бутун туркий-ўзбек адабий тилининг таркибида қараган. Буни тўлиқ англаш учун Навоий асарлари тилининг диалектал асосини мукаммал тадқиқ этиш зарур бўлади.

Хуллас, биз ушбу мақоламизда фақат Навоий асослаган адабий тил ва унинг таркиби ҳақидаги тушунчаси ёки баҳосини қисқа тарзда талқин этдик, холос. Зеро, Навоийнинг бадиий асарларида сингдирилган тил илмига назарий қарашларидан яна қуйидаги масалаларни чуқурроқ ўрганиш лозим бўлади. Чунончи, тилнинг келиб чиқиши, унинг ижтимоий моҳияти, тил ва тафаккур ёки нутқ ва тушунча ҳамда уларнинг фарқи, адабий тилни бошқариш ва нормалаштириш, бунда адабий тилнинг ички ва ташқи манбаларидан ўринли фойдаланиш, ниҳоят Алишер Навоийни бевосита тилшунос олим сифатида кўрсатувчи "Муҳокамат-ул-луғатайн" асарининг янада мукаммал таҳлил қилиш, ундаги тил илми ҳақидаги илмий-назарий фикрларининг моҳияти, унинг ўзбек тилшунослигида тутган ўрни каби жуда кўп масалалар борки, қайта ўрганиш талаб этилади.

АДАБИЁТЛАР

1. Абдураҳмонов Ғ., Рустамов А. Навоий тилининг грамматик хусусиятлари.-Т.:"Фан"1984.
2. Бафоев Б.Навоий асарлари лексикаси.-Т.: "Фан",1963.
3. Алишер Навои как основоположник узбекского литературного языка.Сб.-М.-Л.: 1946.
4. Дониёров Х.Д.Алишер Навоий ва ўзбек адабий тили.-Т.: "Фан",1968.
5. Дониёров Х.,Санақулов У. Алишер Навоий–тилшунос олим.-Т.: "Фан,"1990.
6. Рустамов А.Фонетика-морфологические особенности языка Навои. АДД. –Т.:1966.

7. Санақулов У. Иследование языка памятника XV в.”Мухакамат-ул-лугатайн Алишера Навои. АКД. -Т.: 1971.
8. Усманов А. “Мухакамат ул-лугатайн”Алишера Навои.-Т.: “Фан”, 1948.
9. Алишер Навоий. Асарлар. 15 томлик. 7, 11,13, 14-томлар.1966, 1967-йй.
10. Алишер Навоий.Хамса.-Т.: 1986.

АЛИШЕР НАВОИЙ – СЎЗ СОҲИРИ

Ҳамидулла ДАДАБОЕВ
(ТошДЎТАУ)

Ёркин ва ўлмас ижод намуналари билан она тилининг буюклиги ва такрори йўқлигини исботлаган, сермазмунлиги, жозибадорлиги, сержилолигини афкор оммага кўз-кўз қилган Алишер Навоий асарларида мавжуд сўз бойликдан истифода этишда сохталик, зўрма-зўракилик каби нолойиқ йўлларни бутунлай рад этган, олдига қўйган оғир ва масъулиятли вазифа ҳамда мақсадларни ҳар қандай асарнинг таркибий қисми ҳисобланмиш тасвирий воситалар, лексик-семантик, семантик-стилистик усуллар кўмагида маромига етказган. Шу боис улуғ шоирнинг замонлар оша бизгача етиб келган асарлари инсонлар онгига, тафаккур оламига кучли таъсир ўтказди, уларни ўзига мафтун этди, миллатпарварлик, инсонсеварлик, ватанга содиқлик, саховат, яхшилик каби азалий қадриятлар тараннумига бағишланган достонлари инсонларни ҳидоят йўлига бошлади.

Алишер Навоий асарларида қўлланган сўз бойлиги ўзбек тилининг XV-XVI асарлардаги ижтимоий-сиёсий, иқтисодий, диний-фалсафий, маданий, маърифий, маиший ва ҳ.к. турмуш тарзини акс эттирувчи ўзига хос кўзгудир. Алишер Навоий сўз сандиғидан жой олган лексика шу қадар турфаки, уни беш асрдан бери ўрганиш, таҳлил этиш, маъно-мазмунини чақиш, моҳиятини англашга йўналтирилган саъй-ҳаракатларга қарамасдан, мутафаккирнинг сўз қўллаш истеъдоди ва маҳорати, лексик қатламлардан усталик билан фойдаланиши, ҳаётнинг турли жабҳаларига оид, умум томонидан ишлатиладиган сўзлар қатори, истеъмол доираси чегараланган лексика, эмоционал-бўёқдор (эмотив) ҳамда услубан хосланган лексик бирликлар, мақолу маталлар, ҳикматли сўзлар, турғун иборалар, фраземалар, кўп маъноли, шаклдош, маънодош, зид маъноли сўзлар, архаизмларнинг ранг-баранглиги, уларнинг тасвирийлиги, инсонлар онги ва қалбига таъсирчанлиги сингари масалалар ўзбек тилшунослари тадқиқ этиши лозим бўлган муаммолар кун тартибида ҳануз мустаҳкам турибди.

Навоий шеърий ва насрий асарларининг ўта пишиқлиги, ўқувчини ўзига оҳанрабодек тортиши, бешак, шоирнинг *турк тили, туркийча тил, туркий тил* сингари номлар билан шарафланган нафақат она тили, шунингдек, араб, форс-тожик, сўғд, хитой, мўғул ва бошқа тилларга тегишли материаллардан аъло даражада хабардорлиги, уларни пухта эгаллагани, ҳар бир сўз, калима, лафзнинг лексик, семантик, стилистик нозикликларини мукаммал билганлиги, улардан моҳирона фойдаланганлигида яққол намоён бўлади.

Навоийнинг юксак маҳорати ва беназир истеъдоди сўз қудрати воситасида темурийлар салтанатида мавжуд муаммолар, кундалик ҳаёт ташвишлари, табиат манзаралари, ҳайвонот ва наботот олами, турли-туман воқеа-ҳодисаларни ёритишда, асар қаҳрамонлари суръати ва сийратига чизгилар чизишда, уларнинг феълу қилиқларини очишда аниқ ва равшан ифодасини топган.

Навоий асарлари матнида ишлатилган асл туркийча ва эски ўзбекча лексика таркибида шоир яшаган даврда фаол истеъмолда бўлган сўзлар билан ёнма-ён қадимги туркий тил (VII-X) ва эски туркий (XI-XIV) тилга хос, қўлланиш частотаси маълум даражада сусайган, яъни архаиклаша бошлаган : *ақы* “сахий”, *билиг* “илм, билим”, *битиг* “нома, хат; ёзув”, *бурнағ* “аввал, олдин”, *бўткäр-*

“битказмоқ, тузатмоқ”, *йарғу* “ажрим, суд”, *йарман-* “чирмашмоқ”, *итиг* “ўткир, кескир”, *йавуқ* “яқин”, ö*трӱ* “”қарши, рўпара”, *қулавуз* “йўлчи, йўл кўрсатувчи”, ö*гмä сöз* “мақтов, мадҳ”, *қарар-* “қораймоқ”, *киз* “ёпинчиқ, кийим”, *тэгрӱ*“”қадар,...гача”, ö*ксӱл-* “озаймоқ, камаймоқ” каби сўзлар аниқ услубий функцияни бажаришга хизмат қилдирилган.

Ушбу мақолада “Садди Искандарий” достони тилида қайд этилган сўз бойлигининг айрим жиҳатларигагина диққат қаратишни мақсадга молик, деб билдик. Зеро, Навоий мероси лексикаси хусусиятларини нафақат битта мақола, балки ўнлаб-юзлаб мақолалар, рисолалар, монографик тадқиқотларда очиб бериш амри маҳол. Бинобарин, Навоий феномени шу қадар юксакки, унга қанчалик интилганинг, уни забт этишга тиришганинг сари, у янада улуғлашиб, мураккаблашиб бораверади, шоир ижоди бағоят чуқур уммонки, ундан сув ичганинг сари, ташналигинг чандон-чандон ортаверади.

“Садди Искандарий” достони бобларида турфа терминологик тизимларга тааллуқли адади салмоқли истилоҳлар ва касб-ҳунар лексикасининг кенг кўламда қўллангани достон муаллифининг терминлар ва профессионализмларни, улар ифодалаган маъно ва тушунчаларни юқори савияда эгаллаганини яна бир бор исботлайди. Чунончи*: илм, ҳикмат аҳли, устоди фан, ҳаким, даниш эли* “донишмандлар, олимлар”, *қутр* “диаметр”, *кэмä илми* “кемасозлик фани”, *аҳл-и ҳисаб* “математиклар”, *зарб* “купайтириш”, *қисмат* “бўлиш” каби фан, *сутурлаб* “устурлоб, *раъд* “ўт сочиш қурол”, *миръат-и жаҳаннама* “жаҳоннамо кўзгу”, *паргар* “циркуль” сингари асбоб-анжом, қурол-яроғ, *филиззат* “металлар”, *рой* “бронза, биринж”, *мис, пулад, қыр* “мўм”, *тэмӱр, алтун, кӱмӱш, йашм* каби маъдан ва қотишмалар, *кэмä, сафина, кишти, заврақ, лангар, лангар ташы, лангар танабы* “лангар арқони” каби кемасозлик, *шутурмурғ* “туяқуш”, *йылан* “илон”, *тайр* “қуш”, *тути, шарак* “майна”, *тавус, тазарв* “тустовуқ”, *шэр, пил, бабр, бöри, қозы, кализ* “асалари”, *карг* “каркидон”, буғу, *марал* “урғочи кийик”, *сонғур* “шунқор” ва ҳ.к. фауна, *сандал* “ қора-сариғ рангли дарахт”, *абнус* “қора тусли қаттиқ ва хушбўй дарахт*”, савсан* “қўғагул”, *қаранфул* “қалампирмунчоқ”, *сунбул* “қора рангли, хушбўй ўсимлик”, *шажар* “дарахт”, *чинар, зайтун, нахл* “ҳурмо”, *узум* “ток” сингари ўсимлик (флора), *эгäр,зин* “эгар”, *рикаб* “узанги”, *лижам* “юган”, *тақа, ситам* “отнинг эгар-жабдуқлари*”, кэжим* “от ёпинчиғи” каби эгар-жабдуқ, *зарбафт* “”кимхоб”, *жавак атлас* “арпа гулли атлас” каби мато, *пашиза* “кийимни безашда ишлатиладиган майда чақа “, *пашмина* “жун кийим”, *рахт* “кийим-кечак”, *диба* “ипак мато”, *нах* “зарли ҳарир”, *насиж* “ипак гилам” сингари мато ва уй жиҳозлари*, алтун, лаъл, кӱмӱш, дур, жаваҳир* каби зеб-зийнат*, газак, йэмäк, лиму* “лимон”, *наранж* “апельсин”, *ичмäк, аш* “ош, овқат, таом”, *хан* “дастурхон”, *уча* “биқин гўшти”, *таам* “таом”, *май* “шароб”, *нан , кӱлäч* “ширин кулча нон*”, қуруғ нан,умач* “суюқ овқат”, *асапқур* “қўйнинг елга сўнгаги”, *жуғрат* “йўғурт, қатиқ”, *шаҳд* “асал, бол” сингари мева-чева,озиқ-овқат номларини ифодаловчи лексемалар шулар жумласидандир.

“Хамса”нинг ҳажман энг катта достонида қўлланган истилоҳ, касб-ҳунар, маиший ва ҳ.к. лексиканинг аксарияти муайян нарса-буюмни аташга йўналтирилганлиги билан характерлидир. Айрим ўринларда уларга хос парадигмада синонимия, антонимия, омонимия ва полисемиянинг услубий вазифани бажариш учун хизмат қилгани тез-тез кўзга ташланади.

Алишер Навоий бирор бир воқеа-ҳодисани тасвирлашда айни шу воқеа-ҳодисага бевосита алоқадор сўз ёки истилоҳларни моҳирлик билан ишлатади. Мисол тариқасида Искандарнинг Доро билан кечган жанги, Искандарнинг Чин хоқони томонидан меҳмон қилиниши, Искандарнинг шишидан ясалган махсус мосламада денгиз тубини сайр қилиши, Ҳиндистон табиати, ҳайвонот ва наботот дунёси баён этилган саҳналарни эслашнинг ўзи кифоя.

Достон матнида метафора, метонимия, синекдоха усули билан сўзларни мажозий маънода қўллашга салмоқли ўрин ажратилган (1; 6;7). Хусусан, *лаъл* “маъшуқанинг қип-қизил лаби”, *қуйаш* “ҳусн, чирой”, *сунбул* “соч”, *дилара* “севгили”, *дарул-фана* “бу дунё”, *дарул-бақа* “у дунё”, *дағ* “қайғу, алам”, *дурр-и наб* “қийматли сўз”, *дур-и ашк* “кўз ёши”, *жамал* “юз, бет”, *гардунжанаб*

“баланд, олий мартабали” каби сўз ва изофаларнинг кўчма маънолари асар жилосини янада баландроққа кўтарган.

“Садди Искандарий”да тасвирланаётган воқеа-ҳодисаларнинг жозибадорлигини таъминлашда Навоий перефраза(киноя)ларга кўп бор мурожаат қилган. Шу ўринда, адиб асарларида қўлланган киноялрнинг алоҳида тадқиқот объекти бўлиши лозимлигини таъкидлаган ҳолда, достон матнида қайд этилган талайгина перефразалардан бир нечта намуна келтириш билангина чекланамиз:1) табиат, осмон жисмлари назарда тутилади: *шаҳ-и Машриқий* “қуёш”, *хуршиди-и Искандарий* “қуёш*”, йэтти ата* “етти қат кўк”, *тӧрт ана* “тўрт фасл”, *субҳ-и гардунмааб* “тонг, субҳ”, *кавакиб сипаҳы* “юлдузлар”, *зал-и чарх* “қари осмон”; 2) бирор нарса-буюмга ишора қилинади: *йығач ат* “кема”; 3) бирор шахс назарга олинади: *ҳикмат аҳлининг устады*” Суқрот”, *дарай-и даҳр* “Искандар*”, анбийа халынынгсарварры* “Муҳаммад пайғамбар”, *ҳазрат-и шайх* “Низмий Ганжавий”, *пир-и кашиф, пир-и равшанпазир, баҳрул-ажза* “Абдураҳмон Жомий”, *шамъ-и айван-и Дара* “Равшанак” ва ҳ.к.

Достонда муаллиф ишлатган *Таҳаммул билә ғора ҳалва болур*, *қадам ранжида айла-*, *жандын илик йу-, алам асбабыдын илик силк-, бойун толға-, хатирын жамъ қыл-* сингари мақол ва фраземалар асар қаҳрамонлари хусусиятларини очиш, уларнинг нутқини хослантириш учун хизмат қилган.

Ҳассос шоир асар тилининг жонли ва образли бўлишини таъминлашда фаол ишлатиладиган бадиий воситалардан бири бўлмиш ўхшатиш (қиёслаш, муқояса қилиш,солиштириш), яъни ташбеҳдан унумли фойдаланган. Ўхшатишга биноан, муаллиф бирор-бир тасвир объекти борасида китобхонда тасаввур туғдириш мақсадида уни бошқа бирор объект, нарса-буюмга менгзайди, қиёслайди. Илмий ишларимиздан бирида эски ўзбек адабий тилида қиёслаш, ўхшатишнинг ифодаланишига махсус диққат қаратганимиз боис(5) ушбу бадиий воситанинг воқеланиши, юзага чиқиши хусусидаги назарий мулоҳазалардан воз кечиб, достонда ўхшатиш учун асос вазифасини ўтаган элемент(аффикс, кўмакчи, равиш, юклама)ларни келтириш билан чекланишни лозим кўрдик: *-дэк* (баҳар абрыдэк), *-ча//чӓ* (фалак пилича), *йанглығ* ((чуғз йанглығ), *киби* (гардун киби*), -ваш* (дэвваш, сандуқваш),*-ана* (наҳангана фатҳ, шафиқана сӧз),*-вар* (Жамшидвар, байзавар ғунча), *мананд* (аламда манандана йоқ эрди*), мисли* (мисли чарх-и нигун*), мисал* (гулбунмисал, дарёмисал), *масаллик* (ит масаллик),*айин* ((чинайин бол-), *аса* (Ҳалилуллаҳаса *), сай(*фалаксай хара), *андақ* (Қиран айлаб андақки хуршид-у маҳ), *гойа*(гойа ол хайл-и пил), *сифат* (қуйаш сифат), анынгдэк (башы *ӱзрӓ* тиғ анынгдэкки барқ), *навъ*(Киши қайда бу навъ мавжуд эмиш).

Ҳар атлығ кэлиб нахл-и араста, Дэмӓ нахлким маҳ-и накаста сингари байтларда ўхшатишни ифодаловчи элементлар иштирок этмаган ҳолда, суворийнинг нафақат парваришланган дарахт кўчатига, шунингдек тўлин, ҳеч қандай камчилиги йўқ ойга ташбеҳ қилинаётгани аниқ.

Хуллас, таваллудининг 576 йиллиги кенг нишонланаётган Алишер Навоий ҳазратлари асарларида қайд этилган сўз бойликни тилшуносликнинг турли аспектлари нуқтаи назаридан ўрганиш замон талабларига тўла жавоб берадиган илмий тадқиқотларни амалга ошириш мамлакатимиздаги ҳар бир тилшунос, айниқса, тил тарихи билан шуғулланаётган мутахассиснинг шарафли бурчи бўлмоғи ҳам қарз, ҳам фарз.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТ:

1. Бафоев Б. Навоий асарлари лексикаси. Тошкент: Фан, 1983.
2. Дадабаев Х. Военная лексика в староузбекском языке. Дадабаев Х., Насыров И., Хусанов Н. Проблемы лексики староузбекскаго языка. Ташкент: Фан, 1990.
3. Дадабаев Х.Общественно-политическая и социально-экономическая терминология в тюркоязычных письменных памятниках Х1-Х1У вв. Ташкент: Ёзувчи, 1991.

4. Дадабоев Ҳ., Ҳамидов З., Холманова З. Ўзбек адабий тили лексикаси тарихи. Тошкент: Фан, 2007.

5. Дадабоев Ҳ.Эски ўзбек тилида қиёслаш, ўхшатишнинг ифодаланиши// Лингвист.Илмий мақоллар тўплами,1У. Тошкент:Akademnashr,2013.-Б.4-11.)

6.Каримов А. Алишер Навоийнинг "Фарҳод ва Ширин" достони тилининг лексик-семантик ва стилистик хусусиятлари. Филол.фан. номз.дисс.Тошкент,1973.

7. Рахматуллаева М. К вопросу изучения синонимов в языке Алишера Навои(на материале "Навадир ан-нихоя").Автореф.дисс.канд.филол.наук.Ташкент,1965.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ ЗООНИМЛАР

Бахтиёр АБДУШУКУРОВ
(ТошДЎТАУ)

Табиатда мавжуд бўлган ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёси, яъни фауна ва флора хилма-хилдир. Мазкур ранг-баранглик тилда ҳам маълум даражада ўз аксини топган. Эътиборли жиҳати шундаки, зоологик терминлар ҳам тилнинг бошқа қатламлари сингари туркий халқларнинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маънавий ҳаёти билан узвийликда ривожланган, ўзгарган ва бойиган.

Маълумки, Марказий Осиё ва Кичик Осиёда яшайдиган туркий халқлар учун чорвачилик ва овчилик ҳаёт кечиришнинг асосий манбаларидан бири саналган. Қайд этилган соҳаларнинг ривож топиши натижасида ҳайвонларни қуршаб тутиш, қўлга ўргатилган йиртқич қушлар билан ов қилиш каби овчиликнинг янги кўринишлари юзага келган. Бу эса ўз навбатида зоологик терминларнинг туркий тиллар сўз бойлигида мустаҳкам ўрин эгаллашини таъминлаган. Бинобарин, замонавий туркий тиллар луғат таркибидаги кўплаб қушлар, ҳашаротлар, ёввойи ва уй ҳайвонларининг номлари умумтуркий лексиканинг кўҳна қатламларига бориб тақалади. Бунга Навоий асарлари лексикасини ўрганиш жараёнида яна бир марта ишонч ҳосил қилдик. Жумладан, "Муҳокамат ул-луғатайн" асарида **suyqun** "қўш туёқли, айри шохли, кавиш қайтарувчи ҳайвон" номини англатган: *Yana suyqunnïng ham erkägini «**buğu** va tišisin «**maral**» der. Sārt gavazndin özgä nimä demäs*[1](МЛ, 14). Кўринадики, Навоий суйқуннинг эркаги ва урғочиси турлича аталишини, шу билан бирга, унинг сарт тилидаги муқобилини эътибордан четда қолдирмайди. Ўрхун-Энасой ёдномалари (ДТС,503), XI аср қўлёзмаларида (МК,I,388) терминнинг sïğun фонетик шаклда қайд қилинган. Ушбу зооним ҳозирги турк адабий тилида ўз маъносида қўлланилади (ТРСЛ,769). А.М. Шчербак қадимги ёдномалардаги sïğun ва туркман тилидаги suğun сўзларидаги унлиларнинг ўзгачалигидан қатъи назар, бу сўзларнинг яқинлигини шак-шубҳасиздир деган фикрни айтади.

А.Йоки ва В.Бангнинг мулоҳазаларига кўра, туркийча buğa ва туркийча-мўғулча buğu дастлаб турланиши (модификация) жиҳатидан қандайдир кавуш қайтарувчи ёввойи ҳайвонни (буғуга оид) билдирган. Кейинчалик эса бўлиниб алоҳида-алоҳида ҳайвон номини ифодалаган (РЛТЯ,92). Buğu ва buqa сўзларининг этимологик жиҳатдан алоқадорлигини А.М. Шчербак ҳам кўрсатиб ўтади (ИРЛТЯ, 134).

Сичқон каби жониворлар билан озиқланадиган йиртқич сут эмизувчи ҳайвон маъноси Алишер Навоий асарларида **müšük** сўзи орқали ёритилган: *Ešik ït yeridür, gar olsun böri, Müšükka maqām oldï uynïngtöri*(СИ, 168).Уйғур ёзувидаги кўҳна обидаларда **miški**č термини ёрдамида ифодаланган(ДТС,345). Маҳмуд Кошғарийнинг "Девон"ида чигилча **müš** фонетик шакли қайд қилинган: *Müš oğlï müyäv tuğar*- мушукнинг боласи миёвлаб туғилади (III, 140). Айни пайтда, "Девону луғо-

1 Мисоллар Навоий асарларининг йигирма жилдлигидан олинди.

тит турк”да бу термин **k□k** ва **k□vük** сўзлари билан бириккан ҳолда k□kmüš(III, 123), k□vükmüš-шаклларида “эркак мушук” маъносини англатганлиги ҳам кўрсатиб ўтилган. Радлов луғатида таранчин тилида möšük(РСЛ,IV,2134), чиғатой тилида müšük (РСЛ,IV,2227) шакллари истеъмолда бўлганлига қайд этилган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида мушук шакли қўлланади(ЎТИЛ,I,486). Ушбу термин А.М.Шчербакнинг таъкидла- шича, **“pïš-pïš, mïš- mïš”** вокатив сўзидан келиб чиққан (ИРЛТЯ,1295). К.Мусаевнинг фикрига қараганда, бу зооним müš сўзига **-uq-ïq** кичрайтириш аффиксининг қўшилиши натижасида ҳосил бўлган (ЛТЯСО,101б). Бизнингча, müšük термини müš сўзидан ҳосил бўлган. Müš шакли эса “pïš-pïš, mïš-mïš”вокатив сўзига алоқадор.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарида қадимги туркийча **böri** (ДТС,118; МК,I,197; Тафсир 9,18; Ат-туҳфа, 15б12; Абу Ҳайён,70; ЎТИЛ,I,164) зооними учрайди: *Börini qozï biläqïlğan semiz, Kiyikjam□uxaylïğadurrahmsiz* (МҚ,66). Термин “Китоб ул-идрок” (30) “Таржумон” (11-3), “Китоб булғат” (15б1)да **börü** фонетикшаклда келган. XIV аср Хоразм ёдномаларида зооним қуйидаги фонетик шаклларда кўзга ташланади: а) böri(XIII, 22а7); б) börü (НФ, 6б10). Г.Вамберининг қайд этишича, börü “кулранг”, “бўз” маъносидаги **bör**, **bor** сўзидан ясалган (ИРЛТЯ, 131).

“Бўри” маъносидаги ўғузчаqurt (Навоий луғат,172; Абу Ҳайён,70; Таржумон,11-3; Жамолиддин Туркий,15а7; ҚР,80V12; РСЛ,II,946) термини илк мартақорахонийлар даврига оид ёдгорликларда қайд қилинган (МК,I,328). Сайфи Саройининг “Гулистон бит-туркий” асарида зооним ўзининг асл маъносида қўлланган: Қойларға қурт ҳаргиз чубан болурмы, болмас (Г,16а1). Эски туркий обидалар тилида “бўри” маъносининг börü//böri,qurt синонимлари билан ифодаланганлиги börü//böri доминанта вазифасини бажарганлиги таъкидлаш лозим бўлади.

“Хазойин ул-маоний”да ифодаланган (ХМ, 498) **kiyik** “оҳу” зооними Энасой, “Олтун ёруғ” ёдгорликларида käyik шаклида “умуман йиртқич ҳайвон” маъносида ишлатилган (ДТС, 294). Алишер Навоий асарларида “йиртқич ҳайвон” маъносини арабча **sibā’** (ЛМ), форсча **darranda** ўзлашмалари ифодаланган. “Тафсир”да зоонимнинг “оҳу” маъноси берилган (27б17). Мазкур сема “Девону луғотит турк” ва “Қисаси Рабғузий” асарларида лексеманинг käyik (МК,I,182; ҚР,7V5), kiyik (МК,II,353; ҚР,12v4) фонетик вариантлари ёрдамида очиб берилган. Käyik//kiyik сўзи Маҳмуд Кошғарийнинг изоҳига кўра, XI асрда умуман ваҳший ҳайвонга нисбатан қўлланган. Сўнг маъно торайиши натижасида уларнинг бир хилигагина: оҳуга хосланиб қолган. Ушбу дериват ked-keykет “кучли, чидамли” ўзагидан –k от ясовчи аффикси воситасида ҳосил қилинган. К.А.Новикованинг мулоҳазасига кўра эса k□y = “сузмоқ” (шоҳи билан) ўзагига феълдан от ясовчи –k аффиксини қўшиш орқали ясалган (РЛТЯ,91). Бизнинг олиб борган кузатишларимиз биринчи фикрнинг ҳақиқатга яқинроқ эканлигини тасдиқлайди. Шу ўринда таъкидлаш керакки, эски ўзбек адабий тили даврига келиб, кийикнинг туркий **jayran** (ББ,325), форсий **āhu** (СС,437) ҳамда арабий **ğazāl** (ХМ,7) синонимлар қўлланиш баробарида эркаги ва урғочиси ҳам фарқланган. Буни “Муҳокаматул-луғатайн” асарида яққол кўриш мумкин: *...turk kiyikning erkägin «**huna**» va tišisin «**qïlčaqčï**» der. ... Särt āhudin özgä nimä demäs* (МЛ, 14).

“Лайли ва Мажнун” асарида қўлланган (ЛМ,317) **tülki** термини Маҳмуд Кошғарий луғатида tilkü, tilki шаклларида учрайди: *Birtilkü t□risiniikil□ soymas* – тулки териси икки марта шилинмас (МК,I,404). Зооним Абу Ҳайённинг “Китобул-идрок” асарида tilkü (117), tülkü (39), dilkü (50) фонетик шаклларида қайд этилган. Усмоний турк тилида tilki (РСЛ,III,1385),қуман, олтой ва телеут тилларида tülkü (РСЛ,III,1570) шакллари истеъмолдабўлганлигини Радлов луғатидан билиб олиш мумкин. В. Бангнинг фикрича, tülki зооним метатеза ҳодисасига мувофиқ tükli (-lü) сўзидаги k ва l ундошларининг ўрин алмашинуви натижасида ҳосил бўлган. Tük туркий тилларида “соч”, “тук” маъноларини билдирган. –li (-lü) аффикси эса нисбий сифат қўшимчасидир (ИРЛТЯ,135). Шунингдек, Алишер Навоий асарлари лексикасида ушбу терминнинг форсий **robāh** (СС,934) синонимини ҳам учратдик.

“Маҳбуб ул-қулуб”асарида туркий **ayïğ** зооними кўзга ташланади: *Insāniyat va musulmānlïqdïn yïraq, tonğuz va ayïğ ādamiyliğda alardïn yaxširaq* (МҚ, 31). Термин илк бор Ўрхун Энасой ёдгор-

ликларида adïğ шаклида қайд этилган (ДТС,10). “Девону луғотит турк”да azïğ (ўғуз, қипчоқ, яғмо тилларида), ауїğ (МК,I,112) шакллари мавжуд: *avčï näčä albils□, azïğ anča yolbilir* – овчи қанча ов ҳийлаларини билса, айиқ ҳам шунча қочиш йўлларини билади (МК,I,94). Шўр, лебедин, чульм тилларида ауїğ (РСЛ,I,220), саян тилида adïğ//adïq(РСЛ, I, 489), олтой, телеут, лебедин, қирғиз, барбин, тоболь, татар, крим, қуман тилларида ayu (РСЛ, I, 293), суғай тилида azïğ (РСЛ,I,567) шакллари истеъмолда бўлган. Зооним бугунги кунга қадар айиқ (ЎТИЛ,I,32) ҳолида етиб келган. Adïğ-azïğ-ayïğ “қаримоқ”, “кексаймоқ” маъносида ad=az=ay= сўзига –їğ ясовчи аффиксининг қўшилишидан ҳосил бўлган (ЭСС,I,11). “Девон”да қипчоқлар айиқни aba зооним билан ифодалаганлари қайд этилган (МК,I,113). А.М. Шчербакнинг ёзишича, Сибирда яшовчи туркий халқлар, хусусан, ёқутларда ҳар хил табулар айиқ билан боғланган. Натижада айиқнинг асл номи истеъмолдан чиқиб, ўрнига эфемизмлар юзага келган. Масалан**:**ёқут. □h□ “бобо”, хак.aba “ота” қиёсланг: олт, apšïjak “чол”, abağa, “тоға”; тув. ava “она”; aba “айиқ” (ИРЛТЯ, 130). Кези келганда айтиш жоизки, ҳазрат Навоий асарларида ауїğ доминантаси билан арабча **dabbāba**(ЛТ,162) ўзлашмаси синонимик қаторни вужудга келтирилган.

Қадимдан туркий тилларда фаол қўлланишда бўлган **toŋuz** (ДТС,575; Тафсир, 123б1; МК,I,296; НФ, 183 a17; ҚР, 25V73) зооними Алишер Навоий асарларида tonğuz шаклида ифода қилинган: *Va ul tonğuzlar mazbalarda kezib najāsatlarnï yerl□rerdilär* (ТАҲ, XV-235). Олтой, телеут тилларида toŋïs (РСЛ,III,1171), чиғатой, қуман тилларида toŋuz (РСЛ,III,1172) шакллари ишлатилган. Г.Вамбери зоонимнинг ўзак қисми “йирик”, “кучли” маъноларини ифодаловчи toŋ (čoŋ) сўзидан олинган деб ҳисоблайди (ИРЛТЯ, 125). Бундан ташқари, “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида **qaban** тўнғузнинг эркагини, мўғулча **megäjin** эса урғочисини фарқлаш учун ишлатилганлиги ҳамда форсий **xuk** синоними қайд этилади: *…toŋuznïng ham erkägini «qaban», tišisin «megäjin» va ušağïn «čorpa» derlär. Va särt barčasïn «xuk» va «gurāz» lafzi bilä aytur*(МЛ, 14). Qaban термини qab = <qap= “тутмоқ”, “ушламоқ” феълидан ясалган (КН, 132б).

Илк бор Энасой ёдгорликларида учраган (ДТС,84) қадимги туркийча **bars** (МК,I,330; Таржумон, 11-6; Ат-туҳфа, 27a13; Жамолиддин Туркий, 14a9;) терминини “Тарихи мулуки Ажам” асарида кузатиш мумкин: *…barsnïva ïtnïul kiyik alalğuvčï qïldï* (141).“Олтун ёруғ” ёдномасида **yolbars** шакли қайд этилган (ДТС, 271). Қирғиз тилида jolbars (РСЛ IV, 99), усмоний турк тилида bars(РСЛ, IV, 1487) шакллари истеъмолда бўлган. Ҳозирги ўзбек адабий тилида bars (ЎТИЛ, I, 83), yolbars (ЎТИЛ, I, 353) шакллари ишлатилмоқда.

Зоонимнинг тарихий асосда келиб чиқишини В.Банг от сўз туркумига мансуб: bar +us “силовсин” сўзларига тақайди (ЭСС, I I, 69). Олтойча bar ва тувача par “йўлбарс” сўзлари мўғулча bar<bars билан алоқадор. Yolbars шакли эса yol “йўл-йўл” + bars сўзларидан ҳосил бўлган (ИРЛТЯ, 138-139). Ўрганилаётган сема Алишер Навоий асарларида форсий **palaŋ**(Вақфия, XIV–168), арабча **babr** (184a15) синонимлари воситасида ҳам ифодаланган.

Алишер Навоий асарларида қайд этилган **arslan** сўзига дастлаб “Девону луғотит турк”да дуч келамиз: *alïn arslan tutar küčin sïčğan tutmas* – ҳийла билан арслонни тутиш мумкин бўлса, куч билан сичқонни тутиб бўлмас (III, 419). “Таржумон”да aslan (11-12), “Китоб ул-идрок” асарида arslan (103) шакллари қўлланишда бўлган. Радлов луғатида телеут, олтой, қирғиз тилларида arsïlan, татар, тоболь тилларида arslan(РСЛ,I,327-328), усмонли турк, озарбайжон, крим тилларида aslan(РСЛ,I,546) фонетик шакллари истеъмолда бўлганлиги ҳақида маълумот бор. Термин арслоннинг “бўкиришга”, “ириллашига” тақлидни ифодаловчи ars сўзида –lan аффикси воситасида ясалган (ЭСС,I,84). Г.Вамбери арслан этимологиясини arïs “кучли” + lan “йиртқич” сўзларига боғлайди (ЭСС,I,178). А.М. Шчербакнинг фикрича, arslanar “оч жигар ранг”, “қўнғир” сифатида билан an “йиртқич ҳайвон” сўзларидан ҳосил қилинган (ИРЛТЯ,197). Бизнингча, Э.В.Севортян- нинг фикри тўғрироқ. Чунки олим мазкур термин этимологиясини ёритишда ҳайвоннинг чиқарган товушини ҳисобга олган ҳолда ёндошган. Айни пайтда, Алишер Навоий асарларида ушбу зоонимнинг

форсий **šer** (СИ,251), **hizabr** (СИ,1464), **ğazanfar** (ФШ,139), арабча **asad** (ЛМ,67) маънодошлари ҳам кузатилади. Таҳлиллардан кўринадики, эски ўзбек адабий тилида текширилаётган сўз форсий ва арабий синонимлари билан параллел қўлланишда бўлган.

"Наводир ун-ниҳоя"да **ördäk**(МК,I,128; Таржумон,11-12; Абу Ҳайён, 10; ХШ, 28б3) учрайди**:**... *saldïlar goyā gajak ul čašmanïng ördäkläri* (НН, 514). Мазкур сўз илк бор "Олтун ёруғ" ёдгорлигида **ödiräk** тарзида келтирилган (ДТС, 377). "Ат-туҳфа"да **ördä** (7а3), "Китоби булғат" асарида **yördäk** (16б5), **äwräk (**16б5), Қутбнинг "Хусрав ва Ширин" асарида **öwräk**, **äwräk** (ХШ, 33б19), e**wräk** (ХШ, 13а5) шакллари ифодаланган. Радлов луғатида қрим татар, усмонли турк, озарбайжон, таранчин тилларида **ördäk** (РСЛ, I, 1337), шўр тилида **ürdäk** (РСЛ, I, 1842) фонетик шакллари ишлатилганлиги ҳақида маълумот бор. Э.Севортяннинг фикрича, **ördäk** феълдан от ясовчи **-daq-däk** аффикси билан "шўнғимоқ, чўммоқ" маъносидаги **ör**=феълидан ясалган (ЭСС, I, 548)."Муҳокамат ул-луғатайн"да туркий тил билан сарт тилини солиштирар экан, ördäk нинг маънодоши, қушнинг жинсий тафовутланиши, турлари хусусида қуйидагиларни ёзади: *Va keldük qušqaki, anda muqarrar va mašhur ilbasun ördäkdür. Va sārt eli ilbasunnï xud bilmäs. Dağï turk ördäkning erkägini "**sona**" va tišisin «**börčin**» der. Va sārt munga ham at qoymaydur. Va nar va māda ikkäläsin «murğābi» der. ...jörkä va erkä, suqturva almabaš va čaqïrqanat va temirqanat va aldaldağa va alapuka va bağčalva buyusunluq derlärki, etmiš nav□ bolurkim, sārt barïsïn murğābi oq der*(14-15).

Қиёсий таҳлилардан маълум бўладики, ўзбек тилининг луғат таркиби, хусусан, эоологик терминология ўзига хос тарихий тараққиётни босиб ўтган. Қолаверса, эски ўзбек адабий тилида қўлланган ҳар бир сўз, зооним келиб чиқиши, турли маъноларни ифодалаши, хилма-хил ўзгариш ва янгиликларни қабул қилиш хусусиятига кўра муайян тарихга эга. Яъни қадимги туркий тилда тарихий лексикологиянинг таркибий қисми сифатида шаклланган зоологик терминлар тизими Алишер Навоий асарларида ривожлантирилган, туркий, форсий ва арабий синонимлар билан бойитилган. Бу бир томондан темурийлар даврида амал қилган тил, шоир таъбири билан айтганда, Хитойдан Хуросонгача бўлган катта ҳудудда қўлланган адабий тилнинг ички имкониятларини кўрсатиш, иккинчидан, арабчанинг ўша даврда илм-фан тилига айлангани, форсийнинг бадиий адабиёт тили сифатида эътироф қилингани, қолаверса, Ҳирот адабий муҳитидаги билингвизм (икки тиллилик) ҳолисаси билан боғлиқ. Шундай экан, ҳар бир адабий тилнинг ҳозирги ҳолатини тўғри белгилаш ва унинг тараққиёт йўлларини аниқлашда тил тарихини атрофлича тадқиқ қилиш катта аҳамият касб этади.

Ш А Р Т Л И Қ И С Қ А Р Т М А Л А Р

Абу Ҳайён – Расулова Н.А. Исследования языка "Китаб ал-идрак ли-лисан ал-атрак" Абу Хаййана, Морфология, лексика и глоссарий: Дисс, канд. филол. наук.-Ташкент, 1969.

Ат-туҳфа – Изысканный дар тюркскому языку: грамматический трактатт XIV в на арабском языке / Введение, лексико-грамматический очерк, перевод, грамматический указатель. Э.И. Фазылова и М.Т. Зияевой. –Ташкент, 1978.

Г – Сайфи Сарайи. Гулистан бит-турки // Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. I-II. -Ташкент: ФАН, 1966-1971.

ДТС – Древнетиюркский словарь. –Л.: Наука, 1969.

Жамолиддин Туркий – Файзуллаева Ш.А. Исследование языка памятника XIV в. "Китабу булғат ал-муштақ фи луғат ат –турк ва-л қифчақ" Джамалад – дина ат-Турки: Дисс.канд. филол. наук. – Ташкент, 1969.

ИРЛТЯ – Историческое развитие лексики тюрских языков. – М.: Изд-во АН ССР, 1961.

ИФРЗТ – Базарова Д.Х.История формирования развитие зоологической терминологии узбекского языка. -Ташкент: ФАН, 1978.

Кн – Муҳаммед Якуб Чинги . Келур-наме. – Ташкент: ФАН, 1982.

ИОЭЛЯ – Исследования в область этимологии алтайских языков . – Л.: Наука, 1979.

ЛТЯСО – Мусаев К.М. Лексика тюркских языков в сравнительном освешении. М.: Наука, 1975.

МЛТҚО – Муталлибов С.М. Морфология ва лексика тарихидан қисқача очерк. – Тошкент: Фан, 1959.

МК – Маҳмуд Кошғарий. Девону луғотит-турк/Таржимон ва нашрга тайёрловчи С.М. Муталлибов. Т. I-III. – Тошкент: ФАН, 1960-1963.

Мн – Хорезми. Муҳаббат-наме//Фазылов Э.Страузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. I-II. –Ташкент: Фан, 1966-1971.

Нав – Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати . I-IV. – Тошкент: ФАН, 1983-1985.

НФ – Нахджул – фарадис / / Фазылов Э.Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. I-I. –Ташкент: ФАН, 1966-1971.

РЛТЯ – Базарова Д.Х., Шварипова К.Л. Развитие лексики тюрских языковСредний Азии и Казахстан. – Ташкент: ФАН, 1990.

РСЛ – Радлов В.В. Опыт словаря тюркских наречий. I-IV. –СПБ, 1983-1911.

Таржумон – “Таржумон” – XIV аср ёзма обидаси / нашрга тайёрловчи А. Юнусов. –Тошкент: ФАН, 1980.

Тафсир – Бороков А.К. Лексика среднеазиатского тефсира XII-XIII ВВ.-М.: Изд-во восточной лит-ры, 1963-367с.

ХШ – Кутб. Хосров и Ширин // Фазылов Э. Староузбекский язык. Хорезмийские памятники XIV века. Т. I-II. Ташкент: ФАН, 1966-1971.

ЭСС – Севортян Э.В. Этимологический словарь тюркских языков. –М.: Наука, 1974-1981.

ЎТИЛ – Ўзбек тилининг изоҳли луғати. I-II. – Русский язык, 1981.

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРИЙ МАТНЛАРИНИНГ АССОЦИАТИВ ТАҲЛИЛИ

Дурдона ЛУТФУЛЛАЕВА
(ТошДЎТАУ)

Ташқи оламнинг бир-бири билан алоқадор воқеликлари инсон онгида ҳамроҳликда акс этгани боис улар ассоциатив тарзда бири иккинчисини ёдга туширади. Бу жиҳатдан қараганда, онгда акс этган ассоциатив алоқаларнинг тилда ҳам ифода топиши бежиз эмас. Турли воқеликларнинг онгда акс этган ассоциатив алоқаси тилда ҳам бир-бирини эслатувчи бирликларнинг ассоциатив боғланишини юзага келтиради. Жумладан, тилдаги лексик бирликлар қандай маънога ёки қандай грамматик шаклга эга бўлмасин, инсон хотирасида турли омилларга боғлиқ ҳолда қандайдир лексик бирликлар, ибора, мақол, матал ёки бошқа бирликларни ёдга туширади, улар билан ассоциатив боғланади. Тил эгаларининг воқелик ҳақидаги психологик тасаввури асосида тилда юзага келадиган мазкур ҳодиса тилшуносликда *ассоциатив муносабат*, бу муносабатдаги тил бирликлари *ассоциатив бирликлар* деб юритилади. Айрим тилшунослар тил бирликлари ўртасидаги бундай ассоциатив муносабатни психик тузилмалар ассоциациясидан фарқлаш мақсадида «вербал ассоциация» термини билан ифода этишни маъқул кўришади. [М.В.Ермолова, 137] Лингвистик ассоциацияга нисбатан бу терминнинг қўлланишини, бизнингча ҳам, ўзини оқлайди.

Вербал ассоциациялар ҳар бир тил эгасида турлича шаклланади. Айниқса, бадиий сўз усталарига хос ассоциатив бирликлар нисбатан ранг-баранглиги, ташқи оламни тилда турли бўёқлар билан образли ва ёркин акс эттиришига кўра ажралиб туради. Ассоциатив бирликларнинг бўёқдорлигига сўз санъаткорининг ташқи оламни ўзига хос тарзда идрок этиши, уни тилда бадиий тарзда баён этиши, бадиий матннинг экспрессив-эмоционаллик белгисига эга бўлиши кабилар таъсир кўрсатади.

Вербал ассоциациялар кўлами тил эгаларининг лексик бирликлар захирасига боғлиқ. Болалар ва катталар, аёллар ва эркаклар, турли касб эгаларида ассоциатив майдон кўлами, унинг таркиби турлича бўлади. Тил эгалари нутқида қўлланган ассоциатив бирликлар уларнинг воқеликни қай тарзда идрок этиши, когнитив билими, лисоний қобилияти, лисоний хотираси имкониятлари, лексик бирликлар захираси ҳақида маълумот беради. Жумладан, буюк бобоколонимиз Алишер Навоий асарларида қўлланган ассоциатив муносабатдаги бирликлар орқали унинг ташқи олам ҳақидаги тасаввури, тафаккури, хотираси имкониятлари, лисоний захираси ҳақида қимматли билимларга эга бўлиш мумкин. Бу ҳолат инсоннинг психологик тасаввури асосида хотирасида бир-бирини ёдга туширувчи ассоциацияларни нафақат психологлар, балки тилшунослар ҳам чукур ўрганиши лозимлигини кўрсатади.

Ассоциатив бирликлар нафақат муайян тил эгасининг лексик заҳираси, балки айни тилнинг маълум бир даврдаги лексик таркиби ҳақида ҳам маълумот бера олади. Масалан, Алишер Навоий ғазалиётида кўп қўлланган *ишқ ўти, ишқ кўйи, ғам юки, хаста кўнгил, олам аҳли* сўз бирикмалари бугунги кунда ҳам шеърият аҳли хотирасида асосан шу шаклида ўрнашиб қолгани боис шеърий матн яратилишида лисоний заҳирадан тайёр ҳолда олинади. Бу ҳолат сўз бирикмаси шаклидаги бу каби ассоциатив бирликларнинг тил эгалари, хусусан, шеърият аҳли хотирасидан барқарорлашган ҳолатда ўрин олганлигини кўрсатади. Шу боис бу каби сўз бирикмалари турли тил эгалари нутқида такрор қўлланаверади. Ассоциатив бирликларнинг кўпсонли тил эгаларида такрорланиши муайян тилга хос энг умумий хусусиятлар, шу тилнинг лексик таркиби ҳақида умумий хулоса чиқаришга имкон беради.

Вербал ассоциацияларга хос хусусиятлардан бири шундаки, улар турли нутқий тузилмаларнинг яратилишига йўл очади. Бошқача айтганда, ҳар қандай нутқий тузилма учун ўзаро ассоциатив боғланган бирликлар (лексик, синтактик бирликлар) таянч бирлик вазифасини ўтайди. Бу жиҳатдан сўзларнинг ассоциатив алоқасини матн яратилишининг муҳим омилларидан бири деб ҳисоблаш мумкин бўлади.

Вербал ассоциациялар майдони асосида воқеликнинг инсон тасаввуридаги яхлит образи ҳосил бўлади. Масалан, тил эгалари томонидан *фарзанд* сўзига берилган *ворис, меросхўр, ота-она, оила, ширин, кўп фарзандли, қиз, ўғил, набира, болали уй* ассоциациялари фарзанди бор оилани инсон кўз олдида яхлит тарзда гавдалантира олади. Жумладан, Навоийнинг "*Мен ўлсам, ишқ нақди худ эрур кўнглумга мавруси, Киши фарзанди гарчи бўлса бесомон, эрур ворис"* байтида қўлланган *фарзанд – ворис* ассоциатив жуфтлиги байтда илгари сурилган асосий ғояни юзага чиқаришга хизмат қилган. Демак, матн тузувчининг воқелик бўйича юзага келган вербал ассоциациялари, унинг кўлами матннинг мантиқий-семантик структурасини белгилаб беради.

Алишер Навоий шеъриятида муайян мавзу билан боғлиқ ҳолда юзага келган қўлланиш частотасига кўра фарқланувчи ранг-баранг ассоциатив бирликлар кўзга ташланади. Масалан, шоирнинг ишқ мавзусига бағишланган ғазалларида *ишқ, ошиқ, ёр, маъшуқа, кўнгил, гул, булбул* каби ассоциатив боғланишли лексик бирликлар энг юқори частотага эгалиги билан характерланади. Бундай ассоциатив бирликлар ушбу мавзудаги ғазалларнинг семантик жиҳатдан таянч бирликлари ҳисобланади.Навоий ғазалларида *кўз, ошиқ, шоҳ, юлдуз, дард* лексик бирликлари билан боғлиқ ҳолда юзага келган ранг-баранг ассоциатив бирликлар ҳам кўзга ташланадики, уларнинг поэтик матн структурасидаги ўзига хос мавқеини сезиш қийин эмас.

Маълумки, *кўз* сўзи ўзбек тилида сўзлашувчи тил эгалари хотирасида *ёш, йиғи, қош, сурма, кўз нури* каби ассоциацияларни ёдга солади. *Ошиқ* лексемаси эса хотирада *йигит, маъшуқа, муҳаббат, дард, айрилиқ, ҳижрон* каби парадигматик ассоциацияларни жонлантиради, *шоҳ* лексемаси *сарой, сарой аҳли, подшоҳ, вазир, халқ* каби ассоциатив бирликларни хотирага келтиради. Алишер Навоий шеърий матн яратишда бу каби ассоциациялардан унумли фойдаланган. Унинг ғазалларида қўлланган *кўз – қош, кўз – ёш*; *ошиқ – маъшуқа, шоҳ – гадо, юлдуз – қуёш; дард – ғам* ассоциатив

жуфтликлари шеърий матнни шакллантиришда қурилиш материали вазифасини бажариш билан бирга, тазод, таносуб шеърий санъатларини ҳосил қилиб, бадиийликни таъминлашга хизмат қилган. Бундай ассоциатив бирликлар шоир тафаккури ва хотираси маҳсули бўлиб, поэтик матнни шакллантиришда муҳим ўрин тутган. Масалан:

1. *Ўн сакиз йил дема, юз саксон йил ўтса, улдурур*
Ҳусн шоҳи, ул балоларким, ***кўзу қош****индадур.*

***

2***. Ошиқ*** *ўлса* ***шоҳу маъшуқи гадо****, билким, чекар,*
*Ишқ ғавғоси ани хайлу сипаҳ ғавғосидин****.***

***

3. *Оразин ёпқач,* ***кўз****имдин сочилур ҳар лаҳза* ***ёш****,*
Ўйлаким, пайдо бўлур ***юлдуз****, ниҳон бўлғоч* ***қуёш****.*

Алишер Навоийнинг рубоий ва қитъаларида ҳам ассоциатив боғланишдаги бирликларнинг шеърий матн ҳосил қилишдаги иштирокини сезиш қийин эмас.

Тиғи ***ишқ****инг* ***ёраси****дур бутмаган,*
Дард*ини ҳар кимга айтиб бутмаган.*
Ҳажр саҳроси*дур* ***оҳим ўт****идин,*
Анда гул ёхуд гиёҳе бутмаган.

Мазкур туюқда *ишқинг ёраси, дард, ҳажр саҳроси, оҳим ўти* ассоциатив бирликлари қўлланган. Бу бирликлар шеърий матннинг синтактик қурилишида таянч бирликлар вазифасини ўтаган.

Англашиладики, тил эгалари хотирасида жонланган ассоциатив тафаккур маҳсуллари (ассоциатив боғланган лексик, синтактик бирликлар) нутқий тузилмалар учун қурилиш материали вазифасини ўтайди. Рус тилшуноси Ю.Н.Карауловнинг фикрича, ҳар бир стимул – реакция жуфтлиги ҳали тугалланмаган жумла, унинг зарур таркибий қисми ё грамматик жиҳатдан шаклланган бўлаги ёки тугалланган шаклга келтириш лозим бўлган бўлажак жумланинг ядросидир [Ю.Н. Караулов,191]

Бироқ бу ўринда шуни қайд этиш жоизки, ҳар бир *стимул сўз* (эшитилиши ёки ўқилиши билан хотирада бошқа сўзларнинг ёдга тушишига туртки берувчи сўз) – *жавоб реакцияси* (эшитилган ёки ўқилган сўзга жавоб реакцияси сифатида инсон хотирасида гавдаланадиган сўз, *ассоциат*) жуфтлиги ҳар доим ҳам нутқий тузилма учун қурилиш материали бўлавермайди. Бу ўринда семантик жиҳатдан боғланган ассоциатив жуфтликлар ҳақида гапириш ўринли. Негаки ассоциатив майдон таркибида синалувчилар томонидан сунъий тарзда ҳосил қилинган ёки стимул сўзнинг фақат фонетик структураси ёки талаффузи асосида ҳосил қилинган, стимул сўз билан бирор бир жиҳатдан боғланмайдиган, нутқий тузилмаларни шакллантиришда иштирок этмайдиган ассоциациялар ҳам учраб туради.

Навоий ғазалларида қўлланган вербал ассоциациялар воқеликни акс эттирувчи шунчаки тил бирлиги ёки шоирнинг воқелик ҳақидаги когнитив билими, ассоциатив тафаккури ва хотираси ифодаси бўлибгина қолмай, миллий-маданий қадриятлар ҳақида ҳам маълумот берувчи бирликлар эканлигига гувоҳ бўламиз. Фикримизни буюк сўз санъаткорининг қуйидаги байтлари таҳлили орқали асослашга ҳаракат қиламиз:

1. *Турмади кўзумда еткач ул сарви баланд,*
Бўлмас киши фарзанди кишига фарзанд.

2. ***Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур**, гадо балким фузун,*
Гар гадолиғ айлар ўлса ишқнинг яғмосидин.

Биринчи байтда "*Бўлмас киши фарзанди кишига фарзанд*" жумласи бугунги кунда халқимизнинг "*Бировнинг фарзанди бировга фарзанд бўлмайди*" ҳикматини ёдга туширади. Бу ҳикматнинг байтда қўлланган тарихий вариантини *фарзанд* лексемасининг ассоциацияси сифатида баҳолаш мумкин.

Шуниси таҳсинга лойиқки, Навоий мазкур халқ хикматидан моҳирлик билан ижодий фойдаланиб, лирикасида ранг-баранг окказионал қўлланишларни ҳам яратган:

Тиларменким, паризоде топиб эмди кўнгил берсам,
*Билинди, **кимсага қилмас вафо чун кимса фарзанди.***
***
Сен ўз хулқунгни тузгил, бўлма эл ахлоқидин хурсанд,
***Кишига чун киши фарзанди ҳаргиз бўлмади фарзанд**.*
***
Хосса маъниларим эл қилса тасарруф қилдик,
Киши фарзанди қачон кимсага фарзанд ўлмиш.

Кейинги байтда *ишқ* сўзи орқали шоир хотирасида ассоциатив тарзда ёдга тушган "*Ишқда шоҳу гадо тенг*" халқ ҳикмати акс этган. Бу ҳикмат шоирнинг ишқ ҳақидаги дунёвий билими билан бирга, ишқ бобидаги миллатимизга хос миллий-маданий қарашлар ҳақида ҳам маълумот беради.

Алишер Навоий лирикасида антропонимлар билан боғлиқ тарзда ҳосил бўлган ассоциатив бирликлар ҳам алоҳида ўрин тутади. Жумладан, *Мажнун* антропониминиг Навоий хотирасида *Лайли, девона, ғам, фироқ, ишқ, ишқ аҳли водийси, ишқ даштн, ҳажр, дашт, саҳро, қуюн, саргардон*каби ассоциацияларни ёдга солганлиги қуйидаги байтларда ўз ифодасини топган:

*Неча ёғдурса **ғам тошин фироқ атфоли**, эй Мажнун,*
*Не **ғам** бош узра **Лайли** боргоҳи бўлса қалқонинг.*
***
*Ёд этарлар **водийи ишқ аҳли Мажнун сайрини,***
*Бехабар ҳар ён қуюндекким бу **саргардон** борур.*
***
*Либос эрди **қуюн Мажнунға**, чун ул **даштдин** чиқди,*
*Анинг тўниға бу **мажнуни саргардон** эрур ворис.*
***
***Ишқ атфоли** кўруб коғазда **Мажнун** суратин,*
*Қилдилар ғавғо гумон айлабки бу **девонадур.***

Берилган байтлардан кўринадики, Навоий хотирасида тикланган ўзига хос вербал ассоциациялар нафақат шеърий матннинг структур тузилишини белгилашга хизмат қилган, балки ўқувчида Мажнун ҳақида яхлит тасаввур ҳосил қилишга кўмаклашган.

Ўз навбатида *Лайли* антропониминиг Навоий хотирасида, аввало, *Мажнун* номини ёдга туширганлигини қуйидаги лирик сатрлар орқали ҳам англаш мумкин:

*Ҳар қуюн ғам дашти ичра кўрса **Лайли** соғинур*
*Ким, хасу туфроғ аро **Мажнуни** саргардонидур.*
***
*Ишқ мулкидин хабарлар топса **Лайли**, тонг эмас,*
*Ким анинг **Мажнун** киби пайки жаҳонпаймойи бор..*
***
*Қуюндек васл даштидин гар, эй **Лайли**, мени сурдунг,*
*Дегач **саргашт**а **Мажнунум**, бошимни кўкка еткурдунг.*

Хуллас, поэтик матнда акс этган вербал ассоциациялар орқали ташқи оламнинг идроки ва тилда акс этишининг психологик жиҳатларини ёритиш мумкин. Поэтик матнда китобхон руҳиятига таъсир кўрсатиш, уни фикрлашга ундаш муҳим бўлгани боис бундай таҳлилда асосий эътибор нафақат тилнинг ўзига, ундан фойдаланувчи тил эгаларининг руҳий ҳолати, унинг тилда акс этиши масаласига ҳам қаратилади.

Буюк сўз санъаткори Алишер Навоий назмий асарларида қўлланган вербал ассоциациялар шоир назарда тутган ички мақсадни ифода этишда, шеърий матнни шакллантиришда муҳим ўрин тутади. Шоир ғазалларида акс этган ранг-баранг ассоциатив бирликлар унинг лексик захираси, ассоциатив тафаккурининг ниҳоятда кенглигидан далолат беради.

АДАБИЁТЛАР

1. Ефремов В.А. Ассоциативно-вербальная организация цикла лирических новелл И. А. Бунина «Темные аллеи»: Автореферат диссертации ... кандидата филологических наук : 10.02.01 / В. А. Ефремов. – Санкт-Петербург, 1999. – 19 с.
2. Караулов Ю.Н. Русский ассоциативный словарь как новый лингвистический источник и инструмент анализа языковой способности // Русский ассоциативный словарь. Книга 1. – М., 1994. – С. 191.
3. Ермолова М.В. Ассоциативные семантические модели выражения запрета в немецком языке (на материале пословиц и поговорок) // Известия Российского гос.пед.ун-та имени А.И.Герцена. 2009. - №106. – С.137.
4. Овчинникова И.Г. Текстообразующая роль вербальных ассоциативных структур: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Л., 1986.

НАВОИЙ ВА ТИЛШУНОСЛИК

И.МАДРАҲИМОВ
(Қўқон ДПИ)

Алишер Навоий яшаб ижод этган даврда Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ўзбек шоирларининг кўпчилиги X асрдан бошланган анъанага мувофиқ ўз асарларини туркий – эски ўзбек тилида эмас, балки форс-тожик тилида ёзар эдилар. Бу ўзбек адабиётининг тараққиётига салбий таъсир этди. Ана шундай шароитда Навоий туркий – эски ўзбек тилининг маданий ва адабий ҳаётда муносиб ўрин олиши учун кескин кураш олиб борди. У, аввало, ўз асарларини она тилида ёзиб, туркий тилнинг форс-тожик тили каби бой ва гўзаллигини исботлаб берди. Навоий «Лайли ва Мажнун» достонида бу ҳақда шундай ёзади:

Чун форси эрди нукта шавқи,
Озроқ эди анда турк завқи.
Ул тил била назм бўлди малфуз,
Ким форси англар ўлди маҳзуз.
Мен туркча бошлабон ривоят,
Қилдим бу фасонани ҳикоят.
Ким шуҳрати чун жаҳонга тўлғай,
Турк элига доғи баҳра бўлғай.

Шоир ўзининг бебаҳо «Хамса»си, мемуар ва илмий асарлари билан ўзбек тилининг қудрати ва нафосатини кўрсатиб берди. Алишер Навоий шу билан чекланиб қолмасдан, бу соҳадаги муаммоларни «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида илмий жиҳатдан ҳал қилди ва мазкур асарда буюк мутафаккир туркий (ўзбек) тилнинг гўзал таърифи (тавсифи)ни ҳам яратди: *«Чун шуур синиға қадам қўюлди, турк алфозиға дағи мулоҳазани лозим кўрулди; оламе назарға келди, ўн саккиз минг оламдин ортуқ; анда зеб ва зийнат сипеҳри табъға маълум бўлди, тўққуз фалакдин ортуқ; анда фазл ва рифъат махзани учради, дурлари кавокиб гавҳарларидин рахшандароқ; гулшане йўлуқти, гуллари сипеҳр ахтаридин дурахшандароқ»*[1].

Алишер Навоийнинг «Муҳокамат ул-луғатайн» асари умумтуркий аҳамиятга эга ва шу боис бошқа туркий халқларнинг тилларини ўрганишга ҳам хизмат қилиб келмоқда.

«Муҳокамат ул-луғатайн»да туркий тилнинг ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрни, унинг грамматик мукаммаллиги, сўзларга бойлиги форсий тил қоидалари ва ҳодисаларига қиёсланган ҳолда чуқур ва аниқ мисоллар орқали таҳлил этилган. Алишер Навоий ўзининг бу тилни, унинг жамият тараққиётидаги ўрнини, сўз ва ибораларга бойлигини шоир сифатида чуқур эгаллагани учун, унинг бошқа тиллардан кам эмаслигини, аксинча, уларга нисбатан ўзига хос хусусиятларга эга эканлигини ватанпарвар олим сифатида эҳтирос билан кўрсатиб, исботлаб берган.

Алишер Навоий турк (ўзбек) тилини хазина, чаманзор ҳисоблайди. Бу шундай хазина ва чаманзорки, атрофи эл оёғи етишидан асралган ва қимматбаҳо нарсаларга бошқаларнинг қўли тегишидан сақланган. Аммо хазина бўлган турк (ўзбек) тили атрофида, Навоий тили билан айтганда, «илон»лар ва «тикан»лар бор эди: «махзанининг йилони хунхор (қонхўр) ва гулшанининг тикани беҳад ва шумор (сон-саноқсиз)».

Шоирлар илонларнинг найзасидан қўрқиб, бу хазинадан баҳра ололмай ўтганлар. Гўё назм тўдасининг гулдаста боғловчилари тиканлар санчилиши зараридан ҳадиксираб бу чаманзордан гулни қўлга киритолмаганлар. Шунинг учун кўпгина турк (ўзбек) шоирлари ўз она тилларида эмас, балки форс-тожик тилида ижод қилар эдилар. Ана шундай даврда Алишер Навоий ўзбек шоирларини ўз она тилида ижод қилишга, ҳеч бўлмаганда ҳар икки тилда баробар қалам тебратишга чақирди. У ўзбек адабий тилининг равнақи учун курашни даврнинг энг муҳим иши деб билди. Ана шу йўлда қатъият билан борган буюк шоир Алишер Навоий ўзининг ўлмас бадиий, илмий асарлари билан бутун мамлакатни якқалам қилди ва ўзбек адабий тилининг шуҳратини оламга танитди:

Турк назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам.

Ҳозирги тилшуносликда тил ва нутқ бир-биридан изчил фарқланувчи ҳодиса бўлиб, улар орасидаги муносабатни очиш лингвистик тадқиқотларда муҳим аҳамиятга эга. Ҳозирга қадар бу икки ҳодисани бир-биридан фарқлаш дастлаб машҳур немис олими Вильгельм Гумбольдтдан бошлан-

1 Алишер Навоий. Танланган асарлар. –Тошкент: Ўздавнашр. 1948. Т.III. –Б.180.

ган ва у швейцариялик олим Фердинанд де Соссюр лингвистик таълимотининг асосини ташкил этади, деб ҳисоблаб келинди. Бироқ Алишер Навоий асарларига эътибор берилса, у В.фон Гумбольдт ва Ф.де Соссюрдан анча илгари тил ва нутқ ҳодисаларини изчил фарқлаганлигининг гувоҳи бўламиз. Алишер Навоий имконият тарзидаги сўз (тил бирлиги) соҳиби ихтисос (сўзловчи) томонидан турли хил жилвалантирилиши (нутқ бирлиги сифатида реаллаштирилиши) мумкинлигини баён қилади. «Муҳокамат ул-луғатайн»да ёзади: «Сўз гўё дурдур. Дурнинг жойлашиш ўрни денгиз туби бўлса, сўзнинг жойлашиш ўрни кўнгилдир (хотирадир). Дур ғаввос ёрдамида денгиз тубидан ташқарига чиқарилиб, жилвалантирилса ва ғаввоснинг қиймати жавҳарни жилвалантира олиш қобилиятига қараб белгиланса, сўз соҳиби ихтисос томонидан кўнгилдан ташқарига олиб чиқилади ва нотиқнинг қиймати сўз қўллаш маҳоратига, уни жилвалантириш қобилиятига қараб белгиланади. Денгиз қаърида ҳаракатсиз имконият тарзида турган дурлар ғаввос ёрдамида ҳаракатга келтирилса, кўнгил тубидадаги имконият тарзидаги сўзлар ҳам сўзловчи томонидан нутқий жараёнда ўз жилвасини топади»[1].

Унинг муқояса учун келтирган туркий феълларининг аксари ўзбек тилида ҳозиргача истеъмолда бўлиб, булар Навоийнинг таъкидлашича, шундай сўзларки, «барчаси муҳтожун илай дурки (эҳтиёжли), такаллум чоғида киши анга муҳтож бўлур. Кўпи андоқдурки, асло анинг мазмунини таҳфим қилмоқ (ифодаламоқ) бўлмас ва баъзиники, англатса бўлғай, ҳар лафз таҳфими учун (ифодаси учун) неча лафзни (сўзни) таркиб қилмагунча бўлмас»[2].

Алишер Навоий ана шундай сўзларга турк (ўзбек) тилидан юзта феълни келтиради. Келтирилган бу феъллар Алишер Навоий ўзбек тилининг имкониятларини кўрсатмоқ учун халқ тилини қанчалар синчковлик билан чуқур ўрганганлигини исботловчи далиллардир[3].

Алишер Навоий арабларнинг бой лингвистик таълимотидан мадад олди. Хусусан, араб тилшунослигида яхши ишланган фонетик таълимотга оид билимларни тўла эгаллади. Шунинг учун ҳам у тилшуносликнинг артикуляцион-функционал томонига катта эътибор беради ва шу белгига кўра товуш типини – фонемани белгилайди (гарчи у фонема атамасини қўлламаган бўлса-да). Фонема ва ҳарф муносабатига эътиборни жалб қилади. Улар бир-бирига доимо ҳам мос келавермаслиги, бир ҳарф бир неча фонемани ифодалаши мумкинлигини таъкидлайди. Масалан, «ёй» ҳарфи тўрт фонемани, «вов» ҳарфи ҳам тўрт фонемани билдиришини айтади[4].

Алишер Навоий «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида сўз ясалиши бўйича ҳам ўзининг айрим кузатишларидан айримларини баён этади. У гарчи сўз ясалиш структураси бўйича фикр юритмаган бўлса ҳам, сўз ясашга доир асос, ясовчи восита ва ясалма тушунчалари ҳақида маълумотга эга бўлган. Хусусан, *-чи* ясовчи воситасининг имконияти кенглиги, асос қисмга қўшилиб, бу қисмнинг маъноси билан боғлиқ турли шахс отларини ҳосил қилишини баён этади[5].

Алишер Навоийнинг морфологик қарашларини ҳам «Муҳокамат ул-луғатайн» асарида баён қилинган айрим фикрларидан пайқаб олиш мумкин.

У ўша даврдаги араб грамматикаси анъанасига кўра, сўзларни уч гуруҳга ажратади: исмлар, феъллар ва ҳаракатлар (ёрдамчилар). Алишер Навоий сўз туркумларини тасниф этишда араб сарфи анъанасига асосланган бўлса-да, турк (ўзбек) тилининг ўзига хос хусусиятларини, отлар ва феълларнинг муҳим морфологик жиҳатларини зукко тилшунос сифатида очиб берди.

---

1 Алишер Навоий. Танланган асарлар. –Тошкент: Ўздавнашр. 1948. Т.III. –Б.173.

2 Ўша асар, -Б.170.

3 А.Нурмонов, Н.Маҳмудов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун дарслик. 1-қисм. –Тошкент: «Камолот-қатортол», 2000.- Б.87.

4 А.Нурмонов, Н.Маҳмудов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун дарслик. 1-қисм. –Тошкент: «Камолот-қатортол», 2000.- Б.86.

5 А.Навоий. Ўша асар, 136-бет.

Маълумки, бугунги кунда синтактик семантиканинг марказини ташкил этувчи номинатив аспект илдизлари Алишер Навоийга бориб тақалади[1]. Хусусан, XX асрнинг 70-йилларида А. А. Холодович, В. С. Храковский ва В. А. Успенскийлар томонидан ***диатеза*** атамаси остида ўрганилган синтактик бирликлар таркибидаги лексемалар ролларига Алишер Навоий алоҳида аҳамият беради. Жумладан, субъектларнинг роллари (ҳаракатни бажарувчи, ҳаракатни бошқа шахсга бажартирувчи) ва гап предикатига қўшилувчи нисбат шаклларига мувофиқ ўзгариб бориши ҳақида фикр юритади. ***Чопишмоқ, топишмоқ, қучушмоқ*** феъллари предикат бўлиб келган гапларда икки субъект баробар ҳаракатни бажаришини айтади[2].

Хуллас, Алишер Навоий тилшуносликнинг бир қатор соҳалари — фонетика, морфемика, сўз ясалиши, морфология, синтаксис каби соҳаларига доир масалалар юзасидан қимматли фикрлар билдирган. У тил ва тафаккур, тилнинг ва тилларнинг пайдо бўлиши, тилда умумийлик ва хусусийлик каби тилшуносликнинг умумназарий масалалари юзасидан ўз қарашларини баён қилган, мазмуний синтаксис бўйича илк маълумот берган ҳамда контрастив (чоғиштирма) тилшуносликка асос солган буюк тилшунос алломадир.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ СЎЗДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ ХУСУСИДА

Ш.Искандарова (ФарДУ)
У.Қўзиев (НамДУ)

Алишер Навоийнинг ҳар бир асарида маълум тушунчага бағишланган ижтимоий қарашлар, воқеалар бобларга ажратиб бериладики, бу ҳодиса сўзлар, иборалар, ўхшатишлар, сифатлашлар, прецедент номлар, мақоллар, ҳадислар, халқ орасида машҳур ривоятлар, мажозлар бир концепт доирасига киришига, маълум ўринларда бу концепт ҳозирги кундаги тил эгалари тафаккур тарзидан фарқланишига гувоҳ бўламиз.

Мисол тариқасида "Ҳайрат ул-аброр" асарининг 10-мақолатига тўхталамиз. Ушбу мақолат "*Ростлиқ таърифидаким, вужуд уйи бу туз сутун била барпой. Ва ул уй шабистони ҳаримида бу шамъи анвар мажлисорой бўлур. Ва эгрилик наҳйидаким, агар эгри киши зулфдек симбарлар юзида ер тутарким,боши кесгулук. Ва агар аждаҳодек ганж устида халқа урарким, ўлтургулук"* сарлавҳаси билан берилади.

Мақолат тўғрилик ва эгрилик таърифи, қиёси, турлари ҳақида баҳс юритади. Ҳар бир байтда тўғрилик ва эгрилик турли тасвирий восита ва санъатлар – ҳусни таълил, ташбеҳ, сифатлашлар орқали зидланади. Худди шу воситалар ушбу мақолат асосида тўғрилик ва эгрилик микромайдонларини солиштириш имконини беради.

Ўзбек тилининг изоҳли луғати[3]да *тўғри* сўзи "1. Эгри эмас, қинғир ери йўқ; тик, адил 2. Хатодан холи, янглиши, нотўғри ери йўқ; бехато 3. *кўчма* Ҳақиқатдан иборат; чин, рост, ҳақ 4. Белгили талаб, қоида ва ш.к.га жавоб берадиган; мос келадиган; қоидали 5. Тўғридан-тўғри амалга ошириладиган, бўладиган; бевосита, воситасиз 5. рвш. Тўғридан-тўғри, тўппа-тўғри, бошқасига, бошқа томонга чалғимай 6. Дуруст, ҳақиқатан ҳам, дарҳақиқат" маъноларини билдириши, шунингдек, турли аналитик шакллар таркибида "тўғри шакл; ҳақиқат; инсофли, адолатли; мувофиқ, мос; лойиқ, монанд; баравар, тенг; юзма-юз" каби семаларга эга бўлиши кўрсатилган. Унга синоним бўл-

1 А.Нурмонов, Н.Маҳмудов. Ўзбек тилшунослиги тарихи. Олий ўқув юртлари филология факультетлари талабалари учун дарслик. 1-қисм. –Тошкент: «Камолот-қатортол», 2000.- Б.94.

2 А.Навоий. Ўша асар, 182-бет.

3 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Т.: ЎзМЭ , 2008. 256-258-бетлар.

ган ***чин***[1], ***рост***[2]***, ҳақ*** *(сифат маъносида[3])* сўзлари маънолари ҳам шу доирадан чиқмайди.

Мақолатда шоир “тўғри” семантик майдонига кирувчи қуйидаги синонимик қатордан фойдаланади:

Туркийча	Форсча	Арабча
туз(лук) *тўғри* *чин(лиқ)* *тенг*	*рост(лиқ)* *равон* *сарфароз*	*салим* *мустақим* *ҳақ* *муҳаққақ* *мусаттаҳ*

Албатта, ушбу синонимлар, жумладан, салим (тан соғломлиги), ҳақ (адолатли), муҳаққақ (амалдаги, шубҳасиз), мусаттаҳ (юзага нисбатан), тенг (миқдор) кабилар қўлланиш ўрнига кўра фарқланади.

Юқоридаги сўзлар қуйидаги бирликлар билан синтагматик муносабатга киришади: ***туз*** – устун, ўқнинг учиши, йўл, най, найза, шамъ, қил (мусиқа асбоби тори), чизиш (рақам қилмоқ), меҳробни тўғри олиш, тўғрилаб қўймоқ, халқни бошқармоқ, сўз, ном қозонмоқ, таноб тортмоқ, шихоб (юлдуз)нинг учиши, сув юзасидаги шакл; ***рост*** – намоз (мақбуллиги), қалам (ҳақиқатни ёзиши), инсон, куч, яшамоқ, тиламоқ; ***тўғри*** – сарвнинг қомати, назар, сўз; ***сарфароз*** – қад; ***салим*** – халқ; ***мустақим*** – хат; ***ҳақ*** – тўғриликнинг таърифи; ***чин*** – сўзлаш; ***мусаттаҳ*** – кўзгу юзи каби.

Маълум бўлдики, ўз қатламга мансуб ***туз*** сўзи Алишер Навоий даврида юқоридаги сўзлардан энг фаоли, синонимик уянинг маркази бўлган экан.

Демак, “тўғри” гуруҳидаги сўзлар қуйидаги гуруҳлар билан синтагматик муносабатга киришади:

“ТЎҒРИ”			
“хусусият” семаси орқали	“шакл” семаси орқали	“хусусият” семаси орқали	“хусусият” семаси орқали
“шахс”	“нарса”	“ҳаракат”, “ҳолат”	“жараён”
Халқ, инсон	*най, шам, йўл...*	*сўзламоқ, ёзмоқ...*	*яшамоқ...*

“Тўғри” семаси “шахс” архисемали қуйидаги сўзларда ҳам акс этади: ***содиқ, эр, мусулмон*** каби, яъни улар “тўғри сўзловчи инсонлар” маъносини ифодалайди.

“Тўғри” архисемали сўзлар турли ибора, парема ва бошқа бирликлар таркибида ҳам келади:

ростқалам – ҳақиқатни ёзувчи котиблар ёки тарихнавислар;

назари тўғри – пок ниятли;

меҳробни тузмоқ – ибодат вақтида қиблани тўғри олмоқ;

ростиу русти – куч адолатдадир;

Мақолатда А.Навоийнинг дидактик маълумотлар бериш баробарида, сўз шаклдошлигидан фойдаланиб, сўз ўйинига ҳам мурожаат қилганлигини кузатиш мумкин. Жумладан, *чин* ҳозирги ўзбек тилида бир хил фонетик қурилишга эга икки тушунчани: *тўғри* ва Хитойнинг Шарқдаги номини ифодалайди. Навоий мазкур мақолатда учинчи ***чин*** сўзидан усталик билан фойдаланади:

Кимки қилур чинлик алардин ҳавас,
Қошлари устида топар чину бас.

1 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Т.: ЎзМЭ , 2008. 487-бет.

2 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 4-жилд. – Т.: ЎзМЭ , 2007. 392-393-бетлар.

3 Ўзбек тилининг изоҳли луғати. 5 жилдлик. 8-жилд. – Т.: ЎзМЭ , 2008. 518-бет.

(Агар ким улардан тўғрилик, адолатни сўраса, қошлари устида гажак ва бас ишорасини топади) Иккинчи мисрадаги ***чин*** гажак, қошнинг қайрилишини билдиради. Бу шакл эса эгри бўлиб, маънавий жиҳатдан ***чин*** (тўғри)га зид маъноли. Демак, бу ўринда шаклдош сўзларнинг антонимик муносабатини ҳам кузатиш мумкин.

Турфа замон аҳлиға биз мубтало,
Ким йўқ алар оллида ***чин****дек бало.*

Байтда ҳозирги ўзбек тилидаги "жиндай" (бироз, озгина) сўзининг фонетик варианти орқали *чин* сўзининг тўртинчи маъноси ифодаланмоқда.

Навоий тўғрилик маъносини образли ифодалаш учун *ўқ, йўл, най, найза, шамъ, қил (мусиқа асбоби тори), чизиқ, қалам, алиф, сарв, ёр қомати* каби турли тушунчалардан фойдаланади, ушбу ҳолат муаллиф яшаган давр бадиий нутқида, шунингдек, кундалик ҳаётда фаол бўлган сўзлар ҳақида тасаввурга эга бўлиш имконини беради. Яна бир жиҳати Навоий тавсиф беришда деярли ҳар бир касбга, ижтимоий гуруҳга хос бўлган жиҳатлардан унумли фойдаланади:

- боғбончилик: боғга режа тортиш;
- деҳқончилик: мола тортиш, тухм (уруғ) сочиш;
- ойнасозлик: кўзгуни текислаш ва сайқаллаш;
- мусиқашунослик: най, торли мусиқа асбоблари;
- сўфийлик: аҳли ҳолнинг найни яхши кўриши;
- маросим ва базм тартиби: айвонга ўрнатиладиган шамлар;
- йўл юриш: эгри йўлнинг машаққати;
- ҳарбий соҳа: найзани тик қўйиш, камондан ўқ узиш;
- ёшлар жамоаси: ёр гўзаллиги тавсифи;
- котиблик, адиблик: шам, парвона, қалам тасвири;
- ҳандаса: мистар (чизғич), паргор (циркуль) терминлари;
- шариат аҳли: меҳробни тўғри олиш, ўғрини жазолаш, бирдан ортиқ нарсанинг ширклиги;
- табобат: кўз ғилайлиги;
- тарих: Сулаймон, Ҳурмуз, Хусрав, Қайсар, Скандар, Жам, Заххок;
- сиёсат: адолатли сиёсат юритиш;
- ижтимоий одоблар: рост гапириш, андиша туфайли ёлғон гапириш каби.

Тушунчага таъриф беришда Навоий зидлаш тамойилидан унумли фойдаланади. Тўғриликни ифодаловчи тушунчалар билан эгриликни билдирувчи тушунчалар ёнма-ён келтирилади. "Тўғрилик"ка нисбатан ишлатилган воситалар "эгрилик"да ҳам айнан такрорланади.

"Эгри" семали белги билдирувчи сўзлар қатори:

Туркийча	Форсча	Арабча
	кажрав (лиқ)	
		хато
	хам (лиқ)	
эгри		*саҳв*
	печу тоб	
чирмош		*ботил*
	печу шиканж	
ёлғон		*кизб*
	каж	
		шарорат
	носоз	

Юқоридаги сўзлар қуйидаги бирликлар билан "барқарорлик" семаси остида синтагматик муносабатга киришади.

Эгри - шакл белгисига кўра: *зулф, аждаҳо, ҳалқа, гўшмол, ер, нигин, гунбаз, гардиш, йилон, жангал* сўзлари билан; нарсага хос хусусият белгисига кўра: *илик* (қўл), *ширк, сипеҳр, даввор* (давр) сўзлари билан; ҳаракат йўналиши белгисига кўра: *парвона, сунбул, барқ (чақмоқ);* жисмоний мутаносиблик белгисига кўра: *кўз* сўзи билан; феъл-атвор белгисига кўра: *ўғри* сўзи билан семантик муносабатга киришади.

Каманд (арқон), дастор кабилар билан ***чирмош*** варианти алоқага киришади. *Чарх, фалак, гардиши даврон, давр, гунбади даввор, сипеҳр* каби бадиий услубдаги жараён ифодаловчи сўзларнинг "тескарилик" семаси, ***каж, кажрафтор*** каби "услубий бўёқдор" семали форсийча синонимлар қўлланади. Шу ўринда улар форсий изофа тарзида ўзбек тилида кенг қўлланганини айтиб ўтиш жоиз.

"Эгрилик" семаси *каззоб, козиб, ёвуз, ёлғончи, кофир* каби шахс ва шахс белгисини билдирувчи сўзларда намоён бўлади. Ибодат жараёнида *хато* юз берган намоз ***ботил***, ёмон ниятда ичилган онт ***шарорат*** (бузуқлик) аниқловчилари билан ишлатилади.

"Эгри" архисемали сўзлар турли ибора ***(илиги эгри –*** қўли эгри; ***эгри боқмоқ***– ғараз ният билан қарамоқ)лар таркибида ҳам қўлланган.

Юқорида биз "тўғри", "эгри" лексик-семантик майдонининг барқарор иштирокчиларини кўриб чиқдик. Бунда ҳар бир гуруҳга мисол сифатида келтирилган луғавий бирликлар юқоридаги семантик майдонни ташкил этади.

Энди мақолатдаги табиатига кўра ҳар икки майдон доирасига кира оладиган лексик бирликларни таҳлил қиламиз. Уларни "барқарорлик белгисига эга бўлмаган" оралиқ гуруҳ сифатида қабул қиламиз.

тўғри сўзи билан бирикканда юкланадиган сема	Лексик бирлик	***эгри*** сўзи билан бирикканда юкланадиган сема
Осон	***ер, йўл***	*машаққатли*
Соз	***қил (тор)***	*носоз*
ёр гўзаллигининг асосий сифати	***қад***	*муҳаббатга сазовор бўлмайди.*
намозни рост (қабул) қилади	***мехроб***	*намозни ботил қилади*
боғ бўлади	***ража (режа) тортиш***	*чангалзор бўлади*
экин бўлади	***мола тортиш***	*сув*
ёр юзига шоҳид	***кўзгу***	*юзни қийшиқ кўрсатади*
акс кўринади	***сув юзаси***	*аксни кўрсатмайди*
эр, мусулмон	***инсон***	эр эмас, номусулмон

"Ҳайрат ул-аброр"нинг 10-мақолатида қўлланган "тўғри" ва "эгри" семаларига эга луғавий бирликларни семантик жиҳатларига кўра қуйидагича гуруҳладик:

1) лисоний қўлланишда бўлган аъзолар: *тўғри – туз – соз* каби.

2) нутқий қўлланиш, шоир хаёлоти билан юзага келадиган номинатив бирликлар. Масалан, *қалам, килк* сўзлари баъзи ўринларда ёзма нутқ маъносида ҳам қўлланган. Шу туфайли уларга нисбатан саҳв, хато каби ёзма нутқ меъёрлари билан боғлиқ синонимлар ишлатилган. *Найза* (мағрур ҳарбийлар), *қалам* (ростгўй китоб аҳли); *парвона* (содиқ бўлмаган толиб), *сунбул* (ўз йўлига эга бўлмаган инсон), *шихоб* (учар юлдуз, метеорит – кўзга кўринган истеъдодли, фаол шахс) кабилар эса ижтимоий табақаларни ифодалаш учун қўлланган. Шу жиҳатдан мазкур сўзлар шахсни ифодаловчи сўзлар парадигмасига киритилиши мумкин.

3) фақат матн билан боғлиқ кўчимлар (масалан, метонимия) натижасида юзага келган синонимлар: аждаҳо – зулф – эгрилик.

Навоий тўғрилик ва эгрилик ҳақидаги ҳикматли сўзлари ушбу эстетик тушунчаларнинг ижтимоий аҳамияти, прагматик талқинини ҳам кўрсатади:

Узук эгри, ундаги "Рости русти" муҳри туфайли буюк қудратга айланади.
Шам тўғрилиги учун ёнади, бироқ бошдан оёқ нурга айланади.
Чақмоқ ёруғ нур тарқатади, бироқ эгри бўлгани учун ерга сингиб кетади.
Бу замонда ростлик даъвосини қилган одамнинг каму кўстдан боши чиқмайди.
Қалам рост (тўғри) бўлгани учун доимо боши олинади.
"Алиф" ҳарфи тўғриликни шиор қилгани учун "бало" (□□) сўзи остида қолди.
Шиҳоб (метеорит) тўғри учади, шунинг учун бошдан оёқ куйиб кетади.
Илон эгри бўлса ҳам, оғзида муҳраси бўлгани учун доим хазина устида.
Янги ой юзига фалакнинг оёғи босилгани учун эгри кўринади.
Дастор эгри бўлса ҳам доим бош устида.

Юқоридагилардан кўринадики, Навоий асарларида эгрилик ва тўғрилик микромайдони иштирокчилари бўлган бирликларни қуйидаги турларга бўлиш мумкин:

1. "Тўғрилик" ва "эгрилик" белгисини билдирувчи сўзлар (сифатлар).
2. Шакли барқарор тўғри ва эгри бўлган предметларни билдирувчи сўзлар.
3. "Тўғрилик" ва "эгрилик" семасига барқарор эга шахс билдирувчи сўзлар.
4. Кўчма маънода "тўғри" ва "эгри" семали шахс билдирувчи сўзлар.
5. "Тўғри" ва "эгри" семали сўзлар билан синтагматик муносабатга киришувчи сўзлар: предмет билдирувчи ва ҳаракат-ҳолат ифодаловчи сўзлар.
6. "Тўғрилик" ва "эгрилик" семасига эга сўзлар қатнашган барқарор бирикмалар.
7. "Тўғри" ва "эгри" семали сўзларнинг шаклдошлари.
8. "Тўғри" ва "эгри" семалари барқарор бўлмаган, ҳар икки семага эга сўзлар.
9. "Тўғрилик" ва "эгрилик" эстетик тушунчаларининг ижтимоий баҳосини билдирувчи афоризмлар.
10. Арабча қуйма иборалар ("саддақ" – тўғри айтдинг), ҳадислар ("Каззабуна ло уммати"), исломий инончларни ифодаловчи (Сулаймон, дев, пари) сўзлар.

Алишер Навоий - қомусий аллома. Мутафаккир "Ҳайрат ул-аброр" асарида муайян мавзуда баҳс юритар экан, унинг таърифи, ижтимоий аҳамияти, диний жиҳатдан тавсифини тил бирликлари воситасида моҳирона ифодалайди. Таъкидлаш зарурки, Алишер Навоий бир мавзу доирасига кўплаб лексик-семантик гуруҳдаги сўзларни жалб этган бўлиб, ўзбек тилининг бойлигини намоён этиш унинг ҳар бир асарида бош мезонлардан бўлган. "Ростлик ҳақида"ги 10-мақолат 99 байтдан иборат. Шунинг ўзиёқ шоир "ҳали ўзбек тилининг изоҳли, диалектал, тематик луғатлари яратилмаган бир даврда ўзбек тили лексик имкониятларини кўз-кўз қилувчи лексик бирликларни аниқлаш учун қанчалар меҳнат сарфлаганини, ўзбек тили уммонидан моҳир ғаввос бўлиб қандай қийинчилик билан дурлар саралаганини тасаввур қилиш"[1] имконини беради.

1 Нурмонов А. Ўзбек тилшунослиги тарихи. – Тошкент: Ўзбекистон, 2002. 91-бет.

ТИЛШУНОСЛИК

“ЛИСОН УТ-ТАЙР” ДОСТОНИДА ЗООНИМЛАРНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Замира ДЖУРАБАЕВА
(ТошДЎТАУ)

Зоонимлар ўзбек тилида нисбатан кенг тадқиқ қилинган соҳалардан бири саналади. Т.Хўжамбердиев[1] Фарғона водийси, Т.Ўринов[2] Қашқадарё, С.Усмонов[3] Жиззах ва Самарқанд,М.Бўронов[4] Қорақалпоғистондаги ўзбек шевалари материаллари асосида ҳайвон номлари устида тадқиқот ишлари олиб боришган. Навоий асарларида қўлланган қуш ва ҳайвон номларига юқоридаги илмий тадқиқот ишларида эътибор қаратилмаган. Шу боис аллома асарларида ишлатилган қуш ва ҳайвон номлари устида мулоҳаза юритиш шоирнинг бадиий тафаккурини англашга яқиндан ёрдам бериши мумкин. Фикримизни биргина “Лисон ут-тайр” достонида ишлатилган зоонимлар мисолида исботлашимиз мумкин.

Навоий ўз асарида *булбул, қумри, зоғ, товус, ҳудҳуд, семурғ, ҳумой, каклик, тазарв, дуррож, кабутар, шоҳбоз, шунқор, қарчиғай, ўрдак, товуғ, куф* каби қуш номларини келтиради. Шоир табиатда учровчи қушлар билан бир қаторда афсонавий *ҳумой, қақнус, қақнусбача, семурғ* каби қушлар номини ҳам келтиради. Уларнинг ҳар бирига тааллуқли бўлган сифатларни юксак даражадаги санъаткорлик билан чизиб беради. Аввало, қушларга хос бўлган “тил” ҳақида гапиради. Уларнинг нутқи воситасида ўзининг қалб дунёсида яшириниб ётган туйғуларини, орзу-умидларини баён этади.

Ондаким дарж эрди қушлардин мақол,
Ўзга тилдир, ўзга сўздир, ўзга ҳол.
Фаҳмига махфий забондоне керак,
Йўқ забондонким Сулаймоне керак.
Уйла қушлар нутқини изҳор этай,
Булбули тўти каби гуфтор этай.

Энг эътиборлиси шундаки, Навоий илоҳий бир назар билан, қалб туйғуси билан қушларнинг характерли белгиларини топади. Инжа синчковлик, кузатувчанлик билан қушларга оид белгиларни бирма-бир келтиради. Масалан, булбул тилидан у шундай дейди:

1 Ходжамбердиев Т. Животноводческая лексика узбекского языка (примущественно на материалах Ферганской долины): Автореф. дис. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1975.

2 Урунов Т. Узбекская овцеводческая терминология (На материалах Кашкадарьинский области): Авторефдис. … канд. филол. наук. – Ташкент, 1964.

3 Усманов С. Гиппологическая терминология современного узбекского языка: Автореф. дис. ... канд. филол. наук. – Ташкент, 1988.

4 Буранов М. Термины животноводства в узбекских говорах Каракалпакии: Автореф. дис. ... канд. филол. наук.- Ташкент, 1972.

Қайси қуш, булбулки минг достони бор,
Ҳар бир ул достонда бир афғони бор.
Лек ул достонлари гул шавқидин,
Нолау афғонлари гул шавқидин.
Мен-мен ул булбулки минг афғон аро,
Ҳар фиғон лаҳнини бир достон аро.

Бу сатрларда худди булбулнинг чаманзорда, гуллар чаман бўлиб очилиб ётган гулзордаги чаҳ-чаҳини эшитгандек бўласиз. Навоий булбул воситасида ўзининг нолаю афғонларини, хонишларини бераётганлиги бу унинг юксак истеъдод эгаси эканлигидан далолат бериб турибди. Шоир фақат қушларни санаш билангина чегараланиб қолмаган, балки уларга алоқадор бўлган *болу пар, пат, қанот, тож, чангал; хиром, чарх, парвоз, наво* каби лексемалардан ҳам унумли фойдаланган. Қушларни *гулистон қушлари, биёбон қушлари, жон қуши* каби турларга бўлинишида, *бўстон, боғ, роғ, дашт, биёбон, гулистон, гулшан, кўҳистон, харобистон* сингари лексемаларнинг фақат қушлар билан алоқадорликда матнда баён этилишида тилшуносликда эндигина кенг кўламда тадқиқ этилаётган парадигматика, синтагматика унсурлари яшириниб ётганлигини бугун ҳар бир тилшунос яхши билади. Навоий қушларга оид лексемаларнинг бундай белгиларидан мукаммал хабардор бўлган, улардан ўз ўрнида фойдаланишга интилган. Масалан, *тазарв* ҳақида гапираётиб, шундай дейди:

Жилвагоҳинг гоҳ боғу гоҳ роғ,
Муфтахир зеболиғингдин роғу боғ.
Ҳам чаман аҳлиға сен маҳбубсен,
Ҳам даман хайлиға сен марғубсен.

Асарда қўлланган зоонимларнинг яна бир гуруҳини ҳайвонот номлари ташкил этади. Навоий уларнинг а) ёввойи ҳайвонлар номи: *арслон, ойиқ (айиқ), шер, қоплон, кийик;* б) уй ҳайвонлари номи: *ит, қўчқор, қўзи, мушук, ит, эшак;* в) судралувчи ҳайвонлар номи: *аждар, йилон;* г) афсонавий ҳайвонлар номи: б*уроқ, анқо, ҳумой* сингари семантик гуруҳларга бўлинишини, уларнинг ҳар бири ўзига хос лингвистик хусусиятларга эга эканлигини жуда яхши билган ва ўз достонида мазкур лексик бирликларнинг ҳар биридан ўринли фойдаланган.

Умуман олганимизда, Алишер Навоий ушбу достонида қушлар тили орқали ўзининг фалсафий-диний ғояларини, фикр-мулоҳазаларини жуда чиройли, ажабтовур услубда баён этган. Достон тилини ўрганиш Навоий асарларининг бизга маълум бўлмаган қирраларини кашф этишимизда, шоир асарларининг руҳини тушунишимизда яқиндан ёрдам беради.

ЎҚУВЧИЛАРНИ НАВОИЙ АСАРЛАРИНИ ТУШУНИШГА ТАЙЁРЛАШ СТРАТЕГИЯЛАРИ

Комил ЖАЛИЛОВ
(ТошДЎТАУ)

Маълумки, буюк бобокалонимиз Алишер Навоийнинг бой ва серқирра адабий мероси мажбурий таълим тизимининг барча босқичлари адабиёт дарсларига киритлган. Қуйи синфларда ўқувчилар Навоий рубоиёти, ҳикматлари билан танишсалар, ўрта синфларда эпик асарларидан айрим парчалар, ғазалиётидан намуналар киритилади ва ниҳоят мажбурий таълимнинг якунловчи босқичларида Навоий адабий меросининг гултожи бўлган “Хамса” ўрганилади. Шу билан бирга, Навоий асарларини таҳлил қилиш ўқувчиларда маълум бир қийинчиликлар туғдирадики, бу қи-

йинчиликлар Навоий тилини, фалсафасини, тасаввуфий қарашларини тушуниш билан, шунингдек, Навоий яшаб ижод қилган давр контекстини тушуниш билан боғлиқ. Бундай қийинчиликларни бартараф қилиш, Навоийни ўқувчига яқинлаштириш мақсадида хориж адабий таълимида ишлаб чиқилган ва самарали қўлланиб келинаётган ўқувчиларни адабий асарни тушунишга тайёрловчи бир қанча стратегияларни ишлатиш ва ижобий натижаларга эришиш мумкин.

Аксар ғарблик методист олимларнинг фикрича, ҳар қандай ўқиб тушуниш жараёни - бу матндан олинган маълумотни ўқувчига маълум бўлган маълумот билан интеграция қилишдир (1). Когнитив назарияда "схема" ("счема") тушунчаси қабул қилинган бўлиб, бу тушунча инсон хотирасида мавжуд бўлган маълумотлар ва хотиралар йиғиндисини билдиради. Инсон мияси янги маълумотни қабул қилаётганда ўзида мавжуд бўлган схема билан солиштиради ва бу схемага мос тушадиган маълумот яхшироқ ва осонроқ ўзлаштирилади (2). Когнитив назария ютуқларини ҳисобга олган ҳолда адабиёт дарсларида бадиий матн билан ишлаш ва матнни тушунишга ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган стратегиялардан бири матнни ўқишдан олдин ўқувчида мавжуд бўлган схемани фаоллаштиришдир (3). Схемани активлаштиришнинг бир қанча йўллари мавжуд: ўқувчи олдига конкрет мақсадлар қўйиш, ўқиладиган асарнинг моҳиятига боғлиқ саволлар (методик адабиётларда "йўналтирувчи саволлар" дейилади) бериш, матнни тушунишга ёрдам берадиган билимларни ёдга солиш, матндаги тушунилиши қийин сўзларни олдиндан ўргатиш ва ҳоказо.

Масалан, аксар инглиззабон мамлакатлари мактабларининг 9-синф дастурига киритилган Шекспирнинг «Ромео ва Жульетта» фожиасини ўрганишда қуйидаги стратегиялар таклиф қилинади: ўқувчиларнинг тарих дарсларидан олган билимлари ва ҳаётий тажрибасига таянилган ҳолда, Шекспир давридаги театр ва ҳозирги замон театрининг ўхшаш ва фарқли томонлари юзасидан фикр юритилади, Шекспир яшаб ижод этган тарихий давр эсга олинади ва "Мубаббат кучлими ёки нафрат?" деган савол ўртага ташланади. Шундан сўнг Шекспир тилининг ўзига хос жиҳатлари (сўзлар, грамматика, услуб) ҳақида маълумот берилади ва Шекспир тилини тушуниш конкрет мисоллар асосида ўргатилади (4). Бундай қадамлар, бир қарашда оддий кўринса-да, когнитив психология нуқтаи назаридан схемани фаоллаштириш ва ўқувчиларни матнни тушунишга тайёрлашда муҳим ҳисобланади.

Маълумки, умумтаълим мактабларининг 9-синфи ва академик лицейларнинг 2-босқичи дастурига Навоий «Хамса»си, жумладан, "Фарҳод ва Ширин" достони киритилган. Ҳажм жиҳатдан йирик, тили ва мазмун-моҳияти жиҳатидан тушунилиши ўқувчиларга мураккаб бўлган бу асарнинг тушунилишини осонлаштириш мақсадида биз юқорида кўрган стратегияларни қўллаш мумкин. Асарни ўқишга киришишдан олдин ўқувчиларнинг тарих ва бошқа фанлардан олган билимларига суяниб, Алишер Навоий яшаб ижод қилган даврнинг ўзига хос хусусиятлари ва Навоийнинг комил инсон ҳақидаги қарашлари хусусида ўқувчилар билан фикрлашиш мумкин. Шунингдек, ўқувчиларнинг "Дунё динлари тарихи" фанида ўрганган билимлари ва ҳаётий тажрибасига таяниб, ислом динидаги тасаввуф, комиллик ҳақида фикр алмашиб олиш, лозим бўлса бу ҳақда ўқувчиларга қисқача маълумот бериш ўқувчиларга асарни тушунишда ёрдам беради.

Схемани фаоллаштириш йўлларидан бири бўлган асар моҳияти билан боғлиқ саволларни ўртага ташлаш жараёни ақлий ҳужум шаклида ташкил қилиниши мумкин. Масалан, "Сизнингча, комил инсон бўлиш учун қандай фазилатларга эга бўлиш лозим?", "Инсон бу ҳаётда комилликка эришиши мумкинми?" сингари саволларни ўртага ташлаш ўқувчиларда асарни ўқишга бўлган мотивацияни кучайтиришга ёрдам беради. Бундай йўналтирувчи саволларнинг ўзига хос хусусияти шундаки, асар билан танишгандан кейин ҳам уларга қайтиб, ўқувчиларнинг асарни ўқиш натижасида бу саволларга муносабати ўзгарган-ўзгармаганлигини солиштириш мумкин, бу эса ўқувчиларда рефлексия (ўз тажрибаси ҳақида чуқур мушоҳада юритиш) кўникмасини шакллантиришга хизмат қилади.

Хулоса ўрнида шуни қайд қилиш мумкинки, жаҳон педагогикаси, педагогик психологияси ва методикаси ютуқларидан адабиёт дарсларида унумли фойдаланиш ўқувчиларда миллий адаби-

ётимизни, жумладан, Навоий сингари мумтоз адабиётимиз даҳоларини яхшироқ англашга, ҳис қилишга, ўрганилаётган асарлар юзасидан фикрлашга ёрдам беради.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “МУҲОКАМАТ УЛ-ЛУҒАТАЙН” АСАРИДАГИ ЛИНГВИСТИК ҚАРАШЛАР

Гавҳар КОМИЛОВА
(ТошДЎТАУ)

Инсонни нутқ ва тил билан шарафлаб, тилининг ширинлиги, фикр баён этишининг гўзаллиги, шукр айтишнинг шакари, (Оллоҳнинг бирлигига) гувоҳлик беришининг асали ва миннатдорчилиги туфайли уни (инсонни) яратган, барча бошқа жонзотлардан улуг ва мумтоз қилган Аллоҳга ҳамду санолар бўлсин.[1]

Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”асари 1499 йилда ёзилган бўлиб, тилшуносликка бағишланган асаридир. Тарихдан маълумки, адиб яшаб ижод қилган давр адабий муҳитида, сиёсий ва иқтисодий ҳаётида туркий тил мавқеъ жиҳатидан орқада қолган, оддийгина халқ тили сифатида яшар эди. Мазкур асарда туркий ва форсий тиллар фонетикаси, морфологияси ва лексикаси доирасида ўзаро қиёсланиб, туркий тилнинг бир қатор имкониятлари очиб берилган. Фонетика борасидаги қарашларида форсий тилда чегара борлиги, туркий тилда эса унлилар фарқловчи хусусиятларга эгалиги, узун-қисқалиги билан ажралиб туришини далиллар билан қайд этади. Сўз ясалишига оид қарашларида эса сўз ясовчи –чи аффикснинг маҳсулдор эканлиги, мазкур аффикс ёрдамида форсий тилда ҳам сўз ясалиши хусусида гапиради.

“Муҳокамат ул-луғатайн” асари тилшунослик нуқтаи назаридан салмоқли ўрганилган. Олим Усмоновнинг“ Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асари ҳақида” (“Муҳокамат ул-луғатайн” Алишера Навоий) номзодлик диссертацияси[2], У.С.Санақуловнинг “Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг тили, фонетикаси ва морфологияси” номзодлик диссертацияси[3] шулар жумласидандир.

Навоийнинг мазкур тилшуносликка оид асарида адабий тил бош масалага айланган. Адиб туркийгўй шоирларни санаб ўтар экан, Лутфий ижодига алоҳида тўхталиб ўтади ва уни форс тилида ижод қилган шоирлар билан тенглаша оладиган даражада деб таърифлайди. “Муҳокамат ул-луғатайн” туркий тил бўйича амалга оширилган тадбирлар хусусида, Ҳусайн Бойқаронинг туркийгўй шоирларни она тилида ижод қилишга чақирган фармонлари чиқарганлиги тўғрисида бир қатор маълумотлар келтирилган. Ҳазрат Навоий форсий ва туркий тиллар лексикасини қиёслар экан, омонимлик ва сўзларнинг кўп маънолиги жиҳатидан туркий тилларда имкониятлар кўплигини, уларни шеъриятда нозик маъноларни ифодалаб, туюқ ва ийҳом санъатларини вужудга келтиришини бу ҳақда “Мезон ул-авзон” асарида ҳам тўхталиб ўтганини айтади.

Туюқ жанри тажнис санъати билан бунёд бўлиши ҳаммамизга маълум. Буюк мутаффаккир олим мазкур асарида бир қатор омоним (шаклдош) сўзлар мисолида туркий тиллар лексикасининг бойлиги, сўзларни шакл ва маъно муносабатига кўра турлари ва уларни бадиий адабиётда тутган ўрни ҳақида ҳам тилшунос, ҳам адабиётшунос сифатида қимматли маълумотлар беради. Масалан, *от, ит, туш, ён, ёқ, бор, соғин, туз, кўк, ўт, тўр, тер*[4].

1 А. Навоий. Тўла асарлар тўплами. 10жилд.Тошкент, 2013,506-бет.

2 О. Усмонов. “Муҳокамат ул-луғатайн”. Алишера Навоий номзодлик диссертатсияси. Тошкент,1947.

3 У.С.Санақулов: “Навоийнинг“Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг тили, фонетикаси ва морфологияси” номзодлик диссертатияси. Тошкент,1971.

4 Уша асар. 514-515-бетлар.

“Яна шеърда барча таъб аҳли қошида равшан ва мажмуи фусаҳо олдида мубарҳандурки, тажнис ва ийҳом бағоят куллийдур. Ва бу фархунда иборат ва хужаста алфоз ва ишоратда форсийдан кўпрак тажнисомуз лафз ва ийҳомангиз нукта борки, назмга мужиби зебу зийнат ва боиси такаллуфу санъатдир. Масалан, от лафзики, бир маъниси аламдир, яна бир маъниси маркабдир, яна бир маъниси амрдирки, тошни ёки ўқни от, деб буюрғайлар. Бу тажнисда мундоғ дейилубдурким:

Чун парию ҳурдур отинг, бегим,
Суръат ичра дев эрур отинг, бегим,
Ҳар ҳадангиким, улус андин қочар,
Нотавон жоним сари отинг, бегим.

Ва бу икки байтки, тажниси томдир, ҳам турк шуароси хоссасидурки, сортда йўқдур ва муни туюғ дерлар[1]. Демак, биринчи мисрада исм, иккинчи мисрада от (ҳайвон) ва тўртинчи мисрада феъл бўлиб, ҳаракатни ифодалаб келган.

Яна *ит* сўзи ҳам омоним сифатида изоҳланиб:

Эй, рақиб, ўзни анга тутсанг ҳам ит,
Бизга раҳм айлаб анинг кўйидин ит.
Гарчи бор дўзахча ишқинг
Бизни ўз илгинг била ул сори ит[2].

Яъни биринчи мисрада ит каби содиқлик маъносида, иккинчи мисрада *атрофидан қоч* маъносида, тўртинчи мисрада эса *итармоқ, олиб бормоқ* маъноларида қўлланган. Ҳозирги ўзбек тилида бу сўз шаклдош бўлиб эмас, кўчма маънода содиқ семасида ишлатилади, Семиотика нуқтаи назаридан дўст, содиқлик символи сифатида ҳам вазифа бажаради.

Туш, ён, ёқ сўзларини ҳам 3 ўринда шаклдош бўлиб келиши, бор сўзи 4 ўринда шаклдош бўлиб келиши айтилади: “бор лафзики, бир маъниси мавжудлиғдир ва бир маъниси амрдир – борувға ва бир маъниси юкдир ва бир маъниси самардир”.[3] Ўзбек тили омонимларининг изоҳли луғатида бор сўзи 4 ўринда шаклдошлиги қайд қилинган[4].

5 ўринда шаклдош сўз сифатида эса ***соғин*** лафзини келтиради Ҳазрат Навоий. “бир маъниси ёд қилмоққа амрдир ва бири сутлик қўй отидир ва ишқ масти ва мажнуни ва бемори муқобаласида соғин деса, ҳар бирига итлоқ қилса бўлур”[5]. Яъни *соғин(*1) – эслагин, *соғин* (2) – соғиладиган қўй ёки янги туққан қўй, *соғин* (3) – соғинмоқ маъносида қўлланади. Ҳозирги кунда ҳам сут берадиган сигирларга нисбатан **соғин** сўзи ишлатилади.

Туз ҳақида: “ўқ ё найзадек нимани дерлар. Яна туз – ҳамвор даштни дерлар, яна туз – рост кишини дерлар, яна туз – созни турмакка амр қилмакни, яна туз – икки киши орасида мувофақат солмоқни ва яна туз – бир мажлис асбобини ҳам деса бўлур”[6]. Яъни туз (1) - ўқдек тўғри кўришдаги нарса, туз (2) -текис дашт, туз(3) – тўғри сўз одам, туз (4) – мусиқа асбобларини созлаш, туз (5) – икки киши ўртасидаги келишув тузиш, туз(6) – мажлис тузмоқ. Яна кўк ҳақида: “осмон, оҳанг, теграда кўкламдир, қадоғини ҳам дерлар ва савза ва ўланни дерлар[7].

1 Уша асар. 514-515-бетлар.
2 Уша асар. 514-515-бетлар.
3 Уша асар. 515-бет.
4 Ш. Раҳматуллаев. Ўзбек тили омонимлариниг изоҳли луғати. Т., 1984. 32-33-бетлар.
5 Уша асар. 515-бет.
6 Уша асар: 515-bet
7 Уша асар: 515-bet

Бу навъ алфоз ҳамки, уч маъни ва тўрт маъни ва ортиғроқким, ирода қилса бўлғай, кўп борки, форсий алфозда йўқдир[1]. Яна бир мисол: тўр “ тўр домдир, тўр андин дақиқрокдурки: қуш ўлтурур йиғочдур, ва тўрки, андин дақиқрокдур::уйнинг тўридур ва тўрки, барчадан ариқдур: тўрлуғуни ё эшикни тўрмак уйдур.[2] Тўр сўзи ҳам омоним, ҳам кўп маънолилиги билан тилимизнинг имкониятларини кўрсатувчи далиллардандир. 1.***Тўр*** – ов қилиш жараёнида қуш, балиқ ва ҳайвонларни тутишда ишлатиладиган овчиларнинг асбоби. 2. ***Тўр*** – қуш ўтирадиган дарахтнинг шохи. 2. ***Тўр*** – уйнинг, яъни маълум бир хонанинг энг юқори қисми, Меҳмонларга ҳурмат юзасидан уларни шу ерга таклиф қиламиз. Сўзлашув ва бадиий адабиётда *тўримга мос эмас* сифатида ишлатилиб, ўзига муносиб кўрмаган инсонларга нисбатан ҳам қўлланилади. Бу гапда ***тўр*** полисемантик вазифа бажарган.

Демак, Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида ўзбек тили лексикологияси, морфемикасига оид илк лингвистик тадқиқотларга тамал тоши қўйилган десак хато қилмаган бўламиз.

ҲАЗРАТ НАВОИЙ МУАММОЛАРИ ФРАНЦУЗ ТИЛИДА

Ёрқиной НАСИРДИНОВА
(АндДУ)

Француз шарқшунос олими, профессор Реми Дор ўзбек адабиёти дурдоналари намуналаридан бир нечтасини француз тилига ўгирди. Улар ичида буюк мутафаккир Ҳазрат Алишер Навоийнинг муаммолари ҳам ўрин олган.

Муаммо санъати дунё адабиётида турли ном ва турли шаклларда ривожланган. Францияда ушбу ҳарфий ўйинлар XV асргача қўлланилиб, шоир ва ёзувчи исми ҳарфлари шеър мисраларига яширилган ва «яширинган имзо» деб номланган. Шу даврда яшаган Француа Вийоннинг деярли барча асарлари анаграмма номи билан юқоридаги жанрда ёзилган. XVII-XVIII асрга келиб мазкур санъат тури Францияда бироз эскирган ва унутилган бўлса-да, Россия, Италияда эса анаграмма, акростих ва бошка ҳарфий ўйинлар шаклида ривожланди. Ҳозирда ҳам бу мамлакатларда ушбу илмни ўрганувчи кўплаб уюшма ва жамиятларни топиш мумкин.

Профессор Реми Дор муаммо илмининг дунё адабиётида икки тоифага бўлиниши ва уларнинг алоҳида ўрганилишини таъкидлайди.[3] Биринчи тоифага топишмоқлар мансуб бўлиб, уларда маълум бир сўз яширинган бўлса, иккинчи тоифадаги муаммоларда ҳарфлар яширинган ва улар ўзбек адабиётидаги муаммо санъатига мос келади. Француз олими М.Бернассони яширинган сўзни топишга қаратилган етти жанр борлигини билдиради. Улар маълум бир сўзнинг бошқа сўз билан алоқаси, охангдошлиги, келиб чиқиши, ҳарфлар ва товушлар сони билан боғлиқ.[4] Бу сўз ўйини француз тилида *«грипҳос»* - ҳарф сўзидан олинган логогриф (ле логогрипҳе) деб номланади. Логогриф қадимдан маълум бўлган адабий ўйин бўлиб, бир сўзга ҳарфлар қўшиш ёки айириш орқали янги сўз ясалади. Таржимон бир лотин кишининг дўстига ёзган ҳатидаги логогрифни келтиради: « митто тиби навем прора пуппикуе сарентем», «мен сенга тумшуқсиз ва қуйруқсиз кема юборяпман». Лотин тилида кема сўзи «навем» деб аталади. Унинг тумшуги *n* ҳарфини ва қуйруғи *m* ҳарфини олиб ташласак ***аве - салом***сўзи хосил бўлади. Бу адабий санъат тури ўзбек тилидаги муаммоларда ҳам кенг ифодасини топган.

1 Уша асар: 515-bet
2 Уша асар: 515-bet

3 Remy Dor. L’Enigme du Nom Propre. Langes Mondes IFEAC. 2006.
4 M. Bernasconi, Histoire des enigmes, Paris: PUF, 1964, p. 10

Муаммоларни француз тилига ўгириш жараёнида Реми Дор учун асосий манба Л. Зохидовнинг «Алишер Навоий ижодида муаммо жанри» қўлланмаси бўлди. Муаммолар эса Навоийнинг «Девони Фоний», «Рисола-и Муфрадот», «Наводир уш-шабоб» асарларидан олинган. Бу уч асарда келтирилган муаммолар сони 500 дан ортиқ бўлиб, 121 таси»Рисола-и Муфрадот» да қайд қилинган.

Француз шарқшуноси Навоийнинг форсий муаммоларининг Л. Зохидов томонидан ўзбек тилига ўгирилган таржималаридан фойдаланганлигини айтса ҳам, кўпроқ аслиятга таянганлигини айтади. Баъзи холлардагина муаммо ечимига оид кўрсатмаларга асосланди. «Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати», «Ўзбек классик адабиёти асарлари учун қисқача луғат», Э. Фозиловнинг «Старо узбекский язык", "Хорезмские памятники XIV века», француз тилшуноси Жилбер Лазарнинг «Дистионнаиреперсан-франсаис, Теҳеран, 1996 (форсча-французчалуғат) луғати муаммоларни француз тилига ўгиришда ёрдамчи манба бўлиб ҳизмат қилди. XV аср ўзбек шеъриятига хос характерли хусусиятларни яхши тушуниш учун муаллиф Э.Р. Рустамовнинг «Ўзбекская поэзия: В первой половине XV века» номли асарни тавсия этади.

Муаллиф таржимага киришишдан аввал бошқа халқлар адабиётидан ҳам муаммо ҳақида маълумот тўплайди. Француз олими Гарсин де Тассининг «Рҳеторикуе эт просодие дес лангуес де лъОриент мусулман «(Шарқмусулмонларининг тили просодия ва риторикаси), Парис, 1873, 2 эдитион, асарининг 3-боби логогриф ва унинг бошқа турларига бағишланганлигини айтиб ўтади. XVIII асрда ижод қилган форс шоири Мир Шамс уд-дин Фақир Деҳлавийнинг «Ҳадойиқ ул-балоғат» асарини француз тилига таржима қилишда Реми Дор муаммо санъатига қуйидагича таъриф беради: «Хиндистон мусулмонлари шеъриятида, тўғрисини айтганда, муаммо санъати кам ривожланган. Мазкур жанрнинг мураккаблиги туфайли, уни француз тилида беролмадим. Айниқса муаллиф жанр хусусиятларини тушунтиришда келтирган мисолларга. Натижада берилган мисоллар аниқлигини баҳолаш қийин кечди. Шамс уд-дин Фақир Деҳлавий берган маълумотлардаги камчиликларни Навоий ғоялари тўлдириб, менга муаммоларни ўгиришда сўқмоқни ёритувчи чироқ сингари ҳизмат қилди."

Реми Дор муаммо жанрини мураккаб, қорongу, ноаниқ бир оламга ўхшатади. Унинг сўқмоқлари кўп бўлиб, жуда кам ёритилган. Бу жанрда шоир ўзини эркин ҳис этади. У ўз ғояларини шунчалар қисқа, лўнда ифодалайдики, бир қарашда ҳеч нарсани англаб бўлмайди. Муаммо муаллифи кўпроқ жавоб, муаммонинг ечимини кўрсатади-ю, ечиш усуллари сир тутилади. Бунда муаммо ўқувчисига ҳам, таржимонга ҳам пухта билим ва кенг дунёқарашгина қўл келади. Шунинг учун Навоий даврида муаммо шоирлар бадиий маҳоратини баҳолаш мезони вазифасини ўтаган. Жамият аъзолари учун эса ақлни чарҳлаш, фикрни такомиллаштириш воситаси бўлган. Ўзбек муаммоларининг ўзига хос таровати билан француз китобхонларини таништириш учун муаллиф қуйидаги таржима ишларини олиб борди.

Ўзбек шеърларининг ҳар қандай турини француз силлабикасида аслият вазнига бир бўғин қўшиш орқали ўгириш мумкин. Бироқ баъзи холларда бўғинлар сони шеър мисралари учун умумий бўлиб қолади. Бу эса ўзбек шеъриятида бўғинлар сонига асосланган байтлар учун ҳар доим ҳам мос келавермайди. Таржимада урғу, аниқлик ва байтни чиройли ўқилиши учун, доим қатор охирига туширилди. Худди шу мақсадда таржимада француз тилининг ҳозирги замон луғати қўл келди. Ушбу луғатдан топилмаган баъзи сўзларга ўкувчи катта томли ўрта аср ва уйғониш даври луғатларини варақлаб юрмаслиги учун, изоҳ бериб ўтилди.

Реми Дор байтларда қофияни сақлашга ҳаракат қилди, баъзи холларда эса фақат ассонанс – ҳамоҳанглик билан кифояланди. Ўзбек тилидаги қисқа товушларни ифодалаш учун эллизиядан (охирги ҳарфи унли бўлган сўзнинг унли билан бошланган сўз олдидан келганда, унли кетма товушлар келганда бир унлининг тушиб қолиши) фойдаланди. Бу кўпроқ вазн ўлчовини сақлаб қолишга ёрдам беради.

Тўплам тўқсон тўққиз муаммога жавоб тарзида ҳозирги замон алифбосида ёзилган. Ўз исмига ёзилган муаммони топиш учун ўзбек ўкувчилари француз алифбоси тартибига асосан қидиради-

лар. Француз тилидаги таржимадан сўнг муаммонинг ўзбек тилидаги шакли келади. Ечим осон топилиши учун байтнинг форсий шакли ҳам келтирилди.

Муаммо ечимига схематик тарзда калит берилди. Биринчи қаторда муаммо ечимига йўналтирувчи сўзлар, иккинчи қаторда муаммо тури, учинчи қаторда эса муаммони ечиш усули берилди. Коментарий, яъни илова қисмида ечимда топилган исмларнинг маъноси, келиб чиқиши ҳақида аҳборот берилади. Бунинг учун таржимон Э. А. Бегматовнинг «Ўзбек исмлари маъноси», Ф. Сумер*"Турк девлетлари тариҳин деш аҳисадлари"* ,Истанбул, 1999(2 том) «Турк давлатлари тарихида шахс отлари», Р. Эл Кҳаят *«Ле Ливредеспреномсду Магҳребетду Моен-Ориент «,* Сасабланса, 2004. Атоқли номлар маъносининг келиб чиқиш тарихига қизиккан ўқувчилар учун эса француzча А.Фин, Ф.Р. Уэлетларнинг "*Ле Ном данс ла сосиетес оссиденталес сонтемпораинес,* Тоулоусе, 2005"(Ҳозирги давр Ғарб мамлакатларида атоқли отлар) қўлланмаси тавсия этилди.

Муаммо қоидаларини тўла ўрганиш учун эса Л. Зоҳидовнинг "Алишер Навоий ижодида муаммо жанри" қўлланмасини тавсия қиламиз. Алишер Навоий даври адабий ҳаракатчилигида муаммога якин турган луғаз, таърих жанрлари, мақлуби мустави, ҳарф санъати каби санъатлар ҳам ривожланди. Шаклпараст, хушомадгўй сарой шоирлари маънога эътибор бермай маклуби мустави ва ҳарф санъати каби санъатларни қўллаб шаклбозлик билан шуғулланиб адабиётни тушкунликка судрасалар, прогрессив шоирлар луғаз ва таърих жанрида ҳам шеъриятнинг ажойиб дурдоналарини яратдилар, мазкур санъатлардан ўз асарларида баъзи нозик маъно ва мавҳумликларни баён қилишда маҳорат билан фойдаландилар. Алишер Навоий, Абдурахмон Жомий, Зайниддин Восифийлар лирикасидаги муаммо элементлари барча асарларни безаб туради. Буни биз Навоий лирикасида айниқса «Ҳайратул-аброр» асарида, Жомий ғазал ва қасидаларида кузатамиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ВА ЛУҒАТЧИЛИК АНЪАНАСИ

Султон НОРМАМАТОВ
(ГулДУ)

Алишер Навоий ўзбек адабиёти тарихида катта мавқега эга буюк сиймодир. У ўзининг бутун ҳаёти ва фаолияти давомида ўз халқининг адабиёти ва адабий тилини ҳимоя қилиш, ривожлантиришдек жуда катта ва муҳим масалани кўтариб чиқди ҳамда умрининг охиригача ўзбек адабий тили ва адабиётини юксак даражага кўтариш учун курашди. Аслида, Навоий наздида миллий адабиёт учун кураш адабий тил ривожи учун кураш эди. Бу йўлда у ўзининг қатор асарлари билан она тилини адабий тил даражасига кўтариш, адабиёт учун ягона тил яратиш ишида тинимсиз саъй-ҳаракатлар қилди ва бунинг натижаси ўлароқ ўзидан бой шеърий, насрий ва илмий мерос қолдирди. Алишер Навоий ижодиётига қизиқиш шоир ҳаётлиги давридаёқ бошланган эди. Ўша давр тарихчилари ва шоирлари унинг ижодига юксак баҳо бердилар ва ундан ижодий фойдаландилар. Ҳатто шоир асарларини ўрганувчилар учун махсус луғатлар ҳам тузилган эди.

Алишер Навоий ижодини янгича тилшунослик ва адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш XX аср бошларида ижод қилган жадид ёзувчилари ва олимлари фаолияти билан боғлиқдир. Бу ўринда профессор Абдурауф Фитрат хизматларини алоҳида таъкидлаш лозим бўлади. Фитрат мумтоз адабиётимиз тарихи ҳақидаги илмий тадқиқотларида, адабий мавзулардаги мақола ва тақризларида адабиётшунос олим сифатида Алишер Навоийнинг ижодини синчковлик билан ўрганди. Жумладан, Абдурауф Фитратнинг 1928 йилда нашр қилинган "Ўзбек адабиёти намуналари" номли мажмуасида Навоийнинг деярли барча асарларига мурожаат қилиб, миллий адабиётимизнинг нодир намуналари жамлаганлиги ҳамда уни кенг халқ оммасига етказиш ишига бел боғлаганлиги Навоийнинг шахси ва ижодига янгича муносабат, янгича қарашнинг илк маҳсули эди. Қуйида

унинг бу хизматлари баробарида луғатчилик соҳасидаги, яъни Навоий асарлари тилида қўлланган сўзларнинг изоҳи масаласидаги изланишлари ҳақида фикр юритмоқчимиз. Навоийнинг авлодларига қолдирган сабоқлари бисёр бўлиб, шулардан бири унинг тил, сўз ҳақидаги сабоқларидир. Фитрат бу масалага алоҳида эътибор қаратгани ҳолда мажмуада "Муҳокамат-ул-луғатайн" асаридаги мутафаккир шоир қўллаган сўзларнинг маъно, мазмун-моҳиятини ёритишга ҳаракат қилади, ўша давр китобхони учун тушунарсиз бўлган соф туркийча, арабча ва форсча сўзларни шарҳлаб, изоҳини ҳаволалар ёки мақола охрида махсус луғат тарзида бериб ўтади. Муаллиф "Муҳокамат-ул-луғатайн" асаридан намуналар келтирар экан, Навоий келтирган форс тилида муқобили бўлмаган 100 га яқин соф туркийча феълни ўзига хос тарзда шарҳлайди. Масалан, *қувармоқ (турли тусда кўринмоқ), игланмак (маҳкамланмоқ), сиғриқмоқ (қочмоқ), чиқанмоқ (оёқ ости бўлмоқ), кўнкурдамак (қаримоқ), ёдамоқ (ҳолсиз қолмоқ), жирғамоқ (кайф-сафо қилмоқ), ўсанмоқ (безмоқ)* каби феълларнинг "Муҳокамат ул-луғатайн" асарининг Париж, Боқчасарой, Қўқон нусхаларида берилишини бири-бирига солиштиради ва айни пайтда матндаги хатоликларни ҳам кўрсатиб ўтади: *"...Киксамоқ: Париж босмасида шундай ёзилған. Қўқон босмасида "қинграмоқ" шаклида кўрсатилған, тўғриси шу "қинграмоқ"дир...";"...мунғаймоқ: "мунғланмоқ". Қўқон босмасида "мунғанмоқ" ёзилған, янглишдир..."*. Кўринадики, профессор Фитрат матндаги соф туркийча сўзлар маъноси ва унинг изоҳига жиддий эътибор қаратган, чунки бу ўринда Навоий асарлари мазмунини ўз ҳолича кенг халқ оммасига етказиш вазифаси биринчи галдаги вазифа ҳисобланса, ўша давр, яъни XX аср бошларидаги адабий тилимиз лексик фондидаги арабча ҳамда форсча лексемаларни туркийча сўзлар билан алмаштириш зарурати, керакли ўринларда мумтоз бадиий асарларимиз тилидан улар ўрнига соф туркийча муқобилларини топиш вазифаси ҳам кун тартибидаги масалалардан эди. Шунингдек, муаллиф сўзлар изоҳи жараёнидаАлишер Навоий келтирган туркийча иш-ҳаракат лексемаларини Маҳмуд Кошғарийнинг "Девону луғатит турк", Сулаймон Бухорийнинг "Луғати чиғатойи ва турки усмоний" (XIX аср) асарларида берилган варианти билан ўзаро муқояса қилади: *"... Қувармоқ: "турлича тусда кўринмак". Шайх Сулаймоннинг "Луғати чиғатойи" да "қувадмоқ" ёзилған, бу босмахона янглишидир...";"...Жижчаймоқ: англашилмади. Шайх Сулаймон луғатида "қаттиғ кулмак" маъносида"жиржаймоқ" сўзи бор. Балким, бунинг ҳам тўғриси шудир..."*.

Эътибор берганимиздек, муаллиф Навоий қелтирган туркийча сўзларнинг тўғри изоҳини беришда ниҳоятда эҳтиёткорлик билан иш тутган, имкон қадар сўзлар ифодалаган тўғри маъноларни излаб топишга,баъзида эса ишончли манбалар асосида маълумотлар олишга ҳаракат қилган.

Сўз тилнинг ойнаси саналади. Даврлар билан боғлиқ фонетик ва грамматик ўзига хосликлар, аввало, сўзда ўз аксини топади. Буни яхши англаган Фитрат сўзлар маъносини изоҳлашда уларнинг этимологияси ҳамда даврлар ўтиши билан содир бўладиган турли товуш ўзгаришларини ҳам ҳисобга олган ҳолда мантиқий хулосалар чиқаради:*"...сиқирмоқ: "нола қилмоқ", "сиғтамоқ: "қаттиқ йиғламоқ". Навоий "Муҳокаматул луғатайн"да буни сиқтамоқ шаклида кўрсатадир. Юқоридаги "сиқирмоқ" ҳам шу томурдандир. Бизда букун "йиғи, сиғи", "йиғлаб, сихтаб" сўзи борким "сиғи" шу томурдандур*".

Юқоридаги таҳлиллар асосида шуни айтишимиз мумкинки, филология илмининг барча соҳалари билан жиддий шуғулланган Абдурауф Фитратнинг луғатчилик соҳасида олиб борган изланишларини ҳам махсус тадқиқ қилиш, сўзларни изоҳлашдаги тамойилларини ўрганиш ҳамда ўзбек луғатчилигининг шаклланиши ва ривожланишидаги хизматларини белгилаш бугунги кун ўзбек лексикографияси фани учун қимматлидир.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ЁШЛАРНИНГ МАЪНАВИЙ ТАРБИЯСИНИНГ ИФОДАЛАНИШИ

Баҳриддин Салимов
(ТошТЙМИ)

Азал азалдан кишилик жамиятнинг ривожида маънавият ва маърифат масалалари муҳим аҳамият касб этиб келган. Зеро, маънавият ва маърифат масалалари жамият ҳаётидаги жараёнларнинг кечишида катта ўрин тутади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, жамият маънавий ҳаётидаги жараёнларнинг юз бериши фақат ва яна фақат инсонларнинг фаолиятларига боғлиқдир. Яна бир мулоҳаза, назаримизда маънавий жиҳатдан юксак бўлган жамиятда нохушликларнинг рўй бериш эҳтимоли жуда паст бўлади. Негаки, бундай жамиятда яшовчи инсонларнинг маънавияти ҳам юксак бўлади. Маънавиятли киши эса нима яхшию, нима ёмонлигини аниқ билади. Маънавиятли киши ўз хатти-ҳаракатларининг тўғри ёки нотўғрилигини ҳам яхши англайди. Шу боис ҳам маънавият масалаларига ўтмишда яшаб ўтган буюк алломаларимиз ҳам ўз эътиборларини қаратишган. Буюк шоир Алишер Навоий ижодида маънавиятнинг асослари ҳисобланган инсонларнинг ўзини тутиши, ўзаро муносабатлари ва муомаласи, илм, таълим-тарбия соҳалари борасида бетакрор, ҳозирги кунда ҳам ўз қадрини йўқотмаган фикр-мулоҳазаларни билдириб ўтган. Алишер Навоий назарида бир инсон бошқалар билан муомала қилар экан, ҳар бир кишининг феъл-атворига, яъни характерига қараб муомала қилиш лозимдир.

Ҳар кишининг тавриға лойиқ керак,
Сурати ҳолиға мувофиқ керак.
Кимки улуғроқ анга хизмат керак,
Улки кичикроқ анга шафқат керак.

Юқоридаги мисралардан кўриниб турибдики, буюк мутафаккир ўз давридаёқ ҳар кимнинг маънавияти турлича даражада бўлишлигини, айтилган фикрни ҳамма ҳам бир хил тушунавермаслигини, балки ҳар ким ўз маънавиятига қараб атрофидагиларини тушуниши мумкинлигини англаб етади. Демак, бундан келиб чиқадики, инсонларнинг маънавияти турлича бўлади. Маънавиятсиз одам йўқ. Фақат маънавияти баркамол ёки тубан, бой ёки қашшоқ, юксак ёки паст бўлиши мумкин. Ҳар бир одамнинг маънавиятини қайси даражада бўлиши эса, уларни ўраб турган муҳитга ёки жамиятга ҳам боғлиқ бўлади. Бошқача қилиб айтганда, кишиларнинг маънавий даражасини у яшаётган жамиятнинг маънавий ҳаёти маълум даражада белгилаб беради. Албатта, жамият жуда кенг тушунча, у бутун мамлакатни ўз ичига олади. Лекин, инсон ва жамият орасида яна бир қанча маънавий муҳитлар ёки маънавий алоқалар мавжуд бўлиб, улар ҳам кишиларнинг маънавиятини юксалишида ўзига хос ўринга эга. Буларга аввало, оила, маҳалла,мактаб, академик лицей ва коллежлар, олий ўқув юртлари, турли хил ташкилотлар, корхоналар, идоралар киради.

Биз биламизки, мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки вақтлардан бошлаб таълим-тарбия малаларига катта эътибор қаратиб келинмоқда. Бу борада ҳукуматимизнинг бир қанча махсус қарорлари ва қонунлари, Президент фармонлари қабул қилинган. 1997 йил 29 августда қабул қилинган «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури» ва «Таълим тўғрисида»ги қонун шулардан биридир. «Кадрлар тайёрлаш миллий дастури»нинг «Маънавий ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар» қисмида бу соҳада олиб борилиши керак бўлган тадбирлар белгилаб берилган: «Ёш авлодни маънавий ахлоқий тарбиялашда бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларига асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилади. Шахсни тарбиялаш ва уни ҳар томонлама камол топ-

тиришнинг устуворлиги таъминланади. Умумий ҳамда педагогик маданиятни ошириш мақсадида мамлакат аҳолиси орасидаги маърифий ишлар ташкиллаштириб борилади.

Ўзбекистон Мустақиллиги принципларига садоқатли ҳамда жамият тараққиётига муносиб ҳисса қўшишга қодир шахсни шакллантириш мақсадида таълим муассасалари, ота-оналар, оила, маҳалла қўмиталари, «маънавият ва маърифат» жамоатчилик маркази, жамоат ташкилотлари билан ўзаро пухта ҳамкорлик қиладилар».

Шуни эътироф этиш керакки, Алишер Навоий ҳам ўз ижодида таълим-тарбия ва илмга эътибор қаратиб, уларнинг ёшлар, умуман инсоният маънавиятини камол топтиришда муҳим аҳамият касб этишини эътироф этади. Илмдан халқ ва давлат манфаатини ўйламасдан, ўз мақсади йўлида фойдаланганларни қоралаб, бундай ҳаракатни жоҳиллик деб баҳолайди:

Илмни ким воситаи жох этар,
Ўзинию халқни гумрох этар.
Олим агар жоҳ учун ўлса залил,
Илми анинг жахлиға бўлғай далил.

Беназир сўз устаси бўлган Алишер Навоий илмли кишининг қадр-қиммати, ҳурмат-эътибори доимо баланд бўлишини таъкидлаган ҳолда, илм эгаси бўлган олимнинг мартабаси қандай бўлади деган саволга ўзининг қуйидаги оқилона жавобини беради:

Ким сангаким ҳашар сўзи кам эрур,
Бил анга монанд бу ҳаммом эрур.
Анда гадо Шаҳ била яксон бўлуб,
Шоҳу гадо барчаси урён бўлуб.
Жоҳи Жалол аҳли санингдек бори.
Ичкарию бору йўқи ташқари,
Илму амал аҳли менингдек тамом,
Ҳар не йиғиб, ҳамроҳ этиб вассалом.
Йўқ санга султонлик ила суд кўп,
Лек манга илм ила беҳбуд кўп.

НАВОИЙ ВА ЖАҲОН АЛЛОМАЛАРИНИНГ НИГОҲИДА ОНА ТИЛИ МУҲОФАЗАСИ МАСАЛАСИ

Камолиддин УМАРОВ
(АндДУ)

Тил муҳофазаси бугун глобал муаммога айланди. Бир жиҳатдан глобализация, компьютеризация ва виртуализация каби жараёнлар ҳам маълум маънода табиий тилларнинг мустақил ривожланишига, “тирик қолишига” таҳдид солмоқда. Айниқса, халқаро мақомга эга бўлган “катта тиллар” регионал тилларга, регионал тиллар миллий тилларга, миллий тиллар маҳаллий тилларга, улар эса диалектларга таъсир кўрсатмоқда. Яъни образли қилиб айтганда, катта тиллар кичик тилларни “ютиб юбормоқда”.[1]

1 Раҳимов А. Умаров К. Тилшуносликнинг назарий ва амалий муаммолари. (Республика илмий-амалий анжумани материаллари). Тошкент – 2013.

Хозирда дунёда 6809 та тил мавжуд[1], лекин уларнинг ҳаммаси инсоният учун бирдек “муомала воситаси” вазифасини бажара олмаётганлиги ачинарли ҳолдир. Жаҳонда мавжуд тилларнинг айримлари йўқолиб бориш, “ўлиш” хавфи остида турибди, яна айримлари кам сонли аҳолига “алоқа воситаси” бўлиб хизмат қилмоқда. Буларнинг барчаси маълум тил вакилининг ривожланган тиллар таъсирида ўз она тилисига бўлган эътиборнинг сусайиши оқибатидир.

Бугунги кундаги тил муаммоларини беш аср наридан теран кўра олган буюк олим Мир Алишер Навоий ўз асарларида тил софлиги масаласига алоҳида тўхталган. У бутун фаолиятини ўзбек маданиятини дунёга танитиш, ўзбек тили мавқеини баланд кўтаришга бағишлади. Унинг “Тилга ихтиёрсиз – элга эътиборсиз” деган ҳикматли сўзлари бутун башариятни ўз она тили ва халқини эъзозлашга чорлайди.

Жамиятимизда ўз она тилини ўрганишни астойдил ихтиёр қилмайдиган одамлар ҳам бор. Албатта, тил ўрганиш ихтиёрийдир. Аммо она тилига ихтиёрсиз бўлиш – уни писанд қилмасликдан ва элга эътиборсизликдан келиб чиқади. Алишер Навоий бу сўзларнинг ҳудди шу маъносига урғу беради. “Муҳокамат ул-луғатайн” асарини ўқиган француз олими М.Беллин 1861 йилда ёзган китобида Навоийнинг она тилига бу қадар катта эътибор берганини ватанпарварлик деб атайди: “Алишер Навоий ўз миллий тилининг афзалиятларини инкор этиб бўлмайдиган далиллар билан исботлаганлиги – ўз халқи орасида ватанпарварликни бошлаб берганлигидан далолатдир”.[2]

Француз олими узоқ Парижда туриб Алишер Навоийнинг ўз она тилини мардона ҳимоя қилганига бунчалик юксак баҳо бергани тасодиф эмас эди. Худди ўша XV асрнинг охирларида Навоий билан асрдош бўлган улуғ француз ёзувчиси Франсуа Рабле ҳам ўзининг “Гаргантюа ва Пантагрюэль” романи билан француз тилининг мустақил тараққиёти учун кураш олиб бораётганди.

Бу ерда ҳам бир-бирига қўшни француз ва италян тиллари орасида мусобақа ва мунозара юз беради. Бу мунозаранинг келиб чиқиш сабаблари эса “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг ёзилиш сабабларини эслатади.

Италияда халқчил адабий тил Франциядагидан кўра икки аср олдин шаклланганди. “Илоҳий комедия” муаллифи А.Данте халққа яқин бўлган итальян адабий тилининг асосчиси бўлди. А.Данте “Халқ тили ҳақида трактат” ёзиб, ҳар бир тилнинг бойликлари ва афзалиятлари халқ томонидан яратилишини айтади.

Навоий ҳам туркий тилнинг бойликлари ва афзалликларига далил келтирганда туркий халқлар томонидан яратилган қуйидаги сўз бойликларини мисол қилиб келтиради.

Отларни ёшларига ва зотларига қараб аташ: “қулун, той, ғўнон, дўнон, тўлан, тўбучоқ, арғумоқ, яка, ёбу”. Бу сўзлар туркий халқлар ҳаётига шу даражада боғлиққи, уларнинг таржимаси, эквивалентини форсий тилдан тополмайсиз. Форсигўйлар бу атамаларни туркий тилда айтадилар.

Навоий овланадиган ўрдакларнинг номларини ҳам келтиради: “жўрки ва эрка, суқтур ва олмабош, чақирқанот ва темирқанот, алапака ва боғчол” ва бу йўсунлиқ етмиш хил бўлурким, сорт борисин “мурғоби” дер ёки туркча оти билан – ўқ айтур”.[3]

А.Данте ҳам итальян халқининг тилига хос мана шундай бетакрор бойликлардан фойдаланиб, халқчил итальян адабий тилига асос солган эди.

Орадан икки аср ўтгандан кейин А.Дантенинг мана шу тажрибасидан француз ёзувчилари ижодий фойдаланадилар. Ф.Рабле ўзининг Гаргантюа номли қаҳрамони учун 153 хил ўйинлар, 138 хил овқатлар, 98 хил илонларнинг номларини француз тилидан топиб беради. Ф.Рабленинг француз тили бойликларини исботлаш борасида тутган йўли ҳам Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн”да тутган йўлига ўхшашдир.

1 http://www.endangeredlanguages.com/.

2 М.Беллин. “Мир Алишер Навоий биографияси ва ижоди”. Париж. 1982. Француз тилидан таржимаси А.К.Боровковнинг “Алишер Навоий ўзбек адабий тилининг асосчиси” китобидан олинди. 36-бет.

3 Алишер Навоий. Асарлар. XIV жилд. 1967. 116-б.

Навоий туркий тилни менсимасдан нуқул жимжимадор форсий тилда сийқа ва юзаки гаплар айтадиган ва заиф шеърлар ёзадиган юқори табақа зодагонларини танқид остига олгани каби Рабле давридаги француз ватанпарварлари ҳам ўз она тилларини менсимаган ана шундай зодагонларни ҳажв қиладилар. Ҳудди шу XVI асрда Дю Белле деган шоир бошчилигида бир гуруҳ олимлар ва ёзувчилар "Француз тилини ҳимоя қилиш ва улуғлаш" номли манифест қабул қиладилар. Бу манифестда: "Она тилини ҳимоя қилиш – ватанни ҳимоя қилиш билан баробардир" деган фикр олдинга сурилади.[1]

Тиллар мунозараси орадан яна икки аср ўтгандан кейин Россияга ҳам етиб боради. Бу асрлар давомида француз тили жуда тез тараққий этиб, энди ўз таъсирини рус тилига ҳам ўтказа бошлайди. А.С.Пушкиннинг "Евгений Онегин" романида бош қаҳрамон Татьяна ўз она тилини яхши билмаганлиги учун севган йигитига французь тилида хат ёзади.

Бу – юқори табақа зодагонлари орасида кенг тарқалган одат эди. Ватанпарвар тарихчи адиб Н.М.Карамзин бу одатга қарши қуйидаги сўзларни ёзади: "Бизнинг зодагонлар рус билан русча гаплашмасдан нуқул бузуқ француз тилида сўзлашишади. Яхши жамият деб аталган юқори табақамизда француз тилини билмасангиз кар ва гунга ўхшаб қоласиз... Уят эмасми?.. Рус тилида француз тилидагига нисбатан уйғунлик кучли. Бизда ўз ҳаётимизни ифодалайдиган сўзлар француз тилидагидан кўра кўпроқ".[2]

Чиндан ҳам, ҳар бир тилнинг бетакрор сўзлари, атамалари шу тилни яратган халқнинг ҳаёт тарзини, тарихини, турмуш шароитларини, психологиясини ифода этиш эхтиёжидан туғилади.

Келтирилган фактларни якунлаб, итальян, француз, рус тиллари орасида бўлгани каби форсий ва туркий тиллар орасида ҳам тарихда бўлиб ўтган "тиллар баҳси"ни умумий бир қонуният келтириб чиқарганини айтишимиз керак. Бу қонуният шундан иборатки, ҳар бир тилнинг қудрати ва афзалиятлари шу тилни яратган халқнинг ўзи билан бирга яшасагина ривожланиб, ўсиб боради. Ўз халқидан ва сарзаминидан узилиб қолган тил табиий кучини, бойлиги ва гўзаллигини йўқота бошлайди. Демак, эл борки, тил бор. Элдан узилмаган одам тилдан ҳам айрилмайди.[3]

Бизнинг бу хулосаларимиз Алишер Навоийнинг "Тилга ихтиёрсизлик элга эътиборсизликдан келиб чиқади", деган фикрини яна бир бор тасдиқ этади.

Глобаллашган замонда яшаётган бугунги кун ёшлари хорижий тилларни пухта ўргансинлар, бироқ бу ўз она тилининг унутилиши эвазига бўлмасин.

ЮСУФ ХОС ҲОЖИБ ВА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТИЛ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ МАҲОРАТИ

Муштарий ХОЛМУРАДОВА
(ТошДЎТАУ)

Ўзбек мумтоз адабиётининг нодир манбаларида муштарак фикрлар, умумий қарашлар, ўхшаш талқинлар кўп. Бу ҳолат мавжуд ижтимоий-сиёсий вазият, иқтисодий муносабатлар, мутафаккирларнинг эзгу мақсадлари, воқеликни идрок қилиш имкониятлари, қобилиятлари билан белгиланади. Икки буюк ижодкор Юсуф Хос Ҳожиб ва Алишер Навоий асарларида ифодаланган фикрлар, ғояларнинг бир-бирига ўхшашлиги, қарашларнинг мутаносиблигини кузатишимиз мумкин.

Алишер Навоийнинг олам манзараси, нутқ маданияти, суҳбатлашиш одоби, ижтимоий муносабатлар ҳақидаги қарашлари Юсуф Хос Ҳожибнинг шу масаладаги фикрлари билан ҳамоҳангдир.

1 Р.А.Будагов. "Адабий тиллар ва услублар". М., 1967 й. 353-б.
2 Рус ёзувчилари тил ҳақида. Тўплам. Л., 1954 й, 57-б.
3 Қодиров П. Тил ва эл. Т., 2005, 7-бет.

Сўз маъноси, унинг услубий нозикликларини англаш, бадиий тасвир ёритишдаги ўрнини кўрсатиш масаласида ҳам ҳар икки мутафаккир қарашлари ўзаро мос келади.

Масалан, Юсуф Хос Ҳожибнинг "Қутадғу билиг" асарида билим, кўнгил хусусида қуйидаги фикрлар илгари сурилган:

Киşи көŋли түпсüз теŋиз täг турур

Билиг йинçü болсун керäк сай таşı. (212)[1] "Киши кўнгли тубсиз денгиз кабидир, Билим инжу каби (унинг) тубида ётади". (208)[2]

Бу байтда инсон кўнгли тубсиз денгизга қиёс қилинади. Билим эса ана шу денгиз тубидаги инжуга ўхшатилади.

Алишер Навоийнинг "Муҳокаматул луғатайн" асарида сўз ва кўнгил борасида шу фикрларга яқин тасвирларни учратамиз: "… *сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким, жоми маонийи жузв ва кулдур.* (яъниким " … сўз бир дур бўлиб, унинг дарёси кўнгилдир. Кўнгил шундай бир жой бўлиб, унда майда ва йирик маънолар тўплангандир").

Алишер Навоий бу образли ифодани янада такомиллаштириб, ғаввосни дурнинг ноёб хусусиятини намойиш қилувчи ва жавҳарни дур қийматини зоҳир этувчи восита сифатида келтиради:

*Андоқки, дарёдин гавҳар ғаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва анинг қиймати жавҳариға кўра зоҳир бўлур ("*Бу шунга ўхшайдики, гавҳар дарёдан ғаввос воситаси билан юзага чиқади, унинг қиймати эса, тошига қараб маълум бўлади").

Нутқ сўзловчини сўз дурини нутққа олиб кирувчи ва қўлланиш даражасини унинг қийматини намоён этувчи омил сифатида таърифлайди: *Кўнгулдин доғи сўз дури нутқ шарафиға соҳиби ихтисос василаси била гузориш ва оройиш кўргузур ва анинг қиймати ҳам мартабаси нисбатиға боқа интишор ва иштиҳор топар* " ("Сўз дури ҳам кўнгилдан сўзга чечан киши воситаси билан нутқ шарафига эришади, унинг қиймати ҳам ўзининг даражасига қараб шуҳрат қозонади ва ҳамма ёққа ёйилади").[3]

Кўнгилнинг денгизга ўхшатилишига "кенглик" семаси асос бўлган. "Ноёблик", "қимматбаҳолик" семаси сўзнинг дурга қиёсланишига асос бўлган. Ғаввоснинг дурни топиши ва қийматини зоҳир этиши нотиқнинг сўз маънолари жилосини намоён этишига ўхшатилган.

Юсуф Хос Ҳожиб ва Алишер Навоий ижодидаги ўзаро мутаносиб фикрлар бу ижодкорларнинг бир тил бойликларидан фойдаланиш даражаси, сўз қўллаш маҳорати ва образли тасвирлаш, бадиият яратиш имкониятлари билан ҳам белгиланади.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ ШАХС ФЕЪЛ-АТВОРИНИ ИФОДАЛОВЧИ ЛЕКСЕМАЛАР

Барно ҚОДИРОВА
(ТошДЎТАУ)

Белги-хусусият билдирувчи сўзлар кўпроқ бадиий услубда ишлатилиб, бадиий услубда ёзилган асарларни бадиий-эмоционал бўёқдорлигини оширишга, эстетик таъсир этишга, асар ғоясини таъсирчан ифодалашга, қаҳрамонларнинг образини очиб беришда кенг қўлланилади.

Ғазал мулкининг султони, буюк шоир Алишер Навоий асарларига мурожаат этар эканмиз, улар томонидан шахс ташқи кўриниши, белги–хусусият ифодаловчи, ранг билдирувчи сўзларнинг кўп ва ўринли ишлатилганлигига гувоҳ бўламиз.

1 "Қутадғу билиг". I,II,III,IV,V жилдлар. -Т:Жаҳон принт ,2011.77-бет.

2 Юсуф Хос Ҳожиб.Қутадғу билиг.-Т.,1972.93-бет.

3 Алишер Навоий. Муҳокамат ул-луғатайн (нашрга тайёрловчи Порсо Шамсиев). – Б.1

Алишер Навоий ўз асарларида ижобий шахс феъл-атворини ифодаловчи сўзлар орқали инсонларнинг ижобий фазилатларини таърифлайди. Ижобий образлар характерларини изоҳлаганда; *айбпўш, мунбасит*, *жигархор, жувонмард, зариф, зеҳнли, закий, зийрак, зиндадил* каби лексемаларидан фойдаланади.

Алишер Навоий "Мажолис ун – нафоис" асари қаҳрамони Мовлоно Монийнинг ташқи кўринишини унинг ички дунёси билан мутаносиб эканини зўр маҳорат ила таърифлайди.

Мовлоно Моний...соҳибжамол ва зариф ва раъно йигитдур.[1]

Ушбу мисолдаги *соҳибжамол* ва *зариф* лексемалари шахс ташқи қиёфасини ифодалаб, уни келишган, чириойли ва басавлатлигини таърифласа, *зариф* лексемаси шахс феъл-атворини изоҳлайди, уни хушмаъб ва зийраклигини кўрсатади. Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғатида *зариф* сўзи *покиза, гўзал, латиф; хушмаъб, зийрак, нозикфаҳм* каби маъноларни англатади.

Шахснинг ижобий фазилатларини ифодаловчи сўзлардан бири *зиндадил* сўзи бўлиб, Алишер Навоий бу сўзни " Хазойин-ул маоний " номли асарида қўллаган:

Ул зиндадил ҳаёти абад васлидин топар,

Ким неши ғамни пўш деру дарни даво...[2]

Зиндадил-дили тоза, ичида кири йўқ, хушчақчақ феъл-атвор маъноларини англатади.

Зеҳнли, зийрак сўзлари Алишер Навоийнинг "Хазойин-ул маоний" ва "Мезонул –авзон" асарларида учрайди, улар қаҳрамонларнинг ижобий фазилатларини изоҳлаш учун қўлланилган:

Назм аҳлиға ва матбуъ табъ ва мулоим зеҳнлик шеър хайлиға маъруз улким...[3]

Даҳр боғи гулларида йўқ вафо, эй андалиб,

Зийрак эрсанг, тутмагил бу турфа бўстон бирла унс.[4]

Алишер Навоий асарларида фойдаланилган *зарқпараст, жобир, зулмпеша, зулмкеш, золим* каби сўзлар инсонлар феъл-атворларининг салбий томонларини ифодалайди.

Ҳақ раҳмати умиди била кун-тун маст.

Кўп ортуғроққи, зоҳиди зарқпараст...[5]

Аммо Банокатий мунинг акси битимдурким, ул бағоят золим ва жобир эрди.[6]

Не бўлғай эрди чархи зулмпеша

Мени сендин жудо қилмай ҳамеша.[7]

Бечора ул мазлумларким, бу зуклмкашларға гирифтор ва бу ситам андишаларға фармонбардор бўлғай.[8]

Кишвари ишқ ичра золим шаҳдур ул султони ҳусн,

Ким кўнгуллар мулкидин жон нақдини олди хирож.[9]

Берилган мисолларда Алишер Навоий инсонларни яхшиликка, золим, зулмкаш яъни адолатсиз, бировларга зулм қилишга одатланган, ситамгар, риёкор, ҳийлакор бўлмасликлари ва зеҳнли, зариф ва зийрак бўлсалар ҳаётда ҳурмат-эҳтиромга эга бўлишларини таъкидлайди.

---

1 Алишер Навоий асарларининг изоҳли луғати.Т.1983й.Фан.1ж.360б.

2 Кўрсатилган манба,638б.

3 Кўрсатилган манба,638б.

4 Кўрсатилган манба,633б.

5 Кўрсатилган манба,636б.

6 Кўрсатилган манба,625б.

7 Кўрсатилган манба,551б.

8 Кўрсатилган манба,554б.

9 Кўрсатилган манба, 644б

“ҲОЛОТИ САЙЙИД ҲАСАН АРДАШЕР” АСАРИДА *ВА* БОҒЛОВЧИСИНИНГ ҚЎЛЛАНИЛИШИ

Сайёра ҚУРБОНОВА
(ФарДУ)

Алишер Навоий буюк мутафаккир ва сўз мулкининг султонидир. Ул зотга “Халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир, - дея таъриф берилади “Юксак маънавият - енгилмас куч” асарида. – Агар бу зотни авлиё десак, у авлиёларнинг авлиёси, мутафаккир десак, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоир десак, шоирларнинг султонидир”[1].

Ҳазрат ўз саъи-ҳаракатлари билан туркий тиллар, хусусан, ўзбек тили ривожига улкан ҳисса қўшган. Навоий асарлари нафақат сермазмунлиги ва бадиий қиммати билан, балки адабий тил шаклларидан моҳирона фойдаланганлиги билан ҳам алоҳида ажралиб туради. Навоий меросини ўрганиш давлат томонидан қўллаб-қувватланиб, илм-фан оламида катта ишлар амалга оширилган. Жумладан, шоирнинг 20 жилддан иборат “Мукаммал асарлар тўплами”, 10 жилддан иборат “Тўла асарлар тўплами” нашрдан чиқарилди. Шу мазмунда амалга оширилган ишлардан яна бири шоир асарлари учун луғатлар яратиш муаммоси бўлиб,Навоий меросини ўрганиш учун бир жилдли “Навоий асарлари луғати” ҳамда тўрт жилдли “Алишер Навоий асарлари тилининг изоҳли луғати” мавжуд. “Бироқ Навоий асарларини мутолаа этиб, луғат варақларканмиз, навоийшуносликка оид китобларни ўрганар эканмиз, буюк мутафаккирнинг мағзи чақилмаган сўзлари мавжудлигини кузатамиз”[2].

Шоирнинг замонасининг эътиборли кишиларидан бўлган Саййид Ҳасан Ардашер вафоти муносабати билан бағишлов тарзида яратган асари ҳам унинг чуқур билими, етук заковати намунаси сифатида ўзбек тили хазинасини бойитиб туради. Асар тилининг айрим грамматик хусусиятлари нафақат мазкур асар тилининг, балки ўша давр адабий тилига хос белгилар ҳақида ҳам фикр юритиш имконини беради.

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарининг яна бир хусусияти унда боғловчиларнинг қўлланилиш ҳолатидир. Бадиий асарнинг қиммати шундаки, у ўз даврининг адабий тили ривожига ҳисса қўшишдан ташқари даврлар ўтиши билан эски даврда тил тузилиши ва қурилиши қандай бўлганлиги ҳақида ҳам маълумот олиш имконини беради.

Боғловчилар тилда, асосан, бирликларни ўзаро тенг ва тобе боғлаш учун хизмат қилади. Эски давр тилига хос белгилардан бири бу нутқда кўпбоғловчилилик ҳолатининг кўп қўлланилиши билан изоҳлаш мумкин. Масалан,

Аммо адаб ***ва*** *ҳилм* ***ва*** *тавозе* ***ва*** *ҳаё зотлариға анингдек ғолиб эрмишки, бу мужмал мазкур бўлғон фазойилдинки, тафсили: сарф* ***ва*** *наҳв* ***ва*** *луғат* ***ва*** *арабият* ***ва*** *мантиқ* ***ва*** *калом* ***ва*** *фиқҳ* ***ва*** *ҳадис* ***ва*** *тафсирдур* ***ва*** *сойир таснифот, мисли: шеър* ***ва*** *муаммо* ***ва*** *таърих* ***ва*** *нужум* ***ва*** *адвор* ***ва*** *мусиқий бўлғай...*

(“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, 6-бет)

Асардан олинган матн парчасига эътибор берадиган бўлсак, унда икки ва ундан ортиқ (уч, ўн, олти) миқдордаги гап таркибида уюшиқ ҳолатда бириккан тил бирликлари ўзаро **ва** боғловчиси ёрдамида бириккан. Бу синтактик қурилмада **ва** боғловчисининг қўлланилиш ҳолатига эътибор

1 Каримов И. А. Юксак маънавият - енгилмас куч. – Т.:Маънавят, 2008. 47-бет.

2 Жумахўжа Н. Навоий асарларидаги айрим сўзларнинг маънолари ва матний хусусиятлари //ЎТВА. 2014. №1. 15-бет.

қаратадиган бўлсак, у қўшма гап таркибида уюшиқ ҳолатда тенг муносабатга киришган гап бўлакларини ўзаро боғлаб келган. Ушбу боғловчи ёрдамида гапнинг биринчи қисмидаги ўзаро бириккан гап бўлаклари (*адаб, ҳилм, тавозе, ҳаё*) гапда эга вазифасида келган. Гапдаги иккинчи бир гуруҳ бўлакларни боғлаб келган **ва** боғловчиси эса кесим вазифасида келган ўнта бирлик(*сарф, наҳв, луғат, арабият, мантиқ, калом, фиқҳ, ҳадис, тафсир, сойир таснифот*)ни ўзаро боғлаб келган. Уларнинг гапга боғланиши ва кесимлик вазифаси гапда ёпиқ синтактик конструкция орқали берилган. Улар барчаси тенг муносабатга киришган ҳолда *фазойилдинки* кесимига тегишли бўлган ажратилган бўлаклардир. Гапда **ва** боғловчиси учинчи бир гуруҳ уюшиқ бўлакларни ҳам ўзаро боғлаш учун қўлланган. Бу сўзлар таркиби олти бўлиб, уларини ўзаро боғлаш учун **ва** боғловчиси беш марта такрорлаб ишлатилган.

Матнда боғловчининг уюшган бўлакларнинг ҳар бирининг орасида алоҳида ҳолатда қўлланганлиги бугунги кун грамматикаси нисбатан олиб қаралганда характерли ҳисобланади. Боғловчиларнинг нутқда бу тарзда ортиқ миқдор билан қўлланилиши полисиндетон деб юритилади ва ҳозирги кунда синтактик фигуралар сирасига киради. Аммо Алишер Навоий асарлари тилида боғловчининг бу тарздаги қўлланилишига нисбатан бундай фикр айтиш тўғри бўлмайди. Сабаби бу ўринда улар синтактик фигура сифатида эмас, балки грамматик жиҳатдан зарур бирлик сифатида қўлланилган.

“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асари тилида **ва** боғловчиси фаол қўлланганини кўришимиз мумкин. Мисол учун:

Ва *ҳаддин ўтгандин сўнгра андоққи, шабоб айёмининг иқтисозидур, ўзларин май ичмакка* ***ва*** *лавандвашлиқларға* ***ва*** *ошиқпешалиқларға солибдурлар. Чун зот* ***ва*** *кўнгуллари* ***ва*** *тийнатлари ариғлиққа мушоҳид* ***ва*** *муқаррар эрмиш, замоннинг асил мирзозодалари тараддуд* ***ва*** *ҳижобсиз* ***ва*** *таҳоший* ***ва*** *изтиробсиз алар била мусоҳиб бўлур эрмишлар* ***ва*** *аларнинг суҳбатин муғтанам тутар эрмишлар.*

(“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”, 7-бет)

Мисолда берилган гапларда **ва** боғловчиси бешта ўринда қўлланилиб, турли таркибий миқдорга эга бўлган уюшиб келган сўзлар ва бирикмалар (*май ичмакка, лавандвашлиқларға, ошиқпешалиқларға; зот, кўнгуллари, тийнатлари; мушоҳид, муқаррар; тараддуд, ҳижобсиз, таҳоший, изтиробсиз; мусоҳиб бўлур эрмишлар, муғтанам тутар эрмишлар*)ни ўзаро тенг муносабатда боғлаб келган.

Навоий асарларида **ва** боғловчисининг бу тарзда қўлланилиши графика билан ҳам алоқадор бўлиши мумкин. Сабаби, маълумки, Навоий ўз асарларини араб алифбосида битган, унда و ҳарфи орқали *ва* ҳамда *у* товушлари ифодаланиши мумкин. Шунга кўра балки шоир нутқида *у* шалида бўлган боғловчи воситаси ҳам бизга *ва* тарзида етиб келган бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб айтганда, Навоий туркий тиллар имкониятларини ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан асослаб кўрсатиб бера олган мутафаккир сифатида чинакам миллат фидойисига айланган шахс сифатида маънавиятимиз дунёсини безаб туради.

АДАБИЁТШУНОСЛИК

ОЙБЕКНИНГ «НАВОИЙ» РОМАНИ ТАРЖИМАСИ ҲАҚИДА

Суннат Абдунабиев
(ТошДЎТАУ)

Сўз санъатининг бетакрор намунаси бўлган Ойбек насри салкам 75 йилдан буён нафақат ўзбек адабиёти аҳли, балки жаҳон адабиёти ихлосмандларини ҳам ўзига жалб этиб келади.

Ойбекнинг “Навоий” романи 1979 йилда араб тилига таржима қилиниб нашр этилди. Шу тарзда араб китобхонлари Ойбекнинг “Навоий” романи билан танишдилар. Асарнинг ўзбек ва араб тилларига қилинган таржималари қисман таҳлил қилинган. Романни араб тилига таржима қилган таржимон иш жараёнида катта тажриба орттирди. Унинг атоқли таржимон бўлиб, халққа танилишида Ойбекнинг “Навоий” романи муҳим рол ўйнади. Таржимон адиб ортидан бориб, қаҳрамонларининг хулқ-атворлари, турмуш тарзи, юриш-туриши, сўзлашиш одобларини ўрганди, уларни давр ва жамият шарт-шароитларига мувофиқ мушоҳада эта олди.

“Навоий шеърияти ва Навоий образи ҳамиша кучли бир қуёш каби кўнглимни тортар эди. Ўз асарларимда шоир Навоий образи яратишга зўр майл, орзу, истагим бор эди. Лекин тарихга кўз ташласам, Навоий гигант, буюк бир сиймо ҳолида қаршимда турар эди. Ёшлигимдан бери Навоийнинг ўлмас, абадий шеърларини севиб ўқир эдим, унинг жозибали ғазаллари борган сари кўнглимга сингиб борди, шакл ва мазмунлари юрагимни маст ва мафтун этди”– деб ёзган эди таниқли ўзбек адиби Ойбек “Навоий” романи бошланишида берилган эпиграфда.

Халқимиз оғир урушни ўз бошидан кечираётган йилларда ёзилган мазкур роман тез орада дунёнинг бир қанча тилларига таржима қилинди. Мустақиллик йилларида эса мазкур асар бир неча шарқ тиллари қаторида араб тилига ҳам ўгирилди ва китобхонларга армуғон этилди.

Ойбекнинг услуби ҳақида сўз борганда шуни таъкидлаш жоизки, адиб ўзбек тарихий романчилигининг чуқур, ўзига хос ёрқин миллий услубини яратди. Адибнинг насри, хусусан, услубининг таржимада қайта яратилиши таржима матнида услуб хусусиятларининг сақланишига боғлиқ. Бу ерда гап фақат бир сўз устасининг услуби ҳақида бораётгани йўқ. Гап, умуман, ўзбек насри тараққиётининг услубий йўналиши ҳақида бормоқда.

Маълумки, бирон йирик адиб қаламига мансуб асарнинг услубини қайта яратиш масаласи маълум даражада бошқа компонентлар билан ҳам узвий боғлиқ. Бу “услуб” тушунчасининг кўп маънолилиги билан изоҳланади. Масалан, бир гуруҳ олимлар услубнинг “ҳаётнинг образли равишда ўзлаштирилиши, китобхонларни бирон нарсага ишонтириш ва мафтун этиш усули” дея таъкидласалар, бошқа бир гуруҳ олимлар услубни “ёзувчининг феъл-атвори, ўзини тутиши” сифатида баҳолайдилар.

“Услуб – бадиий асарнинг умумий жаранги ва колорити, образни таҳлил қилиш усули, санъаткорнинг воқеликка бўлган муносабати ва принципидир”. Шу боисдан таржиманинг аслият ус-

лубини қайта яратиш нуқтаи назаридан тўлақонлилик даражасини таниқли рус таржимашуноси Чуковскийнинг қуйидаги сўзлари ёрдамида асослаш мумкин: “Нима бўлганда ҳам, майли баъзи камчилик нуқсонлари ҳам бўлиши мумкин, бари бир таржима, агар унда аслиятдаги асосий нарса: таржима қилинаётган муаллифнинг услубий индивидуаллиги бутун ўзига хосликлари билан бера олинган бўлса, бундай таржимани аъло баҳолаш мумкин” (Чуковский К. *Высокое искусство*)

НАВОИЙ ВА ҲАМЗА: АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАСИ

Шермуҳаммад АМОНОВ
(ТошДЎТАУ)

Ҳамза адабий мероси миллий адабиётимиз тарихида алоҳида ўрин тутади. Румий, Ҳофиз, Лутфий, Навоий, Бобур, Бедил, Фузулий, Машраб, Огаҳий, Фурқат, Муқимий каби Шарқ мумтоз адабиёти вакиллари ижодини ўрганиб, таъсирланиб, уларнинг назмий анъаналарини давом эттириш баробарида ўзи яшаган давр учун тамомила янги адабий тур ва жанрларда асарлар яратгани шоирнинг салоҳияти нечоғли баланд бўлганини кўрсатади.

Шубҳасиз, Ҳамза поэтик ижодининг энг кучли таъсир манбаи ўзбек мумтоз адабиёти ва буюк Навоий ижодидир. Кўплаб ижодкорлар сингари Ҳамза Ҳакимзода ҳам Алишер Навоий ижодидан таъсирланиб, бир қанча ижод намуналарини яратган. Жумладан, Навоийнинг:

Кўргали ҳуснингни зору мубтало бўлдум санго,
Не балолиғ кун эдиким, ошно бўлдим санго -

мисралари билан бошланувчи ғазалига шу радифда ўхшатма битган. Маълумки, бу ғазал *рамали мусаммани маҳзуф (-v--/-v--/-v--/-v-)* вазнида ёзилган. Ҳамза ҳам бу ғазалдан таъсирланиб, унга татаббуъ боғлаган. 7 байтдан таркиб топган Навоий ғазалида тасвирланган ошиқ кечинмалари Ҳамза томонидан кенгайтирилиб, 13 байтга етказилган. Ғазал шу вазн ва шу қофияда давом эттирилган:

Бир кўруб ул кун жамолинг мубтало бўлдум санго,
Андалибдек фурқатингда пурнаво бўлдум санго.

Ҳамза лирикаси тадқиқидан шоирнинг аксар ижод намуналари Алишер Навоий ғазаллари таъсирида яратилганини алоҳида таъкидламоқ керак. Жумладан, Навоийда:

Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,
Жумлайи оламда расволиққа машҳур ўлмасун.

Ҳамзада:

Ей пари, ҳажрингда мендек кимса сарсон ўлмасун,
Қумридек вақти саҳар ҳасратда нолон ўлмасин.

Ёки
Навоийда:

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,
Айламас тўтий такаллум шаккаристондин жудо.

Ҳамзада:

Бу на янглиғ можародур ҳусни хўбондин жудо,
Маъшуқи ушшоқдин, ушшоқи жонондин жудо.

Ёки
Навоийда:

Кўз ёшим бўлди равон бир наргиси жоду кўруб,
Тифл янглиғким югургай ҳар тараф оҳу кўруб.

Ҳамзада:

Ою кун шарманда бўлди ҳусни рахшонинг кўруб,
Мурғи жаннат банда ул лаъли Бадахшонинг кўруб.

Ёки
Навоийда:
Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт.
Зулфи сунбул, юзи гул, сарви гуландомимға айт.

Ҳамзада:
Эй сабо, борсанг мани арзимни султонимга айт,
Кўзларингдин ёш тўкуб, дарёи уммонимга айт.

Юқоридаги қиёслар Навоийнинг "Хазойину-л-маоний" куллиёти ва Ҳамза девонига киритилган шеърлар асосида амалга оширилди. Бундай қиёсларни кўплаб келтириш мумкин. Навоийнинг "Хазойину-л-маоний" куллиётига кирган *"бор", "ҳануз", "хос"* ва бошқа радифли ғазалларига ўхшатма тарзидаги шеърларни "Девони Ниҳоний"да ҳам учратиш мумкин. Айрим ўхшатма тарзидаги шеърлар таҳлили Ҳамза шеърларини шунчаки тақлидан ёзмаганини кўрсатади. Шоир ўхшатма тарзида ёзаётган шеърларида салафлари лирик асарларидаги фикр-ғояларни бадиият ва композицион жиҳатдан бошқачароқ ифодалашга интилгани сезилади. Шунингдек, Ҳамза шеърларининг тили содда ва равонлиги билан ҳам ўзига хос.

Хуллас, Ҳамза Ҳакимзода лирик меросини адабий мезонлар асосида тадқиқ этиш шоир ижодини ўрганишда муҳим ўрин тутади. Таъкидлаш керакки, "Девони Ниҳоний" Ҳамзанинг мумтоз адабиёт анъаналарини муносиб давом эттирганидан далолат беради. Девонда ғазал, маснавий, мураббаъ, мухаммас, мусаддас, мактуб сингари мумтоз шеърий жанрларга оид назм намуналари учрайди. Шоирнинг тасвирдаги, ифода усулидаги новаторлигини эътироф этган ҳолда, қайд қилиш керакки, девонга кирган шеърларнинг вазн ва қофия тизими ҳам, образлар олами ҳам анъанавий.

ЮСУФ ЧЕТИНДОҒ - АЛИШЕР НАВОИЙ ТАДҚИҚОТЧИСИ

Манзура АСҚАРОВА
(НамДУ)

Таниқли турк олими Юсуф Четиндоғнинг Алишер Навоий ҳаёти ва ижодини ўрганишга бағишлаган тадқиқотлари ниҳоятда салмоқли. Унинг асарлари Туркияда, шунингдек, Ўзбекистонда бир неча бор чоп этилган. Жумладан, "Алишер Навоий ва усмонли шеърияти" (Тошкент 2011) номли китоби ўзбек тилида нашр қилинди. Олимнинг навбатдаги китоби "Алишер Навоий" (Тошкент 2013) ҳам китобхонларнинг эътиборига тушди. Асар номидан ҳам кўриниб турибдики, унда

улуғ шоирнинг ҳаёти, у яшаган даврада бий муҳити, устозу шогирдлари, адабий мероси батафсил таҳлилга тортилган. Ушбу асарга филология фанлари доктори Иброҳим Ҳаққул “Дўстлик туҳфаси” сарлавҳаси билан сўзбоши ёзган. Асар “Туркий тил ва адабиётининг умумий манзараси” таҳлили билан бошланади. Олим шоирнинг туркий тил тараққиётига қўшган беқиёс хизматларига тўхталар экан, Навоийнинг “Муҳокамат-ул луғатайн” асарига суянган ҳолда фикр юритади. Яъни Навоийнинг хулосасига кўра “...туркий тилнинг бир камчилиги бўлса, у ҳам ёввойи бир от мисоли унинг қўлга ўргатилмаганлигидир. Зеро, унга қадар на Ўрта Осиёда, на Онодўлида ҳали бир шеър тили тўлиқ шаклланмаган ва бу шарафли ишни зиммасига оладиган шоир ҳали тарих майдонига чиқмаган эди. Навоий эса ҳам тил, ҳам адабиёт ривожини таъминлай олган сўз санъаткори эди, дея таъкидланади асарда.

Четиндоғнинг асаридаги энг аҳамиятли жиҳат шундаки, у ўзининг навоийшунос миллатдошлари, замондошларининг бир қатор асарларига суянади, улардан ўринли иқтибослар келтиради: “Туркий шеърнинг ифода йўллари мукаммал кашф этилмаган, туркийда ёзган шоирлар озчиликни ташкил этган бир вақтда Навоий бу масалага эътибор қаратди ва ўз ижодида туркий тилнинг барча имкониятларини кўрсатиб берди. Унинг тўрт буюк девони вужудга келди. Навоий шеърларида мазмунан форсий шеърият билан яқинлик ёки ўхшашлик кўзга ташланса-да, туркий тилнинг хусусиятлари ва руҳи бутун ёрқинлиги билан намоён бўлади”.

Навоийнинг бу хизматлари уни туркий адабиётнинг чинакам сарбони даражасига олиб чиқди. “ Унинг асарлари турк дунёсининг ҳар тарафида, Онодўли ва Румда, Эронда, Ироқда, Қримда, Волга бўйларида, туркманлар орасида, Ҳиндистондаги турк саройларида ўқила бошланди. Олим Четиндоғ Навоийни форсий тил ва адабиёти билан бемалол беллаша оладиган бир адабий тил ва адабиётини майдонга келтирганлиги, бу ҳақиқатни турли халқларга мансуб олимлар ҳам якдиллик билан эътироф этганлиги борасида тўхталар экан, ўз фикрларини далиллар билан асослашга ҳаракат қилади. Четиндоғ кейинги бобда Алишер Навоийнинг таржимайи ҳоли ва ҳаётини ёритишга эътибор бериб, Навоийнинг ўз асарлари, замондошлари, шунингдек, маҳраму асрорлари томонидан қолдирилган манбаларга асосланиб иш кўради. Аммо адабиётшунос олим Иброҳим Ҳаққул сўз бошида таъкидлаганидек, “ … Навоий ижодиётига қизиқишнинг даражасини албатта инобатга олиш зарур. Зеро, биз учун маълум бўлган фикр-мулоҳазалар бошқа миллат ўқувчиларида алоҳида қизиқиш уйғотиши табиийдир”. Асарда Навоий отаси вафотидан бир муддат кейин, яъни 1464-йил Машҳаддан Ҳиротга қайтгач, Абу Саид Мирзонинг хизматига киради. Ўшанда Абу Саид Мирзонинг тарихини ёзаётган Абусамад Бадахшийнинг бир байтидаги хатосини топган Навоий унинг ҳурматини қозонади…”, деб ёзади Четиндоғ. Бу ўринда ўқувчида Навоий қайси хатони топган экан, деган савол туғилиши табиий. Бироқ, бу масала очиқлигича қолиб кетган. Навоий байтда аруз қоидалари бузилганлигини, мисралар кетма-кетлигида узилиш бўлганлигини исботлаб берган эди. Айнан шу саҳифада Заҳириддин Муҳаммад Бобур “Бобурнома”да Навоийнинг қайсидир бир айбини пеш қилиб, Абу Саид томонидан Ҳиротдан иҳрож қилинганини сўзлайди. Аммо бу воқеанинг асл сабаблари маълум эмас. Е.Э.Бертельс ўзининг “Навоий” монографиясида мазкур масала борасида маълум бир мулоҳазаларини ўртага ташлайди. Аммо масаланинг асл моҳияти Навоийнинг устози Сайид Ҳасан Ардашерга ёзган шеърий мактубида баён этилган. Бу асарда Навоий ўзининг Хиротдан Самарқандга кетишини беихтиёр қилинган сафар, деб эътироф этади.

Асар Навоийнинг дўстлари, сафдошлари ва замондошларининг Навоий ҳақидаги маълумотлари билан бойитилган. Жумладан, Ҳусайн Бойқаро Навоий ҳаётидаги энг яқин ва эътиборли инсон, деб эътироф этилади. Юсуф Четиндоғ халқ орасида тарқалган ҳикоялар билан бир қаторда Ҳусайн Бойқаронинг “Рисола” асаридаги маълумотларга таянган ҳолда, Навоийнинг замона ҳукмдорига бўлган ҳурмат-эҳтироми, шоир асарларининг туркий тил ва адабиёти ривожидаги ўрни масалаларини ёритишга интилади. Шунингдек, яқин кишилар сифатида Абдураҳмон Жомий, Сайид Ҳасан Ардашер, Паҳлавон Муҳаммад, Амир Шайхим Суҳайлий, Мавлоно Биноий,

Мавлоно Ҳожи Муҳаммад, Давлатшоҳ Самарқандий, Камолиддин Беҳзод, Абулқосим Бобур билан бир қаторда Абу Саид ҳақида ҳам тўхталиб ўтади. Олим, айниқса, Навоий ва Биноийнинг муносабатларини атрофлича ўрганиб, қизиқ-қизиқ ривоятлар билан тўлдиради, бу эса ҳар қандай ўқувчининг эътиборини тортиши табиийдир. Кейинги бўлим айнан Навоий шахсияти ва ҳаёти билан боғлиқ қисса ва ҳикоятларга бағишланган. Мазкур қисса ва ҳикоятларда Навоийнинг шахсияти, инсоний фазилатлари ёритилади. Шунингдек, бошқа олимларнинг тадқиқотларида эътибор берилмаган жиҳатлар, яъни XV–XVII асрларда Алишер Навоий ғазалларига назира ёзган усмонли шоирлари ва уларнинг назиралари жадвал асосида таҳлилга тортилган, назиралардан намуналар келтирилган. Олим асарда манбаларни атрофлича таҳлил қилади, иқтибослар беради, маълум бўлган тафсилотларни ёдга солади, ўқувчи эътиборига янги маълумотларни ҳавола қилади. Асар илмий жиҳатдан тафсилотларга бой, шунингдек, бадиий асар каби ўқимишлидир.

Умуман Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг хорижлик олимлар томонидан тадқиқ этилиши, ўзбек мутафаккир шоири ҳақидаги маълумотларнинг чет эл китобхонлари эътиборига ҳавола этилиши диққатга сазовордир. Шунингдек, асар усмонли шеъриятидаги Навоий анъаналари ривожи масаласини тадқиқ этишда ҳам муҳим бир манба вазифасини бажаради.

НАВОИЙ ВА ХОРАЗМ

Абдулла Аҳмедов,
Ўктам Бегимов
(УрДУ)

Жаҳон маданияти, маънавияти хазинасига ўзининг ўлмас асарлари билан муносиб ҳисса қўшган даҳо ижодкор Алишер Навоий ўз асарларида жуда кўп марталаб Хоразм мавзусига мурожаат қилган. Бу бежиз эмас, албатта. Зеро, Шарқ оламининг кўҳна тамаддун марказларидан бири ҳисобланган Хоразм диёрига улуғ шоир алоҳида меҳр ва эътибор билан қараганлигининг етарли тарихий асослари бор. Ушбу табаррук заминдан етишиб чиққан буюк сиймолар - Муҳаммад ал-Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Сулаймон Боқирғоний, Рашидиддин Ватвот, Маҳмуд аз-Замахшарий, Шайх Нажмиддин Кубро, Абул Вафо Хоразмий, Жалолиддин Румий, Паҳлавон Маҳмуд, Носириддин Рабғузий, Исҳоқ Хоразмий, Сайфи Саройи, Қутб Хоразмий, Мавлоно Ҳисомий Хивақий, Ҳусайн Хоразмий, Ҳайдар Хоразмий, Мавлоно Саккокий, Ҳофиз Хоразмий, Муҳаммад Солиҳ ва бошқалар буюк мутафаккир маънавий оламининг шаклланишига баракали таъсир кўрсатганлар. Кейинги тадқиқотлар Навоий бобомиз ўз асарларида 26 мингдан ортиқ (26035) сўз қўллаганлигини аниқлади. Шубҳасиз, бундай салмоқли ижодий меросни юзага чиқаришда ўша даврда мавжуд бўлган туркий тил захираси ва бу тилда ижод қилган адибларнинг ижодий тажрибалари ҳам ёрдам берган. Агар истеъдодли лирик шоир Ҳофиз Хоразмий Навоийгача ўзбек тилида 9 та лирик жанрда ижод гулдасталарини тақдим қилган бўлса, буюк Навоий улар сонини 16 тага етказиб, мумтоз шеъриятимизни бойитган. XIX асрда яшаб ижод қилган хоразмлик даҳо ижодкор Муҳаммадризо Огаҳий 22 лирик жанрда шеърлар ёзиб, янада баланд чўққини забт этган.Улуғ шоирнинг «Хазойин-ул-маъоний»даги лирик мероси,кўплаб тасаввуфий-фалсафий ва тарихий асарларида ўтмишда яшаб ўтган хоразмлик ижодкорлар тажрибасидан кенг илҳомланганлигининг гувоҳи бўламиз. Айниқса, ислом дунёсида Жоруллоҳ(Аллоҳнинг қўшниси) рутбаси билан улуғланган буюк аллома Замахшарийнинг илмий ва адабий асарлари Навоий ижодхонаси учун намуна бўлиб хизмат қилган. Шоир ўз лирик девонларини номлашда Замахшарий тажрибасига суяниб, инсон умрини йил фаслларига қиёслаган ҳолда тўрт фаслга ажратади.

Навоий насрининг ноёб намунаси ҳисобланган «Маҳбуб-ул-қулуб» эса Замахшарийнинг «Атвоқ уз – заҳаб» (Олтин шодалар) асаридан илҳомланиб ёзилган.

Навоийнинг устози улуғ шоир Абдураҳмон Жомий аллома Замахшарийнинг араб тили грамматикасига оид «Кофия» асарини шарҳлаб, мадраса толиби илмлари учун дарслик яратади.Бу китоб «Шарҳи мулло Жомий» номи билан машҳур бўлиб, ислом маъҳадларида ҳозир ҳам дарслик сифатида ўқитилади.

Алишер Навоийнинг «Мажолис-ун-нафоис» тазкирасида ўндан зиёд хоразмлик адиб ва шоирлар ҳақида маълумотлар келтирилади. Шоир уларнинг қаерда дафн қилингани ва қабрлари ҳақида шу қадар аниқлик билан маълумот берадики, бу ҳол унинг Хоразм заминига ташриф буюриб, табаррук қадамжоларни, хусусан, Шайх Нажмиддин Кубро, Маҳмуд Замахшарий, Абул Вафо Хоразмий ва Паҳлавон Маҳмуд қабрларини зиёрат қилганлигидан далолат беради. Тўғри, Навоийнинг Хоразмда бўлганлиги ҳақида тўғридан тўғри тарихий маълумот йўқ. Аммо шоир асарларидаги бевосита ишоралар ва таъкидлар унинг Хоразмга бир неча бор келганлигидан гувоҳлик беради. Яна бир далил шундан иборатки, унинг севимли укаси Дарвеш Али маълум муддат Ҳусайин Бойқаро даврида Балх ва Хоразмда ҳокимлик қилган. Афсуски, Дарвеш Али Ҳусайин Бойқарога қарши кўтарилган халқ қўзғолонида қатнашганлиги сабабли қатл этилади. Бу ҳол буюк шоир ҳаётига қаттиқ таъсир кўрсатиб, уни юрак хуружига мубтало қилади ва бевақт ўлимини тезлаштиради.

Улуғ шоир ижодининг гултожи ҳисобланган «Хамса» достонларида ҳам Хоразм мавзусига жуда кўп дуч келамиз. Айниқса «Сабъаи сайёр» достони алоҳида диққатга сазовор бўлиб, унда буюк шоир шоҳ Баҳром сиймосини яратар экан, ўзига хос янги йўлдан боради ва Низомий «Хамса»сидан тубдан фарқ қилувчи тимсоллар галереясини вужудга келтиради. Шоҳ Баҳром Хоразм диёрида кенг тарқалган ов ҳайвони – гўр(қулон) овлашни ёқтиради. Шу сабабли у тарихда Баҳром гўр номи билан машҳур бўлган. Хоразмнинг пойтахти Гурганж, қадимий қалъа Гурлан номлари ҳам бевосита ўша гўр(қулон) номи билан алоқадор бўлиб, Қулонли кент, Қулонли жой маъноларини англатади. Ҳозирда бу ҳайвонлар қирилиб кетган ва фақат Табиат қўриқхоналаридагина учрайди.

Агар Низомий шоҳ Баҳромнинг маҳбубаси сифатида Эрон гўзали-Фитнани танлаган бўлса, Навоий Хоразмнинг санъаткор қизи Дилоромни танлайди ва унинг тимсолини алоҳида муҳаббат билан қаламга олади.

Гўзал Дилором мусиқа чалиш ва куйлашда ягона бўлиб, мақом(адвор) илмларини мукаммал эгаллаган бўлади. У Хоразмнинг жозибадор мусиқа санъати билан Баҳромни ҳайратда қолдиради.

Алишер Навоий жуда ёшликдан тасаввуф тариқатларига ихлос қўйиб, кичиклигидаёқ Шайх Фаридиддин Атторнинг диний-фалсафий асари «Мантиқ ут–тайр»ни тўлиқ ёдлаб олган эди. Сўфийликдаги етакчи тариқатлардан ҳисобланган жавонмардийлик(футувват)ни ўзига асосий ғоя қилиб олган Шайх Нажмиддин Кубро асос солган кубравия тариқати Навоий ва Ҳусайн Бойқароларнинг бош эътиқоди бўлиб, ҳар иккаласининг ҳам бу тариқат пирига ихлослари ниҳоятда зўр бўлган.

Муаррих Хондамирнинг ёзишича, Навоий ва Султон Ҳусайн Бойқаро ўзаро суҳбатлашиб ўтирганларида Навоий: «Аълоҳазрат, агар Аллоҳ таоло умр бериб, кексаликка мушарраф бўлсак, иккимиз ҳам давлат ишлари ва мансаб-мартабани тарк этиб, Хоразмдаги Шайх Нажмиддин Кубро ва Ҳиротдаги Хожа Абдулло Ансорий табаррук қадамжоларида жорубкашлик (супурувчи) қилиб, хизмат қилурмиз, иншооллоҳ!»-дейди. Шоир Шайх Кубро ҳазратлари мозорини танлайди. Аммо масофа жуда узоқлиги ва кексайиб қолганлиги сабабли Ҳусайн Бойқаро Навоийни Ҳиротдаги Абдулло Ансорий ҳазратлари мозорининг жорубкаши қилиб тайинлашга фармон чиқаради. Буюк шоирнинг қалбидаги эзгу нияти амалга ошмай, армон бўлиб қолади. Ўз асарларида буюк авлиё Шайх Нажмиддин Кубро ҳазратларини кўп ўринларда катта ҳурмат ва эъзоз билан тилга олиб, улуғлайди.Унинг ибратли ҳаётига оид кўплаб қизиқарли ривоятларни келтиради. Карамати, табаррук сиймони «Қутби даҳр, ягонаи аср, шайхи валийтарош», деб таърифлайди. Тасаввуфга оид «Насойим-ул-муҳаббат» асарида махсус боб ажратади. Ўша асарда хоразмлик яна бошқа буюк сиймолар – шоир ва паҳлавон Пуриёи валий – Паҳлавон Маҳмуд, «ер фариштаси» деб улуғланган Хожа Абул Вафо Хоразмий ҳақида ҳам қимматли маълумотларни ҳамда рубоийларидан намуналар келтиради.

Навоий алоҳида эътибор билан тилга олган хоразмлик икки буюк сиймо – Ҳусайн Хоразмий ва Ҳайдар Хоразмийлардир. Шоҳрух Мирзо замонида яшаб, фаолият кўрсатган Шайх Ҳусайн Хоразмий кубравия тариқати тарафдорларидан бўлган. Уни бир ғазали учун даҳрийликда айблаб, Хоразмдан Ҳиротга келтирадилар ва зиндонга ташлайдилар. Диний ва дунёвий билимларни мукаммал эгаллаган Ҳусайн Хоразмий ўзининг юксак иқтидори билан унга айб қўйган диний уламоларни мот қилади ва зиндондан озод қилиниб, Хоразмга жўнатилади. Аммо кўп ўтмасдан, ҳур фикрли шоир 1435 йилда ўзбеклар томонидан қатл этилганини Навоий афсусланиб ёзади. Ҳусайн Хоразмийнинг девони ва Жалолиддин Румийнинг «Маънавийи маснавий» асарига ёзган шарҳи бизгача етиб келган. Афсуски, шоирнинг серқирра, бой мероси ҳозиргача ўрганилмаган ва нашр этилмаган.

Истеъдодли шоир Ҳайдар Хоразмий ижоди хусусида Навоий алоҳида тўхталиб, унинг шеърларидан парчалар келтиради ва ноёб истеъдодига таҳсинлар айтади. Бизгача шоирнинг «Гулшан ул – асрор» ҳамда «Гул ва Наврўз» достонлари етиб келган. Улар нашр этилиб, халқимизга тақдим қилинган бўлса-да, шоир ижоди етарли ўрганилмасдан қолмоқда. Ҳайдар Хоразмий «Хамса» яратганлиги ҳақида тахминлар мавжуд бўлиб, «Гулшан ул-асрор» ва «Гул ва Наврўз» дастлабки достонлар бўлса ажаб эмас. Афсуски, баъзи адабиётларда «Гулшан ул-асрор» Низомийнинг машҳур достони «Махзан ул-асрор»нинг таржимаси, деган нотўғри фикрлар учрайди. Ваҳоланки, Ҳайдар Хоразмий достони тамоман оригинал асар бўлиб, унда Низомий достонида учрамайдиган кўплаб ҳикоятлар мавжуд.

Навоий «Садди Искандарий» достонида Хоразмнинг мўғуллар томонидан истило қилиниб, харобага айлантирилганини чексиз ачиниш билан ўтли шеърий мисраларда тасвирлайди. Айниқса, унинг Чингиз қўлига асир тушган икки дўст қисмати тўғрисидаги ҳикояси ғоятда ибратлидир. Қатлга олиб келинган икки дўст бири биридан олдин қатл этилишини ўтиниб сўрайдилар. Булардаги садоқат тимсолидан ҳайратда қолган мўғул уларнинг ҳар иккаласини ҳам озод қилади. Хоразмда Алишер Навоий ҳақида жуда кўплаб ривоятлар тўқилган. Халқ оғзаки ижодида Мирали тимсоли яратилиб, буюк шоир ҳаёти ва ижодий фаолияти қизиқарли ҳикоялар,ҳангома ва латифалар воситасида ёритиб берилган.

Хуллас, табаррук номи абадиятга дахлдор улуғшоир Алишер Навоий ҳазратлари муқаддас Хоразм диёрининг ҳам эъзозли фарзанди сифатида қалбимизда мангу яшайверади.

НАВОИЙ ИЖОДИДА АДОЛАТ ТАЛҚИНИГА ДОИР АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Ҳайитгул Аққулова,
СамДУ магистранти

Миллий истиқлол туфайли маънавий қадриятларимизни ўрганиш, уларнинг миллатимиз маънавий ҳаётида тутган ўрнини холис баҳолаш имкониятига эга бўлдик. Шу ўринда Ислом Каримовнинг таъбирича, “авлиёларнинг авлиёси, мутафаккирларнинг мутафаккири, шоирларнинг султони” бўлмиш Алишер Навоийни эсламай иложимиз йўқ. “Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намоёндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткордир”. Буюк сўз санъаткорининг сўзлари бир уммон бўлса, ундаги янгидан янги маънолар, бадиий санъат воситалари, бетакрор ташбеҳлар, сўз ўйинлари дуру гавҳарлардир. “Хамса” каби йирик, юксак бадиий, “Маҳбуб ул-қулуб”, “Лисон ут-тайр” каби тарбиявий аҳамиятга молик асарлар фикримиз далилидир.

Навоийнинг асосий мақсади комил инсон образини яратиш эди. Бу руҳ унинг лирик асарларида ҳам, насрий асарларида ҳам яққол сезилиб туради. Навоий фикрича, қаноатли, вафоли, ростгўй,

карам ва саховатли, сабрли, ишқ ўтида тобланган, ҳар томонлама етук инсонгина комиллик даражасига эриша олади. У бу йўлда турли машаққатлар чекишини “Лисон ут-тайр” асаридаги Симурғни излаб йўлга чиққан қушлар тимсолида очиб беради. Шу ўринда “Нега ишқ ўтида тобланган?”, деган савол туғилиши шубҳасиз. Навоий эътирофича, ишқ – нафсни ўлдрувчи қурол. Бунга “Лисон ут-тайр”даги Шайх Санъон ҳикоятини мисол тариқасида келтира оламиз. Аҳмад Яссавий ҳам нафсни боғлаб қўйилган итга қиёслайди. Нафсини енгган шоҳ юртидагина адолат қарор топади, юрт тинч, халқ фаровон бўлади. Хўш, Навоий адолатни, одил подшони қандай тасаввур қилади?

Мутафаккир одил подшо тимсолида Ҳусайн Бойқарони кўрар эди. Ҳаттоки ижодкор “Ҳайрат ул-аброр” достонининг 3-бобини “Салотин хайлининг сарафрози, Хавокин мулкининг ганж пардози” [2,67] бўлмиш султон Ҳусайнга бағишлайди. Шу билан биргаликда, “Гўё тил била мадҳин демак маҳолдирур, батахсиским қалам тили мадҳида лол дурур”, деб султонни таърифлайди. Яъни “Султонларнинг юксаги, осмон мулкининг хазинаси бўлмиш ҳукмдорнинг мадҳини айтиш маҳол, ҳаттоки қалам ҳам бунда лол бўлиб қолади”, - дейди шоир. Навоий Ҳусайн Бойқарони адолат ва фазл-у камолда Эроннинг афсонавий подшоси Жамшидга қиёслайди. Дарҳақиқат, Навоий “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳам шоҳ Султон Ҳусайнни одил подшоҳ сифатида тасвирлаб келади.

Мутфаккир “Ҳайрат ул-аброр” достонининг “Салотин зикрида” мақолотида шоҳни чўпонга, халқни эса подага ўхшатади. Бу анъана Низомийда ҳам, Деҳлавий ва Жомийда ҳам мавжуд. Саккокийнинг эса “Раият қўй эрур, султон анга шўбон…”, деган мисралари бор. Лекин, Навоийнинг ўхшатишлари ўзгача. Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”нинг биринчи фаслида одил шоҳ ҳукмдор бўлган юртда қўзи ва бўрининг ёнма-ён, тинч-тотув яшаши мумкинлигини эътироф этиб, “Ҳайрат ул-аброр” достонидаги подани чўпон бўридан ҳимоя қилиши лозимлиги ҳақидаги фикрларига қарама-қарши қўяди. Аслида шоир юртда бой ва камбағал, дўсту душман, амалдор ва фуқаронинг бир мамлакатда тинч-тотув яшашини таъкидлаган бўлса, “Ҳайрат ул-аброр” достонида фуқарони душманлардан ҳимоя қилишни кўзда тутган.

Шоир шоҳни боғбонга ўҳшатади. Бундай боғбони бўлган боғда турфа гуллар очилади. Навоийнинг шоҳга мурожаати ғоятда таъсирчанлиги, мазмуннинг чуқурлиги, оҳангнинг кескинлиги билан ажралиб туради. Шоир шоҳга қарата “Сен ўзингни буюгу фуқарони тупроқ сифатида кўрма. Аслида сен ўзинг ҳоксан. Сен ҳам бир бандасан. Ҳаттоки кўпчиликдан ожиздирсан ҳам”, деганида алоҳида жасоратни сезиш мумкин.

Навоий адолатга чақириш билан бирга, зулмпеша подшоҳларнинг қилмишларини очган мисраларида танқид санъатидан моҳирона фойдаланган.

Навоий подшоҳлик ишини Сирот кўпригига ҳам қиёслаган. У қилган хатоларинг бир кун сенга азоб беради, кимгадир тикон билан азоб берган бўлсанг, вақти келиб, юз тиғ билан кўксингга санчилади, деб таъкидлайди ва Шоҳ Ғозий ҳақидаги ҳикоятни келтиради. Бу ҳикоятда:

Тузди бузуқларни иморат била,
Зулмни даф этди адолат ила

-дея одил ҳукмдор улуғланади. Кейинги мисраларда эса адолатнинг янада улуғланиши, одил шоҳнинг соқийга нисбат берилиши қуйидагича тасвирланади:

Соқийи гулчеҳра, кетур жоми адл,
Кўрки, не гуллар очар анжоми адл.

Бу ўринда Шоҳ Ғозийнинг адолати Зол кампирнинг “Золи зар”га айланиши, яъни адолат сувидан униб чиққан гулга қиёсланишини кузатишимиз мумкин.Адолатнинг гуллар очишини “Маҳбуб ул-қулуб” асарида ҳам “Қуёш била абри баҳордек қора туфроқдин гуллар очар”, деб тасвирлайди.

“Маҳбуб ул-қулуб” асарининг биринчи қисми қирқ тўққиз ижтимоий табақа ва гуруҳларнинг тасвирига бағишланган. Биринчи фаслда Навоий ҳукмдорнинг энг аввало, одил бўлиши кераклиги масаласини ўртага қўяди. Шоир “Одил подшоҳ ҳақдин ҳалойиққа раҳматдур ва мамоликка мўъжиби амният ва рафоқият”, яъни “одил подшоҳ Аллоҳнинг фуқарога юборган раҳматидир, унинг адолати мамлакатга омонлик ва фаровонлик олиб келади”, дейди .

“Маҳбуб ул-қулуб”нинг тўртинчи фасли эса золим, жоҳил, фосиқ подшоҳлар ҳақида бўлиб, агар султон золим бўлса, Навоий, ҳолингга вой бўлади, деб шоир ўзига мурожаат қилади ва золим шоҳнинг тасвирини беради. Асарнинг ўнинчи фаслида эса ҳукмдорнинг халқи ҳам унга ўхшашини айтиб ўтади. “Агар шоҳға адолат шиор, улуси шиорида ҳам адолатдин осор. Агар зулмпеша - элида ҳам зулмидин андиша”[4,16]. Бу сатрларга монанд тарзда дарёнинг суви қандай бўлса, ариқнинг суви ҳам шундай бўлади, деб қуйидаги маснавийни келтиради:

“Ариғларки, ул баҳрдин айрилур,
Биликлик аларнинг суйин ҳам билур,
Чу бирдур сув дарё била наҳр аро,
Эмас таъмида ҳожати можаро”.

Навоий “Маҳбуб ул-қулуб”да одил подшоҳни кўприкка, қуёшга ва кигизга ўхшатади. Бундан келиб чиқадики, улуғ шоир ўзининг олтмиш йиллик ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб яратган маърифий асарида ҳукмдорликнинг ўзига хос таомилларига ҳам адолат нуқтаи назаридан ёндашган.

“Садди Искандарий” достонида ҳам адолат тасвири берилади. Бу асарда ижодкор бир соатлик адолат фаришталар, инсонлару мавжудотларнинг тоат-ибодатларидан афзаллиги ҳақидаги фикрларини баён этади. Маҳмуд Ғазнавий ҳақидаги ҳикоятни олайлик. Ҳикоятда ҳукмдорнинг Ҳиндистоннинг забт этган вақтидаги элга қилган биргина адолати сабаб жаннатга ноил бўлгани ҳикоя қилинади. “Ҳикмат” бобида Искандарнинг устози Арасту билан адолат ҳақида қилган суҳбати ўрин олган. Арасту фикрича, шоҳ одил бўлса, олам унга тобе бўлади. Чунки адолат қарор топган юрт обод, бундай юрт халқи эса бадавлат бўлади. Аскарларга бойлик куч-қудрат бергани ҳолда, бундай қўшин ҳамиша ғолиб бўлишини таъкидлайди.

Навоий Искандарга берган таърифига кўра, Искандар юртни шунчалик адолат билан бошқарганки, мазлум халқ арслондек амалдорлардан, қароқчи ва ўғрилардан паноҳ топди. Оз фурсатда Рум эли бой бўлиб кетди. Шоир соқийга мурожаат қилиб, “Адолат жомини келтир, адолатли Искандар шарафига базм қилайлик ”, дейди.

Демаклик эмас «ҳукмрони замон»,
Демактур «Анушервони замон».

Навоий юқоридаги мисраларда ҳукмдор замонининг оддийгина подшоси бўлмай, балки Анушервондек бўлиши кераклигини эътироф этади. Чунки Анушервон одиллиги билан донг таратган шоҳ эди. Ижодкор ҳам юрт бошлиғини у каби бўлишини истарди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш мумкинки, Навоий нафақат насрий асарларида, балки лирик асарларида ҳам адолатга тўхталиб ўтади, чунки адолат туйғуси кенг қамровли. Меҳр-шафқатли бўлиш, барчани тенг кўриш, кечиримли бўлиш ҳам ўз навбатида адолат туйғусининг бир кўринишидир. Шунча вақт ўтибдики, Навоийнинг адолат ҳақидаги,одил ҳукмдор ҳақидаги фикрлари ўз аҳамиятини йўқотмаган. Зеро, адолат тараққий топган жойда юрт обод, халқ фаровон бўлиши шубҳасиз.

НАВОИЙ СИЙМОСИ ЗАМОНАВИЙ ТАЛҚИНДА

Шоира Дониярова
(ЖДПИ)

Истиқлол даври ўзбек романчилигидаги тарихий мавзуларни ёритишга бағишланган асарларда янгича бадиий шакл ва воситалар билан иш кўришга интилиш кучайди. Жумладан, ўзига хос бадиий тафаккур тарзи ва поэтик тасвир услубининг янгидан-янги қирраларини кўрсатишга ҳаракат қилган адиблардан бири Омон Мухтор ижодида ҳам тарихий мавзу алоҳида ўрин тутади. Омон Мухтор ўзининг тарихий насрдаги тажрибаларини такомиллаштира бориб, “Ишқ аҳли” романида Алишер Навоий образини яратиш орқали улуғ шоир яшаган давр воқелигини тасвирлашга ҳаракат қилган[1]. Бу асарни яратишда қўлланилган бадиий усул, бизнингча, антологик услубнинг бир кўриниши сифатида қабул қилиниши мумкин. Унда Алишер Навоийнинг асарларидан парчалар, ғазалларидан намуналар келтирилиб, яна илмий услубга яқин йўсинда таҳлил қилишга ўтилади. Адиб бу усулни қўллаш орқали Навоийни китобхонга таништириш, унинг ижодини ўрганишга доир йўлланмалар бериш, шоирнинг ҳаёт йўли, шахс сифатидаги жиҳатлари, ўй-хаёллари, истак ва хоҳишлари, қалбини қамраб олган туйғулари ва характерига хос чизгилар ҳақида маълумот беришга ҳаракат қилади. Лекин бу маълумотлар бадиий талқин ва руҳий кечинмалар билан йўғрилганлиги боис сюжет ривожланишини таъминлашга хизмат қилади.

Омон Мухторнинг ушбу романдан кўзлаган асосий мақсади Алишер Навоийнинг буюк ижодий даҳосига сажда қилиш эмас, балки жаҳоншумул асарлар ёзган бу беназир ижодий салоҳият соҳибининг қалбини оддий инсон сифатида тушуниш, унинг руҳий оламини англаш, хуллас, кўнгул кўзгусига назар ташлашга қаратилган. У онгли равишда Алишер Навоий сиймосини тирик инсон сифатида кўришни ва кўрсатишни истайди, ўқувчи кўз ўнгида шоирнинг ана шундай образини гавдалантиришга ҳаракат қилади.

Асар ҳикоячи-қаҳрамон вазифасида келган ёзувчи тилидан баён қилинади. Роман таркибан уч қисмдан иборат, ҳар бир фасл Барнога ёзилган мактуб билан бошланади. Биринчи мактуб кириш, яъни асарга йўлланма вазифасини ўтайди. Асосий воқеалар ҳикоячи-қаҳрамон вазифасида келган ёзувчи тилидан гапириб бериладиган бу асарнинг бошланишида шундай қайдномага дуч келамиз: «Унинг ҳаёти ва ижоди бошдан-охир катта-кичик, ҳар хил зиддиятларга қурилган. Афтидан, қисматнинг ўзи уни шундай ҳолатга солган»[2]. Кўриниб турибдики, ёзувчи ҳам ана шу зиддиятлар таҳлилига катта эътибор беради ва уларнинг туб моҳиятини англаш орқали улуғ шоир шахсиятини бадиий таҳлил қилишга ҳаракат қилади.

Романда қаҳрамон характерининг моҳиятини очишга хизмат қиладиган иккита катта зиддият мавжуд: шулардан биринчиси Навоий ва ёр (Гули, Давлатбахтбегим) муаммоси бўлса, иккинчиси эса, шоир ва шоҳ (Навоий ва Ҳусайн Бойқаро) муносабати масаласидир. Бу зиддиятлар бир-бирига шу қадар боғлиқки, бири иккинчисининг бўлишини тақозо қилади. Ёзувчи асарда ўзи ҳикоя қиладиган воқеликни Навоийнинг асарларидан излаб топилган назмий жавоҳирлар билан безаган. Навоий, Гули ва Ҳусайн Бойқаро ўртасидаги муаммоли муносабатлар баёни тасвирланадиган лавҳалар бирдан узилиб, воқеа тугуни пайдо бўлади ҳамда ечимга етмасдан навбатдаги зиддият билан боғлиқ тугун уланиб кетаверади. Яъни асарда тасвирланган воқелик талқини занжирсимон тарзда кечади. Ҳатто асарнинг бир ўрнида Гули, Навоий ва Ҳусайн образлари ҳамда ўша давр воқелиги билан боғлиқ тасвирлар қолиб кетиб, бугунги кун тафсилотига ўтиб кетилади, яъни Шаҳрия, ҳикоячи-қаҳрамоннинг хотини образи орқали навбатдаги воқелик талқини бошланади.

1 Омон Мухтор.Навоий ва рассом Абулҳай. Ишқ аҳли. Т.: Шарқ –2006. 222б.
2 Омон Мухтор. Ишқ аҳли // Шарқ юлдузи. -2001. –1-сон.- Б.17.

Қаҳрамоннинг биринчи зиддият ҳақидаги мушоҳадалари хаёлий тўқима тафсилотлар талқинини бир-бирига улаш, яъни “ямаш” вазифасини ўтайди. Шу жиҳатдан Омон Мухторнинг ушбу романи шўро йилларида Навоий, Гули ва Ҳусайн Бойқаро учлигини европача талқинда акс эттирмоқчи бўлган Б.Вадецкийнинг «Фоний» романига уйғун ҳолда яратилгандай тассурот уйғотади.

Омон Мухторнинг таҳлил қилинаётган романида Алишер Навоий ҳаётидаги ҳам энг катта зиддият – бу шоҳларга «эҳтиромдан кўра кўпроқ эътироз»да, деб тасвирланади. Назаримизда, адиб асар сюжетини ҳаракатга келтирувчи етакчи йўналишни тўғри танлаган. Алишер Навоий нафақат буюк шоир, балки миллат кишиси сифатида темурий шаҳзодаларга жуда катта ҳурмат билан қарайди. Уларнинг инқирозини куюнчаклик билан изтиробли кузатади ва уларни ҳамдардлик билан ҳимоя қилишга интилади. Ана шу жиҳатларига кўра, бу асар китобхонни Алишер Навоий сиймосига бир қадар яқинлаштиради. Адибнинг адабиёт тарихига оид жумбоқли масалаларни ечишга бўлган уринишлари ҳам бадиий таҳлиллар орқали амалга оширилганлигини унинг ўзига хос янги ифода усули деб баҳолаш мумкин.

Омон Мухтор асар композициясини ташкил этувчи сюжет чизиғини бир мақсад атрофида босқичма-босқич жамлашга интилади. Асардаги ҳар бир мактубдан сўнг кичик–кичик тугунлар юзага келади. Ана шу тугунлар атрофидаги воқеалар талқини ва баёни эса ўз тадрижий ривожига кўра муайян мақсадларга йўналтирилади. Ёзувчи тасвирлаган ҳар бир образ ва бадиий тасвир чизгиларидан тарих зарварақларининг бизга маълум ва номаълум бўлган қирралари қад кўтаради. Романда ўрни-ўрни билан муаллиф ровий вазифасини бажарувчи ҳикоячи-қаҳрамон тилидан ҳикоялар сўзлайди. Ундан кейин воқеалар ривожи тобора кенгайиб бораверади. Асарда ёзувчининг ўз фикрини айтишга шошилгани сюжетдаги услубий тартибсизликни ҳосил қилади, китобхонни тасвирдаги воқеликдан узоқлаштиради. Чунки бундай асарларда тасвирланган тарихий сиймолар ҳаёти ва ижодига доир маълумотлар олиб ташланса, адиб айтмоқчи бўлган янги гап тарихий фактлар соясида кўзга ташланмай қолиб кетади.

Омон Мухторнинг тарихий романларида кенг кўламли бадиий тасвирдан кўра баёнчилик устуворлик қилгандек ёки бадиий ният билан адиб танлаган поэтик услуб ўртасидаги мантиқий мувозанат бузилгандек таассурот қолдиради. Профессор Санжар Содиқ таъкидлаганидек, Омон Мухтор ўзининг ушбу асарида тарихий романчилик анъаналарини маълум даражада янгилашга бўлган уринишлар кўзга ташланади. Қолаверса, Алишер Навоий сиймосини ишқ аҳлининг қалб изтироблари ва тафаккур оламининг кенгликлари тарзида ифодалашга ҳаракат қилган. Натижада, Навоий образига хос янги талқиннинг чизгиларини чизади. Юқорида таҳлилга тортилган асарларнинг худди ана шу жиҳатлари учун Омон Мухтор тарихий романчиликнинг янги шакл ва мазмун намуналарини яратди дейиш мумкин.

НАВОИЙНИНГ НАҚШБАНДНИ ТУШУНИШИ

Абдумалик Ёқубов
(мустақил тадқиқотчи)

Алишер Навоийнинг Баҳоуддин Нақшбандга муносабати масаласига барча навоийшунос ва ўзбек адабиёти тарихи бўйича мутахассислар фикрини билдириб ўтишган. Кишида шундай таассурот уйғонадики, гўё бу борада ҳамма гап айтиб бўлинганидек. Лекин савол туғилади: Навоий Нақшбандниг қарашларини қандай тушунади? Бу саволга тўлақонли жавоб йўқ. Тўғри, Навоий устози Абдураҳмон Жомийдан Нақшбандлик таълимотини ўрганган, аммо бу Навоийни юз фоиз нақшбандчи мутафаккир деб қабул қилишга асос бўлолмайди. Чунки Жомий ҳам, Навоий ҳам умумтасаввуф даражасида фикр юритади. Шу маънода Навоийнинг Нақшбанд қарашларини тушуниши масаласи тадқиқ этилиши керак.

Хўш, бу нима учун керак? Баҳоуддин Нақшбанд эмас, унинг издошлари бўлган Нақшбандия тариқати вакиллари Темурийлар билан ҳамкорлик қилган ва уларни қўллаб-қувватлаган. Шу сабабли Темурийлар даврида Баҳовуддин Нақшбандниng тасаввуфий қарашлари қандай тушунилганлигини фақат Навоий орқалигина англаб олиш мумкин.

Алишер Навоий "Хамса" асарининг "Ҳайрат ул-аброр" достони 21-бобида учинчи ҳайратдан кейин "Ҳожа Баҳоуддин Нақшбанд мадҳи"ни ёзади. Айни пайтда, бу мадҳда Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор тўғрисида ҳам сўз боради. Демак, Навоий ҳазрати Нақшбанд қарашларини ўз замондоши Хожа Аҳрор Валий *талқинида* тушунади. Нега? Муҳаммад Боқир "Мақомоти Хожа Нақшбанд" асарида таъкидлашича, Нақшбанд тасаввуфни Қуръон оятида келганидек, "урватул вусқо", яъни Муҳаммад алайҳиссалом воситасида Аллоҳга етиш деб тушунган. Хожа Аҳрор Валий эса "Рисолаи волидия" асарида бу қарашни талқин қилиб, Пайғамбар алайҳиссаломнинг сўзи, феъли ва амалига тақлид қилиш Аллоҳга етиш воситаси дея тушунтиради.

Навоийнинг фикрича, Аллоҳ ҳазрати Нақшбандниng "жисми ва руҳини нақш қилиб яратиб, уни кофирларни иймонга даъват қилиш" учун бу дунёга юборган. Нақш минг турли йўллар ва жилвалардан иборат бўлганидек, Нақшбандниng ҳаёти, қарашлари ва таълимоти чинакам ибрат намунасидир. У Пайғамбар алайҳиссаломдан ўрнак олган. Мўғуллар истилоси туфайли Моваруннаҳр ва Хуросонда иймоннинг заифлашгани бор гап, XIV-XV асрларда Темурийлар иймон саодатини тиклашди. Навоий ҳазрати Нақшбанд тўғрисида эслатилган манбада Нақшбанд таълимоти "баланд кўкдек ранг-баранг, бу ранг-барангликнинг ҳар бирида маъно бор"лигини айтади.

Нақшбандниng тасаввуфий таълимотида "Аллоҳ маърифатининг саҳифалари кўп, уни англаш Дилни Аллоҳга боғлайди". Аллоҳга боғланиш Комил Инсон бўлишдир. Инсон ким бўлишдан қатъи назар – шоҳми у, гадоми у – комил инсон бўла олади.

Лек анинг нақши киби дилнавоз,
Чекмади, то хожасидур нақш соз.

Нақшбанд таълимотини англаб, Комил Инсон бўлиш учун "унинг таълимотини чуқур биладиган Устознинг этагидан тутиш керак".

Собит анинг кўнгли аро нақши жуд,
Маҳв бўлиб ул саҳфада нақши вужуд.

Комил Инсон ва устоз Нақшбандниng "кўнглида Аллоҳ нурлари минг турфада жилваланар эди, шу сабабли унинг жисми турфа хил ҳою-ҳаваслардан пок бўлган". Бу ўринда икки масалага ишора қилинган: 1) Нақшбандниng "Дил ба Ёру, даст ба кор" (Кўнгил Аллоҳда, қўл ишда бўлсин) тамойили; 2) Комил Инсон бўлиш учун Нафс қутқусини жиловлаш.

Нақшига тенг тутмай ўзни нақши Чин,
Олам ўлуб илгида нақши нигин.

Комил Инсоннинг буюк тимсоли бўлган Нақшбанд таълимотида "Аллоҳнинг барча маърифати жам бўлган, шу сабабли у олам сирларини қўлидаги узугидек кўриб турар эди". "Нақши Чин" – бу ўринда билимлар мажмуи (маърифат), Пайғамбар алайҳиссалом ҳадисини эсланг: "Чинга қадар бўлса ҳам илм изланг". Негаки V-VII асрларда ҳозирги Хитой ҳудудида буддавийлик динига асосланган ирфоний билим гуллаб-яшнаган эди, бу жараёнда юзлаб юртдошларимиз ҳам иштирок этган. Бу ҳақда роҳиб Хуэй Цзяонинг (VII аср) "Улуғ роҳиблар манақиби" асарида етарлича маълумот бор. Аммо Нақшбандниng фикрича, "мазкур билимлар мажмуи Нақшбанд таълимоти олди-

да ҳеч нарса”. Нега? Чунки Нақшбанд таълимотида Аллоҳ маърифати жо бўлган. Бундан ташқари, Нақшбанд демишки: “Олам бизнинг тирноғимиздек”, яъни Аллоҳ маърифатидан хабари бор Комил Инсон олам сир-асрорини кўриб туради. Дангал айтиш керак, Нақшбанд каби кўп мутафаккирларнинг бундай ғоялари Интернет сингари ашёларнинг юзага келишига асос бўлган.

Бўйла ничин нақшига фармонбари,
Мунча ажаб нақш ила деву пари.

Нақшбанд таълимотида “Аллоҳга етиш тўғрисида ҳукмлар бор, бу ҳукмларда камолот машаққатлари ва ҳаёт найрангларидан огоҳлантириш мавжуд”. Ҳазрати Нақшбандниг Аллоҳни танитиб, комилликка элтувчи таълимоти, “жиддий жаҳд – ҳаракат билан англанадики, чунки унда олам-олам маънолар чуқур талқин қилинган”. Мисол учун, Нақшбандниг “Кўнгил Аллоҳда, қўл ишда бўлсин” тамойилига амал қилган одамнинг золим бўлмаслиги бор гап. Аллоҳни ёдига сақлаб турган одам ҳеч қачон ноҳақлик қила олмайди.

Нақшбанд таълимотини англаганлар “Аллоҳ маърифатига етиб Комил Инсон бўлади, чунки у ҳазрат нақшбандийлар шоҳидир (Шоҳи Нақшбанд)”.

Зеро, Навоий ҳазрати Нақшбандниг тасаввуфий таълимотини Хожа Аҳрор воситасида чуқур тушунгани учун уни идеал шахс деб билади. Идеал шахс оддий одамлардек яшаб ўтади, лекин одамларга ҳақ йўлни кўрсатиб кетади.

НАВОИЙ СИЙМОСИ ОЙБЕК ТАЛҚИНИДА

Ислом Ёқубов
(ТошДЎТАУ)

Академик шоир, носир Мусо Тошмуҳаммад ўғли Ойбек нодир истеъдод соҳиби эди. Зотан у болалик йиллариданоқ халқ оғзаки ижодини чуқур ўрганган ва мумтоз адабиётимизни севиб мутолаа қилган. Адиб ижодий ниятида ўтган асрнинг 20- йиллари иккинчи ярмидаёқ жаҳолатга қарши маърифат билан курашган Навоий бобомиз инсонпарвар сиймоси орқали ўз халқининг тарихий тақдири ҳақидаги теран мушоҳадаларини ифода этиш ва бадиий адабиёт сеҳр-қудратини кўрсатиш фикри уйғонган эди.

“Қисқача таржимаи ҳолим” асарида Ойбек “Навоий”[1] романи ёзилиш жараёнини хотирлаб: “Романни уруш йили, қиш фаслида совуқ хонада жинчироқнинг титроқ шуъласида ёзганман”[2]**, -** деган эди. Дарҳақиқат, Ойбек 1928 йилдан эътиборан Навоий ҳақидаги материалларни йиға бошлаган бўлса-да, орадан ўн тўрт йил ўтгач, яъни 1942 йилдагина романни ёзиб тугаллаган. Чунки Навоий хотираси, унинг сиймосини поэтик идрок этиш масъулиятини теран англаган ёзувчи бу даврда буюк шоирнинг қалб ёлқини бўлган ўлмас асарларни қунт билан ўрганган. Темурийлар салтанати тарихи ва давр ҳаётининг XX асрга ҳамоҳанг, ўз ҳис-туйғуларига оҳангдош, келажакка умид уйғотувчи жиҳатларини саралаган. Айни пайтда, Навоий ҳаёти ва ижоди ҳақида тарихий-адабий йўсинда тадқиқотлар олиб борган. Ойбекнинг “Навоийнинг таржимаи ҳоли”, “Навоийнинг дунёқараши масаласига доир”, “Хамса”нинг асосий образлари”, “Навоий ҳақида” сингари йирик тадқиқотлари шулар жумласидандир. Аксарияти 30-йилларда яратилган мазкур тадқиқотлар бирламчи манбаларга таяниб амалга оширилгани, илмий-назарий бақувватлиги, амалий аҳамияти жиҳатидан республикамизда навоийшуносликнинг шаклланиши йўлидаги дастлабки изланишлар эди.

1 Ойбек Навоий. Роман. – Т.: Ўқитувчи, 1985. (Кейинги мисоллар шу нашрдан олиниб, саҳифа қавс ичида кўрсатилди И.Ё.).
2 Ойбек. Мукаммал асарлар тўплами. Ўн тўртинчи том. – Т.: Фан, 1979. – Б. 16.

Зоҳиран қаралса, “Навоий” романида улуғ инсонпарвар шоирнинг таржимаи ҳоли батафсил ёритилгандай туюлади. Чиндан ҳам романда кўрсатилишича, 1469 йилнинг кўкламидан 1501 йилнинг январигача бўлган ўттиз икки йиллик воқеалар қаламга олинган. Навоий қизғин маданий-маърифий, ижтимоий-сиёсий фаолиятда тасвирланган. Донишманд ва тадбиркор Навоий бобомиз марҳаматли ва талабчан устоз, маданият-маърифат ва ободончилик ишларининг раҳнамоси, инсоф, диёнат, адолат ҳимоячиси, мамлакат ва халқ осойишталигининг посбони сифатида намоён бўлади. Мутафаккир шоир ва олим сифатида Навоий ўз ички имкониятларидан унумли фойдаланиб, давлат ва идора усулида мустаҳкам тартиб ўрнатиш ва айрим ислоҳотлар ўтказиш йўлида жон куйдиради. Низо ва адоватларни бартараф этишга уринади. Қалбини ишонч ва умид тарк этмаган шоир тобора таназзул ботқоғига ботиб бораётган Ҳусайн Бойқаро салтанатида кечаётган воқеалар мантиғини теран англайди. Жаҳолат исканжасидаги юрт пешволарининг қилмишларидан ранж-алам, изтироб чекади.

Романда тасвирланишича, Навоий улуғворлик ва мардоналикни ўзида мужассамлаштирган нодир шахсдир. Аммо шуни ҳам таъкидлаш жоизки, 1928 йилдан 1942 йилгача, яъни айни қатағон даврида ёзилган романда замон талабига кўра Ойбек улуғ Навоий асарларидан унинг хурофот, жаҳолат, муштумзўрликка қарши курашувчи жиҳатларини топиб, уларни бўрттириб кўрсатишга мажбур эди. Шунинг учун ҳам романда Султон Ҳусайн Бойқаронинг барча хусусиятлари Навоийга қарши қўйилиб, шоҳ базм ва майхўрликка берилган, мустақил фикрлашдан маҳрум шахс сифатида акс эттирилган. Шунингдек, Мажидиддин ва тарафдорлари ҳақида Навоийнинг уларга нисбатан айтган: “аждарнафс”, “дарранда”, “газанда”, “бўрилар”, “итлар”, “чиркин махлуқлар”, “ифлос пашшалар” каби сўзлари таъкидлаб кўрсатилган.

Шу билан бирга, Ойбек роман ёзилган даврдаги таҳликали вазиятни унинг қаҳрамонлари хатти-ҳаракатлари орқали Навоий даврига ишора қилиб тасвирлаган. Масалан, Арслонқулдан Дилдорга хабар келтирган фолбин кампир атрофга аланглаб секингина сўзлайди. Ҳаяжонини босолмаган Дилдорни: “Ҳой, секин гапир! Жинни бўлдингми? Қаердасан?” – дея огоҳлантирар экан, даричани ёпиб қўйиб шивирлаган ҳолда сўзлайди. Ҳатто ваҳимага тушиб, зинҳор бировга оғиз очма, дея таъкидлайди. Дилдорнинг: “Хат бермадими, сизга?” – деган сўровига: “Тил зиндонга судрайди, хат дорга элтади, болам!” – дея бир қадар ўкиниш ва жафони бўйнига олган кишига хос вазминлик билан жавоб беради (228-бет).

Дилдорга ғамхўрлик қилиш илинжида Султонмурод Тўғонбекнинг даргоҳига бош уриб келганида Алоуддин Машҳадий, Мавлоно Шаҳобиддин ва бошқа амалдорлар даврасида ўтирган Тўғонбекдай одам ҳам юрт улуғларининг пинжига қанчалик кириб олган бўлишига қарамасдан, дабдурустдан аниқ жавоб айтолмайди. Сунъий қиёфага кириб, совуқ ва расмий муомала қилади. Шоҳнинг қонуни устуворлиги, шайхулисломнинг адолати тўғрисида сўзлашга у ўзининг мустариб аҳволини тан олишга, айни вазиятда бошқача йўл тута олмаслигини тушунтиришга мажбур бўлади (245-246 бетлар). Хўжа Афзал Навоий билан суҳбатда: “Ҳиротдаги машъум ҳодисаларни айтишдан тил ҳам чўчийди”, – дейди чукур хўрсиниб (275-бет). Эшик оға Бобоали Ҳайдарни муомалада “тилга эҳтиёт бўлиш”ликка чақиради (327-бет).

Ойбек “Навоий” романига бундай ўринларни бежиз киритмаган, албатта. Бу мисоллар орқали у ўз даврининг руҳига ҳам ишоралар қилган бўлиши мумкин. Зеро, ижодкорнинг қалби мудом уйғоқ, олам ҳодисаларини теран идрок қилади ва ҳис этади.

Романда ҳаёт синовларини матонат билан енгиб, ўзлигини англаган қаҳрамонлар ҳолати жонли тасвирланади. Улар орасида Навоий ўз эркинлиги билан ажралиб туради. Навоий сиймоси орқали ўз ақидаларида собит, истиқболга комил ишонч билан боқувчи қудратли руҳ эгасининг эзгулик йўлидаги ҳаракатлари китобхон қалбига далда беribгина қолмай, яратувчанлик ва ижодкорлик руҳини ҳам тўлдиради. Романдаги ритм қисмлар узвийлигини таъминлайди. Оҳангнинг гоҳ авж пардаларда, гоҳ сокин, гоҳ тантанавор, гоҳида эса маъюс оқиши сурат ва сийрат жилваларидаги

қалб туғёнлари, исён ва итоат, қатъиятлилик ҳамда бандасининг ожизлигини ифодалайди. Ойбекнинг оламу одам яхлитлигини намоён этишида романдаги ягона овоз, оҳангларнинг ўзаро уйғунлиги китобхоннинг бутун борлиғини қамраб олади.

“Навоий” романининг яхлит ритмини белгилашда ёзувчининг ўзи калит бергандай туюлади: “Юсуфдек хушрўй” ва “ўбдон ақлли” Мўмин Мирзо ҳақида адиб: “...шаҳзода “Қуръон”дан бошини кўтармади. Мунгли товуш билан қироат қилаверди”, – деб ёзади. Бу фожианинг исканжаси остида руҳан ўртанаётган Навоий эса фикран асрларнинг, даврларнинг манзарасига назар ташлаб, ҳазин оҳанг ила сўзлайди. Ана шу ҳазинликда ҳақиқатнинг аччиқ таъмини, мамалакат тақдирида бошланажак муқаррар бўроннинг дарагини туйиш мумкин.

Бироқ Ойбек романга сўнгги нуқта қўяр экан, оптимист шоир ҳақидаги асарни ғамгин бир руҳ билан якунлашни истамайди. Ўз ҳаётидан мамнун, “юрагида шодлик чайқалган” Навоий ҳолатини тасвирлаб ёзади: “Шоир шамни ўчирди. Ҳассани қўлга олиб, ётоқ уйга кирмоқ учун увишган оёқлари билан аста-аста юриб, ташқари чиқди. Салқин ҳаво юзларига ёқимли урди. Чексизликдан муаззам оҳанг билан оққан юлдузларнинг нафаси, боғчадаги дарахтларнинг шитирлаши, ярим кечада ип йигирган жафокаш кампир чархининг ғув-ғуви, узоқда карвон тевалари қўнғироғининг вазмин оҳанги – барчаси шоирнинг кўнглига бир хилда яқин, таниш, маънодор туюлар, барчасини у чуқур сезар эди” (431-432-бетлар).

Донишманд шоир шаминнинг ўчиши ҳаётининг ҳам ниҳоясига яқинлашиши арафасида кечади. Ҳавонинг тоза ва салқинлиги, юзларга урилган майинлиги, дарахтлар шивирию, коинотнинг муаззам оҳангларига уйғун. “Жафокаш кампир” қиёфасида рамзлантирилган “фалак чархи”нинг тинимсиз “ғув-ғуви” муаззам тарих биносини яратишга ёхуд кунпаякун этишга улуш қўшган не-не эрлару, гуноҳга ғарқ бўлган нокасларнинг тарих йўлларида ўтган карвон янглиғ ўтиб кетганлиги вақт аталмиш олий ҳакамнинг вазмин оҳангларидаги шафқатсиз ҳукмига хос жаранг китобхон қулоқлари остида садо беради. Ўзини табиатнинг бир зарраси деб билгани боис ҳам уларнинг барчаси шоир кўнглига яқин, таниш, маънодор.

Навоийнинг эски қадрдони кекса бир шоир тилидан айтилганидай “жаҳонгашта шамоллар шоирнинг муқаддас оёқ изларидан бўса оладилар”. Бу тасвир шоирнинг вафотидан изтироб ва ҳасрат чўккан дилларда сезилган ўлим шарпасини қувгандай, ҳаётнинг ўткинчилиги ҳақидаги иқрорларни унуттиргандай, мамлакат ҳаётидаги руҳсиз бўшлиққа маъно бергандай, ўксиклик ўрнини умидворлик эгаллагандай таасссуротлар уйғотади. Аслида ҳам шундай. Ойбекнинг: “Улуғ қабрнинг устида Ҳирот йиғлади... Шоирнинг мотамини шеър гуллари безади” (439-бет) – деб ёзиши бежиз эмас. “Навоий” романи Ойбек даҳосининг улуғ мутафаккирга бўлган тизгинсиз муҳаббатидан дарак берувчи ўзига хос ҳароратга йўғрилган гулдаста сифатида ҳануз ўз қимматини сақлаб турибди.

Ойбек иқтидори, ҳиммат ва ғайрати, илҳом булоғининг маҳсули бўлган “Навоий” ахлоқий-сиёсий, ижтимоий-фалсафий романи адиб хаёлининг кўркам чаманзоридан терилган гўзал гулдастадир. Мамлакат ҳаётида тўхтовсиз сиёсий зилзилалар давом этаётган бир даврда имонли ва виждонли адиб сифатида Ойбек эл-юрт тақдирига бефарқ қарай олмас эди. Унинг фикри давр ва салтанатлар оша кезиб, темурийзодалар тақдири мисолида тубсиз ўпқон ёқасига келиб қолган империяни муқаррар ҳалокатдан огоҳ этибгина қолмай, истиқболда бошланажак машъум бўрондан ҳам дарак берди. Инсониятнинг улуғ фалокатлар қаршисида такрор қолмасликлари учун бани одам фарзандлари бир-бирларига ўзаро муҳаббат ришталари билан боғланмоқлари, юртда адолат барқарор бўлишини тилаган Ойбекнинг бедор руҳидан таралган ҳаётбахш нурлар басират кўзини очувчи калит вазифасини ўтайди.

“ТАРИХИ МУЛУКИ АЖАМ”ДА ЖАМШИД ТИМСОЛИ

Матлуба Жабборова
(Губкин номидаги
Россия давлат нефть ва газ университети
қошидаги академик лицей)

Алишер Навоий асарлари халқ ижодиётига яқинлиги, халқчиллиги билан ҳам қадрли. “Халқ ижодиётини ардоқлаб, юксак баҳолаган Алишер Навоий бутун ижодиётида ундан унумли ва ўринли фойдаланди”[1]. Жумладан, Шарқ адабиётда анъанавий образга айланган Фарҳод, Ширин, Лайли, Мажнун, Баҳром, Искандар каби бадиий; Хизр, Сукрот сингари мифологик ва Жамшид, Фаридун каби тарихий-афсонавий тимсоллар воситасида Навоий ўз фалсафий мушоҳадаларини баён этади.

Буюк мутафаккир ўзигача бўлган Шарқ халқлари оғзаки ижоди ҳамда ёзув адабиётидаги бу сингари анъанавий образларни мутлақо қайта ишлади, ўз ижодий ниятидан келиб чиқиб, уларга янгича моҳият сингдирди. Натижада шоир асарларидаги ҳар бир образ ва тимсолларнинг ўзи кейинги давр ижодкорлари учун бир ибрат мактабига айланди. Шунинг учун ҳам шоир ижодида анъанавий образлар поэтикаси алоҳида ўрганишга арзирли муаммодир. Шундай образлардан бири Жамшиддир. Шоҳ Жамшид номи Навоийнинг туркий ва форсий шеърларида, насрий асарларида, “Хамса”нинг барча достонларида учрайди.

Алишер Навоий Жамшид образини яратишда асосан Фирдавсийдан илҳомланган. “Фирдавсий Жамшид тимсолида бир-бирига зид бўлган икки шоҳ образини яратди. Бири адолатли ва маърифатпарвар шоҳ Жамшид бўлиб, шоир уни улуғлайди, бири мутакаббир ва худбин шоҳ бўлиб, уни қоралайди, ўлимга маҳкум этади. Бу билан Фирдавсий, бир томондан, мифологиянинг асосини сақлаб қолса, иккинчи томондан, ўз даврининг муҳим проблемаларидан бири бўлган адолатли ҳукмрон учун кураш ғоясини илгари суриб, адолатли ва маърифатпарвар Жамшид образи орқали ҳукмронларни ундан ўрнак олишга, эл-юрт учун хизмат қилишга, кўпга таянишга чақирса, мағрур ва мутакаббир Жамшиднинг тақдири орқали уларни огоҳлантиради”[2]. Навоийда ҳам ушбу анъана давом этади. Буюк мутафаккир Жамшид образини яратишда Фирдавсий йўлидан боради[3].

Алишер Навоий Жамшид сиймосига турли муносабатлар билан мурожаат этади. Биринчидан, тарихий афсонавий подшоҳ Жамшид фаолияти билан боғлиқ ривоятларни келтиради; иккинчидан, Жамшиднинг адолатпешалиги ва бунёдкорлик хислатини ўрнак қилиб кўрсатади; учинчидан, Шарқ адабиётида рамзий тимсолга айланган жоми Жамни муайян байтларда турли мақсадларда истифода этади.

Алишер Навоий Жамшид тимсолига “Тарихи мулуки Ажам” асарида ҳам кенг мурожаат қилади. У ўзининг мазкур асарини ёзишда ўзигача яратилган кўпгина тарихий, бадиий китоблардан баҳраманд бўлганлигини айтиб ўтади[4]. Ушбу асарда Навоийнинг асосий мақсади мозийдаги Ажаб подшоҳлари неча йил ҳукмронлик тарихини баён этиш эмас, уларнинг салтанатдорлиги даврида юрт тинчлиги, давлат дахлсизлиги, мамлакат ободлигию эл фаровонлиги йўлида қандай тадбирларни амалга оширганлигини тафсилот, давр подшоларига ибрат қилиб кўрсатиш бўлган.

“Тарихи мулуки Ажам”да Ажам тарихидаги форс шоҳлари тўрт табақага бўлинади. Уларнинг биринчиси Пешдодийлар деб юритилиб, булар ўн бир подшоҳдир. Навоий Жамшидни Пешдодий-

1 Маллаев Н.М. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Тошкент: Ғафур Ғулом номидаги адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. Б 86.

2 Маллаев Н.М. Кўрсатилган асар. –Б 100.

3 Шодиев Э. Алишер Навоий ва форс-тожик адиблари. – Т.: Ўқитувчи, 1989. 36-49 бетлар.

4 Юсупова Д. Ўзбек мумтоз адабиёти тарихи (Алишер Навоий даври). – Т.: Академнашр, 2013. 211-214бетлар.

ларнинг тўртинчи подшоҳи сифатида таърифлайди. *“Баъзи ани Таҳмураснинг қардоши дебдурлар ва баъзи қардошининг ўғли. Чун салтанатқа ўлтурди, жаҳон мулкини адл ва дод била тузди. Ва ҳусну жамолда дилпазир ва фазлу камолда беназир эрди[1]”.* Навоий ўз асарида Каюмарс, Ҳушанг, Таҳмурас ва Жамшид образларини шоҳ сифатида тасвирлайди. “Шоҳнома”дагидек ушбу образлар мифологик-тарихий хусусиятларини сақлаб қолган. Бироқ Навоийнинг Жамшид ҳақидаги маълумотлари “Шоҳнома”дан кўра, “Тарихи Табарий”даги воқеага[2] монанд келади. Навоий Жамшид образини худди Табарий каби тарихий шахс сифатида гавдалантиришга ҳаракат қилган. *“Ғариб ихтироълар қилди. Ва ул жумладин сипоҳийлик аслиҳасидурким, пайдо қилдиким, ондин бурун тош ва йиғоч эрди. Синон ва ҳарба ва пичоқ, баъзи ҳабба ҳам дебдурлар, қалқон ҳам дебдурларким, ул ясади”.*

Алишер Навоий мазкур далилларни тарих китобларидан олганлигини айтиб, уларнинг муаллифларини зикр этиб ўтган. Аммо Навоий таянган бу асарлар мифология ва афсоналарга доир биринчи манбалар бўлмай (биринчи манбалар “Авесто”, “Бундахишн” ва бошқа китоблардир), балки исломиятдан кейин янги бир тарихий муҳитда яратилган асарлар бўлиб, миф ва афсоналар шу тарихий муҳитга мувофиқлаштирилган, қайта-қайта ишланган.

Алишер Навоий миф ва афсоналар билан тарих китоблари орқалигина эмас, балки бадиий асарлар воситасида ҳам яқиндан таниш эди. Бу жиҳатдан, айниқса, “Шоҳнома” алоҳида ўрин тутади. Чунки “Шоҳнома”нинг асосини халқ мифологияси, халқ оғзаки ижоди ташкил этади[3]. Ушбу мифологияларнинг ибтидоси эса бевосита биринчи ёзма манба “Авесто”га бориб тақалади.

Навоий “Авесто” номини тилга олмаса-да, Жамшид тарихини битишда ундан ҳам баҳраманд бўлганлиги сезилиб туради. *“Ва анда улуқ биное солдиким, ҳоло осори ва нишоналари борким, одамизод андоқ ясамоқ маҳол кўринурким, киши кўрмагунча бовар қилмас. Ва ани Чиҳилминор дерлар”.* Ушбу маълумот “Авесто”да келтирилган Жамшиднинг тўрт тарафдан устун билан ўралган ер ости шаҳри – Варларни бунёд эттиргани ҳақидаги лавҳага ўхшаб кетади. Варлар ҳақида Табарийда ҳам, Фирдавсийда ҳам маълумот берилмаган. Демак, Навоий мазкур маълумотни келтиришда “Авесто”дан файз топган бўлиши мумкин. “Садди Искандарий”даги Зардушт ҳақидаги маълумот бу фикрни қувватлайди.

Асарда Наврўзнинг байрам қилиниши ҳақидаги лавҳалар ҳам Берунийнинг маълумотларига ўхшаб кетади. *“Ул вақтким қуёш нуқтаи эътидоли рубъиға таҳвил қилиб эрди, ул бинода тахт устига ўлтуруб, адолат сийт ва садосин оламға мунташир қилди ва ул куннинг отин Наврўз қўйди”.* Наврўзнинг пайдо бўлиши ҳақидаги ушбу маълумотлар айнан Берунийнинг “Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар” асарида батафсил изоҳланган.

“Тарихи мулуки Ажам”да Жамшиднинг манманликка берилиши, ўзини буюк яратувчи худо деб эълон қилиши ва одамларни ўзига сажда қилишга ундаши каби воқеалар бошқа манбалардаги анъанавий сюжет каби тасвирланади. *“Ва салтанатининг замони етти юз йилғача бўлди. Оқибат муфрит жоҳ ғурури ва азим давлат такаббури димоғиға фосид хаёл солиб оламни ўз ибодатиға амр қилиб, ўз сурати била бутлар ясаб, ақолим ва кишварларға йибориб, элга ўзининг парастишин буюрди.”(8.606)* Бироқ Жамшиднинг бу ғайри шаръий амали бежавоб қолмади. Навоий бундай такаббурликнинг натижаси беаёв ўлим эканлигини айнан таъкидлайди. *“Ҳар ойина ғайрати илоҳи муқтазий ул бўлдиким, анга жазо етгай”.*

Жамшиднинг фожиали ўлим топиши, яъни Заҳҳок томонидан арра билан иккига бўлиб ташланиши деярли барча манбаларда бир хил берилган. Фақат қотилнинг номи турлича. Масалан, “Авесто”да Спитйура, Фирдавсийда Заҳҳок, Табарийда Биварасп ва хакозо. Навоий эса Жамшиднинг

1 Навоий А. Тўла асарлар тўплами. 8-том. – Тошкент:Ғофур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2011. –Б 606. Кейинги келтириладиган мисолларнинг барчаси ушбу нашрдан олинган бўлиб, қавс ичида жилди ва бети қайд этилади.

2 Табарий “Тарихи Табарий”. Шарқ қўлёзмалари маркази.Тошбосма инв. №18038. 3-бет.

3 Маллаев Н. Алишер Навоий ва халқ ижодиёти. –Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1974. – Б 95.

Заҳҳок томонидан ўлдирилганини айтиб, Табарийда Бивараспн томонидан ўлдирилганлигини ҳам эътироф этади. *“Шаддод Одқа тақдир бўлдики, қардоши ўғли Заҳҳоки алавонини сипоҳ била йиборди, то ани тутуб, арра била ики бўлуб, жисмин пора-пора қилди. Табарийда анинг қатли Беваросбқа мансубдур, аммо ўзга таворихда йўқдур”*.

Фольклоршунос олим М.Жўраевнинг фикрича, *Бирасп* бу Заҳҳокдир. Унинг кузатувида Бирасп сўзининг этимологик луғати келтирилади ва Бираспнинг Заҳҳок эканлиги асослаб кўрсатилади.[1]

Кўринадики, “Тарихи мулуки Ажам”да буюк адиб Жамшид образини тасвирлаш, қаламга олиш орқали ўзининг юксак ижодий ниятини ифодалашга муваффақ бўлган. Шунингдек, “Тарихи мулуки Ажам”да Жамшид тарихи ўзига хос тартибда битилади. Чунончи, Навоий ўзигача яратилган Жамшид мавзусидаги турли тарихий – афсонавий фактларни бир ерга жамлаб, Жамшид образининг мукаммал тарихий қиёфасини яратади. Бу маълумотлар ўзбек адабиётида Жамшид мавзусини ўрганишда энг муҳим манба ҳисобланади.

АЛИШЕР НАВОИЙ МЕРОСИДА НАЙ ЧОЛҒУСИНИНГ ТАЪРИФИ

Лайло Жўраева
(Ўзбекистон давлат консерваторияси)

Ўтмишда мусиқа назариясига мурожаат этган олимлар – Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Ал-Хоразмий, ал-Киндий, Сафиуддин Урмавий, Маҳмуд Шерозий, Абдулқодир Марофий, Дарвишали Чангий, Абдураҳмон Жомийларнинг мусиқий рисолаларида чолғу асбобларга бағишланган махсус боблар, бўлимлар мавжуд. Албатта мазкур қисмларда мусиқанинг инсон руҳи ва жисмига таъсирини мусиқий чолғулардан тараладиган оҳанглар орқали ифодалаш, ўша даврлардаги машҳур созлар, уларнинг кўринишлари хусусидаги фикрлар алоҳида қайд этилган.

Ҳазрат Алишер Навоий асарларида эса мусиқий асбоблар адабий-бадиий образ сифатида шеър санъатлари орқали лирик тасвирланади. Аммо бундай таърифлар битилган байтларни теран идрок қилинса, мусиқанинг илмий жиҳатларига ҳам эътибор билан ёндошилганлиги маълум бўлади. Шоир ўз ижодий меросида мусиқашуносликка, хусусан, чолғушуносликка алоҳида ўрин ажратмайди, бироқ Навоийнинг аксарият асарларида мусиқий созларга мурожаат этганлигини кўриш мумкин. Ҳазрат Навоий асарларида кўплаб ўринларда учрайдиган созлардан бири най чолғусидир.

Най форс тилидаги қамиш маъносидан олинган, дамли пуфлама мусиқий чолғу. Унинг турлари кўп бўлиб, қамишдан, ғаровдан ва ичи ковак қилиб ўйилган ёғоч ёки мисдан ясалади. Ён томонида олтита тармоқ тешиклар бўлиб, улардан икки ярим октавадан кенгроқ диапазондаги товушлар ҳосил этилади.

Навоийнинг чолғушуносликка қўшган улкан ҳиссасини деярли барча бадиий асарлари, иттифоқо “Маҳбуб ул-қулуб” рисоласидаги созларга берилган аниқ таърифларсиз тасаввур этиш мушкул. Мазкур асарда чолғуларнинг овоз хусусиятига алоҳида эътибор бериб, айниқса, товуш сифатлари, тембр жиҳатлари ҳамда инсоннинг руҳий оламига таъсир кучи хусусида теран фикрлар баён этади. Шоирнинг мусиқий иборалар билан уйғунлашган ҳар бир сатрлари теран маъноли, мусиқий атамаларнинг асар ғояси билан қоришиб кетганлиги алоҳида ажралиб туради. У ўз ғазалларида қайси чолғуга мурожаат этмасин, албатта ана шу соз табиати ҳар томонлама инъикосини топади. Най сози иштирок этган айрим байтларни кўриб ўтамиз:

1 Жўраев М., Нарзиқулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006. – Б 94.

Оташин май бирла, эй соқий, қизитқил базмни,
Мутрибо, ул ўтни тез этмакка ол оғзингга ***най.***[1]

Най тарихига назар ташласак, соз илоҳий кучга эга эканлиги тасаввуф аҳли султони Жалолиддин Румий (1207-1273) ижодларидан маълум. Машҳур «Маснавийи маънавий»нинг:

Бизнав аз най чун ҳикоят мекунад,
Аз жудойиҳо шикоят мекунад

байти билан бошланувчи дастлабки ўн саккиз байт бевосита най билан боғлиқ бўлганлиги учун «Найнома» деб ҳам айтилади. Румийнинг олти мукаммал жилдини алломалар шу 18 байтнинг шарҳи дейдилар. Бир неча тасаввуф олимлари, улуғларнинг мазкур асарга ёзган катта жилдли шарҳларидан ҳам бу саноқли байтларнинг нақадар буюк ва залворли эканлигини англаш мумкин. Уламолар Яъқуб Чархий ва Абдураҳмон Жомийнинг "Най рисоласи" энг ёрқин шарҳлардан эканлигини таъкидлайдилар. Нима учун айнан най сози? Бу чолғу қайси жиҳати билан сўфийлик аҳлини ўзига ром этган?

Най созига тасаввуфда Жалолиддин Румийдан олдин ҳам ишоралар бўлганлиги манбалардан маълум. Шайх Аҳмад Ғаззолий "Рисолайи савонеҳ" китобининг бир ўрнида найга мурожаат қилган. "Маснавий" ёзувчиларининг деярли барчаси най рамзини комил инсон сифатида талқин этганлар. Мавлононинг юқоридаги маснавийига битилган шарҳларнинг бирида "Най" истилоҳидан муддао, яъни зоти шариф Мавлоно Жалолиддин Румий кўзлаган мақсад ориф ва оқиллик мартабасига ноил бўлган инсони комилдир"[2], дейилади. Бир неча омиллар билан қиёсий шарҳланади: най одатда қамишдан ясалади. Қамиш ҳали кесилмасидан бурун роҳатда ҳаёт кечиради ва кесилганидан сўнг қурийди. Комил инсоннинг руҳи ҳам руҳлар дунёсида маънавий лаззатда яшайди, бу дунёга келгач, зилол сувдек руҳлар оламидан жудо бўлиб, гўё сувсизликдан қурий бошлайди. Найдан ошиқона, лаззатбахш наволар таралади. Ориф инсондан ҳам ошиқона сўзлар зуҳур бўлади. Най ноласи тингловчи ишқини зиёда айлайди. Комил инсоннинг ҳам калимаси тингловчи ишқини ошириб, қалбини изтиробдан озод этади. Найнинг овозидан кўп ҳолларда ажиб бир ҳикоя ҳис қилинади. Орифларнинг сўзидан ҳам ҳақиқий ошиқларнинг ишқ можароси тингланади. Найнинг санъати унинг зоҳирий жисмида эмас, балки унинг ичидадир. Орифнинг каломи ҳам ботинидадир. Найнинг қомати тўғридир. Комил инсоннинг ҳам хулқи тўғридир. Найнинг ичи ҳар нарсалардан ҳоли, бўм-бўш, ёлғиз найчининг ишқига тўлган. Ориф ҳам турли ғашликлардан бегона, қалби эса Раббининг ишқи билан безанган ва ҳ.к.

Юқоридаги маснавийни келтиришимизнинг сабаби Ҳазрат Навоий ҳам Румийнинг "Найнома" куллиётидаги ҳикоят ва масалларга, умуман "най" образига бефарқ бўлмаган. Шоирнинг "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарида қайд этилишича, подшо Марв қишлоғида бўлганда Ироқдан Устод Ҳасан Ноийнинг ўлими хабари келади. "Фақир ҳазрати Мавлавий (Румий – Л.Ж.) маснавийсининг аввалғи байти муносабат жиҳатидин тазмин[3] қилиб эрдим. Бу навъким:

Шарҳи ҳажри шоҳи устодон Ҳасан,
"Бизнав аз най чун ҳикоят мекунад".
Банд-банди ў жудо гашта зи ҳам,
"Аз жудоиҳо шикоят мекунад"[4]*,*

1 А.Навоий Бадоеъ ул-бидоя. 20 жилдлик. 1-ж. Т.: "Фан" 1987 й. 521-б.

2 Румий Жалолиддин. Маънавий Маснавий. Таржимон: Асқар Маҳкам. Шарҳлар муаллифлари – Обиддин Пошшо, Карим Замоний, Асқар Маҳкам. Т. :"Шарқ", 1999 й. 22-б.

3 Бировнинг шеъридан ўз шеъри ичига байт ёки мисра кўчириб киритиш.

4 А.Навоий Хамсат ул-мутаҳаййирин. 20 жилдлик. 15-ж. Т.: "Фан" 1999. 27-б.

Яъни,

“Устодлар шоҳи Ҳасандан жудолик шарҳини
Қандай ҳикоя қилишни найдан эшит.
Унинг бўғим-бўғими бир-биридан ажралган,
Жудоликдан шикоят қилади”[1].

Навоий бу тазминни шаҳардаги Жомийга юборади ва у кишидан ҳам Румийнинг шу маснавийсига тазмин қилинган жавоб олади.

Энди биз Навоий ғазалидан келтирган юқоридаги байтга қайтсак. Мазкур байтда Алишер Навоий соқий деб устоз, пирга ишора қилган бўлса, унинг оловдек майи заминида илм (илоҳиёт)ни, базм деганда эса жамоат билан ўрганилаётган илм ёхуд сўфийларнинг самоъ мажлиси ёки жамоа бўлиб қилинаётган ибодатини назарда тутган бўлса, ажаб эмас.

*Барги **най** тўн ичида нол кеби бели ниҳондур,*
Қалами фўта қамиш бандидек устида аёндур[2].

Найнинг безаги унинг тўни ичидаги ингичка томири каби бели яширингандир, қаламнинг белбоғи эса қамишнинг бўғимларидек устида аёндир. Бу ерда ҳам най образи тасаввуфий маъно касб этиб, ориф инсон тушунчаси сифатида ифодаланмоқда. Яъни ориф – комил инсоннинг иймони, ишқи, зикри ва ҳ.к. каби сифатлари ичида яширин бўлади. Қалам, яъни бу ўринда Навоий зоҳирий сифатларга берилган зоҳид кишини қалам образида гавдалантириб, унинг барча қилаётган ишларию сўзлаётган каломи зоҳирийдир – барчанинг кўз ўнгидадир демоқда.

***Най** туз учун истар ани аҳли ҳол,*
Чун туз эмас, эгри кўрар гўшмол[3].

(Най тўғри бўлгани учун аҳли ҳол – тариқат аҳли, яъни сўфийлар уни яхши кўришади; тўғри бўлмасдан эгри бўлса, танбеҳдан қулоғи буралади[4] Ушбу байт “Яхши кишиларнинг ҳайратланиши” асарининг ростлик ҳақидаги ўнинчи мақолотидан келтирилди. Дарҳақиқат, най чолғуси энг тўғри ўсган қамишдан ясалади. У озгина эгри бўлса, чолғунинг навоси ўзгаради, яъни садоси найникидек чиқмайди. Шоир бу байтда агар эгри бўлса қулоғи буралади, деб тўғридан-тўғри танбеҳ бериш маъноси билан бирга, сўз ўйини орқали бошқа чолғуларнинг созланишидан олдин қулоғи буралишига ҳам ишора қилмоқда.

ҚЎЛЁЗМАЛАРДА ҲУСАЙНИЙ ИЖОДИЁТИ

Ҳуснигул Жўраева
(ТошДЎТАУ)

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўзбек тили ва адабиёти музейида сақланаётган 263, 4010-рақамли қўлёзма, 40, 2891-рақамли баёз, 38-рақамли китобда Ҳусайн Бойқаро ижодидан намуналар учрайди. Хусусан, яшил рангдаги фабрика қоғозидан тайёрланган 263-рақамли қўлёзмада авторучка билан настаълиқ хатида “Ҳусайн Бойқаро ва унинг уч канизи” номли ҳикоят кўчирилган. Ҳикоятнинг мазмуни шундай:

1 Порсо Шамсиев таржимаси. Хамсатул ул-мутаҳаййирин. Изоҳ ва таржималар. Т.,1967 й. 242-б.
2 А. Навоий. Фавойид ул-кибар. 20 жилдлик. 6-ж. Т.: “Фан” 1990 й. 137-б.
3 А.Навоий Ҳайрат ул-аброр. 20 жилдлик. 7-ж. Т.: “Фан”, 1991 й. 201-б.
4 А.Навоий Ҳайрат ул-аброр. Насрий матн муаллифи Абдуқодир Ҳайитметов. Т.,1989 й. 283-б.

Ҳусайн Бойқаронинг Жаҳон ва Ҳаёт исмли канизаги бор эди. Бир куни иккиси подшоҳ олдига келиб:

- Қайси биримиз яхшироқ эрурмиз?, - деб сўрашди.

- Қайси бирингиз бадиҳатан бир байт айтсангиз, ўшал яхшироқдир, деди подшоҳ.

Шу тариқа икки гўзал каниз шеър айта бошлашди. Ҳаёт айтган шеър подшоҳга маъқул келиб, унга таҳсин ўқийди. Ҳаётнинг лабида бир қора холи бор эди. Подшоҳ камоли жиҳати билан ўпиб, холни тишлаб, узиб олади. Ҳаёт кўзгуга қараб, лабидаги хол йўқлигини кўради. Ғамгин бўлиб, "Зоғ аз даҳан парид", - дейди.

Султон ҳам қилган ишидан паришон бўлиб, ташқарига чиқади. Кўрдики, Осафий, Аҳдий, Фақирий ва Хусравий исмли 4 та шоир ўтирган экан. Улар подшоҳдан паришонлигининг сабабини сўрашганда, "Зоғ аз даҳан парид" жавобини беради. Шоирлар шеърда ўз фикрларини ифода этишди. Хожа Хусравий:

Холики буд бар лаб аз он шаҳд мечарид,
Ҳангоми бўса будки шаҳ холро газид.
Ойна дид бар лабаш он холро надид,
Ҳайрон хўбон бихондки зоғ аз даҳан парид.

Султон Хожа Хусравий сўзларини тинглаб, "ўпуб тургонимни мўралаб, кўрган экан", деган хулосага келди ва уни зиндонга солишни буюрди.

Подшоҳ қайтиб келиб қараса, икки бошқа канизак суҳбатлашиб ўтирган экан. Бирининг оти Дур, иккинчисиники Дурдона экан. Подшоҳнинг кулгуси келиб, хотирига шу шеър келди.

Дурдона Дурки ҳар ду боҳам буданд,
Аз нофа мушки анбарон мевазанд.

Ҳукмдор шу байтни Хусравга айтиб берганида, ундан яна муносиб жавобни олади. Шоирнинг фаросатига тасаннолар айтиб, совға-салом, сарполар берди.Бу воқеадан хабар топган Ҳаёт ҳам Хусравга минг тиллони инъом қилибди.

Мазкур ҳикоя халқ китоблари таркибида ҳам, шунингдек, 662-рақамли тошбосма китобда ҳам учрайди. Барчасида мазмун бир хил. Назаримизда, Ҳусайн Бойқаро томонидан бадиаҳ тарзида айтилган юқоридаги байтни шоир шеърлари сирасига киритиш мумкин.

Музей хазинасидаги 289-рақамли баёзда Ҳофиз, Саққо, Нозим, Ғиёсий, Рамзий, Ҳажрий, Ҳозиқ, Фаридун, Қассоб, Мажруҳ, Андалиб, Нозилий, Амирий, Мирзо Мурассаъ, Хожа Хусрав, Осаф, Абдий, Мирзо Ҳасрат, Фузулий, Лутфий, Навоий, Ҳақир, Шаҳидий каби шоирларнинг туркий ва форсий тилдаги ғазал, мустазод, рубоий жанридаги шеърлари билан бирга, Ҳусайнийнинг ҳам бир форсий рубоийси киритилган.

Фонддаги 38-рақамли китобнинг 78а варағида ҳам қизил сиёҳда "Султон Ҳусайн фармояд" сарлавҳаси билан Ҳусайнийнинг форсча байти ёзилган.

Дар чаман оташи рухсораи гул даргирифт,
Сўхт чандонки, булбул ранги хокистар гирифт.

Демак, музейи хазинасидан топилган ушбу маълумотлар Ҳусайний девонининг мукаммал илмий-танқидий матнини яратишда муҳим вазифани бажаради.

НАВОИЙНИНГ “ХАЗОЙИН УЛ-МАОНИЙ”ГА КИРМАГАН ҒАЗАЛЛАРИНИНГ БАДИИЯТИ

Парвиз Иззатиллаев
(ТошДЎТАУ)

Ўзбек лирик поэзиясининг жанр жиҳатидан бойиб, мукаммал ҳолга келиши бевосита Алишер Навоий номи билан боғланган. Навоийнинг лирик меросида биз, бир томондан, ўзбек поэзиясида ўзининг қатъий қонуниятларига эга бўлган лирик жанрларнинг моҳият эътибори билан янгича ривожини кўрсак, иккинчи томондан, форс адабиётида ўзининг қатъий қонуниятларига эга бўлган, аммо ўзбек адабиётида (ёки умуман туркий адабиётда) пайдо бўлмаган ёки у қадар ривож топмаган, баъзи бир жанрларнинг тараққиёт тарихидаги ролини кўришимиз мумкин. XV аср бошларида ўзбек ғазали ўзининг муайян услуби, мавзуси ва бой тасвирий воситаларига эга бўлган етакчи жанр сифатида машҳур бўлди. Алишер Навоий ўз она тилида ғазаллар яратишга киришар экан, бу соҳада вужудга келган бир неча асрли бой тажрибаларга суянди. Ҳазрат Алишер Навоийнинг буюк хизмати шундаки, у ўзбек лирикасини, жумладан, ғазал жанрини юқори босқичга, юксак даражага кўтариш учун кураш жараёнида фақат миллий анъаналар билангина чекланиб қолмай, кўп асрлик тажрибага эга бўлган форс ғазалчилигининг катта ютуқларини ҳам қунт билан ўрганиб, унинг илғор тажрибаларини ўзбек шеърияти тараққиётига хизмат қилдирди. Маълумки, XV асрлар ва ундан кейинги даврлар ўзбек лирик шоирлари ижодида бўлганидек, ўн олтита жанрдан ташкил топган Навоий лирикаси доирасида етакчи ўринни тутади. Навоий ғазаллари фақат сон жиҳатидан эмас, балки ғоявий-бадиий салмоғи жиҳатидан ҳам ўрта аср ғазалчилигининг юксак намуналаридан бўлиб қолди. Алишер Навоий ижодини кузатиш жараёнида биз характерли бир қонуниятни мушоҳада этамиз: шоир доимо табиат билан инсон ўртасида қандайдир умумийлик кўради ва кўпинча уларни бир-бирига тамсил тарзида тасвирлайди. Кўпгина ўринларда эса табиат учун хос сифат ва атамалар инсон билан боғлиқ фикр-мулоҳазаларни образли ифодалаш учун истиоравий восита ролини бажаради.

Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний” га кирмаган ғазалларининг бадиий хусусиятлари шундан иборатки, уларнинг аксарияти девонга тартиб берилгандан кейин яратилганлигига яна бир карра амин бўлишимиз мумкин. Навоий ғазалиётининг жанр тарихида ва умуман, поэзиямиз тарихидаги юксак мавқеини белгилаган асосий омиллардан бири унинг аниқ муҳит билан, шоир яшаган давр муаммолари билан бевосита боғлиқлиги ҳамда уларда илғор ижтимоий руҳнинг муайян даражада акс этганлигидир. Навоийнинг ўз даврига муносабати унинг деярли барча мавзуларида у ёки бу даражада ўз аксини топган. Лекин характерли жиҳати шундаки, шоирнинг ижтимоий-сиёсий характеридаги ҳар қандай фикрларининг рўёбга чиқишида ишқ мавзуси асос бўлиб хизмат қилган:

Кўнглум оғриттинг халойиққа жафо тоши уриб,
Жоним олдунг муддаийларга ситам тийғин суруб.
Қон ёшим ичра бағир парголаси ҳажринг аро,
Майда гул яфроғи тушгандек турупур билгуруб.[1]

Мажмуага киритилмаган ғазаллари унинг ўз даврига бўлган муносабатини умумий тарзда ифода қилувчи воситалар, ўз турмуши ва тақдири ҳақида ёзилган ғазал ва бошқа жанрлардаги шеърлардан иборат. Шоирнинг муайян пайтдаги аҳволи ва руҳий ҳолати ифода қилинган бундай шеърларда унинг мавжуд тартибга муносабати ички норозилик тарзида намоён бўлади. Навоийнинг ўз аҳволи ва кайфияти тасвирига бағишланган шеърлари ижодий фаолиятининг деярли барча

1 Навоий Алишер. Айёми висол ўлди яна. Янги топилган ғазаллар. Нашрга тайёрловчи Фозила Сулаймонова - Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1995 - В. 47.

даврларига мансуб. Бироқ ҳар бир даврда яратилган шеърлар муайян муҳит билан боғлиқ ўз руҳи ва услубига эга. Шунга кўра, яъни давр ва муҳитдан келиб чиқиб тахминий қарашларимизни аниқлаштириб, Алишер Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”га кирмаган шеърларини икки катта гуруҳга ажратишимиз мумкин:

1. Йигитлик даври лирикаси
2. Қарилик даври лирикаси

Алишер Навоийнинг шеърлари орасида тўғридан-тўғри халққа, ўқувчига мурожаат тарзида ёзилган ғазаллар, айниқса, диққатга сазовор. Агар инсоннинг ўз вужудида мавжуд энг қудратли душмани нафс бўлса, унинг характеридаги энг тубан хусусият – бу вафосизлик. Вафо – барча тоифадаги инсон зоти учун зарур бўлган энг олижаноб фазилат. Лекин, афсуски, бундай ноёб гавҳарни турли замон кишиларнинг аксариятида учратиш қийин бўлган. Бу масалада шоир табиат билан жамият ўртасида умумийлик топади. Демак, Навоийнинг турли қирралари билан боғлиқ дидактик фикр ва ғоялари ҳар бир масалада ўзига хос шаклда ифодаланган:

Хўбларда меҳр йўқ, чун меҳр йўқ ул моҳда,
Хайли тобиъдур қаю хислатки бўлғай шоҳда.
Ҳеч ким йўқтурки ёр оллида йўқтур мансаби,
Бизки бемансаблиғ ўлмиш мансаб ул даргоҳда.

Навоийнинг поэтика соҳасидаги новаторлигининг (ижодкорлигининг) муҳим бир қирраси (мазмун ва шакл масаласи билан бевосита алоқадор бўлган) лирик шеърнинг услуби, унинг композициясига нисбатан ўзига хос ёндашишида ёрқин намоён бўлади. Бизга аёнки, ҳар бир ғазал маъно ва сурат жиҳатидан мутаносиб бўлиб, бошидан охиригача мантиқан изчил бўлган яхлит асар бўлиши лозим. Бу аслида ҳар бир лирик жанрга тегишли деган фикрга келсак ҳам хато қилмаган бўламиз. Ғазалда маълум воқеа (кенг маънода) ярата билиш, байтларни маънан, фикран ва шаклан изчилликда жойлаштириш Навоий лирикасига хос бўлган биринчи бадиий усулдир. Навоий “Чордевон”га кирмаган ғазаллари лирикасига хос яна бир шундай хусусият кўзга ташланадики, у ҳам бўлса образлиликнинг юқорилиги ва айни шу образлиликнинг тадрижий инкишофи[1] такомили. Ҳар бир ғазалда лирик қаҳрамон Навоийнинг ўзидир. Ўз замонида яшаган, тушунувчи, ўйловчи, ҳассос ва олийжаноб бир шахснинг бой, сероҳанг, ранг-баранг, сермазмун, соф маънавий, ботиний дунёсини ўзида гавдалантирган бир қаҳрамондир. Бу – туйғулари улкан шоир, дунё, жамият ва халқни ўйловчи бир инсондир. Буларнинг бари Навоий ғазалиётининг марказида турган лирик қаҳрамон қиёфаси учун хос энг муҳим жиҳатларни қамраб олган.

ҒАФУР ҒУЛОМ ВА НАВОИЙ

Лутфулла ИЛҲОМЖОНОВ
(ТДИУ)

Ғазал мулкининг султони Мир Алишер Навоий гарчи XV асрда яшаб ижод этган бўлса-да, ўзидан кейинги даврларда яшаган кўплаб шоир ва ёзувчиларга руҳий-маънавий устоздир. Академик шоир Ғафур Ғуломнинг ҳам Навоий сиймосига ва ижодига ҳурмати катта бўлган. У болалигидан бошлаб Ҳазрат бобомиз ижоди билан танишган. Бу ҳақда ўзининг “Шарқ назми осмонининг икки порлоқ қуёши” мақоласида ёзади: “Мени ана шулар яратган мерос тарбиялаган. Ҳали бешикда

1 Арабча إنكشف феълидан олинган бўлиб, фош этиш, очиш маъносини англатади.

ётар эканман, онам Ҳофиз, Жомий, Навоий ва Фузулийнинг шеърларини айтиб мени аллаларди. Шунинг натижасида бу ижодкорларнинг асарлари она сути билан менинг қонимга сингиб кетиб, жисмимга зўр руҳий озуқа бағишларди”[1].

Навоий асарларини бешикдаёқ эшитган Ғафур Ғулом тўққиз ёшидаёқ унинг асарларини бемалол ўқий бошлаган, ёд олган. Кейинчалик шоир ҳаёти ва ижодига бағишлаб жуда кўплаб шеър ҳамда мақолалар ёзган. Маълумки, 1941 йилда Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейи нишонланади. Ғафур Ғулом Шарқ адабиётининг билимдони сифатида юбилей комиссияси аъзоси бўлиб, ушбу тадбирни ташкил этиш, уни ўтказиш ишларига яқиндан ёрдам беради. Алишер Навоий асарларини нашрга тайёрлайди. Жумладан, Ғафур Ғулом “Фарҳод ва Ширин” достонининг насрий баёнини тайёрлайди. Ушбу жараёнда шоир ўз кутубхонасидаги “Хамса” достонининг қўлёзма ва тошбосма нусхаларини синчиклаб ўрганиб чиқиб, уларнинг орасидаги тафовутларни ва баъзи жузъий хатоларини аниқлайди. Улар достонни кўчирган хаттотлар ёки литография нусхасида эса босмахона томонидан содир этилган эди. Ғафур Ғулом томонидан тайёрланган «Фарҳод ва Ширин»нинг насрий баёнини Навоий юбилейи комитетининг текстология комиссияси томонидан ўрганиб Ўзбекистон Давлат халқ кутубхонасида сақланган қадимги нусхалар билан солиштириб, текшириб чиқадилар. Баъзи камчиликларини аниқлаб, уни тўлдириб сўнгра нашрга рухсат беришади. Шу тариқа Алишер Навоий асарининг замонавий ўзбек адабий тилидаги янги насрий баёни ўқувчиларга тақдимэтилади. Насрий баён 1940, 1956, 1975 йилларда нашр қилинади.

Шоир 1948 йилда “Алишер” номли шеърини ёзади. Шеърда Навоий ҳаёти ва ижодини тасвирлаш билан бирга, улуғ ўзбек халқининг бой тарихи, маданияти ва маънавияти ҳақида фикр юритади. Буюк алломаларни тарбият қилган ўзбек халқи маданияти ва тарихини ғурур билан тасвирлайди.

Яна шу йили шоир “Навоий ва замонамиз” номли мақоласини ёзади. “Сиёҳдон”, “Улуғ дўстлик” ва бошқа кўплаб асарларида ҳам Навоийни эслайди ва унга мурожаат қилади. Бутун ҳаёти ва ижоди давомида унинг асарларини ўқиб ўрганган ва унинг сиймосини ўз асарларида акс эттирган Ғафур Ғулом устози қабрини зиёрат қилиш армони билан яшайди. Ва ниҳоят, орзусини амалга ошириш имконияти туғилади. 1964 йилда машҳур форс-тожик шоири ва мутафаккири Абдураҳмон Жомийнинг 550 йиллик юбилейи муносабати билан Кобул шаҳрида ўтказилган халқаро анжуманда қатнашади. Навоий ва Жомий қабрларини зиёрат қилади. Сафар натижасида “Моҳигул”, “Алишер Навоий қабри устида” шеърларини, “Хоки Мусалло” ва “Тахти сафар” номли мақолаларини ёзади.

Ғафур Ғуломнинг “Шум бола” қиссасида бош қаҳрамоннинг Навоий “Хамса”сини сотиб олганлиги билан боғлиқ эпизод бор. Ушбу воқеа асарда бадиий тўқима тарзида келтирилган бўлса-да, бежиз эмас. Ғафур Ғулом ҳақиқатан ҳам “Хамса” асарини ёшлик вақтида китоб сотувчи саҳҳофлардан сотиб олган. Ҳозирда эса бу китоб Ғафур Ғулом уй-музейи фондида КП-4442 инвентар рақамида сақланмоқда. Бундан ташқари, уй-музейда Алишер Навоийнинг XVIII-XX асрларда турли хаттотлар томонидан кўчирилган “Маҳбул ул-қулуб”, “Чаҳор девон”, “Хамса”, “Назм ул-жавоҳир”, “Девон” асарларининг қўлёзма ва тошбосма нусхалари сақланмоқда.

Бу асарлар Ғафур Ғулом кутубхонасининг энг нодир ва бебаҳо китобларидан ҳисобланган ва уларни шоир кўз қорачиғидай асраган, фойдаланганда ҳам жуда эҳтиёткорлик билан фойдаланган. Демакки, у устози асарларини ўқиб-ўрганиш, ижодини ўз шеър ва мақолаларида акс эттириш билан бир қаторда Навоий яратган санъат асарларини келгуси авлод учун ҳам қолдиришга ҳисса қўшган.

1 Ғафур Ғулом. Адабий-танқидий мақолалар.2-том. Тошкент: Фан. 1973, 183-бет.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИДАГИ НАЪТЛАР ХУСУСИДА

Файзулла Искандаров
(Шайхонтоҳур тумани, 192-мактаб)

Мустақиллик шарофати ҳамда илму фандаги ўзгаришлар маънавий меросимизни тадқиқ этиш жараёнида юксак ютуқларга эришишимизга кенг йўл очиб берди. Маданий меросимизни асраб-авайлаш, уни келажак авлодга тўлиқ етказиш, албатта, муҳимдир. Юртбошимиз И.А.Каримовнинг: "Энг муҳим вазифа шундан иборатки, ўзлигимизни теран англаб, мутафаккир боболаримиз, азиз-авлиёларимиз қолдирган бебаҳо меросни авайлаб-асраб, яна бойитишимиз, улуғ аждодларимиз ишининг муносиб давомчилари бўлмоғимиз даркор"[1], – деган фикрлари миллий меросимизни ўрганиш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлигидан далолат беради. Бу эса бизни мумтоз меросимизни мукаммал тадқиқ этишга ҳамда баркамол авлодни айни шу руҳда тарбиялашга ундайди. Айни пайтда, шу алоҳида таъкидлаш лозимки, келажак авлодни тарбиялаш, ватанга содиқ фарзанд, ҳар томонлама етук комил инсон бўлиб етишишида "шоирлар султони" Алишер Навоийнинг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий фаолияти ва туганмас хазина бўлмиш ижодий мероси муҳим аҳамиятга эга.

Алишер Навоий асарларини ўрганиш ва ўргатиш барча замонлар учун долзарб. Зеро, буюк мутаффаккир ўз ижодида жамиятнинг баркамоллиги, инсониятнинг камолоти тўғрисида илғор ғояларни илгари суриши билан бирга, ўзи ҳам шахсий, ижтимоий-сиёсий фаолияти билан ўрнак намунасини кўрсатган. Шунинг учун ҳам ҳамма даврларда бўлгани каби Навоий ижодига қайта-қайта мурожаат қилинади.

"Хамса" Навоий ижодининг гултожидир. Унда ижодкор бутун умри давомида интилган, ҳаётининг мазмун-моҳиятига айланган мақсадларини, эзгу интилишлари, орзу-истакларини, "ушоқ" шеърларига сиғмаган ахлоқий-таълимий, ижтимоий-сиёсий, фалсафий қарашларини эпик планда талқин этади. Жумладан, "Ҳайрат ул-аброр" достони "Хамса"га муайян дастур бўлиш билан бирга шоирнинг ижтимоий-сиёсий, дидактик ва фалсафий қарашларини ўзида ифода этса, "Фарҳод ва Ширин"да комил инсон, "Лайли ва Мажнун"да ишқ, "Сабъаи сайёр"да ошиқлик ва шоҳлик,"Садди Искандарий"да эса одил шоҳ ва мукаммал жамият ҳақидаги қарашлар ўз ифодасини топган. Навоий ижодида шундай масалалар кўтарилганки, улар барча асарлар мазмун-моҳиятига сингиб кетган. Ана шулардан бири комиллик масаласидир. Дарҳақиқат, шоир ижодини кузатар эканмиз, комиллик, комил инсон масалаларига катта эътибор берилганига амин бўламиз. "Фарҳод ва Ширин" достонида Фарҳод, "Садди Искандарий"да Искандар образлари шу эҳтиёж ўлароқ дунёга келган. Шу ерда ҳақли савол туғилади. Хўш, воқеан Алишер Навоий идеалида комил инсонлар бўлганми? Улар кимлар? Бу саволга жавобни "Хамса" достонлари кириш қисмининг анъанавий таркибидан ўрин олган наътлар ва меърож талқинига бағишланган боблар ҳамда шоирнинг ўз салафларини мадҳ этган ўринлардан топиш мумкин.

Фикримиз исботи сифатида ижодкорнинг комил инсон ва комиллик ҳақидаги қарашларини ўрганишда муҳим восита бўлган наътлар ҳақида сўз юритамиз. Хўш наът нима? Ундан мақсад-чи? Аввало ушбу боблар, бир томондан шарқ китобатчилигида ўзгармас анъанавий – муқаддима боблар сифатида ўрин тутса, иккинчи томондан, ижодкорнинг янги-янги маърифий ғоялари, фалсафий, ижтимоий-сиёсий қарашларини ўрганишда муҳим восита ҳисобланади. Шунингдек, боблар асарнинг умумий мазмунидан ажралиб қолмайди, аксинча, унинг мазмунига уйғунлашади. Хамсачилик анъанасига кўра, наътлар "Хамса" достонларининг кириш қисмида алоҳида анъанавий боблар сифатида ҳамд ва муножатлардан сўнг ўрин олган. Шоирнинг фалсафий, ахлоқий-таълимий қарашларини ифодалашда муҳим восита ҳисобланган наътларни мазмунига кўра шартли равишда икки гуруҳга ажратиш мумкин:

- Васф наътлар.

1 Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: "Маънавият", 2008, 99-бет.

- Меърож наътлар.

Наът – луғавий маънода “сифат” мазмунини англатади. Адабий термин сифатида у ислом маданияти билан бирга адабий муомалага кирди ва юқорида таъкидланганидек, Расулуллоҳни мадҳ этиш учун битилди. “Алишер Навоий асарлари луғати”да наътга шундай таъриф берилган : “Наът – пайғамбарни мадҳ этиш, яхши сифатларини айтиб мақташ”.

Наът ҳар бир шеърий жанрга мослашадиган мавзудир. У ғазал, рубоий, қитъа ва бошқа лирик жанрларда, достонлар (маснавий) бобларида, шеърий парчаларда, насрий асрларнинг кириш бобларида ўз ифодасини топади.

Васф наътларда, асосан, пайғамбаримизнинг ҳаёти, инсоний қиёфаси ва фазилатлари, пайғамбарлик сифатлари ва мўъжизалари, пайғамбарлик фаолияти билан боғлиқ воқеа-ҳодисалар, ҳадис, у зотнинг бошқа амаллари – барча-барчаси адоқсиз муҳаббат билан таърифу тавсиф этилган, инсониятга ибрат қилиб кўрсатилган. Шу боис бадиий жиҳатдан мукаммал бу васфларнинг тарбиявий қиммати беқиёс.

“Қуръон”и каримнинг тўқсон тўртинчи “Шарҳ” сураси тўртинчи оятида бевосита пайғамбаримиз Муҳаммад (с.а.в.) га қарата хитоб қилиниб: “Ва Биз сизнинг зикрингизни (яъни мартабангизни) баланд қилиб қўйдик”, –дейилади.

Алоуддин Мансур ушбу оятни тафсир қилар экан, шундай изоҳ беради: “Дарҳақиқат, ҳар бир мўмин-мусулмон қаерда Оллоҳ таолонинг номини ёд этса, У зотни улуғласа, албатта, У зот билан бирга пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг номларини ҳам зикр қилиб у кишига саловат ва салом айтадики, бу мартабайи олия пайғамбаримиз Муҳаммад(с.а.в.)дан ўзга ҳеч кимга насиб қилган эмас”[1].

Наътларнинг иккинчи туркуми – меърож мавзуси – меърож воқеаси тавсифига, унинг бадиий талқинига бағишланган.

Наътларда Расулуллоҳга муҳаббат турли шаклу шамойилда намоён бўлаверади. Айниқса, Меърож мўъжизалари тасвирига бағишланган, мерожнома деб аташ мумкин бўлган боблар “...тасаввуф аҳли учун Ҳаққа ёвуқлашиш, Оллоҳ билан мулоқотда бўлиш, Оллоҳнинг буюк инъом ва марҳаматига сазовор бўлишдир. Фанолик ва бақоликка етишишнинг энг ҳақиқий ва намунавий кўринишидир...”[2]. «Меърож» тасаввуф луғатларида руҳнинг юксалиши ва маънавий йўлчилик (йўловчилик), деб талқин этилади. Бутун орзу-истаги, умрининг мазмунини Оллоҳ васлига эришиш деб билган сўфий учун Меърож жуда катта руҳий-маънавий озиқ, қувватдир. Айнан шу сабабли ҳам Навоий “Хамса”сининг меърож мавзусидаги бобларида сўфиёна руҳнинг устунлиги сезилиб туради, зеро Меърож кечаси ҳақидаги тасаввурлар ижод аҳли учун алоҳида илҳом манбаидир. Навоий достонларини мазкур масала доирасида ўрганиш жиддий тадқиқотларни талаб қилади.

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, Навоий комиллик ва комил инсон ҳақидаги қарашларини ўрганишда “Хамса” достонларининг муқаддима қисмида анъанавий боблар сифатида қўлланиб келинган наътларнинг ўрни беқиёс. Шу билан бирга Навоий наът бобларда дунё ва унинг яратилишига сабаб, тириклик ва унинг моҳияти, олам, Оллоҳ ва одам ҳақидаги фалсафий қарашларини баён этади. Шунингдек, одам ва унинг пайдо бўлиши, яратилиши, яшашдан мақсади, хулқ-атвори, фаолияти ҳақида инсоннинг инсонийлиги, дунё ва унда инсоннинг ўрни масалаларига алоҳида урғу берилади. Айни пайтда ушбу бобларда ислом асослари билан адабий ғояларнинг муштараклиги, уйғунлиги кўрсатилади. Бугунги маънавий меросимиз қадриятларимиз тикланаётган бир пайтда ушбу масалаларни ўрганиш ғоятда муҳим ва долзарбдир.

1 Алоуддин Мансур Қуръони Карим таржимаси. – Т.: “Чўлпон”, 1992, 366 бет.

2 Қаранг: Меърожнома. – Тошкент: 1995. – 5 бет

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “САДДИ ИСКАНДАРИЙ” ДОСТОНИ СЮЖЕТИ МАНБАЛАРИ

Илёс ИСМОИЛОВ
(ТошДЎТАУ)

“Садди Искандарий”нинг IV боби шоҳлик тартиб-қоидалари ҳақида бўлиб, сарлавҳадаёқ шоҳлик идорасининг тартиб қоидалари илоҳий оламда ўз намуналари, мезонларига эга эканлиги, дунёвий ҳукмдорлик ва идора тартиб-қоидалари ҳам ана ўша намуна асосида бўлиши мақсадга мувофиқ эканлиги таъкидланади. Навоий бу масалага ваҳдат ул-вужуд таълимоти асосида ёндашади.

Мазкур бобнинг саргузашт қисмида Искандар ва Доронинг жанги тасвирланади. Искандар таҳликали, даҳшатли жанг арафасида чодир олдида икки каклик жангига гувоҳ бўлади. Бири катта, бири кичик. Уларни ўзи ва Дорога қиёс қилиб жангни ҳаяжон билан кузатар экан, бирданига кўкдан бургут пайдо бўлиб, катта какликни кўтариб кетади ва кичик каклик ерда жавлон уриб қолади. Ушбу воқеа Искандар қалбидаги мавҳумликни йўқотади, зеро бу мужда солиҳ бандага Ҳақ томонидан етишувчи кўмакка ишора эди. Ориф шоҳ ғайбий мададни фаҳмлагач, таваккулни қалбда маҳкам тутиб сабабларни амалга ошира бошлайди. “Дарҳақиқат, Биз унга (Зулқарнайнга) Ерда мартаба бердик ва (истаган) барча нарсасига йўл (имконият) ато этдик” (3; 303). Оятда таъкидланганидек, Искандар Тангрининг қудрати, шоир мана шу ҳукмга таяниб, у билан боғлиқ воқеаларнинг ижтимоий, фалсафий, ирфоний-тасаввуфий моҳиятини баён қилади. Искандарнинг юришларида Тангри раҳнамо бўлиб, машаққатларни хатлаб ўтаётган соликка ёрдам беради:

Халойиққа йўқ ҳеч ишинг нисбати,
Жаҳон ичра сен Тенгрининг қудрати.

Искандар ва Доро ўртасидаги жанг тасвири Қуръонда баёни келган “Бадр жанги” тафсилотларига жуда уйғун бўлиб, улар орасида айнан ўхшашликлар ҳам мавжуд. “Бу ғазот эрса, бутун ислом оламида бўлган ғазотлар ичида энг улуғ аталмишдур. Бунинг улуғлиги моддий жиҳатдан, яъни аскарнинг кўплиги, яроқ-жабдуқнинг мўллигидан эмас, балки маънавий-диний томондан қаралганда, бийик улуғ ғазотдур” (Соғуний Алихонтўра. “Тарихи Муҳаммадий”). Навоий тасвирлаган жанг манзараси ва бадр ғазоти ўртасида қуйидаги ўхшашликларни кузатиш мумкин:

1) мусулмонлар ва мушриклар ўртасидаги очиқ куролли тўқнашувга (Бадр жангига) Шомдан қайтаётган карвон – мол-дунё сабаб бўлган бўлса, Искандар ва Доро жангига ҳам солиқ, яъни мол-дунё сабаб бўлган эди;

2) мушриклар 950 киши, 700 туя, 100 тача совутланган отлар билан, ичкилик учун чоғир, урушни қиздириш, шеър ўқиб ўзларини мақтаб, мусулмонларни ёмонлаш учун бир қанча қўшиқчи қизларни олиб йўлга чиқишган бўлса, Доро ҳам ҳисобсиз отлиқлар билан мағрурланиб, кибрланиб, Искандарни менсимай йўлга чиққан эди;

3) дастлаб Пайғамбар ва саҳобалар озчилик эканлигидан чўчишган, сўнг Пайғамбарга ғалаба қозонишлари ваҳий орқали билдирилган. Масалан, Муҳаммад (с.а.в.) жанг майдонининг қаерида мушрикларнинг қайси каттаси ўлишини олдиндан кўрсатиб берган; Искандар ҳам уруш аввалида худди шундай кайфиятда турган маҳал бири заиф, иккинчиси қувватли икки каклик жанги мисолида ўзининг ғалаба қозонишига ишонч ҳосил қилади;

4) мусулмонлар 300 дан ортиқ киши, 70 туя, икки от билан, мушриклар эса 950 киши, 700 туя, 100 тача от билан жангга отланган; Искандар буронғорида 100 минг, жувонғорида 100 минг ва ғулида 100 минг – жами 300 минг лашкар билан, Доро эса буронғорида 600 минг, жувонғорида 600 минг ва ҳировулида 700 минг қўшин билан жангга киради; рақамлардан ўртадаги нисбат борасидаги ўхшашликни кўриш мумкин;

5) ўша давр уруш одати бўйича қурайиш кофирларидан уч киши: Утба, иниси Шайба, ўғли Валид майдонга мубориз талаб қилиб кирганда уларга Пайғамбар буйруғи билан Убайда, Ҳамза, Али рўбарў бўлади ва мусулмонлар енгади; достонда Искандарнинг Бориқи Барбарий лақабли баҳодири Доро қўшинидан нисбатан рақиб талаб қилиб уч кишини: Ҳаррон, қариндоши Шайда ва яна бир дарғазаб жангчини ўлдиради; Қурайш вакиллари ҳам, Доро паҳлавонлари ҳам қариндош ва эътиборлиси Бадр урушида номи тилга олинган Шайба номи Навоий достонида Шайда тарзида учрайди;

6) мушриклардан Утба ибн Робиа урушмаслик ҳақида ғавғо кўтаргач мушриклар ўз ичида иккига бўлинади ва бу бош сабаб бўлиб мағлубиятга учрашади; икки паҳлавон норозилиги сабаб Дорони ўлдиради ва бу бош сабаб бўлиб Доро қўшини енгилади, ҳар иккисида ҳам ички низо мағлубиятга сабаб бўлади;

7) жангда мушриклар қўмондони Абу Жаҳл рамақижон ҳолда топилади ва ўлдиришга чоғланган мусулмонга "ким бўлсанг ҳам бўйним билан қўшиб, калламни каттароқ қилиб кесгин, Муҳаммад олдига ташлаганингда ҳайбатлик кўринсун" деб васият қилади ва ўлдирилади; хиёнат содир бўлган жойга Искандар етиб борганда Доро жонталаш ётар ва у сулоласи ҳайбатини сақлаб қолиш учун Искандарга учта васият қилади (икки кийнахоҳни жазолаш, қавму хайлига инод қилмаслик, қизи Равшанакка уйланиш).

Шунингдек, Искандар ва Доро уруши тасвирида Хайбар жанги тафсилотларини ёдга солувчи ўринлар ҳам мавжуд.

АДАБИЁТ ДАРСЛАРИДА НАВОИЙНИНГ ЭПИСТОЛЯР МЕРОСИ ТАҲЛИЛИ

Саодат КАМБАРОВА
(ТошДЎТАУ)

Айрим асарлари юзасидан шунчаки фикр юритиш орқали бирор ёзувчи маънавий оламига етарлича баҳо бериб бўлмайди. Шу нуқтаи назардан олганда, ижодкор характери, дунёқараши ва ҳаётий маслаги яратган асарларидагина эмас, балки замондошлари, яқин инсонларига йўллаган хатлари, юритган кундалиги-ю тундаликлари (А.Мухтор"Уйқу қочганда")га чуқурроқ назар ташлаш орқали янада ойдинлашади.

Барча даврларда дунё халқларини қизиқтириб келган эпистоляр намуналар маълум даражада жамият манфаатларини ифодалаши ҳамда муайян соҳа тараққиётига хизмат қилиши билан ҳам ўзига хос хусусиятларга эга. Масалан, таниқли адиб Муҳаммад Алининг илмий изланишларида Мовароуннаҳр, Туркистон, Марказий Осиё тарихига оид масалалар юзасидан рус шарқшуноси, Кембриж университети профессори В.Ф.Минорский, америкалик Девин де Вис, мўғулистонлик академик Шагдарин Бира, веналик немис олими Карел Янларнинг ўзбек тарихчиси Б.Аҳмедов билан ўзаро ёзишмаларини мисол қилиш мумкин.

Шахсий ва ижтимоий муносабатларни ифодалашига кўра эпистоляр намуналар турлича гуруҳланади. Немис адабиётининг йирик вакили Ф.Шиллернинг замондошлари Й.В.Гёте, В.Ҳумбольт, В.Шлегел, И.Кант, Г.Кёрнер, А.Ифландларга йўллаган хатлари адиб руҳий олами, дунёқараши, ижодий услуби, яшаш тарзи, мамлакатдаги сиёсий, маданий ҳаёт, адабий жараён ҳақида ҳам ўқувчида муайян тасаввур уйғотади.

XIX асрнинг иккинчи ярми XX аср бошларидаги Қўқон адабий муҳити вакиллари Муқимий, Фурқат ва Завқий ўртасидаги битикларни шахсий мазмундаги мактублар сирасига киритиш мумкин. Фурқатнинг яқин дўстларига Ёркент, Истанбулдалик чоғида ёзган шеърий мактублари мазмуни ижодининг етакчи ғояси – она юртидан жудолик аламларига вобасталиги тасодифий ҳол

эмас, албатта. Улар орасида, айниқса, Муқимийга Бомбейдан йўлланган хат Ҳинд ўлкаси табиати, шаҳар аҳолисининг турмуш даражаси атрофлича тасвирлангани билан характерлидир.

Миртемир, И.Юсупов, С.Муқонов, Қ.Маликовлар ўртасидаги ёзишмаларда таржима санъати масалалари қатори қалблари туташ қардош халқ вакиллари ўртасидаги миллатлараро ҳамжиҳатлик ғояси мужассамлигини сезиш қийин эмас. Ч.Айтматовнинг Т.Қайипбергеновга "Қорақалпоқ достони" трилогияси хусусида йўллаган "Инсоният тарихи сўқмоқларида" мазмунидаги мактубларни адабий, маданий ҳамда сиёсий алоқаларни мустаҳкамлаш воситаси сифатида тавсифлаш мумкин.

Аслида қадимдан ижод аҳли орасида нома ёзиш анъанаси мавжуд бўлган. Нома ўзбек мумтоз адабиётида алоҳида жанр сифатида шаклланган бўлиб, бу сўз форсчадан таржима қилинганида "хат", "мактуб" маъноларини англатади. 1207-1273 йилларда яшаб ўтган валий Жалолиддин Румий ҳазратларининг салжуқий султонлари, давлат арбобларига аталган 147 хатдан иборат "Мактубот"и қадим Шарқда эпистоляр жанр тараққий этганидан ёрқин намунадир.

Манбалардан Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий каби буюк шоирлар ўртасидаги дўстона ришталарни олижаноб мақсадларга йўғрилган ёзишмалар янада мустаҳкамлагани яхши аён. Зеро, "Хамсат ул-мутаҳаййирин" асарининг "Иккинчи мақолоти" мутафаккирларнинг мамлакат ободлиги, юрт осойишталиги йўлидаги эзгу ғоялари тараннум этилган битиклардан ташкил топганлиги билан аҳамиятга молик.

Алишер Навоий ижодида мазкур жанр унумли қўлланилганлиги Ҳусайн Бойқаро ва бошқалар билан олиб борган ёзишмаларини тўплаб "Муншаот" тузганлигида ҳам намоён бўлади. Адабиёт дарсларида ўқувчилар шоир ҳаёти зиддиятлар ва мураккабликлар ичра кечганлиги ҳақидаги тарихий фактларга дуч келадилар. Жумладан, Абусаид Мирзо ҳукмронлик қилган йилларда Навоийнинг бошига ҳам анчагина кулфатлар ёғилади. Абусаид Мирзо ҳокимиятни эгаллаганидан сўнг тахтга даъвогар Ҳусайн Бойқаронинг яқин кишиларига зулм ва тазйиқлар ўтказади.

Алишерлар оиласи ҳам бундан четда қолмайди. Шоирнинг ота мероси мусодара қилиниб, тоғалари Кобулий ва Ғарибийлар қатл этилади, ўзи эса Ҳиротдан кетишга мажбур бўлади. Барча кўнгилсизликлардан изтиробга тушган Навоий халқнинг оғир аҳволи ҳамда ўз кайфиятини баён этиб, отасидек бўлиб қолган Саййид Ҳасан Ардашерга хат ёзади.

Машғулотларда "Хазойин ул-маоний" нинг биринчи девони – "Ғаройиб ус-сиғар" инсон шаънини улуғлаб устозига йўлланган ҳасби ҳол тарзидаги шеърий мактублардан иборат эканлиги мантиқий изчилликда эвристик таълимнинг когнитив ва креатив методлари асосида етказилса, шоир шахсияти қуруқ гаплар эмас, балки ҳаётий воқеалар мисолида англанишига эришилади.

Таълим босқичларида Алишер Навоий ҳаёти ва ижодининг мактубларга боғлаб ўрганилиши муаллиф характер хусусиятлари, тафаккур доираси нафақат асарларида, балки мактублардаги ҳар бир сўзда ўзининг теран ифодасини топганлиги ўқувчи тасаввурида маълум даражада намоён бўлади. Таниқли рус олими В.Г.Белинскийнинг фикрига кўра, ёзувчи ижоди ўрганишга киришилар экан, энг аввало, унинг "шахсияти сири"ни англаш зарур. Айнан ёзувчи шахсияти ва уни ўраб турган атроф-муҳит бу ҳолатда асар таҳлилининг таянч нуқтаси бўлиб қолади. Таҳлил жараёнида ижодкор шахсияти, яшаган давр ва тасвирланаётган ҳаёт воқелигига муносабатини очиб бериш имконияти бўлса, таҳлилдан кўзланган мақсадга эришиш қийин кечмайди. Демак, Навоийнинг эпистоляр меросини ўрганиш ўқувчиларга турли даврлар, ижтимоий тузум, турфа воқеликлар, инсоний муносабатлар ва характерлар билан танишишга қизиқиш уйғотиши баробарида фикрлашга ҳам ўргатади.

ҲУСАЙН БОЙҚАРО ДАВРИДА ЎЗБЕК ТИЛИ ВА БАДИИЙ ИЖОДГА АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ТАЪСИРИ

Э.М.КЕНЖАЕВ, А.ҚУРБОНОВ
(СамДАҚИ)

XIV-XV асрларда Ўрта Осиё, хусусан, Хуросонда *ўша давр тақозосига кўра* Султон Ҳусайн ўзининг *ижтимоий-сиёсий* фаолияти давомида Алишер Навоий *таъсири ва ташаббуси билан ўзбек тили ва бадиий ижодиёт соҳасида қатор фойдали тадбирлар олиб бордики, бунинг натижасида мамлакатнинг илм-марифати, маънавий маданияти ва хўжалик ҳаёти анча юксак даражага кўтарилди.* Озарбайжоннинг таниқли олими Ҳамид Ораслининг ёзишича, "Навоий машҳур "Ҳилолия" қасидасидан бошлаб, бутун асарларида Ҳусайн Бойқаро ҳақида сўз юритади, унинг томонидан амалга оширилган муҳим тадбирларни олқишлайди. Ҳусайн Бойқаро Алишер Навоийнинг таъсири билан қатор илғор сиёсий, маданий тадбирларни ҳаётга татбиқ этган, ўзбек халқининг тарихида ижобий роль ўйнаган, айни замонда даврининг кўзга кўринган шоири бўлган эди"[1]. Дарҳақиқат, Султон Ҳусайн Бойқаро замонасининг машҳур олиму фузалолари, санъат ва адабиёт аҳлларига ҳурмат билан қаралган. Ижод аҳли Ҳусайн Бойқародан ҳар жиҳатдан баҳраманд бўлишган. Ҳусайн Бойқаро, ҳатто, дўсти Алишер Навоий билан бирга бу маданий муҳит тарафдори сифатида ўша давр ҳукмрон сарой доирасига хос тескари кучлар маданиятига қарши ҳужумларни қайтариб турган ва эркин фикр соҳибларни имконият даражасида эъзозлаб, уларни ўз паноҳига олган.

Алишер Навоийнинг ёзишича, Ҳусайн Бойқаро нафақат илм, санъат ва адабиётнинг жонкуяр ихлосманди бўлган, ўз навбатида юзага келган бундай қайноқ адабий ва маданий муҳит таъсирида унинг ўзига хос ижод камолоти юзага келган. У ўзи ҳам ўша давр бадиий адабиётида ва машҳур ижодкорлар даврасида анчагина кўзга кўринган шеърият намояндаларидан бири бўлиб етишган, Навоийнинг ёзишича, баъзан устози (Навоий) ғазалларни кўздан кечириб, айрим ўринларини таҳрир қилиб берган. Ўз навбатида, Навоий томонидан худди шундай ҳол Ҳусайний шеърлари учун ҳам доим амалга оширилиб келинган, Навоий унга ҳамиша юксак меҳр билан қараган. Унинг етук шеъларига юқори баҳо берган, айниқса, ижоди туркий-ўзбек тилида бўлганлигини беҳад эҳтиром билан алоҳида қайд этган. Султон Ҳусайн Бойқарнинг ҳокимиятга келиши муносабати билан Алишер Навоий унга бағишлаб 90 байтли "Ҳилолия" қасидасини ёзган эди.

Умуман, Навоий машҳур "Ҳилолия" қасидасидан бошлаб, бутун асарларида Ҳусайн Бойқаро ҳақида илиқ сўзларни айтади. Жумладан, ўзининг "Мажолис ун-нафоис" тазкирасида Ҳусайн Бойқаро ижодига бағишлаб махсус боб (саккизинчи мажлисни) ажратган. Унда Ҳусайнийнинг 104 та шеърлари ҳақида фикр юритиб, шоир қўллаган поэтик образлилик, бадиий восита, гўзал маънолар ифодасида ўзига хос услуб мавжудлигини айтади ва бу борада ихтиролар қилганлигини қайд этади: "Наргис кўзлук ва ғунча оғизлик, гулзору кўзлу оғзин наргис билан ғунчаға таржеҳ қилғони ажиб навъ воқеъ бўлубдур:

Наргис олмас ердин ул фатон кўзунг олдида кўз,
Оғзинг олдида тутулмиш ғунчанинг оғзига сўз.

Бу қофия ва радф ҳазрат Соҳибқирон (Ҳусайний)нинг ихтиролари дурким, ҳеч назм айтилмайдур ва ҳеч девонда битилмайдур..."[2]

1 Ҳамид Орасли. Ҳусай Бойқаро рисоласи ҳақида. –Т.: ЎзТА журнали, 1966, 3-сон.
2 Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола, 9-бет.

Эрур сўз мулкининг кишвариштони,
Қайу кишваристон Хисравнишони.
Дема Хисравнишонким, қаҳрамони,
Эрур гар чин десанг, соҳибқирони [1].

Ўзбек адабиёти ва тилининг асосчиси сифатида Алишер Навоий Ўрта Осиёнинг маънавий ва маърифий фикр тараққиётида алоҳида ўрин эгаллади. У адабиёт, санъатнинг турли соҳаларига оид қирқдан ортиқ асар яртади. «Чор девон», «Хамса», «Муҳокамат ул-луғатайн», «Мажолис ун-нафоис», «Лисонут-тайр», "Тарихи анбиё ва ҳукамо", "Тарихи мулуки ажам" ва бошқалар шулар жумласидандир.

Ҳар ҳолда, Султон Ҳусайн Бойқаро давридаги нисбий осойишталик натжасида ва Жомий ва Навоий ижодлари тимсолида тараннум этилган адабий ҳаётдаги кенг ривожланишнинг энг муҳим томонларида, даврнинг бош белгиловчи масалаларида ғоялар янгиланди. Натижада барча соҳаларда тараққиёт олға силжиди. Тўғри, Ҳусайн Бойқаро подшо сифатида ўз давридаги ҳукмрон синфга мансублигини инкор этиб бўлмайди. У мансуб бўлган синфий кучларнинг таъсири унинг фаолиятида акс этиши табиий эди. Унинг ҳаётида баъзи соҳаларда адолатсизлик нуқсонларнинг пайдо бўлиши ана шу кучлар таъсири билан изоҳланади. Жумладан, Султон Ҳусайн билан Алишер Навоий орасидаги юзага келган ихтилофлар (сарой амалдорларининг бош вазирга нисбатан ғаразли туҳмат ва фисқи-фасодлари) ҳам шу туфайли бўлган. Улар ўртасидаги дўстлик ва ишонч руҳиятга раҳна солина бошланган. Натижада бош вазирлик лавозимида турган Алишер Навоий 1476 йилда истеъфо беришга мажбур бўлган. Лекин кўп ҳолларда Ҳусайн ўз синфига хос бўлган маҳдудликдан холи эди. Унинг фаолиятидаги ижобий қарашлари, хусусан, қадимий туркий маданиятининг равноқи, айниқса, туркий-ўзбек тили ва адабиётининг ривожи йўлидаги фидойилиги, фойдали ишлари ва гўзал асарлари ҳамиша қадрланади. Аввало, юқорида қайд этганимиздек, Султон Ҳусайн Бойқаро ўзининг бош вазири ва энг яқин дўсти, маслакдоши Алишер Навоийнинг фаол ҳаракатлари, оқилона маслаҳатлари туфайли кўринарли даражада ишларни амалга оширган эди. Мамлакатда қисман сиёсий марказлашган давлат бунёд этди ва Мовароуннаҳрга нисбатан тинчлик-осайишталик ўрнатди. Бу тинчлик оқибатида моддий ва маданий ҳаётда тараққиёт бўлишини таъминлади. Бу борада, ўша мураккаб даврлар шоҳиди бўлган Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг Султон Ҳусайн Бойқаро ҳукмронлик замони ҳақида айтган фикрлари ҳам характерлидир: "Султон Ҳусайн Мирзонинг замони ажиб замоне эди, аҳли фазл ва беназир элдин Хуросон, батахсис Ҳирий шаҳри мамлу эди. Ҳар кишинингким, бир ишга машғуллуғи бор эрди, ҳиммати ва ғарази ул эрдиким, ул ишни камолга тегурғай"[2]. Бобурнинг Ҳусайн Бойқаро замонига ҳақида бундай илиқ сўзлари бежиз айтилмаган эди. У Ҳусайн билан ўз отасини қиёслай олган. Буни "Бобурнома" асарида отаси ҳақида айтган сўзларидан ҳам сезиш мумкин. Чунки, Султон Ҳусайн салтанати, шон-шавкати, маиший ҳаёти, сарой аҳллари, санъат ва адабиётга бўлган ихлоси ва истеъдоди ҳамда бошқа жиҳатлари билан Умаршайх Мирзодан катта фарқ қиларди. Бироқ мамлакатдаги ижтимоий-сиёсий ихтилофлар, ўғиллари ва бошқа амир-амалдорларнинг тож-тахт талашлари бу салтанатни тобора ҳалокат гирдобига яқинлаштираётган эди. Натижада, Навоийдек энг яқин маслакдош дўстидан ажраб, ички ихтилофлар гирдобига қолган ва айш-ишратга берилиб кетган Хусайн Бойқаро кичик-кичик темурий давлатларининг кучини ташқи душманга қарши бирлаштиришга қурби етмай қолган эди.

1 Ҳусайн Бойқаро. Девон. Рисола (Нашрга тайёрловчи Алибек Рустам, Каримбек Хасан).-Т.: "Шарқ", 1991,
2 Бобур. Бобурнома.-Т.: 1960, 239-240-бетлар.

АДЛ ИЛА ОЛАМ ЮЗИН ОБОД ҚИЛ

Соҳиба Мадиримова
(ТошДЎТАУ)

Навоий бобомиз қолдирган улкан адабий мероснинг деярли ҳар қатламида етакчи мавзу сифатида марказий ўринни эгаллаган *одил шоҳ* ҳақидаги қарашлари, янада аниқроғи, орзулари “Ҳайрат ул-аброр”нинг ўн тўққизинчи мақолатида ҳам ўзига хос шаклда давом эттирилган.

Мақолот аввалида Алишер Навоий шоҳ Ҳусайн Бойқаронинг Хуросон кишвари Ҳирот доруссалтанатида ўрнатган адолатини юксак пардаларда таърифлайди. Хос тавсифлардан сўнг умумий ҳикмат йўриғида сўз очиб, ўзаро мутаносиб яратилган етти фалакнинг олий низом остида қад ростлаб турганини, бутун мавжудотларга ҳадя ўлароқ топширилган бу ишончли бошпана – оламнинг мувозанати дунё шоҳларига бошқарув ишларида олий намуна эканини эслатади.

Самовий низомда юлдузлар етти қисмга бўлинади. Шундан келиб чиққан ҳолда жаҳон ҳам етти иқлимга бўлинган. Бу бўлакларнинг ҳар биттаси мустақил бўлиши билан бирга ўзаро таъсирда, бири биридан куч оладиган, бири бирига тарбия воситаси сифатида яратилган. Жаҳон осмонидаги илоҳий тақсимотларнинг ҳеч бири ҳикматдан холи эмаслиги, ҳар бири зимнида муҳим мақсад ва махсус вазифалар яширин эканини ўткир фаҳм билан англаб, гўзал ифодаларда баён этади:

Ўйлаки кавкаб ети тақсим эрур,
Билки жаҳон ҳам ети иқлим эрур.
Ҳар бирисига биридин тақвият,
Ҳар бири бирдин топибон тарбият.

Мақолат охирида Навоий бобомиз Ҳусайн Бойқаро салтанатини барча бало-қазодан асрашини Ҳақдан тилар экан, эришилган ютуқларнинг, топилган шарафнинг сабаби шоҳнинг адлу инсофи туфайли эканини, дунё ҳаёти одиллик сифати билан гуллаб яшнашини, токи одам фарзанди “одил” деган ном билан сифатланар экан, ундан фақат яхши ном қолишини таъкидлайди ва сўзини шундай байтлар билан ниҳоялайди:

Адл ила олам юзин обод қил,
Хулқ ила олам элини шод қил.
Ҳукмунг аро оламу одам доғи,
Йўққи, бу икки яна олам доғи.

Яъни, пасти баланд, баланди паст бўлиб, вайронага айланган дунёни адолат билан ҳукм юргизиб, обод қил. Адл билан зийнатланган хулқинг билан халқингнинг кўнглини шодликка тўлдир. Адолатли ҳукмингнинг таъсири оламу одамларга, балқи бу иккисидан ҳам ўтиб, бошқа оламга ҳам етсин.

АЛИШЕР НАВОИЙ ХАЛАФЛАРИ ИЖОДИДА ОШИҚОНА ШЕЪРИЯТ КАМОЛОТИ
(Муҳаммад Ғозий ижоди мисолида)

Назмия Муҳитдинова
(СамДУ)

Ошиқона шеъриятнинг моҳият ва хусусиятлари борасида Шарқнинг қарийб барча мутафаккир шоир ва олимлари ўз фикр-мулоҳазаларини билдирганлар. Навоий ҳам ва унинг пиру комили Аб-

дураҳмон Жомий ҳам ишқни куйлашади. Жомий дунёқарашига кўра, бутун олам яратгувчининг тажаллийси бўлиб, бинобарин, у бутун махлуқот гултожи бўлмиш инсонда ҳам тажаллий этади. Ҳар нарсанинг боши, ўртаси ва охири бўлганидек, ўрта аср мутафаккирлари асарларида ишқнинг ҳам даража мавқеълари ҳақидаги фикрлар мавжуд. Худо жамоли бутун мавжудотга, хусусан, унинг жавҳари аълоси инсонда зуҳур этар экан, муҳаббат ҳам биринчи навбатда инсонга қаратилмоғи лозим, деган хулосага келади.

Алишер Навоий эса "Маҳбуб ул-қулуб" асарида бу фикрни янада соддароқ ва аниқроқ қилиб тушунтиради: ҳақиқий комил муҳаббат инсонда бирданига пайдо бўлмайди. Муҳаббат авом ун – нос, яъни оддий инсонлар ўртасида пайдо бўлади, сўнгра, етила бориб, махсус – ҳамма ҳам тушунавермайдиган ишққа айланади. Бундан ҳам юксалиб, ишқнинг ҳақиқий олий даражасига етганлар эса, ўз ҳолларини ҳеч кимга аён эта олмайдилар. Бу ишқ – буюк сир даражасидаги ишқдир.

Навоийга издошлик қилган Қўқон адабий муҳитининг етук намояндаси Муҳаммад Ғозий ҳам ишқ борасида энг буюк сир бўлган ишққа интилади. Шоир девонининг бошида икки ҳамд келтирилган. «Эй илоҳим!, - деб ёзади шоир девонни очувчи ҳамдда, - ушбу баёним варақларини номинг билан безагин, тилим тиғини ўз мадҳинг билан зийнатли қилгин. Дил кўзларимни сурат томошасидан асра, балки бу гулистонимга маъно сув ранги билан тароват бахш эт. Маъсият ботқоғига ботганман, мени журму гуноҳ йўллардан қайтар. Даргоҳингга нолаю афғондан бошқа келтирадиган туҳфам йўқ, иноят қил, ушбу армуғонимни қайтарма. Хос қулларингга дийдорингни кўрсатган соатда менинг қон оқизувчи кўзларимни ҳам бу давлатга мушарраф эт. Аммо мен Ғозий ўша қоронғу кунда (маҳшар кунида) шундан умидворман ва шодманки, ўлганимдан сўнг шундай кўзларга (яъни, хос ошиқларининг кўзларига) қўйиш учун Ҳақ устихонимдан сурма ясайди». Бу ҳамдда муножот оҳанглари ҳам бор.

Яна бир ғазалда эса, «ҳар нарсада бетакрор ва мўъжизакор ҳусннинг ифодасини кўраверіб, шайдо бўлаверіб, баҳра олаверіб, кўнглим ойнаси худди симобдек қалқиб қолди», деб яратгувчи санъатига ўзининг ҳайратини ифода этади:

Тажаллийгоҳи ҳуснинг манзарини интизоридин,
Кўнгул ойинаси симоб янглиғ беқарор ўлмиш.

Шу тариқа, шоир ўзининг энг баланд мақомдаги муҳаббати, ҳис-туйғулари, рози дилини энг баланд мақомдаги маъшуқасига баён этади. Маъшуқанинг кимлиги аён – аввал у дунё гўзали сифатида шоирни ўзига мафтун этади, сўнг шоир сурат сеҳридан қутулиб, қалб сезгиси ва хаёли оғушида мукаммал маъшуқасини қидиради, ва ниҳоят, бутун борлиқни унутиб, ишққа ғарқ бўлади.

Ғозий шеъриятида мумтоз ғазалиётда анъанавий бўлган яна бир тимсол – ит тимсоли ҳам ўзига хос янги услубда талқин этилган. Ит – Ғозий шеъриятида ҳам анъанавий мазмунда вафо ва садоқат тимсоли сифатида келади. Аммо, ушбу анъанавий мазмун янги бадиий лавҳалар орқали ўз ифодасини топади. Биз Алишер Навоийнинг наът ғазалида пайғамбар алайҳиссалом итларига ҳавас қилишини, ўша даргоҳда юришни исташини, инсони комилнинг мунаввар юзини унинг эшигидаги итлар каби ҳар куни кўришни орзу қилишини баён этиб ёзган сатрларини биламиз:

Итларинг махсусу маҳзундур Навоий, кошки,
Бўлса бу маҳрум ҳам ул зумраи маҳрам аро.

Ғозий лирикасида бу мазмун янгича ифодасига эга бўлган. Шоир лирик қаҳрамони – ошиқ ҳам маъшуқаси итлари қаторида юришни, ҳатто улар орасида жон беришни истайди. Аммо унинг дўстларидан бир илтимоси бор: Унинг ёр куйида юраверіб чириб кетган кўйлагини кафан қила қолсинлар. Бу ерда шоир кўринмас мазмунни ифода этувчи санъат – ийҳомни ҳам қўлламоқда.

Яъни “ёр кўйида юраверіб ўлсам, бу шаҳид бўлди, деб эгнимдаги чириган кўйлагим билан мени дафн этинглар”.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Алишер Навоий ижодида намоён бўлган тасаввуфий мушоҳада, ижтимоий ҳаёт масалаларига оқилона муносабат, туркона услуб хусусиятларига мойиллик ўз даврининг нуктадон шоири Муҳаммад Ғозий шеъриятида яққол акс этади ва поэтик маҳоратининг камолга етишуви учун хизмат қилади.

НАВОИЙ НАСРИДА ШЕЪРИЙ ПАРЧАЛАРНИНГ ЎРНИ
(“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асари мисолида)

Урал Норматов
(Тош ДЎТАУ)

Истиқлол даврига келиб, мумтоз адабиётимизнинг нодир намуналарини яратган, туркий тил ва адабиётнинг байроқдори бўлган ҳазрат Алишер Навоий ижодига бўлган илмий муносабат тубдан ўзгарди. Бу ўзгариш натижаси ўлароқ тўла асарлар тўплами чоп қилинди ва уларга бўлган холис илмий муносабат ҳам пайдо бўлди.

Ўз даврида мумтоз адабиётнинг назарий масалаларига бағишланган деярли барча рисолаларда наср ва назм масаласига тўхталинган. Шайх Аҳмад Тарозийнинг “Фунун ул-балоға”, Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон”и шулар жумласидандир. Алишер Навоий ўз асарларида наср ва назмни қиёслагани маълум, албатта. Бадиий асарларда бундай қиёслаш “Хамса” достонларида учрайди. Шоир наср ва назмда тенг ижод қилган бўлса-да, унинг табиатида назмга бўлган муҳаббат ўзгача эди. Бу ҳолатни насрий асарларини ўқиб ҳам ҳис этиш мумкин. Навоийнинг насрий асарлари, хусусан, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида ҳам учрайдиган шеърий парчаларнинг асар мазмунини бойитишдаги роли ҳақида сўз юритсак.

Навоий ўзининг “Тарихи мулуки ажам”, “Тарихи анбиё ва ҳукамо”, “Вақфия”, “Ҳамсатул мутаҳаййирин” каби асарларида учрайдиган шеърий парчаларни рубоий жанрида битган бўлса, “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер”да, асосан, бир байтли шеърий намуналар учрайди. Бу байтларни асар мазмуни ва мақсадини ёритишига кўра қуйидагича таснифлаб ўрганиш мумкин:

1. Асарнинг мақсадини баён қилувчи байтлар.
2. Қиссадан ҳисса тарзидаги хулоса байтлар.
3. Ўзидан аввал ва ўзидан кейин келадиган жумлалар ўртасида кўприк бўлган ва айни дамда иккала қисмни ҳам тўлдирувчи байтлар.

Асарда жами 26 байт шеърий парчалар бор. Улардан 23 байти туркий, 3 байти форсий. Форсий байтларнинг биттаси Шайх Саъдийга, икки байтли таърих эса Навоийга тегишли. 23 та туркий байтнинг 3 байти Лутфий ва 1 байт Мавлоно Муқимий ижодига мансуб. Қолган 19 байт Навоий қаламига мансуб бўлиб, улар асарда турли муносабатларга кўра келтирилган. Энди юқоридаги таснифга кўра айрим мисоллар келтирамиз: *Лутф айлабон, эй насими қудс осор, Бир қатла фано гулшанига айла гузор, Аҳбобғаким, топтилар ул ерда қарор, Мендин ер ўпуб арзи ниёз эт зинҳор.*

Ушбу рубоий асардаги биринчи шеърий парча бўлиб, унда насимга мурожаат қилинади: Эй муқаддас насим, лутф айлаб фоний дунё гулшанига бир бор бўлса-да келгин ва у ерда (жаннат) қарор топган аҳбобга – севимли дўстларга менинг арзи ниёзимни ер ўпиб етказгил.

Иккинчи гуруҳга эса, асар сўнгида келган форсий таърих ва бир туркий байт мисол бўлади ва бу байт асар ғоясини ҳам ифодалайди:

Кетарға келур мунча шоҳу гадо,
Агар худ ўғулдур ва гар худ ато.

Хоҳ ўғил, хоҳ ота - шоҳ-у гадо бу дунёга кетиш учун келади дейилмоқда. Бу байт Саййид Ҳасан Ардашернинг тақдир ҳукмига рози киши бўлганликларини ифодалайди ва инсонларни сабрга чорлайди. Фоний дунё ўткинчлигини англатади.

Асарда учинчи гуруҳга кирувчи байтлар анчагина. Бу шеърий парчалар асар мазмунини бойитибгина қолмай, маъно кучайтириш ва масалани ёрқинроқ баён этишга ҳам хизмат қилади:

Кўп ҳунарлиқ кимса шаҳларға этар дамсозлиқ,
Қуш тилин билган Сулаймонға этар ҳамрозлиқ.

Бу байт келтирилишидан аввал Саййид Ҳасан Ардашернинг оталари Бойсунғур мирзо хизматида бўлиб, қушбеги лавозимини эгаллагани айтилади. Байтдан кейин Саййид Ҳасан Ардашернинг ҳам шу лавозимда ишлаганлиги ва подшоҳнинг энг яқин кишиларидан бўлганлиги келтирилган. Ушбу байт юқоридаги жумлаларни ўзоро боғлаган.

Бу каби байтларни асар матнидан ажратиб олган ҳолда тўла тушуниб бўлмайди. Уларнинг асл мазмуни матн контекстидан аниқланса, тўғри бўлади. Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Навоий насридаги шеърий парчаларни таснифлаб ўрганиш асар мазмунини тўла тушуниш ва ундан завқ олишга ёрдам беради. Навоий насрини бу тарзда ўрганиш ўқувчиларга анча қулайлик туғдиради.

НАВОИЙ ТУЮҚЛАРИ

Муқаддас ОҚМАМАТОВА
(ЎзДЖТУ)

Маълумки, ғазал мулкининг султони, буюк мутафаккир Алишер Навоий таваллуди ҳар йили кўтаринки руҳда, ўзгача шукуҳ билан нишонланади. Зеро, миллатимиз, она тилимизнинг бетакрор фидоийси бўлган бу буюк зот номини, унинг умрбоқий асарларини билмаган миллат ва элат йўқ. Навоийнинг Шарқ адабиётидаги 16 хил жанрда қалам тебратиб, юксак даражадаги асарлар яратган. Ҳар бир жанрнинг қонун-қоидаларини пухта эгаллаганлар. Ана шундай жанрлардан бири туюқ ҳам шоири жодида ўзига хос ўринга эга. Бу кичик жанр омоним сўзларга асосланиб, қофиядош сўзлар тажнисни ҳосил қилади. Қуйида шоирнинг мазкур жанрда яратган бир туюғини баҳоли қудрат таҳлил қилишга ҳаракат қиламиз:

Ўткали ул сарв гулрух соридин,
Йўқ хабар ул сарв гул рухсоридин.
Ҳажридин боғ ичра берур ёдима:
Қоматидин сарву, гул рухсоридин.

“Гулрух соридин” бирикмаси мазкур тажниснинг шаклдор қофияси бўлиб, у турли хил маъноларда қўлланган. Биринчи мисрада у сарв-қоматли гулга монанд, гулга ўхшаш гўзал ёнидан ўтдим. Аммо унинг ўз гул рухсоридан, яъни гулдай юзи борлигидан, гўзаллигидан хабари йўқ. Яъни гўзал ўз гўзаллигини ўзи билмайди. Аммо, нетайки, ўша ўз гўзаллигини билмайдиган гўзал ёр ҳажрида, соғинчида боғ ичра юрсам, уни унутмоқ бўлсам, сарв дарахти унинг қоматини, гул эса унинг юзини, рухсорини эслатаверади, ёдимга солаверади.

Кўриняптики, юқорида келтирилган туюқда “гул рухсоридин” бирикмаси уч хил маънода қўлланган:

1)“гул рухсоридин” – гулга ўхшаш гўзал ёнидан.
2) “гул рухсоридин” – гўзал ёрнинг юзидан.
3) “гул рухсоридин” - юзи гулга ўхшамоқ.

Навоийнинг бадиий маҳорати, унинг сўзни англашга бўлган юксак дидини биргина туюқ орқали ҳам яққол билишимиз мумкин. У она тилимизнинг нозик имкониятларидан унумли фойдалана олган. Сўзларнинг шакл ва маъно муносабатларини пухта билган ва улардан фойдаланиб ана шундай гўзал асарлар яратган. Биз, ёшлар ана шу бетакрор она тилимизни бор таровати, маъно қирралари билан сақламоғимиз, унинг янада бойиши учун ўз ҳиссамизни қўшмоғимиз лозим. Таржималарда ҳам мазкур жиҳатларни, яъни маънолари бузилмаган ҳолда бошқа тилларга ўгирсак, Навоий бобомиз яратган беқиёс образларни бошқа миллат халқларига етказа оламиз.

АЛИШЕР НАВОИЙ ВА АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ЎРТАСИДА ЧИН ДЎСТЛИК, УСТОЗЛИК МУНОСАБАТЛАРИ

Гулноз Рузматова
(ЎзМУ)

Шарқ мамлакатлари, Шарқ фалсафаси, Шарқ мўъжизаси Жаҳон цивилизациясининг бугунги тараққиётига тамал тошини қўйган. Буюк Шарқ юзлаб, минглаб шоиру адабиётшуносларни етиштиргани ҳеч кимга сир эмас. Ана шундай буюк мутафаккирлардан бири Алишер Навоийдир. XV асрнинг иккинчи ярмидаги ижтимоий-сиёсий, илмий-маданий ва адабий ҳаётда юз берган ибратли ҳодисалардан бири Навоий – Жомий муносабатларидир. Бу икки буюк зот ижод соҳасида халқпарварлик ва инсонпарварлик мавқеида туриш билан бирга халқ, давлат ишларида инсоф ва адолатни ёқлар эдилар. Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс», «Лужжат ул-асрор», «Ашиъат ул-ламаъот», «Рисолаи мусиқий», «Рисолаи муаммо» каби бир қанча асарлари Навоийнинг маслаҳати ва илтимоси билан ёзилган. Жомий ўз лирик шеърларини йиғиб, девон тузмоқчи бўлганда, Навоий маслаҳати билан учта девон тузади ва девонларнинг биринчисига «Фотиҳат уш-шабоб», иккинчисига «Воситат ул-иқд», учинчисига «Хотимат ул-ҳаёт» деб ном қўяди.

Ўзбек адабий-маданий мероси тарихида Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий ўртасидаги дўстлик, устоз-шогирдлик муносабатлари алоҳида ёрқин саҳифаларни ташкил этади. Бу улуғ мутафаккирларнинг ижодида ана шу бетакрор қирралар мужассамдир. Абдураҳмон Жомий ўзининг «Лайли ва Мажнун», «Юсуф ва Зулайхо», «Хирадномаи Искандарий» достонларида ҳам фикр дўсти ва шогирдини замонасининг даҳо шоири сифатида улуғлайди. Шунингдек, Алишер Навоий ҳам «Хамсат ул-мутаҳаййирин», «Мажолис ун-нафоис», «Муҳокамат ул-луғатайин», «Мезон ул-авзон», «Девони Фоний», «Хамса» каби асарларида ўз устози Абдураҳмон Жомийни катта ҳурмат-муҳаббат билан тилга олади. Улкан ижодий ҳамкорлик қирралари ҳар икки шоирнинг девонларига битилган дебочаларда ҳам ўз ифодасини топган. Жомий дўстликка мисол тарзида бир умрлик қадрдон дўсти Алишер Навоийни эслайди ва уни дўстлик боғидаги энг вафодор ва меҳрибон дўст сифатида таъриф ва тавсиф этади.

Ўз даврида Жомий фақат Навоийнинг эмас, балки бутун ўзбек адабиётининг ҳам энг яқин дўсти эди. Навоийнинг ёзишича, у туркий тилда шеър ёзмаса ҳам, аммо бу тилдаги асарларни яхши тушунар ва улар ҳақида ўз фикрини айта олар эди.

Алишер Навоий ижодида Абдураҳмон Жомий васфининг катта ўрин тутиши маълум. Агар Алишер Навоий «Хамса», «Мажолис ун-нафоис», «Насойим ул-муҳаббат» каби асарларида Жомий ҳақида айрим боблар битган бўлса, «Хамсат ул-мутаҳаййирин» тўлалигича «васфи васфға

сиғмас» ва «таърифи тарифға рост келмас» улуғ инсонга бағишланган. Шоир «Туҳфат ул-афкор» ва «Арбаъин»да, шунингдек, «Хазойин ул-маоний» ва «Девони Фоний»га кирган бир қатор шеърларида ҳам Жомий номини чексиз ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади.

Алишер Навоий улуғ устоз таърифида сўз юритар экан, ранг-баранг тасвирий воситаларга мурожаат қилади. Аммо шундай бўлса ҳам улар орасида кўпинча жом ва жом билан боғлиқ сўз ва иборалар етакчи ўрин тутади: сафо жомининг софий ошоми, муҳаббат жоми дурд ошоми, ваҳдат жомининг сармасти, маоний жомининг ринди софий ошоми.

Жомий таърифида жом тимсолининг етакчи ўрин тутиш тасодифий эмас. Чунки жом ва Жомий сўзлари ўзаро шаклдош бўлиб, шоир улар ёрдамида чиройли сўз ўйинлари: тажнис ва ийҳом санъатининг бетакрор ва сержило намуналарини яратган. Бироқ жом ва Жомий фақат шаклдош сўзларгина эмас. Алишер Навоий қаламининг мўъжизали қудрати билан жом мазмунан ҳам Жомий тимсолига ғоят мос тушиб, унинг баркамол маънавий оламини мукаммал акс эттирувчи бетакрор поэтик тимсолига айланган. Бинобарин, жомнинг Навоий ижодидаги маъноларидан хабардор бўлмасдан туриб, Абдураҳмон Жомийнинг улуғвор сиймосини равшан тасаввур қилиш қийин.

Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийнинг дўстлиги фақатгина адабий ҳамкорлик билан чегараланмаган. Навоий Ҳусайн Бойқаро саройида бош вазир бўлиб турар экан, ўз сиёсий ва ижтимоий фаолиятида Жомийдан кўп маслаҳатлар олиб турган. Масалан, Султон Ҳусайн Қундуз вилоятига қарши юришга отланмоқчи бўлганда Жомий Навоийдан подшоҳни бу сафардан қайтаришни илтимос қилган. Саройдаги фитна ва фужурлар Навоийнинг жонига тегиб, у ўз вазифасидан кетмоқчи бўлганда Абдураҳмон Жомий уни бундай қарордан воз кечтирган. Чунки Навоийдек халқпарвар арбоб саройдан кетса, халқ ва мамлакат аҳволи янада оғирлашишини у яхши тушунар эди. Шундай қилиб, икки буюк сиймонинг дўстлиги, ушбу адабий ҳодиса, бир томондан, Навоий ижодий салоҳиятнинг бемисл қудрати, унинг асарлари қудрату қимматини, Навоий билан Жомий орасидаги зеҳну заковат, адабий маслак ва қалб яқинлигини ифодаласа, иккинчи тарафдан, бу икки буюк адибнинг давр подшоси, «шоҳу дарвешлик»ни ўзида мужассам этган нозик табъ шоир Ҳусайн Бойқарога муносабатини ҳам белгилиб турибди ёки бошқача айтсак, Ҳусайн Бойқаронинг адабий ҳаётга фаол иштироки, Навоий ва Жомийга бўлган чуқур ҳурмати, улар истеъдоди меваларини кўпайтириш сари қилган ҳаракатлари намунасини кўрамиз. Бу уч буюк зот XV аср Ҳирот адабий муҳитининг марказида турганлар ва улар сиймосида адабиёт ва халқ, маънавият ва давлат бирлашган эди. Уларнинг бир-бирини қўллаши, илҳомлантириб туриши улуғвор бир маданиятини, сўз санъати намуналари бўлган ўлмас обидаларнинг яратилишига сабаб бўлди.

АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИДА ИНСОН МАСАЛАСИ

Дилнавоз РУЗМАТОВА
(ЎзМУ)

Алишер Навоий исмини эшитган ҳар бир инсоннинг ҳаёлига шеърият оламининг султони, мислсиз мутафаккир, давлат арбоби, буюк олим, ўзбек адабиётининг ёрқин сиймоларидан бири деган таърифлар бирин-кетин кириб кела бошлайди. Алишер Навоий бутун ҳаёти ва фаолиятини инсоннинг бахту-саодати учун курашга, халқнинг осойишталигига, турли урушларнинг олдини олишга, ободончилик ишларига, илм-фан, санъат ва адабиёт тараққиётига бағишлади, ўзбек адабий тили ва мумтоз адабиётини янги тараққиёт поғонасига олиб чиқди, Яқин ва Ўрта Шарқ халқлари адабиёти ривожида янги саҳифалар очди, ўз даври маданий ҳаётининг ҳомийси ва сарвари бўлиб, кўплаб илм-фан, санъат ва адабиёт вакилларини етиштирди ҳамда ўзидан катта адабий, фалсафий ва илмий мерос қолдирди. У: “Умидим улдурки ва ҳаёлимга андоқ келурки, сўзим мартабаси авждан

қуйи энмагай ва ёзган асарларимнинг тантанаси аъло даражадан ўзга ерни ёқтирмағай", - деган эди. Алишер Навоий янглишмади. Унинг мероси жаҳон маданиятининг ноёб обидалари сифатида яшаб, юксак қадрланмоқда. Уни ўйи, сўзи ва амали бир бўлган ижодкорлар сафига қўшсак тўғри иш бўлади.

Умрни зоеъ этма, меҳнат қил,
Меҳнатни саодатинг калиди бил...

Ушбу фикрдан аёнки, Алишер Навоий ўз вақти ва имкониятидан оқилона фойдалана олган ҳамда ўзининг тажрибасини ўзгалар билан ўртоқлашган. У нафақат илмий, адабий соҳаларга қизиққан, балки фалсафий масалалар ҳам унинг эътиборидан четда қолмаган. Бунга кўплаб мисолларни келтириш мумкин. Биламизки, фалсафада инсон масаласи ўзига хос ўринни эгаллайди. Фалсафа антропологиясида бошқа файласуфлар қаторида Алишер Навоий ҳам баҳоли қудрат самарали таълимот яратган.

Алишер Навоий шеърияти ҳаёт таронаси ва инсон мадҳияси билан йўғрилгандир. У ҳаётни севади, инсонни шарафлайди ва улуғлайди. Зероки, оламни олам бўлиши ҳам асосан ҳаёт гули бўлган инсон учундир:

Оламу одам фидонг ўлсинки борсен, эй хабиб.
Сен ғараз инсондин ар оламдин инсондур ғараз.

Ҳаётнинг меъзони инсоннинг фаолияти, хатти-ҳаракати, сифати ва фазилатидир. Инсон ҳаётини ўзи учун ҳам, бутун жамият учун ҳам фойдали бўлган хизматга бағишлаши, касб-ҳунар ўрганиши, маърифатли бўлиши, яхши фазилатларни эгаллаши керак:

Камол эт касбким, олам уйидин
Сенга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.
Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

Инсон дунёдан ўтиб кетади, лекин эл юртга яхшилик қилган комил кишининг оти боқий бўлиб қолади:

Бу гулшан ичраки йўқтур бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилик била от.

Мутафаккир ва мураббий шоир кишиларни тўғри, ҳалол, ростгўй, саховатли, ҳимматли, марҳаматли, оқил ва одобли бўлишга чақиради. Ёмон хислат ва одатларни қоралайди. Кишиларга уларнинг жинси ёки ирқи, элати ва дини, эътиқодига қараб эмас, балки инсоний сифатларига қараб баҳо беради. Хотин-қизларга эътибор умуман кам бўлган, улар тахқирланган бир шароитда уларнинг инсоний ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилади, уларни инсон, она, рафиқа, опа ва сингил сифатида улуғлайди. Қитъаларидан бирида:

Яхши хотинлар софойи зухдидин,
Олам ичра гар ёруғлуқ бўлса фош
Йўқ ажаб, чунким араб алфозида
Истилоҳ ичра муаннасдур қуёш, –

деб хотин-қизларини қуёш билан тенглаштиради (араб тилида қуёш – шамс сўзи аёл жинси – турига киради). Бошқа бир қитъасида эса ақли расо ва одобли аёлларни ёмон эркаклардан устун қўйиб, уларни афзал билади:

Юз туман нопок эрдин яхшироқ,
Пок хотинлар оёғининг изи.

Инсоннинг бахт-саодати, камолоти учун кураш "Хайрат ул-аброр"нинг асосий ғоясидир. Достондаги:

Одами эрсанг демагил одами,
Оники йўқ халқ ғамидин ғами

байти Алишер Навоийнинг бутун фаолияти ва ижодиёти учун етакчи бир шиор бўлиб қолади. У инсонларни севади. Шоир севган инсон меҳнаткаш, ижодкор ўз касб корини мукаммал эгаллаган, меҳнати ва заковати, фаолияти ва интилишлари билан ўзига ҳам, ўзгаларга ҳам манфаат етказувчи инсондир. Шундай экан, ўзи ардоқлаган халқнинг ардоқли вакили Алишер Навоий инсонни олам марказига қўяди, уни улуғлайди, барча эзгу фазилатга эга бўлиши кераклигини тадбиқ қилади. Унинг бундай қарашлари ҳозирги замонамизда ҳам долзарб ҳисобланади.

МУСТАҚИЛЛИК ДАВРИ ҚЎҚОН АДАБИЙ МУҲИТИДА НАВОИЙ ҒАЗАЛЛАРИГА ТАХМИСЛАР

Гулбаҳор САИДҒАНИЕВА
(Қўқон ДПИ)

Лирик тур доимий тараққиётда экан, унинг жанрлар системаси ҳам доимий равишда янгиланиб туради. Ўтган асрда, айниқса, бу соҳада жуда катта ўзгаришлар юзага келди. Классик жанрлар ўрнини Ғарб адабиёти таъсирида кириб келган шакллар эгаллай бошлади. Бироқ бу мумтоз адабиёт жанрларининг батамом йўқолиб кетиши ҳисобига юз бергани йўқ. Мухаммаснинг жуда кўп намуналарини атоқли шоирларимиз ижодида учратишимиз мумкин.

Ушбу жанрнинг бардавомлиги Қўқон адабий муҳити шоирлари ижодида ҳам кўзга ташланади. Умархон (Амирий) давридан то ҳозирги кунгача шоирлар ижодида бу жанрнинг гўзал намуналари яратилди.

Мухаммас мустақиллик даври шеъриятида ҳам лирикадан мустаҳкам ўрин олган жанр сифатида намоён бўлди. Ўзларини Навоийнинг издошлари ҳисоблаган Қўқон адабий муҳити вакилларидан Азизий (академик Азизхон Қаюмов), Комил Жўра, Ҳабибулло Саид Ғани, Анвар Юнус каби шоирлар ижодида мумтоз адабиёт намояндаларидан Алишер Навоий, Фузулий ва бошқа кўплаб шоирлар ғазалларига тахмислар ва мухаммаслар учрайди. Жумладан, Азиз Қаюмовнинг "Навоийга таъзим"[1] тўпламидан А.Навоийнинг 36 та ғазалига ёзган тахмислари ўрин олган. Кейинроқ яна мухаммаслар ва шоирнинг бошқа шеърларидан иборат тўплам қайта нашр этилди.[2]

1991 йилда Ҳабибулло Саид Ғанининг Навоийнинг уч ғазалига ёзган тахмислари эълон қилинди.[3] Булар ичида "Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул ҳудо" сатрлари билан бошланувчи

1 Азиз Қаюмов. Навоийга таъзим. – Тошкент: Халқ мероси, 2002. – 41 б.

2 Азизий (Азизхон Қаюмов). Навоийга таъзим. – Тошкент: 2016.

3 Ҳабибулло Саид Ғани. Навой ғазалига мухаммас // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. – Тошкент: 1991 йил, 26

“Хазойин ул-маоний”нинг биринчи ғазалига боғланган мухаммас анча машҳур бўлиб, унга ёзилган шарҳлар ҳам мавжуд.[1] Бу ғазалга асрлар давомида бирор машҳур ўтмиш шоирининг мухаммас боғлагани номаълум. Қуйидаги парча орқали шоирнинг лирик кечинмани Навоий ғазалига вазн, қофия, гап қурилиши, мазмун ва ғоя жиҳатдан яқин ифодалаганини кўришимиз мумкин: *Шамси анвар шуъласидин ҳар тараф рангин наво, Олама ҳар жилвасидин ёғилур ҳамду сано, Тебратур-нурларни бода субҳидам некбинҳаво, «Ашрақат мин акси шамсил каъси анворул ҳудо», Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо.*

Азизхон Қаюмовнинг ҳам шу ғазалга тахмиси китобларида эълон қилинган. Ҳабибулло Саид Ғани тахмисининг биринчи бандида дастлабки уч мисра ҳам ўзбекча ёзилган бўлса, Азизхон Қаюмовда бу банднинг дастлабки уч мисраси араб тилида ёзилган.

“Муҳаббат гулшани” номли замонавий девон тартиб этган шоир Комил Жўра ҳам Лутфий, Нодира, Чархий, Собир Абдулла, Сурманисо, Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов, Ҳабибулло Саид Ғани, Эргаш Муҳаммаджоновлар ғазалларига тахмислар ва мухаммаслар ёзган.[2]

Анвар Юнуснинг “Сени соғинаман”, “Муҳаббат тумори”[3] китобларидан шоирнинг Атоий, Лутфий, Навоий, Фузулий, Бобур, Машраб, Ҳувайдо, Огаҳий, Амирий, Увайсий, Нодира, Муқимий, Фурқат, Завқий, Ҳамза, Ҳазиний, Чархий, Абдулла Орипов, Эркин Воҳидов, Жамол Камол, Охунжон Ҳаким, Комил Жўра, Ҳабибулло Саид Ғани, Зуҳро Алиева, Карима Ашурова ғазалларига ва ўз ғазалига тахмислари ўрин олган.

Кўплаб ғазаллар муаллифи Мансур Абдулло ҳам Жавдат, Увайсий ғазалларига тахмислар ҳамда мустақил мухаммаслари билан жанр тараққиётига ҳисса қўшган. [4]

Хулоса қилиб айтганда, мухаммас бугунги ўзбек шеъриятида ҳам лириканинг асосий жанрларидан бири ҳисобланади. Унинг бардавомлигини таъминлаш ва бойитишда Қўқон адабий муҳити шоирларининг ҳиссаси катта.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ УСМОНЛИ ШЕЪРИЯТИГА ТАЪСИРИ

Абдумурод Тилавов
(ТошДЎТАУ)

Огоҳ Сирри Левенд Алишер Навоий девонларини, шунингдек “Насойим ул-муҳаббат” асарини Тошкент, Париж, Лондон, Боку, Тўпқопи, Фотиҳ (Сулаймония кутубхонаси) нусхаларини қиёслаб, 1960 йиллардаёқ Анқарада нашр эттирган заҳматкаш, нуктадон навоийшуносдир. Унинг Навоий ҳақидаги ушбу фикри диққатга сазовор:

“Навоий ҳаётини эл-юртга вақф этган (бағишлаган), умрини хайр-саховат, хизмат, халққа фойдали бўлмоқ учун ўтказган, ўқишни, ёзишни, фурсат топилиши билан дўстлари ва севганлари билан суҳбатлашишни энг катта завқ деб билган; комил инсон ўлароқ яшаган зотдир. Одамийлиги ва инсонларга нисбатан севгиси – уни юксалтирган энг буюк васфлардан биридир... Навоий мағрурдир, бироқ ғурурини камтаринлик ила бирлаштиргандир”.

июль. – Б.1.

1 Қаранг: Носир Зоҳид. Бир мухаммас жилваси // Меҳнат байроғи. – Қўқон: 1991 йил, 10 июнь. - №67. – Б.3; Носир Зоҳид. Ашрақат асрори. – Фарғона, 2004; Гулбаҳор Саидғаниева. Ҳабибулло Саид Ғанининг Навоий ғазалига бир мухаммаси хусусида // Адабиёт кўзгуси. – Тошкент: 2009 йил. - № 11. – Б.80-83.

2 Комил Жўра. Муҳаббат гулшани. – Тошкент: Ёзувчи, 2002. – 112 б.

3 Анвар Юнус. Сени соғинаман. – Тошкент: Ёзувчи, 1997. – 144 б; Анвар Юнус. Муҳаббат тумори. Ғазаллар, мухаммаслар.- Тошкент: Янги аср авлоди, 2007. – 146 б.

4 Мансур Абдулло. Сенсиз дилимга сиғмас. – Фарғона: 1994. – Б.18-23.

Алишер Навоийнинг

“Турк назмида чу тортиб мен алам,
Айладим ул мамлакатни якқалам”

сатрларини “Мен туркий назмда қалам тебратиб, қавмлараро якдилликни, маданиятлараро бирдамликни таъминладим” дея талқин этиш ҳам мумкин, деган фикрдамиз. Усмонли шоирларнинг Ҳазрат Навоий ғазалларидан илҳомланиб, назира, татаббуъ ёки тахмислар ёзганининг ўзиёқ фикримизни қувватлайди.

Маълумотларга қараганда, Усмонли султони Боязид II ва Абдураҳмон Жомий мактуб орқали боғланиб туришган. Устозининг бу ёзишмаларидан Навоий бехабар қолиши ёхуд бу маърифий иртибот (алоқа)га бефарқ қараши мумкин эмас. Бинобарин, Ошиқ Чалабийнинг Навоий умрининг охирида Султон Боязидга 33 ғазал жўнатгани, Султон Боязид бу ғазалларни ўша даврнинг пешқадам мумтоз шоири Аҳмад Пошога юбориб, назира ёзишни **буюргани** (таъкид бизники – А.Т) ҳақидаги маълумот айни ҳақиқат ва Навоий даҳосига берилган баҳо, эътибор ва эътирофнинг тазоҳуридир.

Аҳмад Пошонинг Алишер Навоий ғазалларига ёзган назиралари қиёслаб тадқиқ этилганда, бу фикр янада ойдинлашади: “Наводир уш-шабоб” девонидаги 9-ғазалга Аҳмад Пошо битган назирани солиштирайлик:

Ул парипайкарки, ҳайрон бўлмиш инсу жон анга,
Кимки ҳайрони эмас, мен телбамен ҳайрон анга.

Ne kamerdür bu ki olmuş zulf muşg- efşan ana,
Nice reyhandur hatikim kalmişhim hayran ana.

Авний тахаллуси билан ғазаллар ёзган Фотиҳ Султон Муҳаммадхоннинг Алишер Навоий мисраларини деярли такрорлагани султон шоирнинг Навоий назмига муҳаббати, ҳурмат-эҳтироми дейиш мумкин:

Неча бўлгай захмлиғ кўнглимнимаҳзун айламак,
Захми қонидин кўзум ёшин жигаргун айламак.

(Алишер Навоий, “Наводир ун-ниҳоя, 425-ғазал”)
Энди Авнийнинг мисраларига эътибор беринг:

Ey cefâcŭ hâtirumder dilem ahzun eyledün,
Zahm sĭnemden gözüm yaşin cigergŭn eyledün.

Профессор Усмон Сертқоя “Усмонли шоирларида Алишер Навоий тарзи ва Навоийга Онадўлида ёзилган назиралар” номли илмий мақоласида (Анқара, 2004) Шайхзода Абдураззоқ Бахши, Дуккакинзода Аҳмад, Китобий, Надим, Рафиий Омидий, Саййид Бурхониддин Балхий каби усмонли шоирлари Алишер Навоийга назира ёзганлари ҳақидаги маълумотни келтирса, бу борада махсус тадқиқот олиб борган ёш навоийшунос Юсуф Четинтоғ XV-XVI асрларда Алишер Навоий шеърларига Усмонли шоирларидан 67 тасининг жами 688 та назираси борлигини таъкидлайди.

Алишер Навоий ғазалига Усмонли адабиётида ёзилган илк назира диққатга сазовор. Бу назира XVI асрда ижод этган шоир Дукакин-зода Аҳмадий қаламига мансуб. Аҳмадий “Ғаройиб уссиғар” девонидаги “Неча ой ороми жон ҳажрингда беоромлиғ, Дўстлуғ кўргузки ҳаддин ошти

душманкомлиғ” деб бошланувчи ғазални танлаган. Аҳмадий ғазал матласидаги ҳижрон, висолга интилиш йўлидаги дард-аламни қуйидаги сатрлар билан тўлдиришга ҳаракат қилган:

Дилрабо ишқингда фахримдир маним бадномлиғ,
Рўза-и фурқатда хундир дурд-и май ошомлиғ,
Ийд-и васлингдан манга бир бўса бер бир эмлиғ,
Неча ой оромижон ҳажрингда беоромлиғ,
Дўстлуғ кўргузки, ҳаддин ошти душманкомлиғ (таржима бизники – А.Т.)

Хуллас, Ҳазрат Алишер Навоийнинг Усмонли шеъриятига таъсири масаласини тадқиқ этиш бу зотнинг беназир истеъдод соҳиби, бадиий тафаккур салоҳияти юксак адиб эканини яна бир бор тасдиқлайди.

НАСРИЙ БАЁННИНГ АЙРИМ ХУСУСИЯТЛАРИГА ДОИР

Озода ТОЖИБОЕВА
(ТошДЎТАУ)

Бугунги кунда насрий баёнларнинг зарурий восита сифатида замонавий истеъмол доираси кенгайиб бормоқда. Насрий баёнчилик тарихи ва амалга оширилаётган ишларнинг салмоқли қисми Алишер Навоий асарлари билан боғлиқдир. Шунга кўра насрий баёнларни зарурий эҳтиёж сифатида таърифлар эканмиз, уларнинг ўзи ҳеч қачон бирламчи асар – аслиятсиз яратила олмайди. Мустақил асар сифатида қабул қилинувчи ўзлаштирма насрий баён бўлганда ҳам унинг яратилишига асл манба асос бўлиб хизмат қилади. Насрий баённи бир қатор тадқиқотчилар жанр, адабий тур деб қарашса ҳам, ҳали бирор назарий адабиётда тўлиқ таъриф берилмаган. Насрий баённи назм билан наср ўртасидаги, шоир билан китобхон ўртасидаги воситачи, кўприк сифатида тасаввур қилиш мумкин. Назмни бир улкан жимжимадор иморат деб олсак, насрий баён унинг ичига йўл тополмай турган китобхонга йўл кўрсатади, унинг бор гўзаллигини тушунтиришга хизмат қилади. Насрий баённи бир жанр доирасида чеклаб бўлмайди, у жанрлараро ҳаракат қилади, уни ғазалга, рубоийга, мумтоз адабиётимизнинг барча шеърий жанрларига татбиқ этиш мумкин, ҳатто насрий асарлар ҳам замон китобхонига мослаб соддалаштирилмоқда.

Бу каби асарлар таҳлили чоғида адабиётшунослар Н.Маллаев, С.Эркинов, Ғ.Саломов, Н.Комилов, Ҳ.Солиҳова, А.Эркинов, А.Ҳайитов уларнинг ифода жиҳатига қараб насрий қисса, насрий баён, насрий табдил, насрий талқин атамаларини қўллашади.

Насрий баёнлардан мумтоз асарларни тарғиб қилишда кенг фойдаланилса-да, ўз навбатида бир қатор афзаллик ва камчиликларга эга. Унинг қулайлиги қуйидаги ҳолатларда намоён бўлади: Маълумки, Навоий асарларида форс-тожик, араб сўзлари бошқа ижодкорларга нисбатан бир мунча кўп қўлланилган. Уларни англаб етиш китобхонда бироз мураккаблик туғдиради. Шу ўринда сирли сўзларнинг калити сифатида насрий баёнлар ёрдамга келади, қийин жумлалар, ибораларнинг мағзини чақиб, мазмунини етказиб беради. Асл манбага қиёсланганда улар сири ечилади, “шу йўл билан Алишер Навоийнинг маънавий-ғоявий образлар дунёсини янада чуқурроқ тушуниш, шеъриятининг ўзига хос, такрорланмас гўзаллиги, тилининг бойлиги, ҳар бир асарида мавзу ва муддао тақозоси билан услубининг ўзгариши ва ранг-баранг товланишларини кузатишга кенг йўл очади” [1].

Насрий баён Навоий асарларини тарғиб этишнинг бир йўлидир. У ўқувчини Навоийнинг ижод

1 Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. -67б.

оламига олиб киради, асарни тезроқ тушунишга ёрдам беради. Уни ўқиб, маънавий завқ ҳиссини туйган зийрак китобхонда албатта, аслиятни мутолаа қилиш истаги туғилади ва бу ҳолат Навоий ижодини тарғиб этиш йўлидаги кутилган натижалардан биридир. Академик А.Қаюмов ҳақли таъкидлаганларидек, агар назмда битилган асарлар содда халқона тилда оммалаштирилмаганда, тор доирадаги мутахассислар доирасида қолиб кетган бўлар эди[1].

Насрий баённинг камчилиги қуйидагиларда кўринади: биринчидан, ҳеч қайси насрий баён аслиятнинг ўрнини босолмайди. Мазкур жиҳатлар шеърий ва насрий матн ўзаро қиёсланганда яққол кўзга ташланади. Қолаверса, насрий баён нисбий моҳиятга эга, уни ҳар доим замонга мослаб янгилаб туришга эҳтиёж сезилади. Улар даврий асарлар бўлиб, вақт ўтиши билан ундан кенг фойдаланишга ҳожат қолмайди. Аслият эса ўлмас, ўзгармасдир. Моҳиятан насрий баён ўқувчига бадиий асарнинг бор гўзаллигини тушунтириб, ақлан тайёрлаб, аслият сари олиб чиқиши лозим.

Маълумки, шеърий асарларда лирика, мусиқийлик кучли бўлади. Айниқса, Навоийнинг қалб қўри билан дунёга келган ҳар бир сатрлари, бетакрор жозиба, ранг-баранг товланишларга эга бўлган байтлари насрий матнга айлантирганда ундаги жозиба, сеҳр ўз кучини йўқотади, гўзаллик суви билан йўғрилган, минг хил жилва билан бир-бирига ҳамоҳанг қофияланиб келувчи бетакрор мисралар оддий сўзларга айланади. Аслида, шеъриятнинг кишини ўзига ром этувчи бор гўзаллиги ҳам унинг шеърий вазнида, мусиқийлигидадир. Насрий баёнларда эса унинг гўзаллигини тўлиқ сақлаб қолишнинг имкони йўқ. Вазн, қофиялар бой берилиши эвазига мазмун сақланиб қолинади, холос. Ушбу омилларни назарда тутиб, "бундай асосли фикрлаган ижодкор дарҳол фикридан қайтади"[2]. Бироқ китобхонга мазмун-моҳиятни етказиб бериш зарурати туфайли бу йўқотишларга кўз юмилади.

Насрий баён Навоийнинг сўзлари мағзини чақиб, етказиб бериб ўқувчини унга яқинлаштириш билан бирга айни дамда ундан узоқлаштиради ҳам. Чунки айрим китобхонлар тайёр насрий баён мутолаасидан сўнг аслиятни ўқиб кўришга эҳтиёж сезмайдилар, унинг ўзи билан қаноатланадилар. Насрий баённи ўқиб, Навоий асари шу экан дегувчи кишилар ҳам оз эмас. Худди шундайлар учун Навоийнинг гўзал, сержило байтлари, пурмаъно фикрлари саҳифалар ичида қолади.

Ҳозирги кунда барча китобхонларни зукко, интилувчан китобхон сафига киритиб бўлмайди. Ҳатто Навоий даврида "назмнинг пояси бийикрак" бўлиб турган бир даврда ҳам ҳаммани бирдек саводли деб бўлмасди. Насрий баён эса ўша бўшлиқнинг ўрнини тўлдиришга хизмат қилади.

АЛИШЕР НАВОИЙ – ХАЛҚПАРВАР ШОИР

Нилуфар ТОШЕВА
(Хатирчи тумани
қишлоқ хўжалик касб-ҳунар коллежи)

Ўзбек халқининг буюк фарзанди, йирик мутафаккир, шоир, олим Алишер Навоий ўз замонасининг халқпарвар шоири эди. Алишер Навоий давлат арбоби сифатида жуда кўп ишларни амалга оширган бўлиб, бу ишларнинг барчаси замирида халқ манфаати устун қўйилар эди. Алишер Навоийнинг биз келажак авлодга қолдирган бадиий меросини ўқиб ўрганар эканмиз, у кишининг халқпарвар шоир эканлиги кўз ўнгимизда яққол гавдаланаверади.

Бизга маълумки, Алишер Навоий 15-асрда яшаб ўтган. У даврда саройдаги муҳит, сиёсий тизим анча издан чиққан эди. Ундан ташқари, саройда фисқу фасод авж олган, мамлакатда жабру зулм ҳукмрон, халқ ҳуқуқи поймол қилинаётган давр бўлган. Бу ҳолат халқпарвар Алишер Навоийни қаттиқ изтиробга солади. Алишер Навоийнинг ўз сўзи билан айтганда, халққа етган жабру зулм

1 Қаюмов А. Асарлар. VIII-жилд. –Т.: Мумтоз сўз, 2009. - 13б.

2 Саломов Ғ. Таржима ташвишлари. –Т.: Адабиёт ва санъат, 1983. -120 б.

учун у қаттиқроқ алам тортар эди.

Агар нафъдин бўлса махзан йироқ,
Анинг лаълидин хора кўп яхшироқ.

Халққа фойдаси тегмайдиган хазинанинг кераги йўқ, ундан кўра фойдасиз тош яхшидир. Шоир ҳар доим халқ манфаатини ўйлаб иш қилади. Шоир шоҳ қандай бўлиши кераклиги ҳақида ёзади. Хақл хаёлотидаги ҳақиқий, адолатпарвар шоҳни ўз асарларида гавдалантиради.

"Ҳайрат ул-аброр" достонидаги Шоҳ Ғозий образи унинг орзусидаги, адолатпарвар, фақат халқининг манфаатини ўйлайдиган шоҳ эди.

Алишер Навоий ўз асарларида фақат шоҳнинг халққа кўрсатган кирдикорлари ҳақида эмас, балки бошқа амалдорларнинг ҳам кирдикорлари ҳақида ёзади.

Неча бу ниш бу мазлумларға санчилғай,
Умид улки бошлари ажал тоши била янчилғай.

Бу мисраларда Алишер Навоий халққа жабр қилувчи олимларга ўлим тилаган. Ҳазрат Алишер Навоийнинг бу сўзлари билан, албатта, тинч қўйишмаган. Ҳукмрон кучлар қанча қаршилик кўрсатмасин, барибир шоир ўз дилидагиларни тўкиб солган.

Шундай бўлса-да, у тўхтаб қолмади, яна ва яна ҳукмрон кучларнинг кирдикорлари ҳақида ёзаверди. Чунки шоир назарида кимдир халқни ўйлаши керак эди. Агар у бу кирдикорларни фош қилишдан тўхтаса, ўзини гуноҳкор ҳисобларди.

Алишер Навоий муҳрдор лавозимида ишлаганида ҳам, Астрободда ҳоким бўлиб ишлаганида ҳам халқ орасида бўлган, халқ орасида юриб унинг аҳволи билан танишган, улар билан доимий мулоқатда бўлган. Халқининг қийналаётганини кўриб у юз чандон қийналган. Алишер Навоий қўлидан келганча халққа ёрдам қўлини чўзган. Маълумотларга қараганда, Алишер Навоий ҳазратлари замонасининг жуда бой одами бўлган, лекин қўлидаги бойликларни мазлум халққа улашган.

Халқпарвар шоир халқини минг чандон ўйлагани билан бефойда эди, чунки халқни унинг шоҳи ўйласа, халққа бундан кўп наф тегарди.

Юқоридаги фикрларнинг исботини халқимиз орасида юрувчи Навоий ҳақидаги ривоятларда ҳам кўришимиз мумкин.

Ривоятларда келтирилишича, ҳазрат Алишер Навоий кўпроқ мазлум халққа ёрдам қўлини чўзган. Халқ учун жуда кўп ишларни амалга оширган. Булардан Ҳиротда Инжил ариғи ёқасида "Ихлосия" мадрасасини, унинг рўпарасида "Дорушшифо" шифохонасини, "Дорул Ҳуффоз"ни, "Масжиди жомеъ" масжидини халқ учун қурдирганлиги маълум.

Маълумотларга қараганда, "Халосия" хонақосида ҳар куни "Қуръон" тиловат қилинади, фақир ва бечораларга таом, ҳамда кийим-кечаклар тарқатар эди.

Халойиққа кўрма, қилиб бенаво,
Ўзингга раво кўрмаганни раво.

Ҳазрат Алишер Навоий доимо раиятни ўйловчи давлат арбоби бўлган. Ҳар бир инсон ўзига раво кўрмаган ишни бошқага ҳам раво кўрмаса, бу халқ ҳар доим тинч-фароғатда умр гузаронлик қилишини ўз адабий жавоҳирларига сингдириб қолдирган.

АЛИШЕР НАВОИЙ ШЕЪРЛАРИ МЕЪМОРИЙ ЭПИГРАФИКА СИФАТИДА
(Аълохон Махдум жоме масжидидаги битиклар мисолида)

Салимахон Файзиева
ТошДШИ ШҚМ

Ўтган 500 йилдан ортиқ давр мобайнида шеър мулкининг султони – ҳазрат Алишер Навоий асарлари ардоқланиб, тадқиқ этилмоқда. Кўплаб асарлари бир неча тилларга таржима қилиниб севиб ўқилди, ёд олинди. Муайян мисралари афоризмларга, аксарият шеърлари қўшиққа айланиб, халқ тилига кўчди. Шунингдек, улар турли хил ва шаклдаги эпиграфикада, жумладан, меъморий ёдгорликдаги битикларда ҳам ўз аксини топди. Хусусан, Наманган вилояти Косонсой шаҳридаги Аълохон Махдум жоме масжидидаги битикларда уларнинг намуналарини кўриш мумкин.

Косонсой шаҳри марказидаги Аълохон Махдум жоме масжиди, тахминан, XVIII асрда бунёд этилган (Жоме кўчаси, 53). Қурилишни наманганлик «Соқов ҳожи» лақаблик уста меъмор Сиддиқ бошқарган. Масжид косонсойлик маҳаллий бой Саййид Аъламбой маблағига қурилган ва Боний исми билан номланган. Бизгача дастлабки бинолардан фақат жоме хонақоси ва кириш дарвозахонаси сақланиб қолган. Мустақиллик даврида, аниқроғи, 1992–1996 йилларда дарвозахона ва хонақоҳга тақаб уларни ўзаро боғлаб турувчи янги дарвозахона ҳамда олди айвон, икки қаватли, гумбазли улкан масжид қурилган. Ҳозирги кунда масжид ҳовлисининг ғарбида қадимги хонақоҳ, шимолида янги хонақоҳ, жанубида эса икки қаватли намозхона жойлашган.

Ёдгорликда қадимги ёзувлар сақланмаган. Таъмир ва реконструкция жараёнида ўймакор дарвозалардан бошлаб, айвон ва хонақоҳ устунлари, шифт ва деворларида, асосан, Қуръон оятлари, Муҳаммад пайғамбар ҳадислари, “ал-Асма ал-ҳусна” (“Гўзал исмлар»)дан олинган Аллоҳ сифатларини билдирувчи исмлар қайд этилган. Бундан ташқари, Абу Исҳоқ Исмоил ибн Қосим ал-Айний (747–826), Бобо Аслий Дамовандий (XI), Шарафиддин Саноий (XVII–XVIII) ва Саъдий Шерозий (XIII) қаламига мансуб шеърлар келтирилган. Мазкур матнлар араб ва форс тилларида, насх, настаълиқ, сулс, сулси-мушаккал, туғро, куфий каби хат турларида ёзилган[1]. Шунингдек, битикларда Алишер Навоийнинг (1441–1501) туркий тилдаги шеърларидан бир нечта намуна ҳам келтирилган. Хусусан, янги ҳонақоҳ шимолий деворининг ғарби-шарқий йўналишида жойлашган 2 та лавҳага Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”дан олинган бир фарди ҳамда “Арбаъин” асарларидан олинган байтлари настаълиқ хатида ёзиб жойлаштирилган [2].

Бу гулшан ичра чу йўқ бақо гулига сабот,
Ажаб саодат эрур, қолса яхшилиқ била от[3]*...*
Халойиқға кўрма, қилиб бенаво,
Ўзунгга раво кўрмаганни раво[4]*.*

Ҳонақоҳ жанубий деворининг ғарби-шарқий йўналишида жойлашган меҳробий шаклдаги 2 та лавҳадан эса “Хамса” достони ҳамда бир ғазалидан олинган байтлари ўрин олган[5].

1 Файзиева С. Турдиалиев А. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Наманган. Тошкент, 2016. Б.227-298.
2 Файзиева С. Турдиалиев А. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Наманган. Тошкент, 2016. Б.285.
3 Алишер Навоий. Афоризмлар / Тузувчи Ю. Эшонқулов. Тошкент, 1961. Б.6.
4 Алишер Навоий. Афоризмлар / Тузувчи Ю. Эшонқулов. Тошкент, 1961. Б.29.
5 Файзиева С. Турдиалиев А. Ўзбекистон обидаларидаги битиклар. Наманган. Тошкент, 2016. Б.285, 291.

Агар эл қилмади ҳимоят сенга,
Ўзингдин керакдур шикоят сенга[1]*...*
Олам аҳли, билингизким, иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлунг бир-бирингизгаки, эрур ёрлиғ иш[2]*.*

Мисоллардан кўриниб турганидек, бу мисралар мазмуни тарбиявий аҳамият касб этиб, кўплаб Қуръон оятлари ва ҳадислардаги мазмун билан ҳамоҳангдир.

Бу эса, Навоий шеърларининг намуналари китоблардан эпиграфик ёдгорликларга ҳам кўчиб ўтганини, функцияси ва таъсир доирасининг янада кенгайганини кўрсатади. Шунингдек, турли шаклдаги маънавий ёдгорликларимизнинг миллий, маданий қадрият ўлароқ бир-бирини тўлдиришини ҳам ифодалайди.

ЭДИЦИОН ТАДҚИҚ ВА НАВОИЙ ИЖОДИЁТИ

Гулноз ХАЛЛИЕВА
(ЎзДЖТУ)

Эдицион (лот.*editio*–нашр) тадқиқ – мумтоз манбаларни илмий-текстологик тайёргарлик асосида нашр қилиш методикаси ва техникаси демакдир [6; 85-б.]. Эдицион фаолият таҳрир, таҳлил, талқин, таржима, қиёс, баҳо каби жараёнларни ўз ичига олади. Рус илмида эдицион назария классик асарларни оммалаштириш ва муаллиф ижодий биографияси билан таништириш эҳтиёжи туфайли XVIII аср охирида шаклланган.

Бу тадқиқ усулининг муҳим шарти асар нашрини оригинал тарзда, сўзбоши, библиографик кўрсаткич ва изоҳлар билан юзага чиқаришдан иборат. Шундан кейингина манба тўла маънода ўрганилиши мумкин. Бунинг учун манба нашрини амалга ошираётган адабиётшунос матншуносликдан хабари бўлиши ва аксинча, матншунос адабиётшуносликнинг специфик хусусиятларини билиши керак.

Россияда эдицион тадқиқ асослари XIX аср охири – XX аср бошларидаёқ махсус ўқитилган. В.В.Бартольд, А.Н.Самойлович, А.Фалев, Е.Э.Бертельс, И.Ю.Крачковский, В.Волин каби рус туркологлари бу фандан бўладиган имтиҳонга пухта тайёргарлик кўрганлар. Матн тилини майда деталларигача билиш синовда энг муҳим кўрсаткич ҳисобланган.

Е.Э.Бертельс қўлёзмаларни ўрганишнинг, илмий-танқидий матн тайёрлашнинг методологик асосларини, туркологик-адабий тадқиқот-ларнинг специфик хусусиятларини ишлаб чиқди [2]. Бу борада жуда кўп изланишлар олиб борган олим филолог ҳам тарихчи, ҳам адабиётшунос, ҳам тилшунос бўлиши кераклиги, акс ҳолда унинг изланишлари омадсизликка учрашини таъкидлайди ҳамда манбанинг тарихий қимматини кўрсатишда нашрнинг роли муҳимлигини қайд этади [1; 242-б.].

Е.Э.Бертельс ўз изланишларини фақат бирламчи қўлёзма манбаларга таянган ҳолда олиб борди. Олим асарнинг ишончли илмий-танқидий матнини нашр қилишда эътиборни кўпроқ қўлёзманинг энг қадимий нусхаларига қаратишни тавсия қилади, кейинги нусхалар котибларнинг янглиш тушунчалари ва ўзгаришларидан бошқа нарса эмаслигини таъкидлайди [1; 239-б.]. Жумладан, “Садди Искандарий” асарини жаҳон адабиёти контекстида тадқиқ қилиш баробарида асарнинг бадиий хусусиятларини ҳам таҳлил этишни режалаштиради, аммо асарнинг илмий-танқидий матни – таянч асос нашр қилинмагунча, бу тадқиқни талаб даражасида амалга ошириб бўлмаслигини қайд қилади.

Е.Э.Бертельс олимларнинг илмий ишларига тақриз ёзганда ҳам холислик позициясини танлайди: нотўғри ўқиш, хато талқин, қўлёзма манбаларга таянмай иш олиб боришни, **ассерторик (**ман-

1 Алишер Навоий. Афоризмлар / Тузувчи Ю. Эшонқулов. Тошкент, 1961. Б. 3.
2 Алишер Навоий. Афоризмлар / Тузувчи Ю. Эшонқулов. Тошкент, 1961. Б.18.

тиқий асосланмаган) мулоҳазалар айтишни жиддий танқид қилади. Олим Абдураҳмон Саъдийнинг Навоий ижоди бўйича тайёрланган докторлик диссертациясига ёзган тақризида йўл қўйилган камчиликларнинг сабабини **эдицион тадқиқ** усулидан бехабарлик билан боғлайди. Е.Э.Бертельснинг аниқлашича, диссертант айрим ўринларда илмий, мантиқий асосланмаган фикрларни ўртага ташлайди. Масалан, у Навоий дунёқарашининг шаклланишида халқ қўзғолонларининг роли катта бўлган деб ҳисоблайди (унда Навоий вазир эмас, «революционер» бўлиши керак эди). Профессор А.Саъдий Навоийни ўзбек тили ёки эски ўзбек тили ҳақида «гапиртиради», XV аср «цензурали режими» ҳақида ёзади. «Ваҳоланки, – деб ёзади Е.Э.Бертельс,– шоир яшаган даврда бу атамаларнинг ўзи бўлмаган»[3; 455,458-б.]

Олим «Хамса» асосий образлари характеристикасини берганда диссертант бироз адашганини, яъни Фарҳод халқ учун курашчи, Мажнунда ижтимоийликдан кўра, психологизм кучли, Дилоромни халқ қизи деб эътироф этганини ёзади. Е.Э.Бертельснинг фикрича, бу билан тадқиқотчи ўринсиз «модернизацияга» йўл қўяди, асарга умуман алоқаси бўлмаган «янгиликлар»ни олиб киради. Бошқача айтганда, Навоий қаҳрамонлари замона майлига мосланади. А.Саъдий тадқиқотидаги «Навоий ижодининг ўзбек ва татар адабиёти тараққиётига таъсири» номли фаслни Е.Э.Бертельс ишнинг энг муваффақиятли қисми деб ҳисоблайди. Унинг фикрича, айнан шу фаслда муаллифнинг кўп йиллик тажрибаси, илмий салоҳияти намоён бўлган [3; 459-б.]

Шуни айтиш жоизки, Е.Э.Бертельсдан анча олдин жадид мунаққиди **Вадуд Маҳмуд** ҳам А.Саъдий илмий салоҳиётига муносабат билдирган[5]. Илмда таъкидланишича, «...20-йиллар адабий жараёнида, анча-мунча мақолалари билан танилиб қолган А.Саъдий баҳс пайтида *(В.Маҳмуд билан –Х.Г.*) ўзининг классик шеъриятни яхши таҳлил қила олмаслигини, форсча ва арабча сўзларга яхши тушунмаслигини, айниқса, Навоий шахси ва ижодини баҳолашда бехосдан ноўрин иборалар қўллаб,"саводи"ни билдириб қўяди»[4; 66-б.]

Демак, филолог нафақат тил ёки адабиёт, балки тарихни ҳам яхши билиши керак; адабиётшуносдан яхши матншунос бўлиш ҳам талаб этилади. Илмда тўғри таъкидлаганидек, қадим ва бой адабиётимиз обидаларини ўз эгаларига бешикаст ва бегард етказиш завқли ва шарафли бўлиши билан бирга ғоят қийин ва масъулиятли вазифадир [7; 268-б.]

АДАБИЁТЛАР

1. Бертельс Е.Э. Вопросы методики подготовки критический изданий классических памятников литератур литературы народов Ближнего и среднего Востока // Избранные труды. Т.5. −М.:Изд. вос. лит., 1965.

2. Бертельс Е.Э. К вопросу о филологической основе изучения восточных памятников // Советское востоковедение, 1965. −№3. −С.11−18.

3. Бертельс Е.Э Отзыв на диссертацию проф. А.Г.Саади «Творчество Навои как высший этап в развитии узбекской классической литературы // Избранные труды Наваи и Джами. –М:Наука.1965. –С.453–459.

4.Каримов Б Жадид мунаққиди Вадуд Маҳмуд.–Тошкент: Университет, 2000.

5. Маҳмуд В.А. Саъдийнинг саводи // Зарафшон ,1924, 11-июнь

3.Самойлович А.Н. Записки Бабура (рец.на перевод. И.Полякова) // ЗВОРАО. −СПБ.,1907. Т.XVII. Вып 1. –С.074–083.

6. Эдиционная практика и проблемы текстологии. Сборник (ред.Журав-лева Т.Ю.) −М.:РГГУ, 2006.

7. Қосимов Б.Уйғонган миллат маърифати .–Т.: Маънавият,2011.

ФЕРУЗ ИЖОДИДА АЛИШЕР НАВОИЙ СИЙМОСИ

Ж.И.Холмурадова
(Тошкент архитектура-қурилиш институти)

Алишер Навоий ижоди, хусусан, унинг «маъно хазинаси»дан баҳраманд бўлган, унга издошлик қилган шоирлар адабиётимиз тарихида саноқсиздир. Навоий лирикасининг ўзидан кейинги шоирларга таъсири, даставвал, уларнинг фалсафий, эстетик қарашларида намоён бўлади. Бу ҳолат Хоразм тупроғида яшаб ижод этган айрим шоирлар, жумладан, Мунис, Комил Хоразмий, Аваз Ўтар, Равнақ, Мажлисий, Нишотий, Табибий, Мутриб каби ўнлаб шоир мисолида ҳам кўриш мумкин.

Навоий ижодини оммалаштиришда ва ўз даври адабиёти тараққиётини таъминлашда Муҳаммад Раҳимхон Соний (адабий тахаллуси Феруз)нинг ролини алоҳида таъкидламоқ жоиздир.

Феруз ўзбек адабиёти тарихида ҳам шоирлик тақдирига сазовор бўлган буюк сиймодир. Муҳаммад Раҳимхон II Хива тахтида 46 йил ҳукмронлик қилди. Шу йиллар давомида у Хоразмда илм ва фан, маданият ва адабиётнинг юксалишига самарали таъсир кўрсатди.

Феруз 1879 йил Эрондан тошбосма матбаа сотиб олиб келтирди. Унинг биринчи маҳсули Алишер Навоийнинг “Хамса”си бўлди. Бу ҳол Ферузнинг улуғ Навоийга бўлган чуқур ҳурмати белгисидир. Шу билан бирга, Навоий асарларини оммалаштиришда Феруз ташаббусининг роли катта бўлди.

Феруз Навоийнинг кўпроқ ишқий лирикасининг мухлиси ва издошидир. Феруз ғазаллари мазмундорлиги, нозик ҳиссиётларга бойлиги, самимийлиги, равонлиги билан қалбларни жунбушга келтиради. Уларда ошиқнинг нозик кечинмалари, хилма-хил кайфиятлари: ҳижрон ғами, висол гашти, маъшуқа жабру-ситамларидан ошуфталик, унинг ҳусну-малоҳати, нозу қарашларидан озурдалик ва бошқалар навоиёна санъаткорлик билан ифода этилган. У маъшуқани Лайли ва Ширинга қиёс қилса, ўзини ишқ даштида Мажнунга ва Фарҳодга қиёс қилади:

Феруз ғазалларида *шоҳ* ва *гадо* мавзуи Навоийдагидек ижтимоий мазмун касб этмаса-да, у бир шахс – лирик қаҳрамон тимсолида ҳам *шоҳ*, ҳам *гадо* тушунчасини уйғунлаштиради:

Агарчи бахти Феруз ила даврон шохиман лекин,
Санинг, эй ҳуси амири, бандаи беэътиборингман.

Феруз ғазаллари нафис ва равон, бадеъ санъатлари ранг-баранг ва пурмаъно, буларнинг ҳаммаси Ферузнинг юксак истеъдод эгаси эканлиги ва Навоий лирикасидан баҳраманд бўлганлиги самарасидир.

Ферузнинг анчагина ғазаллари Навоий ғазалларига татаббуъ этилган. Уларнинг улуғ шоир ғазаллари билан мазмунан ва шаклан ўхшашлигидан қатъи назар Феруз поэтик мушоҳадасининг ўзига хослигини кўрамиз. Масалан, Навоий *Икки гул био кеча кулбамни гулистон айлабон, Олдилар жонимни бедод, улча имкон айлабон,* деб ёзса, Феруз *Икки маҳваш бу кеча базмим аро тутди маком, Бириси меҳри дурахшон, биридир моҳи тобон* деб жавоб ёзади.

Навоий гўзалларнинг ҳар бирига бир байт бағишлайди. Феруз ҳар иккала гўзални бир байтнинг ўзида таъриф ва тавсиф этади. Навоий ғазалида *гўзалларнинг ҳусни жамоли ошиқ аҳлини турли ҳолатларга солгани* шарҳ этилса, Феруз ғазалидан *гўзаллар ўзининг хатти-ҳаракатлари билан ошиқ қалбини изтиробга солади*.

Навоий ғазалида сокинлик, Феруз ғазалида ҳаракат устунроқ. Ҳар иккала шеърда ҳам гўзалликдан завқланиш ҳисси юксак саъаткорлик билан ифода этилган.

Навоий учун бу висол оқшоми уйқудаги бир туш бўлса, Феруз реал дунё ёр васлидан баҳраманд бўлиши билан бахтиёр. Навоий ишқни илоҳийлаштирган: *субҳи маҳшар* (қиёмат тонги) да ҳақиқий *ёр васлига*(худо) етганга қадар висол уйқусидан уйғонганига пушаймон ейди, фарёд чекади. Феруз

эса, реал ишқни куйлаган, шу асосоий масалада устоз ва шогирднинг фикри икки ёқдан чиққан. Феруз ғазалларида классик поэзияда қўлланилган бадеъ санъатларнинг ташбеҳ, ташхис ва ҳусни таълил, тазод, ийҳом каби ўнлаб намуналарини усталик билан ишлатилганини кўрамиз.

Навоий асарларида кучли эҳтирос ва юксак маҳорат билан ифода этилган ишқ – инсонга, борликқа, Илоҳга ва уларда намоён этилган гўзалликка муҳаббат унинг издошлари, хусусан, Феруз лирикасининг ҳам бош мавзуси ҳисобланади.

О ЗВУКОРИТМИЧЕСКИХ КОНЦЕПТАХ В ЭПИЧЕСКИХ ДАСТАНАХ АЛИШЕРА НАВОИ

З.С. Шукурова
(СамГИИЯ)

Общеизвестно, что поэтический текст надстраивается над своим графическим закреплением, заявляя о себе как о носителе художественного смысла – ритмом, паузами, темпом, интонацией, звуковой огласовкой произносимого, особым поэтическим временем, которое необходимо для образного воссоздания событий, чувств и переживаний. По П.А.Рудневу, поэтический текст –это "специфически окрашенная речевая система, представляющая собой тесное единство метрико –ритмических, интонационно –синтаксических и звуковых начал, из которых определяющим структурным качеством стиха является ритм. Одновременно стих –это первоэлемент содержательной формы поэтического произведения.

С.В.Шервинский, анализируя долготу звучания и чередования ударных и безударных слогов в русском языке ввел понятие временных компенсаций, которое принято им за основу построения не только ритмического, но и временного протяжения стихового порядка.

Согласно Н.К.Гею, этот вывод исследователя имеет глубоко принципиальное значение: "Он обращает нас к стихотворному словесному материалу как временному бытию структуры, "внутреннее" время которой взято в качестве его конструктивного и содержательного момента".

Н.Д.Арутюнова, говоря о факторе времени, имеющего кардинальное значение как для структуры языка, так и для прагматики речи, определяет следующие его свойства: "1.Два свойства времени –линейность (невозможность ветвления, одномерность) и однонаправленность (необратимость) движения составляют основные характеристики речи, ...формируя синтагматические и парадигматические отношения; 2. Такие свойства, как непрерывность и равномерность, выполняющие прагматические функции, характеризуют речь со стороны ее темпа, наличия пауз, ритма и т.п., придавая речи большую или меньшую выразительность и эстетическую значимость".

Защищаемый нами тезис концептуального подхода к анализу поэтического текста (включая "звукоритмических концептов"), как предпереводческому этапу анализа поэтического контекста, яляется важным при изучении переводных текстов. Отмечаем, что метрическая система восточного стихосложения (аруз), основанная на определенном чередовании долгих и кратких слогов создает "выразительность и эстетическую значимость", где "внутреннее время" выступает как главный стимулятор хода мысли поэта. Возможности классического восточного размера аруз позволяют Навои интерпретировать традиционные сюжеты в другом русле, исходя из социально – политических и культурных условий жизни нового времени, нового мировоззрения представителя XVвека, новых знаний. Эпические дастаны поэта написаны в разных формах аруза, отличающиеся "плавностью ритма, эмоциональностю, как мелодии шашмаком".

Художественное сочетание ритма и содержания в "Пятерице" всесторонне изучается Д.Юсуповой. В частности, она пытается объяснить наряду с квантитативностью и характер

квалитативности метрической системы восточного стихосложения (аруз), основываясь на расположение ритмического ударения в стопе.

Так, “Смятение праведных” написан в размере аруза, носящий название “сари” и имеющий схему: (– V V – / – V V – / – V –).

По утверждению А.Рустамова, “из-за подходящей тональности к нравоучениям, первые дастаны “Пятерицы” написаны этим размером”.

“Лейли и Меджнун” написан такой формой размера “хазадж”, которая ритмически сопровождает изображение душевного состояния, эмоциональных чувств героев, парадигма которого: (– – V V /– V – V / – –).

Нужно отметить, что в данном размере два кратких слога первой стопы могут быть заменены одним долгим, и поэтому ритмические его возможности чрезвычайно богаты.

“Фархад и Ширин” –другой формой “хазадж”, предназначенной для поэм героико – романтического характера, обладающей более неторопливый, спокойный тон, по схеме: (V – – –/ V – – – / V – –).

Как указывают теоретики аруза, “хазадж” отличается “мелодичностью, певучестью”, что и определяет главную идею и тематику данных дастанов. “Семь планет” написан так называемом “хафиф”, легким и изъящным метром, отличащийся быстротой темпа, ритмическая схема которого: (– V – / – V – V / – V V –).

“Стена Искандара” –в размере “мутакариб”, возвышенный тон которого предназначен для героических сказаний: (V – – / V – – / V – – / V –). “Язык птиц” –в размере “рамал”, означающий “покачивание верблюда” по схеме: (– V / – V / – V –).

Таким образом, жанровая структура месневи позволяет применения различных размеров аруза, где на наш взгляд, “внутреннее” время выступает как конструктивно –содержательное и идейное целое”.

А.Н.Дармодехина отмечает, что “ключ” к полноценному поэтическому переводу в интерпретации стихотворной системы произведения наряду с семантической и металингвистическими видами интерпретации”[9:34] Ж.Н.Маслова особо выделяет в репрезентации концептуального содержания в поэтическом тексте звукоритмические концепты. В частности, она отмечает, что “звукоритмический концепт закрепляет знание о звуках, о связи звуков с эмоциональным фоном”. И относит к ним следующие фонетические явления: ассонанс, консонанс, метафорические и метонимические переносы, повтор и др., репрезентация которых тесно связано с концептуальной областью жанр и ритм.

Таким образом, можно утвердить, что оформление звукоритмического концепта зависит от темпа поэтической речи, пауз, ритма. Учитывая особенности восточного стихосложения, можно также выделить рифму, редиф, равий, таджнис, ийхом и др. как звукоритмические концепты.

“НАСОЙИМ УЛ-МУҲАББАТ”ДА МАЪРИФАТЛИ АЁЛЛАР ТАЛҚИНИ

Ирода ЭРНАЗАРОВА
(СамДУ)

Тасаввуф – ислом дини негизида пайдо бўлган, бир қанча илм босқичларида инсонни комилликка етказувчи таълимотдир. Тасаввуфда инсон камолоти босқичлари шариат, тариқат, маърифат ва ҳақиқат ҳисобланиб, ҳар бирига маълум илмларни эгаллаш орқали эришилади.

Тасаввуф илми эгалари орасида аёллар ҳам бор бўлиб, уларни орифа аёллар деб атаймиз. Ҳазрат Навоийнинг машойих ва мутасаввуфлар ҳақида маълумот берувчи тазкираси “Насойим ул-муҳаб-

бат” да тасаввуф илмини эгаллаган ўттиз бешта маърифатли аёллар номи алоҳида эҳтиром билан зикр этилган.

Алишер Навоий бу тоифа ҳақидаги бўлимни “Эркаклар мартабасига етган ориф аёллар зикри “ деб номлаган. Зикрларнинг бошланиш қисмида Навоий шундай келтиради: “Агар аёллар биз айтгандек бўлсалар, эркаклардан афзалдурлар. Қуёшнинг муаннас исм эканлиги унга айб эмас, ойнинг музаккар исм эканлиги унга фахр эмас”.

Навоий зикр этган аёллар Басра (Робия Адавия, Марям Басрия, Райҳонайи Волиҳа, Уфайрайи Обида, Курдия), Байт ул-муқаддас (Лубобат ул- мутаъаббида), Ажам (Шаъвона), Шом (Ҳакимайи Димишқия), Куфа (Умми Ҳассон), Хуросон (Фотимайи Нисобурия), Ардабил (Фотимаи Бадрийя), Марв (Бибияки Марвия), Миср (Имраътун Мисрия, Имраътун Мисрияйи Ухро) ва Хоразм (Имраътун Хоразмия) ҳудудларида яшаган. Кўпчилигининг яшаган жойи ҳақида маълумот берилмаган.

Бу қисмда биринчи бўлиб, машҳур орифа аёл Робия Адавия (714- 801) ҳақида ҳикоят келтирилади. Робия Адавия ҳақида жуда кўп манбаларда маълумотлар бор. Жумладан, “Фаридиддун Атторнинг “Тазкират ул-авлиё”сида, Навоийнинг “Ҳайрат ул-аброр” достонида ҳам у билан боғлиқ ҳикоятлар учрайди. Яна у ҳақида шундай маълумотлар келтирилади: “Робия Адавия Аллоҳга муҳаббат ғоясини илгари сурди. Унингча, жаннат орзуси ва дўзах азобидан қўрқув нажот воситаси бўла олмайди. Инсон Аллоҳни шундай севиши керакки, унинг ишқи бу дунё ҳой-у ҳавасларини куйдириб юбориши керак. У Аллоҳни фақат Аллоҳ бўлгани учун севиш, ўз борлиғини Аллоҳнинг борлиғида сингдириш ва Аллоҳ жамолига эришиш ғояларини илгари сурди. Робия Адавия тасаввуф тарихига “илоҳий ишқ” тушунчасини олиб кирган биринчи зоҳид дейилади”[1].

Робия Адавия тасаввуфда фақат хос кишиларгагина бериладиган Яратганни таний олиш илмига эга аёллардан эди. Илоҳий муҳаббат ўзликдан воз кечиб, дунёвий орзу–ниятларни йўқотиш - маҳв этишни талаб қилади. Робия Адавия айтмоқчидай, дунё муҳаббатидан кўнгил узмасдан Илоҳ муҳаббатини қозониш мумкин эмас. Дунё муҳаббати ва Илоҳ муҳаббати бир-бирини инкор этадиган тушунчалардир.

Робия Адавия шариатни кезиб тариқат ва ҳатто маърифат зинасини эгаллаган сўфий аёл эди. У ҳол даражасининг охирги поғонасида Аллоҳга яқин туриб, уни ҳис этди, абадиятга эришди ва Яратганни кашф этди. Бу манзил эса Аллоҳ яратган ҳар хил жаннату дўзах ва еру осмондан устун эди ва шу боис орифа яратган жамолига муҳаббат боғлаб, уни қалби билан билди ва унинг юзига юзини қўйди.

Бу ҳолатда жаннат керак бўлмасди, зеро Робия ҳақиқий жаннатни Ҳақ висолидан топди. Бу ҳолат дўзах қўрқувини ҳам рад этарди. Шунинг учун унинг ваҳимаси ҳам бартараф бўлган эди ва у тўғридан- тўғри Аллоҳга юз ўгириб “сени севганим дўзахинг ваҳимасидан эмас, ваҳоланки, уни мен ҳеч нарсага арзитмайман, балки сенинг юзингга эришганим ва унда абадият топганимдадир” дейди.

Навоий зикр этган орифа аёлларнинг кўпчилиги ладуний илм соҳибалари ҳамдир. Фикр исботини “Насойим ул-муҳаббат” да Зуннун (796-861) тилидан ҳикоят қилинган Жорияйи Савд ҳақидаги маълумотларда ҳам кўришимиз мумкин. Зуннун дедики, бир қора канизакка болалар тош отардилар. Бу зиндиқа, яъни диндан қайтган, худосиз. Чунки у “Тангрини кўрарман” деди.

Мен унинг орқасидан бордим. Мени “Эй, Зуннун!” деб чорлади. “Сен мени қайдан танидинг?” деб сўрадим. Шунда у: “Анинг (Аллоҳнинг) дўстларининг жонлари анинг сипоҳидур ва бир-бирига ошнодурлар”, - деб жавоб беради. Зуннун болаларнинг гапи тўғрими? деганида эса: “Уларнинг гапи чин. Мен Аллоҳни танидим ва бундан ҳеч уялмайдурман” деб жавоб қайтаради.

Ҳикоят мазмунидан кўриниб турибдики, Зуннунни ҳеч кўрмаган кишининг унинг исмини айтиб, таниб олиши бу – фақат илми ладуний соҳибасигагина хос хусусият.

1 Сирожиддинов Ш. Манба ва матн мушоҳадани талаб қилади // Шарқ юлдузи, 2011, 2-сон, 131-бет.

“Насойим ул-муҳаббат”да номи зикр этилган Аҳмад б. Абулҳаворийнинг завжаси Робияйи Шомия ҳам ладуний илми соҳибаси. У бир куни Аҳмад б. Абулҳаворийга бир тоғорани кўрсатиб: “Унда амир ул- мўминин Ҳорун ар-Рашиднинг вафот этгани ҳақида бир ёзув кўряпман” – дейди. Аҳмад б.Абулҳаворий суриштириб кўрсаки, айнан ўша куни Ҳорун ар- Рашид оламдан ўтибди.

Шу ўринда Абдулқодир Жилонийнинг “Сиррул асрор” китобида келтирган фикрларини эсга олиш жоиз: “Авлиёлар учун зоҳирий илм, балки қалбига ботиндин тушган илм лозим”. У яна ёзади : “Тасаввуф аҳли дерларки, валий пайғамбардин устундир. Сабаб улдурки, пайғамбарга Жаброил воситасида илм келади. Валийнинг илми воситасиз”[1].

Тасаввуф тарихида фақирона ҳаёт кечирган, башариятга ўрнак бўладиган фазилатга эга аёллар ҳақида , афсуски, маълумотлар кам учрайди. Шу жиҳатдан, Алишер Навоийнинг “Насойим ул-муҳаббат” тазкираси муҳим аҳамият касб этади. Тазкиранинг маърифатли аёлларга бағишланган қисмини батафсил ўрганиш нафақат тасаввуф илми соҳасига, балки бугунги жамият ривожига ҳам ўз ҳиссасини қўшади.

Тасаввуф олам, унинг яралиши ва йўқ бўлиши жараёнини ўрганадиган олий таълимот бўлиб, илоҳий, фалсафий ва дунёвий илмлар мажмуасидир. У инсоният тафаккур оламини тамаддунга чорлайди. Ўз-ўзини тарбиялай оладиган, ақл-идроки юксак, буюк фазилатлар эгасигина бу буюк таълимот моҳиятини англайди. Бундай илм эгалари сафида аёлларнинг борлиги эса Яратган ўз маърифат ва илмини хоҳлаган бандасига беришини исбот этади.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ПОРТРЕТ ЯРАТИШ МАҲОРАТИ

Гулнара Эшчанова
(Техника университети қошидаги
Чилонзор академик лицейи)

Алишер Навоийнинг асарлари гўзаллик категориясини ўзида мужассам этганлиги ва эҳтиросли фикрларга бойлиги билан китобхонни мафтун этади. Шоир асарларида ифодаланган гўзалликни нафосат фалсафаси сифатида қараш мумкин. Чунки унда бадиий ифодасини топган гўзалликда ушбу категориянинг барча кўринишлари мужассамлашган. Навоийнинг қайси асарини ўқимайлик, ундаги ҳар бир қаҳрамонда ҳақиқий гўзалликнинг жамланганлигини кўрамиз. Шоир ўз қаҳрамонларини шунчалик меҳр билан тасвирлайдики, ҳар қандай китобхон уларга ҳавас билан эргашади. Бунинг сабаби қаҳрамонлардаги ташқи гўзаллик, бевосита ботиний, қалб гўзаллиги билан ҳамоҳангликка эгалигидадир.

Шам, чашма, нур, дур, ниҳол, шамшод, ой, ҳуршед, зулф, хурмо, ниқоб деталлари асосида Лайлининг ҳуснигина эмас, балки чин инсоний фазилатлари ҳам тасвирланади. Қолаверса, Алишер Навоий бу образ чизгиларида фойдаланган тафсилотлар ва деталлар оқиллик билан танланган бўлиб, шоир эҳтиролари, руҳий олами ва туйғуларининг тафаккурга йўғрилган инъикоси сифатида намоён бўлади.

Адабиётшунос олим Сайди Умиров: “Бадиий асар организмининг таркибий қисмини, тўқималарини ташкил этган образ ва картиналар ўз навбатида, турли элементлардан, “ҳужайра”лардан таркиб топади. Деталь, тафсилотлар ана шундай “ҳужайра”лардан ҳисобланади. Демак, деталнинг энг асосий вазифаси ғояни ифодаловчи образ ва картиналар яратишда иштирок этишдир”, – дейди. Лайлининг портрети чизгиларида қўлланилган ҳар бир деталь шунчаки қўлланилмайди, балки бу деталлар қаҳрамонга нисбатан ижодкорнинг муҳаббати рамзининг ифодасидир. Навоий қаҳра-

1 Абдуқодир Жилоний. Сиррул асрор. Истанбул. 1996. 56-123- бетлар.

монлари таърифи учун танлаган деталлар гўзаллик ва эзгулик яратувчисига айланади. Қаҳрамондаги гўзаллик: ҳусн-латофат, назокат, ажойиб ҳулқ, андеша, маънавий-руҳий поклик, юрак тўла муҳаббат, туйғу ва фикрдаги уйғунликда намоён бўлади.

Бизга аёнки, Алишер Навоий ўз ижодида ҳарфий санъатдан ҳам қаҳрамонлари портретини яратишда ниҳоятда усталик билан фойдаланган. Хусусан, шоирнинг "жон" сўзи орқали маъшуқа портретини чизиб берган машҳур рубоийсини кўпчилик китобхонлар яхши билади. Аллома Лайли таърифида яна бир бор "жон" сўзи ҳарфлари орқали портрет яратади, аммо бундаги ҳарфий санъат бошқача тарзда намоён бўлади. Лабигина эмас, ундан чиқаётган сўзлари ҳам ширинди чунки унинг лабига жон заҳиралари йиғилган,уни ўпган киши ундан жон топади. Шу ўринда ижодкор онгининг яратувчилик фаолиятида юзага келган сифат ўзгаришлари туфайли янги топилма бўй кўрсатиб, китобхонни мафтун қиладиган тасаввурни яратади ва Лайлинин икки қизил лабини жонбахшлиги учун жонга қиёслайди, "жон" сўздаги "нун" ҳарфини маъшуқанинг бақбақасига менгзайди. Навоий Лайлини меҳр билан тасвирлаб, унинг тимсолида мукаммал гўзалликни кўради ва асар давомида ана шу гўзалликнинг турли қирраларини оча боради. Лайлида жамланган гўзаллик асар давомида янада мукаммаллашиб боради.

Олам аро чеҳрадин гул очиб,
Хай бирла гулоб ерга сочиб
Зоҳир қилиб ул гулу гулоби,
Ишқ ўтидин ўзга обу тоби...

Натижада бу гўзалликни қабул қилувчи ўқувчи қалбида унга нисбатан муҳаббат юзага келади. Бу муҳаббат фақатгина сезгиларда эмас, онг ва идрокда юз кўрсатганлиги туфайли Навоийнинг ундан уфуриб турган эҳтиросли, дардчан қалбининг ҳароратини ҳис қилиб, бадиий идроки чуқурлашиб, муаллиф билан бирга қаҳрамоннинг руҳияти, тақдири, воқеалар ва нарсаларнинг моҳияти ичига янада чуқурроқ кириб боради. Воқеалар ривожи жараёнида ҳам Навоий гўзаллик яратувчилик позициясидан чекинмайди, балки уни янада гўзаллроқ таърифлашга интилади. Натижада ҳеч кимнинг хаёлига келмаган ажойиб ўхшатишни *гул ва сарв* деталлари асосидаги ноанъанавий таърифни топади. Энди Лайлининг қадду-қомати ва юзи жамолини бир-бир тавсифлаб ўтирмай, бир йўла уни *сарв тепасида очилган гул ёки, гул кўтариб келаётган сарв дарахти* деб таърифлайди. Навоий гўзал тавсиф ва ҳис-туйғулар оқимини ақлий фаолият билан умумлаштириб,бетакрор ва мафтункор портрет яратади.

ОЛИЙ МАЖЛИС – ҲУСАЙН БОЙҚАРО САРОЙИДАГИ АДАБИЙ ЙИҒИН

Шерхон Қораев
(Талимаржон саноат ва сув хўжалиги касб-ҳунар коллежи)

Ҳусайн Бойқаро саройида доимий адабий йиғинлар фаолият кўрсатганлигини тарихий маълумотлар тасдиқлайди. "Алишер Навоий: қомусий луғат"нинг бош мақоласида навоийшунос олимлар Ш.Сирожиддинов ва А.Эркиновлар "Ҳусайн Бойқаро саройидаги шеърият кечалари Усмонлилар даврида Ҳусайн Бойқаро мажлислари номи билан тилга олинганлигини" таъкидлашади. Шунингдек Д.Салоҳийнинг "Бадоеъ ул-бидоя" малоҳати" ва "Навоийнинг шеърий услуби масалалари" асарларида юқорида зикр этилган шеърият кечалари ҳақида айрим фикр – мулоҳазаларни учратиш мумкин.

Алишер Навоий асарларида бундай мажлислар тўғрисида кўплаб маълумотлар мавжуд. Жумладан, “Муншаот” (42-мактуби)да, яъни Султон Ҳусайн Бойқарога йўллаган хатида ““Хазойин ул-маоний”ни подшоҳнинг муборак назаридан ўтказиш учун “Олий мажлис”га юборилганлиги ҳақида сўз боради. Албатта, бу ҳақда Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний” девони дебочасида тўхталиб, Ҳусайн Бойқаро ўз Олий мажлисида ўлтириши, Навоий йиғилган шеърларини таҳриру тағйир ва табдил қилиш учун ушбу мажлис ҳукмига ҳавола қилишини таъкидлайди. “Муншаот”даги мактублардан маълум бўладики, Навоий ўз асарларини тез-тез Олий Мажлис муҳокамасидан ўтказиб турган. “Муншаот”даги 94-мактубида ҳам Навоий шеърларини Олий мажлис мутолаасига юборганлиги тўғрисида маълумот мавжуд. Демак, бундан хулоса қилиш мумкинки, Олий мажлисга ўз шеърларини юбориш Навоий учун бир томондан шараф ҳисобланса, иккинчи томондан ўз замонасининг етук зиёлиларидан иборат мажлис аҳлининг фикр – мулоҳазалари унинг учун муҳим аҳамият касб этган.

Хўш, Алишер Навоий ўз асарларида тилга олган “Олий Мажлис” нима ўзи? Нима учун юксак иқтидор соҳиби бўлса-да, Алишер Навоий ушбу Олий Мажлисга ўз шеърларини “муҳокама қилиш учун” деб тақдим этади? Ушбу саволларга ойдинлик киритиш учун “Мажолис ун-нафоис”га мурожаат қиламиз. Алишер Навоий Султон Ҳусайн Бойқаро бошчилигидаги Олий Мажлисда бўлиб ўтган бир воқеа эслайди: Яъни Хусрав Деҳлавий ҳиндуча ашъорида маҳбуб баҳор айёмида бир жойга бораётган пайтида ер балчиқ бўлганлиги учун аёқи балчиқдин тойиб йиқилур чоғида ғоят нозуклигидин ёғин риштасин мадади била йиқилмай қолганлигини ифодалаганлигини Навоий Олий Мажлисда айтади. Ҳусайн Бойқаро бунга ўз эътирозини билдиради. Ёғин риштаси мадади билан йиқиладиган маҳбуб ўзини асрамоғи маҳолдир, дейди Ҳусайн Бойқаро. Албатта, Навоий тилга олган “Олий Мажлис”ларда ана шундай турли шеърлар таҳлил қилинган, баҳс-мунозаралар олиб борилган, адабий жараён ҳақида сўз юритилган. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асарида бундай мажлисларда Ҳусайн Бойқаро бошчилигида замон шоирлари,зиёлилари, зурафолари мудом наср ва назмдан сўз юритишгани, доимо шеър ва муаммодан баҳс – мунозаралар ёзиб борилганлиги айтилган. Алишер Навоий Олий мажлисда Султон Ҳусайн Бойқаро томонидан Амир Хусрав Деҳлавий қаламига мансуб тўрт девон китобат қилинишига қарор қилинганлигини ҳамда ўн саккиз минг мисрадан иборат ушбу девонлар китоб ҳолига келтирилганлигини баён этади. Ҳусайн Бойқаро бошчилигидаги Олий мажлис аҳли Хуросон ва дунё шоирлари ва улардаги ютуқ ва камчиликларини ҳам рўй – рост таҳлил қилганини ҳисобга олсак, Олий Мажлиснинг яна бир функцияси – адабий танқид кўз олдимизга келади.”Мажолус ун- нафоис”га ёзилган изоҳларда Суйма Ғаниева юқоридаги Деҳлавий шеъри билан боғлиқ лавҳа “Ҳусайн Бойқаро ҳузурида ўтадиган адабий анжуманлар (**Навоий “Олий мажлис” дейди**) ҳақида, уларда янги шеърлар, бадият масалалари муҳокама қилиниши ҳақида тасаввур яратиб беради” деб таъкидлайди.

Хондамирнинг “Хулосат ул – ахбор” асарида ҳам бундай мажлислар Олий мажлислар дея қайд қилинган. Алишер Навоий “Мажолис ун- нафоис”да Олий мажлисда рўй берган яна бир воқеани келтиради: Мавлоно Қобулий деган йигит Олий Мажлисда қатнашиш бахтига мушарраф бўлиб, мажлис раисининг подшоҳона таҳсин ва эҳсонига муяссар бўлган эди. Бир куни бир туркий ғазал ўқиб, Навоий қўлига тутқазади.Навоий эса мазкур байтни қайта ёзиб беради.Ушбу шеър эса Олий мажлисда ўқилади. Олий Мажлис раиси Ҳусайн Бойқаро Навоий шеърият услубини чуқур билганиданми, Қобулий ғазалидаги Навоий қаламига мансуб байтни “бу Навоийники” деб аниқ айта олган.

Мухтасар қилиб айтганда, Навоий ва унинг замондошлари асарларини ўрганиш давомида яна бир ҳақиқат ойдинлашадики, Хуросоннинг зиёли халқи борки, ушбу Олий мажлисларда иштирок этишни орзу қилишган. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр”да ушбу мажлислар тўғрисида Ҳусайн Бойқаро мадҳини қилар экан, “...мажлис шон – шуҳрати шунчалик беҳадки, аҳли хирад(оқиллар) ҳам кўзларини ердан узолмай турадилар, деб ёзади. Бизнингча, бундай йиғинларнинг Олий мажлис деб аталгани бежиз эмас. Биринчидан,бу йиғинлар Саройда – яъни Навоий ибораси билан айтганда, Олий даргоҳда бўлиб ўтган. Иккинчидан,бу йиғинларда Хуросон мамлакатининг интеллек-

туал салоҳиятли инсонлари бўлмиш олий зотлари, яъни ўз даврининг элитаси жамулжам бўлган. Учинчидан, бу мажлисларда ўз даврининг адабиёт соҳасидаги олий яъни муҳим масалалари кўриб чиқилган. Шу боис, Низомиддин Мир Алишер Навоий ва унинг замондошлари бундай йиғилишларни мажлисларнинг олийси деб аташган бўлса, не ажаб. Зотан, Алишер Навоий ва унинг замондошларининг асарлари шундай дейишга асос бўлади. Аммо ушбу мавзу ҳозиргача етарли даражада ўрганилмаганлигини, Ҳусайн Бойқаро олий мажлисларини атрофлича тадқиқ этиш зарурат эканлигини таъкидлашни истардик.

АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ “ЛИСОН УТ-ТАЙР” АСАРИ НАСРИЙ БАЁНИНИНГ ИНГЛИЗЧА ТАРЖИМАСИГА ДОИР

Носир Қамбаров
(ЎзДЖТУ)

“Лисон ут-тайр” достони Алишер Навоий умрининг сўнгги йилларида, даҳо ижодкор бадиий тафаккури ва шахсияти камолга етган бир паллада, шоир маънавий-маърифий фаолиятига адабий хулоса сифатида дунёга келган. «Лисон ут-тайр» В.Зоҳидов, Ойбек, Е.Э Бертельс, И.Султон, А.Қаюмов, А.Ҳайитметов, Н.Маллаев, С.Ғаниева, А.Абдуғафуров, Ё.Исҳоқов сингари йирик навоийшунослар томонидан муайян илмий масалалар юзасидан тадқиқ этилган. Асар қатор шарқ ва европа тилларига таржима қилинган. Ш.Эшонхўжаев достоннинг танқидий матнини, Ш.Шарипов “Лисон ут-тайр” насрий баёнини ишлаб чиққан. Е.Э.Бертельснинг “Навоий ва Аттор” тадқиқоти достоннинг Шарқ классик достончилигида тутган ўрни ва аҳамиятини, манбавий асослари ва биографиясини қиёсий талқин этиши билан диққатга сазавор. Академик А.Қаюмовнинг асарлари иккинчи жилдидан ушбу достоннинг структур-қиёсий тадқиқи ўрин олган. Навоийшунос олим асарнинг барча боблари ва ҳикоятларини бадиият, мантиқ ва сўфийлик назарияси контекстида талқин этган ва унда навоийшунослик, хусусан, “Лисон ут-тайр” тадқиқига доир муҳим муаммоларни ўртага ташлайди.[1] А.Н.Малехова “Алишер Навоийнинг “Лисон ут-тайр” достони: композиция ва образлар поэтикаси” мавзуида номзодлик диссертациясини ҳимоя қилган. Ш. Шарипов эса 1982 йили “Лисон ут-тайр” достонининг генезиси ва ғоявий-бадиий хусусиятлари”га доир монография ёзган. Филология фанлари номзоди С.Олимовнинг достон хусусида ёзган мақола ва рисолалари бизга маълум.

Навоийнинг бу асари бошқа тиллар қатори инглиз тилига ҳам таржима қилинган. “Тафаккур” нашриётида 2011 йилда “Лисон ут-тайр”нинг испан, француз, немис ҳамда поляк тилидаги таржималари асосида антология чоп этилган.

Агар биз “Лисон ут-тайр” асари насрий баёнининг таржимаси тарихи ҳақида фикр юритадиган бўлсак, қуйидагиларни қайд қилиб ўтиш жоиз деб ҳисоблайман.

Асарнинг насрий баёнини инглиз тилига ўгиришга 2002 йилда қўл урилди. Дастлаб таржимадан шу асар асосида мультфильмни суратга олиш назарда тутилган эди. Кейинчалик бу фикрга яна янги бир фикр қўшилди. Таржимани нафақат мультфильм сценарийсини ёзиш, балки Навоий асарларини аслиятдан инглиз тилига таржима қилишни истаганларга уни шеърга туширишда енгиллик яратиш мақсади ҳам қўйилган эди.

“Лисон ут-тайр” асари насрий баёнини таржима қилиш учун олти ой вақт керак бўлди. Таҳрир ишлари эса ярим йил чамаси вақтни олди. Камина асарни таржима қилиб Навоийдек буюк сиймонинг ҳаёти ва ижоди билан қизиқадиган, Нваоий асарларини ўқишни ўзига ният қилган канадалик

1 “Лисон-ут тайр” асари ҳақидаги фикрлар “Лисон ут-тайр”да хронотоп шакллари (Замон ва макон масаласи) илмий мақоласидан олинди.

Гарри Дик билан телефонлашиб, таржимани таҳрир қилишга келишиб олинди. Сезганингиздек, таржимага 3 ой, таҳрирга эса 6 ой вақт сарфланди. Таҳрир ишлари бобма-боб амалга оширилди. Таҳрир қилиш жараёни давомида асар мазмунини тўлиқроқ тушуниш учун Гарри Дик навоийшуносларга олдига бориб маслаҳатлар олди. Сўфизмга оид адабиётлар, ўзбек ва инглиз тилларининг бир тилли (изоҳли) ва икки тилли (таржима) луғатларидан ҳамда интернет манбаларидан фойдаланилди. Таржима ва таҳрир жараёнлари ўзбекча хос ва архаик сўзлар, диний терминлар устида кўп ишлашни талаб этди. Асар матнида қўлланилган ўзбек тилига хос бўлган лексик ва фразеологик бирликларнинг имкони борича услуб ва ўша замон талабига жавоб берадиган сержилва ва ўта маънодор эквивалентлари билан берилишига алоҳида эътибор қаратилди.

Таржимада сўз танлаш энг қийин масала ҳисобланади, чунки аслиятдаги сўз ҳажми билан таржимадаги сўзнинг ахборот ҳажми аксарият ҳолларда бир-бирига мос келмайди. Иккинчи томондан услуб ҳамда учинчи томондан эса насрий услубда қўлланган тарихий, диний ва суфизмга оид терминларни сақлаш масаласи кўндаланг туради. Буни ҳал этишда юқорида зикр этиб ўтилгандай турли манбалардан фойдаланилди.

Шу ерда бир фикрга аниқлик киритиб кетишни жоиз деб ҳисоблайман. Ўзбекистонда баъзилар ўзбекча шеърларни инглиз тилига фақат инглизлар таржима қилиши лозим деган фикрни илгари суришади. Бу борада менинг ўз фикрим бор. Шуни таъкидлаш лозимки, инглиз тилига инглизлар таржима қилиши лозимлиги бир қарашда жуда тўғри бўлиб кўриниши мумкин. Мен бу фикрга қисман қаршиман, чунки Навоийни инглиз тилига таржима қилганда ўзбек ва инглиз тилларини билган битта таржимон мутахассис албатта керак бўлади, чунки аслиятнинг мазмунини фақат шу тил соҳиби билади. Инглиз эса шу фикрни она тилидан қандай берилса тушунарли бўлиш йўлларини билади. Бундан шунақа қисқа хулоса қилиш мумкин. Ўзбек тилидаги асрларни инглиз тилини биладиган таржимон мутахассислар она тилиси инглиз бўлган мутахассислар билан бирга ҳамкорликда қилган таржиманинг сифатида кутилганидан аъло бўлишини таъминлайди. Таржимонлар тили билан айтганда, асарнинг адекватлигига эришилади.

Шу пайтгача ҳам Навоий асарлари, яъни унинг ғазаллари, рубоийлар ва бошқа турдаги шеърий асарлари хорижий тилларга воситачи тил – рус тили орқали таржима қилинган эди.

Мустақиллик шарофати билан Навоий асарларини хорижий тилларга, жумладан инглиз тилига таржима қилиш жараёни бошланди. Самарқанд давлат чет тиллар институтининг катта ўқитувчиси, ҳозирги кунда нафақадаги Динара Султонова кўзга кўринган ўзбек шоирларнинг асарларини ўзбек тилидан бевосита инглиз тилига таржима қилиб, бир нечта рисола чоп эттирди. 2015 йилда унинг “Алишер Навоий ғазалидан сайланмалар” рисоласи чоп этилди. Бундан ташқари, Тошкент шарқшунослик институтининг таржима кафедрасида фаолият олиб бораётган доцент Бегойим Холбекова айни кунда ҳам ўзбек шоирлари асарларини ва Навоий ғазалларини ўзбек тилига бевосита таржима қилиб, рисолалар чиқарди. Унинг сўнгги рисоласи Эркин Воҳидовнинг машҳур шеърларининг инглизча таржимасидан ташкил топган.

Таржимашунослик билан бир қаторда луғатшунослик ҳамда таҳрир ишларига ҳам алоҳида эътибор берилиши лозим. Қилинган таржималар экспертизадан ўтиши, таҳлил этилиши ҳамда шу кунларда оқсаётган таржима танқиди йўлга қўйилиши лозим. Бунинг учун халқаро таржима фдерацияси билан алоқаларни кучайтириш, бу ташкилотга Республикамизнинг аъзо бўлишини таъминлаш лозим бўлади. Республикада таржима муаммолари бўйича илмий-амалий конференциялар, семинарлар, форум ва бошқа турдаги учрашувларни ўтказиб туриш мақсадга мувофиқ бўлади ва биз олдимизга қўйган масалаларни ижобий ҳал этилишига замин яратади.

АЛИШЕР НАВОИЙ АСАРЛАРИ ТАРЖИМАШУНОС ҒАЙБУЛЛА САЛОМОВ ИЖОДИДА

Хайрулла Ҳамидов
(ТошДШИ)

Алишер Навоий асарларининг дунё тилларига таржималари билан боғлиқ тадқиқотлар ўзбек таржимашунослик фани асосчиси, профессор Ғайбулла Саломов ижодида ҳам ўз аксини топган. Олимнинг барча илмий асарлари, монография ва ўқув дарсликларида Навоий асарларининг рус ва бошқа тилларга қилинган таржималари чуқур таҳлилга тортилган, десак хато бўлмайди. Навоий асарлари таржималари хусусида ўта қимматли фикрлар билдирилган шундай китоблардан бири "Таржима назариясига кириш" ҳисобланади.

Китобда муаллиф "Буюк сўз усталари – Алишер Навоий, Шекспир, Гёте, Бальзак, Пушкин, Лев Толстой, Тагор ва бошқа кўплаб қалам соҳибларининг асарлари маданий дунёнинг қарийб барча тараққий этган адабий тилларига таржима қилинган"[1]лигига алоҳида урғу бериб, бу даҳо шоирнинг асарлари жаҳон тилларига қайта-қайта таржима қилиниши туфайли Ер юзининг турли қитъаларида асрлар давомида билим ва маърифат манбаи бўлиб хизмат қилиб келаётгани, XX асрнинг 80-йилларига қадар 17 тилда 87 марта жами 979 минг нусхада чоп этилганини айтади[2].

Олим ушбу китобда Навоий асарларини эски ўзбек тилидан бу тилни билмаган ҳолда "воситачи" – русча таглама (подстрочник) воситасида олмончага таржима қилган ва "Асарнинг асл нусхасини биладиган эътиборли кишиларнинг фикрига қараганда, мен ишни уддалабман!" – дея "қўлини кўксига урган" олмон таржимони Алфред Курелла номини фахр билан тилга олади ва ижодкорнинг шоир яшаган даврни қунт билан ўргангани, бу даврни тасвирловчи расмларни тўплаб, бошқа манбаларга ҳам мурожаат қилган ҳолда асл нусха ичига кириб боришга муяссар бўлгани, асарларнинг мусиқий жарангдорлигини ҳис қилиш учун бир неча соат мобайнида ғазалларни ҳатто Ғ.Ғуломдан овоз чиқариб ўқишини илтимос қилганини айтади[3].

"Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" достонини рус тилига ағдариш учун таржимон қанча сўз билиши керак?" – дейди Ғ.Саломов ва саволга ўзи шундай жавоб беради: "Бу таржималарда қўлланилган сўзларнинг сони ҳисоблаб чиқилгани йўқ ва бунинг ҳисобига етиш ҳам амри маҳол. Таржима – миқдорий тушунча, ҳисоб-китоб иши эмас, балки сифат муаммосидир. Бундан ташқари, "Лисон ут-тайр"даги аллақанча сўзни ҳозир рус таржимони тугул, кўпчилик ўзбек китобхонлари ҳам "таржимасиз" тушунмайдилар"[4].

"Таржима назариясига кириш" китобининг бешдан бир қисми Навоий асарларининг таржималари масалаларига бағишлангани, олиб борган чуқур таҳлиллари Ғайбулла Саломовнинг нафақат кучли таржимашунос олим, балки юксак билимга эга бўлган навоийшунос олим эканлигидан далолат беради[5].

---

1 Salomov G'aybulla, Tarjima nazariyasiga kirish (darslik). X.Hamidov qayta nashrga tayyorlagan. –Toshkent: ToshDShI nashri, 2016. 10-bet.

2 Ўша асар, 14-bet.

3 Ўша асар, 69-bet.

4 Ўша асар, 80-bet.

5 Қаранг: Salomov G'aybulla, Tarjima nazariyasiga kirish, darslik, X.Hamidov qayta nashrga tayyorlagan. –Toshkent: ToshDShI nashri, 2016, 89-95-бетлар.

Ғ.Саломовнинг энг йирик фундаментал тадқиқоти саналган “Тил ва таржима”[1] асари, “Адабий анъана ва бадиий таржима”[2] ва “Таржима назарияси асослари”[3] китобларининг салмоқли қисми ҳам Алишер Навоий асарлари таржимаси масалаларига бағишланган.

Олим таҳлилга тортган қуйидаги мисраларга эътибор қилайлик:

Э нигоро, кўзларингдек кўз қани,
Йиғлабон ҳажрингда оқди кўз қони.
Телмурибон йўлингга эй, бағри тош,
Интизорингда оқибдир кўз, қани?[4]

С. Иванов таржимаси:

Никто таких, как у тебя, ввек не имел очей,
Мир без тебя исполнен слёз, обид и мелочей,
Жестокая, когда в тоске я выплакал глаза,
Любимый образ пред собою ты имела чей? [5]

Жами 17, такрорланиб келганларидан ташқари, 13 та сўздан иборат бўлган асл нусханинг таржимада 24 га 21 нисбатида ўзгарганига урғу берган олим русча таржимада Навоий матнида мавжуд бўлмаган аллақанча сўзлар қўшилганини таъкидлайди[6].

Навоий қаламига мансуб бу мисралар ва таржимасининг Ғ.Саломов таҳлилида бир неча саҳифани эгаллагани олимнинг фавқулодда истеъдодидан далолат беради. Бундай мисоллардан юзлаб келтириш мумкин.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Алишер Навоий асарларининг таржимашунослик нуқтаи назаридан тадқиқ этилиши ўта муҳимдир. Таржимашуносликда, хусусан, ўзбек таржимашунос олимлари томонидан бугунгача амалга оширилган тадқиқотларни бир сира кўздан кечириш, яхшиларини тарғиб қилиш, шу кунларда нашр этилаётган таржималарни танқидий кўриб чиқиш буюк бобокалонимиз яратган дурдоналарнинг дунё адабиёт аҳлига сифатли савияда етказиб беришда муҳим омил бўлади, деб ўйлаймиз.

“ЎЗБЕК АДАБИЁТИ НАМУНАЛАРИ” МАЖМУАСИДА “МЕЗОН УЛ-АВЗОН”ДАН ПАРЧАЛАР

Орзигул Ҳамроева
(ТошДЎТАУ)

Йирик адабиётшунос олим Абдурауф Фитрат “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида Алишер Навоий лирикаси, насрий, илмий, тарихий асарларидан тортиб достонлар матни учун кенг ўрин ажратиб, улар устида жиддий тадқиқотлар олиб борган. Фитрат мажмуада асарлардан парча келтирибгина қолмай, матндаги изоҳталаб сўзларни изоҳлашга, шарҳлашга, мавжуд манбалардаги турли шакллари билан солиштириб, асл матнни тиклашга ҳаракат қилган.

1 Саломов Ғ., Тил ва таржима. –Т.: Фан, 1966.
2 Саломов. Ғ. Адабий анъана ва бадиий таржима. –Т.: Фан, 1980.
3 Саломов Ғ., Таржима назарияси асослари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1983.
4 Навоий. Рубоий ва туюқлар. –Тошкент, 1944, 53-бет.
5 Навоий. Стихотворения и поэма. –М. –Л., 1965, с. 233.
6 Саломов Ғ., Таржима назарияси асослари. –Т.: “Ўқитувчи”, 1983, 90-б.

“Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида келтирилган ана шундай манбалардан бири Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари бўлиб, олим ўзининг адабиёт назарияси ҳамда аруз илмига бағишланган бир қатор мақола ва илмий асарларида бу асарга кўп бора мурожаат қилган. Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асари МАТнинг 16-жилдидан ўрин олган бўлиб, бу нашр навоийшунос олима С.Ғаниева томонидан амалга оширилган. Фитратнинг “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида келтирилган матн ҳамда ушбу манбадаги матнни солиштирганда, бу икки матн ўртасидаги бир бир қанча лексик, морфологик, фонетик фарқларни кузатдик. Фитрат мажмуа учун илк матн сифатида “Мезон ул-авзон” асарининг бошланғичидаги Навоийнинг ўзи ҳақидаги фикр-мулоҳазалари акс этган парчаларни танлайди. Мажмуадаги парчаларга олим айнан “Ўзи ҳақида” деб сарлавҳа қўйган. Ундан сўнг “турклар орасидаги турли “қўшиқ”ларни ҳикоя қилувчи” парчалардан намуналар келтиради[1]. Бу намуналар Навоий МАТ даги матнда “Басити мусаммани солим” сарлавҳаси остида берилган. Бу икки манба матнларни солиштириш асносида матнлар ўртасида қуйидаги фарқли ҳолатлар кўзга ташланди:

1. Навоий МАТ нинг 16-жилдида келтирилган байтларнинг рукнлари қўйилган. “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида эса мисралар рукнсиз келтирилган. Манбалар ўртасидаги бу фарқли ҳолатни Фитрат мажмуасини кенг китобхонга мўлжаллагани билан изоҳлаш мумкин. Мажмуада:

Ваҳки, ул ой ҳасарти-ю, дард-у, доғи фурқати
Ҳам эрур жонимға ўт-у ҳам ҳаётим офати[2]

Алишер Навоий МАТ да:

Ваҳки, ул ой ҳасарти-ю, дард-у, доғи фурқати
Ҳам эрур жонимға ўт-у ҳам ҳаётим офати[3]

Фоилотун фоилон фоилотун фоилун

2. Баъзи бир ўринларда, хусусан, вазнлар номининг келтирилишида сўзларнинг ўрин алмашиш ҳамда қисқартирилиш ҳолати учрайди. Бу ҳолат, айниқса, “Ўзбек адабиёти намуналари” мажмуасида келтирилган парчаларда кўп учрайди. Олим матннинг баъзи ўринларини ёд тарзда келтиргани боис ҳам бу каби чалкашликларни кузатиш мумкин. Мажмуада:

Ул вазн мусаддаси рамали мақсур (мусаддаси мақсур)дур... Ва ул суруд аъробнинг тева сура “ҳуда”лари вазни билан жадид мусаммани солим бўлубдур.[4]

Алишер Навоий МАТ да:

Ул вазн рамали мусаддаси мақсурдир, мундоқким... Ва ул суруд аъробининг тева сура “ҳуди”лари вазни билан мадиди мусаммани солимда воқеъ бўлур анинг асли бу наъвдурким.[5]

3. Баъзи ўринларда матнларда лексик фарқ: сўзлар ўртасидаги фарқли ҳолатни ҳам кузатиш мумкин. Фитрат мажмуасида “Ёлабмудур” тажнисли туюқнинг 3-мисраси:

Жонима пайваста ўқин отғали[6]

шаклида келса, Навоий МАТ да шу мисрадаги “*ўқин*” сўзи ўрнида “*новак*” сўзи келади. Бу ҳолат ҳам олимнинг мажмуадаги матнларнинг аксариятини ёд ҳолда келтирганидан дарак беради. Фитрат бу мажмуани кенг китобхон оммасига тақдим қилишни мақсад қилгани боис ҳам халқ

1 Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. –Т., “Мумтоз сўз”., 2013, Б-249 (Нашрга тайёрловчи: Ҳамроева О)
2 Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. –Т., “Мумтоз сўз”., 2013, Б-249 (Нашрга тайёрловчи: Ҳамроева О)
3 Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ 16-жилд, -Т:, Фан, 2000, -Б-92
4 Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. –Т., “Мумтоз сўз”., 2013, Б-249 (Нашрга тайёрловчи: Ҳамроева О)
5 Алишер Навоий. Мезон ул-авзон. МАТ 16-жилд, -Т:, Фан, 2000, -Б-92
6 Фитрат. Ўзбек адабиёти намуналари. –Т., “Мумтоз сўз”., 2013, Б-249 (Нашрга тайёрловчи: Ҳамроева О)

орасида машҳур, ёд бўлиб кетган парчаларни танлаган. Шунинг учун бўлса керак матнлар орасидан энг керакли ўринларини, шоҳбайтларни саралаб олган. Бу ҳолат айни Алишер Навоийнинг “Мезон ул-авзон” асаридан келтирилган парчаларда ҳам кўзга ташланади. Муҳими, матншунос олим мажмуа таркибидаги матнларни шунчаки бериб ўтмай, матндаги ҳам бир сўз устида матний тадқиқни амалга оширган.

АБДИБЕК ШЕРОЗИЙ ВА XVI АСРДА ХАМСАНАВИСЛИК ТАРАҚҚИЁТИ

Собиржон Тоҳиров
(СамДУ)

Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомийдан кейин хамсанавислик анъанасининг давом этиши, тараққиётига муносиб ҳисса қўшган ижодкорлардан бири сафавийлар, хусусан, Шоҳ Таҳмасп даврида яшаб, Абдий ва Навидий тахаллуслари билан ижод этган форсийзабош шоир Абдибек Шерозийдир. XVI аср форс-тожик адабиётининг йирик намояндаларидан бири бўлган Хожа Зайнулобиддин Али Абдибек Шерозий ҳижрий 921 йилнинг ражаб ойи 9-санасида (1515 йил 19-август) Шерозда таваллуд топган. Унинг таржимаи ҳолига оид маълумотлар унчалик кўп эмас. Шоирнинг ўз асарларида, Сом Мирзонинг «Туҳфайи Сомий», Лутф Алибек Озарнинг «Оташкадаи Озарий», Исо Зиёйининг «Тазкираи Зиёйи», Мирзо Ҳасан Фасойининг «Форсномаи Носирий», Шамсиддин Сомийнинг «Қомус ул-аълом» асарларида Абдибек Шерозийнинг шахсияти ва адабий меросига оид мухтасар маълумотлар сақланган.

Илмий манбаларда қайд этилишича, Абдибек 10 минг байт ҳажмга эга бўлган учта шеърий девон яратган [1. 7]. Бироқ шоирнинг лирик меросидан турли манбаларга киритилган айрим шеърларигина бизгача етиб келган.

Абдибек шерозий Шарқ маснавийнавислиги тараққиётига, хусусан, хамсанавислик анъанаси ривожига ўзига хос ҳисса қўшган ижодкордир. У жами ўн бешта маснавийни ўз ичига оладиган учта «Хамса» яратган. Эътиборли томони шундаки, ўзининг дастлабки икки «Хамса»сини алоҳида китоб ҳолида «Хамсатайн» номи билан кўчиртирган. Маълумки, бу ном билан Шарқда Низомий Ганжавий ва Амир Хусрав Деҳлавий «Хамса»лари шуҳрат қозонган эди.

Абдибек Шерозийнинг «Хамса»лари қуйидаги маснавийлардан таркиб топган.

Биринчи «Хамса»: «Мазҳар ул-асрор», «Жоми Жамшедий», «Мажнун ва Лайли», «Ҳафт ахтар», «Оини Искандарий».

Иккинчи «Хамса»: «Жавҳари фард», «Дафтари дард», «Фирдавс ул-орифин», «Анвори тажалли», «Хазоини малакут».

Учинчи «Хамса»: «Равзат ас-сифот», «Давхат ал-азҳор», «Жаннат ал-асмор», «Зийнат ал-авроқ», «Саҳифат ал-ихлос» [1. 8].

Эътибор қаратадиган бўлсак, Абдийнинг фақат дастлабки «Хамса»си анъанавий хамсанавислик мезон ва талаблари асосида яратилган. Бироқ бунда ҳам анъанага нисбатан айрим тафовутлар кўзга ташланади.

Шоир Хусрав Ширин ва Фарҳод ҳақидаги сюжет ўрнида, Шоҳ Жамшид ва Дилора ҳақидаги ишқий романтик сюжетдан фойдаланади.

Абдибек Шерозий «Хамса»си таркибидаги достонларнинг яратилиш хронологисига эътибор қаратадиган бўлсак, ўзгача бир манзаранинг гувоҳи бўламиз:

1. “Жоми Жамшидий” (анъанага кўра иккинчи достон) ҳижрий 943 (1536-37) йилда ёзилган.
2. “Ҳафт ахтар” (анъанага кўра тўртинчи достон) ҳижрий 946 (1539-40) йилда ёзилган.
3. «Мажнун ва Лайли» (анъанага кўра учинчи достон) ҳижрий 947 (1540-41) йилда ёзилган.

4. «Мазҳар ул-асрор» (анъанага кўра биринчи достон) ҳижрий 948 (1541-42) йилда ёзилган.

5. «Оини Искандарий» (анъанага кўра бешинчи достон) ҳижрий 950 (1543-44) йилда ёзилган.

Маълум бўладики, Абдий дастлаб «Жоми Жамшидий» номли алоҳида достон яратган. “Хамса” яратиш фикри унда кейинчалик туғилган бўлиши мумкин.

Абдибек Шерозийнинг илк “Хамса”си таркибидаги тўртта достон (“Жоми Жамшидий” дан ташқари)нинг танқидий матнлари озарбайжонлик шарқшунос олим Абулфазл Раҳимов томонидан нашр эттирилган.

Шоир достонларнинг нафақат мазмуни, балки композициясини ҳам тубдан ўзгартиришга интилган. Жумладан, Шоҳ Баҳром ҳақидаги анъанавий сюжет асосида яратилган “Ҳафт ахтар” (“Етти юлдуз”) достонида ҳикоятлар одатдагидек шанба куни қора қасрдан эмас, якшанба куни сариқ қасрдан Хуросон шоҳининг қизи ҳикоясидан бошланади [2]. Бу бир қарашда жиддий аҳамиятга молик бўлмагандек кўриниши мумкин. Бироқ анъанага кўра ҳикоятларнинг қора қасрдан бошлаб оқ рангга довур ўзгариши, ёришиб бориши кўпгина олимларнинг фикрича, уларнинг мазмунига таъсир этади. Е.Э.Бертельс Низомий Ганжавийнинг “Ҳафт пайкар” достонидаги ҳикоятлар ҳақида шундай ёзади: “...в соответствии с переходом от чёрного к белому, грубая чувственность постепенно сменяется в нём просветлённой гармоничной любовью” (Қора рангдан оққа ўтиш баробарида (ҳикоятларда) кўпол ҳирс ўрнини нифис муҳаббат эгаллайди) [3. 326]. Бу асарда эса манзара тамоман ўзгача, яъни қасрлар сариқ рангдан бошланиб, қора билан тугайди.

Биринчи ҳикоят Хуросон шоҳининг қизи, оқ қасрдаги олтинчи ҳикоят Самарқанд шоҳининг қизи тилидан ҳикоя қилиниши муаллифнинг Моваройуннаҳр ва Хуросон маданияти, илм-фан ва адабиётига алоҳида меҳр билан қараганлигидан далолат беради.

Шоирнинг деярли барча достонларида Низомий Ганжавий, Амир Хусрав Деҳлавий, Абдураҳмон Жомий, баъзи асарларида Абдуллоҳ Ҳотифий каби хамсанавис шоирларга юксак эҳтиром кўрсатилади. Шу билан бирга, унинг асарларида Алишер Навоий шахсияти ва ижодига ҳам мурожаат этилганлиги эътиборга лойиқ ҳолатдир.

У ўз салафлари ҳақида шундай ёзади:

Фиристам сўйи Ганжа назми жонбахш,
Шавам аз вай Низомийро равонбахш.

Шавам з-ин форси назми диловез,
Ба тўтиҳойи Ҳиндистон шакаррез.

Ба Деҳли з-ин ҳадиси чобуки нав,
Шавам инсофгир аз руҳи Хусрав.

Кунам Шерозро хуррам дигар бор,
Ки омад Саъдийи сони багуфтор.

Басони Ҳофиз аз назми дилафрўз,
Лисон ул-ғайб дорад Абди имрўз.

Хуросонро ки гулзори маъонист,
Зи Шероз ин нав оин армуғонист. [1. 4]

Ганжага жонбахш шеър (назм) жўнатдим, бу билан гўё Низомийни қайта тирилтирдим. Кўнгилга фараҳ бағишловчи шеърлар билан ҳинд тўтиларига шакар ато этдим. Бундай жозибадор ва янгича сўзлар билан Деҳлида Хусрав (Деҳлавий) мақтовига сазовор бўлсам (ажаб эмас). Шероз халқини яна хушнуд этдим, зеро иккинчи Саъдий дунёга келди. Ҳофиз шеърлари каби кўнгилни ёри-

тувчи назми билан Абди бугунда «лисон ул-ғайб» - ғайб тили (Ҳофизга нисбатан ишлатиладиган таъриф)га эга. Бу (асарлар) маънолар гулзори бўлган Хуросонга ҳам туҳфадир.

Ушбу мисралар ҳам шоир ижодий маҳоратининг шаклланишида Хуросон адабий муҳитининг таъсири ката бўлганлигини кўрсатади.

«Мазҳар ул-асрор» («Сирларнинг намоён бўлиши») достони Низомий Ганжавийнинг "Махзан ул-асрор" достонига ёзилган кўп сонли назиралардан биридир. Достон анъанавий тарзда муқаддима ва хотима бобларидан ташқари йигирмата ҳикоят илова қилинган йигирмата мақолатдан ташкил топган. Асарнинг ўн бешинчи мақолоти илм ва жоҳиллик ҳақида бўлиб, унга Шайбонийхоннинг Хуросонни қўлга киритганлиги ҳақидаги ҳикоят илова қилинади.

Ҳикоятда айтилишича, Муҳаммад Шайбонийхон Хуросон ва Ҳиротни қўлга киритиб, Султон Ҳусайн тахтига ўтиргач, Ҳиротнинг энг моҳир ҳунар эгалари, олимлари, шоирлари асарларини олиб келишни буюрди. Хаттотлар султони Султон Али Машҳадийнинг китобатлари, Камолиддин Беҳзоднинг суратлари ҳамда Алишер Навоийнинг асарларини унга олиб келишади. Бироқ у дунё маданиятининг дурдона асарларига қалам теккизиш, ислоҳ қилишга киришади:

Шеъри Навоий чу расиди ба гўш,
Хости аз таъна зи жонаш хурўш.
Навоийнинг шеърлари қулоғига етгач, таънадан жонига изтироб солди.

Кардааш ислоҳ дар он анжуман,
Сохтааш чун сухани хештан.
У анжуманда, мажлисда (Навоий шеърларини) ислоҳ қилишга киришди. Бу билан у (Навоий шеърларини) ўзиникига ўхшатиб қўйди.

Ҳикоятда бир томондан Шайбонийхон жоҳил ҳукмдор сифатида талқин қилинган бўлса (Абдибек Шерозий сафавийлар саройида хизмат қилганлигини инобатга олганда, буни одатий ҳол сифатида қабул қилиш мумкин), иккинчи томондан Алишер Навоийнинг туркий шеъриятда тенгсиз ижодкор эканлиги эътироф этилади. Бу борада, айниқса, шоирнинг хулосаси эътиборга молик:

Зоғ чу дар боғ барорад хурўш,
Нағмаи булбул натавон кард гўш. [4. 141]
Зоғ боғда қичқиришни бошласа, булбул навосини эшита олмайди.

Навоий шеъриятининг булбул навосига қиёсланиши бежиз эмас, албатта. Мазкур эътироф икки жиҳатдан аҳамият касб этади. Биринчидан, бу мисралар Алишер Навоий истеъдоди, ижодий маҳорати нафақат туркийзабон, балки форсийзабон халқлар орасида ҳам XVI асрдаёқ ката шуҳрат таратганлигига яна бир далил. Иккинчидан, Абдибек Шерозий Алишер Навоий ижоди билан яхши таниш бўлиб, ўз «Хамса»сини яратишда Низомий, Амир Хусрав, Жомий, Ҳотифий асарлари сингари Алишер Навоий «Хамса»сидан ҳам маълум даражада илҳомланган. Бу эса унинг достонларини Алишер Навоий асарлари билан қиёсан ўрганиш эҳтиёжини туғдиради. Ҳозирга қадар яратилган тадқиқотларда бу нарса кўзга ташланмайди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Рагимов А. Жизнь и творчества Абди-бека Ширази // Абди-бек Ширази. Маджнун и Лайли. – М.: Наука, 1966. С.3-24.
2. Абди-бек Ширази. Хафт ахтар (Подгатовка текста А.Г.Рагимова).- М.: Наука, 1974.
3. Бертельс Е.Э. Избранные труды. Низами и Фузули. – М.: Издательство Восточной литературы,1962.
4. Абди-бек Ширази. Мазхар ал-асрар (Составление текста и предисловие А.Г.Рагимова). – М.: Наука, 1986.
5. Абди-бек Ширази. Маджнун и Лайли (Критический текст и предисловие А.Рагимова). – М.: Наука, 1966.

М У Н Д А Р И Ж А

Шуҳрат Сирожиддинов. Навоийни англаш – ўзликка қайтиш демакдир 3

I. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ ИЛМИЙ МЕРОСИ ВА МАТНШУНОСЛИК МАСАЛАЛАРИ

Муҳаммаджон Имомназаров. Алишер Навоий лирик мероси матншунослигининг долзарб масалалари 6
Қосимжон Содиқов. “Муҳокамату-л-луғатайн” асарининг қўлёзмаларини чоғиштирма ўрганиш масаласи 11
Иброҳим Йўлдошев. Навоий васфида қалам 15
Афтондил Эркинов. Алишер Навоий “Хазойин ул-маоний”си ва унинг протодевони масаласи (Машҳадий қўлёзмаси асосида, 898/1492-93 йил) 19
Юсуф Турсунов. “Муҳокамат ул-луғатайн” танқидий матнини тузиш йўлида 38
Абдуллатиф Турдиалиев. Қўқон адабиёти музейи хазинасида сақланаётган Алишер Навоий асарларининг қўлёзмалари 41
Рашид Зоҳидов. Матнга кириш иштиёқи 45
Отабек Жўрабоев. Навоий девонларининг Қўқон қўлёзмалари ва уларнинг матнига доир 47
Авазбек Воҳидов. Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асаридаги тасаввуф терминларининг лексик-семантик таснифи 50
Дилнавоз Юсупова. “Наводир ун-ниҳоя” фақат ғазаллардан иборат девонми? 54

II. АЛИШЕР НАВОИЙНИНГ АДАБИЙ МЕРОСИ ВА ТАРЖИМАИ ҲОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ МАСАЛАЛАР

Шуҳрат Сирожиддинов. Алишер Навоий талқинида инсон фалсафаси 61
Муслиҳиддин Муҳиддинов. Одамийлик таърифи 65
Нурбой Жабборов. Алишер Навоийнинг тарбияга доир қарашлари 69
Benedek Peri. The influence of mīr ʿalī-ǰīr navāyī’s persian poetry on the ghazals of the ottoman sultan selim I (1512–1520) 74
Dr. Marc Toutant. Nawā’ī’skhamsa in the light of timurid cultural policies 80
Дилором Салоҳий. Навоий шеъриятида бадиий маҳорат масалалари 85
Нусратулло Жўмахўжа. “...Ул сарви гулрў келмади” ғазали таҳлилларининг тадқиқи 90
Омонулла Мадаев. Дардли мисралар соҳиби 101
Узоқ Жўрақулов. “Фарҳод ва Ширин”да денгиз хронотопи 106
Каромат Муллахўжаева. Поэтик образ ифодасида анъана ва ўзига хослик 110
Зуҳра Мамадалиева. Искандар образига Навоий ва унинг салафлари муносабати 113
Абдулҳамид Қурбонов. «Хамса» сарлавҳаларида муаммо санъати 115

III. ТИЛШУНОСЛИК, УСЛУБИЯТ ВА АДАБИЙ ТАЪСИР МАСАЛАЛАРИ

Каримбой Қурамбоев. Алишер Навоий ва қорақалпоқ адабиёти 120
Бахтиёр Менглиев. Маърифий адабиёт – мақсадга эришиш методологияси 126
Аҳадхон Муҳаммадиев. XIX аср Қўқон адабий муҳитида анъанавийлик ва ижодий ўзига хослик 128
Баҳриддин Умурзоқов. Алишер Навоий ва Фахриддин Али Сафий 130

IV. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИНГ ЖАҲОН ТАМАДДУНИДАГИ ЎРНИ, ШОИР АСАРЛАРИНИ ХОРИЖИЙ ТИЛЛАРГА ТАРЖИМА ҚИЛИШ МАСАЛАЛАРИ

Насимхон Раҳмонов. Тарихий шахслар ва давлатчилик ғояси 133
Ҳамидулла Болтабоев. “Мажолис ун-нафоис”нинг турк тазкирачилигига таъсири ва Францияда биографик жанрнинг шаклланиши 137
Муҳаммаджон Холбеков. Ҳазрат Навоий мероси Францияда (таржима ва танқид муаммолари) 141
Эргаш Очилов. Навоий асарларининг жаҳон тилларига таржималари 148
Гулноз Одилова. Жаҳон тамаддунининг тамал тоши 155
Шаҳноза Мадаева. Алишер Навоий “Сабъаи сайёр” асарининг онтологик моҳияти 160
Зулхумор Мирзаева. Эдворт Олворт – навоийшунос 163
Гулноз Рўзматова. Алишер Навоий ва Эрих Фромм фалсафасида муҳаббат мавзуси 166

V. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИНИ ЎҚИТИШ МУАММОЛАРИ

Боқижон Тўхлиев. Алишер Навоий асарларининг таҳлил методикаси муаммолари 171
Азамат Акбаров. Алишер Навоийнинг педагогик мероси ва Уильям Шекспир трагедияларидаги етакчилик масалалари 175

VI. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ЗАМОНАВИЙ АДАБИЁТШУНОСЛИК

Наим Каримов. Улуғ шоир ҳақидаги асар 181
Аҳмаджон Қуронбеков. Мустақиллик даврида навоийшуносликда қилинган ишлар кўлами ва ечимини кутаётган муаммолар 185
Баҳодир Каримов. XX асрнинг 20-йиллар навоийшунослиги ҳақида айрим мулоҳазалар 189
Гулбаҳор Ашурова. Истиқлол даври ўзбек шеъриятида Алишер Навоий образининг поэтик талқинлари 196

VII. АЛИШЕР НАВОИЙ ИЖОДИ ВА ЎЗБЕК ТИЛШУНОСЛИГИ

Абдулҳай Собиров. Сўз ганжинасининг забардаст хазинабони 200
Зулхумор Холманова. Алишер Навоийнинг тил ва маданият муносабатларига доир қарашлари 203
А. Мамажонов. Алишер Навоий – йирик тилшунос олим 206
Иномжон Азимов. Тил ва миллатимиз фидоийлари 208
Усмон Санақулов. Тилшунослик илмида Навоийнинг назарий қарашлари талқини 211
Ҳамидулла Дадабоев. Алишер Навоий – сўз соҳири 214
Бахтиёр Абдушукуров. Алишер Навоий асарларидаги зоонимлар 217
Дурдона Лутфуллаева. Алишер Навоий шеърий матнларининг ассоциатив таҳлили 221
И. Мадраҳимов. Навоий ва тилшунослик 225
Ш. Искандарова. Алишер Навоийнинг сўздан фойдаланиш маҳорати хусусида 228

ТЕЗИСЛАР

ТИЛШУНОСЛИК

Замира Джурабаева. “Лисон ут-тайр” достонида зоонимларнинг қўлланилиши 233
Комил Жалилов. Ўқувчиларни навоий асарларини тушунишга тайёрлаш стратегиялари 234

Гавҳар Комилова. Алишер Навоийнинг “Муҳокамат ул-луғатайн” асаридаги лингвистик қарашлар 236
Ёрқиной Насирдинова. Ҳазрат Навоий муаммолари француз тилида 238
Султон Нормаматов. Алишер Навоий асарлари ва луғатчилик анъанаси 240
Баҳриддин Салимов. Алишер Навоий ижодида ёшларнинг маънавий тарбиясининг ифодаланиши 242
Камолиддин Умаров. Навоий ва жаҳон алломаларининг нигоҳида она тили муҳофазаси масаласи 243
Муштарий Холмурадова. Юсуф Хос Ҳожиб ва Алишер Навоийнинг тил имкониятларидан фойдаланиш маҳорати 245
Барно Қодирова. Алишер Навоий асарларидаги шахс феъл-атворини ифодаловчи лексемалар 246
Сайёра Қурбонова. “Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асарида *ва* боғловчисининг қўлланилиши 248

АДАБИЁТШУНОСЛИК

Суннат Абдунабиев. Ойбекнинг «Навоий» романи таржимаси ҳақида 250
Шермуҳаммад Амонов. Навоий ва Ҳамза: адабий таъсир масаласи 251
Манзура Асқарова. Юсуф Четиндоғ – Алишер Навоий тадқиқотчиси 252
Абдулла Аҳмедов. Навоий ва Хоразм 254
Ҳайитгул Аққулова. Навоий ижодида адолат талқинига доир айрим мулоҳазалар 256
Шоира Дониярова. Навоий сиймоси замонавий талқинда 259
Абдумалиқ Ёқубов. Навоийнинг Нақшбандни тушуниши 260
Ислом Ёқубов. Навоий сиймоси Ойбек талқинида 262
Матлуба Жабборова. “Тарихи мулуки ажам”да Жамшид тимсоли 265
Лайло Жўраева. Алишер Навоий меросида най чолғусининг таърифи 267
Ҳуснигул Жўраева. Қўлёзмаларда Ҳусайний ижодиёти 269
Парвиз Иззатиллаев. Навоийнинг “Хазойин ул-маоний”га кирмаган ғазалларининг бадийяти 271
Лутфулла Илҳомжонов. Ғафур Ғулом ва Навоий 272
Файзулла Искандаров. Алишер Навоий асарларидаги наътлар хусусида 274
Илёс Исмоилов. Алишер Навоийнинг “Садди Искандарий” достони сюжети манбалари 276
Саодат Қамбарова. Адабиёт дарсларида Навоийнинг эпистоляр мероси таҳлили 277
Э.М. Кенжаев, А. Қурбонов. Ҳусайн Бойқаро даврида ўзбек тили ва бадиий ижодга Алишер Навоийнинг таъсири 279
Соҳиба Мадиримова. Адл ила олам юзин обод қил 281
Назмия Муҳитдинова. Алишер Навоий халафлари ижодида ошиқона шеърият камолоти (Муҳаммад Ғозий ижоди мисолида) 281
Урал Норматов. Навоий насрида шеърий парчаларнинг ўрни (“Ҳолоти Саййид Ҳасан Ардашер” асари мисолида) 283
Муқаддас Оқмаматова. Навоий туюқлари 284
Гулноз Рузматова. Алишер Навоий ва Абдураҳмон Жомий ўртасида чин дўстлик, устозлик муносабатлари 285
Дилнавоз Рузматова. Алишер Навоий ижодида инсон масаласи 286
Гулбаҳор Саидғаниева. Мустақиллик даври Қўқон адабий муҳитида Навоий ғазалларига тахмислар 288
Абдумурод Тилавов. Алишер Навоийнинг Усмонли шеъриятига таъсири 289
Озода Тожибоева. Насрий баённинг айрим хусусиятларига доир 291

Нилуфар Тошева. Алишер Навоий – халқпарвар шоир 292
Салимахон Файзиева. Алишер Навоий шеърлари меъморий эпиграфика сифатида (Аълохон Махдум жоме масжидидаги битиклар мисолида) 294
Гулноз Халлиева. Эдицион тадқиқ ва Навоий ижодиёти 295
Ж.И. Холмурадова. Феруз ижодида Алишер Навоий сиймоси 297
З.С. Шукурова. О звукоритмических концептах в эпических дастанах Алишера Навои 298
Ирода Эрназарова. "Насойим ул-муҳаббат"да маърифатли аёллар талқини 299
Гулнара Эшчанова. Алишер Навоийнинг портрет яратиш маҳорати 301
Шерхон Қораев. Олий мажлис – Ҳусайн Бойқаро саройидаги адабий йиғин 302
Носир Қамбаров. Алишер Навоийнинг "Лисон ут-тайр" асари насрий баёнининг инглизча таржимасига доир 304
Хайрулла Ҳамидов. Алишер Навоий асарлари таржимашунос Ғайбулла Саломов ижодида 306
Орзигул Ҳамроева. "Ўзбек адабиёти намуналари" мажмуасида "Мезон ул-авзон"дан парчалар 307
Собиржон Тоҳиров. Абдибек Шерозий ва XVI асрда хамсанавислик тараққиёти 309

Ўзбекистон Республикаси Олий ва
ўрта махсус таълим вазирлиги
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат
Ўзбек тили ва адабиёти университети

«АЛИШЕР НАВОИЙ ВА XXI АСР»

мавзуидаги Республика илмий-назарий

анжумани материаллари

Муҳаррир: Орзигул Ҳамроева
Мусаҳҳиҳ: Озода Тожибоева
Техник муҳаррир: Ботир Оқбўтаев
Саҳифаловчи: Улуғбек Саидов

«TAMADDUN» нашриёти. 100029.
Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Лицензия AI №247. 02.10.2013 йилда берилган.
Босишга рухсат этилди 02.02.2017 й. Бичими 84x108 1/16.
«Times» гарнитураси. Офсет усулида. Нашриёт босма табоғи 20. Адади 100 нусха.
Баҳоси келишилган нархда. 10-сонли буюртма.

«TURON-MATBAA» МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Тошкент, Олмазор тумани, Талабалар кўчаси, 2-уй.